

САИД АХМАД

танланган асарлар

Central Library (UWED)



00036266

I




САИД АҲМАД

*танланган  
асарлар*

*III жилдлик*

I  
ЖИЛД

ҲИҚОЯЛАР



«ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2000

Саид Аҳмад... Бу номни ўзбек китобхонига таништиришга, таъриф-тавсифлашга эҳтиёж сезмаймиз. Чунки бугунги кунда бирорта ўзбек хонадони йўқки, Саид Аҳмад китоблари кириб бормаган бўлса. Оқсоқол адиби-мизнинг ўткир мушоҳадага бой романлари, теран қиссалари, ажойиб сахна асарлари-ю, ичакузди хангомалари мана неча ўнлаб йиллардан буён халқимиз дилидан жой олган. Халқ ёзувчиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Саид Аҳмаднинг ушбу «Танланган асарлар»ига кирган ҳикоя, ҳажвлар, хотира ва адабий ўйлари сизга манзур бўлар деган умиддамиз.

**Саид Аҳмад.**

Танланган асарлар: III жилдлик. — Т.: Шарқ, 2000.  
Жилд I. Ҳикоялар. — 304 б.

Ўз 2

Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси — бу олий унвонлар Саид Аҳмаднинг эл-юрт олдидagi буюк хизматларининг халқ томонидан, давлат томонидан эътироф этилишидир. Чиндан ҳам жонажон Ўзбекистонимизда биронта туман, биронта шаҳар ёки кишлоқ йўқки, у ерда Саид Аҳмадни танимасин ва ҳурмат қилинмасин. Жуда кўпчилик унинг асарларини ўқиган, ўқимаган бўлса телевизор орқали унинг ҳажвиялари ва миниатюраларини кўриб маза қилган, унинг суҳбатларидан, ҳазил-мутоибаларидан, ижодкорга хос лутфларидан баҳра олган. Саид Аҳмад буларнинг барига ўзига хос, бетакрор, ёрқин истеъдоди туфайли, кўп йиллар мобайнида халққа қилган сидқидил меҳнати туфайли, қолаверса, юксак инсоний фазилатлари туфайли эришди. Саид Аҳмаднинг ижоди ўзбек адабиётининг XX аср иккинчи ярмида босиб ўтган анча машаққатли, анча мураккаб йўлини ўзида акс эттиради. Унинг сиймосида, тақдирини адабиётимизнинг ярим асрлик тарихи тажасум топган десак хато бўлмайдими.

Саид Аҳмад адабиётга уруш арафаларида кириб келди. Унинг «Тортиқ» деб аталган биринчи китоби хикоялар тўплами бўлиб, у шундан чиққанида Саид Аҳмад ҳали йиғирма ёнга ҳам тўлмаган эди. Муаллифи ёш бўлишига қарамасдан бу китобни мириқиб ўқиса бўларди. Кези келганда айтиб ўтай — бу юпқа китобчани мен ўша кезлардаёқ ўқиб чиққандим ва кейин авайлаб асраб юрардим. Нима ҳам бўлди-ю, 5—6 йил бурун шу китоб менда борлиги тўғрисида Саид Аҳмадга мақтаниб қолдим. Саид Аҳмаднинг ўзида бу китобни йўқ экан. «Берасан» деб ёнишиб олди. Афандига ўхшаб бермасликка кўп баҳона изладим. Эсингиздами — афандининг қимматбаҳо узуги бор экан. Бир дўсти сафарга кетаётиб ундан илтимос қилибди: «Шу узугингни менга берсанг. Мусофирчиликда ҳар гал узукни кўрганда сени эслаб юрардим». Афанди ўйлай-ўйлай жавоб беришти: «Кўй, дўстим, узук менга қолақолсин. Ҳар гал уни кўрганда, кадрдон дўстим сўраганида бермаган эдим, деб эслаб юраман». Мен афандиникига ўхшаган жавоб топиб беролмадим. Бундан ташқари, инсоф билан айтганда, ёзувчининг биринчи китоби ўзида бўлгани яхши-да! Хуллас, ўша кезларда бу китобдаги хикоялар менга ёккан эди — уларнинг ҳаммаси бир-биридан қулгилли, ҳазилга бой, кўнгличар эди. Мана, масалан, «Суюнчи» хикояси. Бир одамнинг хотини ҳомиладор бўлади. Бир кунги ишхонасида ишлаб ўтирса, жияни ҳовлиқиб келиб қолади: «Туғди! Суюнчи беринг, суюнчи! Туғди!» Бу хушхабарни эшитиб йиғит ҳовлиқиб қолади. Кечкурун бирга ишлайдиган уч-гўртга ўртоғини бошлаб, янги меҳмоннинг туғилганини нишонлагани уйга боради. Ўтириш

авжи кизиғида ййгит жиянига «Чакалокни олиб чиқ» дея буйрук беради. Жиян хам бир зумда буйрукни бажо келтиради — инкиллаб, синкиллаб бузокчани кўтариб чиқади. Маълум бўладики, сизгир тукқан экан. Жуда кулгили-да, тўғри эмасми? Бошқа хикоялар хам шунига ўхшаш воқеалар асосига қурилган, кизиқ-кизиқ мазмунга эга эди. Шундай деб ўйлаб юрганымда бирдан китобга Абдулла Қаххорнинг тақризи чиқиб колди-ку — унда жуда асосли далиллар келтирилиб, ёш ёзувчининг роса «пўстаги» кокилган эди. Китобда Абдулла Қаххорни раижитган асосий нарса — ёш ёзувчининг ўз касбига, сўз санъатига, ҳажвиётга енгил-елли карагани-ю, нима қилиб бўлса хам китобхонни қулдиришини асосий мақсад қилиб олгани бўлган эди. Тақризда ижодкорнинг китобхон олдидаги, қолаверса, Сўз олдидаги, ўзининг Истеъдоди олдидаги катта масъулияти хақида жуда теран ва салмоқли гаплар айтилган эди. Хатто ҳажвиётга мойил ёзувчи хам фақат қулдиришини ўйламай, китобхонга салмоқлироқ гаёсир кўрсатиш тўғрисида, тўлақонли инсон образини яратини хақида бош котирмоғи керак эди. Бугунги эркин эркин замонларда бундай талаб барибир ижодкорларга эриш туюлишини мумкин — ахир, буничи нимаси? Ижодкор олдида талаб кўйишига кимнинг хаёли сиғади? Ижод мутлако эркин бўлмоғи керак. Ижодкор хеч кимнинг кўрсатмасига мухтож эмас. Ижод кўнгил иши, ёзувчи хаёлига нима келса шуни ёзмоғи керак. Бу гаплар тўғри — ижод эркин бўлмоғи, хеч ким ижодкорнинг боши устида тегирмон тоши юрғизиб, камчинини қарсиллатиб турмаслик керак. Лекин масаланинг битта нозик жиҳати хам бор. Ўзининг эркинлигини даъво қиладиган ёзувчи китобхоннинг эркинлигини хам тан олмоғи керак. Ёзувчи ҳушига келган нарсени ёзишга хақли бўлса, китобхон хам ҳушига келган нарсени ўқишга хақли. Китобхонга эътиборсиз қарайдиган, унинг эҳтиёжига қарамайдиган, ундан ўзини баланд кўядиган ёзувчи ёзган нарсасини 5000 ёхуд 50000 нусхада босиб чиқаришини талаб қилмаслиги, буниги учун кимдир қалам хақи беришини талаб қилмаслиги керак. Абдулла Қаххорнинг шанаалоқдеккина тақризи ўша пайтдаёқ ёзувчи зиммасидаги ана шу оғир ва айни чоқда шарафли масъулият тўғрисида ўйлашга ундарди. Эҳтимолки, ҳудди шу тақриз Саид Ахмадни ўзи тўғрисида, ўзи танлаган йўл ҳусусида, китобхон кўнглини топиши, унинг учун фойдали асар яратини тўғрисида илк марта жилдий ўйлаб кўришга мажбур этган бўлиши мумкин. Лекин сирасини айтганда, Саид Ахмад зохиран караганда, сиртига сув юктирмайдиган одамга ўхшаб кўринарди. Хар холда, табиатан хушчақчақ одам бўлгани учун хар қандай танқиддан кейин хам кўп ўтмай яна аввалгидай хазилкаш, қувноқ бўлиб қолаверарди. Холбуки, у пайтларда партия «танқид — келажакнинг меваси» деган ширини кенг таркатган бўлса-да, танқидларнинг биров хаваф қиларлик сиёғи йўқ эди. Аксинча, танқиднинг Мункир-Накирнинг гурзисидан қолишмайидиган тўкмоғи бўлар ва бу тўкмоқ билан урганда одам нақ қулоғига ерга кириб кетишини хеч гап эмас эди. Шу муносабат билан бир воқеа эсимга тушди. Урушдан кейинги талабалик йилларида Ёзувчилар уюнимаси қошидаги адабиёт тўғарагига катнаб юрардик. Бир қуни унинг мажлисида Саид Ахмаднинг «Ошиқлар» деган пьесаси муҳокама қилинди. Пьесанинг мазмуни хозир аниқ эсимда йўқ. Лекин муҳокамада ёш ёзувчинини шунақа дўнпослашдики, унинг аъзойи баданида моматалоқ бўлмаган бирор соғ жоин

қолмаган бўлиши керак. Мажлисидаан кейин уч-тўрт киши Саид Аҳмад ака билан бирга ҳар доимдагидек гурунглашиб кетдик. Бирор гап билан таскин бериб, кўнглини кўтарайлик десак, Саид Аҳмад ака сира ҳам таскинга мухтож одамга ўхшамайди. «Э, қўяберинглар, — дейди у қувноқ оҳангда. — Танқид қилишса қилаверишсин. Аллақачон пулини олиб, еб бўлганман».

Лекин мен ўйлайманки, зоҳираи Саид Аҳмад ўша кезларда танқидга бепарводек кўринса-да, аслида у тўғрида ўйлаган ва кўн холларда ўзига тегишли хулосалар чиқариб юрган бўлиши керак. Чунки унинг кейинги ижодида адабиётга борган сари жиддий муносабатда бўлаётгани, аввалгига караганда чуқурроқ маъсулият билан қалам тебратгани яққол сезилиб туради. Бунга унинг устозлардан олган сабоғи ҳам яхши туртки берган бўлиши мумкин. Худди шу йилларда Саид Аҳмад икки забардаст ўзбек адабиётининг этагидан маҳкам тутди. Булар Абдулла Каххор ва Фафур Ғулумлар эди. Баъзан ўзи ишлаётган таҳририятларнинг топишириғини бажариш учун, баъзан эса бу санъаткорларнинг ижодига мафтунлиги сабаб бўлиб Саид Аҳмад тез-тез улар билан яқиндан мулоқотда бўлди. Кейинчалик унинг «Назм чорраҳаларида» деган китобига ва Абдулла Каххор ҳақидаги хотираларига караб ҳукм қиладиган бўлсак, Саид Аҳмад уларнинг теварағида шунчаки «топишириқни бажариб» гирдиқапалак бўлган эмас, балки уларнинг ижодий жараёнларини ич-ичидан зимдан кузатган, бу кузатиш оқибатида санъат асарининг туғилиши сирларини, асар устида ишлаш малакаларини ўрганган. Табиийки, ўтқир зехили, билимга чанқок, санъатга садоқатли шогирд учун бундай бебаҳо мактаб ҳеч қачон бекор кетмайди.

Ёш адабдаги ўзгаришлар унинг урушдан кейинги ижодида яққол кўрина бошлайди — унинг хикояларида лиризм кучаяди, тасвир аниқлашади, қаҳрамоннинг ички дунёсига, хис-туйғуларига эътибор ортади, оддий одамларнинг маънавий гўзаллигини, баркамоллигини тасвирлаш борган сари кенгрок ўрин ола бошлайди. Лекин шунга карамай, Саид Аҳмад ҳали ҳукмрон мафкура талаб қилган схемалар асоратидан буткул қутила олмайди, асарларида зўрма-зўраклик ёки юзакиликка ўрин беради. Масалан, «Қадрдон далалар» деган биринчи қиссасида бошдан-оёқ конфликтсизлик назарияси таъсирида қалам суради — адаб тасвирида урушдан кейинги колхоз ҳаёти ҳар қандай кийинчилик ва мураккабликдан холи тарзда кўрсатилган, колхоз партия ташиқлотининг котиби Пўлатжон қандай ишга қўл урмасин, ҳаммасини ҳамирдан қил суғургандек осон бажаради. Ёхуд хикояларидан бирида адаб ўша давр талабига бўйсуниб, совет кишинини бениҳоя фаол, партия ишига садоқатли қилиб тасвирлаш мақсадида ўта сунъийликка йўл қўяди — хикоя қаҳрамони сув тошқинида фарқ бўлаётган иккита кўйини қутқармоқ учун ўзини тўлқинлар қаърига отади. Атоқли қирғиз адаби Чингиз Айтматов ҳамкасаба дўстининг хикоясини танқид қилиб, «Бундай тасвирлашда инсон ҳаётининг баҳоси жуда пасайиб кетади-ку!» деб ёзган эди. Яна бир мисол — «Ҳукм» қиссаси. Ўзбекистонда бир замонлар амалга оширилган колхозлаштириш воқеаларига бағишланган бу асар янги босилиб чиққанда мен тақриз ёзиб, уни мактаган эдим. Афсуски, бу қисса вақт синювига бардош беролмади, чунки у ҳам ҳукмрон мафкура яратган схема асосида ёзилган бўлиб, колхозлаштириш ҳам, қулоқларини синф

сифатида тугатиш ҳам тўғри сиёсат бўлган эди деган хулосага олиб келади. Холбуки, бу хулоса мутлақо тўғри эмас экан. Бу сиёсат қулоқни эмас, дехқонни тугатишга қаратилган, уни батракка, мардикорга айлантирган, кишлоқ хўжалигини бутунлай барбод қилган, мамлакатни сунъий равишда очликка маҳкум этган сиёсат бўлган экан. Бу сиёсат оқибатида юз минглаб одамлар қамокка олинган, отилган, сургун қилинган, яна юз минглаб, балки миллионлаб одамлар очлик балосига мубтало бўлган ўша йиллардаги кишлоқ ҳаётига бағишланган асарлар чинакамнига ҳаққоний бўлса, «улуғ бурилиш йили»да халқ бошига тушган ана шу мислииз фожеани қайбир даражада ёритмоғи керак эди. Лекин бундай ёритишнинг имкони йўқ эди — адиб асарини ёзишга киришмасданок бу мавзуга қўл урса ёлғон-яшиқларни тўқишга, ҳаётни бўяб кўрсатишга маҳкум эди, акс ҳолда, унга тавқин лаънат осилар ва даҳшатли жазоларга мустаҳик қилинарди. Шунинг учун Саид Аҳмад ҳам ўзи хоҳла-маса ҳам замон қолипларига бўйинсунушга мажбур бўлган. Лекин шунга қарамай, қиссада чинакам юмор билан баъзи бир жалқ қаҳрамонларининг характери ёрқин ёритилган, улардаги миллий ранглар яхши тасвирланган.

Шу тарзда урушдан кейинги йилларда Саид Аҳмад кийинчилик билан бўлса-да ҳикоядан ҳикояга ўсиб-улғайиб, қалами чархланиб, маҳорати ўсиб келмоқда эди. Бу йилларда у бир нечта китоб чиқариб, умидли ёш ёзувчи сифатида танилиш билан бароёбар, ҳаётда ўз муҳаббатини ҳам учратди — у шоира Саида Зуннунова билан турмуш қурди. Лекин унинг оғзи энди ошга етайи-етайи деганида, тўсатдан буриш қонади — унга сиёсий айб қўйиб, халқ душмани сифатида қамадилар. Бутун мамлакат печанчи мартадир яна даҳшатли фожеалар даврига қадам қўйган эди. Урушдан кейин хали одамлар фашист устидан қозонилган буюқ ғалабаларининг сурурини тотиб улгурмай, тўрт йиллик қиронли урушнинг мудҳиш азоб-уқубатлари унутилиб бўлмай; яна мафкуравий ҳаётда оқ калтак-қоръ калтаклар бошланди. — Ёзувчилар, шoirлар, драматурглар, мунаққидлар, бастакорлар, киночилар, артистлар, рассомлар, олимларнинг бошида ёнғоқ чақилга бошланди. Бу ур-сурлар муттасил 5 йил давом этди ва яна қатли ом билан, зиёлиларни қирғин қилиш, авахталарга тикиш билан якуланди. Ўшанда ўзбек зиёли-ларидан ҳам юзларча одам гуноҳсиз, бекордан-бекорга қамокларга солинди ва совуқ Сибир ўрмонларига, Қозоғистон чўлларида сургун қилинди. Саид Аҳмад ҳам 5 йил турманинг тупроғини ялашга мажбур бўлди — ҳамма режалар режалигича қолиб кетди, режалар нима бўлипти — не-не умидлар билан турмуш қурган ёш келинчак Саидахон йиғлаб-йиғлаб қолаверди. Лекин икковлари ҳам бу мудҳиш синовга мардоналик билан дош беришди — уларнинг иккови ҳам бутун одамлар экан — бу синовлар ҳар қанча оғир бўлмасин, уларни сиқира олмади.

1953 йилнинг қаҳратон қишида Сталин ўлди... Кейин қишнинг забти бўшашиб, совуқлар юмшадди, музлар эрий бошлади. Ҳаммаёқда баҳор шабадалари эса бошлади. Одамлар қаддиларини тиклаб, енгил нафас ола бошладилар. Саид Аҳмад ҳам совуқ юртлардан она-Ватанига — жонажон Ўзбекистонига қайтди. Саид Аҳмад қайтиши биланок енг шимариб ижод қилишга киришди. Афтидан, тутқунликда ўтказилган йиллар давомида ижод қилиш эҳтиёжи, ёзиш иштиёқи қалбида йиғилиб қолганди. Энди эса у ҳеч қанақа

тўсиқни тан олмай, диган пўртанадек ташқарига отилди. Саид Аҳмад ҳамма насрий жанрларда ижод қилди — хикоялар, киссалар ёзди, ҳажвий асарлар яратди, комедия жанрида кучини синаяб кўрди, романлар барпо этди. Шу маънода 50-йилларнинг иккинчи ярми ва олтинчи йилларнинг бошлари Саид Аҳмаднинг ёзувчи сифатида қайта тугилиш йиллари бўлди. У фақат кўп ёзгани учунгина эмас, балки ёзганлари санъаткорлик жиҳатидан ҳам юксак даражада бўлгани учун ҳам кўпчилиكنинг диққат-эътиборини қозонди.

Авваламбор шунки таъкидлаш лозимки, Саид Аҳмад биринчи навбатда ўзбек хикоячилигининг равишига муносиб ҳисса қўша олди. Унинг «Чўл бургути», «Ўрик домла», «Лочин», «Хазина», «Хайқирик», «Икбол чироклари» каби яна бошқа ўнлаб хикоялари адабиётимиз хазинасидан мустаҳкам ўрин олди. Бу хикояларда адиб Абдулла Кодирий, Абдулла Қаҳҳор каби устоз ёзувчиларнинг анъаналарини давом эттириб, инсон образини мукамаллаштиришда янги ютуқларга эришди. Бу хикояларнинг кўпчилиги шўро мафкураси ҳукмрон йилларда ёзилган бўлса-да, адиб уларда ҳукмрон мафкура қилипларини ёриб чиқа олган; унинг қаҳрамонлари коммунистик ғояларга хизмат қиладиган юзаки ва шиорнамо инсонлар эмас, балки жуда табиий ва оддий одамлар, уларнинг ишлари ҳам, гап-сўзлари ҳам, ўзларини тутини, орзу-умидлари ҳам табиий. Улар табиий одамлардек ҳаётда нималаргадир эришса қувонишади, хато қилинса, адашинса, тўсиқларга дуч келиб, муваффақиятсизликка учрашса қайғуришади, изтироб чекишади. Ҳар ҳолда бу одамларнинг қувончлари ҳам, дардлари ҳам ғоятда табиий ва ишонарли. Бу хикояларни жозибадор қилган омиллардан яна бири ва эҳтимолки, энг муҳими шундаки, муаллиф ўз қаҳрамонларини дил-дилидан севади, уларнинг гўзаллиги, маънавий камолоти, рухий юксаклиги қаршисида сажда қилишга тайёр ва бу туйғуларини хикояларда шу даражада тирай ҳамда самимий ифодалаганки, улар ўқувчинини ҳам ҳаяжонга солади, ўқувчи ҳам ўзи сезмаган ҳолда бу содда, очик кўнгил, гўзал одамларни севиб қолади. Буни қарангки, бир неча йиллар давомида Сталин зиндонларининг бўғиқ ҳавосидан нафас олган, сургуи зулмларининг даҳшатини готирган, ҳар қадамида инсон ёвузлигининг мудҳишлиги нима эканини, инсоннинг пасткашлиги ва разолати чегара билмаслигига дуч келган Саид Аҳмад, барибир, инсонга ишончинини йўқотиб қўймапти, унинг қалбидаги инсонийлик, инсонга муҳаббат совуқ ўлкаларининг совуқ тунроқларида қолиб кетмапти. Айни ана шу синовларда тобланган гуманизм, шу гуманизм тўфайли вужудга келган лиризм ва самимият Саид Аҳмад хикояларининг ўзига хос, бетакрор тароватини таъминлайди, уларни бугун ҳам китобхон учун ардоқли қилади.

Саид Аҳмаднинг ҳажвий бобидаги хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. У ижоди давомида ўнлаб ҳажвий тўпламларини эълон қилди ва ниҳоят ҳозирги пайтда ўзбек ҳажвийётининг устаси даражасига етишди. Ҳажв ёзишга тутинган шоирми ёхуд носирнавис борми — ҳаммаси бугун Саид Аҳмаднинг устоз деб билади ва унинг фотиҳасини олишга ҳаракат қилади. У ҳажвий хикояларда ҳам бир-икки чизиқ билан инсоннинг тугал портретини чизади. Саид Аҳмаднинг ҳажвнавис сифатида қалами борган сари ўткирлашиб бораётгани унинг «Хандон писта» тўпламида ҳам ёрқин кўринадди. Муаллиф одамлар ўртасида тез-тез учраб турадиган мактаб-чоқлик, чаламуллалик, манманлик, ёлғончилик, хушомадгўйлик,

овсарлик, мешчанлик, калтафаҳмлиқ каби иллатларни бетакрор воқеаларда, шиддатли тўқнашувларда очиб беради. Бу асарлардаги кулги илк асарлардаги каби англашилмовчиликка ёки бирон юзакки қарашга асосланган эмас, балки характернинг мохиятидан келиб чиқади. Хажвлардаги кулгу ҳам ўзига хос салмоқ касб этади — энди у баъзан енгил табассум тарзида қаҳрамонга мойиллик билан суғорилган, гоҳида эса аччиқ истехзо, қаҳарханда тарзида қаҳрамондаги иллатдан ҳазар қилишга ундайдиган бўлади. Ҳар ҳолда, Саид Аҳмаднинг аслаҳахонасида кулгининг турлари жуда кўп ва адиб улардан ўрни билан жуда яхши фойдаланади.

Саид Аҳмад ҳажвияси адиб ижодининг халқ ижоди билан чамбарчас боғлиқ эканидан, у халқнинг зукколиги ва донолигидан кенг фойдаланишидан, фольклор асарларига хос санъаткорона тилдан, юксак тасвир воситаларидан, мукамал бадий шаклдан баҳраманд эканидан далолат беради. Шунинг учун ҳам унинг ҳажвияёти кўпгина телеминюатюралар учун асос бўлди ва халқ ўртасида жуда катта шуҳрат қозонди.

Саид Аҳмад ижодда катта тажриба орттиргандан сўнг роман жанрида кучини синая кўрди ва бир неча йиллик машаққатли изланишлардан кейин «Уфқ» трилогиясини яратди. Трилогиянинг биринчи китоби «Қирк беш кун» (1974), иккинчи китоби «Ҳижрон кунлари» (1964) ва учинчи китоби «Уфқ бўсағасида» (1969) деб аталади. Бу трилогия 60—70-йиллардаги ўзбек насрида том маънода катта воқеа бўлди. Унинг Давлат мукофотига сазовор бўлгани ҳам бежиз эмас. Унинг қаҳрамонлари ва, айниқса, ҳар томонлама мукамал ишланган Икромжон ўзбек адабиётидаги ёрқин қаҳрамонлар сафига ҳақли равишда кириб келди. Саид Аҳмаднинг трилогияси биринчи навбатда Фарғона водийсига ва унинг ажойиб одамларига бағишланган. Унинг биринчи китоби Катта Фарғона каналининг қурилишига бағишланган. Маълумки, Ўзбекистонда, Фарғона водийсида сув ҳаёт-мамот масаласидир. Бу ерда ҳар қанча ернинг булгани билан етарли сувнинг бўлмаса, ҳеч қанақа дехқончилик ҳақида орзу қилишнинг ҳам фойдаси йўқ. Авваллари Фарғона водийсининг одамлари сув танқислигидан жуда кийинлишган эдилар. Улар уруш арафасида ҳашар йўли билан 45 кун ичида 270 километрлик Катта Фарғона каналини қуриб битирдилар. Ҳеч шубҳа йўқки, бу халқ жасоратининг жуда ажойиб ва бениҳоя подир кўриниши бўлган эди. Бу мавзу ёзувчи олдида жуда кенг имкониятлар майдонини очар эди — унга кўл урган адиб мамлакат ва халқ тарихига мурожаат қилиши, энг олий рутбалик одамларининг иш кабинетларига қадам ранжида қилиши, турли ижтимоий табақалар ва тоифаларнинг характериню, дунёқарашларини таҳлил қилиши мумкин эди. Ҳар ҳолда, бу мавзу адибга ҳаётнинг турли қатламларини қамраб олишга, ундаги турли ранглар ва оҳанглارни ифодалашга йўл очарди. Аммо Саид Аҳмад мавзу кетидан қувмади, у мавзу берадиган имкониятларини бошқа ёзувчиларга қолдирди-да, ўзининг сеvimли қаҳрамонлари — олдинги одамлар характерини яратиш йўлидан борди. Биринчи китоб қаҳрамони эндигина улғайиб, ҳаётда мустақил қадамлар қўйиб келаётган Азизжон. Унинг бутун вужуди кучга, ғайратга тўла. У асов дарёга ўхшайди — рўпара келган ҳар қандай тўсиқни ағдариб ташлаб мақсадига эриша олади. Азиздаги шиддат, ғайрат, яшашга ташналик, мардлик ва тағтиллик каби фазилатларининг миллий илдиэлари ҳам трилогияда

якши очилган. Худди шунингдек, Икромжон ҳам ўз сиймосида халқнинг энг яхши томонларини мужассам этган одам сифатида кўринади — у хаётнинг паст-баландини кўрган, урунда қатнашган, синновлардан бутун чиққан, эътиқодли, диёнатли, виждонли инсон. Айни шу фазилатлари уни гўзал одамлар, яхши инсонлар қаторига қўшишга имкон беради.

Саид Ахмадга энг катта шухрат олиб келган асар, шубҳасиз, «Келинлар қўзғолони» комедияси бўлди. Муаллиф бу асарга ҳам турли-туман тажрибалар, изланишлар орқали узок йўл босиб келди — унинг бу комедияда марказий ўрни тутувчи қаҳрамон авваллари қай бир қирралари билан бир қатор хикоялар ва ҳажвияларда намоён бўлган эди. Кейин эса Фармонбиби ҳайкалдай қурама образ сифатида «Келинлар қўзғолони»да пайдо бўлиб, ўзининг ғалибона юришини бошлади. Кези келганда шунини айтиш керакки, асар янги пайдо бўлганда айрим танқидчилар унинг фазилатларини, эстетик қимматини тўғри белгилаша олмадилар. Улар асарда чуқур ижтимоий мазмун йўқ, конфликт давр моҳиятини ифодаламади деган баҳоналар билан асарни камситмоқчи бўлдилар. Аммо вақт уларнинг ноҳақ эканини кўрсатди — мана, салкам чорак асрдирки, комедия театр сахналаридан тушмай яшаб келяпти. Қолаверса, унинг олам бўйлаб ғалибона юриши давом этяпти. «Келинлар қўзғолони»нинг ўилаб тилларга таржима қилинганини, кўплаб мамлакатларнинг сахналарида қўйилганини батафсил айтиб таҳлил қилишга имконимиз йўқ. Лекин 1999 йилда океан ортида — Америка сахнасида қўйилиб, катта муваффақият қозонганини айтмасдан иложимиз йўқ.

«Келинлар қўзғолони» — бадий асар, комедия. Шунини учун унинг ҳар бир қиррасини ҳаётда бор-йўқлигини суриштириб ўтириш тўғри бўлмас эди. Ёзувчи санъаткорнинг муболаға қилиш, хаёлотиға эрк бериш ҳуқуқидан кенг фойдаланади. Шунинг оқибатида, ниҳоятда ўзинга хос, бетакрор, кабарик, ёркин Фармонбиби характери майдонга келган. Фармонбиби келинларининг ошини захар-заққумга айлантирувчи зolim қайнона эмас, балки талабчан, лекин адолатли, инсофли, донишманд аёл. У ўз тажрибасига, яхшилик ҳақидаги ўз тушунчаларига таялиб, оилавий ҳаёт тизгинини қаттиқ ушлаб туради. Шунинг учун томошабини бу бағри кенг, фикри теран, ҳаётга чуқур қарайдиган меҳрибон аёлини севиб келди.

Саид Ахмад бугунги ўзбек адабиётининг чинорларидан, оқсоқолларидан бири бўлиб қолди. Биз уни шундай деб атаётган эканмиз, бунда фақат унинг ёши улўелигини назарда тутаяётганимиз йўқ. У ўз истеъдоди билан, қаламининг ўткирлиги билан, бетакрор қаҳрамонлар галереясини яратгани билан бу шарафли номга муносиб ижодкордир.

Санъаткор устоз бугун муборак саксон ёшга қадам қўйди. Биз бу бетакрор адибга узок умр тилаймиз — халқимиз учун янги-янги асарлар яратиб бераверинг, Саид Ахмад ака!

*Озод ШАРАФИДДИНОВ,  
профессор, Беруний мукофоти совриндори.*

«Ота карғиши мисоли ўк — у охиратда эмас,  
шу дунёнинг ўзида нишонга тегади».

(Бухоролик 100 йил яшаган темирчи  
Усто Амин бобонинг ўғитларидан)

Бугун лагеримизга янги махбусларни олиб келинди. Кўришишидан уларни янги деб бўлмасди. Эғинларидаги кийимларига, елка ва тиззаларидаги рақамларга қараганда, кўп йиллардан бери лагердан-лагерга кўчиб юрган дайди махбуслар экаинини дарров пайқаш мумкин эди.

Одатда, янги келган махбусларнинг оёғида янги этик, янги ботинка, эғида охори тўкилмаган костюм ё гимнастёрка бўларди. Лагеримизнинг блатной-зўравонлари уларнинг эғидаги кийимларни кўришлари биланоқ ўзаро тақсимлаб олардилар. Орадан бирон ҳафта ўтиб, ўша кийимларни блатнойларнинг эғида кўрардик.

Бу галги этапда келганлар зўравонларимизга ёқмади. Ҳар бири ўн-ўн беш йиллаб СССРнинг жамки лагерларида яшаб, қирриқ бўлиб кетган, наинки бировга ўз кийимини берадиган, аксинча, бировларникини кийкиртириб ечиб оладиган, бети қаттиқ махбуслар эди.

Солдатлар, лагер назоратчилари уларни битта-битта-лаб санаб, ювилавериш ранги унникиб кетган кулранг курткаларидаги, шимларидаги рақамларни текшириб ўтказа бошладилар. Шунда махбуслардан биттаси менга жуда таниш туюлди. Унинг гамгин ва лекин лоқайд кўзлари... Қаерда кўрганман уни? Таниш, жуда таниш!

Олди тиканли сим билан тўсилган баракда янгиларни бир неча кун карантинда сақлайдилар. Ҳозирча уларни бошқа махбусларга қўшмайдилар. Овқатни ҳам пақирда обориб берадилар.

Баҳорнинг илтиқ-иссиқ кунлари эди. Янгилар яланғоч бўлиб барак олдидаги майдончада чалқанча ётиб, баданларини офтобга тоблардилар. Улар Шимол лагерларида ойлаб офтоб кўрмай, ранглари синикқан кишилар эди. Уларни бир-икки ойгина ёз бўладиган, офтоб эса туман орасидан худди доқа орқасига ёқилган шамдек хира кўринадиган, бизда баҳор офтоби чараклаб турган шу кезларда ҳам кини бўронлари увиллаб турган жойлардан олиб келинган. Бу махбуслар учун Жезқозғон энг яхши

курортлардан ҳам афзал эди. Яланғоч ётганларнинг бада-нида игна санчиб ёзилган сўзлар, турли шармеиз суврат-лар, бирида «туққан онамни унутмайман» деган ёзув бўлса, бошқасининг кўкрагида харигта, аёл кишининг рас-ми билан бир шиша арок тасвирланган. Тагида: «Мана шулар бизни хароб қилди», деган ёзув бор. Деярли кўпчилигининг кўксига яланғоч аёлларининг турли ҳолат-даги сувратлари бор эди. Бу манзара камокхонадаги «рассом»ларнинг асарлари намоённи қилинаётган кўрғаз-мага ўхшарди.

Менга таниш туюлган маҳбус эса негадир ечинмай, кийим-боши билан офтобда ётарди.

Ким у? Кўзимга жуда иссиқ кўрнингити. Бориб ўзидан сўрасаммикан? Бунинг имкони йўқ. Соқчилар, назорат-чилар уларга яқин йўлатмайди.

Мендан сал нарида ёши етмишлардан ошган, умри-нинг ўн беш йилдан ортисини лагерларда ўтказётган Олимжон домла ҳам уларга маънос қараб турибди.

Домла галати одам эди. У ҳеч ким билан сирлашмас-ди. Бировга на дардини айтарди, на қувончини. Кўпчи-лик уни орқаворотдан «индамас домла» деб атаарди. У яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам бирдек лоқайд эди. Аммо, унинг ҳозирги ҳолати бошқача. Офтобда яланғоч ётганларга қараб ичи ёниб, куйиб, ўртаниб кетаётгани шундоққина биллиниб турарди. Зимдан унга кўз ташлай-ман. Уни ҳеч қачон бундай алфозда кўрмагандим. У йиғларди. Кўзларидан оққан ёш соқолларига томарди. Домла қимирламас, ҳар киприк қоққанда миғжаларида тўпланиб қолган ёш дув тўкиларди.

Назоратчи келиб сим тўсиқнинг бериёғида тўпланиб қолган томошабин маҳбусларга, кетинглар, деб буюрди. Маҳбуслар нари кетишди. Домла ҳам ёшли кўзларини кафтига артиб, бошини эганича кетди.

Мен лагерда рассом эдим. Бир вақтлар рассомлик мактабида ўқиганим яшаш, ишлаш қийин бўлган бу жой-ларда асқотди. Вазифам — маҳбусларнинг кийимларига рақам ёзиш, жез конида ишлаб қайтган бригадаларнинг қанча руда қазиб чиқарганини катта-катта плакатларда акс эттириш ва уларни лагернинг кўринарли жойига илиб қўйиш эди.

Тушликдан кейин устахонамга бош назоратчи бир қоп кийим олиб келди-да, шуларга то кечки овқатгача рақам ёзиб, тайёр қилиб қўйишимни буюрди.

Бу янги келганларга бериладиган кийимлар эди. Шимларнинг чап тиззасидан юкориси, курткаларнинг ел-

касидан пасти совун кутисича келадиган жойидан қайчи-да қийиб олинган. Устидан оқ латта тикиб қўйилган эди. Агар махбус рақам ёзилган латтани олиб ташлаб қочиб кетса, кидирувчилар қийимидаги қийиб олинган жойидан билиб оладилар. Шу латталарга махбусларнинг рақамини ёзишим керак. Рақам офтобда ҳам, қор-ёмғирда ҳам ўчмайдиган қора лак билан («Кузбас лак» билан) ёзилади. Лак совуқда тошдек қотиб қолади. Новвойхонадан тошқўмир чўғини куракчада олиб келиб, лак солниган банкани унинг устига қўйдим. Лак эригандан кейин боя назоратчи бериб кетган рўйхатга қараб рақамларни ёзишга киришдим. Рақам ёнига махбуснинг исм-фамилияси қайд этиб қўйилган эди. Ўн еттинчи курткага рақам ёзмақчи бўлиб рўйхатга қарадим-у ҳайратдан ёқамни ушладим. «ЕЕ3781» рақами ёнига «Қимсанбой Ёлкинов» деб ёзиб қўйилган эди. Эрталабдан бери ҳаёлимдан кетмаётган «ким у?» деган жумбоқ ечилган эди.

Олисда қолган беозор, шўх, ерга урса осмонга сакрайдиган тизгинсиз болалигим, тезроқ қатга бўлиб азиз ва жонажон Ватанга хизмат қилиш, «халқлар доҳийси, улуг ва меҳрибон отамиз Сталинга содиқ бўлиш» орзуси юрак-юракларимизда жўш урган қайноқ ёшлигимиз кўз ўнгимдан чакмоқдек бир ялт этиб ўтди.

Қимсанбой! У бизнинг болалардан чиққан қаҳрамонимиз эди. Ўттинчи йилларда унинг суврати газеталардан тушмасди. Мактабларда, пионер уйларида, истироҳат боғларида, ёшлар лагерларида одам бўйи қилиб чизилган сувратлари бир қарашда кўзга ташланадиган жойларга олиб қўйиларди. Ва суврат тагига: «Пионер! Қаҳрамон Қимсанбой Олимжоновга салют бериб ўтишни унутма!» деб ёзиб қўйиларди. Бутун Ўзбекистон болалари ундан ибрат олишга, у адо этган ватанпарварлик жасоратини такрорлашга қасамёд қилишарди.

Унинг отаси Олимжон Раҳмонов район маориф бўлимининг мудирин эди. Тарих билимдони бўлган бу одамни райондаги жами тарих ўқитувчилари устоз деб атардилар. Хатто уйига ҳам келиб ундан Туркистон тарихи бўйича билмаганларини сўраб, билиб олардилар. Унинг уйида китоб кўп эди. Алоҳида битта уйдаги тоқчаларга жуда ноёб китоблар териб қўйилган эди. Домла бу китобларни бировларга бермасди. Зарур бўлса, шу ерга келиб ўқишгагина рухсат берарди. Амир Темур, Мирзо Бобур, Наршахий, Форобий, Шарафиддин Али Яздий, Нажмиддин Кубро, Ал-Беруний, Хўжа Ахрор, Аҳмад Яссавий каби алломаларнинг ўтган асрларда хаттотлар томонидан

кўчирилган ноёб қўлёзмаларини Домла кўз қорачиғидек асрарди. Кечалари еттинчи лампа ёруғида тонг отгунча мутолаа қиларди.

Кўпинча Домланинг уйига кекса зиёлилар тўпланиб, тарихда ўтган ўзбек мутафаккирлари тўғрисида суҳбатлар қилишарди, йиғилганлар Олимжон домланинг билимига, билафонлигига қойил қолардилар. Суҳбат ўз-ўзидан ота-боболари Шаҳрисабз барлосларидан бўлган буюк шоир Мирзо Абдулқодир Бедилга бориб такаларди. Бедилхонлик бошланарди, кўплашиб Бедилнинг сирру сеҳрга тўла ғазалларининг мағзини чақинга киришиб кетардилар. Албатта, Олим домланинг талқинлари ҳаммани лол қолдирарди. Ўшандай суҳбатларининг бирида гап айланиб Фузулийнинг битта ғазалига бориб қалалди. Меҳмонлардан бирови Фузулий ҳам ўзбеклар орасида Алишер Навоийдек машҳур эканини, унинг кўн ғазаллари ўзбек хофизлари томонидан кўнник қилиб айтилишини гапириб қолди.

— Домла, Фузулийнинг бир ғазали бор, мағзини сира чақолмадим. Кўп билимдонлардан сўраганимда тайинли бир жавоб беролмадилар. Шу тўғрида сизнинг фикрингизни билмоқчи эдим.

Олимжон домла нариги хонадан Фузулийнинг девонини олиб чиқди. Кўзойнак тақиб, дўстининг тиши ўтмаган ўша ғазални топди. Чирокқа солиб икки-уч марта ўқиди.

— Хўш, қайси жойига тушунмадингиз? — деб сўради дўстидан.

— Фузулий шундай деб ёзди: «Ғамларим шунча кўпки, туянинг устига ортсам, зиндонга ташланган кофирлар озод бўлади». Хўш, инма учун озод бўлади? Тушунмадим.

Домла ўйланиб қолди. Дарҳақиқат, туянинг устига ғам юкини ортса, нега кофирлар озод бўлади? Домла кўн ўйлади. Кейин бошини кўтариб меҳмонларга қаради.

— Гап бундоқ. Бу сирнинг маънисига етиш учун Фузулий яшаган даврга мурожаат қилиш керак. Ўша даврдаги ривоятларни, мақолу маталларни, ҳатто кўнникларни ҳам билмоқ керак. Бир ривоятда, одамлар Аллоҳдан, эй тангрим, зиндонда ётган кофирлар қачон озод қилинади, деб сўрабдилар. Аллоҳ, туя игнанинг тешигидан ўтгандагина кофирлар озод қилинади, деб жавоб қилган экан. Фузулий ана шу ривоятни ғазалига асос қилиб олган. Яъни, «Менинг ғамларим шунчалик кўпки, туянинг устига ортсам, кўтаролмай озиб, индек бўлиб

«колади». Ипдек озиб қолган туя игнанинг тешигидан бемалол ўтиши мумкин. Демак, кофирлар зиндондан озод қилинади.

Домланинг бу қадар билимдонлигига қойил қолишди, таҳсинлар ўқишди.

Домланинг бўйига етиб қолган эғизак қизлари бор эди. Шу эғизаклардан кейин кўрган болалари турмади. Бир ёшга тўлар-тўлмас вафот этавердилар. У ҳар гал ой-кунни яқин қолган хотинининг дўнпайиб қолган қорнига қараб: «Кимсан, ўғилмисан, қизмисан?» деб куларди. «Агар қиз бўлсанг, отингни Кимсаной қўяман, ўғил бўлсанг, Кимсанбой қўяман», дерди ширин бир энтиқиб. Хайрият, ўғил туғилди. Оти Кимсанбой бўлди. Шу бола ўн икки ёшга кирди. Бешинчи синфда ўқийди. Домла китоб титиш билан овора. Тонг отгунча ўтириб нималарнидир ёзади. Ёзган мақолалари «Маориф ва ўқитувчи», «Маданий инкилоб» газеталарида бот-бот босилиб туради.

Кимсанбой мактабда фаол пионерлардан. У Ленин, Сталин тўғрисида ёзилган шеърларни ажиб бир маҳорат билан декламация қилади. Уни район, ҳатто вилоят миқёсида ўтадиган таптанали йиғинларга, слётларга, ўқитувчиларнинг конференцияларига чақириб, шеърлар ўқитишади. Олимжон домла унга, болам, бунақа ҳавойи ишларга жуда ҳам берилиб кетма, ё артист бўлмоқчимисан? Яхшиси, дарсингни тайёрла. Жамоат ишлари дардан кейин бўлсин, деб насиҳат қиларди. Бир хонада домла қалам қитирлатади, Кимсанбой бошқа хонада ҳар хил ҳаракатлар қилиб, баланд овоз билан шеър декламация қилади.

Бир кунни мактаб директори уни дарс пайтида идорага чақиртирди.

Директорнинг кабинетида нотаниш одам ўтирарди.

— Бу ўртоқ сен билан гаплашгани келганлар. Сизларни холи қолдираман, гаплашиб олинглар, — деб директор чиқиб кетди.

Нотаниш одам гапини нимадан бошлашни билмай бирпас унга тикилиб ўтирди. Кейин портфелидан газета олиб унинг олдига қўйди. Бу Москвада чиқадиган «Пионерская правда» газетаси эди.

— Иккинчи саҳифадаги мақолани яхшилаб ўқиб чиқ, — деди у, — сувратга ҳам яхшилаб қара. Қаҳрамон пионер Павлик Морозов шу бўлади.

Кимсанбой ўрисчани дуруст билмасди.

— Павлик Морозовни халқ душманлари ваҳшийларча ўлдирдишган. У ватанга содиқ, Ленин-Сталин ишига

хаётини бағишлаган замондошимиз. Унинг отаси халк душмани, Шўро тузумини ағдариб ташлашни ният қилган. Павлик ўша душманининг сирини фош этади. Ҳозир Шўролар жумхуриятининг ҳамма жойида Морозовчилик ҳаракати бошланиб кетди. Ёш ватанпарварлар ички душманларни фош қилиш учун қасамёд қилмоқдалар. Сен ҳам шу ҳаракатга қўшилишни керак. Бу сенинг муқаддас бурчинг. Биз айтган ишларни бажарсанг, сени Бутуниттифок пионерларининг «Артек» номли лагерига юборамиз. Фаол пионерларнинг Москвада бўладиган слётида ҳам қатнашсан. Ўша ерда буюк устозимиз, дохийимиз Сталинни кўрасан.

Кимсанбойнинг кўзлари яшнаб кетди. Муқаддас пойтахтимиз улуғ Москвани, тирик дохийини кўриши, Қора денгиз соҳилидаги жаҳон болалари дам оладиган лагерда шоҳсупага кўтарилиб шеър ўқиб берса борми!.. Кимсанбой шошиб қолди.

— Мен нима иш қилишим керак?

— Аввало, ўртамизда бўлиб ўтган бу суҳбатни бировга айтмасликка сўз берасан. Бундан кейинги суҳбатларимизни ҳам сир сақлайсан. — У шундай дея туриб, портфелидан бир варақ қоғоз олиб унга узатди. — Бунга имзо чекиб бер. Аввал ўқи, кейин имзо чек.

Қоғозга шундоқ сўзлар ёзилган эди:

«ТЙЛХАТ. Менким, Кимсанбой Олимжон ўғли ГПУ ходими М. Мансуров билан бўлган суҳбатимизни бировга айтмайман. Отам Олимжон Раҳимовнинг хатти-ҳаракатларини кузатишга сўз бераман. Уйга келадиган меҳмонлар билан нималар тўғрисида гаплашганини ёзиб бераман. Агар бўлиб ўтган гапларни, отам ҳақида тўпаланган маълумотларни бировга айтсам, жинойт кодексининг тегишли моддаси бўйича жазоланаман».

— Ўқиб бўлдингми? Энди имзо чек!

Кимсанбой ўйлаб ўтирмай тилхат остига имзо чекди.

— Тилиннга эҳтиёт бўл. Отанг ҳақида ёзиб қўйган хатларни ҳар ҳафтанинг душанба кунлари ўзим келиб, шу ердан олиб кетаман. Агар бировга айтсанг, ё отангга билдирсанг, худди Павлик Морозовдек ҳалок бўласан. Янаги келишимда, агар айтганларимни уддаласанг, вилоят пионер ташкилоти сени қўл соат билан мукофотлайди, билдингми?

ГПУ ходими Мансуров ҳар душанба кунин мактабга келар, Кимсанбой ёзиб қўйган маълумотларни ўқиб кўргач, бошқатдан ёздирарди. —

Диплом № 17  
3314051

— Керакли гапларни ёзиш керак. Фактларга сиёсий тус беришни ўрган! Бобокалон дохийимиз Карл Маркс: «Дин — халқ учун афюндир», деган. Уйимизга келган меҳмонлар Аҳмад Яссавий деган реакцион диндор шоирни кўкларга кўтариб макташди. Халқни асоратга солувчи шеърларини ўқишди, деб ёзиш керак. Алишер Навоий «Хамса»ни, «Чор девон»ни ёзганда Пушкиннинг ҳабаш бобоси Ўрта Ер денгизининг жанубий қирғоқларида чиғаноқ териб юрарди. Мирзо Улуғбек Самарқандда Расадхона барпо этган пайтларда ўрислар хохолларнинг малайи эди, чишта ковуш кийиб юришарди, деган гапларни айтишди, деб ёзгини!

— Бунақа гапларни энди сиздан эшитиб турибман... Қандоқ қилиб ёлғонни ёзаман?!

Бирдан Мансуровнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Ёзавермайсанми, тирранча! Айтмаган бўлишса, энди айтишади! Халқ душманлари ҳамма гапларни бирдан айтиб кўя қолишмайди. Улар ниҳоятда пихини ёрган, ниқобланган ёвларимиз.

Кимсанбой бир ҳафта мобайнида жонини жабборга бериб тўплаган маълумотларини қайтадан, Мансуров айтгандек қилиб ёзди. Тагига имзо чекди.

— Ҳа, балли! Мана шунақа қилиб ёзиш керак. Менга қара, вилоят пионер ташкилоти сени қўл соат билан мукофотлади. Ма, тақиб ол! Эҳ-хе, сени ҳали қанча мукофотлар кутяпти!

ПУнинг пионер ташкилоти номидан берган соатини Мансуров Кимсанбойнинг билагига тақиб кўйди.

Кимсанбой ўзида йўқ шод эди. Эртага болаларнинг кўзини ўйнатиб тақиб юраман, деб қувончини ичига сиғдира олмай Мансуровга миннатдорчилик билдириб, у билан хайрланди. Мансуров кетар чоғида: «Қанақа ёзишни билиб олдинг-а?» деб эслатиб кўйди.

Бу хил маълумот ёзишлар уч ойдан ортиқ давом этди. Бу орада «пионер ташкилоти» Кимсанбойни велосипед билан ҳам мукофотлади. Ўша ойнинг охирига бориб Кимсанбой Бутуниттифок пионерлари слётида қатнашиш учун Москвага кетди. Ўзбекистондан Кимсанбойга ўхшаган «Морозовчи»лардан яна ўн бир бола бор эди. Слёт қатнашчиларидан ўн етти нафар бола «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланди. Улар орасида Кимсанбой Олимжонов ҳам бор эди. Кимсанбой Иттифок оқсоқоли Калинин қўлидан орден олар экан, президиумда қарсақ чалаётганлар орасида «буюк дохий, халқлар отаси Сталин»га кўзи тушди. Ўзини тутолмай хўнграб юборди.

У Москвадан қайтиб келганда дадаси йўқ эди. Олимжон домла билан яна етти ўқитувчи камокқа олинган экан.

Улар нима гуноҳ қилган эканлар, деб хайрон бўлган одамлар газетада босилган «Маорифга уя қурган қўзғунлар» номли мақолани ўқиганларидан кейин нима гап-гапни билдилар. Биров: «Бунини қараңглар-а, домла тушнатувук одам эди, одамнинг олмаси ичида, деганлари бежиз эмас экан», деса, яна бирови: «Пухта шикобланган, айёр одам эди», дейди. «Қийғир ишнинг қийғи қирк йилдан кейин ҳам чиқади, хушёр бўлиш керак, бунақалардан ҳали орамизда кўп бўлиши мумкин», дейдиганлар ҳам бўлди. Дунёнинг ишлари ҳўн қизиқ-да, ота — сотқин, боласи — чин ватанпарвар!

Кимсанбойни икки марта терговга чакириб, отаси билан юзлаштирдилар. Олимжон домла бу ишларда ўғлининг ҳам қўли борлигини билмасди. Юзма-юз пайғида Кимсанбой айтган гапларни эшитиб ёқасини ушлади. Терговчининг: «Шу гаплар ростми? Тасдиқлайсизми?» деган сўроғига жавоб бермади. Пенюнасига шашиллатиб уриб: «Э-э, аттанг, аттанг! — деб ўғлининг бетига қараб: — Илоё, жувонмарг бўл! Умринг хор-зорликда ўтсин», деб юзига фотиҳа тортди.

Москвадан «Тройка» Олимжон домлани ўн беш йилга ҳукм қилгани тўғрисида қоғоз келди.

Орадан саккиз йил ўтди. Кимсанбой йиғирма ёнга тўлди. 1942 йили у армия сафига чакирилди. Қишлоқлардан фронтга кетаётганларни тантанали кузатиш маросимига юздан ортиқ комсомол аъзолари тўпланди. Бўлажак жангчилар номидан «Хурмат белгиси» ордени ишондорни Кимсанбой Олимжоновга сўз берилди.

— Мен ҳаёт-мамот жангига кетяпман. Халқ душманининг ўғли бўлиб эмас, асл ватанпарвар, доҳий Сталин фарзанди бўлиб урушга қираман. Бугундан бошлаб фамилиям Олимжонов эмас, Ёлкинов бўлди. Кўксимда буюк Сталин билан жангга қираман! — У шундай деб кўйлагин ёқасини ечиб юборди. Унинг кўксинда игна санчиб ишланган Сталиннинг суврати бор эди. — Улуғ доҳий жангда менга мадаккор бўлади, — деб сўзини тугатди Кимсанбой.

Қарсақлар янгради. Олкишлардан маст бўлган Кимсанбой кўксини очганча тантанавор илжайиб турарди...

Шу тобда камокхонанинг кулранг куртқасига «ЕЕ3781» рақамини ёзар эканман кўзларимга ишонмай,

ракам ёнидаги фамилияга яна бир марта қарадим. Адашмабман. Унга «Кимсанбой Ёлкинов» деб ёзилган эди.

Боя офтобда ётган маҳбусларга қараб юм-юм йиғлаётган Олимжон домла — Кимсанбойнинг отаси. Кийимини ечмай ётган, боши бир томонга қийшайган маҳбус — ёбик қахрамон пионер Кимсанбой Олимжонов эди.

Олимжон домла ўғлини таниди. Аммо, Кимсанбой отасини танимади.

Орадан беш-ўн кун ўтиб янги маҳбуслар карантиндан чиқди. Уларни учта-тўрттадан қилиб баракларга жойлаштиришди. Очик қонда портлатилган руда харсанглари вагончаларга ортадиган бригадаларга қўшиб юборишди.

Кимсанбой лагернинг ўзида — «зона»да қолдирилди. Чунки унинг ўнг қўли сиғиб, қийшиқ битиб қолган. Юрғанда боши уёқ-буёққа оғиб кетаверади. Кўзи ҳам хиралашган. Олдида турган одам туман орасидан кўринадиганга ўхшайверади. Лекин эшитиш қобилияти жуда кучли.

Янгилар келгандан кейин лагердаги маҳбуслар ҳаёти бирдан ўзгариб кетгандек бўлди. Ҳаёт ҳаёт экан-да. Маҳбуслар ҳар қандай азоб-уқубатлар ичида ҳам, эртага уларни даҳшатли фожеа кутаётганини сезганда ҳам яшаш тарзини ўзгартирмайди. Оғир, жуда оғир меҳнатдан толиқиб келиб, тўрт қошиққина сули бўтқани еб олиб, баракда ўринга ечимай ётиб ором олади. Назоратчи маҳбусларни санаб, баракни устидан кулфлаб кўйгандан кейин бир дамгина асёл инсонликка қайтгандек бўладилар. Бу барак уларнинг дахлсиз, ватани, уйи, ховлиси бўлиб туюлади. Бунда уят, жуда уят латифалар айтилади. Барак деразалари кулгидан зириллаб кетади. Бунда маҳбуслар ҳаёлларига эрк берадилар. Бошларидан ўтган воқеаларни сўзлаб берадилар. Айтаётган саргузаштлари, албатта, ёлғон гаплар. Ҳеч ким ёлғон айтмасан, демайди. Ёлғон бўлса ҳам қизик бўлса бас.

Бир профессорнинг ўғлиман, деб Большой театрнинг ёш бир раққосасини йўлдан урганини, жуда озғин экансан, деб эрталаб уйдан хайдаб юборганини худди рост гандек ҳаяжон билан айтиб беради.

— Шу десангиз, — деб гап бошлайди яна бири, — СИБЛАГдалиқ пайтимда жуда бадтарин, жоҳил бир начальнигимиз бўларди. Бир кўзи шишадан эди. Жаҳл билан столни муштлаганда шиша кўзи отилиб чиқиб столга, ундан сакраб ерга тушарди. Шиша кўзини кўпчилик бўлиб излаб тўпроқдан топиб, ювиб берардик. Бир кун кўзи

отилиб ерга тушганда билдирмай бир тенган эдим, руда олиб кетаётган транспортёр лентасига бориб тушди. Руда билан вагонга тўкилди. Бунни ҳеч ким сезмади. Ўша кунни кечгача эллик киши кўзини кидиришди. Топилмади. Началник янги кўз буюртма қилиш учун Москвага кетди. Бир ой йўқ бўлиб кетдию янги кўз билан келгунча отпус-кага чиққандек яйраганмиз, — дея гурур билан бирт ёлфон ҳикоясини кула-кула тугатади.

Яна бири «Огонёк» журналида босилган чиройли бир йиғитнинг сувратини қийиб олиб машҳур киноактрисага ўлдим-куйдим деб ёзган хатига қўшиб жўнатганини, актрисадан «иккинчи бунақа аҳмоқлик қилманг, бу ўз эрмининг суврати-ку» деган жавоб олганини айтганда барак ичи бомба портлагандек кулгидан ларзага тушганди.

Янгилар келгандан кейин бу кулгилар, бу хил қувноқ суҳбатлар бархам топганди. Бунга сабаб — янгилар асосан «сексотлар», «стукачлар» эди («сексотлар», «стукачлар» маҳбуслар тўғрисида бошлиқларга яширинча маълумот бериб турадиганлар).

Янги келганлар ичидаги зўравонлар «махаллий» зўравонларнинг кўзини очирмай қўйди. Улар ошхонага бориб кўпчилик билан овқатганлангани ор қиладилар. Бизнинг зўравонларимиз уларга овқат ташиб, қўлини артишга сочиқ тутиб турадилар. Қариндошларидан посылка олганлар қуруқ қўл билан қолаверадилар. Туккан онаси пишириб юборган тансиқ шириликлар ҳам ўша зўравонларнинг nasibаси бўлиб қолганди.

Сексотларни, стукачларни бир лагерда узоқ ушлаб турмасдилар. Уларнинг айбончилиги очилиб қолиши билан бошқа лагерга жўнатардилар. Агар жўнатмасалар маҳбуслар уларни албатта ўлдириб юборардилар.

Кимсанбой ҳам фаол сексотлардан эди. Воркута лагерида маҳбуслар уни уриб, маълумот ёзадиган ўнг қўлини тирсагидан синдиришган эди. Балхаш лагерида орқа миясининг пастига, қоқ энсасига белкуракнинг сопи билан уриб чуқурга ташлаб кетишган. Сокчйлар унинг додлаган овозини эшитиб чуқурдан чиқариб олишган. Ана шундан кейин унинг ўнг қўли тирсагидан қотиб, боши гоҳ ўнгга, гоҳ чапга ўздан-ўзи бурилиб қоладиган, соғ қўли билан тўғрилаб, олдинга қаратиб қўйса, боши мусичанинг калласидек олд-орқасига силтаниб, бориб-келаверадиган бўлиб қолганди.

Июль ойининг охирларига бориб ҳаво ниҳоятда исиб кетди. Дарахтсиз, гиёҳсиз, тупроғига мис кукуни аралашган ер қиздирилган товадек бўлиб, кирза ботинканинг тағ

чармидан ўтиб, оёқни куйдирарди. Махбуслар баракларнинг соя томонларида жон сақлашарди. Тердан шаллаббо бўлган курткаларини тошларга, қизиган тупроққа ёзиб қуритишарди. Кўпчилиكنинг курткаси ювилавериб ракамлари ўчиб кетганди. Шундай пайтларда менга иш кўнаярди. Кийимда раками ўчган махбусларни сокчилар дарвозадан чиқаришмас, менга юборишарди.

Олимжон домла олдимга келиб, орқа ўгириб тиззаланди-да, елкасини тутди. Янгилар келгандан бери домла озиб кетди. Яна бени-олти ёш қаригандек эди.

— Домла, яхши юрибсизми? — дедим елкасига ракам ёзарканман.

— Худога шукур, ўлмаган қул яшайвераркан.

— Шу дейман, домла, ёшингиз ҳам бир жойга ёриб қолди. Катталарда инсоф йўқ-да, сизни ишга чиқармасалар ҳам бўларди.

Домла сергакланди. Унинг кўнглида, нега бундай дейпти, сексот эмасмикан, деган хаёл ўтди-ёв!

— Жуда унчалик қари эмасман. Берган понини соқлаб юрибман.

Сут ичиб оғзи куйган одам қатикни ҳам пуфлаб ичарди, дегандек, домланинг ҳам кўп марта оғзи куйган икўричанди.

Қамоқхоналарнинг «телеграфи» жуда аниқ ишлайди. Қайси лагерда қандоқ воқеа юз бергани уч қунга қолмай ҳамма лагерларга етиб боради. Қайси шаҳар турмасида кимлар ётгани, улар қайси модда билан айбланаётганлари, улар орасида сексотлар бор-йўқлигини аниқ билдилар. Янгиларнинг кўпчилиги сексот экани тўғрисидаги хабар ўша кунгек келган эди. Олимжон домла узоқ йиллардан бери қамоқда яшаб лагер ҳаётининг минг бир чийригидан ўтиб, пишиб кетган одам эди. Шунинг учун ҳам у биров билан дардлашмас, ўз ёнига ўзи коврилиб юраверарди.

Махбусларни конвойлар ишга ҳайдаб кетгандан кейин уч минг кишилик лагер бўшаб қолди. Менинг эрталабки хизматим ҳам шу билан тугади.

Энди баракка кетмоқчи бўлиб турганимда калласини лиқиллатиб Кимсанбой келди.

— Биродар, шу ортиб қолган лакни менга берсангиз.

— Лакни ишма қиласиз? — дедим.

— Керак. Йўқ деманг.

— Майли, олинг, — дедим лак солинган туңука банкани унга узатиб.

— Раҳмат, — дея оркасига бурилар экан, соғ қўли билан калласини барак томонга тўғрилаб қўйди-да, аста кета бошлади.

Ажаб, Кимсанбой таниб бўлмас даражада ўзгариб кетибди. Навкирон ёнида юзларини ажир қоллабди. Кўз косалари чуқурланган, сочлари тўкилиб, боши яланғочланиб қолганди. Аммо кўзлари, овози ўша-ўша, болалигидагидек эди. Қушлар чидаб бўлмас даражада исиб кетган бўлишига қарамай у ҳамон томоғигача тугмалари қадалган курткасини тердан бижғиб кетган бўлса ҳам ечмасди. У ҳар кун эрталаб қора лак олгани олдимга келадиган бўлди. Шундай қушларнинг бирида унинг кимлигини ўзига айтдим.

— Отангиз сизга хўп билиб от қўйган экан. Қаранг, кимлигингизни ўзингиз ҳам билмайсиз.

Унинг кўзлари олазарак бўлиб қолди. Қўлига тиралиб ўрнидан турмоқчи бўлганди, чап қўли кучсизлик қилиб яна ўтириб қолди.

— Кимсанбой, менам яширмай қўя қолнинг, — дедим босиқлик билан. — Икковимиз битта кишлоқнинг боласимиз. Кимлигингиз кафтимнинг чизигидек аён. Сиз Навлик Морозовнинг садоқатли издошисиз. Ўз отангизни ПШУга сотганингиз учун «Ҳурмат белгиси» ордени билан мукофотланган Кимсанбой Олимжоновсиз. Сизларни фронтга кузатиш маросимида кишлоқ комсомолларига: «Мен кўксимда буюк Сталин билан жангга кираман», деб кўкрагингиздаги Сталин сувратини минбарда туриб кўрсатганингизда мен ҳам бор эдим. Сизга қора лак нима учун кераклигини биламан. Сталининг сувратини чаплаш учун керак. Бунақа қилишнинг энди фойдаси йўқ. Саратон иссиғида терлаган баданга бўёқ ёпишмайди. Кўчиб кетаверади. Бундан ташқари... — деб зимдан унга назар ташладим. Боши ўнг томонга бурилиб қолганди. — Кўксингизда Сталин борлигини зеклар аллақачон билиб олишган. Яқинба кун сизни ечинтириб, кўкрагингиздаги қора лакни керосин билан, солярка билан, бензин билан Сталининг суврати кўрингунча ишқаламоқчилар. Кўксингиздаги Сталинни минг-минглаб махбусларга кўрсатишмоқчи. Сизга маслаҳат, хўжайинингизга айтинг, сизни ё вақтинча қамаб қўйсин, ё бошқа лагерга жўнатиб юборсин.

Хойини огоҳлантириб тўғри иш қилдимми, билмадим. Ҳар ҳолда бир кишлоқдан бўлганимиз учун шундай қилдимми, билмайман, билмайман.

Кимсанбойнинг калласи чапдан ўнгга, ўнгдан чапга муттасил бориб келаверди. Худди тутқаноқ тутаетганга

ўхшарди. У машаккат билан ўрнидан туриб, бошини барак томонга тўғрилаб қўйди. Барибир боши ён томонга силкиनावерганидан йўлни кўролмаёй гаңдираклай бошлади. Икки марта йиқилди. Яна турди. Кўр одамдай тусмоллаб юра бошлади. Унга ҳам раҳмим келди, ҳам ундан жирканиб кетдим.

Эртасига у қора лак олгани келмади. Тушликка яқин учинчи баракда нимадир бўлди. Уша томонга санитар югуриб ўтди. Лагер касалхонасининг жарроҳи — каторжник Штокман ва замбил кўтарган икки санитар изма-из ўша ёққа югуриб кетишди. Бир оздан кейин замбилда қонга беланган Кимсанбойни касалхонага олиб ўтишди.

— Кўксига пичок санчибди, — деди барак навбатчиси. — Батгар бўлсин! Итга ит ўлими. Махбуслар барибир уни тирик қўйишмасди.

Кечкурун шидан қайтган Олимжон домла касалхона бараги олдида уёқдан-буёққа асабий бориб-келиб турибди. Эшик олдида махорка чекиб турган санитардан:

— Ахволи қалай? — деб сўрадим.

— Билмадим, ҳозирча бир нима дейиш қийин. Пичок юрагига бир сантиметрча кирган.

Эрталаб санитар олдимга келиб:

— Бемор Ёлкинов сизни сўраяпти, — деди.

Кимсанбой кўкка боқиб ётибди. Ора-сира ожизгина инграб қўяди. Тепасига бориб ахволини сўрадим. Унинг ҳуши жойида эди. Фақат кўн қон кетганидан жуда холсиз, бемажол.

— Ҳамкишлоқ, яқинда муддатингиз тугаб уйга кетасиз, — деди у наст товунда. — Илтимос, дадам қамқдан қайтиб келган бўлса, менинг узримни етказинг. Гуноҳини қони билан ювди, деб айтинг.

У чарчадимми, хартугул, анча пайтгача индамай ётди. Навбатчи санитар, керакли гапини айта олмаяпти, деб ўйлаб бизни холи қолдириб чиқиб кетди.

— Бу дунёнинг азобларидан қутилишимга санокли соатлар қолган. Сиздан ўтишиб сўрайман, Штокманга айтинг, жоним узилиши билан танам совумаёй, жасадим қотмай туриб кўксимдаги Сталин сувратини терим билан шилиб олсин. Фашистларнинг концлагерида ўликларнинг терисини шилишда Штокман ассистентлик қилган. Қандоқ шилишни яхши билади. У дунёга ҳам Сталин билан кетмай. У билан битта қабрда ётгулик қилмасин.

Унинг бу гаплари илтимос эмас, васият эди.

Хотиржам бўлинг, албатта унга айтаман, — деб ваъда бердим.

Фашистларнинг концлагерида Кимсанбой Ёлкинов ўликхонага қоравул бўлган деб эшитган эдим. Ўлган асирларни тиканли сим билан ўралган жойга саржинга ўхшатиб тахлаб қўйганлар. Қин чилласида ўликлар тошдек қотиб, музлаб қолади. Уларнинг оғизларидаги тилла тишларини олғирлар қоқиб кетмасин, деб қўриқлашарди. Баданида яра-чақаси йўқ ўликларни ичкарига, иссиқхонага олиб кирганларида муз эриб, мурдаларнинг бадани юмшаб қолади. Шундан кейин терисини шилиш осон бўлади. Бу терилардан ташнос хонимларга сумкачалар, танга-чақа соладиган ҳамёнчалар, қайишлар ясашарди. Баъзан ёрилган барабанларга ҳам қолашар эди.

Кимсанбойнинг олдидан чиқиб, жарроҳ Штокманнинг хонасига кирдим. Ёлкиновнинг васиятини унга айтдим. Штокман бош чайқади.

— Буни ҳатто хаёлингизга келтирманг. Умримда бунақа иш қилмаганман. Аммо, қилмаган ишимни зўрлаб бўйшимга қўйиб, отувга ҳукм қилинганди. Кейин отув ҳукмини йиғирма йиллик қаторгага алмаштиришди. Кечирасиз, яна бошқатдан отувга ҳукм этилишини истамайман!

Шу билан Штокман гапни қисқа қилдию мени хонасидан чиқариб юборди. Эрталаб борганимда санитар Ёлкиновнинг сахар пайтида жон берганини айтди. Ичкарига кириб мурдани кўрмоқчи бўлдим. Икки санитар унинг устидаги чойшабни очиб, Сталиннинг сувратини томонга қилишаётган экан. Пичоқ Сталиннинг чап кўзидан сал пастроғига санчилган эди. Доҳийнинг суврати шу қадар маҳорат билан ишланган эдики, худди тирикка ўхшаб кўринарди. Ажаб, ўлик танада тирик Сталиннинг суврати.

Мендан олдин Олимжон домла келиб мурдага узок тикилиб ўтирганини, ўпкасини босолмай ўкириб йиғлаганини айтиб беришди. Қайтиб чиққанимда домла эшик кесакисига бошини тираб, холсиз бир алфозда турарди.

— Домла, бир мусулмоннинг боласи оламдан ўтди, — дедим. — Шунга жаноза ўқитсак бўлармиди?

Домла индамади. Узок сукутдан сўнг:

— Унга жаноза лозим эмас, — деди. — Кўкрагида кофирнинг суврати бор. Энди у бежаноза, бекафан кўмилади.

У шундай дедию, гандираклаб-гандираклаб, барак орқасига ўтиб кетди. Доҳий Сталиннинг жасади тупроққа кўмилмади. Уни ичига похол тикиб мавзолейга, устози Ленин ёнига ётқизиб қўйдилар.

Бу ерда эса у бир хоининг баданига ёпишиб, атиги битта мурда аранг сифадиган гўрига шерик бўлиб ётибди.

Шу билан ичимиздан чиққан хоининг жирканч умри якуни топди.

1999 йил, 17 июнь

## АЗРОИЛ ЎТГАН ЙЎЛЛАРДА

*Собиқ шўро терговчилари қўлида азоб чеккан юртдошларимга бағишлайман.*

Зўр кураш кўрамиз, деб келганларнинг ҳафсаласи бир бўлди. Биринчи даврадаёқ кураш аланга олмай, чўғилигича қолди.

Икки полвон ярим соатдан бери ҳадис олиб, томошабинларни зериктириб юборди. Даврада ўтирганларнинг тоқати тоқ бўлди.

— Ажрим қиворинглар, кураш кўргани келганмиз!

— Жалол полвон чиқмаса кураш қизимайди. Жалол чиқсин!

Жалол полвон етмиш ёшларга борган, эллик йилдан бери кураш тушади, шу пайтгача кураги ер кўрмаган полвон.

Ишқивозлар уни беҳудага курашга чақиришадиган эдилар. У даврага чиққани билан талабгор бўлмагани учун қайта жойига бориб ўтиради. Курашаман, деб келганларнинг кўнчилиги ундан енгилган, ҳаммасининг алами ичида эди.

Ишқивозлар талаб қилаверганларидан кейин баковул уни даврага судраб чиқди. Қўлидан ушлаб ўртада айлан-тириб юрди.

— Мамлакатимизнинг мутлақ чемпиони, юзлаб ёш чемпионларнинг устози Жалол полвонга талабгор борми? — деди у даврага мурожаат қилиб.

Ҳеч ким чиқмади. У билан бир беллашсам армоним йўқ, деб келган ўспирин полвонлар одоб сақлаб жим ўтиришарди.

Орқа қаторда ўтирган йиғирма беш ёшлар чамаси бир йиғит ўрнидан турди.

— Мен беллашаман!

Хамма унга қаради. У танаси худди чўяндан қуйилгандек, миқти бир йиғит эди. Елкалари кенг, билакларидан мушаклари бўртиб чиқиб турган, очик кафтига битта

одам бемалол ўтирса яна икки бармоғи ортиб қоладиган бўз йиғит эди. Даврада кимдир ҳазил қилди:

— Вой-бў, баданига миҳ қоксанг қайрилиб кетади-ку!

Кимдир, Жалол уни икки ямлаб, бир ютиб юборди, деб юборди.

Жалол полвон писанд қилмагандек мийиғида қулиб турарди. Унинг жилмайиши ён полвоннинг нафсониятига тегди.

— Кўйи, болам, мен гўдаклар билан курашмайман. Ўз тенгинг билан беллаш, — деди унга насихат қилгандек.

— Йўқ, фақат сиз билан курашаман. Билиб қўйинг, енгаман! Курагингизни ерга ишқайман!

— Катта кетма, бола! Менинг курагим фақат ўлганимда — гўрда ётганимда ерга тегди.

«Майли, майли, беллашсин, боланинг сазаси ўлма-син, хўп денг, полвон бува!» деган овозлар чиқди.

Бакавул икки томоннинг розилигини олиб: «Бўстонликлик Жалол полвон ёзёвонлик Эрмат полвон билан беллашишга рози бўлди!» деб эълон қилди.

Жалол полвон ерга ўтириб этигини ечаркан, қилаётган иши ўзига қор қилиб, энди кунинг шу мишики гўдакка қолдими Жалол, шу норасида болани енгиб, нима обрў топасан, дерди ичида.

Эрмат полвон эса уни писанд қилмай, енгаман, дегандек мағрур турарди. Унинг бу «сурбетларча» туриши Жалол полвоннинг гашини келтирди. Энди ўзингдан кўр, бола, деб ўрнидан турди.

Баковул уларнинг белбоғларини бошқатдан боёлаб, омин, деб фотиҳа берди.

Жалол полвон бепарво эди. Қани, бир уришиб кўрсин, деб қўйиб берди. Эрмат унинг белбоғи орқасига қўлини суқиб, билагига уч марта ўради. Жалол полвон хотиржам эди. Эрмат: «Ё эгам, ўзингдан мадад!» деди уни бир силтаб кўтариб, оёғини ердан узди. Яна бир марта силкиганида кўкрагигача чиқарди, турган ерида икки айланиб чап ёнбошга отди. У болалар чоёнак қошқоғини бураб қўйиб юборгандек чир айланиб, яна қимирламай туриб қолди.

— Энди, бас, хумордан чиқдингми, — деди у рақибининг кулоғига. — Энди навбат менга! — У шундай деб Эрматни бир силтаб кўтардию ерга отди. У ерга чалқанча тушди. Жалол полвон тик турганча энганиб унинг икки елкасидан босди. Эрмат тиширчилади. Рақибининг чайир қўллари ҳамон унинг елкасини ерга қапиштириб турарди. Шунда... Шунда Жалол полвон

ракибининг ут чакнаган кўзида гўдаклар йиғлаганда оқадиган шаффоф, бокира ёшларини кўриб, сесканиб кетди. Унинг елкасидан кўлини олиб, ажиб бир меҳрибонлик билан кўлидан тортиб турғазмоқчи бўлди. Аммо Эрмат унинг кўлини силтаб ташлади.

Эрмат ўкириб-ўкириб йиғлади. Бу йиғи Жалол полвонининг юрак-бағрини ўрғаб юборди. Болам, йиғлама, кўзёшингни ют, биров кўрмасин, деди унинг қулоғига шивирлаб, Эрмат шу захоти яктагининг енгини кўзига суртди. Увол, увол, дерди Жалол полвон. Мана шу бола меннинг ўрнимга қолади. Уят иш қилиб қўйдим. Боланинг шохини сийдирдим. Аттанг, аттанг...

Жалол полвон гулдурас қарсақ товушлари остида даврадан чиқиб кетди. Этагини тутиб пул йиғмади. Ёнғокзор оралаб уйи томон кетди. Йўл-йўлакай, бу енганимми, деб ўзидан ўзи сўраб борарди. Енгилганим, енгилганим! Майда болалар билан бел олишадиган бачкана полвон бўлиб қолдингми, Жалол, дерди бошини сарак-сарак қилиб.

Эртага жавоб беллашуви бўлади. Нима қилай? Беллашмасам, полвонлик шаъним тупроққа қориншади. Беллашсам-у, атайини йиқилиб берсам, унда нима бўлади? Полвонлик ғуруримни қаёққа яшираман...

Шундай хаёллар билан кетар экан, яқин орада аёл кишининг қиқирлаб кулгани эшитилди. Аланглаб қаради. Уч тегирмон сув оқадиган сой бўйидаги харсанг усгида ўғли Қўчқорвой Нурим сартарошнинг келини Одинани бағрига босиб ўпяпти. Одина кийшанглаб кулар, Қўчқорнинг юзига беозор шапатиларди. Соининг шовуллашидан улар оёқ товушини эшитмасди. Ўз ишлари билан машғул эдилар. Қўчқор Одинани тиззасига ўтказиб олиб, юз-кўзларидан, лабларидан тинмай ўпарди.

Жалол полвон нима қилишини билмай серрайиб туриб қолди. Қўчқорнинг ерга тушган дўпписини олаётган Одина санчиб ўридан туриб кетди.

— Вой, мен ўлай... дадангиз! Шарманда бўлдик! — дедию тугмалари қадалмаган ҳарир кофтасини очик қолган ошпоқ кўкрагига босганича кочди.

Қўчқор нима қилишини билмай дадасига қараб тургач: «Йиғитчилик — итчилик экан-да, дада, — деди. — Бу аҳмоқ, эримди турмадан чиқармасанг, ўзимни сувга ташлайман, деб...»

— Дуруст, дуруст... Бир одамгарчилик қипсан-да, баракалла! Агар кучоқлаб турмаганингда, бағрингга босиб, томоғининг тагидан ўпмаганингда албатта, ўзини

суйга отарди. Менга кара, кўшпак, хотинингни олдига шу алпозда борма! Юзининг артиб ол, ҳаммаёнинг қиш-қизил лаб бўёғи бўлиб кетибди.

Жалол полвон гудрана-гудрана нари жўнади.

Полвон ўғлининг шу жувонга анчадан бери айланишиб қолганини биларди. Одинанинг эри қамалмасдан буруноқ бошланган эди бу савдо.

Нурим сартаронининг ўғли Собитзўр Одинани Чустининг Олмосидан ошқочиб келганди. Хусни бир дунё, юзи сутга чайқаб олингандек, кўзлари-ку... Бу дунёда унақа кўз бўлмаса керак. Машҳур рассом Чингиз Аҳмаров уни Нанайда кўриб қолганда, бу жувонининг кўзларида лазер нури бор, қараган жойинга ўт қўяди, деган эди. Қўчқор оҳудек хуркагич шу дилбарга элакишиб қолди. Печа марта учрашувга чақирди, келмади. Эридан кўрқди. Эри уни ҳаддан ташқари рашк қиларди.

Собит зўр қишлоқда тизгинсизлиги билан машҳур эди. Кўнглига келган хар қандай ишни тап тортмай қилиб кетаверарди. Баъзан у икки-уч ойлаб йўқ бўлиб кетар, поездларда лўлиларга қўшилиб кимор ўйнар, йўловчиларни қарта ўйинига тортиб, чўнтақларини қоқлар эди. У йўқ пайтларида қишлоқ тиричилик қоларди. Одамлар Собит йўғида қишлоқ дам олади, дейишарди. Баъзан у бор буд-шудини ютқазиб ўйинга қоронғи тушганда майкачан қайтиб келарди. Беш-ўн кун уйда «мўминқобил» бўлиб юрарди-да, яна сизирми, бузоқнинг ўғирлаб, лўлилар тўдасига қараб кетарди. Омади келган пайтларда бир халта пул билан қайтар, сизир-бузоқ эгаларини саҳийлик билан рози қилиб, ўз кўнглида гуноҳлардан фориғ бўларди.

Собит зўр Одинани Олмосдан ошқочиб келгандан кейин номи ўзига ярашмай қолди. Худди онаси бошқатдан тукқандек яхши бола бўлди-қўйди. Қўни-қўшилар Собитга худо инсоф берди, деб севинишди.

Собит отасига қўшилиб тўю маъракаларга боради. Нурим сартарош ичкарига — қариялар олдига кириб кетганда Собит ташқарида қолиб самоварчига қарашар, келди-кетдига чой ташир, ошпазга ўтин ёриб берарди. Унинг бир чиройли қобил бола бўлганидан севинган ҳамқишлоқлар, «Қаранг-а, худо инсоф бераман, деса ҳеч гап эмас экан», дейишарди.

Собит Одинани ер-кўкка ишонмасди. Одина эса бу эркалашлардан талтайиб кетган эди. Рўзғор ишларига қўл урмасди. Ҳатто ечиб ташлаган кийимларини қайнонаниннинг олдига ташларди. Овқатни еб, идиш-товоқни йи-

ғиштирмай иидамай түриб кетаверади. Қайнонаси, жавраб-жавраб кир ювар, жавраб-жавраб ховли супурар эди. Баъзан у эрига нолиб қоларди:

— Нега иидамайсииз, бошимизга чиқиб олди-ку, қайнотамсииз, нимасииз? Мен кимман? Қайнонаманми, келинманми? Мундоқ насихат қилиб қўйсангиз бўлмайди-ми?

Нурим сартарош босиқлик билан жавоб қиларди:

— Қўй, хотин, қўнам зорлайма. Ўғлиниг шунга андармон бўлиб, киморбоз дўстларидан кечди. Ёмон қилиқларини ташлади. Шу келин, деб юртга қўшилиб қолди. Икки марта жума номозиға ҳам олиб бордим. Келинингдан нолима, унга раҳмат де. Ўғлиниг ҳозир мисоли мажнун.

Собит ҳар кунни кечқурун жомда иссиқ сув олириб хотинининг оёғини ювиб, ошноқ сочиққа артар, тирсиллаб турган болдирларига шаналатиб уриб қўярди. Кейин уни даст қўтариб тўшакка ёткизарди. Одина бу хизматларга мукофот сифатида узук тақилган бармоқларини унинг пешонасига тегизиб ўпиб қўярди.

Собит ҳали тонг ёришмай елкасига милтиқ ташлаб тоққа чиқиб кетарди. Тонгнинг салқин ҳавосида қанотлари карахт бўлиб қолган беш-тўртга каклик уриб келарди. Хотини уйқудан тургунча какликларининг патларини юлиб, тозалаб, тузлаб қўярди. Одина ҳовлига чиққанда шамол учириб юрган патларни кўриб бурнини жиийрарди. «Шу каклик ўлғир ҳам жонимга тегиб кетди-да», деб нолирди.

Собитга отаси, болам, ўртоқларинг ҳашарга айтса, қолмагин. Энди сен юрт ичига кириб қолдинг. Кексалар олдидан саломсииз ўтмагин, ўтирган бўлсанг, ўрнингдан түриб салом бергин, деб насихат қиларди. Онаси бўлса унинг кўйлақларини жуҳуд домлага обориб дам солдирарди. У ёзиб берган аллақандай қоғозларни чойга ивтиб ичирарди.

Кунларининг бирида эшик тақиллаб қолди. Собит эшикни очса, остонада машҳур рассом Чингиз Аҳмаров туринти.

— Келиниг, мулла ака, — деди Собит унга ҳайрон қараб.

— Келинининг сувратини ишлашга рухсат берсангиз. Париж кўргазмасига юбораман.

Собитнинг бундан беш ой олдинги қони кўнирди. Панжалари муштга айланди.

— Кани, яхшиликча жўнаб қолинг, бўлмаса бир қор-хол бўлади. Мени ким деб ўйладиңиз, хотинини томошага қўядиган хезимкашлардан деб ўйладиңизми?

Ахмаров бир сўз айтмай орқасига қайтди. У шунақа жавоб бўлишини аввалдан биларди. Зора унга худо инсоф бериб рози бўлса, деб ўйлаганди.

Лекин бу бекиёс истеъдодли рассомда бир-икки марта кўрган одам қиёфасини ёддан чиза олиши қобилияти бор эди. Барибир ишлайман, дея дилига тугиб қўйди.

Қўчқор Одинага етинини учун бор ҳунарини ишга солди. Собитни хўкиз ўғирлади, деб қамади. Тергов пайтида мотоцикл ҳам ўғирлагансан, деб сохта гувоҳга рўнара қилди. Ўзи унинг томига ташлаб қўйган бир халта кўкнорини ҳам «дело»га ёнштирди. Собит саккиз йилни бўйинига олиб кетдию, хотини милиция терговчиси — капитан Қўчқор Жалоловга қолди. Хоҳлаган пайтида учрашиб, айш-ишрат қилишга имкон яратилди. Бир кун Одина унга эркаланиб, ўлсин, тўнка эримдан айниган тухумнинг хиди келарди, деб қулди.

Яқинда, бир ҳафтача бўлди, Собит турма қоровулини ўлдириб қочган эмиш, деган гап тарқалди.

Бу гапни эшитган Нуриддин сартарош боласидан умидини узиб қўйди. Энди уни эплаб бўлмайди. Бу бола қон тўкиб қўйди. Унинг ичидаги аждар уйғониб кетди. Энди у дуч келганга ўт пуркайди, дуч келганини гажиб ташлайди, деб афсус-надоматлар чекди.

Шу тобда кўзи олдида бўлиб ўтган ҳодиса Жалол полвонга негадир таъсир қилмади. Унинг хаёли эртага бўладиган кураш билан банд эди. Нима қилсин, беллаш-маъса, Жалол полвон қочди, дейишади. Беллашса, бир навқирон йиғитнинг дили вайрон бўлади. Эрмат енгилса курашга қўл силтаб, иккинчи марта даврага чиқмайдиған бўлиб кетади. Агар унга йиқилиб берса, эллик йил елкаси ер искамай келган, шу охириги курашдан кейини полвонликни ташлаб, умрининг қолганини тоат-ибодат билан ўтказаман, деб аҳд қилиб қўйган. Кураш — бошқаларга томоша. Полвон учун эса гурур, нафсоният, айниқса, охириги жангдан тўнининг чангини қоқиб, даврадан бош эгиб чиқиб кетиш Жалол полвонга ўлим билан баробар эди.

У шундай деб ўйладию, дарров фикридан қайтди. «Жалол, шунақа паст одаммисан? Бир оёғинг гўрда турибди-ю, шон-шавкатни ўйлайсан-а! Уят, уят!»

У бир-бирини инкор қиладиган хаёллар гирдобида тўлғаниб-тўлғаниб уйқуга кетди.

...Бугунги курашга кечагидан икки баробар кўп одам келган. Уч автобусда шахардан ишқибозлар, енгил машиналарда туманлардан полвонлар келишган. Кечаги кураш телевизор орқали кўрсатилган эди. Жавоб беллашув қандоқ бўлар экан, деб келганлар сон-саноксиз.

Кабобпазлару морожнийчиларнинг кўли-кўлига тегмайди.

Жалол полвон бугунги беллашувга хушламайроқ келди. Ўзига қолса, мен енгилдим, деб қайтиб кетишга ҳам рози эди. Уни бу ерга фақат орият олиб келганди.

Саккиз беллашувдан кейин Жалол полвон билан Эрмат полвонга гал келди.

Эрмат полвоннинг ковоғи солиқ. Ундан кечаги мағлубиятнинг захри кетмаганди. У рақибига тилар-тиламас, ҳатто, бетига қарамай кўл берди. Унинг авзойи бузук. Агар бугун Жалол полвонни тупроққа қориштирмасам, фалон-пистон бўлай, деб дўстларининг даврасида оғзига ёмон сўз олиб кўйган. Полвон халқи жазавага тушганда берган ваъдасини унутадиган қавмдан бўлади. Кечаси билан Жалол полвон ўйлаб-ўйлаб, Эрматга йиқилиб берай, энди зўр келиб қаёққа борардим, шу ёш полвонга бугунги ғалабаси қанот бўлсин, деб ният қилганди. Беллашув пайтида ниятидан ғурури ғолиб келди. Бу ўжар, ўзига ортиқча бино кўйган полвончанинг таъзирини бериб кўймоқчи бўлди. Эрмат ҳам астойдил эди. Унга асло белини бермасди. Жалол полвон уни ўзига тортганда, бир кучаниб кўлини чиқариб юборарди. У эллик йил курашиб ҳали бунақа бели бақувват полвонни кўрмаган эди. Кўпдан синалган усулни кўлламоқчи бўлди. Рақибини бағрига қапиштириб кўтарганда ҳар қандай полвон ҳам тоб беролмасди. Бунинг учун аввал Эрматни бағрига тортиши керак. Аммо Эрмат сира белини бермасди. Ҳамла билан бир-икки марта уни кўксига қапиштирди ҳам. Аммо Эрмат бир кучанганда Жалол полвоннинг бақувват кўллари узилган занжирдек чиқиб кетарди. Жалол полвон пайт пойлаб уни бағрига босди. «Ё тангрим!» деб оёғини ердан узди. Ҳамма жим. «Жалол ютди, Жалол ҳозир уни ерга қапиштиради» деган овозлар эшитилди. У рақибини энди ёнбошга отмоқчи бўлиб турганда ёнғоқзордан кетма-кет икки марта ўқ товуши эшитилиб қолди. Ҳамма ёнғоқзор томонга қаради. Отилган ўқ гўё Жалол полвоннинг қон томирига, бақувват пайларига теккандек бўлди. Бир дам қони айланганидан тўхтагандек, пайлари дугторнинг таранг ипларига сув сепилгандек бўшадди-қолди.

— Ур, ур, болам! — деди Жалол полвон ииграб.

Шу тонда ерга отмасанг, кейин мени енголмайсан!

Эрмат нима бўлаётганини тушуимасди.

— Ур, шошиб турибман! Зудлик билан кетишим керак, ур!

Эрмат уни даст кўтариб ўнг ёнбошга отди. Жалол полвон икки қўлочини ёзганча ерда ётар экан: «Енгдинг, енгдинг, бола!» деди.

Эрмат уни қўлидан ушлаб турғизиб қўйди. Жалол полвон этигини ҳам киймай ёнғоқзор томонга ўқдек учиб кетди.

Даврада шивир-шивир гап айланиб қолди: — «Ёнғоқзорда Собит зўр Қўчқор билан Одинани отиб кетибди...»

Икки марта ўқ отилгандаёқ Жалол полвоннинг юраги мудхиш воқеа юз берганини сезганди.

Саккиз йил мусичадек бир-бирининг патини ялаб яшаган, эри ишдан кечикса остонада иттизорлик билан кутадиган, келиши билан бўйнига осиладиган хотинининг бир дақиқада эридан кўнгли қолшини мумкинми?

Уйга олиб келишганда Қўчқорнинг танаси ҳали сову-маганди. Благаидаги соати чиқиллаб юриб турипти, мил-лари бепарво айланяпти. Ундан дам ўтмай қандайдир шўх куй таралади. Хотини Гуландом фарёд уриб унга ўзини отди. Отдию бир дақиқа ўтмай нафрат билан санчиб ўрнидан туриб кетди. Мурдадан француз атирининг хиди келарди. Унинг юзларида, бўйинларида, кўкракларида кип-қизил лаб бўёғининг излари аниқ кўриниб турарди.

Шу топда ўлган Қўчқор эмас, Гуландом эди. Орзулари, кўксида ёнган оловдек мухаббат, эркаланишлари бир зумда жон берди-қўйди.

Мархумнинг йиғирмаси ўтгунча ҳам Гуландомнинг кўзида ҳеч ким ёш кўрмади. Гўё у эрининг эмас, бегона-нинг маъракасида юргандек эди. Қулоғидан зирагини, бўйнидан шода-шода марваридларини, бармоқларида чакнаган узукларини олиб қўймади. У азадор уй соҳиба-си эмас, тўй эгасидек эди.

Гуландомнинг борадиган жойи йўқ эди. Тўйда келин томондан биронта тирик жон келмаганди.

Полвон ўғил уйласам, кудаларим билан борди-келди қилсам, деб орзу қиларди. Афсус ундай бўлмади.

Қўчқор Оҳангарон томонларда милиция терговчиси бўлиб ишларди. Бир тўйда Гуландомга кўзи тушадию ҳаловатини йўқотади. Ётса ҳам, турса ҳам кўзидан Гуландом кетмайди. Неча марта йўлини тўсиб гапга солмоқ-

чи бўлади. Аммо киз ўзвойи каптардек унга тутқич бермас, ошиқ йигитнинг ёлворишларини эламас эди. Охири Кўчқор кўпдан синалган усулини қўллайди. Гуландомнинг укасини мотоциклда одам уриб кетган, деб қамаб қўяди. Гуландом бош эгиб Кўчқорнинг олдига боришга мажбур бўлади. У қилади, бу қилади, кизнинг уёғидан ўтади, буёғидан ўтади. алдайди, аврайди. Фалон вақт фалон жойга кел, укани кўрсатаман, дейди. Шундай учрашувлардан кейин Гуландомда Кўчқорга мойиллик сезила бошлайди. Киз тегадиган бўлади, Кўчқор уйландиган бўлади. Кўчқордан кизни кизга совчи келади. Ота унамайди. Жаллодга берадиган кизим йўқ, деб узил-кесил жавоб қилади.

Гуландомнинг онаси эрига ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлади.

— Рози бўлинг, дадаси, бўлмасе, шармандамиз чиқадди. Йигит ўлгир кизимизни бошка эрга теголмайдиган қилиб қўйган.

Хотинининг гапи оғзида қолади. Ота сапчиб ўрнидан туриб ичкари уйдан Гуландомнинг сочидан судраб чиқадди. Кўча эшигидан итариб чиқаради

— Иккинчи бу уйда қорангни кўрмай! Оқ қилдим, — дейди.

Гуландом кечалари айвон даҳанига ўтириб, шум такдирини қарғарди. Бегона хотин кўйиндан чиқиб келган наҳс эр билан ётганига ўксиниб-ўксиниб йиғларди. Шундай пайтларда бу пушти куйган, зурёдсиз эрининг гўрига ўтлар қўйиб юборгани келарди.

Жалол полвонининг буйрагига бирдан оғриқ кирди. Чидаб бўлмас бу оғриққа Жалол полвон тишини-тишига қўйиб чидаб берди. Уч кун маъракага ким келди, ким кетди, билмасди. Ўзи билан ўзи овора эди. Охири у белни кўтаролмай букчайиб қолди. Докторлар оғриқни босадиган укол қилишди, барибир сал фурсатдан кейин яна оғриқ бошланаверди.

— Бу узок давом этадиган дард, — дейишди врачлар. — Агар тезроқ тузаламан десангиз, Бухорога боринг. Давоси ўша ерда. Бухоро санаторийсидан шифо топасиз. Албатта боринг, йигирма кунда тузалиб қайтасиз.

Оғриқ чидаб бўлмас бир ҳолга келди. Полвон жиянини чақиртирди.

— Жиян, аҳволимни кўриб турибсан. Оғриқ зўрайиб кетди. Келгунимча бола-чақанг билан шу уйга келиб тур. Ҳовлини шундоқ ташлаб кетаверсам ҳам бўлаверарди. Ўғри оладиган ҳеч вақо йўқ. Биласан-ку, мол-дунёга

хирс қўймаган одамман. Аммо уйда бировнинг омонати бор. Жияниги ўртоғи чет элга ишлагани кетган. Мана-ви машина билан битта чамадонни ташлаб кетган. Омонатга хиёнат бўлмасин, деб халигача итдек қўриқлаб ўтирибман. — Ў дарвозаси очик турган гаражга қаради. Устига брезент ёпилган «Волга»нинг гилдираклари кўри-ниб турарди. — Эҳтиёт қил, болаларнинг чизиб-четиб ўтирмасин.

Кўчқорнинг ҳовлиси полвоннинг уйидан олти эшик нарида. Тошкентнинг энг яхши усталари қурган. Таги ертўлалари саккиз хона уй. Ҳаммасига чўғдек ёнаман деб турган гиламлар тўшалган. Шифтларида биллур кандил-лар. Жавонларида япон, хитой, немис чинчилари. Ҳовли ўртасида фавворали тўртбурчак ҳовуз. Полвон хонлар-нинг саройидек ҳовлини кўрганда, болам, уч уйланинг, худо сенга фарзанд бермади. Болаги бўлмаса, чақан бўлмаса, шунча уйни нима қиласан, деди. Эр-хотинга иккитагина хона бўлса етарди-ку, деганда Кўчқор гапга чап бериб, ҳа энди, бу ҳам бир ишқибозчилик-да, деганди.

Остонада эшик кесакисига суяниб Гуландом турарди. У узоққа кетаётган қайнотаси билан хайрлашгани келган.

— Болам, — деди полвон унга, — азадор хотинсан, бўйиннигдан, кулоқларингдан анави ялтир-юлтирларни олиб қўй. Ўзбекчиликда айб бўлади. Дўст бор, душман бор, ўзингни эҳтиёт қил. Энди сени кўриқлайдиган эринг йўқ. Хайҳотдек ҳовлида бир ўзинг қолясан. Қулоринг-даги зирак жуда қимматбаҳо буюм эмиш. Самовардаги чойхўрлар эрмак қилиб, полвоннинг келини иккита «Волга»ни кулоғига илиб юрибди, дейишяпти. Уйда ёлғиз ётма. Хайр энди, соғ-омон бўлинглар. Сизларни Оллоҳга топширдим. Мен Бухоройи шарифга кетдим.

Жалол полвон тўнни елкасига ташлаб, кафти билан ўмганини босиб, иккилаб, сафар анжомлари солинган халтани аранг кўтарганча букчайиб чиқиб кетди.

Етмиш йил яшаб бирон марта дардга чалинмаган, фа-қат болалигида қизамиқ бўлган, кўкйўтал бўлган Жалол полвон умримнинг қолганини ҳам ана шундай доктору дори нималигини билмай ўтказаман, деб ўйлаган эди. Бандасининг айтгани бўлмас экан. Дард ҳам, дармон ҳам худонинг иродасидан. Ҳеч касал бўлмаган одам дардини оғир кўтаради. Жалол полвон беш кун бош кўтармай, шифтга боқиб, оҳ-воҳ қилиб ётди. Умида емаган уколларни еди. Кўнгли айниб-айниб, қўланса дориларни ютди.

Мана, беш кун ўтиб, энди кўзини очди. Шунда қаерда ётганини билди. Атрофига қаради. Палатада ундан бошқа

яна уч бемор бор эди. Улар етмишга етиб-етмаган, кўп дард тортганликлари шундоққина билиниб турган кишилар эди. Бирининг няғи асабдан баъзи-баъзида чап томонга тортадиган, бири андак дудукланадиган, бири оёғи ногирон одам эди.

Юрса ер силкинадиган, орқаси битта стул ўриндиғига сиғмайдиган Жалол полвон беш кунда бир бурдагина бўлиб колди.

Тоғу арчазорларнинг шаффоф хавосига ўрганган бу одам дард билан бўлиб дори ҳидига тўлган палатанинг бўғиқ, кўланса бўйини сезмаган экан. Жонни сая ором олиб, энди сезяпти.

— Меҳмон ако, бизде жидо кўрқитиб юбордингиз-ку! Хайрият кўзди очдингиз. Худо хоҳласа кризис ўтди. Апарасияга кўнманг. Буйрак сабел нозик нарса. Тиф теги-зиб бўлмайду.

Жалол полвон няғи чап томонга тортадиган бу одамнинг гапларидан бухоролик эканини билди.

— Ман кафил, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Томирингизга беш кундан бери гимодез деган дори томишишади. Бу дори қонни тозалайди. Йўқ демай билагингизни тутиб бераверинг. Бу ер касалхона эмас, санатория. Сизни шаҳардаги катта касалхонага олиб кетишмоқчи эди. Аҳволингиз оғир бўлгани учун безовта қилишмади. Энди ҳаммаси ўтди. Буёғига ўзимизди кўли енгил дўхтирларимиз даволайверадилар.

Ҳамшира қиз Жалол полвонга дори ичириб, чикиб кетаётганда дудукланадиган бемор уни тўхтатди:

— Сангча бону, меҳмонди гулайсага олиб чиқсак мейлиму?

— Ойтимуллодан сўрай-чи, — деб чикиб кетди ҳамшира. Жалол полвон «ҳамширанинг исми қизиқ экан, бу Ойтимуллоси ким бўлди экан», — деб ўйлади.

Бир оздан кейин эғнидаги оқ халати ўзига ярашган навбатчи врач кирди. У эллик ёшларни қоралаб қолса ҳам юзида битта ҳам ажини йўқ, кўхлик аёл эди. Ўнг чеккасида тароққа сўз бермаган зулфи қулфнусха зирағига илиниб турарди.

Оёғи ногирон бемор тилга кирди:

— Қаерларга юрибсиз, Ойти? Ишқингизга ўллик-ку! Ойти унинг ҳазилига ҳазил билан жавоб берди:

— Бошқа палаталарга ҳам жазманларим кўп, акамулло!

— Аёқим мундоқчикин бўлмаганда сизни ўзим олқо-чиб кетардим.

— Ундок бўлса, оёғингизни шу бугуноқ тузатиб қўйганим бўлсин. — У шундай деб ёнидаги ҳамширага юзланди. — Аравачани олиб келиб отахонни бир боғ айлантини. Тоғ хавосига ўрганган одам палатада жуда қийналиб кетди.

У беморларнинг қон томирини ўлчаб, «Зўр, зўр, юрак эмас, паравоз. Овқатдан қисмасак, қутуриб кетибсизлар», — деди.

— Ундок бўлса бир кунга уйга жавоб бернинг, момонинг қулокига секратний гапим бор эди.

Ойти, ёмонсиз, ёмонсиз, ранс бова, дея қулиб чиқиб кетди.

Аёллар кирган палата бирдан ёришиб кетгандек бўлди. Улардан қувонч ва нур қолди.

— Барака топкур, зап файзли аёл-да. Беморнинг оғриғини икки оғиз сўз билан тузатворади-я!

Жалол полвон ўзим юраман, дейишига қўймай уч кишилашиб уни аравачага ўтказиб ташқарига олиб чиқибди. Ҳаво очик, ғир-ғир шаббода эсиб турипти. Қўлига стакан, пиёла ушлаган беморлар сув ичгани булоқ томонга кетишяпти.

Бу ердан чиққан булоқ суви нақд буйрак касалтининг тайёр давоси эди. Жуда кўп одамлар буйрак оғриғидан вой-войлаб келиб, шу сувдан шифо топиб, хандон-хушон уйларига қайтиб кетганлар. Учта чол полвон ўтирган аравачани навбатма навбат итариб хиёбон айланишар эди.

— Бу ерда аёлларнинг исми қизиқ экан — деди Жалол Полвон ҳайрон бўлиб. — Сангча, Ойти... бу нима дегани? — Қўлтиктаёқда судралиб келаётган бемор тушунтира бошлади:

— Сизнинг тошкентингизга Тошхон, Тошбиби деган аёллар борми? Балс, бизнинг Бухор тилига Сангча дегани Тошкент тилига Тошча дегани. Оналари бошнинг тошдан бўлсин, дўхтарим, деб шунақа исм қўядилар. Ойти дегани асли Ойтўта дегани. Бу Ойхола деган маъно беради, ўрисларнинг тёта деган сўзи ҳам шундан олинган бўлиши керак. Сизлар эркакларни мулла ака дейсизлар, биз акамулло деймиз, опамулло деймиз. Дўхтир опанинг исми дакументга бошқача. Яъни Истат Фузайловна. Тушундингизми?

Полвон тушундим дегандек бош ирғаб қўйди. Улар сўлимгина шийпончага чиқиб чақ-чақлашмоқчи бўлишди.

— Меҳмон, ўзларини қаердан сўраймиз? — деди ияги силкинадиган бемор.

— Сўраманг, — деди полвон. — Юртим жуда узоқда, тоғлар орасида. Ўзларингдан сўрай. Сизларга нима бўлган? Кўп дард тортганга ўхшайсизлар.

— Ҳа, нимасини айтасиз, Гулояннинг тошкентлик итјалоғи уравериб, ҳаммамизни инвалид қилиб кетган. Балки эшитгандирсиз у итни? Кўчқор Жалолов деган терговчи, Ҳа, онангни...

— Ҳой, ҳой, оғзингга қараб гапир «Ойти» келяптилар. — Фузайловна ўтиб кетгандан кейин у сўзини давом этдирди: — Ўша падар лаънат кўи ишлар қилиб кетди. Бутун бир шаҳарни боқса етадиган бойлик олиб кетди ўша итнинг бо таси.

— Сўкин! ий гапир, — деди дудуқланадиган бемор аранг гапириб.

— Сўкаман, нега сўкмас эканман! У аблаҳнинг отаси эшак, онаси мочахар!

Жалол полвоннинг вужуд-вужудига минглаб игна санчилгандек бўлди. У дунёга келиб ҳали бунақа ҳақорат эшитмаган эди. Тишини-тишига қўйиб чидади.

— Гулояннинг ўзи ҳафта-ўн кунда бир келиб Кўчқорнинг йиққан-терганларини чамадонига солиб олиб кетарди. Унинг терговчилари Фарғонада, Хоразмда, шу бизнинг Бухорода иш олиб борарди. У аблаҳ жуда ҳам шафқатсиз, жаллод эди. Хотинларимизни ҳам, келину қизларимизни ҳам қамаган эди...

Ҳамшира Сангча Амонова уларни тушликка чақирди.

— Қани, тойчоқларим, дўмбоқларим, авқотга.

Унинг бу гапига Жалол полвоннинг ғашин келди:

— Ия, биз унинг бобоси тенги бўлсак, бу тирранча қизалоқ эрмак қиляптими?

Уччала бемор баробарига хандон ташлаб кулиб юборишди.

— Шу қизалоқнинг икки куёви, бир келини бор. Саксонинчи йилда неварам кўричак бўлиб касалхонага тушиб қолди. Сангчани ўшанда биринчи кўришим эди. Қарасам, у тил-жағли, оёқ-қўли чакқон, суҳсурдек қиз. Кенжа ўғлимга қиз қидириб юрган пайтимиз эди. Бош врач олдига кириб Сангча деган ҳамширангиз бор экан, ахлоқ-одоби қандоқ, деб сўрадим. Бош врач кулди.

— Бу қизнинг биринчи эридан уч, кейингисидан тўртта боласи бор. Эри аварияга учраб ҳалок бўлгандан кейин ота-онасининг қистови билан эрининг йилини ўтказиб эрга теккан. Отаси бир юз бирга кирди. Онаси тўқсон олти ёшда оламдан ўтган. Битта опаси ҳозир саксон бир ёшда.

Жалол полвон бу гапга шиноқирамай «Ўў-е», деб юборди.

— У Ойтимуллодан уч ёш катта. Қаранг, юзида битта ҳам ажнини йўқ. Сочларига халигача оқ ораламаган. Ойти эллик бир ёшда бўлса, у демак эллик тўртда бўлади. Хали зуваласи пишиқ. Қизларига совчи келса янглишиб Сангчани қизлардан биттаси бўлса керак, деб гапга солиб кўришади.

Жалол полвон ё алҳазар, деб юборганини билмай қолди.

— Бухоронинг тагига олтин бор. Мана шу ичаётган сувимиз ҳам тилло қумлар орасидан ўтиб келаётган бўлса ажаб эмас, — деди кўлтиктаёқда судралиб келаётган бемор. Пошшою амирлар ҳам аҳмоқ эмас. Тилло шиёлада шароб ичишган. Тилло меъдани тозалайди. Одамлар бекорга тилло тиш кўймайди. Қайнотамнинг дадаси заргар эди. Йилига бир марта битта бухор тангани эговлаб қуқунини кап отарди. Ана шу одам бир юз етти ёшда оламдан ўтган.

Кечқурун Сангча Амонова дори ичиргани кирганда полвон унга разм солиб қаради. Унинг жилмайишга мойил бўлиб турган маъсум лаблари, қуюқ кириқлари қуршовида қолган мастона кўзлари, хали пардоз кўрмаган юзлари қарамаганини ҳам ўзига қаратади. Жалол полвон етминч ёшли чол бўлатуриб унга беҳаёларча қараб турганидан уялиб кетди. Тангрим, ўзинг кечир, тавба қилдим, деб истиффор келтирганини ўзи ҳам билмай қолди.

Сангча чиқиб кетар экан, билиб қўйинглар, болакайларим, телевизорни ровна соат ўнда ўчириб кетаман, деди.

— Ундай қилма, болам. Бугун соат ўну ўнда Марям билан Гулбаҳорнинг концерти бўлади. Марям «Қурбон ўлам»ни, Гулбаҳор «Барно йигит»ни айтади. Ўчирма, жон болам, — деб ёлборишди чоллар.

— Бўпти, — деди Сангча раҳми келиб. — Меҳмон, — деди у Жалол полвонга. Сиз фамил чой ичмай туринг. Кўк чой буйракни ювади. Хозир айтаман, ҳаммангларга бир чойнакдан кўк чой келтирадилар.

Бироздан кейин патнисда чойнакни кийдирилган тўртта чойнак келтириб стол устига қўйиб кетишди.

Ияги силкинадиган бемор анчагина гапдон экан.

— Меҳмон, биз сизнинг исми шарифингизни билмаймиз, сиз бизникини билмайсиз. Келинг, яхшилаб танишиб олайлик. Менинг исмим Ҳамро Очил. Мана шу жойдаги колхозга раис эдим. Шу санаторияга ерни мен

ўзим ўлчаб берганман. Манави лангининг, яъний чўлокнинг оти Ихтиёр Камол, коракўл совхозига директор бўлган. Анаву соковнинг оти...

— Соков дема, дудук де.

— Хўп, бўпти. Унинг оти Зулфиқор, фомиласи... — айтаверайми, деб унга қаради. Зулфиқор менга бари бир дегандек қўл силтаб қўйди. Унинг фомиласи Гадов. Пахта заводига директор бўлган. Ана энди сиз ўзингизнинг исми шарифингизни айтинг.

— Мен унақа машхур одам эмасман, пўристой бир полвонман, холос. Полвон ака десанглар бўлади.

Орага жимлик чўкди. Ҳар ким ўз чойнагидан чой қуйиб қайтара бошлади.

— Чойни бир қайтарсанг чой бўлади, икки қайтарсанг мой бўлади. Уч қайтарсанг, гижинглаган той бўлади, — деди Зулфиқор Гадов.

Жалол полвон яна Қўчқор тўғрисида гапириб қолишмасин, деб, асли камгап одам бўлишига қарамай, узундан-узоқ гап бошлади:

— Эллик беш йилдан бери кураш тушаман. Манаман деган зўр полвонлар билан беллашганман. Худонинг меҳрибонлигидан ўргилай, умримда енгилиш нималигини билмай ўтдим. То ўлгунимча шундоқ кетаман, деб ўйлагандим. Аммо бир ёш боладан йиқилиб, шармандаи-шармисор бўлдим. Касалим ҳам шундан. Бола ниҳоятда кучга тўлган, абжир, кураш ҳадисини олган паҳлавон экан. Урди, мени чалпак қилиб ерга урди. Белбоғимни тирсагига ўраб қисганда белим чўрт узилиб кетади-ёв, деб ўйладим. Белбоғим худди сим арқон бўлиб суяк-суякларимгача қисарди. Қуймичим билан ерга зарб билан тушдим. Ичак-чавоқларим аралаш-куралаш бўлиб кетди, деб ўйладим. Даврадан оғрик азобида, юрт кўзига қараёлмай, шармандаи-шармисор бўлиб чиқиб кетдим. Дўхтирлар буйрагингиз жойидан кўзғалибди, дейишди. Мана энди, қариганимда дардга чалиниб ўтирибман.

Беморлар унинг бу гапларини кулок қокмай тинглашарди.

— Ҳар бир одамнинг ичига дард бор. Э, нимасини айтасиз, биравники ошқора, биравники пинҳона. Мана, бизди олсак...

Ҳамро Очиқ Зулфиқорнинг гапини бўлди:

— Яна анаву ифлос, итдан таркаган Қўчқор Жалол тўғрисида гап бошламоқчимисан, гадойнинг боласи? Қўй, ўшанинг ҳаром отини оғзингга олма.

Полвон бир кизарди, бир бўзарди. Ноилож чидади. У шунча, узундан-узок гашириб уларни чалғитмоқчи бўлганди. Бари бир гап айланиб яна ўёлига келиб тўхтади...

— Эртага бизникига нонушта қилсак. Уйим яқин, шу ердан кўришиб туради. Бир яйраб сарёкли ширчоёхўрлик қилсак. Тандирдан янги узилган, ушлаган қўлни куйдирадиган мойли патирни ширчоёга тўграб еган одам прама жаннатга тушади. Нима дейсизлар, жўралар?

— Билмадим, — деди полвон. — Бу ернинг қондасини унчалик билмайман. Дўхтирлар кўннармикан?

— Билдирмаймиз-да. Улар то ишга келгунча биз нонушта қилиб бўламыз. Ширчоё сахар пайтига ичилади. Тушундиргизми, жўра?

Полвон яна гап Кўчқордан бошламасин, деб дарров хўн, деди.

Хамро Очилнинг ҳовлиси катта, иморатлари ҳам раисчасига қурилган. Хоналари кенг, шифти баланд. Қандайдир патнисларга қараб чизилган гул, тарвуз, қушларнинг сувратлари билан бежалган эди. Хона жиҳозлари ночор эди. Биров ҳавас қилса бўладиган гиламу жавонлар йўқ. Бир китоб жавонида беш-ўнта пахта гулли пиёла билан тўртта чоёнак бор эди.

Полвон кўп раисларнинг уйларида бўлган. Уларникида қимматбаҳо мебеллар, деворларда ҳам, оёқ остида ҳам эрону туркман гиламлари, япон, хитой, немис чинилари токчаларда, жавонларда чакнаб кўзин оларди. Жалол полвон Хамро раиснинг завқи пастроқ экан, деган ўйга борди. Ё бўлмаса кўп қиз узатгану ҳар тўйда қизлар уйни бўшатиб кетаверган, деб дилидан ўтказиб қўйди.

Хамро Очил унинг кўнглидан ўтаётган гапларни сизди.

— Ажабланияписиз-а, Полвон ако? Бу уйдаги қимматбаҳо буюмлар музейларда ҳам топилмасди. Бебаҳо чиниларнинг кўплигидан йўталсанг чинни овози ярим соат жаранглаб хонада айланиб юрарди. Мен қамалганимда болаларим бир чеккадан сотиб ўша онангни... Кўчқорга обориб беришипти, на гилам қопти, на чинни асбоб.

Полвон ҳеч бўлмаса шу ерда Кўчқорнинг номи тилга олинмас, деб ўйлаган эди. Йўқ, бўлмади.

Дастурхонга ажойиб неъматлар тортилган эди. Катта-кўрғоннинг ушласа уқаланиб кетадиган пашмагидан тортиб, Бухоронинг машҳур ёғли ҳолвасингача, ҳар бири «Жигули»нинг филдирагидек ёғли патирлар...

Ҳовлида ҳеч ким йўқ.

— Келинлар, қизлар сахарлаб бу таомларни тайёрлаб бирлари ишга, бирлари ўқишга кетишган.

Ёши олтмишларга бориб қолган озгин бир хотин патнисда тўрт чинни ширчай кўтариб кирди. Ҳамро Очил туриб патнисдаги чинниларни олиб дастурхонга қўйди. Шунда Жалол полвоннинг кўзи хотиннинг бармоғига тушди. Унинг ўнг кўлидаги ўрта бармоғи худди ипга осиб қўйгандек саланглаб турарди.

— Қани, ширчай совумасин. Патир қайноқлигида тўғранглар, мазаси бошқача бўлади. Мурч сепсак-ку, мазаси янаям бошқача бўлади-я, аммо буйракка аччиқ нарса тўғри келмайди-да.

Меҳмонлар ниҳоятда тотли ширчай билан овора бўлиб ҳеч биридан садо чикмади. Ҳамро Очил жимликни бузди:

— Полвон ака, хотинимнинг бармоғини кўриб ҳайрон бўлдингиз-а? Бу ўша падарлаънат Қўчқор терговчининг иши. Мен уйланганимда онам раҳматли бармоқларидаги узукни чиқариб, келинга, болам бу узукни катта бувим таққанлар, у кишидан кейин мен таққанман, энди сиз тақинг, деб хотинимнинг ўрта бармоғига тақиб қўйган эдилар. Узукнинг иккита мошдек олмос кўзи бор эди. У пайтда хотиним озгин, бармоқлари ҳам қаламдек ингичка эди. Икки бола туққандан кейин эт қўйиб, семириб кетди. Бармоқлари ҳам йўғонлашиб қолди. У шу узукни қирқ йилдан ортиқ тақди. Аммо кўлидан қўймади. Тўнғичимни уйлантирганимизда хотиним, келиннинг бармоғига шу узукни тақиб қўймоқчи бўлди. Уввало уринди, бармоғидан чиқаролмади. Узук гўштдор бармоғи териси орасида қолиб кетибди. Келинга Бухородан бошқа узук опкелиб берганим. Мен қамалганимдан кейин ҳам аблах Қўчқор терговчи уйни обис қипти. Келинларимнинг, қизларимнинг ҳамма тақинчоқларини опти. Хотинимнинг бармоғидаги узукка кўзи тушиб, шунча уринибди, чиқазолмапти. Охири узукни омбур билан қисиб бор кучи билан тортибди. Узук бармоқнинг терисини, гўштарини сидириб чиқибди. Бармоқ бўғинлари узилиб кетибди. Ҳозир кўрдингиз-ку, битта бармоғида жон йўқ, тўртта бармоқ орасида латтага ўхшаб осилиб қолган. Кир юволмайди, ҳамир қоролмайди, игна ушласа, жони йўқ бармоқ халакит беради.

Гап нимадан бошланса охири Қўчқор билан тугарди. Жалол полвон Бухорога келганига пушаймонлар еди. Минг ўлиб, минг тирилди.

— Шу десангиз, — дея гапини давом этдирди Ҳамро Очил. — Эрта-индин пенсияга чиқсам, колхоз машинасини топширишим керак бўлади. Ҳар қалай ўттиз-қирқ йил

машинида юрган одам пиёдақолмай, деб кенжамга битга «Волга» олиб бердим. Номер олдик. Правоси йўқ бола миниб-нетиб юрмасин, деб калитини хотинимга бериб қўйдим. Аблах Қўчқор ҳали мойи артилмаган ян-янги машинани ҳам олиб кетибди. Илоё буюрмасин, илоё аварияга учраб ўлиги хор бўлсин! Ота-онаси тобутти кетида фарёд уриб колсин...

Жалол полвон дод деворай деди. Бирдан, қутилмаганда юрагига санчиқ кирди. Томири тўхтаб-тўхтаб ура бошлади. Ҳамро Очилдан юрак дориси борми, деб зўрға сўраёлди. Раис «ҳозир, ҳозир» деганича югуриб чиқиб кетди. Бир оздан кейин дори солинган қутичани кўтариб кирди.

— Хотинимнинг ҳам юраги хуруж қилиб туради. Манавуни тилингизнинг тагига ташлаб олинг, ҳозир ўтиб кетади — У шундай деб полвонга валидол таблеткасини узатди.

— Чайнаманг, ўзи эриб кетсин, — деди Зулфиқор Гадоев.

Жалол полвон юрак оғриғи қандок бўлишини энди билди.

— Доктор чақирайликми? — деди Ихтиёр Камол.

— Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ, ҳозир ўтиб кетади, — деди араианг ўзини тутиб полвон.

Полвонни палатага опкириб ўрнига ётқизиб қўйишди. Санчахон унинг қон босимини ўлчаб лабини тишлади.

— Сизга нима бўлди, қўзичоғим? Бирон нимадан диққат бўлдингизми?

Полвон бошини сарак-сарак қилди. Истат Фузайловна Санча ваҳима қиляпти, деб бошқатдан қон босимини ўлчади.

Полвонни доктор кўраётганда бошқалар ташқарига чиқиб туришган эди.

— Бу одамнинг ичи тўла дард. Сиз билан биздан кўра аламли кунларни кўрганга ўхшайди. Оғир, босиқ одам экан, ёрилиб дардини айтмаяпти.

— Сизга ҳаяжонланиш мумкин эмас. Кўрган яхши кунларингизни эсланг, — деди Истат Фузайловна.

— Дўхтир опа, энди менга жавоб берақолинг. Худога шукр, буйрагим дуруст бўлиб қолди. Юракни Тошкентда даволатсам ҳам бўлади.

Ойти бошини сарак-сарак қилди:

— Буйрак билан ҳазиллашманг. Ҳали тузалгани йўқ. Биласизми, буйрагингиз жойидан силжиган. То тузалмагунизча кетишни ўйламанг.

Полвон яна бирон ой туришга ҳам рози эди. Аммо шерикларининг гаплари унинг жон-жонидан ўтиб кетяпти. Эрталаб турибоқ бисмиллосига Кўчқорни падарлаънат, деб сўкишади. Кечқурун ётишда ҳам яна ўша гап. Бу гапларга қандок чидайдди? Ўша аблахнинг падари менман, сиз оғизга олиб бўлмайдиган уят гаплар билан сўкаётган онаси менинг хотиним, деб айтолмасди.

— Зулфиқор Гадовев бундан икки ой олдин неварасини куёвга чиқазган эди. Эртага қуда чақирик қилишяпти. Албатта боринг. Кўпни кўриб дилингиз ёришади. Яна ўн марта томирингизга гимодез юборсак, кўрмагандек бўлиб кетасиз. Энди аравачадан тушинг. Пиёда юринг. Аммо оёқини ерга зарб билан ташламанг. Сувда сузгандек белга оғир келмайдиган қилиб юринг.

Полвон лом-ним деёлмай қолди. Тани бошқа дард билмас экан. Агар эшнтаётган юзлаб ҳақоратларининг биттасини у эшитганда эди, ҳовли ўртасида сочинни ёзиб дод дерди. Билмайдди-да. Буни полвоннинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайдди. Энди буёғига Полвон кўзим кўр, қулоғим қар деб яшашга мажбур. Қийин, жуда қийин бундоқ қилиш. На илож!

Эрталаб нонуштадан чиқиб бир стакандан булоқ суви ичиб, кундалик насиба — укол еб, шийпончада ўтиришган эди, Зулфиқорнинг ўғли келиб машинада олиб кетди.

Ойтимулло кўпни кўриб дилингиз ёзишади, деганди. Қаёқда, меҳмонлар учун дастурхон тайёрланган хонага қадам босишлари билан полвонни электр токи ургандек бўлди. Кўзлари тиниб боши айланди.

Девордаги кип-кизил чўғдек эрон гилами ўртасида илиб кўйилган заррин рамкада ниҳоятда кўхлик аёл кишининг катталаштирилган фото суратини кўргандаёқ Полвоннинг ранги ўчди. Сувратдаги аёлнинг қулоғида келини Гуландом тақиб юрган зиракни кўрди. Полвон Гуландомнинг қулоғидан олиб, салмоқлаб кўриб, тақма, азадор хотинсан, олиб қўй, деган эди ўшанда.

— Бу кимнинг суврати? — деб сўради полвон Ихтиёр Камолдан.

Ихтиёр қўлтиқтаёғини деворга суяб, стул томон интилар экан, мувозанатини йўқотиб ёнбошга оға бошлади. Полвон ушлаб қолмаганда йиқилиши аниқ эди.

— Хозир сўраманг, полвон ака, кейин айтаман, бу аёл ўзига ўт кўйган.

Кўчадан қўш машинанинг кетма-кет сигнали эшитилди. Болаларнинг бакирик-чакириклари бошланди. Бун-

даї пайтларда болаларга худо беради. Қуда тараф албатта болаларга турли совғалар олиб келинади. Бирига жевачка, бирига шоколад, бирига сувотар тўншонча тарқатадилар.

Аввал аёл қудалар ховлига киришди. Зулфиқорнинг хотини уларнинг оёғи тағига оқ сурп пойандоз ёзди. Келинлик либосида ял-ял ёниб кирган неварасини бағрига босиб, кўзёш қилиб олди. Зулфиқор эркак қудаларга ҳам худди шунақа оқ сурп пойандоз тўнади. У олдига келиб бош эгиб турган невараси Бахшанда келинчакнинг пешонасидан ўйиб, бахтли бўл, болам, борган жойингда налак отиб, ували-жували бўл, деб елкасини силаб кўйди. — Энди даданг билан кўриш.

Бахшанда ўрик тагида ўнкаси тўлиб, ҳиқиллаб турган дадаси олдига борди. Дадаси қирқбеш ёшлардаги жиккак, кўзлари чакнаб туган чиройли киши эди. Бахшанда юзидан тўр пардани олиб дадасининг бўйинига осилди. Болалик пайтларидагидек, худди биров ота бағридан тортиб олмоқчи бўлаётгандек ёпишиб олганди.

— Онанг раҳматли кўрмади бу кунларни. — деди у боласининг бошларини, елкаларини силаб.

У ўзини туттишга уришарди. Аммо унинг иродасидан ҳаяжонни зўрлик қилди. Йиғлаб юборди.

Кузатиб турганлар ҳам қаттиқ ҳаяжонда эдилар. Охири бувиси келиб Бахшандани отаси бағридан, бўлди, бўлди, духтарим, бас энди, дея олиб кетди.

Аёлларни ховли этагидаги хонага, эркакларни кираверишдаги меҳмонхонага олиб киришди. Дастурхонга қуюк-сууюк тортилди. Зулфиқорнинг кенжа ўғли хокандозда сириқ тутатиб чиқиб кетди. Ўтирганлар баҳоли кудрат бири юз сўмлик, бири эллик сўмлик узатдилар. Удум шунақа, сириқ тутатган одамга албатта пул бериш керак.

Зулфиқор қудаларига полвонни таништирди.

— Ихтиёрни ҳам, Ҳамрони ҳам танийсизлар. Полвон ака биз санаторияда бирга даволаняптилар. У киши кўп яхши одам. Босиқ, мулоҳазали, андишалли.

Полвон ичидан зил кетди. У ўйларди, шу андишалли, шу мулоҳазали одамнинг фарзанди бу оиллага чексиз жафолар қилган. Қаршингизда ўтирган шу андишалли одам — одам эмас, бўрининг, шоқолнинг отаси...

Ҳали бир-бири билан танишиб улгурмаган одамлар одатда уёқдан-буёқдан гапириб, охири суҳбат мавзуини топиб оладилар.

Айиний театрига Обид кизик билан Мирза кизик келганини, роса кизик хангомалар айтиб одамларни кулдирганини, Баховуддин пирим зиёратидан қайтаётган Эркин Воҳидов билан Абдулла Орипов Лабиҳовузга чої ичгани келишганини, одамлар ўраб олганини, Девонбеги мадрасасининг гумбазига одам тўлиб кетганини, икки соатдан ортиқ шеър ўқитишганини гапиришарди.

Бу бўлаётган гаплар Полвоннинг кулоғига кирмас, икки кўзи девордаги суратга қадалган. Назарида сувратдаги аёлнинг кулоғида зирак кимирлаётганга ўхшайверди. Ихтиёр Камол меҳмонларга мулозамат қилиб, кириб-чикиб турган Зулфиқорнинг кулоғига нимадир деди. У бош ирғаб, хўп, деб чикиб кетди-да, биллагига иккита тўн ташлаб кирди.

— Қудажонлар, бу меҳмонларимизни, — у полвон билан Ихтиёр Камолга ишора қилди, — дўхтирлардан қарзга олиб келганмиз. Кетишмаса бўлмайди. Полвон аканинг томирларига дори юборадиган пайт бўлди. Нима дейсизлар? Жавоб берайлига...

Зулфиқор полвон билан Ихтиёрнинг елкасига тўн ташлади.

Улар иковлашиб машинада қайтишар экан, Зулфиқорнинг уйдаги аёлларнинг пазандалигига тасаннолар айтишарди.

— Дўстим, — деди Полвон, палатага киришгач, — ўзига ўт қўйган аёл тўғрисида кейин айтаман, деган эдингиз. Айтинг, нима бўлган?

— Хунук иш бўлган, жўражон, жуда хунук, анаву ярамас, ит эмган Қўчқор Зулфиқорни қамаб, кўп азоблар берди. Зулфиқор ҳам анойи одамлардан эмас. Хоннинг саройиндек уйни қуришга фиштни қайдан олдинг, тахтани қайдан олдинг, деб қийин-қистовга тутаверди. Зулфиқор иморат учун нимаики олган бўлса, ҳаммасига фишт заводидан, тахта искалатидан, семону тунукагача чек ёздириб олган экан. Бундан иш чиқазолмаган терговчи, қанча пахта сотиб олгансан, қанча сотгансан, деб қийнайверади. Пахта заводини уч марта ревизия қиладилар, пичокқа илинадиган бирон ишқал тополмайдилар. Тиллангни, бойлигингни қаерга яширгансан, деб яна дўппослайдилар. Зулфиқор менда бунақа нарсалар йўқ, деб азобларга чидаб беради. Бу орада бир ярим йилга яқин вақт ўтиб кетади. Охири Зулфиқорнинг хотини билан келинини қамаб тергов қиладилар. Гулоян Қўчқор тайёрлаган ҳужжатларни кўриб, бўлмайди, деди. «Уни шундоқ қўйиб юборсак гап тегади. Ҳужжатларни икки йилга кесиб мумкин бўлади»

ган қилиб тайёрла. Хотини билан келинини шу бугун қўйиб юбор», деб ўзи Қарши томонга ўтиб кетади.

— Кўчқор Жалолов ўша кунини Зулфиқорнинг хотинини қўйиб юборади. Унинг ёлғиз қолган келини олдига тун ярмида киради. Қўлларини қайириб, уни зўрлайди. Қўлоғидаги зирагини олиб, тонгга яқин чиқариб юборади. Телба бўлиб қолган жувон хали осмон оқармай туриб уйга келади. Холдан тойган қайнонаси ухлаб ётарди. Хали уйғонмаган қизи Бахшанда тепашига келиб узок қараб туради. Харом вужуди билан унга яқин келолмайдди. Ошхонага кириб керосин тўла тунука банкани кўтариб чиқадию бошидан қуяди. Гугурт чақиб юборади.

Том бўйин бўлиб ёнаётган олов ховлининг у бошидан-бу бошига югурар, шу олов ичидан аёл кишининг бўғиқ овози эшитиларди. Уйғониб кетганлар унга яқин боролмасдилар. Челаклаб сув сепсалар ҳам ўт ўчмасди.

Зулфиқорни турманинг ичидан суд қилиб икки йил берадилар. Икки йиллик муддатни ўтаб бўлди, деб чиқариб юборадилар. У қамокдан чиққанда келинининг қирқи ўтиб бўлганди.

Ихтиёр Камол столда аллақачон совуб қолган чойини симириб, инсоннинг боши тошдан экан, жўра, деб ўтирган ерида қўлтиқтаёғига кўксини тиради.

Ташқаридан одамларнинг овози эшитила бошлади. Бир оздан кейин томирга дори томизадиган мослама кўтариб Сангча кирди.

— Бугун вақтида укол олмадинглар жужуқларим, гимодез томизиш ҳам кечикиб кетди.

Сангча полвонга фақат қувноқликка яратилган бир малак бўлиб кўринади. Ер юзи шунақа нурли одамлар билан мунаввар, деб ўйларди у. Худо жами гўзалларни оламларни махлиё қилиш учун, инсонлар кўнглидан бадбинликларни қувиб, вужуд-вужудини эзгуликка чулғаб, яхшилиқларга чорлаш учун яратгандек эди.

Полвон салкам икки соат билагида игна билан бир литрли шишадаги гимодез суюқликнинг охириги томчиси қолгунча қимирламай ётди. Кўзини уйқу босди. Ҳамшира қуймичига укол қилгандагина уйғонди. Хали офтоб ўчмаган. Беморлар кечки салқинда хиёбонларда сайр қилиб юрардилар. Ихтиёр Камол ҳамон қўлтиқтаёғинини пиягига тираб қимирламай ўтирипти. Полвоннинг уйғонганини сезгач, ташқарига чиқмаймизми, дея ўрнидан тура бошлади. Полвон ҳам турди. Икковлашиб ховлига чиқишди. Булоқдан бир пиёладан сув ичиб, ўзлари ўрганган шийпонга чиқиб ўтиришди.

— Уч кундан кейин мудратим тугайди. Кетсам, сиз зерикиб қолмасмикинсиз, деб ўйлайман. — деди Ихтиёр Камол.

— Мен ҳам кетсам керак, — деди полвон.

Аслини олганда бу меҳрибон, қайғунга қайғудош одамга Полвоннинг меҳри тушиб қолганди. Факат, факат Кўчқордан гап бошламаса бўлгани. Бари бир бўлмади. Кўчқорнинг номи аралашмаган суҳбат суҳбат ўрнига ўтмай қолди.

— Оёғингга нима қилди, деб сўрамадингиз, ўзим айти-тай. Терговчи Кўчқор Жалол мени камокқа олган кун-ниёк, олтинларингни, бойликларингни қаерга яширган-сан, деб кечасио кундузи ухлатмай сўроқ қилди. Менда бунақа нарсалар йўқ, десам, ишонмайди. Уради, тепади, қўлларимни қайиради. Мен бир чорвадор одам бўлсам, менда тилло нима қилади дейман, қани ишонса! Икки барзанги ерга ётқизиб қўл-оёғимни босиб турди, яна бири стулга чиқиб икки тиззамнинг кўзига сакраб тушди. Оғриқ азобида ҳушимдан кетиб қопман. Тиззаларим-нинг ошиғ-мошиғи жойидан қўзғаб қопти. Докторлар гингга солишди, бўлмади. Охири ромитонлик мош табибни чақириб келишди. Қўли енгил экан, ошиқ-мошиқни жойга солди. Оғриқ қолгандек бўлди. Лекин тиззаларимдан пастида жон йўқдек. Шу-шу, қўлтиктаёкка осилиб, судралиб юрибман. Кўчқор Жалол хароми, фарнинг боласи битта гапни билади. Олтин, олтин қани? Яширган жойингни айт. Айтмасанг, қўлларингни ҳам синдираман, дейди. Бўлмади. Болаларимни, куёвимни чақиртирдим. Уларни чўлдан зудлик билан олиб келишди. Кенжам аҳволимни кўриб додлаб юборди. Икки тарсакидан кейин болам шўрлик жим бўлиб қолди. Уларнинг ҳаммаси чўпон. Совхоз қўйларини боқишади. Ҳар бирининг хусусий икки-уч юздан қўйи бор. Бунга ҳукумат рухсат берган. Терисини, жунини, гўштини давлатга сотишади. Бундан ташқари, план устига қўшимча маҳсулот бергани учун яхшигина мукофот пули ҳам олишади. «Болаларим, қўйларингни битта қолдирмай сотинглар. Пулини манавуларга келтириб беринглар», дедим. Болаларим ота сўзидан чиқмайдиган қобил болалар эди. Хўп, деб чиқиб кетишди. Совхоз қўйи сотиб олмайди. Олганда ҳам пулини бир йил судраб чала-ярим қилиб, каттагина солиқ олиб, баракасини кетқизиб кейин беради. Мингга яқин қўйни бозорга чиқариб бўлмаса! Болаларим нима қилишларини билмай икки мотоциклда чўлдаги чўпонлар олдига боришади. Совхознинг Қизил-

қумда бир юз қирқ миңг қўйи боқилади. Икки юздан ортик чўпон кишини-ёзини саратонни саратон демай, чиллани чилла демай офтоб тифида қўйиб, чўл бўйлаб қўй хайдашади. Норменгли деган чўпон уларга бошчилик қилади. У асли Сурхондарёнинг Шерабод туманидан. Ёшлигида Шофирконга келиб қолган. Норменгли ҳалол, покиза одам, чорвачилик унга отакасб бўлган. Болаларим ўша Норменглининг олдига бориб, ниятларини айтадилар. Норменгли бошини қашлаб узок ўтиради. Ерга кўзини қадаганча тинмай сигарета чекади. Ярим соатча шу алпозада ўтириб ўрнидан туради, уёк-буёкка юради. У ниҳоятда асабий, ҳозир биров билан муштлашмоқчи-дек муштларини тугади. Норменгли кейинги пайтларда уйқусизлик касалига мубтало бўлганди. Ана олиб кетади, мана олиб кетади, деб ўтов олдига чиқар, олинса тўзон кўтарилса, то етиб келгунча ўзини қўярга жої тополмасди. Машинада ё зоотехник, ё ветврач келганини кўргандан кейин кўнгли жоїнга тушарди. Норменглининг туман марказига бормаганига ҳам уч ойдан ошди. Гулоян айфоқчиларининг кўзи тушса уни ҳам рўйхатга тиркаб қўйишларини билади. Яхшиси, ёмон кўзларидан йироқроқ юрай, деб чўл кезгани кезган эди.

Норменгли бир қарорга келди шекилли, жоїнга ўтириб: «Кетаверинглар, — дейди у, — ҳамманг ўз отарингга бор. Эрталаб олдиларингга одам боради».

Эрталаб Норменглининг ўғли тўнғичимникига мотоцикл кажавасида бир қоп сабзи-пиёз, картонка ташлаб кетади. Кетар чоғида келинимга пиёз тағида пул бор, ҳаммасини терговчига берманглар, эллик минги ўзларингда қолсин, ҳали сизларга пул кўп керак бўлади, деб жўнаб кетади.

Ўғлим Кўчқор Жалолга пулни олиб борганда у бола бечорага бақириб беради.

— Мен сенларга пул деганим йўқ. Тилла таңга олиб кел, деб айтганман, тушундингми? — дейди.

— Бизда унақа нарса йўқ. Умримда бир донасини ҳам ушлаб кўрмаганман.

Кўчқор тажанг бўлади.

— Бундай қиласан. Ҳозирок Бухорога бориб катта бозордан Ашот деган армани кабобпазни топасан. Мени Кўчқор Жалол юборди, деб қўлига пулларни бера-сан. Хушёр бўл, олдида одам йўқ пайтида у билан гаплаш. Нима қилишни унинг ўзи билади. — деб тушунтиради.

Нафсингга ўт тушкур Қўчқор Жалол юзта бухор тангани олгандан кейин «Айби исботланмади» деб мени кўйиб юборади.

Уйни тишув қилганда олиб кетган битта кўл соат билан Парижда мукофотга беришган олтин медалимни қайтиб бермади. Уни «антиқа» тери учун олгандим. Танлов ҳаками билагимга ҳар ўн беш дақиқада куй ча-ладиган швейцар соатини тақиб қўйганди. Афсус, жуда қимматли эсдалик эди. Ҳай, жанозасига буюрсин...

Чикқанимнинг эртаси кеч коронғида Норменгли келди. Қўйлардан биронтасини ҳам соттирмаганини, пулларни чўпонлар тўплаб берганини айтди. Бунақа одамгарчиликдан кўзларим ёшга тўлди. Ўзимни тутолмай ҳиқиллаб йиғлаб юбордим. Ифлос Қўчқор шунча азоб берганда ҳам миқжамга ёш келмаганди. Чўпонларнинг одамгарчилигидан таъсирланиб кетибман.

Кечкурун палатада улфати чор бўлиб, чой ичиб ўтиришарди. Телевизорда биринчи ўзбек космонавти Шариповнинг хонадонини кўрсата бошлади. Қариндош-уруғлари, кўни-қўшиқлари, ёр-биродарлари Шариповнинг оналарини табриклашяпти. Ҳовли одамга тўлган. Ҳамманинг қўлида гул.

Чой хўплаётган Ҳамро Очил, қандай бахтли онла бу! деб юборганини билмай қолди.

— Отасига раҳмат! — деди Ихтиёр.

— Шундоқ фарзанд ўстирган онасига минг-минг раҳмате! — деб юборди Зулфикор.

Факат Жалол полвоннинг тилига гап келмасди.

Ҳамро Очилнинг файласуфлиги тутиб кетди.

— Биласизми, инсон нима учун фарзанд ўстиради. Меҳнат қилиб, топиб келган ош-пони учунгина эмас, ўлганинда гўрнингга қўядиган мрамар тоши учунгина эмас, эл-юртдан олиб келадиган отангга раҳмат, деган биргина сўзни эшитиш учун ўстиради. Отангга лаънат, падарингга лаънат, деган сўз олиб келадиган фарзанднинг юзини худо тесқари қилсин!

Мана шу сўхбат асносида Жалол полвон минг ўлиб, минг тирилди. Ўзидан ўтганини ўзи билади. Мум тишлагандек, тилини ютиб юборгандек забун эди у.

— Мана, масалан, аблах Қўчқор Жалолнинг отасига ҳеч ким раҳмат, дермикин? Қани, айтишларчи? Нима дейсиз, Полвон ака?

Жалол Полвон нималардир деб ғудранди. Нима деганига ҳеч ким тушинмади. Унинг ранги оқариб кетган,

кошлари ўртасига тугунчак тушиб, бир нуқтага тикилганча телбанамо алпозда ўтирарди.

— Йўк, — деди Ихтиёр Камол. — Хеч ким раҳмат демайди. Шундай ифлос бола ўстирган сендек отага минг, миллион марта лаънатлар ёғилсин, дейди.

Жалол полвон холсизланиб ўридан турди, маст одамдек чайқала-чайқала ховлига чиқиб кетди.

— Бечоранинг яна қон босими ошиб кетди шекилли, — деди Зулфиқор. — Ё юраги хуруж қилдимкин?

У шундай деб чўнтагини кавлаб, валидол қидира бошлади.

Жалол полвон кечаси ухлаёлмади. У ёнбошидан, бу ёнбошига ағдарилаверганида кароват ғичирлаб, шерикларини ухлатмади. Охири ўридан туриб, шиннагини кийдию ташқарига чиқиб, ҳар гал ором оладиган шийпонда ўтириб ўй-ўйлаб кетди.

Кеча сокин. Тик этган товуш йўк, ой ҳам синдирилган патирдек яримтагина бўлиб қолган. Полвоннинг холига кулгандек яқингинада бақа қуриллайди. Кетма-кет, чўзиб-чўзиб қуриллайди.

Полвоннинг ичида нимадир ёнаётганди. Ичидаги олов чиқиб кетишга йўл излаётганга ўхшарди. Охири бир хўрсинганида бўғзини куйдирди-ю, ташқарига чиқиб кетди. Одамнинг жони ҳам шунақа чиқиб кетармикин? Йўқ-е, ундаймасдир. Полвон, жилмайиб туриб жон берганларни кўрган.

— Э, аттанг. Эсинг умр, эсингина умр-а! Худо мени одамларнинг лаънати эшитиш учун яратган бўлса иложим қанча! — деди у афсус-надоматлар билан.

Полвоннинг даволаниш муддати тугади. Уни кузатгани аэропортга чиқишди. Полвон самолёт трапига оёқ қўя туриб, кутинглар, бир ҳафтага қолмай келаман, деб такрорлади.

Самолёт ҳавога кўтарилганда полвон бирдан енгил тортди. Бадбахт ўғли туфайли ёғилган қарғишлар, ундан азоб чеккан аламзада одамлар ерда қолди.

Қишлоқ ўша-ўша, одамлар ўз ташвишлари билан овра. Чолларга ҳар куни бўлмаса ҳам кунора нахорга ош бўлиб турибди. Биров қиз узатапти, биров ўғил уйлапти. Яна биров оламдан ўтган отаси ё онасига йиғирма оши берапти.

Фақат Нурим сартарош бу ошларга боролмайди. Одамлардан юзи шувит. У дўконини ҳам очмай қўйган. Кулоғига бир хунук гап кирди-ю дўконга қулф солди. «Нурим ўша одам овчиси Собитнинг отаси-да, боласидан

ўтиб қаёққа борарди. Бўйинингга дунги бойлаб, кекиртагингга устара тортиб юбориши ҳеч гап эмас. Хукумат йўли билан бошқа сартарошхона очнш керак».

Шу гап кулоғига кирдню Нуримнинг қирк йиллик касби барҳам топди. Кўчага ҳам чиқмай томоркасида ёмиришиб юради.

Кундуз соат бирларда самолётдан тушган полвон қиншлокка кун ботмай кириб келди.

Нурим сартарош эининг олдида омбурга тикилиб қолган хашакларни олаётган эди. Жалол полвоннинг қораси кўришини билан ишини ташлаб шошилганича уйига кириб кетди. Унинг полвонга кўришинга бети чидамасди. Ўғлини отиб кетган боласи учун албатта мендан қасос олади, деб ўйларди. Полвон эса унга қараёлмасди. Шу тинчгина онлани хароб қилган ўғли учун Нурим албатта мендан ўч олади, деб ўйларди. Полвон Нуримдан, Нурим Полвондан қочиб юрарди. Полвон шу топда, ҳозир Нурим кетмонми, болтани кўтариб чиқади, менга ташланади, деган ўйда сергакланиб келарди. Нурим эса Жалол ҳовлимга бостириб кирадню ҳозиргина хашаги олинган омбурга мени икки буклаб тикади дея қочиш учун девор наҳрасини мўлжалга олиб, даф-даф титраб турарди.

Йўқ, Жалол полвон индамай ўтиб кетди.

У уйига келганда жияни томда кечаги шамол учириб туширган тарновни жойига ўрнатаётган эди. У тоғасини кўриб ишини шоша-пиша битқизиб, томга энгашган тут шохига осилиб пастга тушди.

— Келдингизми, тоға? Ахволингиз дурустми?

— Шукур-шукур, — деди полвон айвон даҳанига ўтирар экан. — Битта чой қўйиб бер. Бухоронинг таъм-сиз сувини ичавериб тинкам қуриди.

Жияни газга чойгум қўйиб чиқди.

— Жиян, — деди полвон. — Шу машинани юрғизса бўладими, бир, кўрчи.

— Акумулятори ўлган, уни бир кун токка қўйиш керак.

Кўчкор машина акумуляторини чиқазиб, сувини тўкиб гараж токчасига қўйган эди.

— Зарур бўлса ҳозирок устага бериб келаман, эрта-лабгача тайёр қилиб қўяди.

— Жуда зарур. Бухорога шу машинада кетаман. Устага олиб бор, ўшанақаси акангни ҳам чақириб кел. Гуландом уйда бўлса айт, тез келсин.

Жияни чой дамлаб чиқди, кейин чанг босган аккумуляторни велосипед орқасига ўрнатиб жўнаб кетди.

Полвоннинг катта жияни автомобил назорати бошлигининг ўришбосари эди. Бухорога машинани шу миниб боргани дуруст. Йўлда инспекторлар бўлар-бўлмасга тўхтамайдди.

Полвон поввот сувидек тотимли чойни ҳузур қилиб ичаркан, ўзингга шукур, ўзингга шукур, деб қўйди. Бирпасда чойнакни бўшатди. Пешонасидан терларини сидириб яктагининг этагига қўлини артиб ҳовли пастидаги ўтинхонага кириб кетди. Кўмир кукунлари ўрнашиб асли ранги қандоклиги биллимай кетган каттагина чамадон кўтариб чиқди. Супурги билан ўбдон чангини қоқиб латта билан артди. Чамадон қулфланган эди. Уришиб очолмади. Гаражга кириб омбир билан катта бир отвертка олиб чиқди.

Шу пайт Гуландом келиб қолди. Қайнотаси билан йиғлаб кўришди. У энди ўзини олдирган, кўзи тағларида, нягининг пастиди майда ажинлар пайдо бўлган. Аввалги шиддати йўқ. Йиғидан ҳўл бўлган кириклари орасида илгарги чакнаб турадиган ўт сўнгандек эди. Овози ҳам сўлғин. Шу бир ой ичида сўлиб, эртанги тақдирдан умидини узган афтодаҳол бир ализода эди. Полвон унга қараб раҳми келди. Бечора...

Полвон уни бағрига босиб бошларини силади. Юпатмоқчи бўлди. Нима деб юпатди? Уни овутадиган қандок сўз бор дунёда? Гуландом эса унинг бағрида ўксиб-ўксиб йиғларди.

— Болам, қандоқ қиламиз, пешонамиз шўр экан. Бахт бизга бетини эмас, кетини кўрсатган бўлса, кимга зорланамиз? Бор, болам, муздек ариқ сувида бетларингни ювиб ол!

Полвон тугунчасидан бир сурат олиб унга узатди.

— Ия, ота, бу менинг зирагим-ку! — деди ҳайрон бўлиб Гуландом.

— Йўқ, болам, сеники эмас, шу келинчакники. Сен унинг зирагини тақиб юрган эдинг. Эринг аблах уни зўрлаб, кейин қулоғидан чиқариб олган. Бу келинчак ҳозир йўқ. Номуси барбод бўлганига чидамай, ўзига ўт қўйган.

Гуландом сесканиб кетди. Бенхтиёр икки қулоғига қўл юборди. Шу топда унинг икки қулоғи ўтда қуяётгандек эди.

Гуландом қайнотаси «такма бу зиракни», деганда олиб қўйган эди.

— Ўтир. Энди манаву чамадонни очамиз.

У шундай деб чамадон кулфининг тагига от'вертка тикиб кўчириб олди, қопқоғини очди. Елимхалтага солинган бир зарбоф тўнни олиб халтадан чиқазди. Бухоро зардўзларининг ноёб бу намунаси аслида амир ваъизларидан бирииники эди. Полвон тўнни наматга ташлаб, хинд чойидан бўшаган тулука банкани олди. У жуда оғир эди. Қопқоғини очиб ичидагиларни дастурхонга тўкди. Бухоро тилла тангалари жаранглаб кетди.

— Биласанми, болам, шу тилла учун эринг совхоз директорининг икки оёғини синдирган.

Полвон бир тўрвани олди. Тугунини ечиб ичидагиларни тўкди. Улар аёлларнинг турли хил тақинчоқларни эди. Полвон қийшиқ бир узукни қўлига оларкан, овози титраб деди:

— Э худойим-а, бу қандоқ кўргилик! Узукка яхшилаб қара болам.

Гуландом узукни қўлига олди. Узук негадир доира шаклида эмас, тухумга ўхшаш узунчоқроқ эди.

— Бу узук бир хотиннинг қўлидан омбурда тортиб чиқарилган. Бечора хотиннинг бармоқ бўғинларини ажралиб кетиб, шалвираб қолган. Бармоқ териси шиллиниб, гўшти чиқиб қолган. Кўряпсанми, унда омбур қирган ишлар қолган.

Уюлиб ётган тилла тақинчоқларни титкилаб бир медални олди.

— Бу уйингдаги эринг тақиб юрган соатнинг эгасиники. Ҳали ҳаёт. Бу соат билан медални Францияда мукофотчи бағришган.

Гуландом сапчиб ўрнидан турдию кўча томонга ўқдек отилиб чиқиб кетди. Полвон тақинчоқларни яна халтага солди. Тилла тангаларни чой қутига битта битталаб санаб ташлади. Бухор танга роппа-роса 100 дона чиқди. Николайнинг сурати солинган танга бир юз саксонга эди.

Полвон шу ишлар билан банд экан, Гуландом келганини сезмай қолди.

— Мана, — деди у, — зиракни чамадонга ташлар экан. — Мана соат.

Гуландом югурганда соат механизмлари ишлаб кетган эди. Бир-икки дақиқадан кейин соат шўх бир куйни чалди. Бу соат ўлиб ётган Қўчкорнинг билагиди шу куйини чалиб турганди.

Полвон чамадон тагида яхшилаб қоғозга ўралган китобчага ўхшаш каттиқ бир нарсани олиб очди. Ҳали тахи бузилмаган, банкдан олинган долларлар эди.

Чамадонда булардан ташқари сопига олмос, бриллиант қадалган ханжар, тилло, қумуш қўйма нақшлар қадалган қизил бахмал камар бор эди.

Полвон буюмларни жой-жойига қўйиб, чамадон қоғонини ёпти.

— Мана, болам, — деди Полвон Гуландомга. — Қўйнимизда чаён бор экан. Тонган нарсасини ишига ташийдиган каламуш бор экан.

Кўча тарафда машина гуриллагани эшитилди. Бир оздан кейин эшикдан бир милиция майори билан полвоннинг жияни кириб келди. Бу марҳум синглицсининг ўғли Салоҳиддин эди.

У тоғасининг анча ўзига келиб қолганидан севинди. Хол-аҳвол сўради.

— Жиян, сендан битта илтимос. Бошлиғингдан икки кунга рухсат сўра. Манаву машинада Бухорога борамиз. Жуда зарур иш бор. Йўқ дема, жиян.

Салоҳиддин чаккасини қашлаб туриб жавоб қилди.

— Бизда йўл ҳаракати ойлиги кетяпти. Майли, бир кунга борай. Бораману яна самолётда орқага қайтаман. Майлими?

— Майли, — деди полвон жиянидан хурсанд бўлиб.

Кичик жияни машинани ювиб, ёғларини текшириб сафарга тайёр қилиб қўйди. Энди эрталаб битта аккумулятор қўйса бўлди. Бемалол кетаверсалар бўлади.

Полвон эртаси азонда Салоҳиддин билан йўлга чиқди.

Гуландом эшик кесакисига суяниб мунғайганча машина орқасидан қараб қолди.

Полвон эртасига самолётда қайтиб келди. Унинг чехраси очик эди. У умрида бир марта савобли иш қилдим, ҳамма вақт курашда полвонларни йиқитиб ранжитардим. Рақибларим албатта енгилганлари учун менга раҳмат айтмагандирлар. Шуларнинг уволига қолдим, деб ўйларди.

Полвон қишлоқда бир нохушлик устидан чиқди. Гуландом бир банка керосинни Кўчқорнинг гўрига сепиб ўт қўйиб юборипти. Гўр ловуллаб ёнипти. Тепасидаги дарахтлар ҳам куйиб кетибди. Гуландомнинг ўзи аллақаяққа ғойиб бўпти. Қаёққа кетган, тирикми, ўликми, ҳеч ким билмасди.

Полвон кечқурун самоварга чиқди. Чойхўрлар билан ҳардамхаёл, узук-юлук гаплашиб қишлоқ халқини эрталаб уйига таклиф қилди.

— Нима полвон ака, юртга ош берасизми? — деб сўрашади.

— Эргалаб биласизлар, — деди у чойхонадан чикиб кетаркан.

Кишлоқда ош берилса, оқсоқоллар сабзи тўғрашга киришади. Масжид омборидан идиш-товуқ олишади. Стол-стул, дастурхон деган гаплар бор. Қизиқ-ку, хе йўқ, бе йўқ, эргалаб уйга чақиряпти.

Полвон уйга келиб жиянига сув иситиб беришни сўради. Ювиниб, тоза кийимларини кийди. Хуфтон номозини узоқ ўқиди. Икки кўлини кўкка кўтариб Аллоҳга илтижолар қилди.

— Тангрим, бу жонни ўзинг бергансан. Энди омонатингни ол. Сен берган жонга қасд қилиб гуноҳга ботишни истамайман. Жошимни ўзинг ол.

Полвон бу гапларни беш-олти мартадан такрорлади. Тоғ тепасида қимирламай туриб қолган ойга узоқ тикилиб ўтирди. Тун осуда. Тик этган овоз йўқ.

— Берган неъматларингга минг бора шукр. Даври-даврон сурдим, курашлардан яккакифт бўлиб чиқдим. Хорлик-зорлик кўрмадим. Энди бас, кийналиб кетдим. Ўз болам мени юрт кўзида шармисор қилди. Омонатингни ол, аллоҳим. Бас, энди кетай. Бу дунёда энди яхшилар яшасин.

Тонг отар маҳали Жалол полвоннинг жони узилди.

Жанозага кишлоқнинг катта-кичик ҳаммаси келди. Фақат Нурим сартарош келолмади. Юрт кўзида унинг юзи шувит эди.

Орадан тўрт кун ўтиб, Чорвоқ денгизида чўмлаётган болалар кирғоқдан бир жуфт туфли топиб олдилар. Бу Гуландомнинг туфлиси эди.

1999 йил, апрел

## ҚИШДАН ҚОЛГАН ҚАРҒАЛАР

Насибжон ховлисида анча берида машинадан тушди. Эшик олдида икки «Жигули» турибди. Кимлар келди экан? Уни йўқлаб келадиган яқинлари йўқ эди-ку. Тинчликми ўзи? Ишқилиб, тинчлик бўлсин-да, дея остона хатлади. Хотини чорпояда омонатгина ўтириб, гуруч тозалаяпти.

Айвонда дастурхонга тугилган уч-тўрт тоғора. Улардан сомса, хасил, варақи ва аллақандай ёқимли хидлар келади. Хотини оёқ шарпасидан бош кўтарди.

— Тинчликми, нима гап ўзи? — деди Насибжон хайрон бўлиб.

— Вой, уруғларингиз келишди, — деди қувонч билан Анзират. — Қуллук бўлсинга келишини. Холангиз билан аммангиз бирам дилбар жувонлар экан. Бир гашириб, ўн кулишади-я, барака тонгурлар! Тоғангизни айтмайси-ми, бирам меҳрибон, бирам доно...

Анзиратнинг гапи оғзида колди.

— Менинг ҳам уруғларим бор эканми! Дадам билан аям ўлгандан кейин буларни қарғиш тегиб кирилиб кетган деб юрган эдим...

— Э-э, гапингиз курсин! Кириш, ичкарига кириш, анчадан бери кутиб ўтиришини.

Айвон пешиди совун қутисидек радиопрёмникни қулоғига тутиб, ўн икки ёшлардаги бир қиз ўтирарди. Унинг қулоқларида сўлкавойдек тилла балдок. Бўйида шода-шода марварид. Хамма бармоқларида қўша-қўша тилла узук. У Насибжонга қараб, тилла тишга тўла оғзини очганча радио эшитарди.

Насибжон хотинига, бу ким, дегандек қаради.

— Вой, танимасангиз, таниб олинг. Бу келишимиз. Холангизнинг кизлари, куда бўламиз, деб атайини кўрсатгани олиб кептилар.

— Оббо, битта шу етмай турганди.

Насибжон хотинига ёмон қараш қилди. Унинг бу қарашиди, уларни нега уйга киритдинг, деган маъно бор эди.

Насибжон билан Анзиратнинг турмуш қурганларига ўн тўққиз йил бўлди. Тўнғич ўғиллари институтга борди. Насибжон бирон марта бўлсин, хотинини уруғлариникига олиб бормаган. Улар ҳам жиянимиз бор эди, деб ақалли бир марта қадам изи қилиб келишмаган. Ораларидан нима гап ўтган, билмасди. Эри шундоқ-шундоқ бўлган, деб айтмаган. Анзират ўзича, уруғларидан уйланмагани учун юз кўрмас бўлиб кетишган бўлса керак, деб ўйларди.

Насибжон қариндошлари еб-ичиб ўтирган уйга томон юраркан ўзи устидан чиқарилган ҳукмин эшитиш учун суд залига кираётгандек бир алпозда эди. У кириши билан катта холаси сапчиб турди-ю уни бағрига босди.

— Вой, сен қанақа меҳрсиз бола чиқдинг! Ахир мен онагинангни синглисиман. Холагинам ўликми, тирикми деб бирор марта хабар олмайсан! Сен ўзи кимга тортгандинг? !

— Ха, бу шунақа! — дея уни опасининг бағридан тортиб олди Робия холаси.

У кошнини бир-бирига улаб, энлик килиб ўсма кўйган семизгина, сўлқиллама жувон эди.

— Сен туғилганда опагинам ўғил кўрдим, деб кандок суюнган эди! Сени еру кўкка ишонмасдим. Эртаю кеч опичлаб юрардим. Шу елкагинамда ухлаб қолардинг, ширингина бўлиб.

Насибжон шу меҳрибон Робия холасиникига охириги марта борганида институтнинг иккинчи курсида ўқирди. Тирикчилиги оғир бўлганидан дурустрок ўқиёлмай, стипендияга илинмай қолди. Кийим-боши тўзиган, ейиш-ичишининг ҳам мазаси йўқ эди. Бирон нима тамадди килиб келай деб шу холасиникига борди. Холаси ош дамлаб кўйган экан. Дамланган ошнинг хиди димоғига урди.

— Ха, яхши юрибсанми? — деди холаси шу пайтда нима қилардинг келиб, дегандек столга тўқиллатиб чойнакни кўяркан. — Аксига олиб, уйда нон ҳам қолмапти. Жиянларинг бир-биридан қулоқсиз. Эрталабдан жаврайман, магазиндан нон опкелиб, кейин ишингизга кетинглар деб, қани қулоқ солса! Шунча бола ўстириб, куним қотган нонга қолиб ўтирибман!

Ўғил-қизлар бирин-кетин бирови ўқишдан, бирови ишдан келишди. Тоғажон-тоғажон, деб унинг ўйнига осилишди. Опаси уларни бирин-кетин имлаб чакириб, олиб чиқиб кетди. Бироздан кейин улар лабларни ёғдан йилтираб киришди.

Холасининг қилмишидан Насибжоннинг дили вайрон бўлди. Шу уйга иккинчи қадам босмаганим бўлсин, дедию, чиқди-кетди.

— Хой, шошма, ҳозир овқатга уннайман! Қуруқдан-қуруқ кетма, — деганча қолди холаси.

Мана, йингирма уч йил бўпти уни кўрмаганига. Бугун жияним катта лавозимга ўтибди, деб келибди.

— Холагинанг гиргиттон, гап мундоқ. Кимсан, энди каттакон министрсан! Ёт бегоналар ёнингда еб-ичиб юрмасин. Бош ёрилса бўрк ичида, деган гап бор. Жиянингни ёнингга ол. Помощник қилиб, ол. Нима қиласан бегоналарга сир бериб. Иложи бўлса, жиянларингдан яна биттасини ўзингга шошир қил. Худо хоҳласа, икковимиз куда бўламиз. Кенжа қизим оқи оқ, қизили қизил бўлиб турибди. Эшигимдан совчиларининг оёғи узилмай қолди. Шу қизим ўғлингга муносиб. Отингни камчила, бўлмаса қуруқ қоласан!

Гаширганда ясама тиши шиқ-шиқ қилиб турадиган Нурмат тоғаси салмоқлаб гап бошлади.

— Холанг саводсиз бир нарса, аммо юрт кўрган хотин. Етти йил поездларда проводник бўлиб, бормаган шахри қолмаган. Ўзинг биласан проводник оғир иш, бир кунда неча-неча одам билан гаплашади. Холанг ўрнслаб сўкканида ўрнслар ҳам қулоғини бекитиб қочиб қоларди. Топмади эмас, топди. Топганини болаларини ўқишга жойлашга сарфлади. Ўзинг яхши биласан, ҳозирги дом-лаларнинг нафси ҳаққалак отиб кетган. Понсофлар, пешона терини тўккандек, берганингни бармоғига тўглаб санаб олади. Холанг бечора болаларининг ҳаммасини дипломли қилди. Унинг гаплари қулоғингда турсин, номошник масаласи — ўйлаб кўрса арзийдиган масала. Энди менинг гапимни эшит. Ёшим ўтиб, куч-қувватдан қоляпман. Қариганда уруғларинини кўмсаб қоларкансан. Кўргим келади. Энди қариганимда бир яхшилик қилиб кетай. Ҳали сен келгунингча ҳовлиниги айлашиб чиқдим. Энди сен кимсан, министрсан! Бунақа уй, бунақа ҳовли сенга ярашмайди. Олдинга ўзингга ўхшаган казо-казолар келади. Уларни манави чолдеворга қандай олиб кирасан?! Энди сенга обрўйингга яраша уй керак. Ўзимча чамалаб чиқдим. Икки қаватли уй қураминиз. Ун икки хона бўлади. Зал уйга энг камида олтинш киши сиғади. Тагида биллиардхона, фин ҳаммоми, спорт зали бўлади. Менга қара, гишт заводлари ҳам сенга қарайди. Тахминан етмишта гишт заводнинг бор, деб эшитдим. Тахта искалатинг ҳам юздан ошар эмиш. Ҳар қайсисидан бештадан тахта олганингда ҳам бутун уруғ-аймоғингга етади. Директорларингга мени кўрсатиб, шу одам менинг вакилим, деб қўйсанг, тамом, у ёғини ўзим келиштираман...

Меҳрибон тоғаси уни иккинчи курсни тугатиб, энди таътилга чиқаман, деб турганда қидириб борганди. Кимсан, каттақон базанинг мудири катта бошини кичик қилиб келибди.

— Хой, сен кимга ўхшаган чиқдинг?! Уруғимизда бунақа одам бўлмаганди-ку?! Тоғам бечора участка қуряпти, қийналиб кетгандир деб ўйламадингми? Сендан ош-шон сўраётганим йўқ. «Хорма, бор бўл»га ҳам ярамайсанми? Эртага каникулга чиқасан. Умринини бекор ўтказма. Эртанин қиличини кўтариб қиш келади, ишлаб беш-тўрт таңгани белингга тугиб қўйсанг, тешиб чиқмайди. Мардикор бозорига чиқиб, бизни уятга қўйма! Меникига кел. Битта студент ўртоғинини ёнингга олиб, гишт қуясан. Ҳар куни овқатингдан ўзим хабар олиб тураман. Уч ойда, ўх-хў, қанча гишт қуйиш мумкин! Эртага бориб, машинада олиб келаман. Кўриб оласан, кейинг ўзинг бораверасан.

Насибжон кашқадарёлик ҳамкурси билан тоғасининг участкасида уч ойда эҳ-хе, канча фишт қуйиб ташлади! Саксон миңдан ошган чиқар... Тоға айтганини қилиб, хар кунн тушликка икковига түрттадан сомса олиб келиб, қуйилган фиштарни кўздан кечирарди. Ва албатта, балли деб кўярди. Фирт пиездан иборат сомса шунчалик Насибжоннинг меъдасига тегдики, биров сомса деса, кўнгли айнийдиган бўлиб қолди.

Тоғанинг ҳисоб-китоб қиладиган пайти келди. Негадир у шошилмасди. Насибжон пулдан гап очган эди, жеркиб ташлади.

— Уялмайсанми, бегона эмасман-ку! Қочиб кетаётганим йўқ. Арзимаган шу хизматингни мишият қилиб, ҳақ сўрагани қандоқ тилинг борди? Манаву бола, майли, у бегона. Уч-тўрт сўм берсам бўлади. Аммо, сен ўзимизни-кисан, жиян! Хашарга ҳақ сўраса, айб бўлади. Унақа паст бўлма, жиян. Шу гапини сен айтмадинг, мен эшитмадим.

Уч ойлик меҳнати қуйган Насибжон ҳамкурс ўртоғи олдида юзи қора бўлди.

Насибжон меҳрибон тоғасини шундан кейин кўрмади. Кўргани тоқати йўқ эди. Тўғри, бир марта кўрди. Ўша йили киши жуда мижғов бўлганди. Қор ёғди, эрийди, ёғди, эрийди. Насибжон брезент туфлида шилт-шилт хўл қор кечиб, пойабзал дўконига борди. Кеча олган стипендиясига туфли олмокчи бўлди. Бир туфлини энди қўлига олган эди, таниш овоз эшитилди. Пештахта орқасида шу Нурмат тоғаси турарди. Демак тоғаси базани силлиққина топшириб, шу дўконга ўтиб олибди-да.

— Стипендия тегибди-да, жиян? Дидинг дуруст, яхши туфли танладинг.

Насибжон пулини санаса уч сўм етмаяпти.

— Тоға, уч сўм етмаяпти. Етмаганини эртага ташлаб ўтаман.

— Унақа эмас-да, жиян! Бу ҳукуматнинг моли. Ревизия босса, шу уч сўм учун мени нима қилади, биласанми? Кўйи, менга жабр қилма. Пулингни бутлаб, кейин туфлини олиб кет.

Насибжон тоғасига «хайр» ҳам демади, индамай чиқиб кетди. Мана, шундан бери «меҳрибон» тоғасини энди кўриб турипти.

— Энди мундоқ қилсак, — деди тоғаси ясама тишини шақиллатиб. — Мен ҳам қариб қолдим. Кетадиган вақтим бўлиб қолди, шекилли. Биттагина ўғлимдан кўнглим нотинч. Мендан кейин у нима бўлади, билмайман, Мана,

бахтимизга сен министр бўлдинг. Бу ҳам худонинг ишояти. Султон суягини хўрламас, деб бекорга айтмаганлар. Шу болани ёнингга ол. Эски шаҳар бозорини олиб бер. Ўзинг биласан, бозорда катта бўлган бола, энлаб кетади.

У ёнида ўтирган ширакайф йиғитни туртди.

— Тур ўрнингдан, министр тоғанга қуллук қил! Бозор сенки бўлди, подон! Энди кўнам ичаверма! Бунақа ичиси рахбар одамга ярашмайди!

Кўкрагига Брус Лининг сўврати туширилган майка кийган, барзанги йиғит ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйиб қуллик қилди. Унинг оғзи тўла тилла тиш. Бўйинига ҳар бири конфет донасидек тилла тросс осиб олган.

Насибжон ҳайрон. Бу тилла троссининг баҳоси бирон минг доллар турса керак, деб кўнглидан ўтказди. Уруғларининг ҳаммаси тилла тишли, гўё тоған бойлигини оғзига жойлагандай. Улар бўлар-бўлмасга хандон отиб қулишар, кулганларида оғзларида чироқ ёниб тургандек бўларди. Хотинларининг бўйини, қулоғи, биллаги, бармоқлари, «Арча байрами»ни эслатарди. Бугун Насибжоннинг уйига уруғлари эмас, «Ювилерторг»нинг кўчма дўкони келгандек эди.

Насибжоннинг тоғаси билан холаси шунчалик ишонч билан гапирдиларки, нимаинки сўраган бўлсалар оғизларидан чиқмай туриб, вазир жиянлари бажарадигандек эди. Аммо Насибжон бу гапларга на «ҳа деди, на «йўқ» деди. Ниманки эшитган бўлса, ичига ютиб ўтираверди. Хукумат унга бу лавозимни фақат уруғ-аймоқларининг таъминла, деб бергандек эди.

Холаси ийманиб, қимтиниб ўтирган синглисига ачтма гап қилди.

— Бошқа қўйлагинг йўқми?! Министрнинг уйига шу алпозда келдингми?! Бу штапел ўлгурни Ачавотнинг лўлилари ҳам киймайди-ку!

— Қандоқ қилай, опа, бир этак бола. Эрим рабочийгина одам бўлса! Тоғанини болаларнинг бошига етказсам, эгнига етказолмайман! — деди Салима ўксиб.

— Эринг ҳам ўзингга ўхшаган худо урган қайсар! Проводник вақтимда икки-уч марта, юр, олиб кетай, дедим. Эринг кўнмади. Ҳамма тишининг тилладан қўйдириб берардим. Мана, юрибсан, итнинг кейинги оёғи бўлиб!

Тоғасининг қудаси — кўзиқориндек пак-пакана, негадир бўйни йўқ, боши икки елкаси орасига чаплаб қўйилгандек, ёнига қараш учун ўрнидан туриб буриладиган, кўсанамо бир одам гап бошлади:

— Хой, инсофларнинг борми?! Бола бечорани кўй сўйгандек, нимта-нимта қилиб бўлиб олдиларинг-ку! Менга нима қолди? Нуқул шакир-шуқур суяги қолди... Энди гап бундок, «Сабис» дағилар номардлик қилиб нафақанинг энг пастини бердилар. Бергани нос пулимга ҳам етмайди. «Сабис» бошлиғи бир гап айтди, жон-жонимдан ўтиб кетди. «Сенга нафақа уёқда турсин, эски пайтава ҳам хайф» деди. «Хўкуматга сарик чақалик фойданг тегмаган, фақат зараринг теккан!» дейди. Қандок қилай, бўйим паст, бўйим паст, бўйним йўқ. Ёнимга қарайман десам, ўрнимдан туриб бурилишим керак... Менга биттагина «Трудовой» ёздириб бер! Нафақамнинг бўйинини ҳам жичча чўзиб қўй. Сен эшитганмисан-йўқми, яқинда мени машина уриб кетган. Бўйним ўлгур бурилмай қолди-ю машина шартта урди-кетди! Икки ой касалхонада ётдим. Ҳозир ўша уриб кетган шопирдан ойнага беш юз сўлкавойдан хонаки нафақа олиб турибман.

Ховлида нимадир тарақлаб кетди. Маст одамнинг сўкингани эшитилди.

— Шармандаларни нега уйга киритдинг, келин! Хайда уларни!

Хонадагилар пилдир-пис бўлиб қолишди. Тоғанинг ранги қув ўчди. Робия холанинг ўсма туташтирган қошлари уланган жойидан узилиб кетгандек бўлди.

— Ошга пашша тушди, ака! — деди кўрқа-писа... — «Деворий газета» ўлгур келди.

«Деворий газета» — бу Насибжоннинг ўртанча тоғаси Тўрғунбой. Унинг шунақа ичадиган одати бор эди. Хафтада бир ичади. Ичганда ҳам бирваракай ичади. Кайф қилиб, ҳамма ака-ука, амма-холалариникига боради. Навбати билан бўралаб сўкади. Кайфи тарқалгунча, ўзи чарчагунча сўкади. Маҳалла уни хафтада бир чиқадиган «Деворий газета» деб атади.

Тўрғунбой авваллари ичмасди. Мўмин-қобил, ювошигина одам эди. Қўли гул ганчкор уста эди. Шаҳарнинг мухташам саройлари у чеккан ажиб, чиройли нақшлари билан бетакрор мўъжизага ўхшарди. Рўзғори тинч шу одамнинг хонадони бирдан ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Биттагина ўғилларини ялаб-юлқаб, шамолни раво кўрмай, пуф-пуфлаб, унга ойдин истиқбол тилаб яшардилар. Эр-хотин шу арзанда боласини Афғон урушига кузатар экан, бағирларидан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Таги тахтли оиланинг эшигини очиб, қизига нон сиңдиришган эди. Келиннинг сарполари ҳам тахт эди. Ота-она орзуси чексиз эди. Олисда — Афғон заминда

портлаётган бомбалар уларнинг хонадонида ҳам портлади. Темир тобутида ўғлининг жасади келди.

Эшикдан сокчилар қуршовида тобутни олиб киришганда онаси фарёд уриб ўзини тобутга отди. У қайта ўришдан турмади. Ховлида киёмат кўнди. Ўша кунни эшикдан кўни тобут чиқди.

Келин тушадиган ясагуғли уй хувиллаб қолди. Турғунбойнинг ёркин орзулари қора ерга кўмилди. Тўйга атаб қазилган ўчоққа ўт ёқилмай қолди. Ўнгирма етти йил «сен» демай, сизлаб яшаган хотинидан, ўн саккиз йил бағрига, меҳрига ўраб ўстирган боласидан туманга қоришиқ хотирларгина қолди. У ичди, ичаверди. Ёр-биродарларининг насиҳатини олмади. Тани бошқа — дард билмас, ўзимдан ўтганини ўзим билман, деди-ю ичаверди.

Бугун дам олиш кунин эмас. Турғунбой оdatи бўйича фақат дам олиш кунларигина ичарди, бугун у ичди. Ичмаса бўлмасди. Ўғлига унаштирилган қизин кеча дангиллама тўй қилиб, ёр-ёр айтиб кувёвга чиқаришди. Турғунбой кечаси билан мижжа қоқмай, тебраниб-тебраниб ўтирди. Сахар пайти бир дунё ғам билан, судралгандек қабристонга борди. Қўшмозор бўлиб ётган хотини билан ўғли пойига тиз чўкканча кўз ёшларини тиёлмай узоқ тилловот қилди.

Гўрков келиб қўлтиғидан кўтармаганда ҳали-бери ўришдан турмасди.

— Болам, ўзингизни кўлга олинг. Ахир сиз эр кишини-сиз. Манаву ётган юзлаб марҳумларнинг ҳам ота-онаси, фарзандлари бор. Қандоқ қиламиз, бу худонинг продаси.

Турғунбой бир сўз демай бошини экканча дарвоза томон кетди.

Қайтишда у ичди. Тўйиб-тўйиб ичди.

Унинг дардини айтадиган одами йўқ эди. Ака-укаларига ёрилмасди. Умуман, уларни кўришга тоқати йўқ. Қилаётган ишларини кўриб бир отадан, бир онадан туфилганига пушаймонлар ерди.

Бир вақтлар акаси Нурмат тоғанинг даранглаган пайтлари бўлган. Пойабзал базасида мудир пайтларида айтгани айтган, дегани деган, беш минг, ўн минг сўм деган гаплар оғзининг ели эди. Шахарда ўнта «Победа» бўлса, биттаси шунинки бўлган.

Узоқ-яқини юртлардан келадиган мижозлар шундоқ шахри азимдан унинг уйини топиши жуда осон эди. Хўроз тарновли оқ уй қаерда, деса бўлди, ёш бола ҳам мана, деб кўрсатиб берарди.

У килган тўйлар ҳали-ҳали оғизларда дoston. Унинг тўйига бир марта келган хофиз қистир-қистирдан тушган пулга бемалол ўнл уйласа бўларди. Отасига, онасига бағишлаб ўтказган маъракаларига ҳам ҳар эҳтимолга қарини икки гуруҳ хофиз айтиб кўярди. Ашула айтса айтар, айтмаса ош еб кетаверади, дерди.

Унинг орқасида қанча ипирискилар рўзғор тебратишарди. Шаҳарнинг пастқам маҳаллаларида хуфя «искалатлари» бўларди. Нурмат тоға бу жойларга бирон марта бормаган. Бу ишларни синглиси Робия бошқарарди. Чех туфлилари у вақтларда отликка ҳам йўқ, пиёдаларга йўл бўлсин пайтлар эди. Нурмат тоға базага келган бу хил туфлиларнинг ҳидини чиқазмай, ўша бировнинг назарини тушмайдиган хуфя «искалат»ларга жўнатар эди.

Нима бўладию маҳалланинг «қитмирлари» хид олиб, хуфя омбор тўғрисида тегишли жойга хабар қиладилар. Кечаси мелиса босади. Уйининг эгаси саксон ёшларга бориб, ҳилвираб қолган кампирни сўроқ қиладилар.

Ер тагида илон қимирласа биладиган Робия бўлган воқеани ўша кечасиёқ эшитади. Маҳаллага бормаи кўяди. «Омбор»да минг жуфт туфли бор эди. Яхшиям уч кун олдин олти юз жуфтини олиб кетгани, бўлмаса салкам мингта туфлига куйиб қоларди.

Ховлининг эгаси Робия қаерда туради, асли оти нима, билмасди. Ижара пулини вақтида тўлаб турганидан кейин суриштириб нима қиламан, деб ўйларди.

Робия унинг уйига борганда қора халат кияр, оқ дока рўмол ўраб қари хотинларга ўхшаб оларди. Кампирнинг нурдан қолаёзган кўзлари унинг юзларини дурустгина кўрмаган. Шу сабаб ховли эгаси бўлмиш бечора кампир милиция саволларига тайинли бирон жавоб беролмади.

Шундоқ шаҳри азимда Робияни қидириш осон гап эмасди. Уни излаш қора пўстакдан бурга қидиришдек гап эди. Ҳилвираб, омонат бўлиб, ана кетаман, мана кетаман, деб турган кампир уч кундан кейин жон таслим қилди. Саксон йил тоат-ибодат қилган: тонг саҳарларда худодан имонини саломат қил, деб илтижолар қилган бир муштинлар кампир юзи қаро бўлиб аллоҳ даргоҳига кўчди. Милиция тинтув пайтида олган туфлиларни эгасиз мол сифатида давлат ҳисобига ўтказди.

Ўша кезлари байрам арафасида милиционерларга янги ёзлик форма беришга тайёрланаётган эдилар. Фақат қора туфли топши муаммо бўлиб турган эди. Шаҳар милициясининг бошлиғи юқори идоранинг руҳсати билан пул ўтказиб, туфлиларни ўзларига олиб қолди.

Байрам намоёниини тартибга солиб турган милиционерларнинг оёғида қора туфли кўрган Робия, «Қора туфли кийган оёқларнинг сиссин», деб қарғарди.

У бўлди, бу бўлди, ака-сингил бир мўмин-мусулмон, муштипар кампирнинг фоживий ўлимига сабаб бўлди.

Бу сир сирлигича қолди деб ўйлашади. Аммо Турғунбой бу гаплардан хабардор. Шунинг учун ҳам ака-сингилларнинг кўришга тоқати йўқ. Кўрди, сўкаверади. Айниқса ичиб олгандан кейин уларни чарчагунча, кайфи тарқагунча сўқарди. Унинг бунақа чидаб бўлмас ҳақоратли сўзларига чидамай ғижжаси йўқ эди. Бу тентак шённиста укамиз сирни очиб қўйишдан ҳам тоймайди, деб мум тишлаб ўтиришарди.

Авваллари онлази жам, тинч пайтларда Турғунбой жияни Насибжондан хабар олиб турарди. Дам олиш кунлари ўғлини юбориб уни олдириб келарди. Ичига несик кирсин, деб ўзи ош дамлаб едирарди. Кетаётганида чўнтагига зўрлаб пул солиб қўярди.

Биргина Насибжон хотини билан бориб уйини йиғиштириб, ховлисини супуриб келишарди. Уйда бирон тансиқрок овқат қилсалар насиба олиб борардилар. Турмуши тангроқ Салима деган синглиси ҳам кўн келарди. У серфарзанд, қурилишда бетончи бўлиб ишлайдиган эрининг топганини учма-уч қилиб рўзгор тебратадиган мунглиғина бир хотин эди.

У тез-тез келиб, жавраб-жавраб уйини супуриб-сидириб кетарди.

— Агар шунақа ичаверадиган бўлсангиз, билиб қўйинг — келмай қўяман! — деб таҳдид қилар, барибир акаси ичишни, Салима эса келишни қўймас эди.

Турғунбой бўлса, ичиб олиб акасиникига, опалариникига бориб эринмай сўкиб келишини қўймасди. Шу «вазифа»сини бажариб бўлиб, Насибжониникига гандираклаб келарди-ю, чорпояда оёғини осилтириб ухлаб қоларди. Насибжон уни тўшакка ётқизиб қўярди.

Эрталаб уйғониб жиянидан, келинидан уялганиданми, улар туришгунча кетиб қоларди.

Анзират унинг бу хил келишларини малол олмасди. Фақат, «Аттанг, шундай одам» деб қўярди.

Турғунбой уруғлари ўтирган хонага шердай ўкириб кирди.

— Нима қилиб ўтирибсанлар?! Бу болага етти ёт бегона эдиларинг-ку! Амалдор бўлгандан кейин ғимирлаб қолдиларингми? Қани, жўналаринг!

Ака-сипигилларнинг дами ичига тушиб кетди. Сухбатнинг гули бўлиб ўтирган Нурмат акаси тилини ютиб юборгандек жим эди. Хар ҳафтада уйига келиб, айтадиган сассик гаплари опасига ёд бўлиб кетган: «Чайқовчиси... Пулдан бошқа дардинг йўқ... Харом емаган кунинг уйқунг келмайди... Сен одамхўрсан, айтайми, канақа одамхўрлигининг? Манаву шерикларингга айтайми? Қўрқасан-а!»

Турғунбой мункиб-мункиб чой хўплади.

— Эшитдиларингми, тиш дўхтирларнинг омади кепти.

— Нима бало бўпти?! — деди тоғаси, гап бошқа ёққа бурилганидан суюниб.

— Ия, ҳали хабарларинг йўқми?! Шаҳарда янги тоифа йўлтўсар-қароқчилар пайдо бўпти. Трамвайдами, автобусдами, кўчадами — тилла тишли одамни кўрса, оғзига омбир тикиб, тишини суғуриб олятканмиш. Кўчада, дўхтирхонада лунжини боғлаб олганларнинг сон-саноғи йўқ!

— Гапинг ўлгур ўзингдан ҳам совуқ!

Робиянинг гапи оғзида қолди.

— Итига тилла тиш қўйдирган отарчи артист бор эдику, шу бечоранинг бошига қора кун тушиб қопти. Итининг калласини кесиб, олиб кетишпти. Итнинг калласини олган қароқчилар тилла тишли одамни тинч кўярмиди!

— Хой, ярамас, топиб келган гапинг шуми?

— Гапнинг каттасини ҳозир эшитасанлар. Кетасанларми-йўқми?! — у атрофга аланглади. Токчадаги дазмолни кўриб, чайқалди, чайқала бориб қўлига олди. — Кетмасаларинг, шу билан уриб дабдала қиламан.

Қўзиқоринга ўхшаган меҳмон биринчи бўлиб ўзини эшикка урди. Катта холаси Робия дод, деганча югуриб ҳовлига чиқиб кетди. Бирпасда уй бўшаб қолди. Қўлида дазмол билан ҳовлига чиққан Турғунбой: «Ўртоқлар, бугун тозалик кун, яъни «санден», уй дезинфекция қилинади!» деди тантана билан. — Гап шу — бу уйга иккинчи қадам босмайсанлар! Қораларингни кўрмай! Сен қол, кетма! — деди у Салимага. — Сен булар тоифасига кирмайсан. Онам раҳматли ўрдакнинг тухумини босган эканми, билмадим, очиб чиққанларининг биттасига ҳам сув юкмайди-я!

— Онам раҳматлига тил теккизма, дийдоринг қурсин!..

Опаси уни қарғай-қарғай, акаси сўка-сўка чиқиб кетди.

— Энди менам кетай, — деди Салима. — Бориб, болаларга овқат қилай.

— Нима қиласан овқат қилиб?! Мана, кўраянсанми, бир козон палов дамлоғлик турибди. Шундан битта тоғорага босиб берамиз! Оналарингги хайдаганимга хафа бўлдингми? Қўй, хафа бўлма! Улар одаммас. Ачинма.

Турғунбой ҳар галгидек жаврай-жаврай чорпоёда ухлаб қолди.

Насибжон йиғирма йилдан ортиқ йўқ бўлиб кетган, оч-яланғоч қолганда ҳолинг не, деб бир марта хабар олмаган, бир коса ошини раво кўрмаган, брезент туфлида қор кечиб келганда уч сўм пулини аяган, саксон минг фишт куйдириб, ҳаққини бермаган, энди юртга қўшилиб, меҳнати билан эл назарига тушганда, ҳукумат илтифоти-га эришганда, вазирлик лавозимига лойиқ тошилганда, гўшт исини сезган аридек пайдо бўлган уруғларидан нафратланиб кетди.

Турғунбой тоғаси маст бўлса ҳам, рост айтди.

— Э-э, жиян, буларнинг гашига кирма! Уларни кишидан қолган қарғалар деб, ўз ишингги қилавер! Билиб қўй, саратон қанча қизиса, совуқ қунларни соғинган қарғалар шунча қаттиқ қағиллайди.

## БУҚАЛАМУН БИЛАН УЧРАШУВ

Сиз мени танимайсиз, укагинам. Кўп жойларда жонифидо қилиб ишлаганман. Бадбахт шўро кадримизга етмаган. Ишла, деса ишлайверибмиз, ишлайверибмиз. Шунча ишлаб бирон кун рўшнолик кўрмадик...

Ана шу «рўшнолик» кўрмаган одам ҳозиргина эшикдан кириб келди. У икки кўллаб кўришаркан, қаламларига қудрат, қаламларига қудрат, дея бармоқларимни бирма-бир эзиб чиқди.

— Ривоятларда айтилишича Хизр бобонинг ўнг панжаларидаги бармоқларида суяк йўқ эмиш.

Унинг бу ишидан энсам қотиб, «Хотиржам бўлинг мен Хизр бува эмасман», дея кўлимни силтаб ховучидан чиқариб олдим.

— Шундай дейсиз-у, аммо ёзувчи халқи ярим хизр ҳисобида юради. Сиз мени танимайсиз. Бир чеккада қолиб кетган бандани мўминдирман. Келмоғимдан мурод шулдирким, мен бечорани «пенсия» масаласида бисёр раижитдилар. Арзиҳол қилишдан мурод ёрдамнингиздан пича умидворликдир. Танимасни сўйламас, деганларидек аввал кимлигимни шошилмай айтиб берсам...

— Сизни жуда яхши танийман, — дедим.

Бирдан унинг попуги пасайиб қолди. Умидвор бўлиб турган кўзлари маънос тортди. Икки қоши ўртасига тугунча тушди. Кимлигини билган ёзувчидан мадад кутиш беҳуда эканидан хафсаласи шир бўлди. Мени ҳам хаёл тортди. Ўйлаётиман. Кўз олдимда тирикчилик деб ҳаром-харишдан ҳазар қилмаган, етим-есирнинг ҳақини сесканмай бемалол хазм қилиб кетаверадиган бир кимса пайдо бўлди.

Сиз ҳам албатта танийсиз. Бу тўғрида гурунгларда кўн гаширганман. У партияга ўтаётганда, динга муносабатингиз қандай, деган савол тушади. Шунда у жаъоб ўрнига сумкасида қолбаса чиқариб фарч-фарч тишлаб кўрсатган.

Унинг динсиз эканига қаноат ҳосил қилган мажлис аҳли иккинчи саволга ўтадилар. Бу ҳийла назик савол эди.

— Отангиз ўттизинчи йилда қаерда ва нима иш қилган?

Қаҳрамонимиз пастки лабини сўриб андаккиша шифтга боқиб тургандан кейин дадил жавоб беради.

— Илтимос, бундай саволни берманглар. Менинг отам ҳеч қачон бўлмаган.

Унинг оғзига шартта уришди.

— Нима, одам атодек отасиз туғилганмисиз? Ёки онангиз тушларида ҳомила бўлганмилар. Айтаверинг...

— Мен отамдан воз кечганман. Отам босмачи бўлган. Шу гапни эшитишим билан ундан воз кечиб фамилиямни ўзгартирганман.

— Масалан ўзингизга қанақа фамилия танлагансиз?

У яна остки лабини сўриб шифтга қараб ўйланди. Охири жуда айтиш қийин бўлган гапни зўрлаб тилига чиқарди.

— Икромов деган фамилияни танладим.

Партия ўқуви курсининг штатсиз лектори даҳани қап-гирга ўхшаган йиғит сўради.

— Ҳозир фамилиянгиз унақа эмас-ку...

— Икромов халқ душмани бўлиб кетгандан кейин ноилж Юсупов деб ўзгартирдим.

Ўтирганлар орасидан кимдир пичинг қилди.

— Кўп эрга тегадиган хотинлар неча марта эрга тегса, шунча фамилия орттирадилар. Шу фамилия билан тинчиб кетдингизми ё яна ўзгартирдингизми?

— Усмон Юсупов билан Хрушчевнинг ораси бузилгандан кейин ўйлаб-ўйлаб ўзимга бир умрли фамилия қўйдим. Яъни Диёров деб бошпурт олдим.

Бугунги йўналишга қатнашаётган туман партия комитетининг идеология ишлари бўйича секретари Фатхуллин ўтирган жойида гапга қўшилди.

У ўзидан катта кишиларни ҳам малай деяверарди.

— Ўху, толковий малай шул. Бундан отличний коммунист чиқа. Ул партия учун атисидан кечди. Динсиз эканини доказат этиш учун колбаса йиб курсатди. Бунинг ўз кўзингиз билан кўрдингиз. Только патриот коммунистгина колбасани шулай ейиши мумкин. Браво, браво!

Колхоз раиси бугунги туман газетаси билан ўзини елпиб ўридан турди.

— Манаву газетада сизнинг «нечун мен Ислом динидан воз кечдим» деган мақолангиз босилибди. Ўқиб чиқдим. Шу нарсани ёзинга сизни биров мажбур қилдими ё ўз хоҳишингиз билан ёздингизми? Шунга жавоб беринг.

— Дил амри билан ёзганман, — деб жавоб қилди Диёров. Жаҳон пролетариатининг отаси Карл Маркс «Дин халқ учун афюндир» деганлар. Мақоламда Ислом динининг реакцион моҳиятини фони қилишга ҳаракат қилдим. Ўсиб келаётган соғлом авлодларимизни эшонумуллалар бошлаётган хатарли йўлдан оғоҳ қилишни ният қилганман.

— Вот молодец, — деб юборди завқига чидамаган Фатхуллин. — Партия сафига фидойи патриот келиб қўшилаётганидан горжус!

Мажлис бир овоздан Диёровни Ленин партияси сафига қабул қилди. Мажлис қарорини туман партия кўмитетининг бюроси ҳеч қандай гап-сўзсиз тасдиқлади. Ва уни қоракўлчилик совхозни қабул пунктига мудирлик лавозимига тавсия қилди.

Диёров бу лавозимда уч йилдан мўлроқ ишлади. Бу давр орасида туман раҳбарларининг хотинлари икки жуфтдан сур, шерозий териларидан қалпоқ кийинди. Фақат прокуроргина уни ўзинга яқин йўлатмасди. Диёров юрак ютиб прокурорнинг шофёридан икки хил антиқа тери бериб юборди. Прокурор шофёрини бўралаб сўкиб териларни қайтариб юборди. Кечга яқин прокурорнинг хотини келиб, қўяверинг, мулла ака, бизнинг хўжайин шунақалар. Бирор нима берадиган бўлсангиз ўзимга бераверинг, дедию боя қайтиб келган териларни ҳар бирига уч сўмдан тўлаб олиб кетди.

Прокурорнинг хотини ишни пишиқ қилишда эридан қолишмасди. Мабодо эри бу териларни қаёқдан олдинг, деб сўраб қолса, жарак-жарак пулини тўлаб олганман, ишонмасангиз суриштиринг, дейди. Ҳар бири беш юз

сўмлик терига уч сўмлик тўлаб квинанция олмаганлиги ҳам бир сахийлик аломати эди.

Айёрликни билмаган содда, халол чўпонлар унга уч йил ем бўлишди. Бокимларидаги кўйлардан тушган териларни мушук териси баҳосида Диёровга сотиб кетишар, мушкулларини осон қилгани учун унга қайта-қайта миннатдорчилик билдиришарди. Шундай қилиб Диёровнинг итини туваги олтидан бўлиб кетди. У Доғистон, Чеченистон, Аваристон томонлардан келиб улгуржи харид қиладиганларга тери тайёрлаб кўярди...

Коса кунда эмас, кунда синади деганлари рост экан. Диёровнинг косаси бемаҳал чил-чил бўлди. Яъний у чечен мижози Русланга элликта терини сотаётганда қўлга тушди. Ана шундан кейин у олти йилга қулоғини ушлаганча камалиб кетди. Тағни ҳам уни коммунистлигини инobatга олишди. Бўлмаса нақ ўн йилга кетарди. У олти йил бандиликда туз-насибасини татиб қайтиб келганидан кейин нима ишлар қилди, қаёқларда юрди, билмайман. У бугун олдимда афтодаҳол бир алпозда ўтиришти.

У узок сукутдан кейин, шунақа денг-а, танийман, денг-а, деди.

— Бу шўро дегани менга кўп азоблар берган. Биримни икки қилмади. Яхшиям мустақиллик бўлиб менга ўхшаган бекорга азият чекканларнинг кўксига шамол тегди. Яшайдиган замон ана энди келди.

— Ундай деманг, сиз «фидойи» коммунист эдингиз. Шу партия учун диндан кечдингиз. Отангиздан кечдингиз.

— Замон шунақа эди, — деди у афсус бир оҳангда. — Энди маълум бўлди. Менинг отам миллий қаҳрамон экан. Халқ озодлиги учун курашган. Мен шундай отам борлигидан фахрланаман.

Унга жавоб қилдим.

— Лекин отангиз сиздек фарзанди борлигидан ор қилади. Сиз қамоқдалигингизда келиб сизни суриштирди...

— Тирик эканми? — деди у шошиб.

— Ха, тирик экан. Канада деган мамлакатда яшаркан. Қариб конти. Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин қишлоғингизга келди. Раҳбарлар уни иззат-иқром билан кутиб олишди. Совға-саломлар беришди. У ҳам касалхона қурилишига аллақанча минг доллар берди. Сизнинг отадан кечганингизни эшитиб кўп афсуслар қилди. Бундай фарзандим йўқ, оқ қилдим, деди.

Диёровнинг боши эгилди. Ердан кўз узолмай қолди.

— Мени отамдан кечинишга мажбур қилишди...

Унинг ганини шарт бўлдим.

— Ёлғон! Партияга ўтиш учун, ҳукуматдан амал илтиж қилиб отадан кечгансиз.

— Кўрасиз, мен ўзимни оқлайман.

— Бундай қилишга энди умрингиз етмайди. Отангизни ҳам энди бир умр кўрмайсиз. Қандок қилиб ўзингизни оқлайсиз. Отангиз ўтган йилли қазо қилдилар. Канададаги укаларингиз қишлоққа келиб юртга ош бериб аза очдилар. Сиз эса диндан кечдингиз.

— Кўрасиз, ҳали ўзимни оқлайман.

— Нима, еган колбасани туфлаб ташлайсизми? Эндиги умрингиз азобда ўтади. Ахир, имонсиз яшаб бўладими?

Ундан жирканиб кетдим.

— Мени уйимга нима истаб келдингиз? — дедим кўзларига тикилиб.

— Пенсия масаласига ёрдам берсангиз. Атиги бир минг бир юз сўм берар эмиш. Нимага етади? Пенсия берадиганларда инсоф борми, ўзи?

Ўрнимдан туриб жағига бир туширай дедим-у, ўзимни босдим. Шу исқирт билан олишиб ўтираманми. У садқайи мушт кетсин. Ўзимни босиб ғазаб билан ганирдим.

— Қайси хизматларингиз учун «пенсия» талаб қилин-сиз? Ўз отангиздан кечганингиз учунми, динни ҳақорат қилганингиз учунми, умрингизда атиги уч йил ишлага-нингиз ва уч йил сурункасига давлат мулкни талон-тарож қилганингиз учунми?

Мендан бирон иш чиқазиндан умидини узди шекилли тунд бўлиб қолди.

— Мустақиллик бўлса ҳам биз ёруғликка чиқмас эканмиз-да, майли асли шўр пешона банда эканмиз. Мустақиллик, мустақиллик дейсизлар, қани юзага чиққани-миз. Бу мустақиллик менга нима берди?

Ёши катта одамни сенлаб юборганимдан ўзимни койи-дим.

— Сен мустақилликка нима бердинг? Атрофга қара, нималар бўлаётибди? Кўчага чикиб уёқ-буёққа қара, осмон ўпар иморатларни кўр. Қуллик юкни елкасидан иргитиб ташлаган юртдошларимизнинг юзларига, кўзла-рига боқ.

— Э, — деди у қўл силтаб. — Бу иморатларни еб бўлмаса. Қуруқ савлатининг кимга кераги бор?

— Э, ношукур банда. Қориндан бошқа ташвининг борми ўзи?

— Мени сенлама.

— Сизлашга арзитайсан. Қани, туёғингни шиқиллат!

У ўрнидан турди. Бир шима деб тўнғиллади. Ё мени сўқди, ё мустақилликни сўқди. Орқасидан итариб кўчага чиқариб қўйдиму эшикни ичидан заңжирлаб қўйдим.

У кетди. Менинг кўксимда оғир тош қолди. Бир ярим йилдан кейин янги аср бошланади. Наҳотки шу исқирт ҳам биз билан янги аср дарвозасидан кирса. Янги аср остонасида бу суприндиларни эски калишдек счиб ташлаб кетсак қандок яхши бўларди-я.

Шу учрашувдан кейин уни кўрмадим. Эшитишимча у кишлоғига бориб намоз пайтида масжидга кириб, намозхонлардан узр сўраган эмиш. Ҳеч ким унинг бетига қарампти... Бошини эғиб масжиддан чиқиб кетибди. Уч кундан кейин унинг ўлигини адр орқасидаги толзордан топишибди. Масжид имоми жаноза ўқишга руҳсат бермабди. У мусулмончиликдан чиқиб кофир бўлган, деб кишлоқ қабристонига кўмишга ҳам ижозат бермабди. Тўртта одам унинг ўлигини замбарда олиб бориб чакалакзорга кўмишибди.

Менга фақат бир нарса таскин беради. Шу исқирт биз билан XXI аср дарвозасидан ўтадим, деган ташвишим бор эди. Хайрият, у жағи айрилган эски калишдек дарвозанинг бу томонида қолиб кетди.

*1998 йил, июнь.*

## А З О Б

Вилоят ҳокими Эргаш Носиров уйига алла-паллада қайтди. Болалари ухлаб ётишибди. Хотини олиб келган овқат томоғидан ўтмади. Бир-икки қошиқ татиган бўлди-ю, косани нари суриб қўйди.

— Қаёқда эдингиз? Хавотир олиб ухлолмадим.

Эргашвой жавоб ўрнига, соатига қаради: бирдан ошибди.

— Поччам оламдан ўтибдилар, ўша ёқда эдим.

— Вой, ўлмасам, — деди хотини тамоман уйқуси қочиб. — Нега менга хабар қилмадингиз? Борардим. Ахир, ота ўрнида ота эдилар.

Эргашвойнинг ёшлигида ота-онаси оламдан кўз юмиб кетади. Уни опаси ўзининг тўрт боласи катори бағрига босади. Поччаси тишиб-тинчимас одам эди. Иморат қурадиганларнинг ҳожатини чиқарарди. Тўнғич ўғлини ёнига

олиб, арракашлик қилиб, қучоққа сиғмас ғўлалардан тахта тиларди. Ром ясар, битмаган иморатларининг томини ёпарди. Хулласи, кишини-ёзини унга бирдек иш тошилиб турарди. Эргашвой шу меҳнаткаш одамнинг қўлида муҳтожлик нималигини, етимлик нималигини билмай ўсди. Уста Туроб ўз болалари қатори уни кийинтирди, едирди, ичирди. Ёшига етиб, институтда ўқиётган пайтларда Тошкентга бориб, топган-тутганини қўлига бериб келарди. Аммо унга асло насихат қилмасди. Ўзининг эс-ҳуши жойида, насихат ортиқча деб биларди. Шу етимгина укасига меҳрибонлик қилаётган эридан онаси миннатдор эди. Баъзан кўзёши тўкиб, уни чин дилдан дуо қиларди.

Умри меҳнат билан ўтган уста Туроб оламдан ўтди. Эргашвой тўрт азамат жияилари ёнида бел боғлаб, «вой, отам»лаб тобут олдида борди.

Хотини пиқ-пиқ йиғлаб: «Эртага мени ҳам олакетинг, янгам бечоранинг ёнида бўлай!» деди.

— Хўп, — деди Эргашвой. — Энди озрок мизғиб олай, жуда чарчадим.

У шундай дедию ётоққа кириб кетди.

Эргашвойнинг вилоят ҳокими қилиб тайинланганига атиги икки ой бўлди. Ҳали тузук-қурук иш бошлаган ҳам йўқ эди. Вилоят катта, унда тоғ ҳам, дарё ҳам, чўл ҳам бор. Илгариги ҳоким бир чиқиб кетганича икки-уч кунлаб уйга қайтиб келолмасди. Эргашвой аввал ҳам ҳокимиятда кичик лавозимларда ишлагани сабабли туманларни, хўжаликларни яхши биларди.

Эргашвой энди кўзи юмилганда сигир маъраб уйқусини қочирди. Бу қанақа сигир бўлди? Қўшниларикими деса, овози ҳовлидан келяпти.

Эргашвой тўнни елкасига ташлаб айвонга чиқди. Хотини столга бошини тираб йиғлаяпти. У оёқ товушини эшитиб бошини кўтарди: икки кўзи жикқа ёш эди.

— Бу қанақа сигир? — деди Эргашвой хотинига зардали товушда.

— Қўштегирмонлик раис Нормат ака ташлаб кетди.

— Ҳозир сигир олишга қурбимиз етмайди, деб айтмадингми?

— Айтдим. Эй, келин, хотин кишисиз-да, эркакларнинг ишини тушунмайсиз. Эргашвой жигаримдек бўлса, ундан пул оламанми — ҳоким бўлганига суяюнчи бу, яъни подарка, соғиб ичаверинглар, энди шу она-бола сигир сизлариники, — деди.

Эргашвойнинг пешонаси тиришди. Бир сўз демай ётоққа кириб кетди. Шу ётганича соат бешдан ошганида

уйғонди. Уйғондию «уяли» телефон билан Қўштегирмонга — Нормат раисга қўнғирок қилди. «Лаббай», деган уйқули товуни эшитилди.

— Нормат ака, ҳозир сизга машина боради, бизникига келинг, бирга понушта қиламиз.

— Ўзимнинг машинада боравераман, — деди раис. — Шофёрингизни овора қилманг.

— Илтимос, хўп денг. Бошқа гаплар ҳам бор, албатта орденларингизни ҳам тақиб келинг!

— Хўн бўлади, ҳоким бува! Телевизорга чиқамизми?..

Энди унинг овози жарангларди. Она-бола сизгир кучини кўрсатди, деб ўйлаётган бўлса керак. Қаловини топсанг қор ёнади деб, бекорга айтмаганлар, илинди! Жуда чиройли бўлиб илинди.

Қўштегирмон билан вилоят марказининг ораллиғи аттиги ўн тўрт километр, ҳозир йўлга чиқса, ўн беш минутга қолмай етиб келади.

Эргаш Носиров ДАНга телефон қилиб, ким биландир гаплашди. Кейин ховлига чиқиб, она-бола сизгирни кўздан кечирди.

Ўх-хў, бунақа сизгир бозорда фалон пул бўлса керак. Хотинининг гапига қараганда, кунига уч маҳал соғиш керак экан. Нечук шунча пулли нарсани текнига ташлаб кетди экан? Ахир, у Тошкентга қурултойларга боришганда ўзига ўхшаган серхарж раислар билан ресторанларга киришарди, ақалли бир марта булсин, «Сен ҳам юр!» демаган. Эргашвойининг ҳамёни бунақа харжларни кўтармасди. Шунинг учун ҳам меҳмонхона буфетига енгилгина овкатланиб кўя қоларди.

Пахтакорлар қурултойига боришганда Нормат раис орденларини тақиб оларди. Чиндан ҳам унинг орденлари кўп эди. Йилора орден оларди. Бошқа раислар ҳазил қилиб «Норматнинг икки костюмлик ордени бор», дейишарди. Сал оғзи ботирроқлари: «Леонид Ильич бўлиб кет-э!» деса, бошқаси: «Яхши дўхтир тапишим бор, чап кўкрагининг кенгайтириб беради!» деб одамларни қулдиради. У юрганда жаранг-журунг овоз чиқарди, ҳатто қурултойга раислик қилаётган раҳбар унга: «Нормат ака, кимирламай ўтиринг, орденларингиз жаранглаб доклад эшитишга халақит беряпти», деганди. Ўшанда қурултой ахли гурра қулиб юборганди.

Эргашвой бир гал қурултойга борганда Нормат раис меҳмонхона пастиди уни кутиб турган экан.

— Мундоқ қилсак, — деди ранс унинг олдига келиб, — эрталабки мажлисга сен қатнашмасанг ҳам бўлади. Чорва масаласи кўрилади. Сенга алоқаси йўқ гаплар.

У шундай дея туриб ёнидан бир даста нул чиқариб унга узатди:

— Тахтапулдаги чойхонага бориб, ўн кишилик ош буюр! Водий ранслари билан ошхўрлик қиламиз. Хўнми, акаси? Масхарабоз Обид калтани ҳам топ, бир қулиниб ўтирайлик.

Эргашвой ғалати бир ҳолга тушди. Бу ранс мени ким деб ўйлайти? Жуда ўзидан кетибди-ку!

У жаҳл билан пулларни унинг чўнтагига тикиб қўйди.

— Мен сизга малай эмасман! Қурултойга сизнинг чамадонингизни кўтариб юришга, дастёрлик қилишга келмаганман!

Ранс ундан бунақа гап кутмаганди. Ювон, баёв бола деб биларди.

— Сени ўсадиган кадр бўлади деб ўйлаган эдим. Шу феълинг бўлса, икки дунёда ҳам косанг оқармайди. Ёнимга олиб, ўсишигга ёрдамлашмоқчи эдим. Қўлимдан ҳар иш келишини биласан-ку, энди ўзингдан кўр! Шу кичкинагина амалингдан ҳам айрилиб қоласан.

Эргашвой катий қўл силтади:

— Пенюнамдагини кўравераман, ака!

Нормат ранс бир замбар лоий бўлиб қолган эди ўшанда.

Нормат ҳар қандай бир сўзли ўжар райком котибини ҳам ўзига ром қилиб оларди. Қишлоқ раҳбарларининг, айниқса, райком котибларининг отпускиси қиш пайтига тўғри келарди. Шунга қарамасдан улар дам олиш учун Ялтагами, Сочигами кетишарди. Бу пайтда на денгизда чўмилиб бўлади, на соҳилда ўзини офтобга тоблаб бўларди. Ҳеч бўлмаса муолажасидан фойдаланаман, массаж, хилма-хил ванналарга тушиб таранг асабларимни юмшатиб келаман, деб ўйлашарди.

Қайси бир райком котиби курортга кетса, Нормат ранс орқасидан кассири билан етиб борарди. Санаторийга яқин жойдан ижара уй олиб, котибнинг хизматини қиларди. Қиш, ҳаммаёқ қор, дам олиш мавсумининг энг зерикарли пайтлари. Ана шундай пайтларда Нормат уларнинг жонларига оро кирарди. Кунора ошхўрлик, норинхўрлик кимга ёқмайди, дейсиз. Бир чемадан қазни, бир халта Ўзганининг девзираси, қоғоз қутидаги Дашнобод анори тугагунча ҳар куни қозон қайнаб турарди. Ана шундай курорт мавсумларида Нормат кўп ишларини битказиб оларди. Котиблар билан ёшроғи бўлса ота-бола,

ўрта яшар бўлса, кадрдон, кексарок бўлса «фарзанд» бўлиб кетарди.

Бир гал Рискиев деган райком котибининг орқасидан борганда иши юришмади. Унинг ошқозони хасталигидан фақат нархез таом еяр экан, «базми жамшидга» бормади. Укол олиб, дори ичиб, санаторийдан чиқмади. Нормат бегоналарга едирадиган анойилардан эмасди. Шунча йўл босиб, олиб борган нарсаларини қайтариб олиб келди. Эсиз шунча пул. Икки кишига бориш-келиш палон пул, дея афсусланди.

Баъзан у кайф қилган пайтларида, «палончи» котибми, нима деб ўтирибсан, гаҳ, десам кўлимга кўнади, йўриғимга юрмай кўрсин-чи, ўғлига мотоциклни ким олиб берган, Нормат аканг олиб берган, деб мактанарди.

Унинг бу хил қилиқларини Эргашвой яхши биларди. Шунинг учун ҳам ундан узоқроқ юрарди.

Ташқаридан машина овози эшитилди. Олтига седонали иссиқ нон, шиша банкада асал кўтариб, орденларини жараңлатиб, хандон-хушон Нормат кириб келди. Эғнида янги костюм, бошида тахтакачдан янги чиққан чустдўппи. Соқоли ҳафсала билан олинган. Икки лунжи худди арчилган шафтолига ўхшарди. Будённийникига ўхшаган шон мўйлови лок суртилгандек ялтирарди. Ундан гуп-гуп атир ҳиди анқийди. У йўл-йўлакай жовраб келарди.

— Қаранг, ровна ўн тўққиз минутда етиб келибман, — деди у билагадаги соатига қараб. — Уйингиз билан менинг уйим ораси 19 минутли йўл экан.

Норматнинг билагадаги шу соат бир вақтлар Эргашвойники эди. У стипендиясидан ортдириб йиғиб юрган пулига Саудиялик бир талабадан сотиб олган эди.

Бундан уч йил олдин касаба союзлари қурултойинга борганда делегатлар учун махсус очилган магазинда Бельгияда тикилган аёллар пальтоси сотилаётган эди. Эргашвой биттасини таплады. Ёнидан пул чиқазиб санаган эди 40 сўм пул етмади. Хайрон бўлиб турган эди Нормат ранс келиб бирданига учта пальтонини қоғозга ўратди.

— Биттаси хотинимга, бешик тўйларига кияди. Биттаси келишимга, яна биттаси... — Ранс бир кўзини қисиб қўйди, — бир жононга. Нега серрайиб турибсан? Олмайсанми?

— Азроқ пул етмаяпти, — деди Эргашвой.

— Пулниг йўқ экан, нима қилардинг магазинга кириб.

Эргашвой билагидан соатини чиқарди.

— Ранс бува шу соатни олмайсиэми, Швейцарияшики, ашик юради.

Нормат соатни кўлига олиб қулоғига тутди.

— Эх-хе, хафтанинг ҳамма кунларини, қайси ойлигини ҳам кўрсатар экан. Қанча берай?

— Ўзим уч юз эллик сўмга олгандим. Сиз икки юз сўм бераколинг.

— Ундок эмас-да, укагинам, юз сўм берсам ҳам бўлардию сенга жавр бўлмасни, деб юз эллик сўм бераман.

У шундай деб пенхтахта устига учта эллик сўмлик ташлади.

Бу воқеадан Эргашвой ранжимади. Қўлидан кетган кадрдон соатига ачинмади. Хотинининг пальтонини кўрган-даги кувончи олдида, соат нима деган гап...

Норматнинг оғзи гапдан бўшамасди.

— Билардим, билардим! Бир кунни жонажон вилоятимизга ўзингиз ҳоким бўлишингизни билардим! Вилоятимиз энди ҳокимга ёлчиди, кўркмайи ишлайверинг. Ёшингизда тоғдай бўлиб, ўзим туриб бераман! Қани, бирортаси кўз олайтириб кўрсин-чи? Бизга ўхшаган иш кўрган, тажриба орттирган акаларингизга суянсангиз, доғда қолмайсиэ. Ҳаммага ишонаверманг. Кимга қанақа муомала қилишини ўзим айтиб тураман. Мана, нонуштага Ургутнинг асалидан олиб келдим. Маъқул бўлса, эртага бир фляга ташлаб кетаман.

Улар эндигина бир ишладан чой ичишган эди, кўча томондан ДАН машинасининг товуши эшитилди.

— Қани кетдик, — деди Эргашвой.

Ташқарида вилоят шофёрларининг «офати» — ДАН инспектори кутиб турарди. Сигир билан бузоқни ҳам шу ерда кўриб, Нормат хайрон бўлди.

— Нормат ака, мени ким деб ўйладингиз? Сигирингизни олиб кетинг! Мен бунақа суюнчиларга ўрганмаганман.

— Ия-ия, қизиқ бўлди-ку! Мен дилдан чиқариб...

ДАН инспектори сигир-бузоқнинг арқонини рансининг кўлига тутказди.

— Қани, кетдик, ака! Мен йўл бошлайман. Орқадан шошилмай етаклаб келаверасиз.

Нормат илтижо билан Эргаш Носировга қаради.

— Бу қанақаси бўлди, укам? Агар шунчалик бўлса, одам юбораман, олиб кетишадди.

— Йўқ, ўзингиз хайдаб кетасиз!

Эргашвой шундай деди-ю, ичкарига кириб кетди.

Машина кўзғолди.

— Оркамдан қолманг! — деб буюрди инспектор.

Инспектор айтганини қиладиган қайсар одам эди. Уни гапга кўндириб бўлмас эди. Норматнинг ўғли йўл кондасини бузгани учун хужжатларини олдириб қўйганда раис олти марта ялиниб бориб ҳам уни гапга кўндиролмаган. Қайтадан имтиҳон топширишга мажбур қилган. Ўтолмаган. Хозир унга ялиниб-ёлворишдан иш чиқмаслигини билади. У имиллаб бораётган машина орқасидан сигирни судраб борарди.

Эрталаб ишга кетаётганлар, автобусдагилар, машинадагилар унга ажабланиб қарашади. Йўловчилар кўкраги тўла орден, савлатли кишининг сигир етаклаб кетаётганини кўриб ажабланишарди. Одамлар кўп сут берадиган сигирни вилоят кўрик-танловига олиб кетяпти дескилли, деб ўйлашарди. Аммо, Нормат обрўли одамнинг жасадини қабристонга олиб кетаётгандек, машина орқасидан буюк бир мотамсаролик билан борарди.

— Жон ука, бирорга юк машинасини тўхтағиб бер. Чиқазиб олай.

— Мумкин эмас, ўзингиз пиёда етаклаб бораёсиз!

— Ҳеч бўлмаса, сигир етаклашга бирорга одам тошиб бер, қанча сўраса бераман!

— Мумкин эмас. Ўзингиз обorasиз. Биласизми, сизнинг вазингиздаги одам кунига ўн беш километр пиёда юриши керак. Бошингизни кўтариб юринг телевизорга олишяпти.

Нормат дўпписи билан юзини беркитди. У ҳеч қаёққа қарамас, юзи ёниқ бўлгани учун йўлни кўролмай ҳар қадамда қокларди.

Йўлда учраган одам борки: «Сигир неча пул бўлди? Ё сотгани олиб кетяпсизми?» деб қайта-қайта сўрайди. Норматнинг тили гапга келмайди. Мум тишлагандек, гуниг бўлиб олган.

Шаҳардан чиқиб йўли кавланган, водопровод қувурини алмаштиришаётган эди. Ўтиб бўлмади. Тахминан, бир ярим километр орқага қайтиб, бошқа йўлдан кета бошлашди.

— Жон укам, шу сигирни ҳам олақол, мен кетдим! — деди зарда билан Нормат раис.

— Менга сигир керак эмас, ўзингизга буюрсин!

— Дуч келган одамга текинга бериб юбораман.

— Бўлмайди, — деди инспектор. — Халқ мулкини кўз қорачиғидай асраш керак, раис!

Шу алпозда улар шаҳар чеккасига чиқинди. Инспектор машинасини тўхтатди. Рақия орқали аллаким биландир гаплашди. Кейин:

— Бу ёнига йўлни ўзингиз биласиз, мен кетдим. — деди-ю машина тезлигини ошириб жўнаб кетди.

Раис сугир-бузук билан кўча ўртасида қолди...

Тўрт кундан кейин вилоят халқ депутатларининг сессияси бўлди.

Ҳар гал шунақа йиғин олдидан Норматвой атрофига одам тўплаб, латифа айтиб қулдирар, баъзи кичик раҳбарларнинг юришини қилиб кўрсатарди. Бу гал Нормат раис ҳаммадан олдин залга кириб, бир ўзи ўтирибди. Бошқалар мажлис олдидан гурунглашиб юришибди.

Тўрт кун олдинги воқеа аллақачон овоза бўлиб кетган. Бугун албатта унинг тақдирини хал бўлади, деб ўйлашарди. Зал одамга тўла. ДАН инспектори хайъатда ўтирган Эргаш Носировга нимадир деб, орқароққа бориб ўтирди. Нормат раиснинг ичидида бир нима узилиб кетгандай бўлди. Кўзлари тиниб, боши қувиллади.

Ҳоким вилоятда чорвага қишки озуқа тайёрлаш ёмон аҳволда эканлиги тўғрисида аниқ фактларни келтириб, маъруза қилди. Кўпгина хўжалик раҳбарлари аёвсиз танқидга учради.

Нормат, энди менга навбат келди деганда, ҳоким бошқа масалани бошлайди. Юраги тарс ёрилаёзган Нормат, менинг масалам охирида бўлади шекилли, деб ҳукм қутаётган судланувчидек қарахт бир алфозда эди. Охирида видео кўрсатиб, шарманда қилади, деб атрофга жавдираб қарарди.

Нормат раис тўғрисида гап бўлмади. Шу билан қутулдиммикан, деб ўйларди у.

Уч-тўрт ой вақт ўтди. Нормат раиснинг вилоят маркази кўчаларида сугир етаклагани одамларнинг эсидан ҳам чиқиб кетди. Бу орада вилоят миқёсида қанча-қанча йиғинлар ўтди, фаоллар мажлиси бўлди, халқ депутатлари сессияси бўлди. Бироқ ҳоким ҳамон жим эди. Шу йиғинларнинг ҳаммасида Нормат раис юрагини ховучлаб ўтирди. Чақиринмаси ҳам борди. Мен йўғимда масалами хал қилиб қўйинмасин, деб ҳадиксиради. У озиб, шоп мўйловларни осилиб қолди. Шу алфозда ҳадик билан яшаш раиснинг жонига тегди. Шунча йил раислик қилдим, худога шукр, уйим бор, жойим бор, машинам бор, бола-чақамни уйли-жойли қилдим, бас энди — ишни топширишим керак деган ўйга келди раис. У умрида бирор марта ариза ёзмаган, хат битмаган. Қоғозларга

имзо чекиб юраверган экан, ариза ёзиш, наинки ариза, оддий хат ёзиш ҳам шунчалар кийин эканини энди билди. Икки соат ўтириб беш-олти варақ қоғозни қоралади, келиштира олмади. Охири у котиб болани чакириб, ариза ёзиб беришни буюрди.

— Чарчадим, раҳбарлик ишга чоғим келмай қолди. Вазифамдан озод қилишингизни сўрайман, деб ёз!

Котиб, нега қўйинг, унақа қилманг, демади. У ҳамма вақт раис нима деса, айтганидан ҳам афзал қилиб қоғозга туширган.

Нормат раис эрталаб соқолини киртишлаб, ордениларини тақиб, вилоят ҳокимлигига ариза топшириш учун борди. Ҳокимнинг олдида одам бор экан. Котибадан аризани киритиб юборди. Ичкаридаги одам чиқиб кетди ҳамки, ҳоким уни чақирмади.

— Эй кизим, менга қара, мен келганимни ҳокимга айтдингми? — деди у тоқати тоқ бўлиб.

— Йўқ, — деди котоба. — Аризангизни бердим, холос.

— Жон болам, кириб айт, олдингизга кирмоқчи, деб айт!

Котиба ичкарига кириб, бир даста қоғоз кўтариб чиқар экан: «Кириш, кутяптилар», деди.

Нормат раис журъатсизлик билан эшикни очди. У албатта мени бўшатади, бу даргоҳга охириги мартга киришим, деб кўнглидан ўтказди.

Ҳоким қандайдир бир жиддий хужжатни ўқияпти шекилли, унинг кирганини сезмади. Ордениларнинг жириглашини эшитиб, бошини кўтарди.

Эргашвой ўрнидан туриб кутиб олди. У раис билан креслода ўтириб эмас, диванда ёнма-ён ўтириб гаплашди.

— Нима бўлди? Ишламайман, деб ариза ёзибсиз?

— Ха-а, энди, — деди раис. — Шунча ишладим, етар энди бу азобларга чидай олмайман.

— Сизга ким азоб беряпти, айттинг?

— Сиз! — деди Нормат. — Тўрт ойдан бери кутаман. Неча-неча йиғинлар ўтди, аммо менинг масаламни мажлисдан-мажлисга қолдирасиз. Қўйинг, ўладиганнинг ўлгани дуруст, уйдагиларнинг тингани дуруст.

— Сизга ким айтди масалангиз кўрилади, деб?

— Ёш бола эмасман, ўзим биламан.

Эргашвой кизишиб кетди.

— Менга қаранг, раис ака! Сизга ҳеч ким азоб бераётгани йўқ, сиз ўзингизга ўзингиз азоб беряпсиз. Бу яхши. Одам ўз қилмиши учун ўзини ўзи жазолай олса, ўзига ўзи азоб бера олса, у одамга ишонса бўлади. Сиз яхши

раиссиз, ишни биласиз, хўжалигингиз вилоятда энг намунали хўжалик. Бу жиҳатдан кўнглим тўқ. Сиз ишлайсиз! Аризангизни ўзингиз йиртиб ташлайсизми ё эсдаликка менда қолсинми?

Раиснинг Будённийникига ўхшаган мўйлови тигради. Нима учун ўридан турганини ўзи ҳам билмади. Нима учун ҳоким томонга қўл узатди — эслай олмади. Аризанни қайтиб бера қолинг, демокчи эди, шекилли Эргаш Носиров унинг очиқ кафтига тўрт букланган аризани қўйди. Нормат қоғозни бурда-бурда қилди-да, қаёққа ташлашини билмай, охири чўнтагига солди.

— Келиндик-а? — деди ҳоким. — Хар хил хаёлларга борманг, ишингизни давом эттираверинг!

Нормат раис у билан хайрлашаётганда негадир гавдасининг оғирлигини сезмади. Эшик тутқичига энди қўл узатган эди, ҳоким уни тўхтатди.

— Сизга битта гап айтай, асло эсингиздан чиқарманг, кўкрагингиздагиларни олиб қўйинг. Буларни берган ҳукумат аллақачон йўқ бўлиб кетган.

Орадан тўрт ой ўтиб, вилоят ҳокими Эргаш Носиров поччасининг йил ошини ўтказди. Одам кўн келди. Улар орасида Нормат раис ҳам бор эди. Аммо унга ҳеч ким эътибор бермади. Ҳатто танишмади ҳам. Кўнчилик унинг кўксигаги орденларга қараб, юзининг қанақалигига унча эътибор бермаган экан. У эл қатори ош еб чиқиб кетди.

1998 йил.

## ҚОРАКЎЗ МАЖНУН

Қуръони каримдан:

«Сизлардан қайси бирингиз ўз динидан қайтса ва шу кофирлигича ўлса, бас, ана ўшаларнинг (қилган савобли) амаллари хабата (бекор) бўлур, улар дўзах ахлидурлар ва у ерда мангу қолурлар».

(Бақара сураси, 217-оят.)

Ҳадиси шарифдан:

«Жаннатга кирадиган ўн нафар ҳайвондан бири бу — «Асхоби кахф»нинг вафодор итидир».

(Ал жоме ал-Кабир.)

Саодат ая бомдод намозини ўқиб жойнамоз пойнда узок ўтириб қолди. Бундан уч йил олдин оламдан ўтган эри уста Туробга атаб Қуръон тиловат қилди. Ўрис шаҳарларида дайдиб қолиб кетган ўғли Бўрихонга худодан

нисоф тилади. Бахти очилмай, гулдек умри хазон бўлаётган кизи Қумрига ачишиб, шу фариштагинанинг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижо қилди.

Кампир ҳар сахар ички бир эзгинлик билан шу гапларни такрорларди. У қўл чўзиб жойнамозининг бир бурчини қайириб ўрнидан турди.

Сентябрь оёклаб, сувлар тишиққан, ариқ тубларидан бола-бақра ташлаб юборган пиёлами, чойнак қопқоғими, қошиқми шундоқкина кўриниб турибди. Қирғоқлар зах тортиб, экин-тикин сув сўрамай қўйган палла.

Қўшни ҳовлилардан мактабга кетаётган болаларнинг илжикликлари, хархашалари, оналарнинг ялиниб-ёлворишлари эшитилиб турибди. Кампир бу товушларга бир дам кулоқ тутиб, бошини тебратиб, кулиб қўйди.

Саодат ёшлигида жуда чиройли киз бўлганди. Сочлари тақимини ўпарди. Тараганда шамшод тароқ ушлаган қўллари сочининг учигача етмасди.

Ярмини қисмлаб туриб, буёғини тарарди. Опаси бу сочларни қирқта қилиб ўрганда яна шунчаси ортиб қоларди.

— Э, сочинг курсин! — дерди опаси. Қўлларим толиб кетди, сочингни ўрдиришга одам ёллаш керак.

Кўчада амиркон махси-ковушни фирчиллатиб, сочларини селкиллатиб юрганда қараган ҳам қарарди, қарамаган ҳам. Ёш қизалоқлар орқасидан келиб сочларини кўзига суртиб қочишарди.

Мана, йиллар ўтиб соч ҳам оқарди, сийраклашди-ю, барибир ўша узунлигича қолди. Учига бирор нарса тақмаса хурпайиб бўйни, елкаларини тутиб кетади. Шунинг учун ҳам у сочининг учига ўғри тутар сандиқнинг калитини осиб қўяди. Сандиқни очаётганда калитни ечиб олмайди. Сочни узун бўлганидан тиззаласа калит бемалол қулфга етади. Энди янги уйларга сандиқ урф бўлмай қолди. Ҳамма уйни пўрим жавонлар босиб кетди.

Бундан ташқари, қулфни даранглатиб очадиган калитларни ясайдиган усталар қолмаган.

Кампирнинг сочлари ҳамон ёшлигидагидек. Фақат ярмидан кўпи оқариб кетган. Орқасига ташлаб қўядиган, учи бирлаштирилган икки ўрим сочининг учига эрининг фронтдан олиб келган оғиргина медалини осиб қўйган. Тайёр илгаги ҳам бор, сочни пастга тортиб туради.

Ҳовлининг ярмига яқин жойга тагдадек офтоб туширмайдиган қари тут барглари сарғая бошлаган. Қуриган шохига баҳорда илиниб қолган варракнинг қамиш қовур-

галарни скелетдек бўлиб турибди. Фақат узун латта думи шамолда плондек тўлғонади.

Шу тут тагида бир оппоқ ит сунурги устида ухлаб ётибди. Кичкинагина, белида белбоғдек иккита — бири қора, бири жигарранг чизини бор. Худди кимдир атайлаб бўяб қўйганга ўхшаб кўринади. Тўмшунини билан икки кўзи қоп-қора. Бир кўзининг тепасида тўмтоқ қоши ҳам бор. У камширнинг оёқ товушидан бир кўзини эришибгина очди-ю, чала ярим керишиб, яна уйқуга кетди.

— Ха-а, жонингни хузурини билмай ўл-а! Сунургининг ям харом қилдинг.

— Қўй, уришма, опаси, Қоракўз ҳали бола-да!

— Нима деяпсиз, ойижон! Бу ит ўлгурга мен нега она бўларканман?! — деди Қумрихон болиб.

— Агар Қоракўзни яна сунурги билан урсанг, унга косов отсанг, билиб қўй, укаларингникига кетиб қоламан.

— Вой, ойижон-эй, ит ўлсин, одамдан азиз бўлмай! Шу итни деб бизни ташлаб кетмоқчимисиз? Қўйинг-э!

— Шу билан овуниб юрибман. Қаёққа борсам ёнимда. Бир қадам нари кетмайди. Менга айтчи, укаларинг, сингилларинг ҳафтада бир хабар олса олади, олмаса йўқ. Касалхонада ётганимда шу итгина кўкрагини қорға бериб ҳовлида бир ой дераза тагида ётган. Сенлар қўни-қўшинининг қистови билан бир-икки хабар олдиларинг, холос.

— Ойижон, қўйинг энди... — деди Қумри норози бўлиб.

Итнинг бир қулоғида, бўйида, оёқларида қон қотиб қолган эди.

— Аҳмоқ! — деди камшир. — Қаёқларда санқиб юргандинг?! Яна маржабозликка бордингми? Мажнун бўлмай кеткур! Аҳволингни қара, хотин таланиб роса таъзирингни ебсан-ку! Э ўлмагин-а, шилинмаган жойинг қолмапти... Энди ўзингдан кўр. Мажнун, яраларингга дори суртаман. Илло, дод демайсан!

Қумрихон итнинг бўйидадан босиб турди, камшир яраларига йод сурта бошлади. Ит ғингшийди, ингиллайди. Қумрихоннинг қўлларини тишламоқчи бўлади.

— Ана, бўлди. Энди овқатингни берамиз.

Бир ойдан бери ўғли сурункасига камширнинг тушига киради. На ётишида, на туришида ҳаловат бор. Ўғлини ўйлагани ўйлаган. Ёши саксонга яқинлашиб, куч-қувватдан қола бошлаган, боламини кўрмай ўлиб кетамини, деб куйиб-ёнади.

Ўғли Бўрихон олтмиш еттинчи йили армияга кетган. Ҳарбий хизмати тугади ҳамки уйга қайтмади. Ўшаёқлар-

да уйлашиб бола-чақали бўлиб, қолиб кетди. Баъзи-баъзида ундан «Я здоров» деган икки энликкина хат келарди. Яқин ўн беш йилдирки, адресни унутиб қўйганми, ишқилиб, шу ўрисчагина хат ҳам келмай қўйган.

Кампир кўни-кўшилариникига ҳам чиқмайди. Уйда ўтиравериш қон бўлиб кетади. Баъзан кийим-бошларини аниқ-таниқ тугиб — ўғиллари ё қизларидан бириникига отланиб қолади.

Барибир борган жойида ҳам ҳаловат топмайди. Қизи Қумрихонни ўйлаб қайтиб келади. Қумрихон бахти чопмади. Икки бор турмуш қилди, фарзанд кўрмади, қайтиб келди. Бирон жойда ишлаб овунай деса ҳайҳотдек ҳовлига, муқиллаб қолган онасига ким қарайди. Ака-укалари, синиллари: Она, қўй ишлама, тирикчилигинг бизнинг бўйинимизда, онамга қара, деб қўйинмади.

Кампирнинг ўғиллари бизникида туринг, ойин, деб худонинг зорини қилишса ҳам, отанг чиққан уйини ташлаб кетолмайман, мен ҳам шу уйдан чиқазиламан, деб кўнмади.

Кампир жуда доно хотин эди. Болаларим ҳафтада бир марта хабар олишса, етти кун уйим тўлади, албатта, улар қуруқ келинмайди, шу баҳона Қумрининг ҳам кунини ўтади, дея қадрдон уйидан жилмасди. Оналар шунақа — бахти чопмаган боласи билан бирга бўлади.

Ўтган йили ўтли-шудли, ҳар иш кўлидан келадиган невараси Анваржон, тоғамни топиб келаман, деб чиқиб кетди. Шу кетганча йиғирма кун деганда дарагини топиб келди.

Бу гапдан хабар топган кўшни хотинлар кампирни қутлагани кирдилар.

— Бувижон, ташвишланманг, тоғамнинг ишлари «беш». Рўзғори бут, тирикчиликдан камий ўқ. Учта боласи бор. Ўзи ўзбекчани эсидан чиқариб юборибди. Мен билан ўрисча гаплашди. Битта соғин эчкиси, тўртта қанор қопдек чўчкаси, ўнтача чўчкачалари бор экан. Қиш забтига олганда шу молларини ҳам уйига опкириб олишаркан. Бўчка-бўчка самогон-ароқ ясаб, қиши билан ичишаркан. Қишлоқдагилар тоғамни «Бўрихон» демай: «дядя Боря» деб чакиришар экан.

Бу гапларни эшитиб кампир ер ёрилмади-ю, кириб кетмади. Боласи тушмагур-эй, кўшни хотинларининг олдига шу гапларни айтиб ўтирибди-я! Бировга сўзини бермайдиган эррайим кампирнинг шохин синди, остона хатламай уйда муқим ўтириб қолди.

Қачонгача чилла ўтираман, деб кампир бугун қизиникига отланиб қолди. Кампирнинг ниятини сезган Қоракўз

остонага бориб ўтириб олди. Яқин бир ойдан бери ҳеч қаёққа бормаган Қоракўз ўзида йўқ шод эди. Бошини бир томонга эгиб ирғишлар, тезроқ чиқмайсиэми, дегандек ҳар хил овоз чиқариб ёнгиширди.

Кампир шошилмасди. Ўсма экилган бир бўйра ер олдида чўнқайиб, ўсмаларнинг серсув, бўлиқ барглари-ни тагидан кертиб узарди. Охири кафти ўсмага тўлагач, райҳонининг гул отмаган шохларидан синдириб олиб, ўсмага кўшиб дастрўмолига ўради. У киз невараларига, келину кизларига албатта ўсма олиб борарди. Нихоят, кампир тугунни қўлтиклаб чиқди. Қоракўз ўтирган жойидан бир сапчиб кўча томон отилди. Кампир унинг кетидан бораркан, хой, мунча шошасан, секинроқ, деб жаврарди.

Қоракўз унинг гапига тушунгандек кўча ўртасида тўхтаб орқасига қарайди. Кампир етиб келгунча яйраб қулоғини қашлайди. Бир қулоғини диққайтириб, биттасини шалпайтириб эркалик қилади. Орқа оёғида туриб бир-икки айланади. Кампир етиб келиши билан яна ўйноқлаб югуриб кетади. Йўлда учраган мушукларни тирақайлатиб қувиб, ним қизил тилини осилтирганча ҳансираб қайтиб келади. Дарахтлардаги мусичаларга ирғишлаб акиллайди. Ариқдан шашиллатиб сув ичади. Баъзан йўл четига чиқиб, пахса девор тагини хўл қилиб қайтади. Велосипед миниб ўтган болаларга эрганиб узоқларга кетиб қолади.

Кампир унинг қилиқларига андармон бўлиб йўл юрганини сезмайди. Қоракўз доилаб юрган товуқларни қақағлатиб, тўрт тарафга тўзғитиб юборади. Йўлда учраган итлар билан искашиб, қувлашмачоқ ўйнайди. Кўча бетидаги уй остонасида тинмай акиллаётган каламундек кучукни тупроққа қориштириб булғалади. Ариқ бўйидан қўпориб ташланган тўнғак соясида ётган бўрибосар итга ҳам зўрлик қилмоқчи бўлганди, таъзирини еди. Бўрибосар унинг гардонидан тишлаб улоқтириб ташлади. Йўл ўртасига бориб тушди, тупроққа қоринди.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

— Хой, жинни, сенга ким қўйибди отанг тенги ит билан олишишни!

Қоракўз унга қарай олмади. Йўлнинг бүёғига маъюс алпозда, югурмай оҳиста кетди. Барибир Қоракўз ит-да, итлигини қилади. Бир қора итнинг думини хидлаб, очик турган эшикдан кириб кетди. Бир оздан кейин унинг вангиллагани эшитилди. Эшикдан чиқаётганда ичкаридан отилган эски туфли қоқ белига тушди.

Катта йўлга чиқишди. Бу йўлнинг ўнг ёғи Чирчикқа, чап ёғи Тошкентга олиб боради. Олдинлаб кетган Қоракўз, қаёққа юрайлик дегандек кампирга қаради.

— Абдумалик акангникига борамизми, Дилбар опангникигами? Дилбар опанг домда туради. Итдан хазар қилади. Сени уйига киритмайди. Энди нима қиламиз? Майли, шункига борайлик. Ётиб қолмаймиз. Чикқунимча ҳовлида болалар билан ўйнаб турасан.

Қоракўз бу гапларга тушунади. Ҳар гал кўча бошига келганда албатта кампир шу гапларни такрорлайди.

Олисдан баланд иморатларнинг кораси кўринди. Қоракўзнинг сабри чидамади. Илдамлаб кетди. Кампир унга етолмай ҳаллослаб қолди. Қоракўз югуриб эмас, билдираб кетаётганга ўхшайди. Бир зумда кўринмай кетди.

Учинчи қаватнинг болахонасида ўйнаётган болалар Қоракўзни кўриб, бувим келаяпти, деб кийқиришди. Тапир-тупур қилиб зинанинг икки поясини битта қилиб пастга югуриб тушишди. Биттаси Қоракўзга конфет, биттаси сергўшт суяк берди. Бирпасда ҳовли болаларга тўлиб кетди. Қоракўзнинг бошини, орқасини снлашди. У эркаланиб туриб берди. Болахонада Дилбархон кўринди. Онангиз келяпти, деган хунхабар олиб келган Қоракўзга меҳр билан боқди. Унга қанд ташлади.

Ниҳоят, ҳансираб кампир етиб келди. Болаларга курт, ёнғок, туршак улашди. Қоракўз ҳам умидвор бўлиб кўзига қаради.

— Сенга йўқ, бевафо! Мени йўлга ташлаб кетгансан. Орқангдан ҳаллослаб югуриб, тилим оғзимга снғмай қолди.

Қоракўз гуноҳкорона бош эгиб турди. Кампир конфет ташлади, Қоракўз илиб олдию қувончдан ҳовлини шамолдек айланиб чиқди. Кампир қизи билан кечгача эзилиб гаплашди. Ўғлини эслаб кўзёш ҳам қилиб олди. Қумрининг бетолелигидан, мен бир бало бўлиб кетсам, у шўрлик нима бўлади, деб афсус-надоматлар қилди. Гап орасида Қоракўз эсига тушиб, овқат-повқат бердингми, деб сўраб қўярди. Кампир аср намозини ўқиб, кетишга шошилди.

— Энди кетай, шом намозини уйгинамда ўқирман.

— Овқат қилаяпман, ойижон, еб кетинг. Бир кечагина ётиб кетсангиз нима бўлади. Уйингизни бўри еб кетармиди!

Кампир тугунини қўлтиқлаб пастга тушди. Ҳовлида болалар билан яйраётган Қоракўзнинг кетгиси келмайди.

Болалар туфлаб улоқтирган калтакни ўтлар орасидан топиб келади.

Кампир йўлга тушди. Қорақўз эркаланиб, ирғишлаб гоҳ ундан ўзиб, гоҳ орқада қолиб қўловини қашлаётди.

Ўйда Саодат аянинг йиллаб калбида қаланиб ётган ғуборларини тарқатадиган, кўксидан тоғдек босиб ётган армонларини ушатадиган оламинумул бир янгилик қўтиб турарди.

У уйига яқинлашганда эшиги олдида уёқдан-бўёққа шониб юраётган одамларни кўриб, юраги ханқираб кетди. Қадамни тезлатди. Эшик олдида турганлар унга куллуқ бўлсин, севиниб қолдингизми, қариганингизда дилингизга ёруғлик тушгани мўборак бўлсин, дейишарди.

Кампир ҳажга кетаётганларга пенсиядан йиққан пулларини «Ҳожин бадал» учун бериб юборган эди. Ҳаж қабул бўлди, деган хушxabар келган бўлса керак, ўзингга шуқр, Аллоҳим, деб остона хатлади.

Шоҳига катта лампочка осилган тут тагидаги сунада ёши олтиншлардан ошган бир нотанин одам ўтирарди. Унинг кўзлари... бундан ўттиз икки йил олдинги Бўрихоннинг кўзлари эди. Кампир вой болам, деб унга талпинди. Сунага югуриб бордим, учиб бордим, билмайди. Бағрида ўғлини кўрди. Ундан ароқ ва шам ёқилган уйнинг хиди келарди. Кампир буни сезмасди. Ғойибининг ҳозир бўлганидан маст-аласт эди. Карахт эди. Бахтиёр эди. Ўғлининг бошларига, елкаларига кўз ёшлари тўкиларди.

Ўғли унинг бағридан чиқишга уринар, аммо кампирнинг қоқ суяк, чайир қўллари уни бўшатмасди.

— Ну зачем, зачем плачеш, мама, вот и приехал, хватит, хватит, — дерди ўғли.

Она бу гапларни эшитмасди. Эшитганда ҳам барибир тушунмасди.

Кампир хушини йиғиб боласини бағридан бўшатди. Серрайиб турган Қумрига:

— Нега бақрайиб турибсан, Раҳмон қассобини чақир, боламнинг оёғи тагига оғилдаги кўйини сўйсин! Қўшинсиникида телефон бор, ака-укаларингга, сингилларингга, акам келди, деб хабар қил! — деди.

Қорақўз кампирнинг оёғи тагига ўтириб олган. Бу нотаниш одамга гашлик қилиб тинмай ирилларди.

— Қаёқларда юргандинг? — деди кампир ўғлига. Ўғли онаси нима деяётганини тушунмай елка қисди. — Тушунмадингми? Сен бошқа одам бўлиб кетибсан.

Кампир унинг юзларига қараб эзилиб кетди. Қариб, адоийи тамом бўпти. Башарасига ҳам ўша томонларнинг нуқси уриб, ўзбеклиги қолмабди. Эллик бир ёшда етмиш яшар чол бўлиб қўя қопти.

Раҳмон қассоб аллақаяёққа тўйга кетиб қолган экан, тошиб келишди. Кўча томонда кўш машинанинг гуриллагани, ўғил-қизларининг овозлари эшитилди.

Абдумалик кўйи етаклаб кирди. Қизлари, куёвлари картон қутиларда халталарда мева-чева, олма-узум кўтариб киришди. Бир зумда ҳовли гавжум бўлиб қолди.

Бўрихон укаларини ҳам, сингилларини ҳам танимади. Улар ҳам бунни танишмади.

Бўрихон бегона уйга кириб қолган одамдек қовушмай турарди. У укаларига, сингилларига нима дейишни билмасди. Тўғри, нима дейишни биларди. Аммо, тил билмаса нима қилсин? Ўйлаб-ўйлаб, «Салям!» деди. Жигарлари кулишни ҳам, йиғлашни ҳам билмай хайрон туриб қолишди.

Қассоб оғилдан каттакон, боқувдаги кўйини судраб чиқди. Бўрихоннинг оёғи тагига ётқизиб, укам, қани бир фотиҳа беришг, деди. Э, дарвоқе, ўзбекча билмаслигингизни эсимдан чиқарибман, қани, омин денглар, кампир энамизнинг умрлари узун бўлсин, гоийиблари ҳозир бўлгани рост чиқсин, омин!

Қассоб шундай деб кўйининг бўғзига пичоқ торгди.

— Ну зачем, зачем? — деди Бўрихон. — Ведь барана жалько, все равно я столько мясо не ем! У нас баранина не едят.

То ярим кечагача кампирнинг ҳовлиси тўйхонага айланиб кетди. Тарқаш пайтида Абдумалик акасини меҳмонга таклиф қилди.

Ҳовли жимиб қолди. Қумри она-болага супага жой солиб берди. Кампир боласига тикилиб миғжа қоқмади. Бўрихон тўйгунича ичган эди. Оғзидан гуп-гуп ароқ хиди келиб турибди. Кампир рўмолининг учи билан бурнини беркитганча ўтирибди. Ростдан ҳам шу одам менинг боламми, деб ўйларди кампир. Қариб кетибди, сочлари тўкилиб, бошининг ярми яланғочланиб қопти. Кўп ичадиган одамлардагина бўладиган захил бир бефайзлик зоҳир эди унинг юзларида. Кўзларининг тағи салқиган, тишлари тамакидан жигарранг тусга кирган. У отаси ўтган уйда, туккан онасига, жигарларига бегона бўлиб бепарво ётибди.

Саодат кампир уни чақалоклигида худди шу супада бешикка белаб тебратарди. Уч ёшга киргунча шу супада

бағрида олиб ётган эди. Бўрихон дўмбоққина бола бўлганди. Уни ёмон кўздан асрасин, деб кийимларига тумору кўзмунчоқлар тақиб қўярди. Султонимга атаб унга кокил қўйганди. Олти ёшга тўлганида уни эр-хотин Туркистонга олиб бориб хазрат Яссавий мақбарасининг шайхига атаганларини бериб, кокилни кесдиришган, қўй сўйиб худоён қилинган эди.

Бўрихон у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди. Шунда... шунда унинг устидаги оқ чойшаб сирғалиб елкалари, кўкси очилиб қолди. Кампирнинг баданидан чаён ўрмалагандек сесканди. Ўзини орқага ташлади.

Бўрихоннинг бўйидаги занжир учиде бут ялтирарди. Кампирнинг кўзлари тинди. Бир дам уни шуур тарк қилди. Телбадек сапчиб ўрнидан турдию айвон томонга чекинди.

Бўрихон армия хизматини ўтагандан кейин ҳам уйга қайтмади. Ўрмон ичкарасидаги қишлоқ бутхонаси қўнғироқчисининг эрдан қолган қизига ошиқу беқарор бўлиб қолди. Қаллиғининг отаси, бошқа диндаги одамга қизимни бермайман, деб туриб олди. Қиз Бўрихонни христиан динига киришга ундади. Ишқ-мухаббатдан кўзини нарда босган Бўрихон ҳеч иккиланмай рози бўлди. Уни черковда чўқинтиришди. Кейин черков оқсоқоли келин билан куёвга тож кийдириб, никоҳ ўқиди.

Ана шундан кейин Бўрихон хотини, қайинонаси билан ҳар куни черковга бориб чўқинадиган бўлди. Қайинотаси ўлгандан сўнг унинг ўрнига черков қўнғироқчиси қилиб қўйишди. Ниманки иш бўлса, бариини у бажарадиган бўлди. Пилиги сўхта бўлган шамларининг учини қайчилайди, ёниб тамом бўлганларини алмаштиради.

1970 йилнинг кеч кузиде бир мусулмон боласи диндан чиқди...

Ох, отагинаси тирик бўлганда шу суна устида болта билан чоғиб ташлардия! Кампир айвон томон тисарилиб борар экан, ана шундай ўйларди. У айвонга етолмай хушидан кетиб йиқилди. Қоракўз унинг атрофида ули айланарди. Қумри ётган уйининг эшигини тимдалаб, уни уйғотмоқчи бўлди. Қумри уйқусини бузган итни қарғай-қарғай ховлига чиқди. Қоракўз унинг этагидан тортиб кампир ётган жойга судради. Қумри онасининг беҳуш ётганини кўриб кўрқиб кетди. Қариб, муштдекқина бўлиб қолган онасини даст кўтариб айвонга олиб чиқди. Боши остига ёстиқ қўйиб, сув ичирди. Елкаларини уқалади. Кампир кўзини очди. Ҳали тонг ёришмай туриб Абдумалик машинада келиб акасини олиб кетди. Унга Тошкент-

нинг мустақилликдан кейинги манзарасини кўрсатмоқчи, Чорсу бозоридан унинг болаларига совға-саломлар олиб бермоқчи эди.

Бўрихон учун Ўзбекистонда мустақиллик бўлди, бўлмади барибир эди. У ўзга юртининг фуқароси, ўзга эътиқоднинг сифидиси эди. Туғилган юртга муҳаббат туйғуси уни тарк қилганига кўп йиллар бўлган. Опа тили қадим-қадим замонлардаёқ унутилиб кетган Шумер тили қатори туманлар орасида қолиб кетганди.

Эрталаб кампир ҳеч нарса бўлмагандек ўрнидан турди. Қумри қараса, онасининг қолган қора сочлари ҳам бир кечада оқариб, ажишлари кўпайиб кетибди.

Қумри онасининг нега бунақа бўлаётганини билди турарди. Боя акаси тонг ёришмай ҳовли этагидаги ёнғок тагида деворга қараб чўкинаётганини кўриб хайрон ул қолганди. Аёллар умуман титимсак халқ бўлади. Акаси Абдумалик билан ҳовлидан чиқиб кетгач, ичкари уйда турган чемоданини титкилади. Шунда сариқ бахмалга ўралган бир нарсага кўзи тушди. Ушлаб кўрди. Қутгичага солинган нарса тўппонча эмасмикан, деб бахмал тўғунни ечиб қаради. У христианларнинг муқаддас китоби Инжил эди. Уни ушлаган қўллари қуяётгандек шошиб янға бахмалга ўраб қўйди.

Кампир бомдод намозини ўқиётиб, ҳар саждага бош қўйганида жойнамозга кўзёшлари томарди. У жойнамоз бурчагини қайириб, эрига атаб Қуръон тиловат қилди. Бахти чопмаган Қумрига бағишлаб, шу фаррихтагининг йўлини оч, деб Аллоҳга илтижолар қилди. Ғоибдан ҳозир бўлган ўғлининг номини тилга ҳам олмади.

Саодат ая шу боласига тўлғоқ тутаётганда офтоб чараклаб турарди-ю, ёмғир шаррос қуяётган эди. Деразадан ҳовлига қараб турган доя хотин: «Бўри болалаяпти» деганди. Шунинг учун ҳам ўғлига у Бўрихон деб исм қўйганди. Орадан элик бир йил ўтиб, бу болани мен эмас, бўри тукқан экан, деган хаёлга борди.

— Ойи, кийинасизми? Абдумаликнинг машинаси ҳозир келиб қолади. Ўғлингиз тайинлаб кетган.

— Ўзинг боравер, мен шу ерда қоламан, — деди кампир.

— Ахир, акам кечқурун поездга чиқади. Хайрлашмайсизми?

— Ўзи келган, ўзи кетаверади. Машина келса, чемоданини ташлаб қўй. Бу уйга энди қайтиб келмасин, — деди кампир қатъий қилиб.

— Ойи-жон-ей, жуда қаҳрингиз қаттиқ-да! Бугун кета-

ди, қайтиб кўраминизми-йўқми, болам-бўтам деб кузатиб кўя қолсангиз нима қиладиган-я! — деди зорланиб Қумри.

— Бу болаги мен эмас, бўри туққан... Бир марта дадам қани, деб сўрамади-я! Қандок ота эди-я, раҳматли.

Кўчадан машина овози келди. Қоракўз ўқдек отилиб чиқиб кетди. Бир оздан кейин камширнинг невараси Абдунабнинг атрофида гир айланиб кириб келди.

— Ия, хали ҳам кийинмай ўтирибсизми? Уйимиз қариндош-уруғларга тўлиб кетди. Дадамнинг ўртоқлари ҳам келишган. Қани, бўла қолдинглар!

— Мен бормайман, — деди камшир. — Қумри боради. Чемодан ўлгурини ола кетдинглар.

— Ия, қизиқ бўлди-ку! Амаким бугун кетадилар-ку!

Камшир индамай уйга кириб кетди, кейин деразадан бошини чиқариб:

— Сен боравер, болам. Мен билан ўтириб қон бўлиб кетдинг. Жигарларинг билан бирпас ёзилиб келасан, — деди Қумрига.

Машина кетди. Камшир ҳайҳотдек ҳовлида бир ўзи қолди. Унинг кўксига аллақайдан келиб тушган бир нарча муз кечадан бери эримай, вужуд-вужудини қакшатарди.

У уйга кириб тугун кўтариб чиқди. Ундан Бўрихоннинг гўдаклигида, болалигида кийган кийимларини олиб қаради.

Илгари камшир баъзи-баъзида бу кийимларни хидлаб йиғларди. Энди кўксига муз уни йиғлашга қўймади. У ҳовли ўртасига ҳазон тўнлаб тугурт чакди. Гуриллаб ёнаётган гулханга Бўрихоннинг кийимларини бирма-бир ташлай бошладиган. Гулханда Бўрихоннинг болалиги ёнади. Қоракўз гулхан атрофида айланар, гоҳ алаига тафтига чиқолмай нари кетарди. Бир бўхча кийим зум ўтмай ёниб қулга айланди. Шамол куйиндиларни ҳовлининг тўрт тарафига учуриб кетди.

Қумрининг кўнгли бир нимани сезди, кўча бошига етмай машинадан тушиб қолди. Уйга келганда онаси кафтини нягига тираб, қимирламай ўтирибди. Қоракўз унинг хаёлларига шерик бўлгандек, у ҳам олд оёқларига даҳанини қўйганча кўзларини юмиб, қимирламай ётибди. Қумри уёқ-буёққа қаради. Ҳовлидан куйган латга хиди келяпти. Қўшнилardan бирортаси эски-тускиларни ёндирипти шекилли, деб ўйлади. Ҳовлининг суярадек жойи қорайиб қолганини кўриб ҳайрон бўлди. Яқин бориб қараса қорайган ерда болалар қўйлагига қадалаган ўн-ўн бешта қовжираган тугма сочилиб ётибди. Қумри нима бўлганини билди. Ичидан зил кетди.

— Ойи, — деди у, — нима овқат қилиб берайи? Эрталаб ҳам ҳеч нарса татимадингиз. Бунақада тўлиқиб коласиз-ку.

Кампир бошини сарак-сарак қилди.

— Иштаҳам йўқ, болам. Ичим тўла муз. Танамга аста тарқалаяпти.

Қумри кўрқиб кетди.

— Кўн куйинманг энди, бўлар иш бўлди. Худонинг продаси бу.

— Э, қизим-а, бола туғмагансан-да, билмайсан!!

Кампир қизига ҳеч қачон «туғмагансан» деб айтмаган. Айтса, таъна қилаётгандек бўларди. Қизининг шундоқ ҳам дарди ичида. Бу гапни бегона айтса, чидаш мумкиндир. Аммо ўз онанг айтса, юрагингни кимга очасан?

Қумри онасининг гапини малол олмади.

— Фарзанд доғи ёмон бўлади, болам.

— Ахир акам тирик-ку, шукр қилмайисизми?

Кампир унинг гапини чўрт кесди.

— У йўқ энди!

Кампир сўзини охирига етказа олмай ёнбошига беҳуш йиқилди. Қоракўз безовталаниб санчиб туриб кетди. Қумри онасини кўтариб, кўриача устига ётқизди.

Эшик тақиллади. Қоракўз дарвоза томон югурди. Қумри онаси билан овора эди. Ховлига маҳалла мачитининг имом-хатиби билан мутаваллис кирди. Кампирнинг аҳволини кўриб, бир-бирига қараб олишди.

— — Қизим, — деди мутавалли, — бемаврид келиб қолмиз. Онахондан суюнчи олмақчи эдик.

Улар айвон олдига келишди. Сўнгги нафасини олаётган кампирга:

— Онажон, кеча муборак ҳаж сафаридан қайтдик. Сизнинг ҳажингиз қабул бўлди, — дейишди.

Имом-хатиб Саодат аянинг «Ҳожини бадал» бўлгани тўғрисидаги ҳужжатини узатди. Кампир кўлини кўтара олмади. Кўзини аранг очиб, ўзингга шукур, Аллоҳим, дея олди, холос. У қизига бир нима демоқчи бўлган эди, тили калмага келмади.

Қумри унинг нима демоқчилигини билди. Югуриб уйга кирдию иккита оҳорли тўн кўтариб чиқди.

— Ойим шу кунга атаб сақлаб юрган эдилар.

У шундай деб икковининг елкасига тўн ташлади.

Кампир икки кун шу алпозда ётиб, сал ўзига келгандек бўлди. Тилга кирди.

Аслини олганда, унинг умри тугаган эди. Бу хушха-

бар унинг тугаб бораётган умрига умр улаган эди. Бу хол шамнинг ўчиш олдидан бир лоп этининга ўхшарди.

— Укаларингни, сингилларингни чакир! Васият қилиб қўяй. Сен кўркма, кизим. Ўлим ҳақ. Бу жон дегани Аллоҳнинг таидаги омонати. Ундан қочиб қутилиб бўлмайди. Пуф эгади-ю, чиқади-кетади.

Кампирнинг болалари етиб келишди. Қумри опасининг орқасига ёстик қўйиб берди. Қатор ўтирган болаларига, невараларига қарар экан, кампир мамнулик билан:

— Худога шукр, тобутим олдида борадиган ҳассаканларим кўн экан, — деди. — Эшиттинглар, болаларим. Абдумалик, энди буларга сен ота ўрнида оталик қиласан. Қумри, кизим, энди сен менинг ўрнимга қоласан. Абдунабинини шу ховлида уйлантиринглар. Ўнлимни қўтиб ўтирмай тўйи қилаверинглар. Шундоқ қилсаларинг, арвоҳим шод бўлади. Абдунаби келин билан Қумрининг олдида қолсин. Шу уй уинки. Онам гўрида тинч ётсин, десаишлар Қумрини асло ёлғизлатиб қўймаишлар.

Кампирнинг лаблари қуруқшади. Қумри ииёладаги сувга пахта ботириб оғзига томизди.

— Шошиб турибман, болаларим. Мени оталаринг олдида олиб кетишга келишяпти. Энди бүёғини эшиттинглар. Ҳамма тадоригимни кўриб қўйганман. Ўнлим ўтгунча бўладиган маросимларга етарли пулни Қумрига бериб қўйганман. Қизим, қулоғимдаги зирагимни, махси-ковушимни ғассолга бергини. — У эндиғи айтмоқчи бўлган гапидан ийманди шекилли, жилмайди. — Азага келган хотинлар олдида хунугим чиқиб ётмайини, қошимга ўсма...

Кампир шу жилмайганча ичидаги муз эринмай осонгина жон берди.

Ховлига тумонат йиғилди. Унга «Ҳожин она» деб жаноза ўқишди. Тобутни кўтаришаётганда Қоракўзни қабристонга бормасин, ёмон бўлади, деб қўшинининг хужрасига қамаб кетишди.

Кампирнинг қирқи ўтгандан кейингина ховлидан одам оёғи товсилди. Эгаси кетиб файзи йўқолган ховлида Қумри ва Қоракўз мунғайиб қолишди.

Бир кун Қоракўзнинг мишжаларида ёш кўриб Қумрининг юраклари эзилиб кетди. Қоракўзга қўшилиб у ҳам йиғлади. Аста қўл юбориб унинг бошларидан силлади. Олдин бу итни жишидан ҳам ёмон кўрарди. Неча марта косов билан урган. Оёғи остида ўралашганда тениб юборган. Қоракўз ҳам уни унчалик суймасди.

Ана энди икки мунглиф бир-биринга қараб юм-юм ёш тўкишяпти.

Қоракўз энди кечалари дайдиб кетмай кўйдди. Хар куни ҳали тонг ёришмай туриб (кампир бомдодга турганда) уйғониб кетарди.

Кампирнинг болаларидан иккитаси Тошкентда, биттаси Чирчиқда, иккитаси Қибрайда яшайди. У тонг отгандан то кун ботгунча ҳаммасининг уйига борарди. Кампирни тополмай, ҳориб-чарчаб қайтиб келади.

Бугун ҳам тонг саҳардан Қоракўз чиқиб кетди. Пилдираганча Чирчиқ томонга йўл олди. Кимёгарлар шаҳарчасида кампирнинг кенжа кизи туради. Ўғли магнитофон жинниси. Ҳамманинг овозини тасмага ёзиб юради. Шу йил баҳорда бувисининг овозини ҳам билдирмай ёзибди. Ўшанда кампир сунада ўтириб, аллақаяқларда дайдиб келган Қоракўзга таибех бераётган эди.

Қоракўз Кимёгарлар шаҳарчасининг энг чеккадаги «дом»га етиб келганда кампирнинг невараси шиша банкада сут олиб келаётган эди. Қоракўз унга думини ликиллатиб ялтоқланди. Унга эргашиб учинчи қаватга чиқди. Уйга кирмай қайтиб тушди. Бир оздан кейин кампирнинг овози эшитила бошлади. Қоракўзнинг қулоғи динг бўлди. Яқин икки ойдан бери йўқотган қадрдон кишининг овозини эшитиб йиғлаётгандек ёнгишиди. Қоракўз учинчи қаватга отилиб чиқди. Эшикни тимдалаб вовуллади. Яна қайтиб тушди. Болаҳонага қараб вовуллайверди, вовуллайверди...

Магнитофондан кампирнинг овози келарди.

«Қоракўзгина, қаёқларда санкиб юрибсан? Ҳеч уйда ўтирасанми-йўқми? Қорнинг ҳам очгандир? Тентаккина. Ганимга қулоқ сол, нега беозор мусичани қувасан?...»

Қоракўз ақиллар, ерни тимдалаб орқасига тупроқ отарди. Шу ҳовлида кеча тўй бўлганди. Ширакайф йиғитлар микрофонни баланд кўйиб, ҳеч кимни ухлатмаган эди. Уйқуга тўймаган одамларга тонг маҳали ақиллаётган итнинг бу қилиғи малол келарди. Қутурган бу ит қаёқдан пайдо бўлди, уни йўқотиш керак, деб ўйлашарди.

Қоракўз одамларни жонидан безор қилиб, тинмай вовуллар, у ёқдан-бу ёққа югуриб ақиллагани ақиллаган эди.

— Дайди итларни тутадиганларни чақириниш керак, — деди биринчи қават болаҳонасига чойшаб ёпиниб чиққан касалманд бир киши.

— Қутурган бу, болаларни тишлаб олмасин-да! Уни отиб ташлаш керак! Хой, кимнинг милтиғи бор? — деб асабий кичқирди учинчи қаватдан биттаси.

Кампирнинг овози ҳамон эшитилиб турибди. Қоракўз ақиллашини кўймайди.

Шу пайт тўртинчи қаватдан кимдир варанглатиб ўқ узди. Қоракўз вангиллаб ёнбошига ағдарилди. Орқа оёғини бир-икки силкитиб жимиб қолди.

Магнитофон тасмаси ҳамон айланарди.

«... Қоракўз ўлмагур, Мажнунгина, яна қаёққа кетясан? Маъшукаларнинг олдигами? Келишни қачон кўрсатасан? Лайлинингги бир олиб кел, кўрай...»

Қоракўз кампирнинг овози келаётган болохона томонга юзини бурганча жонсиз ётарди.

*1999 йил, январь.*

## МЕҲРИБОН

Поезд Тошкентга яқинлашган сари Қундузхоннинг юраги қаттиқроқ ура бошлади. Бундан икки йил аввал шу станциядан унга оқ йўл тилаб қолган она энди йўқ. У ўтган йилли баҳорда туғруқхонада ўлган. Қизнинг назаридан, она перронда ҳамон рўмол силкиб тургандек эди.

Поезд станцияга кириб келди. Перрон тўла одам. Хамма вагон эшигига қараб югуради. Улар орасида фақат она, Қундузхоннинг онаси йўқ, холос.

Қиз чамадончасини кўтариб вагондан тушди, одамлар орасидан туртина-туртина четга чиқиб, дадасини кидира бошлади. «Телеграмма етиб келмаганмикин» деб дилдан ўтказди Қундузхон. Йўқ. Дадаси одамлар орасида кўринмади. Онаси бўлса, албатта, чиқар эди. Гул тутиб кутиб оларди. Қизнинг атрофга жавдираб турган кўзлари хомуш ерга бокди. Қиз кўнгли ўксиди.

Не-не орзу-умидлар билан ўстирган фарзандининг ба-лоғат ёшини кўролмаган оналар, фарзандлик қарзини ўтолмай армонда қолганлар қалбини тирнаб келган дарду аламини ифода қилиб бўлармиди.

Атрофни кувноқ кўлгига тўлдирган мана шу одамлар орасидан Қундузхон бундан икки йил аввал йўқотган онасининг меҳрибон-мунис сиймосини кидиради. Қани у, кўзи ёриб, бир парча этда ўз истикболини кўролган ва унга бахт тилаган она! Ёшлик йиллари унинг сочларини майда қилиб ўриб қўядиган меҳрибон қўллар қани? У энди абадиян йўқликка кетди.

Қундузхон бўшаниб чамадончасига ўтирди. Иягини кафтига тираб, бир нуктага тикилганича хаёлга тўлдди.

Она ўлди. Туғрукхона дояси кўлида йиғлаб турган чақалок хали кўз очмай она сундан, висолдан бегона бўлди. У кунлари Қундузхон Москвада ўқишда эди. Бу кайғули хабарни кизига қандай қилиб билдиришни билмаган ота узок вақт сукут сақлади. Охири ёзиниға мажбур бўлди.

Қундузхон ўзини ҳар қанча тутишга уринмасини, оғир йўқотилишининг азоби уни қийнар, эзар эди. Ёзги интихонлар бошланди, бир фандан йиқилди. Қайта топишириши учун ёз бўйи тайёрланди. Яна ўқиш бошланиб, Ташкентга келолмай қолди. Уни фақат синглиси, хали на опасини ва на опасини кўрмаган чақалокнинг аҳволи қийнар эди. «Опасиз хали нима кечди экан?» Қундузхон фақат шу ҳақда ўйларди.

Қундузхон бош кўтариб атрофга қаради, одамлар аллақачон тарқаб кетган, уни тўрт сутка йўл босиб олиб келган поезд бир зумда бўшаб қолган. Газета кюскада олдида сочига оқ оралаган, ўрта ёшлардаги бир хотин унга қараб турарди.

— Сиз Қундузхон эмасми? Дарров танидим, сурагинизга ўхшар экансиз. — Хотин тез-тез юриб келиб, у билан кучоқлашиб кўришди. Хали ўзини ўйглаб олмаган Қундузхон бу хотиннинг бағрида кўпдан унутилган ўз опасининг исмини туйди.

Бир эслаб кўринг! Оналарда қандайдир бир ис бўлади. Болалик йилларимизда она бағрида эркаланиб ётарканмиз, димоғимизга ўрнашиб қолган ўша она исини катта бўлганимизда ҳам унутолмаймиз.

— Дадангиз зарур бир иш билан идорада банд бўлиб қолдилар. Ўзим чиқдим.

Қундузхон бир сўз демади. Бу хотин ким, нима учун у Қундузхонни кутгани чиқди. Бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмади. Она исидан маст бўлган қиз итоат билан унинг кетидан шаҳар майдончасига чиқди.

Хаво очик, куз офтоби тилла ранг япроқлар устида чақнар, тиник осмонда кумушдек ялтираб қаптарлар учарди. Машина асфальт йўлдан текис сузиб, куз шамоли тўккан барглари икки томонга учуриб борарди. Машина ойнасида баланд, хушқомат иморатлар лпп-лип ўтиб турибди. Кўчалар гавжум, тугилиб ўсган, гўдаклик йилларининг энг беозор кунлари ўтган «Шарқ» кинотеатри олдида ўтаркан, Қундузхоннинг кўз олдида яна ўша муноси-мехрибон онанинг ёқимли сиймоси гавдаланди.

Машина курант рўпарасидаги уч каватли бино олдида тўхтади. Хотин чамадонни қўлига олиб ерга тушиди-да, Қундузга йўл берди. Катта дарвоза олдидаги саҳида ўртоклари билан ўйнаб юрган икки ёшлардаги қизча югуриб келиб хотинга ташланди.

— Танияписизми? — Хотин Қундузга ўгирилди, — синглингиз Лолахон.

Қундузхон қизнинг кўзига қаради-ю, унда ўз онасининг кўзини кўрди. Юраги уриб кетди. Қизчани кўтариб бағрига босди. Лола ётсираб ўзини четга тортди ва хотинга қараб талпинди.

— Вой, опанглар-ку, Москвадаги опанглар-ку, — деди хотин Лолани бағрига босиб.

Лола кўзларини катта-катта очиб Қундузга қаради.

— Менга нима олиб келдингиз?

— Сенгами, анча нарса олиб келдим.

— Ухлайдиган қўғирчоқ ҳам олиб келдингизми?

Қундуз жавоб ўрнига унинг юзидан ўпди.

Уйга киришди. Хотин ичкари хонага кириб йўл-йўл халат кийиб чиқди-да, стол устига ёйиб қўйилган дастурхонни очиб юборди.

— Қундузхон, аввал бир душга тушиб оласизми-а?

— Майли, — Қундузхон гўё сеҳрлангандек жавоб берди.

Вақт жуда тез ўтарди. У душдан чиқиб артинаётганда ҳам «бу хотин ким, нега мунча меҳрибончилик қилади?» деган савол миясидан нари кетмасди. Хотин кирди, қўлидаги хитой шоҳисидан тикилган халатни унинг елкасига ташлар экан, қўшиб қўйди:

— Размерингизни билмадим. Кенгроқ бўлса тузатиб берарман.

Шу пайт Лолахон ҳали енги ўрнатилмаган кўйлақни этагидан судраб кирди.

— Опа-чи, опа, аям менга кўйлақ тикиб бердилар. Жудаям кўйлагим кўп. Қизил кўйлагимни кўрсатайми?

Хотин югуриб келиб унинг қўлидан кўйлақни олди.

— Вой, қизим тушмагур-э, ҳали битгани йўқ-ку.

Қундузхон турган ерида қотиб қолди. Синглисининг «аям», бу хотиннинг «қизим» дейиши унинг қулоғига ўқдек қадалди. Демак, демак, у...

Қундуз юзини панжалари билан беркитиб, ичкари уйга югурди, ўзини каравотга ташлаб, йиғлаб юборди. Унинг кўзи олдида яна она гавдаланди. У қизига хомуш термилар, нимадир демоқчи бўлгандек лабларини жуфтлаб турарди. Қундуз кўз ёшларидан ҳўл бўлиб кетган

ёстикни суриб кўйиб, ўнг ёнбошига ағдарилган эди, деворда, зарҳал рамкадан кулиб қараб турган онасининг суратига кўзи тушди.

Эшикдан мўралаб турган Лола ҳайронликда кўзини ширпиратиб, орқасига қайтди.

— Ая-чи, ая, опам йиғлаяптилар.

Хотин хомуш ўтириб қолди. Электр чойнагининг жўмрагидан париллаб буг кўтарилар, тўлқини адашган радиоприёмник муттасил хириллар эди.

— Сиз ҳам йиғлаяпсизми? — Лола хотиннинг елкасига осилди. Хотин қизчани тиззасига ўтказиб, унинг бошини силади.

— Бошингиз оғрияптими?

— Ҳа, қизим, бошим оғрияпти.

Хотин майпаққат билан ўрнидан турди-да, аста-секин юриб Қундузхон ўтирган уйга кирди. Қундузхон ҳамон онасининг суратига термилиб, хомуш ўтирарди. Хотин ҳам суратга қаради;

«Қани эди, ўз болаларингга ўзинг бош бўлсайдинг, бахтини кўрсайдинг. Мен сенинг бахтингга шерик бўлмоқчи эмасдим... Сенинг йўқлигингни билдирмасам, болаларнинг аёзда совқотмаса, кирн ювуқсиз, қозони осиксиз қолмаса, дейман. Уларни ўзинг ният қилгандек тарбия қилсам, дейман. Байрамларда, тўю тамошаларда ўксинмаса, етимлиги билинмаса, дейман...»

Хотин рўмолининг учи билан кўз ёшларини артиб олди-да, қўлини Қундузхоннинг елкасига қўйди.

— Ҳаммасига тушунаман. Оғир, жуда оғир. Бирок менга ҳам... Ўзганинг фарзандига она бўлишдек оғир иш йўқлигини биламан.

Хотин юрагини тўлқинлатиб турган фикрларни айтиш учун сўз тополмади. Хўрсинди.

Дарҳақиқат, она ўз боласини шўхлик қилганда уришади, вақти келганда жазо беради. Аммо ўзганинг боласига шундоқ қилиб бўладими. Уларга оналик қобилиятининг энг нозик воситалари билан ёндашмоқ керак.

Ўгай оналар ҳақида эл оғзига тушган турли-туман латифалар, чидаб бўлмас таъналар тушунчамизга елимдек ёпишиб қолган. Бу муносабатлар ҳамон улар хизматини камситиб келади.

Қундузхон кечки овқат вақтида ҳам хомуш ўтирди. Ечиниб ўрнига ётаркан, томоғини бўғиб келаётган алам ва изтиробни қайтармоқчи бўлиб ҳарчанд уринса ҳам бўлмади. Бегона хотинини она деб аташга тили бормас, бунга уни мутлақо ҳуқуқсиз деб биларди.

Кўшни хонада чирок ўчди. Девордаги соат ўн бир марта заиг урди. Хотин ҳамон ухлолмай, уй ичида кўйма-ланиб юрарди. Лоланинг ижирғаниб йиғлаган овози эшитилди. Яна чирок ёнди.

— Вой, кизим, неитманг бор-ку. — Бу хотиннинг овози эди.

Кундуз шониб, ёстикдан бош кўтариб, қулоқ солди. Шкаф эшикчаси гийкиллаб очилди. Оёқ товунни. Лола ҳамон инграрди.

Кундуз кия очик эшикдан кўшни хонага қаради. Хотин Лоланинг кўлтиғига кўйган термометрни олиб чирокка солиб қаради-да, уни бир силкиб стол устига кўйди. Лоланинг каравотчасига эйганиб, унинг кўз милкларини йириб кўрди ва уни кўтариб, уйнинг у бошидан бу бошига юра бошлади.

Кундуз ўрнига келиб ётди. Ўзганинг фарзандида ўзига ийибатан фарзандлик хиссини кўзғатолган хотинга юрагининг аллақаерида мухаббат учқунини йилт этиб кетганини сезмай қолди.

Кўзини уйқу босди.

Дадаси ишдан кеч қайтди. У иш кийимини ечиб, болаларини уйғотиб юбормаслик учун оёқ учида юриб Лоланинг каравоти тепасига келиб энгашди.

— Кундузхон келди.

— А?! — У хотиннинг кўзига қаради.

Унинг бу қарашда уч маъно бор эди. Бири, кўпдан соғинган кизини кўришга шошилиш, иккинчиси, севган онасидан ажралган кизининг изтиробни ҳолатини кўришга юраги дов бермаслик, учинчиси ўгай онага бўлган муносабатда бирон кўнгилсизлик бўлмаганини деган шубҳа эди.

— Ухлапти, — деди хотин у ётоқ эшигини очаётганида, — безовта қилмай қўя қолдинг, чарчаб келган, ухласин!

У овоз чиқармай бир йўталиб олди-да, ичкари кирди. Стол устидаги кўк абажурли чирокдан Кундузхоннинг юзига ҳавойи бир нур тушиб турарди. «Онасининг ўзи, кўзи ҳам, юз тузилишлари ҳам худди онаси...» дея дилдан ўтказди ота.

Эр-хотин аллавақтгача ухлаёлмади. Эр тез-тез папирос чеқар, хотин эса Лоланинг тепасидан нари кетмасди.

Кундузхон уйғонганда, дадаси қатта тошойна олдида юзига совун кўпигини суриб, соқол олаётган эди. У айл-тапил кийиниб дадасининг олдига чиқди.

Ота ойнадан кизининг аксини кўриши билан кўлидаги буюмларини ташлаб, уни бағрига босди.

Қундуз, гўё шу икки йил ичида хеч қандай воқеа бўлмагандек, ўзини қувноқ тутди.

— Қизим, дадангдан хафа эмасмисан?

— Нега хафа бўлай, жуда тўғри қилгансиз...

Улар стол атрофига ўтиришди. Дастурхонда хонаки печеньелар, атиргул нуسخа торт ва турли хил мевалар бор эди.

— Аянг сенинг келишингга уч кундан бери тайёрланди.

Аянг сўзи Қундузхоннинг қулоғига ғалатирок эшитилди. Лекин ота олдида ўзини тутди. Сездирмади.

— Ишга кетадиган вақтим бўлиб қолди, аянг Лолани докторга олиб кетган эди, сен бир оз дам ол, ҳозир келиб қолар.

Ота тез-тез кийиниб, уйдан чиқди. Қундузхон ёлғиз қолди. У бир оз хаёл суриб тургач, ичкари уйга кириб, гардеробни очди. Кичик илгакчаларда Лоланинг текис дазмолланган кўйлаклари, кичик уйга кирди, унда Лоланинг ўйинчоқлари. Хоналарининг ҳаммаси озода, дераза пардалари ошноқ, уй анжомлари йилтирарди. Хамма ёқда дидли, меҳрибон хотиннинг қўли сезилиб турарди.

Қундузхон йўқотган онасини яна топгандек бўлди, бу хотинда ўз онасини — унинг меҳру муҳаббатини кўрди.

Нарийги уйдан Лоланинг овози эшитилди. Қундузхон югуриб чиқди. Хотин қўлидаги буюмларни столга қўяётган эди.

— Дадангиз кетиб қолдиларми?

— Ҳозир кетдилар. Лола тузукми, аяжон?

Хотин турган ерида донг қотиб қолди. Қундуз уни аяжон деб атади, у ё янглиш эшитдимми?! У ҳурсандлигидан энтикди. Бу сўз унинг юрагига илликкина бориб тегди. Она кўнгли тоғдек кўтарилди. У бахтдан энтика-энтика Қундузхоннинг бошини силар, эркаларди.

Қундуз унинг оғушида она исидан маст бўлиб кўзларини юмди.

1955 йил.

## МУҲАББАТНИНГ ТУФИЛИШИ

Кеча жуда ойдин эди. Азамат теракларининг япроқлари қумуш астарларини ойга тутиб, бром уйқусига кетишган. Фақат ариқлардаги тинмагур сувларгина қўнғирок чалиб санчишади, қирғоқлардаги гиёҳларининг барглари-

ни тортқилаб, уларни узоқларга олиб кетмоқчи бўлишадди. Уяларида мудраган қушлар эса уйқусираб патираб қўйишади.

Шу ором ва фароғатга тўла саратон тушида боғ кўчадан бир киз билан бир йиғит келади. Уларнинг соялари олдинга чўзилган, худди шу сояни босиб олмоқчи бўладилар-у, етолмайдилар. Баъзан уларнинг бу узун соялари дарахт сояларига қўшилиб кетади-да, яна пайдо бўлади.

Улар анҳор кўприги устида тўхташди. Икковининг сояси кўприк устига қўйиладанг тушиб ётиб олди.

— Қачон кетасан? — бу кизнинг овози эди.

— Хозир кетаман! — деди йиғит бир қадам орқага тисарилиб. Унинг сояси кўприкдан ошиб, сув бетига тушди. Ойнинг сув жимиридаги чакини ўчди.

— Йўқ, Мирзачўлга қачон кетасан, деяман.

— Бирон ҳафтадан кейин кетсам керак, — деди йиғит бепарволик билан. Энди у яна олдинга чўзилди. Сув жилвасида яна ойнинг қумуш тангаси чакнади. — Ўзи уйнинг қаёқда? Етай деб қолдикми.

Киз орқасини ўгириб олди.

— Ўн йил бирга ўкиб, халигача уйимни кўрмагансан-а, қўй-э. — Унинг овозида қандайдир ўшқам, таънам, нимадир бор эди.

Улар бир неча минут сўзсиз туриб қолишди. Киз кўприк панжарасига бағрини бериб, сув оқиб кетаётган томонга қараб турарди. Сув шалолаб соҳилга урилади, орқага қайтмоқчи бўлади, аммо оқим кучи уни қуйиға, тушининг сирру сеҳрига тўлган қўйинга олиб кетади.

— Совқотдим, — деди киз титраган товуш билан.

— Уйингга кета қол бўлмаса, — деди йиғит унга, раҳми келиб.

Киз кескин бурилиб йиғитга қаради. Қаради-ю, унинг кўзига тикилиб индамай қолди. У вужудида, қалбида нималар бўлаётганини билмасди. Унинг гоҳ йиғлагиси, гоҳ кулгиси, гоҳ бутун кечани остин-устин қилиб қўшиқ айтгиси келарди.

— Кетаман, хаёр, — деди йиғит унга қўлини узатиб, унинг ҳам қўли титрарди. Йиғит бир неча қадам нари кетди. Тўхтади. Орқасига ўгирилди, нимадир демоқчи бўлди. Деёлмади. У ҳам шарақлаб оқаётган анҳорга қаради. Шамол эди. Терак барглари шитирлади. Аллақайда бўзоқ уйқусираб маъради. Кимдир, жуда олисда қўшиқ айтди. Яна тинди. Йиғит қайтиб келди-да, кизнинг биллагидан ушлаб қаттиқ сиқди. Унинг сочларини қўлла-

рига ўраб энтиқди. Кейин тез бурилиб, узун соясини орқасига эргаштириб кеча қўйнига кириб йўқ бўлди.

Қиз у билан хайрлашганини, билганини ушлаганини, сочларини кўлларига ўраганини сезмади. Фақат олисдан тош йўлда кўндаланг тушиб, бир кўришиб йўқ бўлган соясинингина эслаб қолди, холос. Қиз ҳам ўз соясини олдинга ташлаб, тош ётқизилган кўчада аста-секин юриб кетди.

Бу қиз худди шу бугун ўзинини битириб, балофат гувоҳномасини олди. Мактаб ҳовлисида хали ҳам чироқлар ёниб турибди. Хайрлашув зиёфатига келган ҳамсинфлар хали тарқалишганча йўқ. Ҳовлини тўлдириб таниа тушишяпти, кўшиқ айтишяпти. Тонг отиши билан улар ҳар томонга тарқаб кетишади. Улардан фақат бирга олдирилган суратгина ёдгор қолади, холос!

Шундаймикин?

Дўстлик-чи, ўн йиллик хотиралар-чи, бирга кечирган аччиқ-чучуқ кунлар-чи, ҳар кунни бир неча бор дарсга чақирган кўнғироқ товуши-чи, ота-онадек меҳрибон ўқитувчилар-чи... Ҳаммаси энг ширин хотира бўлиб ёдда қолади. Мана шу азиз нурга, оҳангга тўлган беғубор хотиралар орасидан бўй чўзиб, қад кўтариб, ҳаммадан олдинда, ҳаммадан баланд бўлиб Омоннинг қиёфаси кўринади. Нега?

Бу саволга қиз жавоб тополмасди. Жавоб ҳам излаб кўрмасди. Шу олдини кечада ҳамма нарса унинг хотиридан кўтарилди-ю, биргина Омоннинг юзи, кўзи, гавдаси, бутун борлиғи билан пайдо бўлди.

У тош йўлдан битта-битта босиб шу йиғит ҳақида ўйлаб борарди.

Омон синфдошлар ичида энг шўх, энг уришқоқ бола эди. У қизлар билан чиқишолмас, уларга кун бермас эди. Ёнига бирон қиз ўтириб қолса зарда билан бошқа партага ўтиб кетарди. Пардоз қилган қизларни жуда ёмон кўрарди. Бир кун Санобар деган қиз юзига ўпа суриб келганда унинг қўлини қайириб, дастрўмоли билан юзидаги упани артиб ташлаган эди. Қизлар ҳам уни хушламас, минг хил лақаб қўйиб чақириншарди.

Имтиҳоннинг дастлабки кунлари эди. Омон синфда ҳеч ким йўқлигини билиб эшикни зичлаб беркитди-да, ғайри табиий бир товуш билан деди:

— Азиза, ўзинини битирганимиздан кейин менга тегасанми?

Шунда Азиза жаҳл устида унинг юзига бир шапалок урди-да, йиғлаб чиқиб кетди. Бу сирни уларнинг иккови-

дан бўлақ ҳеч ким билмай қолди. Омон шундан кейин кизга рўбарў келишдан қўриқиб, ўзини четга олиб юрди.

Қуилар ўтиши билан Азиза ўша воқеани тез-тез эслайдиган ва ҳар вақт эслаганда юрагининг аллақасери жиз этиб кетадиган бўлиб қолди. Ҳар гая мактаб ҳовлисига кириши билан кимдир, нимандир жонсарақ бўлиб кидирарди. Унинг шўҳ, қувноқ қўлгилари камроқ эшитиладиган бўлиб қолди. Ҳаминша чақнаб турадиган қўзларида биллиб бўлмайдиган ички бир дардининг ифодаси сезилиб турарди. Омон ҳам уни зимдан кўзатар, кўзи-кўзига тушганда бирдан тунд бўлиб қоларди.

Имтиҳонлар тугаб биров ишга, биров ўқинишга кетадиган бўлди. Азиза қўйиб берса, ихтиёрини Омоннинг қўлига топширишга тайёр эди. Бугунги хайрлашув кечасида Омон Мирзачўлга, МТСга кетишини айтди. Ҳамма унинг бу қарорини чапак чалиб қарши олганда Азиза бир сесканиб кетган эди. Танца бошланди. Азиза Омонни четга чақириб, ундан уйига кўзатиб қўйишини сўради. Омон унга жавоб бериш ўрнига:

— Бай-бай-бай. Мунча атиргга беланмасанг. Роса гупиллаб кетяпти-ку, — деди.

Азизанинг «О тентак, ҳаммаси сен учун» деб юборишига оз қолди. «Кел, кўзатиб қўя қол» деб ёлворди унга.

Шовқин тўла мактаб ҳовлисини ортда қолдириб, улар икковлашиб боғ кўча томонга йўл олишди. Ой нури боғу-роғларга оппоқ нур сочиб турган шу сокин саратон тунда уларнинг иккови жимгина келишаркан на унисидан, на бунисидан садо чиқарди. Бу жимликни Омон бузди.

— Ўша беъмани гапимни эсингдан чиқаз, Азиза. — У шундай деди-ю бу камгап, лекин ниҳоятда ажиб бир ҳисса хаяжонга тўлган киз олдида ўзини кўрсатиш учун азим теракними, анҳор бўйидаги шохлари тарвақайлаб кетган толним илдизи билан кўтариб осмонга отгиси келди.

Қиз ҳам унинг бу ҳолатини сезиб турарди.

— Қанақа бемаъни гап, эсимда йўқ, — деди киз ўша «бемаъни» гапни яна эшитгиси келиб.

Омон тил чайнади.

— Ҳа, синфда икковимиз ёлғиз қолганда бир гап айтган эдим-ку.

— Ҳа, — деди Азиза чўзиб. — Ўша гапни борди-ю эсимдан чиқазмасам-чи?

Омон юришдан тўхтади.

— Унақа бўлса, бу юзимга ҳам яна ур, шундай қилсанг яхши бўлади, сени кўзатмай қайтиб кета қоламан.

Азиза нима дейишини билмай гангиб қолди:

— У вақтда ёш бола эдик.

— Нега ёш бола бўларканмиз. Ўн беш кун бўлди, холос. Дарров катта бўлиб қолганмиз-да. — Омон шу гапни айтди-ю, шарақлаб кулиб юборди. Тол бутоғида мудраган мусича чўчиб кетди.

— Бўлмасам-чи, мана, — деди Азиза, шу бугун бундан ярим соатча олдин қўлига теккан етуклик аттестатини баланд кўтарди, балоғат гувоҳномасининг зар ёзувлари оёи нурида ялтираб кетди. — Мана, катта одам бўлиб қолганимизнинг гувоҳи. Энди мени ёлғиз ташлаб уйингга кетиб қолмайсанми?

— Йўк, — деди Омон унинг биллагидан ушлаб.

Азизанинг бадани дириллаб кетди. Дарров қўлини тортиб олди.

— Ўшанда юзимга ёмон ургансан-а.

— Айтдим-ку, у пайтда ёш бола эдик. Энди катта одамсиз.

— Энди ўша гапни айтсам урмайсанми?

— Гап билан ураман, — деди Азиза, — йўк, урмайман, нахотки сени урсам. Сени урадиганнинг қўли сиисин.

Омон маст одамга ўхшаб каловлаб қолди. Кетма-кет уч марта қоқилди. Толнинг каллагига бошини уриб олиб, дўшисини тушириб юборди. Осмонга қараб барқашдек оёи баландлаб кетганини энди билди. Хўрсинди, гапни гапига қовушмай, қаёқдаги кераксиз гапларни алжий бошлади. Унинг бу ҳолатини қиз кезиб турарди...

Ҳозир у тош йўлдан битта-битта босиб ёлғиз келаркан, Омон ҳақида, ўзи ҳақида, юрагини ўртаётган алланималар ҳақида ўйлаб борарди.

Она уни кута-кута чирокни ўчирмай, супа ўртасида аллақачон ухлаб қолганди. Қиз гулзор четидаги ўша супага ўтирди. Энгашиб райҳоннинг бир шохини синдирди-да, димоғига олиб келди. Райҳон исси уни чинакамга маст қилган эди. Унинг негачир ўкириб-ўкириб йиғлагиси келарди. Гуллар орасига кириб, чалқанча ётиб, қимирламай оёига қараб то у ботиб кетгунча қараб ётгиси, шу гулларнинг ҳаммасини бирма-бир юзига суртгиси, оёининг окнашак толасидек кўринмас нурларига чирмашиб, хув ўша юлдуз тўла осмонга чиққиси, бутун оламга етгудек овоз билан қўшиқ айтгиси келарди.

Она супа ўртасида ширин уйқуда ётарди.

Э ғофил она, кўзинини оч, қизининг юрагига қулоқ сол. Унинг қалбига муҳаббат келди.

1959 йил.

## КЎЗЛАРИНГДА ЎТ БОР ЭДИ

Зинапоянинг бошида оқ халатли аёл кўриниши билан Мутал шошиб ўрнидан туради. Ундан биров гап чиқмагандан кейин бўшашиб яна жойига ўтиради. У шу тахлит уч соатдан бери ўтирибди. Шаҳар аллақачон ўхлаган. Аммо бу ерда кирди-чиқди. Телефон дам ўтмай жингил-лайди. «Тез ёрдам» машинаси тишимсиз келиб-кечиб туради. Ранги бўзарган, кўзлари бесаранжом аёлларни носилкаларда юқорига олиб чиқиб туришибди. Кўтиб турганларнинг кўзида ташвиш бор. Ичкаридан ҳам қувонтирадиган, ҳам хаяжонга соладиган хабарлар чиқади. Мутал ҳам ўз бахтини ўша жойдан кўтиб ўтирибди.

Зинада кексагина хамшира хотин кўрипти. Ҳамма барабар ўрнидан турди. У ўтирганлар орасидан кимнидир қидирарди. Охири, кўзи Муталга тушиши билан юзида бир чиройли табассум пайдо бўлди.

— Ҳолва муборак бўлсин, иним. Хотиннинг тўтидек киз туғди.

Муталнинг юраги қинидан чиқиб кетаёзди. У рост айтяптими? Ахир, Мутал қирқ олти йиллик умрининг йиғирма саккиз йиллини шундай қутлуғ хабар эшитиш орзусида кечирди. Ниҳоят, ниҳоят шиятига етди. Хамшира хотин алдамаётганмикин? Ростмикин? Тушимми, ўнгимми? Йўғ-э...

Мутал эсанкираб қолган эди. Атрофида нималар бўляпти, кимлар бор, ўзи қаерда ўтирибди, билмасди. Ўзидан-ўзи довдираб ҳовлига чиқиб кетганини билмай қолди. У туғруқхона дарвозасига етганидагина, шундай яхши хабар олиб чиққан хамширага раҳмат айтмагани, суюнчи бермаганини билиб қолди. Шошиб орқасига қайтди. Хамшира йўқ эди. Унинг исмини билмагандан, ҳали кўп келаман-ку, кўнглидан чиқариб юбораман, деб ўзига таскин бериб, йўлга қайтди.

Кеча жимжит. Ҳар замон асфальт йўлни ёритиб машиналар ўтиб қолади. Негадир улар Муталнинг олдига етай деб қолганда сигнал беришади. Улар худди уни табриклаётганга ўхшашади. Дарахт шохлари шабадада силкиниб, ердаги сояларни у ёқдан-бу ёққа отиб ўйнашади. Ҳаво тоза, мусаффо.

Трамвай-троллейбуслар ётган. Уй ҳали узоқ. Мутал кўчанинг коқ ўртасида борарди. Дунёда ҳозир ундан бахтли одам йўқ. Ашула айтгиси келади, учраган одамга шу топда қиз кўргангани бирпасда гапириб ташлагиси келади. Худди унинг ёнгинасида бир юк машинаси вафил-

лаб ўтиб кетди. Парирок бориб шарт тўхтади-ю, шофёр кабинадан бош чиқариб, жаҳл билан сўқинди. Мутал унга парво қилмади. Аммо бирдан хушёр тортиб кетди. Бояги қувончлари қаёққадир ғойиб бўлди, бир зумда юрагини муз босгандек совуб қолди.

— Мен ҳам одам бўлдимми? Ростдан ҳам бахтлиманми? Шуми бахт?

Бу фикр яшин тезлигида калласини пармалаб қириб, маҳкам ўтириб олди.

Энди Мутал беҳуш қадам ташларди. Боя елдек учиб кетаётган одам, энди шошилмасди. Қаёққа шошадди, йиғирма беш йиллик ҳамроҳи, дўсти, энг азиз кишиси бу хабарни эшитса, нима бўлади? Бу хабар уни қон йиғлатмайди? Илгарилари ҳам Мутал шу тўғрида ўйлаганида, юраги орқага тортиб кетар, ўйини охирига етказишдан кўрқарди. Бола кўриш орзусида йиғирма беш йил орзиқиб яшаган бўлса, бу ёғидаги нияти рўёбга чиқаётган уч йилда бу эзгу нияти кўпинча даҳшатли ўйлар билан араланиб кетарди.

Муталнинг ҳаётидаги бу каттақон воқеа Эътиборхоннинг қулоғига етмай қолмайди. Ундан кейин нима бўлади? Эътиборхоннинг ҳоли нима кечади? Ана шуниси ёмон! Унинг қийналганини кўриш, кўзида ёш, чеҳрасида ғам кўриш Мутални изтиробга солади. У йиғирма беш йил Эътиборхонни авайлаб келди.

Эътиборхон Муталнинг аввалги хотини эди. Туғмади.

Муталнинг назарида дунёда ҳеч қандай эр-хотин улардек бир-бирини севолмасди. Бу ҳурмат, бу муҳаббат, бу меҳр-оқибат.

Муталнинг ҳали эсида, уларнинг тўйи минг тўққиз юз ўттиз тўртинчи йилнинг августида бўлган эди. То шу кунгача бир-бирларини сен дейишга тиллари бормаган. Ҳамиша «сиз»лаб гапиришарди. Қўни-қўшнилар уларнинг уйдан бирон марта қаттиқ овоз эшитишмаган, уйлари бўлса, ҳамма вақт ярақларди. Қелган меҳмонлар уларга хавас қилиб кетишарди-ю, уйларига етмай, шу бечораларга худо биттагина фарзанд бермади-да, деб қўйишарди.

Йиллар ўтаверди. Улар ҳамон бир-бирларининг қошқовоғига қараб, кунларни йилларга улаб яшайверишди. Мутал қачондир бола кўришга ишонарди. Унинг ишончи Эътиборни қийнарди. Эрининг сиқилаётганини билиб турарди. Қўчадан бола ўтса, кўзи ўйнашини, меҳмонга боришса, болаларнинг ўйинига қўшилиб кетишини Эътибор сезмасмиди, сезарди. Хотинлар зийрак бўлишадди,

уйдаги конфетларини кўчадаги болаларга таниб тамом қилишини билмайди, дейсизми? Биларди.

Уруш бошланди. Эътибор тўрт йил йўлга кўз тикиб Мутални кутди. Келди. Яна ўша жим, осуда хаёт. Урушдан аввал қанақа яшанган бўлса, ундан кейин ҳам ўзгаришсиз бир хил умр бошланди. Мутал боласиз ўтишга рози эди-ку, аммо Эътиборсиз яшашга рози бўлмасди. У Эътиборга шунчалар ўрганиб қолган, ўзини ҳатто Эътиборсиз тасаввур ҳам қилолмасди. Аммо Эътибор эринини кўлида бола кўришни орзу қилардики, биргина бола учун, Муталнинг биргина қувончи учун жонини ҳам беришдан қайтмасди. Қўлида бола кўриб ўлсам, тўйимиз бўлган йиллардаги Муталнинг кўзларида чакнаган ўтин яна бир кўрсам, бу дунёдан беармон кетардим, деб ўйларди.

Қулар, йиллар ўтаверарди. Эр-хотин ҳамон самимий, ҳамон бир-бирига оқибатли. Бир бурда нон бир-бирисиз томондан ўтмайди, уй ҳамон озода, саранжом, жимжит.

Шу хилда йиғирма тўрт йил умр ўтиб кетди. На боласизлик, на одамларнинг киши билмас илмоқли таъналари уларнинг орасига совуқчилик сололмасди.

Мутал таниш-билишлар билан учрашиб қолганда одатдагича, ундан бола-чақаларнинг саломатлигини сўрашарди. Мутал довираб нима дейишини билмай, тайинсизроқ бир гап айтиб қутулиб кетмоқчи бўларди-ю, аммо одатда шу гаплардан кейин келадиган: каттаси нечага кирди, деган сўроқдан кейин, қийналиб-қийналиб жавоб беришга мажбур бўларди.

— Боламиз йўқ. Шундоқ...

Сўраган одамнинг хижолатлигини айтмайсизми.

Мутал танишлари билан тўқнаш келишдан безиллаб қолганди.

Бу гапларни Эътибор сезмасди, дейсизми, сезарди. Сезарди-ю, ич-ичидан эзилиб кетарди. Эрининг кўзига қаролмай, хомуш бўлиб қоларди.

Яна бир йил ўтди. Мутал қарий бошлади. Эътиборнинг назарида, илгариги чакнаб турган кўзларидаги ўт йўқолаётганга, ўзи сал нарсага чарчаб қолаётганга ўхшайверди. Бир кун Мутал ишдан келиб, ҳовлида гулкайичи билан олма шохларини бутаб юрганди. Эътибор айвонда чучвара тугиб ўтирган эди. Бирдан кўзи эрининг бўйнига тушиб қолди. Иякларининг таги вижимланиб қолгандек кўринди. Ўридан туриб, бехос олдига борди. Фақат нягида эмас, кўз четларида, пешонасида ҳам ажин. Бирдан Эътиборнинг юрагини ваҳм босиб кетди.

Қарибди, қарибди. Сочин икки чаккасидан оқара бошлабди, қарибди, қарибди...

Ҳали офтоб ўчмаган, гуллар қийғоч очилиб турган июль кунин уларнинг йиғирма беш йиллик аҳил умрига яқун ясади.

Эътиборнинг нияти бузилди. Кетиш керак, шу қадрдон, дунёдаги яхши одамларнинг энг яхшисинини ташлаб кетиш керак. Қандок қилиб?

Мана шуниси қийин эди. Шундай кетиш керакки, кўз ёши тўқилмасин. Келган йиғини кулги билан, хандон кулги билан егиниш керак.

Эътибор бошқа йўл тополмади. Мутални бахтли қилишнинг бирдан-бир йўли шу эди. Ўша кеча Эътибор мижджа қокмади. Яна бошқа тадбирлар ҳам қидириб чиқди. Энг сўнги тадбир, Муталнинг кўнглини ўзидан совитиш, безор қилиш бўлди.

Ушанда дам олиш кунин эди. Кечгача Эътибор бўлар-бўлмасга баҳона топиб, эринин қийнайверди. Қўпол гаширди, жиғига тегди, кўнги қолдирадиган совуқ гаплардан ҳам тоймади. Мутал оғирлик қилиб, унинг кўнглини олишга уринди. Эътибор совимади. Ахир, тоқати тоқ бўлган Мутал қизишмай, ётиғи билан сўради:

— Сизга нима бўлди, Эътибор? Жуда қийнавордингиз-ку?!

— Кетаман!

Мутал гапни қолди. Нима қилишинин билмай, хотинининг ўзига қараб, анграйганча қолди.

— Кетаман, яшамайман сиз билан.

Эътибор шу гапни айтди-ю, титраб кетди, аммо буни эрига сездирмади. Ич-ичидан тошиб чиққан хўрсиникни куч билан босиб қайтарди. Анграйиб қолган эрининг кўзига қарамай, уйга кириб кетди-да, бирпасдан кейин чамадон, тугунча кўтариб чиқди.

— Эътибор, кетманг, мени ташлаб кетманг, мен нима қиламан...

Муталнинг кўзлари хиралашиб, бир гандираклаб олди. Дармонсизланиб, айвоннинг лабига ўтириб қолди.

Эътибор югуриб бориб қўлтиғидан кўтаргиси, пешонасидан, ўша сочи оқариб келаётган чаккаларидан силлагиси, юзинин юзига ишқаб овутгиси келди. Лекин бундай қилмади. Ўзинин тутди. Юраги йиғларди-ю, чиқарди. Бу — қахрамонлик эди, катта қахрамонлик эди. У ўзини ҳамон дадил тутиб, эрининг олдига борди:

— Биласанми, — бу эринин биринчи марта сеилаши эди, — сизга хиёнат қилдим. Бунинг учун ўзимни кечи-

ролмаймаң. Сен ҳам кечирмайсан. Хиёнат қилган хотин эрининг уйида турнишга, у билан бирга яшашга ҳақсиз. Бунинг учун, биладан, мени кечиролмайсан.

Эътибор бу баҳонани беихтиёр топди. Бу — зўр баҳона. Ҳеч қандай эр хиёнат қилган хотинни кечиролмайди. Бутун умрини болу нардек покиза ўтказган хотин, хиёнат у ёқда турсин, бегона эркакни ҳаёлига келтирмаган хотин ўзини ўзи энг пасткашлар қаторига қўйиб ўтирибди. Нима учун? Ким учун? Бунинг Эътиборнинг ўзи биларди.

Эътибор остонага етиб қолди. Ўғирилди:

— Мени кечиролмайсан, кечиролмайсан. Кўзингга қараб, шафқатингни қутиб яшашга тоқатим йўқ. Қунига минг марталаб ўзимни қарғаб яшашга тоқатим йўқ. Сени ҳаром қилишга ҳаққим йўқ. Кетаёй, кетаёй...

Эътиборнинг товуши бўғилиб, гапиролмай қолди, шарт бурилди-ю, чиқди-кетди.

Мутал ёлғиз қолди. Бир кун қутди, икки кун, бир ой, бир йил қутди, хотинидан дарак бўлмади.

Орадан бир ярим йил ўтиб. Эътибордан хат келди. Хатда у энди сира қайтиб келмаслигини, ўша йўлдан «урган» киши билан қовушмоқчи эканини айтибди. Мутал йиғлади. Хўрлиги келиб, ўтказган йиғирма беш йиллик умрига ачиниш йиғлади. Мутал ёлғизликда сўла бошлади. Ажинлари кўпайди, чаккасидаги оқ толалар манг-лайига ўрталаб қолди. Қуёниб-ёниб адо бўлайи деди. Кўпчилик: уйлан, ёлғизлик ёмон деб насиҳат қилишди. Мутал ётиб қолай деди. Охири, дўстлари кичкинагина тўйча қилиб, ўзи билан бирга ишлайдиган бир қари қизга уйлантириб қўйишди. Ҳамон Эътибордан дарак йўқ. У бевафонинг қаердалигини ҳеч ким билмасди.

Мутал туғруқхонадан келаркан, мана шуларни эслади. Эслади-ю, сиқилиб кетди.

— Унинг бола кўрганини Эътибор эшитса, нима қиларкин? Ўзини ўзи бир нима қилиб қўймасмикин? Ё севинармикин? Севинмайди, у хиёнатчи!...

Унинг кўзига гох туғруқхонада ётган чақалогин, гох уйдан қаҳру ғазаб билан чиқиб кетаётган Эътибор кўри-нардн.

Орадан тўрт кун ўтди. Муталнинг хотини билан қизи ҳали туғруқхонада. Ўзи бўлса, тишмай уйи йиғинтиради, келди-кетди учун тайёргарлик кўради.

Бирдан эшик тақиллаб қолди. Почтачи. Посилка олиб келибди. Кимдан? Кимданлиги номаълум. Мутал шошилмай яшиқни очди. Чақалокка кўйлақ, фартук, қалпоқча... Кимдан бу... Мутал яшиқнинг у ёқ-бу ёғини

титкилай бошлади. Хат. Шошиб олди, шошиб ўқий бошлади:

«Хурматли Мутал ака! Мени кечиринг. Эшитдим. Эшитиб қай аҳволга тушганимни тушунтириб беролмайман. Менинг биттагина ниятім — кўлингизда бола кўриш эди. Шу ниятимга етдим. Ўтган кун кўчада сизни кўриб қолдим. Кўзларингизда ўт ёниб турибди. Бундан йигирма йил аввал кўзларингиз шундай эди. Кўриб, ҳайрон бўлдим. Билсам, ота бўлибсиз. Бу қандай бахт, бу қандай бахт! Севинчдан юрагим тарс ёрилай деди. Ётиб ухлолмадим. Тонг отгунча кўрган кунларимизни эслаб чиқдим. Қандоқ тотув яшадик! Қандоқ меҳрибон эдик бир-биримизга! Сизни қанчалик яхши кўрардим. Қандоқ аярдим, шамолни ҳам раво кўрмасдим. Кечалари сизга бахт, саломатлик тилаб чиқардим. Сиздек пок одамга муносиб хотин бўлиш учун кўлимдан нима келса, виждоним нимани буюрса — ҳаммасини қилдим. Билсангиз, уйдан кетишим — ўзимга-ўзим тухмат қилиб, ўзимни ўзим бузук деб атаганим ҳам сизга бахт тилашим эди. Энди очигини айтай, умримда хиёнат йўлига кирмаганман. Агар ўзимни бузук демаганимда, сиз мени уйдан ҳар қандоқ қилиб ҳам чиқазмасдингиз. Кетдим, яхши бўлди, сиз бахт топдингиз, болалик бўлдингиз. Ниятим ҳам шу эди.

Агар мен кетмаганимда сизга бу бахт қаёқда эди? Энди кўнглим тинчиди. Ниятимга етдим. Бахт муборақ бўлсин!

Янги келин пайтларимда яхши ният қилиб, бола кўрсак кийдирарман деб кўйлакчалар, қалпоқчалар тиккан эдим. Эзиласиз деб сиздан яшириб тиккан эдим. Менга она бўлиш насиб бўлмади. Илтимос, шуларни чақалоққа кийдириңг.

Шу пайтгача шаҳарда эдим. Яхшилик хабарини эшитиб, тамоман хотиржам бўлдим. Эртага бутунлай кетаман. Ким билади, қайта учраша оламинми йўқми?

Уйдан чиқиб кетаётганимда етказган озорларим учун авф этинг.

Сизга ҳаммаша эҳтиром билан: Эътибор отли хотин». Хатга Муталнинг кўз ёшлари тўкилди.

1959 йил.

Қишлоқ йўлига бурилганимда адир орқасидан қовун тилимидек оппоқ ой кўтарилди. Гуллаб ётган ўриклар хира пардага бурканди. Йўл четидан янги иши урган саримсоқ хиди келди. Ковақин тарқатган кўклам элчиси қуриллади. Тўнкарилиб қолган тилла қўнғиз жуда яқинда дизиллаб-дизиллаб жим бўлди.

Кўклам нафаси гуркираб турган мана шу йўллардан юрмаганимга ўн саккиз йил бўлган. Бу орада қанча суңлар оқиб кетди... Қанча воқеалар бўлиб ўтди...

Йиғитлар фронтда жон олиб, жон бераётган оғир кунлар эди. Дала ишлари аёлларга қолиб кетган, ҳаммаси тажаңг, ҳаммаси асабий эди. Уларнинг интизор кўзлари фронт йўлида, қўллари меҳнатда, фронтчиларни зориктирмаслик, душманини тезроқ яқин қилиш учун тинимсиз ишлар эдилар. Сталинград остоналаридаги жангларда душмanning учта танқини ёндирган қаҳрамон Ўсарбой Омонбоев оиласи хақида очерк ёзиш учун худди шу йўлдан юриб қишлоққа келган эдим.

Қишлоқ анча файзсиз бўлиб қолган, йўллар ўйдим-чуқур, иш ҳайвонларининг тинқаси қуриган, емга ёлчиммаган сизирлар сутдан қолган эди. Аёллар дурустгина кийинишмас, пардоз-андоз кўнгилларига сиғмасди. Кимнинг қанақалиги билиниб қолган ўша пайтларда урушга чап бериб бормай қолган эркак зоти кўзларига бало бўлиб кўринарди.

Ўсарбойнинг хотини Жўрахон эри фронтга кетган аёллардан бригада тузиб, юқори ҳосил олишда бутун областга овоза бўлган йиғирма беш ёшлардаги қора қош, лўппи юз, кўкракдор, полвон аёл эди. Ўсарбой қаҳрамон унвони олган кунининг эртасигаёқ келганимда бир воқеанин устидан чиққан эдим. Жўрахоннинг бригадаси ишлаётган катта йўл четидаги теракка қизил этик кийган хотинчалиш бир йиғит белидан ҳали кудунги бузилмаган саккизтепки атлас билан боғлаб қўйилган эди. Унинг атрофини ўраб олган хотинлар гоҳ хиринг-хиринг кулишар, гоҳ уни қарғашарди. Биров йиғитнинг юзига упа суради, биров қошига ўсма қўяди.

Жўрахон икки қўлини белига қўйиб унга дўқ урарди.

— Шунақами? Уруғликка қолганмисиз? Бу хотинларнинг эрлари фронтда ўқ тагида юрибди-я, шуларга кўз олайтирдингми? Ҳа, номард! Хой, Зеби, лабига қизил сурт! Ишдан қайтишда шу аҳволда гузарга олиб чиқамиз.

Халойиқ кўрсин. Башарасига тупурсин. Қани, иш-ишнинг-га жўна ҳамманг!

Хотинлар йиғитни шу ахволда қолдириб, чопиққа тушиб кетишди.

Шийпонга чиқаётганимизда Жўраҳондан бу йиғитнинг гуноҳини суриштирдим.

— Зебига айланишиб қолти. Шундай суксурдай эри борки, кўрганнинг кўзи тегади. Тирноғига арзитайди бу ҳеббим. Тушликда Норин бўйига кел, саккизтепки атлас совға қиламан дебди. Ушлаб олдик.

Жўраҳон бу гапларни шундай ғазаб билан айтардики, кўзлари чақнаб, пешоналари, тиришиб кетарди.

— Ўзиниям шундоғ дўппосладикки, кўйиб берсам хотинлар ўлдириб кўйишадиган, зўрға ажратиб оладим. Эри омон-эсон қайтиб келгунча биронтасининг ҳам шаънига ёмон гап юктирмайман. Иссиқми, совуқми ҳаммамиз бирга баҳам кўрамыз, қайси бирининг эридан хат-хабар узоқса, бараварига юпатамыз. Бирга йиғлаймиз, бирга куламыз. Шунинг учун ҳам ишнинг оғирлиги унча билинмай кетади. Ахир бу бечораларга ҳам қийин, авжи ўйнаб-куладиган пайти...

То колхоз меҳмонхонасига етиб боргунимча маня шу воқеа эсимга тушди. Ҳозир Жўраҳон анча қариб қолгандир? Ўсарбой урушдан эсон-омон қайтиб келдимикин?

Меҳмонхона қоровули ҳали сув қушилмаган ҳовуз олдида самоварга тараша солаётган эди. У ёши етмишларга бориб қолган дилкаш чол экан, алла-паллагача у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Гап орасида Ўсарбойни суриштирдим.

— Омон-эсон келди. Ҳозир парткомимиз шу. Жуда режали, яхши бола. Бечора иш билан овунади. Бўлмаса аллақачон ҳам еб кўяр эди уни. Шу вақтгача уйланмади. Қандоқ қилиб ҳам уйланади...

Чолнинг гапларига тушунолмадим. У нима дегани? Ё Жўраҳон унинг келишини кутмай, турмуш қилиб кетганими, шундоқ йиғитнинг юзига оёқ тираб-а?! Наҳотки бутун колхоз аёлларини кўз қорачиғидек асраган доно хотин унга бевафоллик қилган бўлса? Ишонмайман!

— Нима бўлди? Жўраҳон...

Нима дейишимни билмай гўлдирадим. Чол бошини сарак-сарак қилиб ух тортди:

— Боёқиш Жўраҳон Ўсарбой келмасдан олти ой бурун казо қилган эди...

Икковимиз анча вақтгача жимиб қолдик. Гуллаб ётган шафтоли шохига осилган электр лампасига ўзини

ураётган ёрқанотлар дастурхон устига тўкилади. Ховуз четидан айланиб ўтган цемент ариқда тўлиб оқётган бўтана сув кирғоққа шалонлаб урилади. Чол чойнакни этагига ўраб, бағрига босганича ҳамон жим эди. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Жўраҳон ҳақида ундан бошқа гап сўрамадим. Сўрашга журъат қилмадим ҳам.

— Шунақа, ўғлим. Жўраҳон тенгги йўқ асл хотин эди. Хотин кишининг кўлидан шунча иш келишига ана ўшанда ишонганмиз. Жамоа бамисоли бир хонадон-у, Жўраҳон унинг онахони бўлди-қўйди. Қани, бирон киши унинг йўриғидан чиқса-чи. Қуни билан дала кезади, кечалари уйма-уй юриб, аъзоларининг тирикчилигидан хабар олади. Яхши гап билан илон ишдан чиқади, деганлари рост экан. Такасалтанглик қиладиганларга ҳам қаттиқ гапирмади. Ўзи ўша пайтда ҳамма ҳам бир оғиз яхши гапнинг гадоси эди-да. Бирини қизим деди, бирини синглим деди. Ишқилиб, ҳаммани ширин сўз билан ишга солди. Ўсарбойдан сурункасига етти ой хат келмай қўйди. Жўраҳоннинг юзи кулади-ю, ичи йиғлайди. Умри қисқа экан, хатини ҳам, ўзини ҳам кўрмай ўлиб кетди, боёқиш. Одамзодни иш овутади, бўлмаса ҳам еб қўяди. Ўсарбойга қараб туриб ичим ачишади.

Урушни қарғайман. Нима қилсин, иложи қанча!

Чол гапини тугатиб, ичкари кириб кетди. Сўрида гилам устига танга-танга бўлиб тўкилган шафтоли гулларига қараб хаёл сураман. Мени бу ерга бошлаб келган нарса Жўраҳон ҳақида китоб ёзиш нияти эди. Уруш йиллари фронтга мададкор бўлган аёллар ҳақида китоб ёзмокчи бўлганимда, даставвал хотирамга Жўраҳон келган эди. Бу асл хотин ҳақида биронта китоб ёзилмай турибок, унинг ажойиб ҳаёти дostonга айланиб кетганини кўрдим. Унинг жонли, ҳеч қачон ўлмайдиган барҳаёт умри кўз олдидан хаяжонли роман саҳифаларидек бирма-бир ўтарди.

— Меҳмон, энди ётинг, чарчаб келгансиз, хўроз ҳам иккени чақирди.

Бари бир ётиб ухлаёлмадим. Очиқ деразадан оёнинг ярим ўроғи мўралаб, теракзор орқасига ботиб кетди. Кеч шабадаси уй ичига димокқа хуш келадиган аллақандай гиёҳларнинг исини олиб келади. Шафтолизорда саъванинг гоҳ фиғонли ноласи, гоҳ шиддаткор чақчақи тинмайди. Жуда узокда, сокин кечанинг тинчини бузиб дарё шовиллайди.

Эрталаб коровул чол уйғотганда кун ёйилиб қолган эди. Узок-яқиндан трактор шовқини эшитилади. Қушларнинг чуғур-чуғури авжда. Чол дастурхон қокқан жойда мусичалар ушок талашиб патиллашади. Тиниқ осмонда бу қайноқ, фароғатли масканини кўриқлаётгандек лайлак айланади. Унинг оппоқ қанотлари қуёш тифида дам қиличдек ялттираб, дам оқ ипакдек товланади.

— Хозир Ўсарбой келиб қолади. Эрталаб шу ерда нонушта қилиб, кейин дала айланади, — деди чол елиб-югуриб чой дамларкан.

Сал фурсат ўтмай икки киши келди. Улардан қайси бири Ўсарбой эканини дарров пайқаб олдим.

У хали ёши элликка бормай юзини ажин босган, жиккаккина бир киши эди. Унг кўлининг бош бармоғи сарғайганидан махорка чекишини билиб олиш қийин эмасди. Нонушта пайтида Жўраҳон ҳақида китоб ёзмокчилигимни айтдим. Жўраҳон номини тилга олишим биланок Ўсарбой янгиланган дардини яширишга уришиб, чолнинг кўлидан чойнакни олиб, ўзи қуя бошлади. Кўзини яшириш, нима биландир алаҳсиш учун шундай қилаётгани сезилиб турарди.

— Майли, — деди у офтобда жўжаларини қаноти остига олиб, хурпайиб ётган товукқа тикилиб, — жуда хурсанд бўламиз.

— Аввал Жўраҳон опанинг қабрларини бир зиёрат қилсам деган эдим...

Ўсарбой ғалати ҳолга тушди. Унинг бу ҳолати, кўз қарашлари, рангининг гоҳ бўзариб, гоҳ оқариши Тошкентда бўлган бир воқеани эслатиб қўйди. Трамвайда беш ёшлардаги бир бола ёнимга ўтириб қолиб, ундан қаёққа кетяпсан, деб сўраганимда, уйдан детдомга кетяпман, деган эди. Ота-онанг йўқми, деб сўрадим. Бор, деб жавоб берди бола. Бўлмаса, даданг ҳам, онанг ҳам сени ёмон кўришар экан-да, детдомга беришибди, дедим. Ўшанда боланинг кўзи олазарақ бўлиб қолган, худди Ўсарбойнинг ҳолига тушиб, қийналган эди. Кейин у қийнала-қийнала паст овоз билан «дадамларнинг ҳам, ойнмларнинг ҳам кўзлари кўр» деган эди. Жуда хижолат чеккан эдим, шу мурғак бола қалбини тирнаб ётган аламли фарёдини тилга чиқаришга мажбур қилганим учун хали-хали ўзимни кечиролмасдим. Яна нима қилиб қўйдим? Нахотки Ўсарбойнинг ҳам ичида шунга ўхшаш тилга чиқса, тилни, дилда қолса дилни куйдирадиган фарёди бўлса?! Нима қилиб қўйдим?..

Ўртага жуда ҳам совук жимлик чўқди. Чол бир ютиниб олди. Ўсарбой ўрнидан туриб, ховуз бўйига бориб махорка

ўради. Чолнинг юпқа лаби титраб, зўрға: «Жўрахоннинг қабри йўқ. У сувга чўкиб кетган...» дея олди.

Тушга яқин чої билан икковлон пиёда дарё томон кетдик. Йўлда у Жўрахоннинг ҳалокатини айтиб борди.

— Ўшанда адирдан сел келган эди. Чорвалар ҳали тоққа жўнатилмаган, шу дарё четндаги сайхонда ўтлаб юрган эди. Сел жуда хунук келди. Кўп дарахтни, уйларни побуд қилди. Кўй -қўзиларни оқизиб кета бошлади. Сувда мол билан эчки дуруст сузар экан. Кўй жонивор думбаси дан чўкиб, ўзини эплотмай қоларкан. Ҳамма оёққа турди. Жўрахон жон олиб, жон бериб ўзини сувга отар, ҳали қўй, ҳали қўзини оёғидан судраб чиқарди. Кечаси, биров-бировни кўрмайди. Ёмғир савалаб турибди. Бирдан чўпон ота сувнинг ўртасида гоҳ кўриниб, гоҳ чўкиб, қўл силкита бошлади. Жўрахон ўша томонга сузиб кетди. Чақмоқ нурида дарё ўртасида унинг кўйлагини бир кўриб қолганимни биламан, холос. Яна чақмоқ чаққанда дарё бетида ҳеч нарса кўринмай қолди. Тўлқин чўпон отани нариги қирғоққа ирғитиб ташлабди. Бир ҳафтагача қайиқ билан Жўрахоннинг жасадини кидирдик. Топилмади... Ҳаммамизни доғи-ҳасратда қолдириб кетди.

Адир ошишимиз биланок дарё шамоли эди. Қирғоққа яқин келганимизда харсанг устида махорка чекиб ўтирган Ўсарбойни кўрдим. Унинг гавдаси кичраийиб, юзидаги ажинлари кўпайиб кетганга ўхшади.

Ҳеч биримиздан садо чиқмасди.

Дарё жуда сокин. Жўрахон азим дарёга айланган-у, меҳнати сингган, пешона тери тўкилган далалар атрофида жавлон уриб айланарди. У юзлаб прмоқлардан қон томиридек оқиб, кишиларга, майса-ғиёҳларга ҳаёт суви олиб келарди.

Адирдан териб келган лолаларни тўлқинлар устига сочдим.

Дарё шовуллар, тиниқ, беғубор кўкда қушлар жавлон уриб учишарди.

1960 йил.

## ЯЛПИЗ ҲИДИ

Купе эшигини очишим билан оғзига сўрғич кийгизилган сут тўла шишани кафтлари орасига олиб иситиб ўтирган хотинни кўрдиму нима қилишимни билмай, туриб қолдим.

Хотини ҳам аввал эсанкираб, кейин майингина қулиб қўйди. Унинг бу хил, ҳар қандай эркак қонини кўпиртирадиган шайтон кулгичини илгари ҳам бир кўрган эдим. Таннимдан сон-саноксиз чумоли ўрмалагандек, ғалати сесканиш билан чамадончамни ўриндикка қўйдиму яна хотинга қарадим. Унинг тиззасида йўргакланган бола. По-езд ғилдирагининг товушига қулоқ солиб, нималариндир ўйлаётганга ўхшарди. У менга қарамай қўлидаги сут тўла шишачани столчага қўйди-да, болани тиззасидан олиб, ёнига авайлаб ётқизди. Хамма ёқни ялпиз хиди тугутиб кетди.

У ёк-бу ёкка қарадим. Дарҳақиқат, столчада бир даста чўл ялпизи ётарди. Нима қилишимни, нима дейишимни билмайман. Хотини ҳам бетимга қараёлмайди. Назаримда, бу хотинининг бутун вужуди сирга, кўзлари сехрга тўла эди.

...Мен у билан бурноғи йилли саратон кунларининг бирида автобусда учрашган эдим. Бувайидадан автобусга чиққанимда ёнимда бир жувон ўтирарди. Сал йўл юришимиз билан иссиқина нафас бўйнимга урилгандек бўлди. Йўқ, нафас эмас, атиргулнинг бағридан чиқадиган аллақандай беғубор хид эди у. Қарасам, ёнимда ўтирган хотини елкамга бошини қўйиб, ухлаб қопти. Қўлидаги шохди тугунчаси оёғим тагига тўшибди. Бир кўлимни аранг чўзиб тугунчани ердан олдим уни уйғотиб юбормаслик учун қимирламай ўтиравердим. Автобус бир силкинди. Хотинининг боши сирғалиб кўкрагимга тушди. Ўримга илинмай қолган соч толалари томоғим тагига келиб қолди. Шунда димоғимга ялпиз исси урилди. Хотинининг қулоғида сўлиб қолган ялпиз шохини кўриб қолдим.

Кўпчилик ўртасида бегона аёл кўкрагимга бош қўйиб кетганидан хижолат тортиб, уни уйғотмоқчи бўлдим. Сескин қулоғига шичирладим.

— Кўзингизни очинг, яхши эмас.

Хотини кўзини очмади, ингради. Ичидан аламли бир нидо чиққандек бўлди. Бахмалдек юмшоқ лаблари аранг қимирлади-ю, сув, дея олди, холос.

Энди билдим. Хотини беҳуш бўлиб қолган экан. Орқамда ўтирган чол дашном берди.

— Ука, келишни дастга олиб тушинг, кўнгли беҳузур бўлаётганга ўхшайди.

Уйланмаган бўйдоқ эдим. Бу гап қулоғимга ҳам ғалати, ҳам аллақандай хуш ёқадиган бўлиб эшитилди.

Бу гап ёнверимдагиларнинг қулоғига етиб, бирпасда

автобус ичи шивир-шивир бўлиб қолди. Кимдир тез кетаётган автобусда чайқала-чайқала олдинга иштилдиди-ю, энгашиб шоферга нимадир деди. Автобус тўхтади.

— Ука, келини иссиқ кунда кийнаб қўйибсиз. Пастга тушиб, сув бўйида ичча дам олиб ўтиринг. Келаси автобусда етиб оларсизлар.

Нима бўлаётганини билмасдим. Ҳамманинг кўзи менда. Бейхтиёр хотинни суяб пастга олиб тушарканман, кулоғимга бир гап чалишиб қолди:

— Эрининг бедаволигини қаранг, ўзи ойдеккина экан, дарди борга ўхшайди. Эри ўлгур мунча ланашанг бўлма-са.

Ҳамма ёғимдан тер чиқиб кетди. Бу меннинг хотиним эмас, сизларга ўхшаган оддий йўловчиман, деб бақириб юборгим келди. Аммо елкамга осилган нозик қўллар бунга монелик қилаётгандек индаёлмасдим.

Автобус мени мутлақо нотаниш, лекинга қараганининг кўзини куйдирадиган хусни бир жаҳон аёл билан йўлга ташлаб кетди.

Саратон осмондан олов пуркаб турибди. Учкўприк йўлидаги толларни биласиз. Охири кўринмайдиган асфальт йўл худди поёни йўқ соябон аравага ўхшайди. Ҳавонинг димлигидан тол барглари ҳам кимирламасди. Белбоғимни ечиб, ариқ бўйидаги чим устига ёздим-у, уни ўтқаздим.

Хотин эшитилар-эшитилмас деди:

— Нафас ололмаётибман. Шабадароқ жойга олиб боринг.

Бу ташвишни ўзимга қаёқдан ортгирдим, дедим-у малол келгандек унинг оппоқ билакларидан ушлаб турғиздим-да, бир қўлимни белидан ўтказиб (бошқа иложим ҳам йўқ эди), сув ёқалаб олиб кетдим.

Атроф жимжит. На куш учади, на одам ўтарди. Бўйи баравар қамишлар қилт этмайди. Ялангликроқ жойга келиб тўхтадик. Хотин сал ўзига келди.

— Вой-е, кўкрагимга шамол тегди-я!

Унинг тилга киришидан севиниб кетиб, аста ўтқаздим. Аммо у ҳали ҳам астойдил ўзига келмаган эди. Оёқларини сал букиб, тиззамга бош қўйиб, ярим очик кўзларини сўнгсиз осмонга тикканича кимирламасди. Киши билмас унга қарайман. Киприк демаган қора дубонинг ўзи. Айниқса чиннидек оппоқ юзида янада қорайиб турарди. Қоши тўмтоқроқ. Оралиғидаги билинар-билимас ўсма изи, иягидаги тарикдек холи, бўйида кимирламай туриб қолган тер томчилари бемалол кўри-

ниб турарди. Ич-ичимдан, бу бахт кайдан келди, деб кўяман.

Аёлнинг кўли кимирлади. Гиёҳларни тимирскилаб, бирини узди. Бу чўл ялғизи эди. Уни димоғига олиб борди-да, бир хидлаб, менга узатди. Хидладим. Ана шундагина мен бахтни эмас, бахт мени топганига ишондим. Бутун олам ялғиз хидига тўлиб кетди. Бир-биримизга тикиламиз. Аммо на ундан, на менадан садо чиқади. Бир-биримиз билан кўзларимиз гаплашаётганга ўхшарди. Унинг кўзларини кўрмагансиз. Хали ҳеч бир инсон бола-си бунақа кўз кўрмаган.

Кўзларимиз гаплашарди.

Билмадим, шу алфозда қанча вақт ўтирдик, Хар қалай, подадан моллар қайтаётган маҳал эди. Бузоқларнинг аянчли маъраши қулоғимга эшитилгандек бўлди.

Нима бўлди-ю, хотин сапчиб ўрнидан туриб кетди. Тугунини кўлига олди.

Энди унинг қошлари чимирилган, қилмишидан аламзададек кўринарди. Биламан, беҳушлик бегона кишининг тиззасига бош қўйишга мажбур қилганидан қаттиқ изтироб чекапти. У кимнингдир хотини. Бу беҳушлик уни не қунларга бошлаши мумкин. Аммо у менинг унақа бемаъни кишилардан эмаслигимни билганда эди, бу хил хаёлларга бормасди. Бола бўлиб номард хаёлларга бормаганман. Шайтоннинг сўзига кирмаганман. Ё уни хотин билмасди. Кўзида кўрқинч ва андиша олови ёняпти.

Кетдик. Тол тагида автобус кутяпмиз. У бетимга қарамайди. Қовоғи солиқ. Унга ҳатто жаҳл ҳам ярашарди. Хар зардали қарашда вужудим ўртаниб кетарди.

Автобус келганда пиллапояга оёқ кўяр экан, яна бир марта қаради. Бу қарашда мени эрмак қилишми, раҳмат айтишми — биллиб бўлмайдиган бир ифода бор эди.

У кетди.

Хали-хали бу қарашнинг маъносига етолмадим. Бугун вагон купесига унга яна дуч келдим. У яна кулди. Бу майини кулгиси мени яна хаёлга солди. Нега кулади? Эрмак қиляптими?

Проводник иккаламизга ҳам бир стакандан чой келтириб қўйди. У стакандан чой хўплаб туриб, вагон силкинишидан қалқиб кетди, куламан деб шундай қилди, хар қалай, атлас кўйлагига чой тўкилди. Менга қаради.

— Эслаб хали ҳам қулиб юргандирсиз?

Бу гапнинг маъносига етдим.

Яна жим кетдик. Деразадан боғлар ўтяпти. Симёғоч-

лар бир-бирини қувяпти. Икковимиз ўтминн хаёллари билан бандмиз. Охири сабрим чидамай сўрадим.

— Энди тузалиб кетдингизми?

— Ха, тузалиб кетдим. Бунинг учун сизга раҳмат айтишим керак эди. Хали ҳам бўлса айтиб қўйини — киёмат қарзим. Раҳмат. Виждонли йиғит экансиз. Биласизми? — у менга бир оз тикилиб турди-да, қулмсираб қўйди. — Сиз ўшанда бахтингизни йўқотгансиз.

Хайрон бўлдим. Унга савол назари билан боқдим.

— Билмадим, — деди у кўзларини ерга қадаб.

Балки адашаётгандирман. Эҳтимол, бир фалокатдан қутулгандирсиз? Эҳтимол, мен бахтимни тонгандирман? Эҳтимол, бахтимни йўқотгандирман? Билмайман. Хар қалай, ўшанда ё мен синовдан ўтдим, ё сиз синовдан ўтдингиз. Ўша пайтда мен одам боласига ишонмас эдим. Тасодифдан ўргилайки, ўшанда сизга йўлиқдим. Агар бошқа кишининг қўлига тушганимда бир умр виждон азобида қолиб кетармидим...

Хотиннинг кўзи жикқа ёшга тўлди. Бир киирик қоқса, оипоқ юзларини ёш ювиб кетади. Аммо у киирик қоқмади. Сўнгсиз қора кечаларни бағрига сиғдирган бах-мал кўзлар бу ёшларни шимиб кетгандек бўлди.

Энди у кўзёшсиз, унсиз йиғларди.

У яна тилга кирди. У гапирарди-ю, овози титрарди.

— Болам ҳурмати, ишонинг, мен ўша кунн ёмон ният билан кўчага чиққандим. Мени сиз ўлимдан қутқардингиз. Қаттиқ алам ўтган эди ўшанда.

Унинг тушуниб бўлмайдиган гаплари яна хайрон қилиб қўйди мени.

— Хайрон бўлманг. Хотин киши қаттиқ ўч олади. Сиз эркаклар аёл зотининг продаси бўш бўлади, хар қандай хўрликка чидайверади, деб ўйлайсиз. Йўқ, асло унақа эмас. Мен ҳам эримдан ўч олмоқчи эдим.

Хотин дераза тарафга қараб жим бўлиб қолди. Поезд катта бир кўприк устидан гувиллаб ўтиб кетди. Сал нарироқ бориб гудок берди. Йўл пастлашаётганидан купе эшиги сирғаниб очилиб кетди. Ўрнимдан туриб беркитиб қўйдим. Хотин яна ўгирилди.

— Биласизми, ўртада ҳурмат, андиша бўлмаса, эр-хотинлик уй зиндон бўлади. Айниқса, орага хиёнат ора-ласа тамом.

У ҳам алам, ҳам изтироб билан менга икки йилдан бери жумбоқ бўлиб, хаёлимни банд қилиб юрган сирни оча бошлади.

— Эримни яхши кўриб текканман, чиройли йиғит

эди. Кўп кизларни куйдирган. Анча-мунча ўртача кизларга қайрилиб ҳам қарамасди. Эргалаб уйдан чиқиб кетаётганда орқасидан тамона қилиб қолардим. Кечқурунлари икки кўзим кўчада эди. У эшикдан уйимга офтобга ўхшаб кириб келарди.

Ана шундоқ эр менга хиёнат қилди. Жазман орттирди. Биласизми, севган кишининг, дунёда ягона бахтим деб билган кишининг хиёнат қилса чидаб бўладими? Ахир бутун умримни унга бағишлаган бўлсаму, келажак бахтимни усиз тасаввур қилолмасаму, менга хиёнат қилса. Бунга чидаб бўлармиди. Лекин бутун кучимни, бутун сабримни бир жойга жамлаб чидадим. Уни инсофга чақирдим. Бўлмади. Хис-у туйғуларимни оёқ ости қилган киши олдида кўз ёши тўкишга ғурурим йўл бермади. Бундай қилолмасдим ҳам. Унинг жазмани олдига бориб, эримни тинч қўйи дейишга ҳам ғурурим йўл бермади.

Бутун вужудимни ўч олиш хисси қамраб олди. Ўзимни ўлдирмоқчи бўлдим. Майли, шу ўлимим билан уни виждон азобиغا ташлаб кетаман. Бу доғ уни ўла-ўлгунча қийнасин, дедим.

Шу ният билан уйдан чиқдим. Йўлда кета туриб хар хил хаёлларга бораман. Нимани ўйласам ҳам, эримдан қасос олишга бориб тақалар эди. Ана шунда сиз пайдо бўлдингиз. Бўлмаса, билмадим нима бўларди. Қабримдан шу пайтгача икки марта гиёҳ кўкариб чиқармиди.

У юзларини икки кўли билан тўсиб, ўксиб йиғлаб юборди. Уни юпатишга сўз тополмасдим.

Хотини ишраган товушда деди:

— Кечиринг. Сиздан умр бўйи миннатдор бўлиб яшайман. Хотинингиз қандоқ бахтли экан, — унинг бу гаплари жуда узокдан эшитилаётганга ўхшарди. Жахл билан унинг кўзларига қарадим. Энди у кўзларда андиша излари йўқ эди. Аллақандай нур порлаб турарди.

— Қайси бахтли қиз экан у сизни севган. Бу гапларимга хайрон бўлманг. Мен энг аввал вафодор одамни, номусли одамни бахтли дейман. Бахт тушунчасини ўйлаганимда даставвал номус, вафо кўринади. Мана шу икки нарса бўлмаса дўст дўстнинг, эр хотиннинг, хотин эрнинг кўзини ўяди. Агар мен шоир бўлсам, ёзувчи бўлсам, вафо ҳақида, инсон номуси ҳақида китоб ёзиб чарчамасдим.

Бу хотиннинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Унинг бу гапларни чин ҳақиқат эди. Инсонни жасоратга, хайрли ишларга етаклайдиган шу эмасми?!

У кичкинагина разъездда тушиб кетди. Кўнглида тутилиб ётган армонини тўкиб, бағрини эзиб ётган тошни

ирғитиб ташлаб, күшдек енгил бўлиб, манзилда тушиб колган эди.

Купега қайтиб кирдим.

Столча устида ялпиз ётарди. Олиб хидладим.

Ана шундан бери қайда ялпиз кўрсам, у кекса толлар соя ташлаган Бувайда йўлларини кўраман. Бу йўллар бир нопок эр жабрини тортган, шу жабр-алам қасосга етаклаган дилбар, дилбару қайсар, бир сўзли жувонни эслатади.

У эрини ташлаб кетдимикин? Ташлаб кетгандир. Ундан қасос олдимикин? Ташлаб кетиндан ортиқ қасос бўлмайди-ку!

Ялпиз хиди менга ана шуларни эслатиб қўйди.

*Фаргона,  
1960 йил.*

## ЎН САККИЗ ЁШИНГ

Не ажаб, чун сарвинозим ўн саккиз ёшнда-  
дир.

Ўн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур.

*Навоий*

Ўн саккизга кирган одамнинг кўзига олам жилва қилади. Камалакнинг етти рангидан етмиш минг ранг ясайди. Эчкининг ёқимсиз маъраши ҳам қулоғига булбул навоси бўлиб киради. Юлдузларга қўли етади, тубсиз уммонлар тиззасидан келади.

Ўн саккизга кирмабсиз, дунёга келмабсиз!

Мана, ўн саккизга кирганлардан бири каттакон терак тагида хаёлчан турибди. У ҳали шу ёшга етиб оғзига ичкилик деган нарсани олмаган. Аммо қип-қизил маст. Овози дўриллайди, хуснбузар тошган юзларида бир чиройли хаёл излари бор. Мана шу боланинг ўн саккизга кирганига бугун роппа-роса тўрт ой бўлди. Шу ёшга кирди-ю, шунақа хаёлчан, бўлар-бўлмасга хўрсинадиган, кечаси ойга қараб ўзинча шеър тўқийдиган бўлиб қолди.

Кексалар! Сиз ҳам шу ёшингизни эсланг!

Қишда саримсоқ пиёз еган одамнинг оғзидан кўклам жаласи қуйиб ўтган теракзорнинг иси келади. Сиз ҳам болалигингизни эсласангиз унутилган муҳаббат яна тугёнга келади. Мана шу хўрсиниб турган, юзига хуснбузар тошган йиғит сизсиз, шу сизнинг ўн саккиз ёшингиз.

Йигитча хўрсиниб турган кўчанинг бу бетида баланд иморат бор. Иккинчи каватнинг балконига қаранг, яқинда ўн саккизга кирган бир киз кафтини иягига тираб ўтирибди. Ўзи унча чиройли эмас, аммо ўн саккизга кирган қизнинг хунуги бўлмайди, буни биласиз. Бечора киз келин аясининг пардоз қутисини титкилаб, йўлакда юзига упа сураётганида акаси келиб қолиб, бир тарсаки еганидан, ёнидан бир жуфт кино билети чиқиб қолиб, гап топиб беролмай довдираганидан унинг неча ёшга кирганини билиб тургандирсиз. Бунақа иш ўн саккизга кирган киз боланинг қўлидан келади.

Э, аяжонлар! Кўчадан куёвнавкар ўтса, қавиб турган кўрпангизни супада қолдириб, девордан қарайдиган (буви-жонлар, ҳа, нима, ўн саккизга кирмай ҳатлаб ўтиб кетма-гандирсиз. Кулманг, ўзларингиз ҳам худди шунақа бўлгансиз. Йиғлагансиз, кулгансиз, хўрсингансиз, дўриллаган овоз эшитганингизда юрагингизда от ўйнаган.

Йўл ўртасида эзмаланиб гаплашиб келаётган икки кекса ўтиб кетгандан кейин, йигит жадал юриб балкон тагига келди. Унинг шарпасини сезган қиз бармисини лаблари устига кўндаланг қўйиб, қошларини керди-да, чирокни ўчириб қойиб бўлди. Зум ўтмай, у йигит олдида пайдо бўлди. Ҳамма ёқни атир ҳиди тутиб кетди.

Иккисини чидашмай, йўл ёқалаб кетаверишди. Анхсэр томонга бурилишаётганда қиз мажнунтолнинг осилиб ётган новдасидан баргларни қисимида сидириб олди-да, йигитнинг устидан сочиб юборди. Йигит ундан қасдини олмоқчи бўлиб интилган эди, қочди. Кўприкка етмай йигит уни тутиб, бағрига босиб, ўпиб-ўпиб олди. Қиз унинг қучоғидан юлқиниб чиқиб, катта харсангга ўтириб қолди.

— Шунақасан-да, Анвар, — деди қиз ундан ўпкалангандек қулиб.

Анвар унга яқин келишга юраги дов бермай сал нарироқда хансираб турарди.

— Бўлди, энди, — деди қиз жиддий. — Энди нима қиламиз. Жуда бошим қотди-ку. Айтдим-ку, сен билан мендан киноартисти чиқмайди, деб.

Анвар қўл силтади.

— Кўришолмайди, режиссёрнинг гапини қара, илм керак дейди. Нима, ўнинчини бекорга битириб қўйибмизми? Ролни берсин-у ўйнаганимизни тамоша қилаберсин. Майли, кимлигимни уларга кўрсатиб қўяман. Қурилишга бораман. Сен нима қиласан? Сенга нима, сендан артист чиқади. Сал кунда хизмат кўрсатган артист Умидахоним Болтаева бўлиб кетасан.

Умида шарақтаб кулиб юборди.

— Э, омон бўл-э, бўлмади. Аризамнинг устига «бўлмайдн», деган резолюция қўйиб, қайтиб беришди. Хайр, алвидо, кино экрани. Тўкимачилик комбинатига ишга кираман. Ўша ерда ҳаваскорлар тўғарагидан ўсиб чиқаман.

Улар гоҳ куйиниб, гоҳ кулиниб анча пайтгача анҳор ёқалаб айланиб юришди.

Анвар билан Умида бир партада ўн йил ёнма-ён ўтириб ўқишди. Шу ўн йил ичида озмунча хаёл суринмади. Анвар кунига бир касб таиларди. Гоҳ учувчи, гоҳ машҳур артист, гоҳ дипломат бўлиб дунё кезарди. Мана бугун ҳаммаси чиппакка чиқди-кетди. Умида бўлса, қайси журналда киноартистларнинг сурати чиқса, киркиб олар, ҳинд қизларига ўхшайман, деб икки қошнинг ўртасига ҳол қўйиб, капрон шарфга пистон қадаб, кун ора суратга тушарди. Уни ҳам кинога олишмади.

Бекарор, беқўним ёшлик уларни не куйларга солмади.

Бу кеча ҳам уларнинг маслаҳати ишмади. Эртага яна шу ерда учрашишга аҳд қилиб ажралишди. Яна ўша кўча бетидаги балконнинг чирояи ёнди. Яна ўша хаёлчан ўтириш...

Анвар бўлса, маст одамдек каловлаб санкиб уйига қайтди. Ўрнига ётиб кўзи илинмади. Умиданинг юзи экранда каттакон бўлиб кўринаверди. У гўё бу ёққа кел, деб уни экранга чақираётганга ўхшайверди. Охири хаёли тушига уланиб кетди.

Иккови ўйнаган рангли кино кўйилаётган эмиш. Залда ўтирганлар бир экрандаги Анварга, бир залда ўтирган Анварга қараб қандай бахтли одам экан-а, дейишаётган эмиш. Кино тугагандан кейин уларнинг ҳар икковини ҳам тамошабинлар ўраб олиб чапак чалишармиш. Бир тамошабин худди унинг қулоғи тағида жуда ҳам қаттиқ чапак чалар эмиш. Анвар уйғониб кетиб қараса, у ётган каравотнинг бош томонига қўниб олган хўроз қанот қоқиб, энди қичкираман, деб турган экан.

Анвар тушини бўлган хўрозни оёғидан ушлаб улоқтирди. Бари бир хўроз ариқ лабида туриб уни масхара қилгандек яна қичқириб юборди.

Тўкилган олмаларни териб юрган ичкуёв поччаси ичинг қилди:

— Ётаверасизми, халқ артисти. Бошингизга офтоб келиб қолди-ку, ишлар нима бўлди? Қабул қилишмаганга ўхшайди. Яхшиси, юринг мен билан, экспедицияга олиб кетай. Икки йил менинг партиямда ишлаб, кейин институтга кирасиз.

Анвар поччасининг ишини ёмон кўрарди. Шу ҳам иш бўлди, чўлу биёбонларда тупроқ ковлаб, эски иморатларнинг қолдиғини топиш. Бу ишда қахрамон бўлиш кийин. Бўлса, поччаси бўларди. Минг йил олдинги тангаларни, кўзачаларни топган. Нимаси қизиқ! Космонавт бўлса бошқа гап. Бир марта осмонга чиқиб орбитани айланса бўлди, ерга тушиши билан Олий мукофот тайёр. Аммо космонавт бўлиш учун математикани, физикани яхши билиш керак. Анвар ҳар иккаласидан ҳам зўрға учга илинган. Ундан ташқари, Анварнинг бўйи узун, новча. Кабинага сиғмайди, сиққанда ҳам икки букилиб ўтириш керак.

Бола бечора минг хил ўйлар билан тентиб, қурилиш майдонига келиб қолибди. Ҳамма ёқ чанг, шовқин. Самосваллар у ёқдан-бу ёққа вағиллаб ўтиб турибди. Шарақлатиб шағал тўқади, каердадир қалдираб бетон қорадиган машина айланади. Бирпасдаёқ Анварнинг боши айланиб кетди. Кимдир: «Қоч, э бола» деди. Анвар ўгирилиб қараса, цемент деворни хартумида кўтараётган бахайбат краннинг тагига келиб қолган экан. У четга чиқиб, кран бошқараётган кишининг ҳаракатларини кузатиб турди. Кран хартуми деворни ҳаволатиб обориб учинчи қават томининг қирғоғига кўндирди. Девор кўнган жойда электр пайвандлари чақнади. Анвар анграйганича туриб қолди. Кранчи Анварга қараб нимадир деди. Анвар у нима деётганини тушунмади. У икки бармоғини лабига қўйиб, нафасини ичига тортиб кўрсатди-да, ниманидир унга ирғитди. Кейин у дўнг орқасидаги автолавкани кўрсатди. Анвар у ташлаган нарсани олиб қараса, «Беломор» пачкасига ўраб ташланган пул экан. Анвар дарров тушунди-ю, папирос олгани дўконга қараб чоғди. У қайтиб келганда кранчи яна битта деворни кўндириб бўлган экан. Анвар унга папиросни кўрсатган эди, у бу ёққа чиқ, деб имлади. Анвар шошиб темир пиллапояларга тармашиб чиқа бошлади.

Кран пастдан унча баланд кўринмаган эди. У то кранчининг олдига чиққунча нақ қора терга ботиб кетди. Бирдан муздек шамол эсиб унинг баҳри-диллини очиб юборди. Папиросни эгасига бериб, атрофга қаради. Ҳаммаёқ кўриниб турибди. Шаҳар четидаги иморатлар худди туман орасидан кўринаётганга ўхшайди. Ҳаммаёқ иморат, иморат. Узокда кўм-кўк дарахтлар орқасидан Бешғоч кўли ойнадек бўлиб ялтираб турибди. Краннинг қоқ белида Анварнинг шундоқ таккинасида бир гала каптар пилдираб учади.

Кранчи палиросни ўт олдириб, бир-икки марта тўйиб-тўйиб тортди-да, Анварга қаради.

— Раҳмат, акаси, зап иш қилдинг-да, жуда хумор бўлиб турган эдим.

Анвар унга маъноли жилмайиб қўйди.

— Ўқийсанми, ишлайсанми? — деди кранчи пастдан, хартум илгагига цемент қоринмаси солинган темир тосни илаётганлардан кўз узмай.

— Ишламайман ҳам, ўқимайман ҳам. Ўқиниши битгирдим, энди ишламоқчиман.

— Менга шогирд тушмайсанми? — деди у қоринмани тўртинчи қавати битмаган бино теңасидан айлангириб ўтиб, янги пойдевор қураётганларнинг олдига тушараркан.

Анвар нима дейишини билмай, ўйлашиб қолди.

— Ё космонавт бўлмоқчимисан? Ҳозир ҳамма ёшлар космонавт бўлишни мўлжаллашяпти. Ке, сен билан биз ўша космонавтларга уй қурайлик, нима дейсан?

Анвар мундоқ қараса, кранчилик ҳам ғалати ишга ўхшайди. Бирдан унда кранчи бўлиш орзуси туғилди. Ёшлик шунақа бўлади. То бир касбининг бошини тутгунча ўзини у ёқдан-бу ёққа ураверади. Ўн саккиз ёш ана шу беқарорликнинг марраси — охири бўлади.

— Рост айтяпман, шогирд тушсанг, сал кунда кранчи қилиб қўяман. Мана шу кран икковимизники бўлади. Биласанми, бу кран билан республикани айлашиб чиққанман. Бу ёнига икковимиз ишлаймиз. Қараб турсам, яхши болага ўхшайсан. Хўш, нима дейсан?

Анвар «бўпти» деб юборганини билмай қолди. Тамом! Анварнинг болалиги битди!

— Ҳали обедда конторага бирга борамиз, ўша ерда ишни битказамиз. Ҳозир уйингга бориб, хужжатларингни олиб кел. Ана, энди менга халақит берма. Техника хавфсизлигининг инспектори кўриб қолса, бошим балога қолади.

Анвар пилдираганича пастга тушиб кетди.

Яна ўша анҳор бўйи.

Яна ўша сичқон тешган элакдек ой. Юлдузлар қуйган қозон тагидек жимир-жимир қилиб туришибди. Анҳор шалолаб қирғоққа сапчийди. Ой аксини майдалаб оқизиб кетмоқчи, мажнунтол повдаларига осилиб бир дам тўхтамоқчи бўлади-ю, эплломайди. Харсанг тош устида оёғини сувга ботириб Умида ўтирибди. Анвар ҳовлиқиб-ҳовлиқиб гапирди.

— Биласанми, биласанми, дунёда кранчиликдек қойил иш йўқ. Шундоқ тепасига чиқиб қарасанг, дунёнинг нариги чеккаси ҳам кўринади. Мен ўша ердан туриб сизларнинг томларингизни кўрдим. Кўллар, боғлар, иморатлар... Битта самолёт худди-худди оёғининг тагидан ўтиб кетди.

Умида кўзларини катта-катта очиб, унга қараб турибди. Чой қоғозини бурдалаб ташлагандек оё тангалари сув бетида милт-милт оқарди. Катта кўприк устидан ўтаётган машина чироқларининг акси худди сувга бир шўнғиб олгандек нариги қирғоққа етмай сўнади.

Қиз йигитнинг гапларига чидамай кетди.

— Комбинатга борганмисан, ўзинг. Вой бў... Мен тенги қиз бир юз ўн иккита дастгоҳни юритяпти. Қирқ минг одам ишлайди. Крани гапирасан-а. Кранинг нима бўпти бу дастгоҳларнинг олдида. Комбинатда бир йилда чиқадиغان матони ер шарига ўрасанг, очик жойи қолмайди. Кранларнинг-у, жамки курилишларингни ўраб ташлайди.

Ливар ҳам бўш келмади. У кранчини мақтайвериб, охири гап тополмай қолди. Аммо Умида комбинатда кўрганларини гапириб тугатолмасди.

Ливар мундоқ қараса, Умида лабига қизил сууртганга ўхшайди. Тикилиб кўрса рост.

— Бу нима, янги калишнинг ичидек қип-қизил қилиб.

Умида пиқ этиб кулиб юборди. Унинг бу кулгисидан: сен учун, сен учун, тентак, деган маъно барқ уриб турарди.

Шу кеча уларнинг хаёлига киноартист бўлиш деган гап келмади. Ҳар иккови ҳам янгидан танлаган касбларини тилдан қўймасдилар.

Ўн саккиз ёш шунақа бўлади. Гўдаклик хаёллари яратган орзуларини тумандек тарқатиб, янги орзулар яратади. Яратади-ю, уни ҳақиқатга айлантиради.

Ажаб эмас, энди бу икки ўсмир кино экранларда артист бўлиб эмас, артистлар булар бўлиб кўринса.

Ўн саккизга кирмабсиз, дунёга келмабсиз!

1965 йил.

## ЗУМРАД

Азизанинг бу ерга келганига энди бир ҳафта бўлди. У йўлга чиқаётганида, ўзим ҳам бир дам олиб келарман, деб ўйлаган эди. Дам олиш қаёқда, вақтида овқат ейишга ҳам қўл тегмайди.

Бунда икки юздан ортиқ бола дам олади. Бирн чўм-либ шамолласа, бошқасн парманчак тераман деб оёк-кўлини тимдалатиб келади. Буларнинг хаммаси врачга ташвиш. Айниқса футбол деган нарсага болаларнинг ўчлигини айтмайсизми. Ишқилиб, кўнига ё тирсаги, ё тиззаси шилиниб кетишига қарамай, тўп тешигани те-пишган.

Болалар-ку, майлига-я, кўнига сават-сават нарса та-шиб, узоқ-яқиндан келадиган ота-оналарнинг хархашаси-ни айтмайсизми!

Азиза овқат олиб келган ота-оналарни лагерь ичига киритилмаслик масаласида бошлиқ билан бир неча марта уришиб ҳам олди.

— Бунақада болалар дам олиш у ёқда қолиб, қайтага касал орттириб кетишади-ку.

Унинг бу гапига бошлиқ елка қисиб, чорасизлигини билдирди.

— Кандоқ қиламиз, энг камда саксон километр йўл босиб келса-ю, боласини кўролмаёй кетса, яхшимас-да, доктор.

Албатта, бошлиқнинг гапида ҳам жон бор. Аммо Ази-за уларнинг дардга чалиниб қолиши хавфидан безовта. Мана, эшик олдида велосипед рулига сават илган ўрта яшар бир киши ҳансираб турибди. Азиза уни лагерь ичига киритмади. Ҳозир деразадан унга қараб тураркан, бирдан раҳми келди.

Бечора саксон километрли тоғ йўлидан велосипедда келибди. Яна шунча йўл босиб қайтиб кетиши керак. Терга ботиб кетибди. Унинг ахволини кўриб чидаб турол-мади. Олдига чиқди:

— Нима қилардингиз, ахир бола сизни кўриб уйига кетгиси келади. Бу овқатларни ҳам чакки олиб келибсиз.

У хижолат чеккандек жавдираб қаради.

— Энди синглим, шу биттагина боламиз... Онаси йиғлаб эси кетяпти. Мен-ку чидаяман...

Азизанинг ҳам боласи биргина. Борди-ю, у ҳам олисда бўлса қай аҳволга тушаркин, эҳтимол, бундан ҳам узоқ йўлни пиёда босиб келармиди. Бирдан Азизанинг кўнгли юмшаб, жилмайди.

— Майли, битта шарт, опкелган овқатларни бермай-сиз. Ўзи билан бемалол тўйиб гаплаша қолинг.

Азиза уни бошлаб ичкарига олиб кирди-да, болани чакириб келиш учун одам юборди.

Ичкаридан болаларнинг қий-чуви эшитилиб турибди. Трусичан қора-қура болалар у ёқдан-бу ёққа бир-бирини

кувлашиб юришипти. Танасига оҳак суртилган дарихтлар орасидан чодирлар, фанердан қирқиб ишланган фил, туя, шерлар кўришиб турибди.

Кўзлари кисиққина қизча худди эшик тагида бояги кишининг тиззасига ўтириб олиб нималардир деб жавра-япти. Дадаси унга қараб яйраб илжаяди. Унинг башиараси худди эриб кетаётганга ўхшайди. Сертомир кўллари билан қизчанинг сочини силайди, тинмай пешонасидан ўпади.

Азиза унга қараб ўтириб жуда завқланиб кетди. Деразага бағрини бериб, ундан кўз узолмай қолди. Дадаси қизга икки плитка шоколад берди. Қиз докторхона томонга бир қараб олди-да, шошиб рўмолчасига ўраб, оркасига беркитди. Азиза унинг қилиғидан илжайиб кўйди.

Эшик тақиллади. Азиза то ўгирилиб қарагунча, эшик очилиб, ўттиз беш ёшлардаги бир жувон кирди.

— Доктор, мумкинми? — Аёл қимтиниб унга яқинлашди.

— Нима гап, тинчликми?

— Тинчлик, ўғлим икки-уч кундан бери бот-бот исит-малаб кўяди. Нималигини билолмаяпман. Бир кўриб кўйинг, барака топкур.

Азиза бу жувонни шу атрофда яшайдиганлардан эканини дарров билди.

— Амбулаторияга бормадингизми? Ахир мен лагердаги болаларга қарайман.

Жувон бир муддат индамай туриб қолди-да, ялинган оҳангда деди:

— Ўзингиз кўриб қўя қолинг. Уйимиз унча узоқ эмас. Амбулаторияга бориш қийин, ўн икки километр юриш керак.

Азиза ноилож қолди, кийиниб, у билан бошлашиб ташқарига чиқди. Бояги киши ҳамон қизчасининг бошини силаб ўтирар эди.

— Доктор, келаси гал ойисини олиб келсам, майлими, — деди у Азизага ўгирилиб. Азиза кулиб бош ирғаб кўйди.

... Жувон олдинда сўкмоқдан йўл бошлаб борарди. Азиза унинг оркасидан қараб бораркан, бу жувонни қайда кўрганман, деб ўйларди.

Сўкмоқ юқорига кўтарила бошладди. Жувон оёқ изи тушавериб текисланиб кетган каттакон харсанга чиқиб Азизага қўл узатди.

Шунда Азиза унинг икки қоши орасидаги жуда ҳам келишган чизикқа кўзи тушди. Энди таниди. Бу бир

вактлар ўз рақслари билан томошабинларини мафтун қилган Зумрад эди. Нима бўлди? Бу томонларда у нима қилиб юрибди? Ўша даврдаги қиёфасидан икки қошнинг орасидаги чиройли чизиғу қулганда ёйилиб кетадиган ўнг бетидаги қулдирғичи қолипти, холос. Ростдан ўшамикин?

Жувон уни қўлидан тортиб, олдинга ўтказиб олди.

— Йўқ, йўқ, мен кетингизда юраман. Қоматингиз жуда чиройли экан, тамоша қилиб кетаман.

Жувон хандон ташлаб қулиб юборди. Унинг ошноқ садафдек тишлари юзларини яширатиб юборди.

Бўлди. Бу ўша Зумрадининг ўзи. Азизаниннг кўзига бундан беш йиллар олдин Зумрадининг телевизордаги ўйини кўришиб кетди. Ўша ўйини унинг охириги ўйини бўлса керак. Шундан кейин Зумрад бутунлай кўринмай кетганди.

Ўша пайтларда Азиза мединститутни эндигина битириб, аспирантура ҳаракатида эди. У аспирантурага кира олмади. Бекорга икки ой умри ўтиб кетди. Министрликнинг тақсимотидан ҳам тушиб қолди. Унинг устига, Ҳакимжоннинг қимлиги маълум бўлди. Икки йил қалбида эъзозланган муҳаббат ҳислари уни алдади. Ҳакимжон у билан ҳамкурс, келишган, қора кош, қора кўз йиғит эди. Бир-бирларини яхши кўришарди. Институтни битириб, тўй қилишмоқчи эди. Дипломлар қўлга теккандан кейин Ҳакимжон бутунлай бошқа одам бўлди кўйдн. Қўлида врачлик дипломи бўла туриб, эски касбини қилиб, аллақайси поликлиникага тиш техникни бўлиб жойлашиб олди. Азиза кўп ўйларди. Ўйлаган сари Ҳакимжон ундан нари кетарди. У эртаги кунини кўз олдига келтиришга уринарди. Аммо эртаси Ҳакимжонсиз бўлиб кўринарди.

Нималар бўляпти, деб ўзидан сўраёлмасди Азиза. Аммо шу хаёллар орасида Ҳакимжоннинг қоп-қора кўзлари бир ялт этарди-ю, унинг қалбини бир дам ёритиб, бутун вужудига ҳоким бўлиб оларди.

Азиза ўйлади, ўйлади, бу ўйларининг охири шу бўлдики, қанчалик қийин бўлмасин, уни юракдан сидириб ташлаш керак, деган хулосага келди.

Ҳакимжон энди у билан жуда бепарво гаплашар, ҳиссиз, ҳаяжонсиз, ўлик гаплар билан унинг вақтини оларди. Шундай учрашувларининг бирида Азиза унга энди учрашмайлик, йўлимиз бошқа-бошқага ўхшайди, деди.

Бу гап Ҳакимжонга унча малол келмади. Гўё бу гапни у кўпдан кутаётгандек:

— Ихтиёр ўзингда, аммо билиб кўй, бир кун пушаймон бўлиб юрма, — деди.

Азиза унинг юзига тик қаради:

— Хеч қачон!

Ана шундан кейин ораларида ҳеч нарса қолмади. Тўрт ойдан кейин унинг уйланганини эшитган Азиза бир сескангандек бўлди. Шу пайтгача юрагининг бир четинда Ҳакимжон ўчаётган чўдек гоҳ йилт этиб, гоҳ сўниб турарди. Энди бу чўғнинг юзини бутунлай кул босгандек бўлди. Аммо бирон баҳона бўлиб биринчи муҳаббат эсига келганда, Азиза бекор кетган ҳисларига ачинарди-ю, Ҳакимжоннинг кўзлари оловдек чакнаб, вужудининг бир четини жиз этиб кўйдириб кўярди.

У кунлар ўтиб кетди. Азиза чинакам муҳаббатини тонган, шу муҳаббат ҳислари билан энди у бахтиёр эди.

Зумраднинг садаф тишлари Азизани бир нафас бўлса ҳам болалик кўчаларига судрагандек бўлди.

Тепаликка чиққунча Азиза чарчаб қолди. Икковлари кўкатга ўтиришди. У жувоининг атрофини ажин ўрай бошлаган кўзларидан кўзини узмасди.

Қандай чиройли қиз эди-я. Ҳусн ҳам шунчалик тез тугарканми?

Бир вақтлар ҳусни, санъати билан ҳаммани дол қилган қиз қандайдир аянич бир аҳволда Азизанинг қаршисида ўтирарди. Унинг эғнида ранги ўчиб, гуллари билиб бўлмайдиган ҳолга келган крендешини кўйлақ, оёғида аллақачон модадан қолган қора туфли, бошида дуррача.

Қандоқ кийинарди-я! Студентлар ётоғидаги қизлар фақат унинг кийимларини гапиришарди, газетадан андаза қирқиб, жўн матолардан униқига ўхшаган кўйлақ тикишарди.

Жувои ўрнидан турди. Фириллаб эсаётган шабада кўйлақларини тортқилаб, этакларини белига ўраб ташлади. Ҳали ҳам унинг қомати ўшандай нозик, аллақандай ёшлиқ тароватини уфуриб турарди.

Ўйла тушишди. Пастликлардаги арчазор орасидан дам олиш уйларининг корпуслари, баланд чўқкиларда эриган шамдек осилиб қолган қор уюмлари кўриниб турарди. Пастда асфальт тасмасидан югурган қизил, қўқ автобуслар болаларининг ўйинчоғидек бўлиб кўзга ташланарди.

Улар сўқмоқдан ошиб, кенггина йўлга чиқиб олишди. Сал ўтмай, тоғ қишлоғининг ободгина гузари кўринди.

— Етдик, — деди у. — Ҳу, анови қайроғочининг таги бизники.

Гузарда бир-икки магазин, чойхона, автобус станцияси, сартарошхона бор эди.

— Шошманг, — деди Азиза тўхтаб. — Сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим, сиз Зумрадхон эмасмиёсиз?

У боши ирғаб қўйди. Аммо бу савол кўнглига оғирроқ ботдимми, ё бирор кўнгилсиз воқеани эслатиб қўйдимми, жадал юриб олдинга ўтиб олди-да унга қарамай деди:

— Ха, ўша Зумрадман. Мана, келдик.

Унинг овозида қандайдир аламли титраш бор эди.

Бир тавақали эшикдан кенгина ховлига киришди. Уй билан айвон пойдевори тоғ қишлоқларига хос харсангдан кўтарилган бўлиб, деворнинг нариги томонига қараб ўсган кекса тутнинг илдизлари очилиб ётарди. Азиза томирини сел ювиб кетган бўлса керак, деб ўйлади.

Тандирга ўт қалаётган кампир тутаетган косовининг учини ариққа тикиб, четга ташлади-да, уларнинг истикболига чиқди.

— Келдингизми, айланай. Эркинжон энди ухлади.

Айвондаги кичкинагина паншахонада бола ухларди. Азиза паншахонанинг четини кўтариб, боланинг пешонасини ушлаб кўрди: сал иситмаси бор.

Боланинг юз тузилишлари, қон-қора қонлари унинг кўксига найзадек санчилгандек бўлди. Ким бу? Бу кимнинг боласи?

Зумрад тут тагидаги салқин сунага жой қилиб бўлган эди. Азиза ҳардамхаёл билан сунага келди. У Зумраднинг қандайдир маҳзун қиёфасига тикилар экан, хаяжонини яширолмади.

— Менга қаранг, бу ерларда нима қилиб юрибсиз. Ахир сиз пойтахт йиғитларининг орзуси эдингиз. Нима бўлди?

Зумрад кўзларини бир нуктага тикиб туриб қолди. Киприклари орасида нимадир милт-милт қилиб турарди. У кўзини яширди-да, дуррачасининг учи билан артиб олди. Зўр билан илжайди.

— Пешона экан. Такдир ўйини кимларни сарсон қилмаган.

Кампир тандирдан узилган бир сават поини суна четига қўйиб кетди. Зумрад чўғ ушлагандек чаққонлик билан тўртта кулчани дастурхонга олиб қўйди.

— Айтнинг. Зумрад, нима бўлди? — дея яна саволини такрорлади Азиза.

Чой устида Зумрад бошидан ўтганларини гапириб берди:

— Хамма бало битта озиқ тишим оғришидан бошлан-

ган. Индонезиядан келган меҳмонларга концерт беришимиз керак эди. Ўша кунни эрталаб турсам, тишим зиркираб оғрияпти. Бир кун аввал паркда мороженое еган эдим. Оғрик зўрайганидан зўрайиб, бир ёқ юзим-пиёладек шишиб чиқипти. Нима қилишимни билмайман. Поликлиникага қараб чопдим. Ёшгина, келишгангина тиш доктори жағимни очиб қараб, шиш пайтида суғуриб бўлмайдди, деб дори суриб қўйдди. Оғрик азобида уйимга кетяпману, докторнинг қоп-қора қошлари хаёлимдан кетмайдди. Кечкурун бўладиган концерт ҳам кўзимга кўринмай, кўрпага бурканиб ётиб олдим. Хали ҳам докторнинг қош-кўзи шундоққина кўриниб турибди. Яна олдига бордим. Яна дори қўйиб, яна эртага келинг, деди. Хозир эсимда йўқ, тишимни суғургандан олдинми паркка бордик. Шу-шу бўлди-ю, ҳар кунни учрашадиган бўлиб қолдик. У ҳар концертимизга келарди. Олдинги қаторга ўтириб, менинг чиқишимни кутарди. Мен ўшанда фақат унга ўйнаб бераётгандек бутун кучимни, санъатимни сарф қилиб ўйнардим. Тамошадан кейин бирга кетардик. Уйимгача кузатиб қўярди. Бир кунни саҳнада ўйнаб турибману, залдан уни кидираман. Йўқ. Келмапти. Бунақа одати йўқ эди-ку, деб ташвиш қиламан. Қандай қилиб ўйинни тамом қилганимни билмадим. Саҳна орқасидан чиқиб келаётсам, чиройлик-кина бир қиз рўмолга ўралиб турибди. Тўхтадим.

Қиз ботинкирамай олдимга келди-да, титроқ товушда деди:

— Бахтимга гов бўлманг. Ҳакимжон акамни мен севаман.

Аввалига ҳеч нарса тушунмадим. Кейин бирдан баданим музлаб қолгандек бўлди.

Ўша кунни уйга қандоқ етиб борганимни билмайман. Эртанги концертда биринчи раксни жуда ҳам ёмон ўйнадим. Бир-икки одам примига чапак чалгандек бўлди. Бир маҳал қарасам, иккинчи қаторнинг четроғида Ҳакимжон ўтирибди. Билмадим, қаердан куч пайдо бўлди. Бир ўйнаб кетдим. Чапак устига чапак. Тўрт марта ўйнатишди. Чиқиб кетаётганимда Ҳакимжон йўлимни тўсди. Индамай ўтиб кетавердим. Бир нима дейишга тилим йўқ. Уни ҳам ҳайдагим, ҳам чақиргим келади. Ўзимни қўлга олиб, энди учрашмайлик, сизни бошқа одам севаркан, дедим. Ҳакимжон хандон ташлаб кулади. Ҳадеб, вой тентак қиз-э, вой аҳмоқ қиз-э, деб хиринглайверди. Ана шундан кейин турмуш қурдик. Бошида яхши яшадик. Кейин мени театрга юбормай қўйдди, чидадим. Уни жонимдан ҳам яхши кўрардим. Нима деса тайёр эдим. У

кўп ишлар, кўп пул топарди. Бир бола кўрдим. Эрим хар ёз шу Осмасойда дўкон очади. Атрофда дам олиш уйлари кўп бўлганидан тиш олдириб, тиш солдирадиганларнинг кети узилмайди.

Тиш солдириш баҳонаси билан бир жувонга илакишиб қолди. Хар кеча дўконда қолиб унинг тишини қовлайди. Ахири, у билан кетди. Битта болам билан йўл пойлаб ўтирибман. Ким билади, бировнинг бахтига чанг солганим учун тақдир мени жазолаяптими? Ёлғизлик жонимга тегди. Мен муҳаббатга ўзимни қурбон қилмоқчи эдим. Йўқ, бўлмади. Қарс икки қўлдан чиқар экан. Энди яна театрга қайтмоқчиман...

Бола уйғониб, онасини чақирди. Зумрад шошиб зинадан тушди-ю, айвонга қараб чопди. Чонаётганида сочларининг тўлкин уриши бирам чиройли, бирам ўзига ярашқли. Азиза пиёладаги чойни дастурхонга қўйиб, унинг кетидан борди.

Бола кўзини очган. Зумрад тепасида меҳр билан унга қараб турарди. Азиза боланинг кўзини кўрди. Ха, ўша Хақимжоннинг кўзлари.

— Ана, доктор онанг дори берадилар, тузалиб кетасан, кўзим.

Азиза боланинг томоғига чой қошиқининг орқасини тикиб, танглайини қаради, кўз милкларини очиб кўрди.

— Ташвиш қилманг, шамоллапти. Дори ёзиб бераман, тузалиб қолади.

— Эртадан кечгача чўмилгани чўмилган. Биласиз-ку, тоғдан муздек қор суви келади, унга чўмилиб бўлади-ми...

Зумрад Азизани гузаргача кузатиб чиқди.

Кеч кириб, қуёш чўккидан ҳатлаб ўтиб, энди ён бағирларда гунафша ранг соялар қолганди.

Азиза сокин тоғ сўкмоғидан кетаркан ўйларди. Ўйларди-ю, ўйи чувалиб, уни олисларга судраб кетарди.

У ёшлигини, биринчи муҳаббатини ўйлаганда, элаганда ҳамиша ўша дилга маҳкам ўришиб олган муҳаббат ҳислари бағрига чақирарди. Хақимжоннинг оловдек ёниб турган кўзлари бир дам кўксини бошқатдан куйдириб ўтарди. Шу бир оний хотира уни энтиктирарди.

Энди-чи?

Азиза бағрига чақираётган биринчи муҳаббат билан ҳозир юзма-юз турибди. У кўзларда энди ўт йўқ, улар шармсизлик ойнаси, йўқ, йўқ, нурсиз бир шиша сииғи бўлиб кўриняпти унга.

Агар Азиза ўшанда мухаббатнинг алдамчи хисларига берилганда, ўз продасини қўлига ололмаганда, у ана шу алданган аёлдан ҳам аввал курбон бўларди.

Азиза шунинг эслади-ю, бирдан сесканиб кетди. Қадами тезлашди.

Зумрад-чи?

Бир вақтлар саҳнада юлдуз бўлиб порлаган бу санъаткор энди ожиз бир аёлга айланибди.

У шу ахволда қолармикин?

Чинакам зумрад порлаши керак.

Соғинсиз прожекторларнинг нурида у хали кўп ихлосмандларнинг кўзини ўйнатиши керак. Чинакам зумрад бўлиб жилваланиши керак.

Азиза шундай хаёллар билан битта-битта босиб кетаркан, пастда, асфальтга чиқаверишдаги ёлғизоёқ йўлда велосипед миниб кетаётган кишини кўрмасди. У киши хали паст-баланд тоғ йўлидан шу ахволда аллақанча йўл босини керак.

Қуёш бутунлай ботиб кетди. Осмону фалакда сузиб юрган кўрпадек увада булутгина кип-қизил чўғ бўлиб ёнарди.

1965 йил.

## М Ў Т Т И

### «Оҳангарон ҳикоялари»дан

Иномжон автобусдан тушини биланок, шаҳарда мажнун бўлиб юрмай деб сартарошхонага кирди. Уста юзига совун сураётганида ойнадан кизик бир нарсани кўриб қолди. Икки қовоғига автобус билетидек қоғоз ёпиштириб олган қоши нидек бир киз қўлларини столга қўйиб қимирламай ўтирибди. Оқ ҳалат кийган хотин унинг тирноғини бўяётди. Иномжон бу кизни қаердадир кўргандек бўлди. Ўйлаб-ўйлаб эслолмади.

Узоқдан кўрган, яқиндан кўрган, гаплашган жамини кизларини бир-бир эслади. Бироқ улар орасидан бу кизни тополмади.

Уста унинг соқолларини қиртишлаб, сочларини текислаб ҳам бўлдики, Иномжон хаёлдан бўшамасди. Вашиллатиб юзига атир сепгандагина юзи ачишиб, ўзига келди. У ўрнидан туриб ташқарига чиқаётганда атайини кизга тикилиб қараб ўтиб кетди.

Иномжон папирос чекди. У ёқ-бу ёққа юриб ўйлади, скамейкага ўтириб ўйлади. Деразадан бош суқиб яна

ичкарига қаради. Энди уста кизининг қовонидан қовозларини олиб, кишигини тўмтоқ қайчи билан қайираётган эди.

Иномжон, то киз ишини битириб чиққунинча, пойлашига аҳд қилди. Охири киз савзи тахтадек сумкасини қўлтиғига сукиб, ичкаридан чиқди.

Унинг эғнида оқ капрон кофта. Ички кийимларининг тасмалари бемалол кўриниб турибди. Разм солиб қараган одам юзидаги сенкилидан елкаларида ҳам борлигини билиб олса бўлади. Белини кизил камар билан шундай сиқиб боғлабдики, икки бўлак одамга ўхшайди. Агар жиндек эгилса юқориси тушиб кетадигандек. У Иномжоннинг ўзига тикилиб турганини сезганидан атайлаб ғамза билан ёнидан ўтди. Иномжон безовталанди. «Чекилмасин!» дейилган жойда панпрос чекиб қўйгандек, ҳали муҳаббат ўти тушмаган йиғит юрагига ғулғула тушди. Иномжон беихтиёр унга эрганди. Қиз тўхтаб, магазин витринасига ўзини солиб, сочларини тузатиб олди. Кейин масхара қилаётгандек бир илжайди-да, тўхтаган автобусга илдам чиқиб олди.

Иномжон Оҳангаронга бундан олдин ҳам бир келган. Курсдошлари билан практикага келиб конга тушган. Смена мастери уни биринчи марта ер остига олиб тушганида Иномжоннинг бўладигани бўлган эди. Бир елкасида газ ниқоб, бир елкасида батарея, пешонасида чирок, тепасида уч юз метр қаллиликдаги ер. У ёнидан-бу ёнидан вагонетка гувиллаб югуради, оёғининг тагидан транспортёр лентаси ёқиқллаб ўтади. Бу ернинг турган-битгани ваҳима бўлиб туюлган эди унга. Ранги қум оқариб, тили гапга келмай қолганди. Ўшанда мастер унинг рангини кўриб кўрқиб кетган, сменасини тугатиб чиқаётган стрелкачи киздан уни юқорига «бериб юборган» эди. Қиз тушмагур ҳам жуда шайтон экан. Афт-башараси қопқора, худди мўри тозалаганга ўхшайди. Ҳар кулганида оппоқ тишлари қоронғида гугурт чакқандек ялтирайди. Айниқса, ер юзига олиб чиқадиган келетнинг тушишини кутиб ўтиришганда «Ерга чиққанимизда ярим соатча кўзингизни чирт юмиб олинг, биринчи марта қоронғида ўрганган кўз ёруққа чидамай, кўр бўлиб қолади» деб тайинлаган эди.

Улар ерга чиқишганида киз уни бир чеккага ўтказиб, ўзи аллақаяққа ғойиб бўлди.

Иномжон кўзини юмиб, ўтган-кетгандан соат сўраб диққат бўлиб кетди. Йўловчи бир киши, бу бола кўр бўлиб қопти, деган гумон билан унинг олдига келди. Гапга солиб кўрса, уни кимдир лақиллатган экан.

— Э, кўзингни оч, бола, ким нима деса ишонаверасанми!

Иномжон дилига озор берган ўша кизни қайта учратмади. Учратганида ҳам уни таниёлармиди? Бунинг устига, практика тугаб, Иномжон Тошкентга қайтиб кетганди. Аммо бу сирни лом-ним деб бировга айтмади. У айтмаган бўлса ҳам Оҳангаронда Мўттихон-Лўттихон бир йиғитни лақиллатгани дoston бўлган эди. Албатта, бу гаплардан Иномжоннинг хабари йўқ.

Хозир Иномжон киз кетган томонга анграйиб туриб ўша бўлган воқеани эслаб, хижолатликдан илжайиб кўйди. Бугун дам олиш арафаси бўлганидан шахта бошлиғига барвактроқ учрашиб, бошқарма йўлланмасини тошириши, қаерда ва ким бўлиб ишлашини аниқлаб олиши керак.

Иномжон қадамни жадаллаб, кон бошқармасига қараб кетди. Ўша куннёқ уни навалоотбойшчилар бригадасига шогирдликка тайин қилишди. Ётоқ олди. Бригада бошлиғи калладор, ўрта бармоғига узук таққан йиғит экан. У Иномжонга бошдан-оёқ қараб чиқди-да, унинг лабидаги «Беломор»нинг юлиб олиб, туфдонга улоқтирди. Кейин девордаги «Ичадиган, чекадиган одам кончи бўлмай кўя қолсин!» деган ёзувни кўрсатди. Иномжон нндамай серрайиб турарди.

Дам олиш куни йиғитлар Тешиктошнинг самоварида ош қилишди. Бригадир Иномжонни ҳам олиб кетди. Йўлда яхши кўрган кизи борми-йўқлигини сўради.

— Хали ёш экансан, эҳтиёт бўл, Лўттига ўхшаганларнинг қўлига тушиб қолма тагин. У шайтон-а!

Иномжон Лўтти ким, нега лақиллатиб кетади, — бу тўғрида сўрамади.

— Бултур техникумдан келган бўш баёвгина практикант болани бир соат кўзини юмдириб кўйиб, лақиллатиб кетган. Сен ҳам ўшанақаларнинг қўлига тушиб қолма!

Иномжон кизариб кетди, аммо лом-ним деб оғиз очмади.

Ош устида бўлган гапдан маълум бўлдики, номи Мўтти бўлса ҳам кўп йиғитларни лақиллатганидан Лўтти деб ном олган бу киз шахардаги энг тамтамларнинг бири экан. Унга гап қотмаган, ундан дакки емаган биронта ҳам ўспирин қолмабди. Хуллас, бу киз ўз кўнглига мос йиғит муҳаббатини изларди.

Эртасига Иномжон конга тушди. Бригадир Иномжонни ўз ёнидан нари кеткизмади. Забойга етиб келишганда пневматик болғани унинг қўлига бериб, қандай ушлашни,

катламга қандай ботиришни кўрсатди. Бу ишларни Иномжон биларди. Техникумда ўқиб юрганида ер тагида бўлмаса ҳам, очик карьерда бунақа болта билан кўмир кўчирган эди. Шунинг учун ҳам қўли келиша қолди. Бригадир унинг ишни кузатиб турганида смена мастери келиб, юкорида бошлиқ чақираётганини айтди. Бригадир забойда Иномжонни ёлғиз қолдириб, энгашганча орқасига қайтди. Иномжон ишга берилиб, кўмир қатламларини палахса-палахса қилиб кўчира бошлади. Кўчган кўмир харсанглари транспортёр лентасида қоронғи йўлакларга кириб кетмоқда. Қўлида, тинимсиз титраб турган оғир болғанинг ҳаракатидан Иномжоннинг биллаги толиб кетди. Моторни ўчириб, бирпас ором олиш учун кўмир харсангига ўтирди. Ўтирди-ю, юрагини ваҳм босиб кетди. Қаерда ўтирибди? Уч юз метр ернинг тагида-я! Унинг тепасида неча мишг тонна ер. Иномжон кўзларини ширинратиб секин тепага қаради. Оғир ер қатламини кўтариб турган йўғон тиргович ходалар қисирлайди. Худди ер силжиб шу ходаларни гугурт чўшидек майдалаб ташлайдигандек. Забой оғзида тирговичга сўяниб бир қиз кўзларини катта-катта очиб турарди:

— Ер чўкяпти. Елканг билан тираб тур, ҳозир авария бригадасини чақираман!

Қиз шундай деди-ю, ғойиб бўлди. Иномжон шахт ўрнидан туриб, тепасидаги каттакон кўмир харсангига елкасини тиради. У шу бўйи қанча турганини эслолмади. Бригадир келганда ҳам шу аҳволда турарди.

— Нима қилиб турибсиз? Нега ишламаяпсан?

— Ер чўкяпти, кўтариб турибман.

Бригадирнинг жаҳли чиқиб кетди.

— Лақма бола экансан-ку! Ким айтди сенга кўтариб тур деб?

— Бир қиз шундай деди, ўзи авария бригадасини чақиргани кетди.

— Э овсар, сен ҳам Лўттининг қўлига тушибсан! Ер чўкса, сен кўтариб қололаркансанми? Бор, ишингни қил!

Иномжон ўсал бўлганидан, зирқираб оғриб турган елкасини силаб, болғани қўлига олди. Бирдан унинг эсига ўтган йили лақиллатиб кетган қизнинг оппоқ тишлари кўриниб кетди.

Ўша! Ўша шаддод қиз, бугун ҳам қўлга туширди уни!

Кечқурун ётоқда фақат шу гап бўлди. Йиғитлар қотиб-қотиб кулишар, Иномжонни эрмак қилишарди...

Орадан ўн беш кун ўтди. Бу орада Иномжон йиғитларга гоҳ эрмак бўлди, гоҳ уларни иш билан қойил

қолдирди. Биринчи маош кунни смена тугамасдан забойга бош инженер тушди. У Иномжоннинг ишларини илгарилар ҳам зимдан кузатиб юрар экан, айниқса, бугун унинг ишни бемалол уддалаётганини кўриб, шогирдликдан мустақил навалоотбойишчиликка ўтишга рухсат бериб кетди.

У гардеробда газничоб, фонарь ва батареяларни топираётганда икки марта уни лақиллатиб кетган ўша Мўттихон бир буклам қоғоз узатди. У шошиб қоғозни очди. Хат. «Мустақил ишга ўтишингиз билан табриклайман. Вақтингиз бўлса, ҳамётоқларингизга чап бериб, соат олти яримда кончилар маданият саройига келинг. Мўтти».

Иномжон аввалига, бу қиз мени яна лақиллатяпти, деб ўйлади. Хатни ёнига солиб, биринчи маошдан поччасига совға олиш учун магазинга қараб кетди.

Иномжон етимликда ўсган бола. У опасининг қўлида тарбия кўрган. Поччаси унча топишли-тутишли бўлмаса ҳам, етим болаларни бағрига олиб, ўкситмай еб-ичирди. Ишчи одам рўзғордан сиқиштириб, Иномжоннинг техникумни битиришига янги костюм олиб берди. Эрининг одамгарчилигидан опаси йиғлаб ҳам олди. Эр-хотин уни бундан ўн беш кун олдин учирма қилиб, Оҳангаронга ишга кузатиб қолишди. Кетаётганида опаси уни четга қақриб: «Биринчи маош олганингда кичкинагина бўлса ҳам, поччангга совға ол, севинади» деб тайинлаган эди. Иномжон шундай қилди. Биринчи маошдан поччасига этик олди.

Ётоққа қайтиб келса, йиғитлар ҳар ёққа кетиб қолишибди. У нима қилишини билмай, кўчадаги скамейкага ўтириб, ўтган-кетганларни тамоша қила бошлади. Бир маҳал унинг димоғига атир ҳиди гупиллаб урилди. Қараса, биринчи кунни келганида сартарошхонада кўрган стилияга қиз ундан уч-тўрт қадам нарида илжайиб турибди. Унинг эғнида ўша капрон кофта. Юзидаги сепкиллари упа қўйганидан билинмай кетибди. Иномжоннинг юраги гупиллаб ура бошлади. Қиз унга томон икки қадам босди.

— Мумкинми, бир оғиз гап сўрасам?

Иномжон нима дейишини билмай довдиради.

Қиз кулиб юборди. Унинг оппоқ тишлари унга жуда таниш кўринди.

— Сиз, сиз ўша Мўттихон...

Қиз ингичка қошларини кериб илжайди. Иномжон серрайганча туриб қолди.

Шаҳар стилияларини бир чўқишда қочирадиган бу қиз Иномжонни тамоман лол қилиб қўйган эди. Бундан

бир соат аввалги аҳволнинг кўрган одам уни мутлақо танимасди. Боя унинг афт-башарасини қон-қора, бошидаги яшил косинкаси ҳам кўмир қурумидан қорайиб кетган, эғнидаги қалин брезент курткеси, шими, елкасига осиб олган газниқоб, батарея, оёғидаги резинка этик уни тамоман бошқа одам қилиб қўйган эди.

Энди-чи, қурум босган башарасига уна қўйган, эғнида оқ капрон кофта, оёғига пошпаси бигиз туфли кийган, сочини хурпайтириб, бутун елкасига тўзғитиб юборган, лаби кип-қизил, ўзи бўлса атирга чўмилгандек.

Иномжон икки марта лақиллаб, охири унинг муҳаббатига сазовор бўлганини билмай қолди. Ҳам ишни, ҳам олифтагарчиликни қойил қиладиган шайтон қиз эди. Иномжонни ўзига тамоман ром қилиб олган эди. Иномжон муҳаббат тўрига тушди.

Ўша кеча Иномжон ётоққа ҳаммадан кеч қайтди. Йиғитлар ундан ҳавотир олиб, анча вақтгача ухламай кутиб ўтиришди. Эрталаб қаранса, Иномжондан гуп-гуп атир ҳиди келади. Уйқусида ҳам илжаяди. Ҳар балони биладиган бригадир бошини сарак-сарак қилиб, қойил қолганини яширолмади:

— Тамом! Боладан айрилибмиз!

Унинг айтгани келди. Кечалари Иномжон алла-паллагача йўқ бўлиб кетадиган, комендантнинг энчасини қотириб, қоқ ярим кечада шимига дазмол босадиган қилиқ чиқазди. Унинг бу ҳаракатлари йиғитларга малол келса ҳам, Мўттихоннинг меҳрини тортган ундаги аллақандай меҳриғиёга тан беришган эди.

Бир куни бригада сменадан чиқиб келаётганда Иномжон улардан суғурилиб стрелкачи қиз Мўттихоннинг олдида қолди.

Олифта Мўттихоннинг фасонлари ер юзида қолган. Қоракуяга беланиб кетган бўлса ҳам, бари бир аёллик ҳисси волиб келиб, бир стакан сувга иккита атиргулли солиб қўйибди. Туянинг кўзидек ойначага қараб ҳадеб сочини тузатар, лабига ҳафсала билан помада сурарди.

Биринчи смена ишни тугатиб, ерга чиқиб кетган, иккинчи смена ҳали тушмаган. Ер тагида улардан бошқа одам боласи йўқ эди.

Қора ернинг қаърида шамол гувиллайди. Ер қатлами силжиб шитирлайди. Йўғон тиқовичлар қисирлаб синади. Юқоридан силқиб келаётган сувлар чак-чак томади.

Қоракуяга беланган икки ошиқ-маъшук ҳеч нарсани сезмайди.

Қора туннеллардаги чироқлар уларга баҳор осмонининг чакнаган юлдузлари, томаётган сувлари савр ойининг жаласи, тирговичларининг қасирлаши кўклам момақалдироқлари бўлиб туюлади.

Тепада босиб ётган печа юз минг тоннали ер қатламини муҳаббатнинг азамат елкаси кўтариб тургандек эди.

1961 йил.

## СУМБУЛ

(«Сурхон ҳикоялари»дан)

Ваҳобжон Деновга бемаҳал келганидан у ёқ-бу ёққа телефон қилиб, ҳеч кимни тополмади. Охири ўйлаб-ўйлаб колхоз меҳмонхонасида тунаб қолишни маъқул кўрди. Меҳмонхона қоровули чопонини бошига ёпиб ухлаб ётган экан, унинг илтимосига дўнғиллаб-дўнғиллаб зўрға кўнди.

Ваҳобжон ишлаган пайтларда бунақа бой йўқ эди. Меҳмонхона ҳам кейин қурилибди. Қоровул уни айланма тахта зинадан бошлаб чиқиб, чироқни ёққанда, икковлари бир-бирларига тикилиб қолишди.

— Кўзимга иссиқ кўришасан, ука. Қаерда кўрганман?..

— Мен сизни танияман. Қосим ака эмасми сиз? Бундан йиғирма олти йил олдин кўричагингизни кесиб ташлаган эдим.

Қосим аканинг кўзлари чакнаб кетди.

— Анавунини қаранг-а, анавунини қаранг-а! Вой, жонингдан...

Қосим ака унинг кўлидаги чамадонини олиб, қаерга қўйишини билмай, хонани бир айланиб чиқди. Охири стол устига қўйиб, унга қаради. Кейин чамадонни яна олиб, ушлаб турганча гапира бошлади:

— Тирик одам ахир бир кун бир-бирини кўрар экан. Тан-жонингиз соғми? Мўнни қаранг-а. Ҳозир, ҳозир...

У гапини тугатмай, йиғитлардек чакқонлик билан зинадан тушиб кетди. Сал ўтмай пастдан тўқ-тўқ ўтин ёрган товуш эшитилди. Ваҳобжон деразани очиб юборди. Кеч куз бўлишига қарамай, кўклам ҳавоси уйга ёпирилди. Тошкентдан чиқаётганда изғирин жонини ачитар, аллақачон яланғоч бўлиб қолган новдаларни буйдалар эди.

Хурмозор орқасидан ярим палла тарвуздек қин-қизил ой кўтарила бошлади. Ваҳобжон паширос қулини ташлаш учун кулдон қидириб уёк-буёкка алаиғлаган эди, буфет устида турган кулранг нарсага кўзи тушди. Бейхтиёр яқин бориб қаради. Қарадию бадани ғалати сесканди. Бу дур боғланган сумбул бутоғи эди. Қўлига олди. Паижадек бутуқлар усти новвот дуридек қалинлашиб кетган, соч толасидек сумбул новдаси фақат дурининг синган жоїидан аранг кўриниб турарди.

У сумбулни кўлига олиб, чирок тағига келди. Қўллари бейхтиёр титради. Шу пайт Қосим ака патинида хурмо, анор, олма олиб чиқди. Ваҳобжон унга йўл бераман деб, кўлидан сумбул дурини тушириб юборди. Сумбул полга тушиб жараиғлаб сипди. Ваҳобжон афсусланиб, дур бўлақларини териб олар экан, Қосим акага гуноҳқорона қаради.

— Ҳечқиси йўқ, сероб нарса. Хурмони эрмак қилиб туринг, ҳозир чой дамлаб чиқаман.

Ваҳобжон сумбул синиқларига тикилиб, ўйлаб кетди. У бу сумбулларнинг қаерда борлигини билади. Сумбулсойда хаёл суриб ўтирган кунларини эслади.

Ваҳобжон урушдан олдин медицина техникумини тугатиб, Сумбулсойга юборилган эди. Сумбулсой тоғ оралиғидаги қишлоқ. Паста баланд тепаликлар, арча ва қарағайларга бурканган ён бағирлар, кўзёшидек тиниқ булоқлар, майда барг азамат толлар кўйида мудраган сўлим қишлоқ.

Қишлоқнинг қоқ белидан кесиб ўтган соїдан кечиб адирга кўтарилса, бутун қишлоқ кафтда тургандек кўринади. Адирнинг орқасида эса тик жарлик. Бу жарликда фақат қушларнинг чирқиллашию шамолнинг гувиллаши эшитилади, холос. Жарлик тубида мажнунтоллар кўйи-га яширинган Сумбулсой бор. Қишлоқ йиғитлари ёзининг жазирама кунлари адир ошиб шу жарга тушишарди. Худди новвотдан ясалган қасрдек, Сумбулсойда бир текис шувиллаган томчиларга кулоқ солиб, соатлаб ўй суриб қолишарди. Унгулардан осилган соч толасидек қора сумбул новдаларидан шудринг томади. Йиллар ўтиб бу шудринглар тошга айланади. Сумбул толалари йўғонлашиб, баъзан ток зангидек дурга айланади.

Ваҳобжон ҳам Сумбулсойда соатлаб қолиб кетарди. Шу ерда сумбул толаларидан тўкилаётган томчиларининг қўл соат чиқиллашига ўхшаш товушига кулоқ солиб, кўнглига ўт солган кизнинг келишини кутарди. Тоғлиқлар одати ёмон. Қиз боланинг йиғит билан хилватда

туришганини кўришса, катта жанжал чиқади. Шунга қарамай, қиз келарди. Адирлардан ошиб, тошлар панасида биқиниб, Сумбулсойга етиб келарди.

Гулсум кишлоқнинг ўқимишли кизи эди. У ота-онасининг қаршилигига қарамай, Самарқанддаги ҳамширалар курсини битириб келган. Амбулаторияда Ваҳобжоннинг қўлида ишларди. У пайтларда кишлоқ аёллари эркак докторга кўринмасдилар. Ваҳобжон учун Гулсум ниҳоятда зарур эди.

Ваҳобжон билан Гулсум Сумбулсойда жуда кўп марта учрашди. Ишк-мухаббат ўртаган юракларини бир-бирларига тикилиб овутишарди. Аммо кичкинагина кишлоқда бундай сирининг ўзоқ сақланиб қолиши мумкин эмас эди.

Кимдир уларнинг Сумбулсойда учрашишларини пайқаб қолган. Ана шундай учрашишларининг бирида тўрт-беш йилгит уларнинг йўлини пойлаб, Сумбулсойда тутиб олишди.

Қизни кўйиб юборишади-ю, Ваҳобжонни кишлоққа олиб тушишади. Бетига қора суртиб, эшакка тесқари миндирганча кишлоқдан чиқариб юборишади.

Чўлда қўли боғлиқ, эшакка тесқари минган Ваҳобжоннинг қўлини чўпон чол ечиб юборади, унга раҳми келиб, отида Денов йўлигача чиқариб қўяди. Чўпон чолнинг гаплари ҳали ҳам Ваҳобжоннинг қулоғида:

— Одатимиз қурсин, болам. Келгиндига қиз бермаймиз. Қизимизга сал мундайроқ қарагани аямаймиз.

Ўшанда Ваҳобжон Деновга тонготар пайтида кириб келганди. Одамларнинг кўзлари бесаранжом. Ҳамма ташвишда. Уруш бошланибди.

Эртага бутун районда доктор боланинг бетига қора суртилгани, эшакка тесқари миниб, кишлоқдан қочгани овоза бўлади. Кетиш керак, бутунлай кетиш керак. Уруш бошланибди. Урушга кетгани маъқул.

Ваҳобжон тўппа-тўғри Ҳарбий комиссариатга учрашди-ю, эртасигаёқ армияга жўнаб кетди.

Қирк йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, дейдилар. Ваҳобжон фронтда тўрт йил кезди. Қанча ярадорларни жанг майдонидан судраб олиб чиқди. Қанча беҳол жангчига қон қўйди. Баданлари ўқдан илма-тешик бўлиб кетди.

Уруш тугаши билан тўғилиб ўсган кишлоғи Чинозга қайтиб келди. Дунё кезган одам бир жойда туролмас экан. Тошкентга келди. Институтга кириб, яна ўқишга шўнғиб кетди. У фронтда экан пайтларида икки-уч марта Сумбулсойга хат ёзиб, жавоб кутди. Аммо Гулсум ўрнига илмозис жавоб келди.

«Башаранг қоракуя, соғинган бўлсанг, келақол...»

Ана шундан кейин у хат ёзишни тўхтатди. Гулсумни ҳам, Сумбулсойни ҳам унутди.

Шу топда у дур боғлаган сумбул синикларини ушлаб туриб, ўша воесаларни бир-бир эслади. Кўнгли ҳам қувонч, ҳам алам билан ўртади. Қосим ака елкада со-чик, қўлида чойнак билан чиққанда у ана шундай ўйлар билан банд эди.

— Оббо, дўхтир ука-е, мунн қаранг-а, кўришаркан-миз-а. Тинч-омонмисиз? Эсингиздами, Сумбулсойдан қайтганингизда, бизникида тунаган эдингиз, ўзим армия-га кузатиб қўйган эдим.

Қосим ака асли деновлик бўлиб, ўтин кесин учун Сумбулсойга атайини борарди. Бир кун ёнғоқзорда сар-жин кесаётганда қоринни чангаллаб ётиб қолади. Икки йингит замбилда уни амбулаторияга олиб келишади. Ва-ҳобжон қараса, кўричаги түтиб қолган экан. У умрида операция қилмаган. Аммо уни дарров операция қилмаса, побуд бўлиши аниқ эди. Ваҳобжон таваккал деб операция қилади. Қосим ака омон қолади.

Ваҳобжон кишлоқдан қувилганда Деновга келиб, шу кишининг уйида тунаган эди. Мана, бемаҳалда у билан яна учрашиб қолди.

— Сиздан ўла-ўлгуича қарздорман. Қўлингиз енгил экан. Мутлақо тузалиб кетдим. Урушга ҳам бориб кел-дим. Икки орден, уч медаль олдим. Хўш, энди сўраб қўяй: биз томонларга сизни қайси шамол учирди?

— Қизим шу ерда. Икки оғ бўлди ишга келганига, Душанбедан қайта туриб, қизимни кўриб ўтай, дедим.

— Шунақами? Қани, чойга қаранг. Сиз бор пайтла-рингизда бунақа хурмолар йўқ эди, шекилли. Ҳозир ҳамма ёқ хурмозор, лимонзор бўлиб кетган. Ҳали Сум-булсойга йўлингиз тушмагандир? Ҳа, ажаб замонлар экан... Сумбулсойда ҳам ўзгаришлар катта.

Телефон жиринглади. Қосим ака трубкани олиб, «йўқ» деб жавоб бердию яна жойинга илиб қўйди.

— Ранси сўраяпти. Ранс Ойбаракка кетган.

Ваҳобжон бир бурда нон ушатиб, икки-уч шиёла чой ичди-да, яна ўрнидан туриб, ташқарига қаради. Ойдинда арчаларнинг учи балиқ скелетидек таралиб кўришади. Семон ариқда сув шалдираб оқади. Қайдадир саъва сай-райди. Осмон фалакда чирғини милтиратиб самолёт кетяпти. Унинг овози эшитилмайди.

Шу пайт электр лампаси секун-секун хиралашиб, қизил ипдек бўлиб қолди. Сал ўтмай у ҳам сўнди.

— Шунақа движок ўн иккигача ишлайди. Худо хоҳласа, бирон ҳафтадан кейин катта симга улаймиз. Ўшанда кечасию кундузи ёнадиган бўлади. Сим Нурекдан келяпти. Лампа ёкиб берайми?

— Йўқ, овора бўлманг. Ётаман. Йўлда уринибман шекилли.

Қосим ака қоронғида тимирскиланиб каравотга жой қилиб берди-да, гугурт чакиб, зинадан тушиб кетди.

Ваҳобжон ўрнига ётиб, анча вақтгача кўз юрмай, ўй суриб ётди. Бу жойларда кечган кунларининг ҳаммасини эслади. Кўзига Гулсум кўришиб кетди. Энди у ёшлигининг унутиб бўлмас бир парчаси бўлиб кўринарди. Ваҳобжон ўйлаб-ўйлаб, охири ухлаб қолди.

Қизи хат ёзганда, Деновдан қаерга юборишлари ҳам номаълум, деган эди. Эрталаб у шу ернинг ўзидан район соғлиқни сақлаш бўлимига телефон қилди. Қизини суриштирди. Унга Зарофатнинг Сумбулсой амбулаториясига ишга юборилганини айтишди.

Ажаб, ўзи ишлаган қишлоқ, ўзи ишлаган амбулаторияга энди қизи кетибди. Ваҳобжон иккиланиб ўтирмай ўша ёққа боришга қарор қилди.

Қосим ака билан хайр-хўшлашиб, гузарга чиқди. Китоб савдоси машинаси Сумбулсойга кетаётган экан, шофёрдан илтимос қилган эди, рози бўлди.

Энди у бир вақтлар эшакка тесқари миниб қочган йўлларидан кетяпти. Йўл-йўлакай шофёрни хайрон қолдириб, гоҳ кулади, гоҳ қошлари чимирилиб, жиддий бўлиб қолади.

Онда-сонда сел олиб кетган, тоғдан думалаб тушган тошлар бўлмаса, йўл яхши бўлиб кетибди. У ер-бу ерда янги иморатлар учраб қолади. Олисда эса, қишлоқни бағрига олган асрий қоялар садаф девор бўлиб турибди.

Машина айланма, паст-баланд йўллардан ўтиб, тоғ орасига қараб ўрмалади.

Сумбулсой ҳамон ўшандай. Ўша гердайган қоялар, ўша шарқирок телба сувлар. Ён бағирларида ўсган асрий арчалар орасида илашиб қолган булутлар соқин судраладди. Қираверишдаги тепа ортида Қизқўрғон кўкка интилган. Қизқўрғоннинг учини булут ўраган. Унинг қизғимтир танасида ўсган гнёҳлар ерга қараб осилган.

Ваҳобжон таниш манзараларга маҳлиё бўлиб бораркан, худди йиғитлик чоғи қайтиб келгандек энтикарди. Гўё ҳозир Гулсум жамалак сочларини силкитиб чопиб келаётгандек...

У шундай хаёллар билан амбулаторияга етганини

билмай қолди. Эшик олдида бир дам тўхтаб, у ёқ-бу ёққа қаради. Унинг худди ёнгинасидан тўлагина бир хотин гурсиллаб ўтди. У зина олдига келиб, тўфлисининг чапгини қоқиб, кириб кетаётган эди, Ваҳобжон гап қотди.

— Зарофат Ваҳобовани чақириб юбормайсизми?

Хотиннинг иши тифизроқ экан шекилли, жавоб ўрнига бош ирғаб кириб кетди. Сал ўтмай оқ халат кийган Зарофат чиқди. Дадасининг кутмаганда келишига ҳайрон бўлиб, қошларини кериб қараб турди-ю, бирдан унинг бағрига отилди. Ота-бола шу кўйи анча турди, кейин Зарофат уни ичкарига ундади. Ваҳобжон кўнмади.

— Ишингни қилавер, болам. Мен қишлоқни бирон соат айланиб келаман. Кечқурун яна қайтиб кетаман. Йўл устида кўриб ўтай дедим.

У, кизи ҳарчанд қилса ҳам, кўнмай, айлангани кетди.

Ваҳобжон Сумбулсойга боришга аҳд қилган эди. Ўша тарафга йўл олди.

Адир ўртасидан икки арава сифадиган йўл очинибди. Йўл тепасида ҳар жой-ҳар жойдан нов кесиб ўтган. Новнинг ёриғидан йўлга сув томиб турибди. Арава изларидан пастга қараб сув силжияпти. Ваҳобжон юқорига интилди. Тепага чиқиб, қишлоққа яна бир марта қаради. Бутун қишлоқнинг ярмига тоғ сояси тушган. Қишлоқнинг ярмида кечаси-ю, ярмида кундузга ўхшайди. Ваҳобжон суқланиб қараб турди-да, яна илгарилаб адирнинг ортига қараб кетди. Жар ёқасига келди. Пастликдан мажнунтоллар ғужуми кўринди. У шитоб билан ўша ёққа қараб туша бошлади. Бир гала қуш чағ-чағ қилиб кўтарилди. Ваҳобжон зум ўтмай жарнинг тубига етди. Мажнунтолларнинг танаси янада йўғонлашиб кетибди. Ерда судралган новдаларни кўтариб, Ваҳобжон ичкарига кирди. Форичи жимжит. Тепадан тушиб турган бўйрадек офтоб нури дурдан ясалган деворларни ғалати ёритган. Тарновлар бўйишига осилган сумалакдек дурлар учидан сув томчилайди. Томчилар дурга сачраганда пашша қаноти теккан танбур симидек нозик товуш чиқаради. Катта харсанг тошлар устидан ёпирилиб, учи сувга тегиб турган ҳўл сумбул толалари худди бош ювмоқчи бўлиб жомга энгашган хотинларнинг сочига ўхшайди.

Девор тошлари дур боғлаган бу фор худди каттақон новвот қозонига ўхшарди. Ҳар бир дур боғлаган сумбул толасидан майда, кўзга кўринмас томчилар сачрайди. Нафас олмай қулоқ тутган киши муттасил шовиллаган товуш эшитади. Гўё олисда шивалаб ёмғир ёғаётгандек.

Ваҳобжон харсангга ўтирди. Сувнинг шовуллашига кулок солди.

У эртақлар оламига кириб қолгандек, ҳар бир товушдан, ҳар бир томчининг чакнашидан, сачраганда жаранг-лашидан ҳозир қандайдир мўъжиза юз беради деб кутарди.

У Гулсум муҳаббатини шу жоїда, шу афсонавор товушлар орасида туйган эди. Қани у? Бормикан? Бор бўлса, ҳали ҳам ўшандаймикан?

Орадан йиғирма олти йил ўтиб, Гулсум ҳамон ўшандай қизалоқ бўлиб тургандек туюларди унга.

Йиғит-қизларнинг кийкириғи унинг хушини ўзига келтирди. Бош кўтариб толнинг рўдапо новдалари орасидан тепага қаради. Ун чоғли қиз-йиғит шу тарафга қараб югуришди.

Ваҳобжон кимирламай ўтираверди. Бирини фотоаппарат, бирини нашрос кутисидек радиоприёмник билан ғорга кириб келишди. Ғор ичи шовкин-сурон бўлиб кетди.

Радиодан таралган қўшиқ дур деворларида акс садо бериб, чиқиб кетолмай айланарди. Йиғитлар тепага тирмашиб чиқиб, ғалати дур ҳайкалчаларини синдириб туширишарди. Дурлар ҳар синганда жаранглаб кетарди.

Ваҳобжон уларнинг ўйин-кулгисига ҳалал бермаслик учун ғор ичидан чиқди. У энди ариқчадан ҳатлаётганида қорачагина қиз келиб, унинг қўлидан тутди.

— Сумбулсойга келиб қуруқ кетяписми? Мана, бунини олдинг.

У Ваҳобжонга худди оёқларини кериб турган кийинкка ўхшаш дурин берди. Ваҳобжон унга раҳмат айтиб, тепага интилди. Унинг бир қўлида бир сиким қопқора сумбул, бир қўлида дур қоплаган сумбул бутоғи. Авайлаб синдириб қўймаслик учун, эҳтиёт қилиб тепага чиқиб олди.

Зарофат эшик олдида уни кутиб турарди.

— Қаёқда эдингиз? Анчадан бери кутаман.

— Қизим, сенга сумбул олиб келдим.

Зарофат бу ёққа яқинда келганидан Сумбулсойни ҳали кўрмаган эди. Шошиб даласининг қўлидан сумбулнинг олди.

— Сочга ўхшар экан. Юринг. Бирпас дам олдинг.

Ваҳобжон чарчаган эди. Қизига эргашиб яна сойнинг нариги тарафига ўтди. Бир тавақали эшикдан ҳатлаб кенг ҳовлига киришди. Бир кампир ўчоқ олдида шимадир қияпти. Уйга киришди. Шифти тоқили уй деворлари оқланган, токчаларда ҳар хил китоблар.

— Бош врачимизнинг уйи. Яхши одамлар. Мана шу хонани менга бўшатиб беришган.

Боя амбулатория эшиги олдида учраган хотин кирди. Ҳали Ваҳобжон унинг юзини кўрмаган эди. Энди кўрди. Ўша Гулсум. Икковлари бир-бирларига тикилишиданча кимирламай қолди. Гулсум, охири кўзини олиб қочди-да, титроқ товуш билан эшитилар-эшитилмас саломланди.

Гулсум чиқиб кетди. Шундан кейин Ваҳобжон кетар чоғида ҳам кўринмади. Ваҳобжон йўлга чиққанда ҳам, Деновга етиб келганда ҳам унинг ошпоқ сочларини, ажин қоплаган юзларини, айниқса, пиягидаги тиртиқни кўз олдидан нари кеткизолмади.

— Қариб қонти. Бемаҳал қарипти. Кўзлари ҳамон ўшандай.

Орадан ўн беш кунлар чамаси вақт ўтиб, Ваҳобжон қизидан хат олди.

«Дада, бош врачимиз ўша кунни сиз билан хайрлашолмай қолгани учун авф этишингизни сўради. Ўша кунни бир беморни кўриш учун тоққа жадал кетиб қолган экан. Ўзи жуда яхши, меҳрибон хотин. Боннидан жуда кўн савдолар ўтган, дейишади. Қирқ биринчи йилда эри отилган эмиш. Боласи йўқ. Айниқса, сиз келиб кетгандан сўнг менга жуда меҳрибон бўлиб қолди. Рўпарамга ўтириб олади-да, кўзимга тикилади. Кеча яна шундай қилди. Кўзимга узок тикилиб турди-да, йиғлаб, бағрига босди...»

Ваҳобжон хатни ўқиб, оғир ух тортди. Бўғзидан нафас эмас, олов отилиб чиққандек бўлди.

*Сийна қишлоғи,  
1965 йил, ноябрь.*

## ЛАЙЛАК КЕЛДИ

Кампир самовар қўяман деб ховлига чиқса, ноғора товуши эшитилгандек бўлди. Бейхтиёр осмонга қаради.

Чорбоғ этагидаги оқ терак учида хурпайган сават уяда лайлак турибди, у офтоб чиқаётган тарафга қараб, томони тақиллатяпти.

— Ха, жонивор, келдингми? — деди кампир.

Кампир бирдан бўшашиб кетди. Қандай қилиб чой дамлаганини, неварасининг лой бўлиб кетган шимини қандай чўткалаганини билмайди. Унинг хаёли жуда узокларга кетиб қолган. Невараси портфелини кўтариб чиқиб

кетганда ҳам ҳар кунгидек орқасидан остонагача бормади, у дарахтзор оралаб мактаб томонга кетгунча кузатиб қолмади. Лайвон даҳанига бедармон чўкканича қимирламай ўтириб қолди.

Лайлак ҳамон мунгли ноғорасини тарақлатади.

Кампир бу лайлакни танирди. Лайлак ҳам унга ўхшаш ёлғиз. Жуфтини қор қуюнлари орасида йўқотган. Икки аламзада, икки хижронзада бир ҳафтача мана шу уйда дардлашишган. Бирга йиғлашган...

...Урушининг охириги йили, эрта кўклам эди. Ҳали баҳор келмай, кунлар исиб кетган, дов-дарахт бемаҳал куртак очиб қўйган, дехқон бир томчи ёмғирга зор кунлар.

Лайлак келди.

Лайлак қанотида кўклам олиб келади, дейишарди. Унинг бемаҳал ноғораси кўклам келганига одамларни шонтириб қўйганди.

Ўша кезлари Умрихон ҳувиллаб қолган уй остонасида ўтириб гоҳ йиғларди, гоҳ олисда жон олиб, жон бераётган ўғлининг, эрининг дуои жонини қиларди.

Лайлак келган куннинг эртаси кечга бориб, ҳаво айниди. Умрихон бир кун аввал сандални йиғиб ташлаган, ҳовлидаги ўчоқни суваб, айвонга жой қилганди. Кеч пайти кўзғалган изғирин уни яна уйга ҳайдади.

Ташқарида изғирин увиллайди, дарахт новдаларини айқаш-уйқаш қилиб, очик қолган эшикни ғичирлатади.

Изғирин қор бошлаб келди. Сал ўтмай том-тошлар оқарди.

У еттинчи чироқни олдига қўйиб, эрининг тўнини елкасига ташлаганича қонушиб ўтирарди. Эшик ғичирлади. Аввалига у шамол эшикни очгандир, деб ўйлади. Кейин беихтиёр ўгирилди.

Ярим очик эшикдан лайлакнинг боши кўринди. Умрихон нималигини билмай сесканди. Қимирламай, тикилганча тураверди.

Шамол эшикдан қор учуриб кирди. Лайлак чўчиб уй ичкарасига қочди, лапанлаганича уй бурчагига бориб қонуқиб олди. Умрихон ҳайрон эди. У ҳам лайлакдек қимирламай ўтираверди. Аммо ташқарида шамол ҳар хуруж қилганда, ҳар гал қор эшикдан ёпирилиб кирганда лайлак жойидан нари сурилар, кўзлари бесаранжом бўларди.

Умрихон ўрнидан туриб, эшикни зичлаб беркитиб келди. Елкасидаги чопонини унинг устига ёпмоқчи эди, лайлак ётсираб ўрнидан туриб кетди.

— Кўркма, жонивор, кўркма. Совқотибсан, кел, иситиб кўяй. — Лайлак тахмон тагига бориб, бурчакка сукилиб олди. Умрихон унинг устига чопон ёнди. Елкада анча илиб қолган чопон иссиғи унга хуш ёқди шекилли, бўйинини, яғинни кўрпача устига узунаси кўйиб, кўзларини мўлтиратганича ётаверди.

Умрихон ҳам жойига бориб ўтирди. У тиззасини қучоқлаганича унга тикиларкан, бир неча дақиқада дунёни хаёлан кезиб чиқди. Уруш бўлаётган жойларга борди. Оловлар ичига кирди. Ўғлини ҳам, эрини ҳам тополмади. Назарида, у ҳам шу лайлакдек муңгли, кимсасиздек бўлиб қолди.

Ёғи тугаб, пилиги сўхта бўлган чироқ аста-аста хиралашиб, бир пўп этдию ўчди.

Умрихон қоронғида тимирскиланиб жойи солди, яна алла-паллагача у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб ётди.

Эрталаб кўзини очса, дераза ойналари қиров бойлабди. Лайлак ҳамон қимирламай яғинни кўрпачага кўйганича кўзларини жавдиратиб ётибди.

Умрихон ташқарига чиқди. Қор тинган.

Хаммаёқ оппок. Куртак ёзиб қолган тол новдалари эгилиб ерга тегай деб турипти. Ўрик шохидан айвон устунига тортилган кир арқони йўғонлашиб кетибди. Обдастада қолган сув музлабди.

Бирдан Умрихоннинг кўзи қордаги изларга тушди. Кимнингдир товуғи ховлида тонг отгунча кезибди. Қорда айланма излар, гоҳ судралган, гоҳ юрган.

Из охири Умрихон кеча суваган ва ўт ёқиб сув қайнатган ўчоқ олдига бориб тўхтаган.

Умрихон ўчоқ олдига борди. Қараса, бир лайлак ўчоқдан бошини чиқазиб қотиб қопти.

У бу сирнинг маъносига етди. Бу уйдаги лайлакнинг жуфти. Кеча сават уяда икковлашиб кўкламни чақиринишаётган эди. Совуқ изғирин уяларидан қувган. Қоронғида бир-бирини йўқотганлар.

Қушлар жуда сезгир жонивор бўлади. Жуфтининг шу ховлига кирган изини сезган-у, совуқда қарахт бўлиб изини йўқотган. Кечаси билан бошпана, иссиқ жой кидириб, қор кечган. Охири, хали кундузги ўтнинг тафти кетмаган ўчоққа бош суқиб, шу жойда музлаб қолган...

Умрихон беихтиёр терак учига қаради. Сават уя ҳам қорда хурпайиб қопти. У ўйлаб ўтирмай ошхонадан кетмонни олдию лайлакнинг мурдасини авайлаб кўтарганича чорбоққа кирди. Девор тагини қовлаб, музлаган лайлак

устига тууроқ тогди. Кейин эзиллиб, кўзлари намли, мотамсаро бир холда уйга кирди.

Лайлак ҳамон жойидан кимирламасди. Эшик очилганда у бошини кўтариб, умид билан ялт этиб қаради. Ким билади, у жуфтини кутаётгандир.

То қор эриб, яна кунлар исиб кетгунча Умрихон унга андармон бўлиб турди. Шу орада Умрихоннинг бошига қора кун тушди. Почтачи эшик қоқди. Унинг беғиға қарамай хат бердию шошганча кетди. Қорахат. Умрихон урушида шахид бўлганлар уйига келган қорахатларни кўравериб қанақалигини билиб қолган эди. Бирпасда кўз олди қоронғилашди-ю, остонага ўтириб қолди. Хаёлига ҳеч нарса келмас, ўзи эса ҳеч нарсани кўрмас эди.

Шу кўйи у қанча ўтирганини билмади. Бир маҳал хотираси ўрнига келгандай бўлдию дод деб юборди.

Қимдан, қайси биридан, ўғлиданми, эриданми?

Ўқдек отилиб ўрнидан турди. Рўмоли ўтирган жойида қолди. У тўхтамай югурарди. Югурганида сочлари тўзғиб кетди. Йўлда учраган одамлар унинг аҳволини кўриб тўхтатишар, орқасидан қараб қолишарди. Охири у почтачини қувиб етди. Елкасига осилиб, кўйлагини йиртиб юборди. У негадир бу шум хабарни мана шу одам олиб келган деб ўйларди. Шу топда у фақат шуни биларди: почтачи ё эрини, ё ўғлини ўлдирган.

Одам тўпланди. Улар почтачини Умрихоннинг чангалидан ажратиб олишди. Хотинлар Умрихонни суяб, уйига олиб келиб қўйишди. Шу кунни у эридан жудо бўлган эди.

Уйнинг бир бурчида лайлак, бир бурчида Умрихон кимирламай ўтиришарди. Умр бўйи шу алфозда ўтириб бўлмайди-ку. Умр бўйи кўзёш тўкиб бўлмайди-ку! Шу алфозда бир умр ўтираверса, шол бўлади, шу алфозда тинмай кўзёш тўкаверса, одам боласи кўр бўлади-ку!..

Офтоб чарақлаб кетди. Умрихон ҳам ўрнидан турди. Деразалардан уйга яна кўклам шабадаси кирди.

Бир-бирига ўрганиб қолган икки аламзада ҳовлига чиқишди. Лайлак қанотларини кериб бир интилдию беғубор осмонга кўтарилди. Умрихон унинг терак учига қараб интилганини кузатиб туради. Лайлак уясига қўнмади, яна қайтди, чорбоғ тепасидан, уй тепасидан айланди, олисларга қараб кетди, яна қайтди. У жуфтини изларди. Кунни билан у гоҳ уяга қўнар, гоҳ қанот қоқиб аллақерга қараб ўчиб кетарди. Кеч кириб сават уяда яна унинг ноғораси тарақлади. Энди у аввалгидек шўх куйламасди, унинг ноғораси мунгли эди...

Кўп ўтмай шахарларга ўт кўйган, одам қонини дарё килиб окизган уруш тугади.

Ҳаммаёқ чинакам кўклам либосида эди ўша кун. Томларда лолақизғалдоқ гулхани ёнарди. Болаларнинг қўли кулупнай сувидан кизил, кизлар қулоғига қўшалок гилосдан исирға такилган эди.

Қишлоқ кўчалари гавжум. Хонадонларда кўндан унутилган патефон товуши. Келинчакларнинг юзига ранг кирди.

Умрихоннинг ҳовлисидаги ариқ бўйида икки тун гулсапсар очилди.

Йигитлар келишяпти.

Терак учида лайлак ноғора чалади. У кимни кутаётганикин? Умрихоннинг ҳам бағри тўлди. Ўғли қайтди.

Яна баҳор келди. Мана шу баҳор Умрихон келин кўрди. Тўйда кун билан чорбоғ тепасида лайлак ноғора чалди.

Аммо Умрихон неvara кўрганда кўпдан кадрдон бўлиб қолган лайлак келмади. Уяси хувиллаб қолди. Умрихон бўш уяга маъюс тикилиб, ўйга толди. Ким билади, лайлак қайдадир ҳижрон дардида оламдан ўтгандир. Шу-да, қачондир ўлмок бор. Аммо ҳижрон дардида ўлиб кетишни ўйласанг, дунё кўзингга қоронғи бўлиб кетади. Яхшиям зурёд бор. Ана шулар бахти учун яшагнинг келади. Айни шулар илинжи одамзодни, бутун жондорни яшашга чақиради.

Ҳадемай хувиллаб қолган уяга икки лайлакча келди. Ким билади, улар балки ўша лайлакнинг болаларидир. Харқалай, уя бўшаб қолгани йўқ-ку!

Йиллар ўтиб кетди. Ҳамма нарсани Умрихон унутди. Неvarасининг шўхлиги уйдан ҳижрон аламларини кувиб чиқарди. Боланинг йигит бўлишини, сафга кўшилишини кутиб энтикади. Айниқса, кундузлари уйга бола тўлиб кетади. Уларнинг шовкини, кулгуси, гап-сўзлари Умрихоннинг юзларидаги ажинларини ёзиб юборгандек бўлади.

Тезроқ неvarагинамнинг тўйини кўрсам, дейди. Яшагиси келади.

Аммо ҳар баҳор лайлак келганда, чорбоғ тепасида унинг ноғорасини эшитганда юраги эзилиб кетади. Бу товуш унга эридан келган қорахатни, ярим қоронғи уйда икки ҳижронзаданинг товушсиз йиғлаган кунларини эслатиб қўяди.

Бугун яна лайлак келди. У қанотида кўклам олиб келди. Кўча тарафдан мактабга ўтаётган болаларнинг товуши эшитиляпти. «Лайлак келди, ёз бўлди...» Бу

неварасининг овози. Бу овозоламдаги барча товушларни босиб кетгандек бўлди. Гўё бутун дунёдаги одам боласи томга чиқиб, шу боланинг севинч тўла товушига кулок солаётгандек...

1969 йил.

## ТОҒ АҲСОҲАСИ

Машина хўп яхши нарса-ю, унинг ҳам ўзига яраша нағмалари бор-да! Машина олган одамларнинг хотинлари ҳазил аралаш, бу машина эмас, кундошим, дейишар экан. Сабаби, эр ишдан келибоқ овқатга ҳам қарамай, машинасининг тагига кириб қетганича ярим кечада мойга қориниб чиқар, азонлаб яна машинага унлаб кетаркан.

Ваҳобжон райводхозда техник. Унинг ҳам ўзига яраша кўримсизгина «Москвич»и бор. Ўзи ҳайдайди. Эски машина минган одам яхши шофёр ҳисобланади. Хадеб бузилавергандан кейин уёғини ковлайди, буёғини ковлайди, хуллас, ичида нимаси бўлса, барини билиб олади. Яхшиямки, Ваҳобжон ҳали уйланмаган. Уйланганида, албатта, хотини чидамасди, ё мени дейсан, ё машинани дейсан, деб туриб оларди. Рост-да, у бўш қолди дегунча машинани ковлайди. Уни гуриллатавериб кўни-қўшнилариинг жонига тегди. Қўшнилари, шу Ваҳобжон уйлана қолсайди, ўзидан тинчиб кетармиди, дейишади. Аммо Ваҳобжоннинг ҳали-бери уйланадиган нияти йўққа ўхшайди. Ўзи мундоқ бирортасини топмайди, қариндош-уруғлар топганини ёқтирмайди. Кампир ойиси нолиб қолса, ҳазилга олади-да, яна машина тагига кириб кетади. Охири жонидан безор бўлган қўшнилари кампирга чиқиб ялинишади:

— Ўғлингиз машинани кечаси гаражга обориб қўйсин. Ухлатмаётибди.

Райводхознинг гаражи йўқ, қаёқда қолдиради. Ундан ташқари, ўзингизга маълум, Ваҳобжонга кечалари ҳам уёқни сув уриб кетди, буёққа сув керак, деб раислар телефон қилиб туришади. Шофёр олайлик дейишса, қайси шофёр бунақа шалоқ машинага — бунақа безовта ишга кўнади. Битта-яримта янглишиб келиб қолган шофёрлар ҳам икки кунга чидамай ташлаб қочишади. Хуллас, бу ишга Ваҳобжоннинг ўзидан бошқаси тўғри келмайди.

Мана шу Ваҳобжон баҳор тошқинида сув олиб кетиб, ҳалигача тузатилмаган канал тўғонини тузаттиришга бир

хафтадан бери овра эди. Шу пайтгача ранслар шох бостириб, буёғига шағал тўктириб энлаб келишаётган эди. Шу алфозда пахта суғориб бўладими, ким қанча сув олаётганини биллиб бўлмаса! Ранслар бай-байлаб водхоз масаласини бюрога қўйиб қолишди-ку. Ана водхоз бошлиғининг типирчилаб қолишини кўринг. Икки кунда цемент ҳам топилди, бульдозер ҳам, бетон плиталар ҳам топилди. Кечасио кундузи иш. Колхозлар одам ҳам топиб беришди. Доротдел йўлга «ўтилмасин!» деган белги қўйиб, машина ва автобусларни вақтинча бошқа йўлдан катнайдиған қилиб қўйди.

Соч-соколи ўсиб кетган Ваҳобжон, прожектор ёнида турган монтер болага бақиради, шағал тўкаётган самосвалга чироқни тўғрила, кабелни торт, сув тегмасин, деб кичкиради. Орқасига тисарилиб, шағалли машинага йўл кўрсатади. Иш қизигандан қизиб кетган. Ёз кечалари шунақа ишлашлик бўлади. Айниқса, бу томонларнинг окшомига хеч нарса тенг келолмайди. Дарё шовуллайди, тоғ орқасидан осмонга сут пуркагандек бўлиб, аввал оёи шуъласи кўринади, кейин ўзи салмоқлаб осмонга кўтарилади-да, тоғ чўққисига айри миниб, туриб қолади. Бирам чиройли, бирам ёқимли шамол эсади. Саратон дазмолдек қиздирган тошларни шу шабада пуфлаб совутади. Ўт-ўланларни сўлқитади. Жўжаси ҳали учирма бўлмаган она ўрдакларнинг аллага ўхшаш ғалати вақиллашини узоклардан олиб келади. Каналнинг бетўсиқ-бетўлқин суви ойдинда ҳудди поёни йўқ яхлит ойнадек ялтирайди. Кулоқ бошида сув очаётган миробларнинг товуши эшитилиб қолади. Айниқса, биттаси эзиб-эзиб ашула айтади. Кечаси олисдан келган қўшиқ ғалати бўларкан. Одамнинг томир-томирига кириб кетаман дейди. Бетончи бола ҳам қўшиққа ишқивоз экан, овози бирам дўриллаган. Қўшиқ сўзларини пойма-пой қилиб хониш қилиб қолади. Қурувчилар атайин уни майна қилиб «яна бўлсин», «дўст» деб қўйишади. Йиғит ҳам уларнинг «илтимоси»ни ерда қолдирмай, ашулага ашулани улаб кетади:

Тошга смир кор килурми,  
Муттасил ёққан билан...

- Дўст, бу Навониданми?
  - Йўғ-э, Машрабниқидир.
- Қийқирик, кулги.

Шу зайлда кулги билан, қўшиқ билан иш давом этади. Ваҳобжон у ёқдан-бу ёққа зир югуриб, ишни жадаллатади.

Каттакон бак олдида чой дамланган тулука чойнакни чўкка кўйиб ўтирган чолнинг ёнига тушиб кетаётган эди, узоқдан машина чироғини кўриб тўхтади. Машина «ўтил-масин!» белгиси кўйилган муюлишдан ўтиб, тўппа-тўғри келаверди. Ваҳобжон ижрокомдан биров келаётган бўлса керак, деб ўйлади. Тикилиб қараса, тангадек зангори чироғи бор. Нечук такси машинаси бу томонларга ўтди экан, деб йўлга чиқди-да, кўлини кўтариб уни тўхтатди.

— Мумкин эмас, белгини кўрмадингизми, қайтинг!

Шофёр кабинадан бош чиқариб, кўлини кўксига кўйиб, узр айтган бўлди.

— Кўктошга кетаётган бўлсанглар, Хонимобод томондан айланиб ўтасизлар.

Хонимободдан айланиб ўтиш учун ортиқча ўн тўққиз километр йўл юриш керак. Ҳар қандай одамга ҳам таксида бориш жабр бўлади.

Шофёр кабинадан тушди. Икки кўлини белига кўйиб, уёқ-буёққа қаради-да, ўтиб кетишнинг сира иложи йўқлигини билгандан кейин ноилж ора эшикни очиб, ичкарига қараб елкасини қисди.

— Иложи йўқ, опажон. Буёғи кўп қолмади. Пийёда йиғирма минутда етасиз. Хонимободдан борсангиз қимматга тушади. Майли десангиз, яна ўзингиз биласиз. Менга бари бир.

Машинадан чамадон кўтарган бир аёл тушди. Ваҳобжон қоронғида унинг юзини аниқ кўролмади. Аёл шофёр билан анча вақтгача ниманидир гаплашиб туриб қолди. Кейин машина орақсига қайтди. Аёл битта-битта босиб Ваҳобжоннинг олдига келди. Кўктошга қайси томондан боришни сўради. Тавба, овози таниш. Қаерда эшитган бу товушни? Шу пайт шарал тўкиб бўлган самосвал кескин бурилган эди, унинг ўткир чироғида аёлнинг юзи бир дам ёришиб кетди.

Сочлари бошига чамбарак қилинган, лабларига билинар-билимас қизил суртилган, йиғирма-йиғирма икки ёшлардаги келишган қиз. Ваҳобжон уни таниди. Бу қизни у бир марта, атиғи бир марта кўрган. У билан ёнма-ён ўтириб чой ичган. Шу қизнинг ўзи унга чой қуйиб берган. Аммо Ваҳобжон, тўғрисишни айтганда, у қуйиб берган чойни қийналиб ичган, негаки, бу қизнинг бир кўлида одамнинг қалла суюғи бор эди. Ваҳобжон ўтган йилнинг августида сирқин институтга имтиҳон топширгани Тошкентга тушган эди. Консултация ўтказадиган ўқитувчининг тоби қочиб қолиб, институтга келолмай қолибди. Декан Ваҳобжонга ўқитувчининг уйига боришни масла-

хат берган эди. Борди. У Чилонзордаги катга кўча бетидаги уйнинг иккинчи қаватида яшаркан. Кириб гаплашди. Билмаганларини сўраб олди. Укитувчи Ваҳобжонга имтиҳонга кирсангиз бўлади, деб маслаҳат берди. У хурсанд бўлиб чиқса, машинасининг бир филдираги шалпайиб ётибди, камеранинг золотингини биров бураб олиб қўйибди. Асфальт йўлкада «босдимми» ўйнаётган қизчалар унга қараб туришарди. Уларнинг бири яқин келиб шивирлади.

— Акбар миннарсангизни бураб олиб қўйди.

— Қанака Акбар?

— Ху анави уйда туради. Ҳозир қочиб чиқиб кетди. Инобат опамларининг укалари.

Ваҳобжоннинг жуда жаҳли чиқиб кетди. Бу қандай гап! Запас филдирак бўлганда ҳам бошқа гап эди.

Ваҳобжон бояги қиз кўрсатган уй эшигининг тугмасини босди. Жавоб бўлмади. Яна кўнгирок тугмасини босган эди, аёл кишининг «Хой Акбар, эшикни оч, биров келди» деган товуши эшитилди. Ҳадеганда эшик очилавермади. Анчадан кейин шипшак товуши яқинлашди-да, эшик қарсиллаб очилди. Ваҳобжоннинг қаршисида одамнинг калла суягини ушлаган кўхлик бир қиз турарди. Ваҳобжоннинг юраги орқасига тортиб кетди. Қиз қошларини кериб, кимда ишингиз бор эди, дегандек хайрон бўлиб турибди.

— Акбарда ишим бор эди. Чақириб берсангиз.

Қиз эрмак килаётгандек орқасига қараб қичқирди:

— Хой, Акбар, ўртоғинг келдилар, буёққа чик!

Ичкаридан трусичан, олти ёшлардаги бир бола бурнини тортиб чиқди. У Ваҳобжонни кўриши билан тўхтади. Кейин Ваҳобжоннинг ўртоғи бирдан орқасига тирақайлаб қочиб қолди. Қиз нима гаплигига тушуна олмай хайрон. Ваҳобжон бўлган гапни айтиб берди. Қиз хижолат бўлиб, ундан узр сўради-да, ҳозир ўша буюмни олиб бераман, деб орқасига бурилди. Кейин тўхтаб, қўлидаги калла суягини Ваҳобжоннинг қўлига тутқазди.

— Ҳозир, ҳозир олиб бераман.

Акбар ваннахонани ичидан беркитиб олган экан. Қиз яшиди.

Охири Акбар эшикни очди. Ваҳобжон қараса, у ваннага сув тўлдириб, минг ямоқ бўлиб кетган автокамерага насос билан ел бераётган экан.

— Бу ўлгурга чўмилишга керак-да. Сузишга ўрганаётганмиш. Қани, бер, ким ўргатди сенга бировнинг нарсагини олишни? !

— Магазинда йўқ-да, бўлмаса олармидим, — деди Акбар бурнини тортиб.

Шундай деди-ю, ваннадаги илма-тешик камера оғзидан золотникни чиқазиб берди. Ваҳобжон кизга раҳмат айтиб, ташқарига чиқди. Уст кийимини ечиб, машинага домкрат қўйиб, филдиракни кўтарди, уни чиқариб олиб, бошқатдан ёл бера бошлади. То у ишини битказгунча қора терга тушиб кетди. Анча кеч ҳам бўлиб қолган эди. Унинг қийналаётганини балкондан кўриб турган киз:

— Кириб ювиниб олинг, — деди.

Ваҳобжон бир сўз демай қайтиб кирди. Киз елкасида сочиқ, кўлида совун билан уни кутиб турарди.

У юзига совун суртаётганида ҳам, оппок, крахмалланган сочиққа артинаётганида ҳам бир ўй калласидан кетмасди. «Қандай чиройли киз-а, аммо кўлидаги одамнинг калла суяги нимаси».

— Чой дамлаб қўйдим, ичиб ола қолинг, қорнингиз ҳам очгандир.

Ваҳобжон узр айтса ҳам киз қўймади. Чой қуйиб узатди. Бола бечора ичишни ҳам, ичмасликни ҳам билмай ҳайрон эди. Ичдию яна бояги каллани эслади. Охири, у кизга раҳмат айтиб кетар экан, Акбарга золотник келтириб беришга ваъда қилди.

Ана шу воқеадан кейин Ваҳобжон кизни учратмади. Уйига, Акбарга ваъда қилган нарсани олиб борганда киз йўқ экан. Мана, орадан бир йил ўтди. У ўша кизни эслаганида ниҳоятда кўхлик бир кизнинг юзи, кўзи, келишган гавдаси кўз олдига келарди-да, зум ўтмай, бу гўзаллик ўрнини тиржайган калла суяги эгаллаб оларди. Шунинг учун ҳам Ваҳобжон уни эсламасликка тиришарди.

Мана бугун дарё шовуллаган, шағаллар қалдираган тоғ окшомида иккови яна бақамти келиб туришибди. Киз уни танимаган бўлса керак. Негаки, Ваҳобжоннинг сочсоқоли ўсиб кетган, кийимлари чанг, тўпроқ эди.

Уларнинг ҳар иккови бир-бирларига қараб анча туриб қолишгандан кейин Ваҳобжон гап бошлади.

— Кўктошга кетяпман денг. У ерда қариндошларингиз борми?

— Йўқ, — деди киз. — Ишга шу ёққа тайин қилишди. Райздрав ихтиёрига...

Қизнинг овози бирам ёқимли, бирам жарангли. Ваҳобжон сесканиб кетди. Демак, бу киз районга доктор бўлиб келяпти. У докторликни битирган. Одамнинг калла суягини бекорга кўтариб юрмаган экан у...

- Мени танияпсизми? — деди Ваҳобжон.
- ЙўҒ-а, — деди қиз елкасини қисиб.
- Уйингизга боргандим. Акбарнинг орқасидан ваннага кирганим...

Ваҳобжоннинг гапи оғзида қолди.

— А-а-а, ўша сизмидингиз, буни қаранг-а, таниманман. Уйингизга яна бир келган экансиз. Йўқлигини қаранг-а.

Бульдозерчи Ваҳобжонни чақириб қолди. У қизга: «Хозир келаман» деб чопганича кетди.

Алламаҳал бўлиб қолган эди. Ваҳобжон прорабга топшириқларни бериб, қизнинг олдига қайтди.

— Қани, меҳмон, кетдик. Кўктошга ўзим обориб қўяман.

Қиз қаршилиқ қилмай, «Москвич» эшигини очди. Йўлга тушишди. Ой худди машина билан ёнма-ён кетаётганга ўхшайди. Соядек бўлиб кўринаётган тоғ тизмалари бирам ажойиб, бирам ажойиб.

Ваҳобжон руль бошқариб бораркан ўй ўйларди.

«Қани энди шу қизга уйлансам, менга тегармикан? Тегмас, балки севгани бордир...»

Машина мотори бир-икки йўталиб ўчди. Ваҳобжон шошиб тушиб, копотни очди. Вентиляция тасмаси ўзилиб кетибди. Запаси йўқ. Энди нима бўлади? Шу ерда тунаб қолишдан бошқа йлож йўқ! Уларнинг иккови ҳам ҳафсалалари пир бўлиб, тошга ўтиришди.

— Қизиқ бўлди-ку! — деди Ваҳобжон хижолат чекиб. Қиз индамади. У азамат тоғ тизмаларига, ҳу кўришиб турган уч қояли жиға бўлиб кўниб турган балдоқдек ойга жимгина қараб ўтирарди.

— Биласизми, мен ҳеч тоққа чиқмаганман. Буни қаранг, кечаси, айниқса, ойдинда жуда ғалати бўларкан. Бирам яхшики.

Қизнинг товушидан совуққотганлиги шундоққина билиниб турарди. Ваҳобжон машинани очиб, олд суйиқчилигини тушириб, кетидагисига ёндаштириб кўйди.

— Сиз кириб бир оз мизғиб олинг.

Қиз аввалига кўнмай турди. Кейин совуқдан титграб ичкарига кириб кетди. Ваҳобжон радиони секинлаб бураб кўйди.

Тоғ унгурида ёқимли қуй оқар, кичкинагина, кўримсиз машина ичида эса ҳўсни бир дунё бўлиб бир қиз ухларди.

Ваҳобжон унинг атрофида папирос чекиб айланиб юрди.

Бу унга худди азалий тошлар гердайган тоғ этагида тугилаётган янги дoston, янги афсонага ўхшарди.

Ким билaди, балки Ваҳобжон афсонавор бу окшомда ўз бахтини, мухаббатини кўриқлаётгандир.

Зора шундай бўлса!

1969 йил.

## СУВЛАР ОҚИБ КЕТДИ

Онаси Муроджоннинг тушига кирибди.

Техникум ётоғида боласининг каравотига ўтириб тугун ечаётганмиш. Тоғорaдан қора чиллаки олиб, тумбочка устига қўйиб дермиш:

— Ол, болам, атайин сенга илиниб олиб келдим... Оғзинг тегиб қолсин, дедим. Чумчуқ ўлгур қўймапти.

Пошшақиз ёнбошига ағдарилди. Муроджон уйғониб кетди.

У шифтга боққанича ўй ўйлаб ётаверди. Қоронғи кеча қаърига тикилиб, кўрган кунларини, болалигини қидирарди. Қаердадир қўл соатнинг заиф чиқиллаши, коридор деворидаги электр сётчигининг бемор инграшидек ноласи, диванда кулча бўлиб ётган мушукнинг ёқимсиз гуриллаши эшитилиб турибди.

Муроджон узилган тушини улаш ниятида яна кўзини юмди. Уйқу ҳам келмади, туш ҳам кўрмади. Кўпдан йўқотган онаси бир он пайдо бўлганича абадият қаъридан қайта юз кўрсатмади. Муроджон онасини пойлаб узоқ ётди. Охири кўзини очиб, ёнбошига қаради. Хотинининг елкасидан кўрпа тушиб кетган. Ич кийимларининг қават-қават капрон тасмалари оппоқ елкасидан билaгига тушиб қолган, курагидаги кеча банка қўйдирганда қолган жигар ранг излар бемалол кўриниб турибди. Марварид ўраминидаги сариқ ипак тугунчасига бир дона дур илиниб қолибди.

Муроджоннинг хотини Пошшақиз ниҳоятда чиройли эди. Зулукдек қора қошлар, илондек тўлганган тақим ўпар сочлар, тикилган жойни куйдирадигандек кўзлар Муроджоннинг болалигига, осойишига ўт қўйган эди.

Муроджон ётавериb қон бўлиб кетди. Аста кўрпадан суғурилиб, қоронғида тимирскиланиб шиппагини топдию нариги уйга оёқ учида чиқиб кетди.

Аксига олгандек, қандилдаги лампочка кўкимтир чақиндек бир йилт этдию қуйиб қолди. Кўзи қоронғига

ўрганиб, аста-секин кўрадиган бўлди, назарида, уй ёришганга ўхшаб, жиҳозлар ғира-шира кўриша бошлади.

У уй ичида кезаркан, онасининг тирик қиёфасини хотирида тикламоқчи, унга яна бир тўйиб олмоқчи эди. Аммо она ҳадеганда унинг кўзи ўнгига келавермади.

Муроджон дераза олдига келиб, ҳовлига қаради. Айвон шифтидаги лампочка ҳовлини ойдиндек ёритиб турарди. Тўп этиб ерга шафтоли тушди. Қайдандир пайдо бўлган мушук бориб уни хидлади-ю, ҳафсаласи пир бўлиб, орқасига қайтди. Ток сўри тенасидан мусича тухуми тушиб, чилчил сииди. Яна бояги мушук пайдо бўлди, тухум сииган ерни ялаб олди, кейин маза қилиб кериндида, тандир тепасига коптокдек сакраб чиқиб кетди. Сал ўтмай девордан шўр тупроқ тўкилди.

Шунда бирдан Муроджоннинг кўзига онаси кўринди.

Онаси тандир олдида қўлига енгча кийиб, лоладек қип-қизил кулча бетига сув сеяпти. Тандирдан чиқаётган яллиғ унинг ҳам бетларини кизартириб юборган. У, сочларим куймасин, деб пеннонабоғини қошлари аралаш таниган, узун сатин кўйлагининг этагини лина уриб олган.

— Болам, анчадан бери ёпган нон емагандирсан, бери кел, иссиққина еб ол.

Она шундай дедию қоронғиликка сиигиб кетди.

Муроджон сесканди. Ичидан аллақандай ўт келиб томоғига қадалди.

Иссиқ қўл елкасига теккандагина ўзига келди. Орқасида елкасида халат ташлаган Пошшоқиз турарди.

— Сизга нима бўлди? Қайси яншамагур жононингиз эсингизга тушиб кетди?

Муроджон унга шундай бир қарадики, Пошшоқиз худди бегона эркак олдида тургандек, тўзғиб кетган сочлари билан кўкраklarини беркитди.

— Оббо, бу қанақаси, қоқ ярим кечаси хўрсиниб юриш...

Муроджон индамай нари кетди. Майкачан ҳовлига тушиб, уёқдан-буёққа юра бошлади. У гўё мана шу ҳовлидан, ердан, қоронғилик ичидан болалигини, беозор, андуҳсиз гўдаклигини қидираётгандек эди. Пошшоқиз дераза олдида унга анча қараб турди-да, кафтининг орқасини оғзига тутиб икки марта яхшилаб эснаб, ётовига кириб кетди.

Тинч, жонли-жонсиз фараҳли уйкуга кетган сокин кечада кезаркан, Муроджон бирдан болалигига рўнара келди.

Эшиклари олдида ўсган каттакон, танлари бужмайиб кетган тут тагидаги тегирмон тошига онаси ҳар кунни эрталаб икки кўзадан сув олиб чиқиб қуярди. Йўловчилар шу сувдан ичиб, боланг катта бўлсин, умридан баракка топсин, деб онасини дуо қилишарди.

Гўдаклигидан эсида қолгани шу. Кейин бўйи чўзилиб қолганда онаси тахи бузилмаган бахмал кўрпани бузиб, унга тўн тикиб бергани, кийдириб мактабга юборгани ҳам эсида. Ўшанда онаси мактаб остонасига етмай, йўл ўрта-сида қараб қолганди.

Муроджон ишга ярагудек бўлгунча она ер чопди, том шувади, девор урди, қор куради, бировларнинг кўрпасини қавиди, тишим нималигини билмади, аммо боласини зориқтирмади.

У умрини шу боласига бағишлади. Эр қилмай ўтди.

Болам одам бўлсин, камолини кўрай, юртга қўшай, тўйларида чарчай, кейин болаларини боқай, деди.

Ниҳоят, у ўғлини Тошкентга, техникумга етаклаб келди. Ўқишга жойлаб қайтиб кетди. Она ҳар ойда бир келишни тарк қилмас, топган-тутганини боласининг қўлига тутқазиб, яна пиёда Паркентга қараб кетарди. Муроджон ўқирди. Зехни ўткир бола муаллимларига ёқиб қолди. Йиллар ўтди. Институт, уруш кийинчиликлари бошланди. Аммо она ойда бир келишни тарк қилмасди. Ҳар келганида боласининг бетига соатлаб тикилиб ўтирарди. Озиб қолганини, ранги сўлганини кўриб, ич-ичидан куйиб кетарди.

Аспирантура йиллари бошланди. Муроджон анча ўзини тутиб олган. Онасининг узоқ йил босиб келишнни хоҳламасди. Ўзи бориб келарди.

Диссертация ёқлайдиган кунни онаси бир сават нон ёпиб келди. Муроджон минг хижолат билан онаси қаршида турарди. Она унинг ҳам қувонч, ҳам хижолат тўла кўзларига тикилиб, ўғлининг кўнглида нима гаплар борлигини дарров фаҳмлади.

— Қани, бир кўрай, — деди она.

Мурод пиллапоя олдида турган ниҳоятда чиройли қизни чақирди. Бу Пошшақиз эди. Она бўлғуси келишининг пешонасидан ўпиб йиғлади.

Диссертация ҳимоясидан кейин онани зиёфатга олиб кетишди. Уни тўрга ўтқазиб қўйиб, кўп чиройли, кўп маъноли гаплар айтишди. Онасига раҳмат, дейишди. Бу онанинг бутун чеккан азиятларига тўланган ҳақ, берилган мукофот эди. Бу онанинг энг бахтли кунни эди.

У қишлоғига юриб эмас, учиб кетди.

Шундан кейин она ўғлининг тўйига келди. Тўй келини-  
никида бўлаётган эди. Катта ховли ясагилган. Дастур-  
хонда одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса бор. Аммо  
онага ҳеч ким нарво қилмади. У шу пайтда ўрдак тухуми-  
ни очган товукқа ўхшарди. Тўй охирлаб қолганда аста  
ўридан турдию ўғлининг олдига бориб, нешонасидан  
ўиди. Чўнтагидан бир поё тилла биллагузугини олиб кели-  
нининг биллагига солди.

— Тақиб юринг, қанонам раҳматликдан қолган.

Шундай деб Пошшақизнинг ҳам нешонасидан ўидию  
кўзёшини ичига ютиб, тўйдан чиқиб кетди.

Муроджон бир ҳафтадан кейин бориб, «олиб кетай»  
деб ялинди, она кўнмади.

— Нима қиласан, болам. Тинч бўлсанг бўлгани. Шу  
кунларингни кўрай, деб ният қилган эдим, кўрдим.

Муроджон барибир уни қўярда-қўймай олиб келди.  
Ўн кун ҳам туrolмади она.

Муроджон ишдан келса, онаси кийимларини тугиб,  
айвон даханида ўтирибди.

— Ҳа, ойижон, нима бўлди? — деди хайрон бў-  
либ.

— Кетай, болам, шаҳарларингда туrolмаянман.  
Қишлоққа ўрганиб қолганман.

Пошшақиз гапга аралашмади. «Қолинг» ҳам демади,  
«кетинг» ҳам демади. Муроджон қайнона билан келин  
орасида бирон гап ўтганини дарров билди.

Онанинг бутунлай келгани Пошшақизга ёқмаганди.  
Қайнонасига коридордаги диванга жой қилиб берганда,  
Муроджоннинг юрак-бағри эзилиб кетганди. Лекин оғиз  
ёриб бирон гап айтолмади. Вақтида айтилмаган керакли  
гап эртасига жўн гапга айланади. Шундоқ бўлди. Онаси-  
нинг коридорда, оёқ остида ётиши бора-бора олдий нар-  
сага айланганини Муроджон сезмади.

Она ўғлиникига қайтиб келмади. Муроджон бориб  
турди. Рўзғорини қилиб берди. Отасидан қолган уй ну-  
раб тамом бўлай деб қолган экан, бошқатдан тиклаб  
берди. Аммо она «хотининг ундоқ, хотининг бундоқ» деб  
оғиз очмади. «Ҳа, энди кўшақаринглар, ўзларингдан  
кўпайинглар» деб дуо қилди.

Пошшақиз ҳамма гапни ичига ташлаб юрган экан,  
бир кун келиб ёрилди.

— Қанақа эркаксан? Уйланганингдан кейин рўзғорга  
қарагин-да, топганингни онангга ташийверасанми?!

Бу Пошшақизнинг ўз эрини биринчи сеилаши эди.  
Муроджон нима қилишини, нима дейишини билмай қол-

ди. Тилига бирон оғиз бўлса ҳам гап келмади. Туриб-туриб уйга кириб кетди.

Шу кундан бошлаб уларнинг турмуши дарз кетди. Дам олиш кунлари Пошшақиз атаёлаб унга иш топиб кўяди, кўчага чиқармасди. Муроджон эса, бугун дам олиш кунини, онам кўчага қараб ўтиргандир, деб безовталанарди.

Муроджон икки ойча онасининг олдига боролмади. Бир дам олиш кунини жаҳл билан чиқиб кетдию кишлокка жўнади. Хотинини чўнтагинини қоқлаб кўйган экан, курукдан-курук кириб борди. Шундоқ келганига бошқа баҳона айтган эди, кампир кўзёш қилди.

— Болам, кўлингга эмас, дийдорингга қарайман. Ўзингни кўрсам бўлди. Майли, болам, рўзгоринг аччиқ бўлмасин. Сен келолмасанг ҳам, ишхонангга бориб, узоқдан ўзингни кўриб турибман. Қандоқ қилай, пешонамда биттагиннамсан.

Муроджоннинг вужудини титроқ босди. Лабларигача кўкарди. Она унинг ҳолатини кўриб кўрқиб кетди.

— Тур, болам, тур. Хотининг кутиб ўтирганини биласанми?

Она уни катта ийўлгача кузатиб кўйди.

Орадан бир ойча ўтиб кетди. Муроджон ишдан қайтиб, аччиққина чойга маҳтал бўлиб турган эди. Пошшақиз ёнига келиб ўтирди. Елкасини унинг елкасига ишқаб деди:

— Жон Мурод ака, жо-он Мурод ака, аспирант кизларингизга айтнинг, келиб деразаларимни ювиб берсин.

Муроджон сапчиб ўрнидан турди.

— Бу қанақа гап! Аспирантлар консультация олгани келади, сизга дастёрлик қилишга эмас. Келган аспирант болаларга девор урдирибсиз, кизларга кир ювдирибсиз. Уят эмасми? Эртага институтда қандоқ бош кўтариб юраман?

Пошшақиз энсаси қотиб, индамай кетаётган эди, Муроджон деди:

— Битта чой дамлаб беринг, юрагим куйиб кетди.

Пошшақиз оркасига қарамай, жавоб қилди:

— Ана газ, ана чойнак, ўзингиз дамлаб ичаверинг!

Муроджон жаҳл билан ўрнидан турди. Столдаги чойнақини олаётган эди, ялтироқ стол доғ бўлмасин, деб чойнак тагига буклаб кўйилган қоғозга кўзи тушди. Бенхитиёр олиб очди. Телеграмма экан, ўқиди:

«Муроджон ука, ойингнинг мазаси йўқ. Фаниматга ўхшайди. Тез етиб кел. Динингда армон бўлиб қолмасин».

Муроджоннинг вужудини қалтироқ босди. Кўз олдида каттакон донра пайдо бўлиб, гир-гир айланаверди:

— Качон келди бу телеграмма?

Муроджон ўзининг овозини узоқдан эшитаётганга ўхшарди.

— Ўтган кунни келган эди.

— Нега менга айтмадингиз?

— Эсимдан чикиб қопти, — деди Пошшақиз.

Муроджон нима қилганини билмайди. Қўлидаги чой нақни хотинига отди. Пошшақиз чап бериб қолган эди, чойнак бурчакдаги телевизорга бориб тегди. Деворларга шама сачради.

У уйдан ўқдек отилиб чиқди. Шу чикиб кетганича икки ойдан кейини озиб, ранглари сарғайиб, сочларида икки-уч оқ тола билан кириб келди. у уйга, ўз хонасига кириб кетганича эртасига ҳам чиқмади. Пошшақиз деразадан қаради, Муроджон гоҳ пешонасига шаниллатиб урар, гоҳ диванда кўзларини юмиб қимирламай ётарди. Пошшақизнинг онаси, эрининг олдига кир, деган эди, ранглари оқариб кетди.

— Вой, ўликдан кўркаман...

Қайнона куёвининг олдига кирди. Ахволини кўриб, нима бўлганини дарров найқади. Бетаҳорат бўлса ҳам, қудасининг арвоҳига Қаръон ўқигандек бўлди.

Пошшақиз кирди. Эрининг пешонасидан силаб юнатмоқчи бўлди. Аммо Муроджон унинг қўлини олиб ташлади. Ингради:

— Етолмадим, етолмадим, боргунимча бегоналар онамни кўмиб қўйишган экан.

Орадан беш йил ўтди.

Муроджон фаи доктори бўлди. Онаси ният қилган кунлар келди. У бахтли эди-ю, аммо бу бахтнинг бир чети кемтик эди.

Муроджон докторлик химоясидан уч кун олдин онасининг қабрига мармар тош олиб борди. Қайноқ қалб сўзлари битилган мармар лавха ғарибгина қабр тенасида қолди.

Ёшлик — шўрлик йиллари сувдек қирғоқларга санчиб оқиб кетди. Хамиша омонат бўлган оналаримиз ўзлари тўймаган бу ёруғ дунёни бизга ташлаб кетишди.

Биров она дуосини олиб қолди. Биров дори-хасратда...

Бугун Муроджоннинг тушига онаси кирибди. Ётоқхонада боласининг каравотига омонатгина ўтириб, тугун ечаётганмиш...

*1970 йил, апрель.*

Ғап-ғаштакларда, тўю томошаларда Жуман бобо ҳаминча битта гапни такрорлайди.

— Мени шоширманглар, неварачевараларимни нариги минг йилликка ўтказиб қўяй, ана ундан кейини ҳайдамасанглар ҳам ўзим кетаман. Мен тенгилар кетиб бўлди. Қушим сен мишиқиларга қолиб ўтирипти. Сенлар нимани кўрибсанлар, бошларингдан қандок савдолар ўтиптики, мен билан гаулашасанлар. Бу йил кунда, худо хоҳласа, тўксон олтидан хатлаб ўтаман. Ҳисобчи бўлсанг, бир чўтга уриб кўр. Хар ўттиз йилга бир йилдан кўш, она қориндалигимга ҳам битта тош ташла. Қанча бўпти? Баракалла, роһна роса юз бўпти.

Даврада ўтирган ветврач Козимбой ёнидаги кишига, бармоғини чаккасига тираб, пармага ўхшатиб бураб кўрсатди. Жуман бобо буни пайкаб қолди.

Козимбой гапни чалғитмоқчи бўлди.

— Ўн тўққизинчи асрнинг тўрт йилини кўрипсиз, йнгирманчи асрнинг тўксон икки йилини кўряпсиз. Бор, яна йнгирма биринчи асрни ҳам кўрмоқчимисиз? Иби, нисоф қани?

— Кўраман, — деди Жуман бобо. — Аммо сен кўрмайсан. Бировининг хақидан кўркмайсан. Моллар орасида юриб, одам боласининг ичидагини билмайсан. Шу ичининг, шу чекиннинг бўлса ёшимнинг иккидан бирига ҳам етолмайсан. Мард бўлсанг, тур ўрнингдан. Минорайи Калонга дам олмай чиқинга баҳс бойлашамиз.

— Бухорога бориб нима қиласизлар, ана. Вобкентнинг миносаси кўришиб турипти. Шунга чиқа қолинглар, — дейишди даврадагилар кулишиб.

Жуман бобо шарт ўрнидан турди. Уни калака қилмоқчи бўлган Козимбой турмади. Ҳазиллашдим, ҳазил қилдим, деб қўлнинг кўксига қўйиб, узр сўраган бўлди.

Чол қайтиб ўтирмади. Эшик томон юраркан, орқасига ўгирилди. Военком билан қўлга тушиб қолган келиш аянигга ҳазил қил, ахмоқ, делюю, чиқиб кетди.

Унинг дили оғриган эди. Шундай пайтларда дилнинг ёрадиган биттагина Мутаваккил деган жўраси бўлар эди. У ҳам кетди. Энди қаёкка боради. Кимга дардини тўкиб солади.

У жимжит кўчадан бораркан, қадами секинлашди. Илгари бунақа имиллаб юрмасди. Дўстининг ўлиmidан кейин чўкиб қолди. Юрғанда астарсиз чононининг этаги

икки ёнида қанотга ўхшаб пиришарди. Соқоли тўзғиб, гоҳ ўнг, гоҳ чап елкасини сийналарди.

Жуман бобо битга-битта қадам ташлаб бораркан, кўн нарсаларни ўйлади. У яшаган умридан хижолатлик эмасди. Аммо бугунги гап юрак-бағрини ўртаб юборди. Одамларга малол келмасдан бу дунёдан тезроқ кетниш керакка ўхшайди, деган гап хиёлидан ўтди. Қандок қилсин, дунёга қачон келишинг, қачон кетилишинг ихтиёриңда эмас экан.

Жуман бобони Бухоронинг учинчи миңораси деб аташарди. Биринчиси миңг йил умр кўрган миңораини Калон, иккинчиси, ундан салгина ёш Вобкент миңораси, учинчиси шофирконлик шу Жуман бобо эди.

У остона ҳатлаб ҳовлига кириши билан илгаригидек баланд овоз билан эмас, шикаста бир товунида Истамбой деб хотинини чақирди.

Кўлида элак билан мўмина момо чиқди. У елкасига тушиб қолган рўмолини шошиб бошига ташлади.

— Жої қилиб бер, ётаман, — деди Жуман бобо.

— Завол пайтигая, бо сизга нима бўлди, Истамбой, тобингиз қочдим?

Эр-хотини бир-бирларини тўнғич ўғилларининг номи билан чақириншарди. Истамбой ўн тўрт ёшида оламдан ўтган. Аммо номи ота-она хотирасида бир умр қолиб кетганди.

Мўмина момо элакни қозиққа илиб уйга кирди. Эрига овқат ейсизми, деди. Чол жавоб қилмагандан кейин, чирокни ўчириб, чиқиб кетди.

Жуман бобони хаёл хали уёққа, ҳали буёққа бошларди. Алла-паллагача тўлғониб, ухлолмади. Нариги айвонда мультфильм кўраётган невараларининг овозларига кулоқ солиб ётди.

Мўмига момо деразадан қаради.

— Истамбой турмайсизми, шом бўлди. Обдастага об таҳорат қуйиб кўйдим.

Чол ўрнидан туриб ташқарига чиқиб келди. Жоїномоз пойига чўккалади. Узок номоз ўқиди. Ўқиб бўлиб ҳам ўрнидан турмади. Хотини Мўминага, етти ўғлига, қудаларига, невараларига худодан умр тилади. Ўрнидан туриб ҳовли айланди. Ўғилларига атаб қурилган нешайвонли уйлар олдида бир-бир тўхтади. Невараларининг шовқинига кулоқ тутди. Чехраси ёришгандек бўлди. Қўйхонага кириб чирокни ёқди. Беш кун олдин туғилган икки кўзичокни кўтариб эркалатди. Совлиқ безовталаниб пишқирди. Чол уни ҳам силади. Уларга сув берди, хашак

ташлади. Уйга кириб ечиниш ётди. Зум ўтмай кўзи уйкуга кетди.

Тушига отаси киришти. Ариқ бўйида туриб уни имлаб чакирармиш. Орқасида турган онаси, келма, келма деб ишора қилармиш. Туш айланиб, боя отаси турган жойда Мутаваккил пайдо бўпти. У ҳам имлаб чакирармиш. Ана ундан кейин Истамбой пайдо бўпти. Ота, сизни соғиндим, қачон келасиз деб сўрармиш. Жуман бобо яқинда бораман, демокчи бўлиб оғиз жуфтлармиш, аммо овози чиқмасмиш. Бир нима даранглаб, уни уйғотиб юборди. Очик қолган деразадан кирган мушук патнисни тушириб юборган экан.

Тонг ёришиб келарди. Сўфининг бомдод номозига чакириб, оллоху акбар, оллоху акбар, деган товушни эшитилди.

Жуман бобо кўнгли хиралик билан таҳорат олиб масжидга чиқиб кетди. Ҳеч ким билан гаплашмади. Намозни ўқиб орқасига қайтди. «Нима бўлди, отам чакиряпти, Мутаваккил ҳам, Истамбой ҳам чакиряпти. Ўлганлар кунни битган кишини чакиради. Нима, кўзим битдиммикин?»

Нонуштада эр-хотин бир-бирига гапирмай, жимгина ширчай ичишарди.

Жуман бобо бўшаган косаларни олиб кетаётган Мўминани ўтир, Истамбой, гапим бор, деб қайта ўтказди.

— Менга қара, хотин, бу дунёда ишим битганга ўхшайди. Тадоригингни кўриб қўйсанг бўлармиди. Ниманг бор, ниманг йўқ, қараб қўй.

Мўмина момо эридан бирон марта бунақа гап эшитмаганди. Чол ўлимдан оғиз очмасди. Нима бўлди?

— Эсингизни еб қўйибсиз, Истамбой, нафасингизни иссиқ қилинг, яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам парижталар омин, дейди.

Чол салмоқлаб гап бошлади.

— Э, хотин ўлмайдиган ким бор? Худонинг инояти билан шунча йил яшадим. Гапимни бўлма! Яхши-ёмон гапирган бўлсам, кўнглингдан чиқариб юбор. Тўққиз бола туғиб, бердинг, минг раҳмат. Бир марта чертмадим, Оғзимдан ножўя гап чиқмади. Нимайинки орзу қилган бўлсам, ҳаммасига етдим. Бировнинг дилини оғритмадим, бировнинг маҳрамига кўз ташламадим. Худонинг даргоҳига пок имон билан бораман.

Кампир ўйланиб қолди. Нимадир демокчи бўлиб, биринки марта оғиз жуфтлади. Айтилмади. Чол буни сезиб турарди.

— Қандоқ гап айтмоқчисан? Торғиша айт. Гуноҳ қилган бўлсам, тавба қилай...

Мўмина момо эрига узоқ қараб турди. Кейин журъатсизлик билан гап бошлади.

— Айт, дедингиз, айтай. Гуноҳингиз бор, Истамбой. Худо кечирмайдиган гуноҳингиз бор.

Чол қошларини кериб унга қаради. Манглай ажинлари кават-кават бўлиб кетди. «Нахот худо кечирмайдиган гуноҳ қилган бўлсам. Бу кампир нималар деб алажиянти». Шу ўтиришида хаёли дунёни икки айланиб чиқди. Яшаб ўтказган тўқсон олти йилни бир-бир элақдан ўтказди. Олти ёшидан сурув кетидан чапг ютиб, чўлларни кезди. Қирчиллаган киши чилласида, офтоб олов пуркаган саратонда қўйлар билан бирга ётиб, бирга турди. Отарида тувиладиган кўзилар орасида ақлни лол қолдирадиган «Антиқа», «Сур», «Шероз» тери-ларини бошқа чўнонларга ўхшаб бекитмади. Совхозга топширди.

Кампир умрида биринчи марта эрининг кўзига тик қаради.

— Сиз тўққиз бачча кўриб... худодан тилаб-тилаб олган биттайи-битга қизингиз билан юз кўрмас бўлдингиз. Бу гуноҳ эмасми? Хасан-Хусан невараларингиз бу йил саккизга қиради. Бирон марта бориб кўрдингизми? Бача бечоралар Шофирконда герої бобомиз бор, деб махтаниб юришармиш.

Мўмина момо тўққиз йилдирки, эрини инсофга келтиролмасди. Ҳозир жуда мавриди келиб қолганди. Ичидаги дардларини тўкиб қолди.

— Қизингиз фар бўлмапти, ўғри бўлмапти, Хамробойнинг қизига ўхшаб ўқишдан қоринини дўннайтириб келмапти...

Жуман бобо икки тиззасига шаниллатиб уриб, ўришдан туриб кетди.

Бундан тўққиз йил муқаддам Жуман бобо тўнакка ётиб қолган тенгдош дўсти уста Мутаваккилни кўргани борди. Унинг икки оёғи шол бўлиб, кўчага чиқолмай қолганди. Киевда ўқийдиган ўғли почтадан аравача юборинти. У борганда аравачада юришни машқ қилаётган экан. Жуман бобо аравачадан итариб гузарга олиб чиқди. Иккови бир чоғини эрмак қилиб, ўтган-кетганлардан гаплашиб ўтиришди. Тенгдош бўйинса дўстларини эслашади. Бирин-кетин хаммаси кетиб бўлди. Бу одам тўймас дунёда тенгқурлардан икковинга шўнпайиб қолишипти.

— Жуманбойи жўрам, — деди Мутаваккил. — Сен билан, адашмасам, саксон етти йилдан бери жўрачилик қиламан. Орамизга бирон марта бўлсин совуқчилик тушмади. Гинахонлик қиладиган бирон гап айтишмадик. Бизку, кетамиз, аммо орқамизда қоладиган бачаларимиз бир-биридан узоклашиб кетишмасмикин? Шундоқ бўлмасин десанг, кел, қудачилик қилайлик. Қизинг Истатойини келин қилай. Ўғлим Лукмон Обоёй бу йил ўқишни тугатиб келади. Тўй қилайлик.

Мутаваккилнинг ўғли эс-хушли йиғит бўлганди. Куёвинг борми, десанг, бор дегулик.

— Э, дўстим, ўнта қизим бўлса, ўнтасини ҳам қўлингга топираман. Истатой таътилга келсин, қўл-оёғини боғлаб оstonангга ташлаб келганим бўлсин.

Икки куда обдон эзилиб гаплашишди. Тўй режасини ҳам тузиб қўйишди. Кечга томон Жуман бобо арава тортиб Мутаваккилни уйига элтиб қўйди.

Мутаваккил шу кўчага чиққанча қайтиб чиқмади. Ётиб қолди. Дўхтирлар Бухоро шифохонасига олиб кетишди. Икки оёғи қорасон бўлган экан, кесмаса, айниган қон тананинг бошқа томонларига ҳам ўтиб кетиши мумкин экан, кесишди. Тўрт кундан кейин олдига одам қўйишди. Жуман бобо борганда у кўкка қараб кимирламай ёгарди. Кўзини аранг очиб унга қаради. Нимадир демокчи бўлди, айтолмади. Лаби сал-нал кимирлагандек бўлди.

Орадан бир ҳафта ўтиб уни тупрокка қўйишди.

Мутаваккил у билан бирга узок йўл босган жўраларининг энг сўнггиси эди. Энди бу ёруғ жаҳонда Жуман бобонинг бир ўзи шўппайиб қолгандек бўлди.

Бу орада қизи Истатой дўхтирлик ўқишини тугатиб, қайтиб келмади. Бирга ўқиган тошкентлик йиғит билан дон олишиб қопти. Ота-оналарини, ака-ука, янгаларини тўйга айтиб телеграмма юборипти. Жуман бобо ҳеч кимни тўйга юбормади. Бундай қизим йўк. Уни танимайман, деди. Мўмина момо йиғлади, ялиниб, ёлворди, бўлмади.

Чол эса эрта саҳардан чиқиб кетганича Жилвон чўлларида тентираб кунини кеч қиларди. Баъзан Вардонзе қалъасига бориб вайроналар устида кун ботишга қараб ўтирарди. Қизариб-бўзариб ботаётган куёш унинг дардларини ҳам оловли баркашига солиб ботаётгандек бўларди.

Бухорон шарифга тенгдош бу қалъани Вардон худотлар давлати тиклаган эди. Бунда кимлар бўлмади, нималар бўлмади? У Қутайбани ҳам, элакчи Таробийини ҳам,

жомакор сафидлар етакчиси Муканнинг ҳам, мўр-малах-дек ёпирилган Чингизхон лашкарларини ҳам, тўн, замбараклар судраб келган шафқатсиз Фрунзени ҳам ва ниҳоят, қишлоқма-қишлоқ юриб одам отган Қўйбишевни ҳам кўрган.

Чол ҳар гал Вардонзегга келганда шаншидан тушар, бу калъа олдида инсон умри бир ошӣ эканига иқрор бўлар: тани совиб, фикри тинчлашиб ўйига қайтарди.

Мутаваккилнинг ташлаб кетганига, Истатойнинг Тошкентда қолиб кетганига ҳам тўққиз йил бўлди. Дунёнинг тўхтатиб бўлмас ташвишларини, янгидан янги жумбоқлари эскисининг устига қул тортади. аста-секин хираланиб, хотира деб аталмиш гўшанинг бир нучмоғида кўмилиб кетади. Аммо Жуман бобо Мутаваккилни унутолмасди. Ҳар жума номоздан кейин қабристонга бориб, гўри тепа-сида қуръон тиловат қилар, ваъдасида туролмаган дўстингни кечир, деб пичирларди.

Бугун негадир ҳаммаёқ жим-жит. Ҳар куни эрталаб отасига салом бериб ишга кетадиган ўғиллари кун пешиндан оғдики, кўринишмайди. Келинлар бурчак-бурчакда пичирлашади. Мўмина бугун сизирни ҳам соғмаяпти. Маъраб, ховлини бошига кўтараман дейди. Товуқлар донсиз қолган. Нима бўлди? Тинчликми?

Кўча йўлагидан ҳассага таяниб учта оқсоқол кирди. Мўмина уларни ичкарига бошлади. Жуман бобо пойгакда тиз чўкиб уларнинг оғзига тикилди. Чоллар гапни нимадан бошлашларини билмай, сен айт, сен айт, деган-дек бир-бирларига қарашарди. Улар аввал об-ҳаводан, кейин бу йил кузнинг яхши келганидан, ҳукумат СЖКни таъқиқлаб зап иш қилганидан гапиринди.

Жуман бобонинг тоқати тоқ бўлди.

— Чайналмасдан гапираверинглар, нима бўлди? деди ташвишли бир оҳангда.

Чоллардан бири унга эмас, жўмрагидан ховур чиқаётган чойнакка қараб гап бошлади.

— Сизга худо сабр-тоқат берсин. Қандоқ қиламиз. Дунёнинг ишлари шу экан. Бир келмоқнинг бир кетмоғи ҳам бор, дейдилар. Истатой омонатини топирипти.

Жуман бобонинг боши эгилди, бели букилиб, букилиб, охири соқоллари тиззасини қордек босди.

Бутун олам бирдан сукутда қолгандек, жим-жит. Шундай жимлик чўқдики, бандидан узилган баргининг ерга қўнгани ҳам эшитилди. Жуман бобонинг бадаидаги ҳар бир мўй оғир тош бўлиб уни пастга тортарди...

Бундан бир йил олдин Истатой билан Раҳмонжонни

ҳарбий комиссариат чакириб, дўхтирлар етишмаяпти, деб уларни Афғонистонга жўнатган эди. Бу гапдан фақат Жуман бобонинг тўнғич ўғлигина хабардор эди.

Буни на онасига, на отасига айтган. У ойда бир марта Тошкентга бориб, жиянларидан хабар олиб турарди.

Бугун эрталаб Тошкентга иккита тунока тобут келди. Бирида Истатойининг, яна бирида Раҳмонжоннинг жасадли бор эди. Жуман бобонинг икки ўғли шитоб билан Тошкентга жўнаб кетишди. Қудалар маслаҳат билан икковига ёнма-ён гўр қазитмоқчи бўлиб туришган экан. Истатойининг акалари бунга кўнишмади. Слингимизни туғилган юртига дафн қиламиз, дедилар. Маслаҳат билан Раҳмонжон Тошкентда, Истатой Шофирконга дафн қилинадиган бўлди. Бугун пешин намозида Раҳмонжонга жаноза ўқилди. Дуои фотиҳадан кейин Истатойининг тобути солинган автобус Бухоро томонга йўл олди...

...Чоллар юзларига фотиҳа тортиб, ўринларидан туришди. Жуман бобо ҳарчанд уринса ҳам ўрнидан туролмади. Икки киши қўлтиғидан олиб турғазиб қўйди.

Кўп яшаган, кўпни кўрган, бахту бахтсизликларни, тўю азаларни кўрган Жуман бобо шу топда ўзини эп-лолмай мувозанатини йўқотган эди.

Ховли одамга тўлиб кетган. Қуда-қудағайлар, қариндош-уруғлар, ҳамқишлоқлар кўча эшиги олдида жимгина ер чизиб ўтиришарди. Ичкаридан хотин-халажнинг айтиб йиғлаши эшитилди. Оқсоқоллардан бири ховлига кириб, ҳой, мурда эшикдан чиқмай, тупроққа қўйилмай йиғлаб бўлмади, деб уларни тинчитиб чиқди. Барибир Мўмина белини бойлаб ховлининг у бошидан бу бошига юриб йиғлади.

Автобус кечаси ўн бирларда келди.

Аллақайдан пайдо бўлган военком тобутни очишга рухсат бермади.

— Тобути билан кўмилади. Ким очса жавобгарликка тортилади.

Рухсат бўлганда ҳам очиб бўлмасди. Рухланган қалин туноқани фақат электр пайванд аппаратида кесиш мумкин эди.

— Воё, узоқларда ўққа учган болам. Темир кафан кийган болам.

Мўминанинг бу фарёди одамларнинг юрак-бағрини ўртаб юборди. Ҳамма баробар ув тортди.

Истатойининг Хасан-Ҳусан ўғиллари ҳеч қачон келмаган ховлида, ҳеч қачон кўрмаган одамлар орасида ҳайрон

қараб турардилар. Улар гўдак эди. Бир кунда ҳам отасидан, ҳам онасидан ажралганини, энди етим бўлиб қолганларини идрок қила олмасдилар. Уларнинг боладик онгида эртами, кечми бир кун қайтиб келадигандек эди. Энди бир умр ота билан онани қўмсаб яшашларини, шодлик ва аламли дамларда энг яқин ҳамдард кишилари бўлмаслигини ҳали билмасдилар.

Тобутни ичкари уйга олишди. Мўминна тобутни қучоқлаб фарёд урарди.

— Болагинам, тўккиз йил дийдорингдан бенасиб бўлганим етмасмиди. Чик, чик, бу темир кафандан. Жамалак сочларингги бир силай. Жонсиз танангни бағримга босай.

Келинлар уни суяб ташқарига олиб чиқинди. У остонадан бел боғлаб турган нораства икки неварасини бағрига босиб фарёд урди.

Жуман бобо айвон даҳанида кўксини хассага бериб қимирламай ўтирарди. Унинг ўғиллари тобутни бузиб очамиз, деб болта кўтариб келишди. Военком билан икки солдат йўлларини тўсиб, болтани олиб қўйди. Бу оқшом хонадонда ҳеч ким ухламади. Жуман бобо икки етим неварасини тўнига ўраб, кўзларини юмганча қимирламай ўтирарди, ҳадеб ўзини ўзи қарғарди.

Йиғи-сиғи, дод-фарёд билан Шофиркон тонги ёришди. Офтобнинг оловли қўли Вобкент минораси пештоқини шам қилиб ёқди.

Кўча эшиги олдида қўйилган курсиларда кексалар ўтиришарди. Ёш-яланг қўл қовуштириб тик турипти. Кимдир ювилмаган, кафанланмаган мурдага жаноза лозимми, деб сўраб қолди. Масжид мутаваллиси жавоб қилди.

— Муҳорабада қурбон бўлганлар шаҳид кетадилар. Уларнинг жасадлари ҳаво билан, офтоб билан ювилади. Буни таяммум дейдилар. Истатой тўшпа-тўғри биҳиштга тушади. Ҳур-ғулмонларга қўшилиб кетади.

Қабристондан қайтаётганлар орасида Жуман бобо кўринмасди. Ҳар кимнинг ўз гуноҳи ўзи билан. Балки Жуман бобо қизини кечирганда, кел деб эшигини очганда бундай бўлмасмиди. Энди Мўминанинг бетига қандай қарайди. Ахир у нимага бундай бўлганини билади-ку! Ундан қаёққа кочиб кутулади?

У қалъа томон оғир юк орқалагандек букчайиб борарди. Неча юз йиллар олдин кулаб кетган минг йиллик дарахтларнинг тошга айланган илдиэларига тирманиб харобалар тепасига чиқди. Бу жойдан бутун воҳа кафтда тургандек кўринарди.

Офтоб ўчяпти. Кўм-кўк осмонда сузиб юрган пахта-дек юмшоқ паға-паға булутлар таги ёнаётгандек ловулларди.

Жуман бобо икки қўлини баланд кўтариб аллоҳга нола қилди:

— Э, худо, мунча қаҳрингга оласан? Нега мени ўлмайдиган дардга мубтало қилдинг!? Илон-чаёнлар чакса ҳам ўлмайдиган, бўри-ю шоколлар даф қилмайдиган, ўтда ёнмас, сувда чўкмас қилиб яратдинг. Ўз боласини остонадан қувган гуноҳкор бандангман. Даргоҳингга сиғиниб келдим. Омонатингни ол! Дунёга тўймаган норас-талар умрини нега менга юлиб берасан? Ахир мен ёшим-ни яшаб бўлдим. Яшайвериб зеркиб кетдим. Ўзингдан тилаб олган ёлғиз қизим у дунёга мендан дили оғриб кетди. Бунга қандок чидайман? Тонгла машҳарда унга қандок қарайман? Энди кетай, бу ёруғ жаҳонда бошқа-ларга жой бўшатай.

Кўм-кўк осмон жим. Булутлар жим. Унинг илтижола-рига на кўк, на ер жавоб қиларди.

Олисда ҳарир туман ортида салкам минг йил яшаган Вобкент миносаси абадийлик тимсоли бўлиб кўриниб турарди. Гўё у:

— Юр, олис асрларга бирга борайлик, — деб чорлаёт-ганга ўхшарди.

Чол қалъадан ҳорғин тушиб келаркан, атрофини ко-ронғулик пардаси ўраб, нилдек осмонда бирин-кетин юл-дузлар кўз оча бошлаган эди.

*1992 йил, май.*

## ХОТИН

Мунисхон эридан ажралиш ҳақидаги аризасини суд қабул қилгани тўғрисидаги хабар қоғози почтадан кел-ганда ҳам, суд залида ўтириб эрининг ғамгини қиёфасини кўрганда ҳам бунчалик изтиробга тушмаган эди. У ҳозир айвон лабида фижимланган газетага беҳуш қараб ўтириб-ди. Кампир ҳовлида ивирсиб гоҳ ошхонага, гоҳ уйга киради... Қизига бир нима дейишга тили бормади. Нима ҳам дея оларди у. Олти ойдирки қизи Мунис ўз ёнига ўзи қоврилади. Севган, аҳди паймонлар билан теккан эрини ташлаб келди. Дарди ичида. На она, на ота унга ботиниб гапира олади. Нима бўлса ҳам, кўнгли яримта, деб яхши гапириб келишади. Она бўлса хилватда ох уриб: «Қўшга-

ни билан қўшақарисин, ҳар қизки уйдан чиқдим, қайтиб келгулик қилмасин» деб ичирлайди.

Мунисхоннинг эридан ажралиб келганидан то шу кунгача чехрасида самимий кулгини на ота, на она кўрди. Унинг юзи заъфарон бўлди. Айниқса, бугун эрталаб почта-льон ташлаб кетган газета ноҳуси хабар келтирди. Газетада эри Жўрабек тўғрисида қаттагина фельетон босилиб чиқибди. У маънвий бузуқликда, қурилиш материалларини талон-ғорож қилишда айбланган эди. Мунисхон бир неча бор ўқиган бу айбномага тикилар экан, ичидан келган кучли хўрсенишни тўхтатолмай ўрнидан турди.

«Унинг шу аҳволга тушиб қолишига мен айбдорман. Нега уни ташлаб келдим, нега охиригача олишмадим? Нега уни шу йўлдан қайтаролмадим? Нега унинг бемаъни улфатларини қувмадим?..»

Мунисхон ана шундай изтиробли ўйлар билан ўзини ўзи койиркан, бирдан кўзига суд зали кўриниб кетди. Жўрабек соч-соқоли ўсиб бир ҳоли, бир сар қиёфада ўтирибди. У ҳар замон бунга ер остидан қараб қўяди. Унинг бевақт ажини тушган юзларида аллақандай тушуниб бўлмайдиган ифода. Мунисхон бени йил бирга яшаб унинг юзларини, кўзларини бунақа лоқайд, ифодасиз кўрмаганди. Хатто Жўрабек бирор нарсадан ғазабланганда ҳам кўзларида қандайдир табассумга ўхшаган бир ифода бўларди. Ҳозир-чи? У энди ҳамма нарса тамом бўлди, энди яшашнинг ҳам қизини қолмади, дегандек, курашда енгилган, нажот йўлини бутунлай йўқотган киши кенатасида ўтирарди. Мунисхон ўшанда ўрнидан туриб суд ҳайъатига: «Йўқ, эримни ташламайман, ахир мен уни яхши кўраман!» деб қичқиргани келди. Қандайдир бир куч уни ўтирган жойига миҳлаб қўйгандек қимирлатмади. Уйқусиз кечалар, тушни тонгга улаб уни кутишлар, лаззатини, тинччини йўқотган жуфтлик ҳаёти, тенгишлар, то ҳушини йўқотгунча ичинлар, таъналар — ҳаммаси, ҳаммаси бир бўлиб, эр-хотинини суд остонасига олиб келган эди. Мунисхондан ажралиш Жўрабекнинг ҳаёлига ҳам келмаган эди. Бу мудҳиш сўзни биринчи бўлиб Мунисхон баланд овоз билан айтди. Бу гапининг дахшатини Жўрабек дарров сезмади. Эрлик ғурури шундоқ гапни айтган хотинига тик қарашга, уни эламасликка мажбур қилди. У бемаҳал портлаган бу бомбанин дахшатини суд залида сизди. Сизди-ю, энди кечикканини, жафокаш, чинакам мунис дўстини йўқотганини англади. Унга шу топда бирдан ҳаётнинг маъноси йўқолгандек,

ашагининг кизиги қолмагандек бўлди. То суд мажлиси тамом бўлгунча мурдадек жонсиз, хиссиз ўтирди. Саволларга нима деб жавоб берганини, хотини ўнга қандай таъиалар қилганини худди туш кўраётгандек жуда хира, рангсиз, товушсиз, факат имо-ишоралардангина сезаётгандек эди. Мунисхон эса ички дард, изтироб кучи билан, ҳам ғазаб, ҳам нафрат ёғилиб турган сўзлар билан уни айбларди. Ха, Мунисхон уни факат, фака айбларди. Бир умр ундан яхшилик кўрмагандек айбларди. Айбларди-ю, севган кишидан, орзу-умидларидан, ниятларидан, бирга кечирган ойдин кечаларнинг ёркин, аллақандай нурга, шуълага тўлган хотираларидан биц умр ажралаётганини сезмасди. Шундай бўлди. Беш йилтик умрдан факат ўша суд қарори қолди, холос. Энди улар бир-бирларига бегона кишилар бўлиб қолишди.

Шундайми?

Мунисхон ўзига шундай савол берганда: «Дод!» деб юборгиси: «Йўк!», «Йўк!» деб қичқиргиси келарди. «Уни шу аҳволда ташлаб кетмаганимда бунда бўлмасди. Курашишим, бутун борлиғим билан курашишим, уни шу йўлга бошлаган ҳар қандай кучдан зўр келишим керак эди. Нега шундай қилмадим? Нега уни енгмдим? Нега ўзимни курашдан четга тортдим? Энг яқин кишимни ҳалокат ёқасига ташлаб, ўзимни олиб қочдим. Энди у оқутувдани ҳалок қилди. Йўлга, маргабасига ўст бўлгандар, уни шу йўлга бошлаганлар аллақачон бегона бўлиб олдилар. Унга эътибор бўлаётган, юпагадир, кўнглига далолат берадиган яқин кишини қолмади. Энди уни чиннакам ишроққилдилик қилди».

Мунисхон фикрланган гаҳтага доқай термилиб, авва шундай ҳаёт сўради.

Ховалига ҳиссага таянган датарси кирди. У оқинда шилдираб оқайтган сувда қисмини ювиб, ҳўл қилиб кетган совоқларини белбоғига артиб, сувага ўтирди. Чол хассасининг учин билан ер қисми, анча вақтгача ўм ўтирганган кейин, боғини кўтариб, қисмига қаради.

— Мунис, қисми, бавава кел. Хамма гаҳ эшитдим. Жўда қисми иш бўлиши. Хўш, энди нима қилдикчисан?

Мунисхон ердан бош кўтармай, хамон қандай ўтирарди.

— Қисми, ота ҳеч қачон ўз фарсандинг ёмонликни бававо кўрмайдми. Гаптаринга кетойди қулобер. Жўрабек епин бола. Севдан бошқа ҳеч қисми йўк э. Авваламбир, ташлаб кетганинг жўалик иш бўлмаганди. Хали ҳам бўлса йўлга олган. Оқининг тафтини ҳам кўтара-

ди. Ёнига бор. Шундай қилсанг чинакам одамлик қилган бўласан. Бор, унга ҳамдам бўл.

Эрталаб тонг отини билан Мунисхон йўлга чиқди. Уни Тошкентга олиб кетаётган автобус ҳам, поезд ҳам, назарида, жуда секин юраётганга ўхшарди. Поезд ичидим бўлганидан йўловчилар газета билан ўзларини елтирдилар. Бу томонларга почта бир кун кечикиб келарди. Кечаги газетанинг Жўрабек хақидаги фельетонини йўловчиларнинг эрмаги бўлиб қолди. Мунисхон қаёққа қарамасин, ўша газета. Худди атайлаб қилгандек, газета тўрт букланганда ўша фельетон мана мен, деб кўришиб турарди. Йўловчилардек эрмакталаб халқ камдан-кам бўлади. То Тошкентга етиб келингунча Жўрабекнинг дostonи оғизларидан тушмади. Хар ким ўз фикрини айтарди.

— Бу ярамасин албатта суд қилинади.

— Инсонлик қиёфасини йўқотганларнинг жазосини бериш керак.

Кела-келгунча одамларга орқасини ўгириб овқат еб келаётган, бўйини буқаникига ўхшаган бир кишини товукнинг оёғини лунжигга тикар экан, налагада товун билан деди:

— Ахир, хотини талоқ, гар бўл, ўғри бўл, инсофли бўл-да!

Унинг гапи Мунисхонга қаттиқ ботди. Бир нима дейишга оғзи бормай, қошларини чимирди. Буқабўйини кишини газетани «шарр» этиб йиртиб, худди фельетонли жойига лунжининг ёғини артиб, яна гап қотди:

— Қизи талоқ мухбирлар ҳам кўп ғаламис бўлишадиди. Ха, энди шундоқ бўлган экан, кўриб-кўрмасликка олиб кетавермайсанми. Хукуматнинг даргоҳи катта, омиборнинг эшиги тор, тўйнуғи кенг. Озроқ олган билан ғазнаси тамом бўп қолармиди? Мунча ковлаштирасан, сийиниталоқ, ўзваг бўлганингдан кейин ўзвагингга қайишда. Хукумат уни қамаб қўйса, поининг инкита бўладими сенинг?

Ўтирганларнинг этагига ўт туташгандек барабар ўрниларидан туриб кетинди. Юқорида китоб ўқиб ётган ёшгина бир йиғит «гуп» этиб ўзини пастга отди. Буқабўйинининг ёқасидан олиб, йўлакка судради. Бошқаси унинг юкини йиғинштириб орқасидан ирғитди. Поезд дувараккина бир разъездга келиб қолган эди, буқабўйинининг бай-байлашига қарамай, уни вагондан тушириб юборишди. Поезд жойидан жилди ҳамки, ҳеч кимдан садо чиқмади: бу одам ҳаммани — хукуматни, ўзбекларни,

яшашнинг қизиғи қолмагандек бўлди. То суд мажлиси тамом бўлгунча мурдадек жонсиз, ҳиссиз ўтирди. Саволларга нима деб жавоб берганини, хотини унга қандай таъналар қилганини худди туш кўраётгандек жуда хира, рангсиз, товушсиз, фақат имо-ишоралардангина сезаётгандек эди. Муниسخон эса ички дард, изтироб кучи билан, ҳам ғазаб, ҳам нафрат ёғилиб турган сўзлар билан уни айбларди. Ха, Муниسخон уни фақат, фақат айбларди. Бир умр ундан яхшилик кўрмагандек айбларди. Айбларди-ю, севган кишидан, орзу-умидларидан, ниятларидан, бирга кечирган ойдин кечаларнинг ёрқин, аллақандай нурга, шуълага тўлган хотираларидан бир умр ажралаётганини сезмасди. Шундай бўлди. Беш йиллик умрдан фақат ўша суд қарори қолди, холос. Энди улар бир-бирларига бегона кишилар бўлиб қолишди.

Шундайми?

Муниسخон ўзига шундай савол берганда: «Дод!» деб юборгиси: «Йўқ!», «Йўқ!» деб қичқиргиси келарди. «Уни шу аҳволда ташлаб кетмаганимда бундай бўлмасди. Курашишим, бутун борлигим билан курашишим, уни шу йўлга бошлаган ҳар қандай кучдан зўр келишим керак эди. Нега шундай қилмадим? Нега уни енгмадим? Нега ўзимни курашдан четга тортдим? Энг яқин кишимни ҳалокат ёқасига ташлаб, ўзимни олиб қочдим. Энди у бутунлай ҳалок бўлди. Пулига, мартабасига дўст бўлганлар, уни шу йўлга бошлаганлар аллақачон бегона бўлиб олдилар. Унга ҳамдард бўладиган, юпатадиган, кўнглига далда берадиган яқин кишиси қолмади. Энди уни чинакам шармандалиқ кутяпти».

Муниسخон ёғимланган газетага лоқайд термилиб, ана шундай хаёл сурарди.

Ҳовлига ҳассага таянган дадаси кирди. У ариқда шилдираб оқаётган сувда юзини ювиб, хўл бўлиб кетган соқолларини белбоғига артиб, супага ўтирди. Чол ҳассасининг учи билан ер чизиб, анча вақтгача жим ўтиргандан кейин, бошини кўтариб, қизига қаради.

— Мунис, қизим, баққа кел. Ҳамма гапни эшитдим. Жуда хунук иш бўпти. Хўш, энди нима қилмоқчисан?

Муниسخон ердан бош кўтармай, ҳамон ўшандай ўтирарди.

— Қизим, ота ҳеч қачон ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Гапларимга астойдил кулок бер. Жўрабек етим бола. Сендан бошқа ҳеч кими йўқ эди. Авваламбор, ташлаб келганинг жўялик иш бўлмаган эди. Хали ҳам бўлса йўлга отлан. Одамнинг тафтини одам кўтара-

ди. Ёнига бор. Шундай қилсанг чинакам одамлик қилган бўласан. Бор, унга ҳамдам бўл.

Эргалаб тонг отини билан Мунисхон йўлга чиқди. Уни Тошкентга олиб кетаётган автобус ҳам, поезд ҳам, назарида, жуда секин юраётганга ўхшарди. Поезд ичин дим бўлганидан йўловчилар газета билан ўзларини елтирдилар. Бу томонларга почта бир кун кечикиб келарди. Кечаги газетанинг Жўрабек ҳақидаги фельетони йўловчиларнинг эрмаги бўлиб қолди. Мунисхон қаёққа қарамасин, ўша газета. Худди атайлаб қилгандек, газета тўрт букланганда ўша фельетон мана мен, деб кўришиб турарди. Йўловчилардек эрмакталаб халқ камдан-кам бўлади. То Тошкентга етиб келишгунча Жўрабекнинг дostonи оғизларидан тушмади. Хар ким ўз фикрини айтди.

— Бу ярамасин албатта суд қилинади.

— Инсонлик қиёфасини йўқотганларнинг жазосини бериш керак.

Кела-келгунча одамларга орқасини ўгириб овқат еб келаётган, бўйини букашиқига ўхшаган бир киши товукнинг оёғини лунжигга тикар экан, налағда товун билан деди:

— Ахир, хотини талоқ, фар бўл, ўғри бўл, инсофли бўл-да!

Унинг гапи Мунисхонга қаттиқ ботди. Бир нима дейишга оғзи бормай, қошларини чимирди. Буқабўйин киши газетани «шарр» этиб йиртиб, худди фельетонли жойига лунжининг ёғини артиб, яна гап қотди:

— Қизи талоқ мухбирлар ҳам кўп ғаламис бўлишадидда. Ха, энди шундоқ бўлган экан, кўриб-кўрмасликка олиб кетавермайсанми. Хукуматнинг даргоҳи қатта, омиборнинг эшиги тор, туйнуғи кенг. Озроқ олган билан ғазнаси тамом бўп қолармиди? Мунча ковлангтирасан, сийиниталоқ, ўзваг бўлганингдан кейин ўзвагингга қайишда. Хукумат уни қамаб қўйса, нонинг иккита бўладими сенинг?

Ўтирганларнинг этагига ўт тутангандек барабар ўришларидан туриб кетишди. Юқорида китоб ўқиб ётган ёшгина бир йиғит «гуп» этиб ўзини пастга отди. Буқабўйиннинг ёқасидан олиб, йўлакка судради. Бошқаси унинг юқини йиғиштириб орқасидан ирғитди. Поезд дувараккина бир разъездга келиб қолган эди, буқабўйиннинг бай-байлашига қарамай, уни вагондан тушириб юборишди. Поезд жойидан жилди ҳамки, ҳеч кимдан садо чиқмади: бу одам ҳаммаси — хукуматни, ўзбекларни,

мухбирларни — ҳамма, ҳамманн ҳақоратлаб кетган эди. Гўё кўкариб заҳарга тўлган чаён ковакдан чиқди-ю, бу ердагиларнинг танасидан ўрмалаб жамият ичига кирмоқчи, уларга ниш урмоқчи бўлгандек эди.

Мунисхоннинг кўзига эри Жўрабек кўришиб кетди. Нахотки у ҳам чаён бўлса?! Нахотки у ҳам одамларга ниш урмоқчи бўлса?

Бу асаби қайнаган йўловчилар учун Жўрабек билан бояги буқабўйинининг қандай фарқи бор? Иккови ҳам бир эмасми?! Йўк! Жўрабек адашган, у чаён эмас, чаён эмас...

Мунисхон минг азоб билан бир умр келмас бўлиб кетган уйининг остонасига қадам қўйди. Эрининг фарзандсиз бева аммаси уни жуда совуқ кутиб олди. Кўз қарашларидан: севинганингдан келдингми, унинг ҳолдан кулгани келдингми, деган маъно англашилди. Мунисхон уйга кирди. Бир вақтлар ёғ тушса ялагудек топтоза уйи ниҳоятда бесаранжом, фэйзсиз эди. Кулдон папирос қолдиқларига тўлиб кетибди. Каравотнинг бош томонида полга жуда кўн кул тўкилган. Кўп чекибди, кечаси ҳам чекадиган бўлиб қолибди, деб дилидан ўтказди Мунисхон.

У бир вақтлар ёшликнинг қайноқ муҳаббати ёритган уйда шу кўйи узок кезиб юрди. Охак чўтқасининг девордаги биллинар-биллимас излари унга шу уйда ўтирган келинлик дамларини, электр симларининг бурамалари шифтга қараб сурган ўйларини, ҳозир чанг босган рамка ичида жилмайиб турган кўнғир соч Жўрабекнинг сурати тўй олдидаги ваъдаларни эслатарди. Мунисхон уни қандоқ севарди! Қани у эҳтирослар, қани у эркаланишлар! Уни бу ерга на ёшлик хотиралари, на эҳтирос, на дилни эркаловчи ошиқона сўзлар бошлаб келди. Мунисхонни дўстлик, кадрдонлик, қолаверса унинг биринчи қалб ёлқинини олиб қолган, илк севгисини, сиру сеҳрга тўла қайноқ муҳаббатини бағрига яширган, бир вақтлар энг азиз, энг яқин, ҳозирда эса бегона бўлиб кетган кишинининг бошига тушган мусибатга ҳамдард бўлиш, одамлик қилиш ҳисси бошлаб келган эди. Ким билади, ўчган ўт қайта ёнармикин. Агар у кулга айланмаган бўлса, ёнмоғи мумкин.

Мунисхон хаёллар, хотираларга берилиб Жўрабекни кутди. У келмади. Иш вақти тугаганига ҳам бир соатдан ошди. Ҳамон ундан дарак йўқ эди. Мунисхонни ваҳима босиб, ҳовлига чиқди. Кампир ҳам безовталаниб, тик этса эшикка қарарди. Мунисхон кўчага югурди-ю, дуч келган «такси»ни тўхтатиб, Жўрабекнинг

иншонасига қараб кетди. Қурилиш майдонида одам кўн эди. Қандайдир йиғин бўляпти. Мунисхон одамларини оралаб ичкарига интилди.

Президиум столи атропоида ўтирганлар орасида Жўрабек кўринмасди. Мунисхоннинг юрак ўйноғи баггар ошди. Нафасини ростлаб ёнидаги йиғитдан сўради:

— Мажлис бўляптими?

— Йўк, ўртоқлик суди бўляпти. Бошлиғимизни суд қиляпти. Ху, анови чап томонида орқасини ўгириб ўтирган киши, ўзи яхши одам эди-ю, улфатлари расво қилинди-да, қозонга яқин юрсанг, қораси юқар, деб шунини айтадилар-да!..

Бирдан говур босилиб, майдон сув қуйгандек жимиб қолди. Сўнги сўз айбдорга берилган эди. Жўрабек бошини эгиб, халойиққа қарамай, оғир қадамлар билан стол олдига келди. Мунисхон титраб кетди. Эри анча озиб қолди. Кўзи ич-ичига ботиб кетибди. Жўрабек бир ютиниб олди-да, бошини кўтариб ғамгин юз билан гап бошлади:

— Мени ёмон улфатларга қўшилиб шундай бўлди, дединглар. Тўлаганининг, Орифининг гапига кирди, дединглар. Тўғри, шундай бўлди. Нега улар бошқа одамни йўлдан урмай, мени йўлдан уришди? Бўш дарахтни қурт ейди. Мен бўш дарахт эканман. Мустаҳкам чинорларга қуртларнинг тиши ўтмайди. Қуртларни йўқотишдан аввал қуртларга ем бўладиган дарахтни қирқини керак. Менга қўйилган айбларнинг ҳаммасига иқрорман. Мен қилган иш хато эмас, жинойт. Хато тузатилади, жинойтчи жазоланади. Менга жазо беринглар. Мен бир марта жазоланган одамман, кўзим очилмаган. Севган хотиним ташлаб кетган. Шунда ҳам йўлимни топиб олмаганман. Энди менга каттароқ жазо беринглар.

Жўрабек бошқа гапирмади. Яна бошини эгиб, жойига бориб ўтирди. Суд хукмга кирди. Яна одамларнинг говур-ғувури бошланди. Мунисхон одамларга орқа ўгириб ўтирган эрининг елкасидан кўзини узмай, ҳамон тик турганича қимир этмасди. Суд хайъати яна минбарга чиқди. Раис хукмини ўқиди. Жинойтчини трест бошлиқлигидан бекор қилиб, бетончилар бригадаси ихтиёрига юбориш, ундан талон-тарож қилинган қурилиш материаллари учун саккиз минг етти юз сўм ундириб олиш ҳақидаги хукмини одамлар қарсақлар билан қарши олди.

Мунисхон беихтиёр билагидаги тилла соатини ушлади. Тўй куни эри совға қилган бриллиант кўзли узугини бармоғидан чиқазди.

Бирпасда майдон бўшаб қолди. Жўрабек ҳаммадан кейин ўрнидан турди. Ҳеч қаяққа қарамай аста-аста юриб майдончадан чиқди-да, худди маст одамдек гандираклаб кўчага бурилди. Муниҳон унга эргашди. Қеч кириб, атроф қоронғилашиб қолган эди. Жўрабек қран тепасидаги прожектор ёритиб турган ёишт уюми олдида тўхтаб, папирос тутатди. Муниҳон қадамини тезлатиб унга яқинланди.

— Жўрака!

Жўрабек қулоғига қалинган таниш овоздан сесқаниб кетди. Қўлида ёниб турган гугурт чўпини қаяққа ташлашни билмай эсанқиради. То Муниҳон етиб келгунча гугурт охиригача ёниб қўлини қуйдирди. Муниҳон чидаб туrolмади, югурганча келиб Жўрабекнинг бўйига осилди. Жўрабек қалтирарди. Бу хаяжонданми, хўрликданми, билиш қийин эди.

Атрофни ларзага солиб келаётган бульдозернинг ўтқир чироғи ҳар силкиганда уларнинг соясини гоҳ баланд иморатларнинг учига, гоҳ тош, шағал уюмларининг дўнгига улоқтирар, муюлишга келганда эса уларнинг жуфт сояларини атрофларида ярим доира қилиб айлантирарди...

1948 йил.

## БАҲОР СУВЛАРИ

Қаравотга қалқанча ётиб, Тургеневнинг «Баҳор сувлари» китобини варақлай бошладим. Китоб орасидан тўрт букланган қоғоз кўкрагимга тушди. Беқарволик билан қоғозни олиб, ётган еримда ўқий бошладим. Оддий қора қалам билан жуда хунук ёзилган, баъзи жойлари ўқиб бўлмайдиган қилиб ўчириб ташланган бу хат мени ҳайрон қилиб қўйди. Хат эгаси, уни ё муттасил тебраниб бораётган трамвайда, ё тик туриб ёзганга ўхшайди. Бир қизикли дафтар варағидаги сатрлар бошида йўғон-йўғон ҳарфлар билан бошланиб, сатрнинг охирига етмай бири-бирига мишгашиб кетарди. «Нима бало, маст одам ёзганми буни», деб дилимдан ўтказдим. Юқорисидан икки-уч сатр ўчириб ташланган хат шу ердан бошланади:

«...Ўйингиздан бутунлай кетдим. Қутманг. Қайтиб келмайман. Бу хатни бутунлай, қайтиб келмас бўлиб кетаётганимни сизга билдириб қўйиш учунгина ёзаяман. Сабабини билишни истарсиз? Наҳотки ўзингиз билмасангиз?»

Қайси бир хотин қанчадан-қанча аҳду наймонлар, орзу-умидлар билан кириб келган уйини ташлаб кетади? Мен ана шундай қилдим. Бу менинг виждон олиндидаги қарзим, ҳақоратланган, оёқ ости қилинган муҳаббатим олиндидаги бурчим эди. Эсингиздами, анҳор бўйидаги ағдарилган қари чинор танасига ёнма-ён ўтириб, юлдузларга термилардик. Кўп ошиқлардан бева қолган ойининг булутдан булутга сузиб ўтишини хўрсиниб-хўрсиниб томоша қилардик. Сизнинг елкангизга сўяниб, анҳор салқинидан сесканганимда костюмингизнинг этагига мени ўрардингиз. Ўша кунлар ўзимни чинакам бахтиёр деб билардим. Анҳорнинг нариги томонидаги янтоқлар орасида чириллаган чигирткаларнинг овози ҳам қулоғимга ажойиб бир оҳанг бўлиб эшитиларди. Баъзан эл ухлаган сокин кечада асфальт кўча бўйлаб олис-олисларга кетиб қолардик...»

Шу ерга келганда хатнинг кетма-кет уч сатри ўчирилган. Шунча уринсам ҳам ўқиёлмадим.

«...Баъзан артистларга раҳмим келади. Улар саҳнада ўз қиёфаларидан чиқиб, бир неча соат бошқа одам бўлиб яшайдилар. Уларнинг маҳоратига қойил қолиб қарсак чаламиз. Ўйлаб кўрнинг, бу улар учун жуда ҳам катта меҳнат, машаққат эмасми?

Сиз-чи? Сиз саҳнада эмас, ҳаётда артист бўлиб яшадингиз. Ўзлингиздан чиқиб, бошқа одам қиёфасига кирдингиз. Ўзидан, вужудидан, қалбидан, дунёдаги энг ярамас, ифлос нарсадан жиркангандек жирканадиган одамгина шундай қилади. Бу жуда қийин иш-ку! Умр бўйи бир танада икки киши бўлиб яшаш мумкинми, ахир! Шунинг учун сизни ташлаб кетдим. Ҳеч қайтиб келмас бўлиб кетдим. Тўйимиз бўлган кунни бир эсланг. Қадаҳларнинг жаранги, ҳофизларнинг хонини, дўст-ёрларнинг қалбини титратадиган табрик сўзлари... Ўша кунлари чинакам бахтиёр эдим, худди булутлар орасида сузиб юргандек эдим, поёнига етиб бўлмас орзуларим бор эди. Худди тўйимиз кунни, эшигингиз — менинг янги уйимнинг эшиги олиндида боласини кўтариб турган хотиннинг ғазаб ва нафрат тўла кўзлари менга тикилганини, унинг қалбида тугён қилаётган ҳисларни пайқаман эдим. Чунки мен бахтиёр эдим. Бахтдан энтиккан кишининг кўзига ҳамма нарса гўзал, ҳамма одам бахтли кўришини билмаган эканман. Мен бахтдан энтикардим, у бахтсизликдан пинҳоний фарёд чекарди. Мен бахтга етишган эдим, у бахтини йўқотган эди. Энди ўйлаб қарасам, у бахтни эмас, бахтсизлигини йўқотган экан. Негаки, сиз, ўзгага бахт беролмайдиган нотавон киши экансиз. Унинг юзла-

рига бемаҳал тушган ажшлар, кўнғирок соҳларга бемаҳал оралаган оқлар сиз келтирган «бахт» эжанлигини энди яхши билман.

Хозир шу хатни ёзарканман, хотинингизнинг ўша машъум тўй куниндаги кифасини кўз олдимга келтириб, қалам тутган қўлларим муштга айланганини билмай қолибман. Бирга юрган кечалари ойга термилиб тонг оттирган пайтларимизда у мушфик хотинининг дераза олдида эшикка термилиб, маъюс, афтодахол ўтирганни ўйлаганимда, бутун борлигим зиркираб кетади. Сизни қарғаш учун олам бисотидан таҳкирлироқ сўз тополмайман...»

Хатнинг давоми бутунлай ўчириб ташланган. Чирокқа яқинроқ бориб ўқинишга уриниб кўрдим. Йўқ, ўн саккиз сатр ичидан фақат «инсоф»ми деган сўзни аранг ўқий олдим, холос.

Тавба! Бу хатни ким ёзган? Кимга ёзган? Хаёлим қочиб, ҳар бир сатридан ғазаб, нафрат ёғилиб турган хат эгасини билгим келди. Китобни олиб, хатнинг давоми чиқиб қолармикин деган ўй билан уни варақлай бошладим. Йўқ. Китоб кутубхонашкн эди. Кимдир уни беихтиёр китоб билан топириб юборган бўлса керак. Уйкум қочиб у ноганиш, аламзада хотин қалбиниинг энг тираи жойларидан отилиб чиққан қайноқ, оловли сўзларидан эрталабгача тўлғандим.

Эрталаб кутубхонадан оу китобни мендан аввал олган кишини сўрадим. Кутубхоначи хотин тайинли бир гап айтмади. Унинг гапича, университет кутубхонаси бундан икки ярим ой олдин сайлов участкасига китоблар юборган, сайловдан кейини ўша китоблар муқовалашга берилган экан. Хуллас, хат кимдан ва кимга эжанлиги маълум бўлмагани учун менда қолди. Аммо бу панд еган жасур хотинининг ўртаниб ёзган қайноқ сўзлари эгасига етмаганидан афсусландим.

Ўқиншлар тугади. Беш йил бирга ўқиган қадрдонлар билан хаёрлашадиган кунлар келди. Айниқса, ўзини ҳаммадан олиб қочадиган, менга ҳам шубҳа билан қарайдиган ҳамкурс Санобардан ажралиш менга жуда оғир эди. Бу хаёлчан қиз негадир менга жуда ёқарди. У кўнчилиikka кам аралашарди. Ҳамкурслар бир-биримизнинг «миридан-сирингача» дегандек саргузаштларимизни, орзуларимизни баҳам кўрардик. Аммо Санобар ўзи ҳақида, иниятлари ҳақида лом-ним деб оғиз очмаган. Унинг табияти ана шунақа эди. Ўзи алоҳида дарс тайёрлар, қайғусини ҳам, шодлигини ҳам биров билан баҳам кўрмасди. Унга раҳмин келганиданми, ё табиятим оғирроқ бўлгани-

данми, ҳар қалай, унинг соқиллиги менга ёқарди. Кейинги курсдагина икковимиз бир-биримизга яқин бўлиб қолгандик. Хатто бир-икки марта кинога ҳам бордик. Кўрган киномизда Санобар жуда кўп йиғлади. Кино унчалик кишини йиғлатадиган даражада ҳам эмас эди. Хайронман, Санобар нега йиғлади экан!

Август охирлаб қолган эди. Эртага Санобар Бекободга кетади. Мен эски касбим — газета ишида қоламан. Шу кунни сўнги бор у билан паркка бордик. Негадир у хомушроқ эди. Мен унинг бу кайфиятини то шу кунгача бир-биримизга дардимизни айтмаганимиздан, шундайлигича ажрашиб кетишимиздан бўлса керак, деб ўйладим. Ҳар қалай, бу масалада эркаклар дадилроқ бўлади. Довдираб бўлса ҳам гапни ўзим бошладим. Шу пайтгача бу тўғрида оғиз очмаганимдан ўзимни ўзим койиб, хаяжон аралаш секин гапирардим. Билмадим, гапларимнинг ҳаммасини эшитдим, йўқми?

Паркда одам кўп эди. Танца майдончаси, морожний-хоналар студентлар билан тўла. Санобарнинг қўлидан ушладим. У ялт этиб менга қаради.

— Юринг, хув анови сув бўйига борамиз.

— Нега?

Бу саволга жавоб тополмадим.

— Юринг! — деди Санобарнинг ўзи йўл бошлаб.

Сув бўйи холироқ эди. Симёғочдаги чироқнинг сувдаги акси гўё ханжардек анҳор тагига санчилганди.

— Сизни Тошкентда қолдирмоқчи эдилар-ку, нега Бекободга юборишларини сўрадингиз?

Санобар жавоб бермади. Сувга тикилганича бир неча дақиқа индамай ўтирди. Сўнг вазминлик билан:

— Менга қаранг, — деди, — беш йил бирга ўқидик, сиз менга бошқаларга қараганда яқинроқ бўлиб қолгансиз. — У негадир гапни гапга қовуштиролмай кийиналарди. — Кўзларингизга қараганимда, юрагингизда аллақандай хис борлигини сезиб кийиналаман. Гапим кўполроқ чиқса, мени кечиринг. Бекор қиляпсиз. Ҳали ёшсиз. Ўз тенгингиз билан топишишингиз керак. Мен буни олдинроқ айтишим керак эди. Нега шундай қилмадим?..

— Нега, ахир сизни... наҳот сиз мени... Ё сизнинг бошқа... — дедим паст овоз билан.

Санобарнинг кўзида ёш йилтиради.

— Ахир, мен бир марта тўй кўрганман... беш кун бўлса ҳам. Ҳали тортган дардимнинг доғи танимдан кетгани йўқ.

Уч йил аввал китоб орасидан кўкрагимга тушган хат-

ни эладим. Наҳот ўша хат билан Санобар орасида бирон муносабат бўлса, нималар деяман, йўғ-э...

— Сиз, сиз, — дедим дудукланиб, — Сиз Тургеневнинг «Баҳор сувлари»ни ўқитанмисиз?

Санобар менга савол назари билан қаради:

— Нима эди?

— Хат йўқотганмисиз?

Санобарнинг кўзалари катта-катта очилиб, лаблари алланималар деб пичирлади.

Мен унинг шамол тўзитган сочларини сизладим.

— Шунақа, — деди Санобар хўрсиниб, — арзон муҳаббатнинг қурбони бўлганман.

Унинг бу гапида канчадан-канча алам, изтироб бор эди.

Иккимиз сувга термилиб хаёл сурамиз. Баҳор сувлари оқиб кетди. Собур ойининг булутлари қалдираб-гулдираб тоғу тошларга, боғу роғларга ёмғир қуйиб ўтди. Унинг ҳаётбахш томчиларидан анвойи гуллар ушиб чиқди. Оламни безаган, адирларда лолакизғалдўк гулханини ёндирган бу ҳаёт томчиларининг сахийлигидан сув ичиб қолган шумғиялар ҳам бор эканлигини биламан. Бирок кўклам офтобининг адангасига бу печакла, шумғиялар тоб беролармикин?! Офтоб уларни қовжиратиб ташламасмикин?! Албатта қуйдириб ташлайди, илонаман.

Муҳаббат дам шундай. Қатъ ҳарорат, ҳаётиман муҳаббат узиб олинган гулдек жуда тез қочиб кетади.

Ёлғон муҳаббатдан зада бўлган Санобарнинг кўзларида қуйиб кул бўлаётган ҳисларга ҳарир, шафқат шайда теккандек бўлади. Бу шабада унинг қалбидан қилларни тўзғитиб юборади. Кўксидаги босиб ётган осир тошни муҳаббатнинг азамат қўли кўтариб ташлайди.

Дарахтлар тепасида кезиб юрган яримт: ай ширлар орасидан ўтиб, Санобарнинг тоҳ елкасида, тоҳ соя ўрмаларида ўйнади.

1960 йил.

## ТУРНАЛАР

Тепаликдан ошиб ўтганимдан кейинги янги йилнинг гувилаши эшитилмай қолди. Дала жимжи. Шундан сана нас ҳидини олиб келади. Қасрдандир, яқинидаги турнанинг қуре-қуреси эшитилади. Бу овоз ниланим отириб

дан эмас, настдан келарди. Атрофга алангладим. Сертунроқ йўлдан икки юз метрча наридаги чайлада бир чол букчайиб ўтирибди. Қовун хиди ўша ёқдан келарди. Шу тонда жуда-жуда қовун егим келди. Бенихтиёр чайла томонга қайрилганимни билмай қолибман. Пайкалнинг ҳар ер-ҳар ерида тузоққа илтифатланган беданаларнинг патилашидан чол қимирламай ўтирганга ўхшайди, бўлмаса тузоқлардан хабар олмасмиди? Унинг ёнида араби шолчага бағрини бериб бир турна ётибди. У адир орқасига ботаётган чўғдек қуёшга қараб ҳар замон қуре-қуре деб қўяди. Турна ҳар қурелаганда бошидаги бинафша ранг қоқилли қимирлаб, қизғимтир шафак пурида жуда чиройли йилтираб қўяди. Бу ғалати манзарага маҳлиё бўлиб, оёқ остидаги қумғонга қоқилиб кетибман. Чол чўчиб бош кўтарди. Кўзларини ишқалаб безовталик билан менга қаради. Кўркиб кетдим. Одатда полиз қоровулларининг ити бўлгувчи эди, муни қаранг, таниланиб қолади, деб ўйламабман ҳам. Шошиб-пишиб:

— Итингиз йўқми? — деб сўрадим.

— Йўқ, йўқ! — деди чол. — Бемалол келавериңг, ит боқиш менга тўғри келмайди, турнани ғажиб қўйишидан кўркаман.

Бамайлихотир ётган турна менадан ётсираб сесканиб турди-да, чайла орқасига ўтиб кетди. Чол кўрпача ёзиб, мени юқорига таклиф қилар экан:

— Кўрқма, жонивор, — деди. Кейин менга: — Хўш, болам, қайси шамол учирди? Ўзлари ким бўладилар? Улуғларимиздан бўладиларми?

Нима дейишимни билмай, бир оз эсанкираб қолдим.

— Қишлоғингизга меҳмонимиз, отахон, қовунингизнинг хиди димоғимга кириб, ҳеч ўтиб кетолмадим. Нафс қурғур қўймади, посздга кеч қоламан, деб ҳаллослаб кетаётган одам шу ерга келганда тўхтаб қолдим. Битта қовун сўйиб берсангиз ҳам ўзингиз биласиз, сўйиб бермасангиз ҳам. Аммо ҳақини тўлайман.

Чол энсаси қотгандек, ғалати қилиб илжайди.

— Пайкал бошидан қовун узиб сотган деҳқон нокас деҳқон бўлади, болам, пулингизни белингизга туғиб қўйиңг, бозордан қовун олиб ейсиз. Бу ерда қовун текин. Узиб берайми ё ўзингиз узасизми? Яхшиси, ўзингиз узинг, ҳа, бунинг гашти бошқача бўлади. Полизининг оёқ томонига ўтинг, ананаслар ўша ёқда.

Чол йўл кўрсатиб, боя мен қоқилган қумғонни ариққа ботириб, ерўчоққа қўйди. У тиззасида қасирлатиб шох сипдирар экан, орқамдан қичқирди:

— Қовуinning аслини ейман десангиз, шудринг тегио тарс ёрилганини узинг, ана ўшанисила гап кўп, қирк йиллик дардингизни суғуриб олади.

Чол айтгандек, полиз оёғига келганимда тил билан айтиб бўлмайдиган ғалати ҳолга дуч келдим. Шамол тинганиданми, ё ҳавога ананас иси ўрнашиб колганиданми, ниҳоятда ўткир ёқимли хид димоғимга урилди. Худди магазинда чит йиртилаётгандек тар-тар қилиб ананаслар ёрилар, уруғи кесаклар устига шиттирлаб сочилиб кетарди. Оёғим тагида тузокқа илинган бедана бесаранжом патиллади.

Бир кўлимда бедана, бир кўлимда қовун — чайлага қайтдим. Чол ерўчоқда ўтин гуриллатиб қўборган эди. У кўлимдаги қовунга қараб илжайди.

— Шаҳар боласилингииз шатта биллиниб қолди-да?! Қовун деганди пайкалнинг кесагида ёриб емаган одам, қовун едим демаса ҳам бўлади.

Чол кула-кула қинидан пичоғини суғуриб менга узатди-да, чайла тепасига илинган тугундан неди, майниз, туршак олиб, дастурхон ёзди. Қовунга пичоқ тортаётганимда ҳам, тилимлаб еяётганимда ҳам чол ҳозир қизиқ ходиса юз берадигандек менга қараб илжайиб турарди. Умримда қовун емагандек битта ананасни пок-покиза тушириб булдим. Чол қулимга чои тутқазди. Бир маҳал қарасам, бармоқларим бир бирига ёпишиб қолибди. Чол хандон ташлаб кулади. Қумғондаги қайноқ сувни чапиштириб, кўлимга қуяр экан, ана шунақа, ўғлим деб кўйди.

— Бу ананаснинг янги хили, уруғига ишкибоз кўп.

Офтоб ўчган эди. Узоқдан турналарнинг қуре-қуреси баралла эшитилди. Чол осмонга қаради. Қизғимтир пардага ўхшаб кўринаётган уфқдан кўтарилган турналарнинг айри қарвони ўтиб кетгунча ундан нигоҳини узмади. Чайла орқасидаги турна безовталаниб тинимсиз қурелар, осмонга қараб талпинарди. Турналар овози тинганига аллақанча вақт ўтган бўлса ҳам, чайла орқасидаги ёлғиз турнанинг канот силкиши тинмасди. Бирдан чолнинг чеҳраси ўзгарди. Кўзлари қисилиб, юзидаги ажинлар ҳам кўпайиб кетгандек бўлди. У машаққат билан ўрнидан туриб, турнани чайлага олиб ўтди.

— Ҳа, жонивор, элатларингни соғиндингми? Элатларинг иссиқ томонларга кетишяпти. Уча қол, уча қол сен ҳам, жонивор.

Турна бинафша кокилларини силкиб, ҳамон иссиқ ўлкаларга йўл олган қардошлари сингиб кетган уфққа боқарди.

Чолдан турна қаёқдан бу ерда пайдо бўлиб қолганини сўрадим.

— Шу бу йил эрта кўклам Андриюнадан телеграмма олдим. У, ҳозирча келмай туринг, олис сафарга жўнаямиз, дебди. Ўзим ўша кезларда Ленинградга отланиб турган эдим. Тарвузим қўлтиғимдан тушиб, гангиб қолдим. Болагинамни жуда соғинган эдим-да. Ёстиққа бош қўяман, қани кўзим илинса. Хаёл ўлгур ҳали у ёққа судрайди, ҳали бу ёққа судрайди. Мана шунақа қилиб чўккалаб ўтириб кўзим илинган экан, тушимга Фазлиддиним кириб қолди. Хафа эмин, акамни соғиндим, нега хат ёзмайди, дер эмин. Шамсиддинимнинг ҳалок бўлганини ундан яширарминман. Нима бўлди-ю, тушим чалғиб, Шамсиддинни кўрибман, у, нега Фазлиддиннинг ҳалок бўлганини мендан яширасиз, деб гина қилар эмин. Қулоғимга бирдан ғалати товуни эшитилди, чўнонлар эшигимизнинг тагидан кўй ҳайдаб ўтишаётган эмин. Уйғониб кетдим. Ўнгимда ҳам шу овоз. Ховлига чиқдим, ховлимиз тепасида карвони тўзиб кетган бир гала турна фарёд чекиб, чарх уриб айланаётибди. Умримда турналарнинг бунақа паст учишини энди кўришим. Тушлигига ҳам, ўнглигига ҳам ишнолмай, ҳайрон бўлиб уларнинг осмонда фарёд чекишини кузатиб турдим. Улар шу кўйи ярим соат чамаси айланиб юришди-да, кейин йиғлаётгандек ҳазин курелашиб учиб кетишди. Эсимда: том тепасида айланишаётганларида бир-иккиси бўғотга тегай-тегай деб шўнғганини ҳам кўриб қолган эдим. Эрталаб томорқага чиқсам, бир турна девор тагига биқиниб ётибди. Ана шундан кейингина тундаги хангаманинг сирини билдим. Бу турна қаердадир яраланган, ортиқ учишга мадори етмай, шу ерга келганда сафдан ажралиб, йиқилган. Шериклари уни ташлаб кетолмай фарёд чекаётган эканлар. Ана шундан бери турна менга жуда ўрганиб қолди. Уч кун бўлдим, жуда безовта. Осмонда турна кўринса, ўзини қўярга жой тополмайди.

— Учолмайдими?

— Учолади. Баъзи-баъзида учиб аллақасқларга бориб келади.

Чол гапидан тўхтаб, нимагадир қулоқ сола бошлади.

— Поезддан қолдингиз, болам. Станцияга столмай-сиз. Поезд келяпти, — деди чол чиқроқ ёқар экан.

Дарҳақиқат, ер титраётгандек бўлди, олисдан паровознинг қичқиргани эшитилди. Бир оздан кейин теракзор орқасидан шиддат билан поезд ўтиб кетди.

— Жой қилиб бераман, ухланг, эртага кетасиз энди.

Чол ёстик ўрнига чопонини думалоқлаб кўйди-да, ўзи тузоқлардан хабар олгани кетди. Ёнбошладим. Қаёқда уйқу келади, дейсиз. Чол ғимирсиб палақларни босиб олмаслик учун эҳтиёт билан жўякдан жўякка сакраб, илинган беданаларни бир халта қилиб олиб келди. Чайла орқасига ўтганича ярим соат чамаси йўқ бўлиб кетди-да, мени ухлаган деб ўйлаб, оёқ учида чайлага кирди. Бир чеккада хомуш ётган турнага тикилиб, унинг товус пати-дек чиройли кокилини силади. Нималардир деб пичирлаб ҳам кўйди. Мен чалқанча ётиб чолни, унинг болаларини ўйлардим. Демак, унинг икки ўғли ҳалок бўлган. Ленинградда бир ўғли бор. Нега оти Андрюша?! Сўрасаммикин? Хаёл аралаш ёнимга ечган шиммининг чўнтагидан папирос олиб, гугурт чакдим. Чол ўгирилди.

— Ухламадингизми?

— Йўқ, уйқу келмаяпти, отахон.

Чол индамай чирокни пуфлаб ўчирди-да, кўрпа устига чордона қуриб ўтириб олди. Ойдинда унинг юзи, кўзи, кўксига тушган оппоқ соқоли кўриниб турарди. Анча вақтгача олисда оғир юк тортаётган паровознинг гупиллашига қулоқ солиб жим ўтирдим. Паровоз овози ҳам тиниб, кенг далада чирилдоқлар уни қолди, холос.

— Ота, бир нарса сўрасам малол олмайсизми?

— Сўранг, болам.

— Ўғилларингизни гапириб берсангиз, Андрюшани ҳам.

Чолнинг эти жунжиди шекилли, бир тебраниб, кўрпани елкасига тортди. Ой ботди, энди унинг башарасини аниқ кўриб бўлмади. У нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, оғир хўрсиниқ гапиргани кўймади. Бунақа хўрсиниқ одамга фақат энг яқин кишисини қабрга қўяётган пайтда келади. Чол пешонасини уқалади, соқолини тутамлаб, тиззасига шапиллатиб бир урди. Кейин бошини кўтариб, қоронғилик қаърига тикилиб қолди.

— Ўғлим, сабру бардош деган нарса бўлмаса, одам боласини ғам еб қўяди. Мана, яшаб юрибман. Йиқилиб қолармиканман, деган эдим, икки азаматимдан жудо бўлиб ҳам йиқилмадим-а!

У ички дард тўлқинида ҳикоясини бошлади:

— Уруш бошланган йили Шамсиддиним йиғирма икки ёшда, Фазлиддиним ўн тўққиз ёшда эди. Шамсиддинимни аскарликка олишмади. Бир кўзи ногирон эди. Умархўжа бойвачча ўғлига суннат тўйин қилганда катта базм бериб, мушакбозлик қилдирган эди. Ўшанда Шамсиддиним йўлга кирмаган бувак эди. Онаси раҳматлик

беланчакка ётқизиб қўйган экан, осмонда ёрилмай қолган мушак боланинг беланчагига тушиб ёрилса бўладими! Юзи куйиб, чап кўзини бутунлай кўрмайдиган қилиб қўйган. Шунинг учун ҳам аскарликка олишмай, меҳнат армиясига аранг олишган эди. Фазлиддинимни ундан бир ой бурун Пойтук станциясидан урушга жўнатган эдим. Фазлиддиним Ленинграддан, Шамсиддиним Подгора деган шаҳардан хат ёзиб туришди. Подгорага борганимиз? Мен борганман. Шамсиддинимга хайкал ўрнатишганда чақиршган эди. У ерда каттакон электростанция бор. Немис Москванинг эшигини қоқмади деб қўл чўзиб турганда пойтахтга шу станция мадор бўлган. Унинг заводларини шу станция юргизиб турган. Шамсиддиним ўша станцияга келган кўмирни вагондан тушириб, кичкина вагончаларга ортар экан. Немис шу шаҳарнинг пайига тушиб, устма-уст самолёт юбориб турган... Мингдан ортик киши кечани кеча, кундузини кундуз демай ишлаган. Шамсиддиним эрталаб ишга кетаётганда бирдан тревога бўлиб, осмонда немис самолёти кўришибди. Шаҳар устида икки айланиб, станцияга бомбасини ташлаёлмай болалар боғчасининг ҳовлисига ташлаб қочибди. Тасодиф бўлиб, лаънатининг бомбаси ёрилмай, болалар ўйнайдиган кумга санчилиб қолибди. Хамма ташвишда, одамлар ана ёрилади, мана ёрилади деб жонларини ҳовучлаб қолишганмиш. Болаларни айтмайсиэми! Деразадан қараб жавдираб туришганмиш. Шамсиддиним югуриб келиб, бомбани кумдан суғуриб, майдонга қараб чошибди. Анча нари бориб йиқилибди. Бир кўзи ожиз эмасми, шошганидан елкасини сим ёғочга уриб олган экан. Бомба портлаб, тилка-пора бўлибди. Уруш тугамаёқ бордим. Қабрини кучоқлаб йиғладим. Ўша боғчани Шамсиддинимнинг номига қўйиб, ҳовлисига хайкални ўрнатишди. Тўнрич ўғлимдан ана шундоқ жудо бўлганман, болам.

Чол энтикди. У йиғлар эди.

— Юпатманг, болам. Бир оз йиғлай, дардим енгилашади. Ичимни бўшатиб олай.

Чол шундай деди-ю, ўкириб-ўкириб йиғлади.

— Акасининг ўлганини Фазлиддинимга билдирмадим. Бир йилгача акамнинг адресини юборинг, деб хат ёзди. Анов-манов деб пайсалга солдим. Йўқ, кенжатоимнинг ҳам умри қисқа экан. Денгизда чўкиб ўлди. На қабри қолди, на бир либоси. Мени доғ-ҳасратга ташлаб кетди...

Осмондан арғимчоқ солиб, яна турна ўтди. Чол турналарнинг қайчига ўхшаш карвонига тикилиб туриб гапни давом эттирди:

— Дунёда фарзанд кўрмагандек яна сўқабол бўлиб қолдим. Ўзимни қаёққа қўйишимни билмайман, дивонага ўхшаб гангиб юрдим. Раисимиз эсли аёл эди. Овунени деб қанғиллаб қолган ҳовлимга марғилонлик бир агрономни кўчириб келди. Андижонга олиб тушди. Ленинграддан кўчириб келтирилган етим болалардан бирини олиб берди. Боя сизга айтган Андриюшамни ана ўшанда бокиб олган эдим. Уни ортмоқлаб катта қилдим. Қариндошлари кўп излашди. Билдирмадим. Боланинг эги кирган сари ота-онасини йўқлайдиган бўлди. Унга қараб туриб юрак-бағрим эзилиб кетади. Охири чидмадим. Ленинградга хат ёздириб, Андрей Карповни дарахзадим. Боланинг отаси ҳам, онаси ҳам қуршовда ўлиб кетишган экан. Биттаю битта опаси бор экан. Бола чидаб туролмади. Қанот пайдо қилиб, опасининг ёнига учиб боргудек талпиниб қолди. Жигар экан-да! Ок фотиҳа бериб сафарга кузатмоқчи бўлдим уйим бузилди. Ёлғиз юборишга кўнглим бўлмади. Бирга кетдим. Андриюшамни опасининг олдига қўйиб қайтдим. Яна яккаликда, забунликда қолдим... Андриюшам уйланди. Ҳозир битта ўғли бор. Отини Собир қўйибди. Менинг отим Собир-да! Иккида келиб кетишди. Пойтук станциясида вагонга ўтказаяёلمану, ёш болага ўхшаб хўнг-хўнг йиғлайман. Бола, дедушка, деб бўйнимга осилади. Тўққизта ананасни вагонга чиқазиб бердим, айнимай борармикан, а, болам?

Андриюшам кетгандан кейин яшашнинг сира ҳам қизиғи қолмади, ҳар сахарда худодан ўлим тиладим. Неварамни кўрдим, энди сира ўлгим келмайди. Қариб қолаётганимдан ўкинаман. Шу боланинг камолини кўрсам эди, дейман. Ҳай майли, дунёнинг ишлари шунақа экан...

Ёстикқа бош қўйиб, бари бир ухлаёлмадим. Беланчада ёрилган мушак, бомба зарбидан тилка-пора бўлган тана, зангори тўлқинлар ютган навқирон йиғит, вагон ойнасида бобосига талпинган гўдак кўзимга кўринаверди. Шундай хаёллар билан кўзим илинган экан, кулоғимга элас-элас турна овози эшитилди. Яқин орадан қандайдир қуш бесаранжом қанот қоққандек бўлди. Чол сапчиб турди. Мен ҳам кўзимни очдим.

— Кетди! — деди чол аламли бир товушда.

Чол тикилган томонга қарадим. Кўкда арғимчоқ солиб учаётган турналар карвонига қараб чолнинг турнаси ҳам шитоб билан учиб борар эди. Ана, унинг карвонга етишига озгина қолди. Карвон ярим доира ясаб унга пешвоз чиқди. Карвоннинг сафи бузилди. Тўзғиб

кетган турналар тўйхонадаги хотинларнинг қий-чувини эслатувчи бир товушда шовқин солишди. Кейин карвон сафини ўнглаб, биз қараб турган чайла тенаида бир айланиб силкиниб-силкиниб уфққа қараб ўтиб кетди. Чол қувончми, маъюсликми, биллиб бўлмайдиган ғалати оҳангда:

— Ке-етди-и-и!!! — деди.

Хар баҳор кўкда турналар карвонини кўрганымда уларнинг беғубор фируза осмонда арғимчоқ солиб учинини кузатганимда аламзада, хижронзада, лекин метини продалди ўша Собир бобони эслайман. Бу турналар менга ананас хиди анқиган чайлани, ошшоқ соқоли кўккага тушган нуруний чолни, унинг мард, ўлимдан ҳам зўр ўғилларини, Андрюшани, кичик Собирни эслатади.

Ўша майиб турна чолнинг қўлида шифо тошиб, яна ўз карвонига қўшилганини билармикми? Хар кўкдам ўша чайла устидан ўтаётганда бобосини эслаб қўярмикми? Эсласа керак дейман! Мен унинг шу чайла устидан чиройли бинафша кокилларини силкиб, бобога таъзим қилиб ўтинини жуда-жуда истардим.

1960 йил.

## ИҚБОЛ ЧИРОҚЛАРИ

Дарё шамолидан сесканган отнинг бадани дириллаб кетди. Жиловини бўш қўйиб юбордим.

Чакмонини елкасига ташлаб, қумғон тагига ўт қалаётган паромчи чол от дукурини эшитиб ўрнидан турди:

— Келинг, меҳмон, йўл бўлсин?

— ГЭСга ўтмоқчи эдим.

Чол соқолини тутамлаб дарёга қаради:

— Сув қутириб келяпти, паромни чирширак қилиб олиб кетади.

— Йўғ-э, ишим жадалроқ эди-ку, а!

— Эргалабгача сабр қилинг. Ҳозир чой қайнайди, чақчақлашиб тонг оттирамин.

Ноилжот оддан эгарини олиб, сувлиғини чиқардим-да, ёввойи жийдага боғладим.

Чол вақирлаб қайнаб турган қумғонга кўк чой солиб дамлади. Будкага кирдик. Будканинг ичи анчагина кенг эди. Унинг бир томонида арқон-каравот, иккинчи томонида эса тахтаси рандаланмаган кўполгина скамейка. Деворга газета ва журналлардан йиртиб олинган турли

суратлар ёпиштирилган. Чол тошчироқнинг пилигини кўтарар экан, менга карамай сўради:

— Қорин қалай, меҳмон?

— Қўшқўноқда овқатланарман деган умид билан йўлга чиқа берган эдим.

Чол менинг жавобимни кутмай дераза олдига қўйилган оёғи айри столча устига белбоғини ёзиб, қозикдаги тугундан нон ва қанд олиб қўйди.

— Чойни майдалаб туринг, саватдан хабар олиб келай.

Чол чиқиб кетди. Пиёлага чой қўйиб, девордаги суратларни тамошо қила бошладим. Аллақайси бир журналдан йиртиб олинган бир сурат менга жуда таниш туюлди, фонарни суратга яқинроқ олиб бордим. Эгнига комбинезон кийиб, қўлига электросварка шчитини ушла турган пайвандчи кизнинг кулиб турган юзи менга жуда таниш эди. Бу бир вақтлар мени, шоирона қилиб айтганда, ўзига асир қилган Иқбол эди.

Чол кирди.

— Балиқ илинмабди. Сув нотинч-да. Баликлар юзага чиқмайди.

Чол билан анчагача у ёк-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Соатга қарадим, бирдан ошибди.

— Уйқунгиз келди-ёв, жой қилиб бераман, дам олинг.

Чол беланчакка ўхшаш аркон каравоғга кўрпача ёзиб, чопонини буклаб ёстиқ қилиб берди-да, фонарни кўтариб чиқиб кетди. Ечиниб ёнбошладим. Фикру хаёлим Иқболда эди.

Хаёл мени Иқбол билан ўтказган кунларга етаклади. Кўз олдимга тоғ қоялари, дарё тўлқинлари, азамат ГЭС бинноси келди.

Чол қоронғида тимироскиланиб нимадир олиб чиқиб кетди. Дарёнинг нариги қирғоғида чақин чақди. Унинг кўкимгир-пистоқи шуъласи осмонда сузиб юрган пастак булутларни ҳам ёритди. Озроқ вақт ўтгач, бояги чақин тез-тез такрорланаверди. Туриб деразадан ўша томонга қарадим. Гулхан ёнида тўр ямаб ўтирган чол менга ўғирилди.

— Ухламадингизми, меҳмон, шуълага қараяписизми? Қўшқўноқда ГЭС қуришяпти. Бу электрпайванднинг шуъласи.

Иқбол ҳам ўша вақтда ГЭСда пайвандчи эди. Дарё бўйидаги тош уйим деразасига ҳам худди шунақа шуъла тушиб, менга уйқу бермасди. Туни билан тош кўпориб, тонг отгунча Иқбол хақида ўйлардим.

Кечқурунлари икковимиз чўлга чиқиб кетиб, осмонда

аста-секин кўз очаётган сахро юлдузларига тикилиб ўтирардик. Атрофимизда ўт-ўланлар силкинар, чигирткалар чириллар эди. Шундай кечаларнинг бирида Иқболга юрагимдаги гапларни айтдим. У жим ўтириб ҳаммасини тинглади. Хали ой кўтарилмагани учун унинг юзида, кўзида қандай ўзгаришлар бўлаётганини билолмадим. У жавоб бермади. Ёнма-ён юриб тунги смена ишлаб турган участкага қараб йўл олдик. Қизлар землянкаси олдинга етганимизда, у кўлимни одатдагидан кўра қаттиқроқ киеиб хайрлашди. Ё, балки, менга шунақа тўюлдим, хали-хали билолмайман.

Орадан уч кун ўтгач, Иқбол тунги сменага ишга ўтди. У ГЭСнинг азамат пештоқларида темир парчаларини бир-бирига пайванд қилар, электрод таёқчасидан чакнаган учкун пастга қараб гўё нурли томчи бўлиб тўкилар, унинг шуъласи чўлнинг олис-олисларигача ёритарди.

Кунни билан бош тўғонда тош кўпориб чарчашимга қарамай, чўл оралаб тўрт километрлик йўлни пиёда босиб, ГЭС қурилишига борардим. Йўлни Иқбол чакнатган кўкимтир нур ёритиб турарди. Темир шотига тирманиб Иқбол ишлаётган бетонли деворга кўтарилардим-да, унинг ёнида ўтириб, чакнаган нурдан ёнланган кўзларимни кепкам билан тўсардим. Иқбол жуда чакқон ишларди. Прораб «халақит берасан» деб неча марта мени девордан қувиб туширар, мен эса яна тирманиб чиқаверардим. Шу девор устида, чўл шабадаси унинг сочларини тўзғитиб турган бир пайтда, кўзини олувчи кўкимтир нур орасида биринчи бор унинг юзидан ўпиб олганман. Иқбол аразлагандек менга ер остидан ғалати қилиб бир қаради-ю, яна электродни темир парчаси устига қўйди. Учкун чакнади, унинг кўли биллинар-билинимас титраганини сездим. Хали-хали билолмайман, унинг вужудидаги бу титроқ ғазабданми, ё ҳаяжонданми... Шу кундан бошлаб Иқбол хаёлчан бўлиб қолди. Мендан ўзини олиб қочар, учрашган онларимизда юзимга тик қарай олмас эди.

Экскаватор машинистига ёрдамчи бўлиб олдим. Ишлар кўнайиб қолди. Кечаси курсга қатнайман, кундуз экскаватор бошқараман, шу кунлар Иқболдан анча узоқлашиб қолдим.

Участка агитпунктида курс машғулоти бўлаётганда фельдшер хотин мени имлаб чақирди. Чикдим. У кўлимга бир қоғоз тутқазди. Шошиб ўқидим. Унда шу гаплар ёзилган эди.

«...Касалхонадаман, вақтингиз бўлса бир келиб кетсангиз. Иқбол».

Касалхонага югурдим. Касаллардан суриштирдим. Мени палатага олиб киришди. Бу ерда оқ халат кийган, юз-кўзи дока билан танғиб ташланган бир аёлдан бошка ҳеч ким йўқ эди.

— Мана, Иқбол! — деди хамшира.

Оқ дока орасидан менинг номимни айтган овоз чиқди. Бу Иқболнинг овози эди.

— Иқбол! Нима бўлди?!

Иқбол янги йўлга кирган болалардек деворни ушлаб турмоқчи бўлди.

Тез бориб унинг кўлидан ушладим. Каравот кирғоғига ўтирдик.

— Электрод учқуни кўзимга сачради.

Иқболнинг овози титради. Унинг бошини силадим.

— Мени дераза олдига олиб бориб, — ялиниш оҳангида деди Иқбол.

Унинг айтганини қилдим.

— Ҳаво очикми? — дея сўради у.

— Ҳаво очик, юлдузлар чакнаятти, — дедим.

У узоқ жим туриб қолди. Деразадан кўлини чиқазиб гўё ёмғир ёғаяптими, йўқми, билмоқчи бўлгандек панжаларини ёйди.

Сварка аппаратида чакнаган нур Иқболнинг юзига чулғанган оқ докаларни ҳам кўкимтир тусга киритган эди.

— Наҳот, умрбод кўр бўлиб қолсам-а?

Врач мени хайдаб чиқаргунча унинг олдидан жилмадим.

Орадан бир ҳафта ўтгач, Иқболни Тошкентдаги кўз клиникасига олиб кетишди. Мен эса армияга жўнаб кетдим.

Сўнгги бор Иқбол билан учрашган куним ҳали эсимдан чиқмайди. Армияга жўнаш олдидан унинг ҳолидан хабар олгани Тошкентга тушдим.

Эрта куз эди. Клиника ховлисидаги дарахтларнинг барги сарғайган, кекса дуб баргларигина кўк эди.

Иқболнинг билагидан ушлаб, гулзор четидаги скамейкага олиб келдим. Ўтирдик. Иқбол тимирскилаб кўлимни топди-да, узоқ жим туриб, кейин хўрсиниб қўйди.

— Кетяпман денг... Кетиш олдида сизни ўз кўзим билан кўролмадим. Қани энди, кўзим очила қолса-ю бир кўрсам. Ҳарбий формада қанақа экансиз.

— Кўзингиз очилади, — дедим унга руҳ берувчи оҳангда.

— Профессор ҳам шундай деди, балки кўнглимни кўтариш учун айтгандир.

Мен унга профессор билан гаплаганимни, у менга ҳам худди шундай деганини айтдим.

— Жуда кутилмаган ҳодиса бўлди-да, шундай уста пайвандчи, нахотки бепарволик қилиб, кўзга учқун сачратиб олсангиз.

Иқбол қўлимни яна маҳкамроқ қисди. У чўлда, ойдин кечада бирга яшашни таклиф қилганимда жавоб ўрнига қўлимни худди шундай қисган эди.

— Биласизми, ўша кунни қўлим ва кўзим нинда эди-ю...

У гапиролмай энтикди.

Жуда ғалати бўлиб кетдим. Айни замонда кўнгилини ҳам шодлантирувчи, ҳам эзувчи бу гапдан гапниб қолдим.

— Иқбол!.. — гапимни тугатолмай санчиб ўрнимдан туриб кетдим. Нима қилишимни билмай турган еримда серрайиб қолдим.

— Кўзим очилади, — деди Иқбол ишонч билан. — Яна кўришамиз. Фақат тезроқ кўзим очилса-ю, боғларни, майсаларни, одамларни кўрсам. Хаётнинг, табиатнинг қанчалар чиройли эканини энди яхшироқ сездим. Чунки ҳозир уларни кўз билан эмас, юрагим билан кўриб турибман. Чўлларда чақнаган чирокларни кўряпман. Тезроқ, тезроқ кўзим очилса. Кўзларимга танилган докаларни йиртиб ташлаб, хаётга қарасам дейман.

— Кўзингиз очилади. Албатта очилади, яна учрашамиз, бирга турмуш қиламиз. Ана ўшанда сиз чўлларда комбинезон кийиб юрмайсиз. Менинг уйимда, худди ма-ликалардек ясашиб, шохона хаёт...

Иқбол қўлини шарт тортиб олди. Назаримда, кўнгилисиз бир воқеа эсига тушиб қолгандек сесканиб кетди. Ё менга шундай туюлдимкин? Ҳали-ҳали билолмайман.

Шу кунни Иқбол билан қон қорайгунча гаплаганиб ўтирдим. У менга оқ йўл тилади. «Кутаман, Самад ака» деди-ю, муомаласи сал совуқроқ кўринди, бу гап юракдан эмас, шунчаки айтилганга ўхшади. Кетдим. Кўз олдимда Иқболнинг оқ докага чулганган қиёфаси қолди...

Орадан беш йил ўтди. Шу орада унга ёзган ўнлаб хатларимга жавоб ололмадим. Охири Иқболнинг изини йўқотдим. Мана, дарё суви шовиллаган ойдин кечада, паромчининг будкасида унинг суратига термилиб ўтирибман. Олисда Иқболни эслатувчи яшил нур чақнаб турибди. Унинг ўткир нури дераза ойнасидан ўтиб уй деворидаги суратларни ҳам гоҳо лип-лип ёритиб қўяди. Иқбол хаёт экан. Нима учун шунча хатларимга жавоб бермади? Ахир, мен унга бирон ёмон гап айтмаганим-ку.

Унинг суратига термилиб бирга кечирган кунларимизни, бир-биримизга айтган илик-иссиқ гапларимизни сўзма-сўз хотирладим. Бироқ айтилган гапларда биронта ҳам ножўяси йўқ эди.

Қани энди учрашсак. Ўша вақтда айтганимдек, маликалардек...

Эсладим! Иқболнинг иззат-нафсига, ғашига теккан нарса энди аён бўлди. Қизик, киши ўзининг хатосини сезиши шунчалар қийинми? Нечун шу пайтгача бу нарса ёдимга тушмади? Нега? Гугурт чақиб Иқболнинг сурати-га қарадим. Унинг ҳозирги ҳолати мен тасаввур қилган маликадан минг марта афзал эди. Ўз бахтини ўзи ярата оладиган киши ўзгадан бахт кутмайди. Иқболни мендан совутган нарса ҳам менинг шу бир оғиз ножўя гапим эди. Гугурт чўпи охиригача ёниб қўлимни куйдирди.

Демак, Иқбол ҳаёт, унинг кўзлари аввалгидек равшан. Бироқ у ҳозир қаерда! Эр қилганмикин? Ким экан у бахтли йигит? Мумкин эмас! Ишонмайман.

Қани энди, уни ҳозир шу топда кўрсам, ўша кўкимтир нур ичида бир кўрсам. Ҳу ўша чўлларда чақнаган кўкимтир чақин шуъласида у ҳақда хаёл сурсам... Ёшликни, биз ишлаган ўша азамат қурилишларни эсласам, бирга орзу қилганимизча яшасак...

Қайдасан, қайдасан, Иқбол?!

Аста-секин тонг ёриша бошлади. Кийиниб ташқарига чиққанимда чол паром кетида эшкак буриб, дарёнинг қок ўртасида нариги қирғоққа қараб кетарди.

Отни эгарладим. Устига иккита юк машинасини ортган паром ортга қайтди. Чолнинг оппоқ соқоллари шамолда силкинар, енглари билагигача шимарилган бақувват қўллари эшкакни эпчиллик билан бошқариб келарди.

Туни билан чақин чаққан томондан энди қуёш кўтарилди. Кечаси кумушдек товланган дарё суви сарғимтир тусга кирган эди.

Паромдаги машиналар қирғоққа чиқиб, шағал бостирилган йўлдан моторларини гуриллатиб кетишди.

— Ота, бир илтимосим бор эди, айтсам, хўп дейсизми?

— Сўранг, болам.

Чолни будкага бошлаб кирдим-да, девордаги суратни менга беришини сўрадим.

— Э, мендан сўраб нима қиласиз, ўзидан сўранг-да.

— Ўзини беш йилдан бери тополмайман.

— Мендан сўраб қўя қолмабсиз-да.

— Танийсизми?! Ҳозир қаерда у?!

— Қизиксизми? Ўз кизимдек бўлиб қолган бир кишини танимай жинни бўлманми? Кечаси билан Қўшқўноқда чакмоқ чақиб чиққан ўша сиз кидирган Иқбол да. Бу атрофдагилар кечаси шунақа чакмоқ чақини билан дарров: «Иқбол чироғи ёнди» дейишади, соатингиз неча? Етти бўлдими, ҳозир ўзи ишдан қайтиб қолади. Мана шу паромда уйга ўтади. Қани, уйга олиб кетай.

— Эр қилгани йўқми? — дея шониб сўрадим ундан. Чол қўл силтади.

— Назаримда, эрга чиқмоқчи эмасга ўхшайди. Не-не йиғитлар киши кўйди. Кўнмайди. Хотин халақнинг ганига қараганда, аллақайси ГЭСда ишлаганда бир йиғитга кўнгиб берган эмиш. Йиғит бевафалик қилганимиш, ундай десам, кимни қутади?! Хуллас, бу тўғрида бир нима дейиши кийин...

Чол мендан сўрамай отнинг эгарини олиб сувдунини бўшатиб кўйди. Мен тўнғакка хотиржам ўтириб напирое чека бошладим.

Дарё ҳамон шовиллар, чол сув ўртасида тўлқинлар билан олишиб, қуёш чиқаётган қирғоққа томон илтилар эди.

1956 йил.

## РАҲМАТ, АЗИЗЛАРИМ

Бувайдадан автобустга чиқиним биланоқ Муаззамга кўзим тушиб қолди. У тирсагини деразага кўйиб, хаёл суриб борарди. Бошида ранги кўтарилган сарғини косинка, эгинда оддийгина штапель кўйлақ. Сочини нари-бери ўриб, орқасига ташлаб қўя қолган. Муаззамни ҳеч шу аҳволда кўрмаган эдим. У студентлар ичида энг яхши модаларни танлаб киярди, сочинни бўлса, кунига ҳар хил причёска қилмаса, кўнгли жойига тушмасди. Унинг ўндан ортик сумкачалари бўлгучи эди. Ҳозир у оёзига қороз ёпиб, ип билан боғланган шинна банка, кастрюлька, олма солинган тўр саватни тиззасига кўйиб ўтирибди. Муаззам шу аҳволда ҳам чиройли эди.

Унинг ёнига боришни ҳам, бормасликни ҳам билмай, иккиланиб туриб қолдим. Ахир кўрмаганимга икки йилдан ошди. Унинг устига, Муаззам мени жинидан ёмон кўрарди. Студентликда ҳар иш ўтади, ҳозир ўша ишларни ўйласам баданимдан совуқ тер чиқиб кетади.

Курсдошларим орасида Муаззамнинг ишқида куймага-ни йўқ десам муболаға бўлмас. Мен-ку жиннидан баттар эдим. Шу учун кунига сокол қирардим, ювилавериб асли ранги қанақалиги биллинмай кетган шимимга кунига дазмол босардим. Аммо у менга қарамасди. Мен бўлсам ҳадеб атрофида айланганчаверардим. Кейин билсам, у фронтдан дудук бўлиб келган Одил деган бола билан кинога бориб юрар экан. Жуда диққатим ошиб кетди. Шу бевафо дунёда яшаб нима қилдим, деб ўзимни ўзим пичоқламоқчи ҳам бўлдим. Охириги марта ўзимга куч йиғиб, ётоғининг эшигини шартта очиб кирдим, билагидан ушлаб:

— Муаззам, сени яхши кўраман, сенсиз яшаёлмайман, — дедим. У шарақлаб кулди.

— Менсиз бемалол яшайверасиз, — деди Муаззам кўзини бакрайтириб туриб.

— Ўзимни осиб кўяман, — дедим. Билмадим, ўшанда бу гапни бақриб айтдимми, ё пичирлаб айтдимми, эсимда йўқ. Муаззам баттар эрмак қилиб кулди:

— Осолмайсиз, жон ширин. Агар осадиган бўлсангиз, спорт залида аркон бор, ўша ёққа кириб осинг!

Кўзимга қон тўлиб кетди. Ётоқ эшигини тарақлатиб ёпдим спорт залига югурдим. Дарҳақиқат, аркон бор экан. Олиб бир учини боғлайдиган жой кидираётганимда хушим жойига келди. Шошма, ўзимни осишга-ку, осаман. Ундан кейин нима бўлади? Осилиб ётган ўлигимни кўрганлар ҳам, осилиб ўлганимни эшитганлар ҳам, аҳмоқ экан, дейиш-ку. Албатта шундай дейди. Ўзимни ўлдириб бўлмайман! Мен халти унга кўрсатиб кўяман.

Аммо нима қилиб унга кўрсатиб кўйишни ўйлаб-ўйлаб топиламадим. Ушашлар тугаб, ҳар қачон тарқаб кетдик ҳамини, унга кўрсатиб кўёлмадим. Болаларнинг айтишига қаратаманда, унинг кўзига кўрармай қолган пайтларимда, кўлардан мени кўрарсан, улар кўрмадик, дейишса: — Худо раҳмат қилсин, жашни бота эди... — деб куларкан. Эшитиб баттар жаман чикардим...

Бу гапларга ҳам ошқи йил бўпти. Вақтнинг тез ўтишини қаради!

Мана, Муаззам билан бир автобусда ўтирибмиз. Унинг ишқароғи олафталиклари қолмаган кўришди. Нима бўлди? Наҳотки, шундай тамтам қиз дарров бошқача бўлиб қолган бўлса? Ё эрга теккан бўлса, эри мундайроқ олим чивиб қалдимикми? Тўрвадаги парсаларни қачон олиб кетишим? Бошига қулфат тушдимикми? Балки унга қарса олиб кетсэтганлар? Сабрим чидамади. Эски гилжаларни унутиб, олимга бориб ўтирдим. У мени

кўриши билан кўндан йўқотган кишисини топиб олгандек кўзлари яшнаб кетди. Шу маҳал дилимдан бир гап ўтди. Унинг бу қарашини ўзимча йўйиб, нега сенга тегмадим, сенга текканимда бу ахволга тушмасдим, деган маънони англабман. Кўришдик, ҳол-ахвол сўрашдик. Ишларимни сўради. Уйланганимни, хотиним врач эканини айтдим. У биллиар-билнимас қулиб кўйгандек бўлди. Мен ундан ортикча гап сўрамадим. Ишимни ҳам сўрайман. Ахволни маълум бўлиб турибди-ку. Турмуши яхши эмаслиги, эрдан бахтеиз бўлгани кийим-бонидан, ранги рўйидан биллишиб турибди.

Кўконда автобусдан тушдик. Остановкада мени кутиб турган шофёрим роса эшитадиганини эшитди. Ёлдирак ел чиқазиб юборганини айтса ҳам, қулоқ солмай сўкавердим. Муаззамга ўзимнинг кимлигимни кўрсатиб кўйиш учун атайини шундай қилдим. Машинага чиқа туриб, Муаззамга қўл учини бериб хайрлашмоқчи бўлгандим, у ганим бор, кетмай туринг, деб қолди.

Аха, дедим ичимда, менга етказган озорларингнинг қасдини оляман, деб ич-ичимдан севишиб кетдим.

— Сизни кўриб қолганим яхши бўлди. Юринг, бир жойга бориб келамиз. Шофёрга жавоб бериб юборавринг!

Рози бўлдим. Икковлашиб ниёда кетдик.

— Йўлдан қолдирганим учун хафа бўлмайсиз-да. Атайини шундай қилдим. Одиложонни кўриб келасиз.

Юришдан тўхтаб қолдим. Ўша, ўзим ёмон кўрадиган Одиложоннинг олдига бораманми? Қалламни шартта кесиб ташласа ҳам бормасман.

— Юраверинг, юраверинг, сизни кўрса севишиб кетди.

У қўлимдан ушлаб судради. Бейхтиёр юриб кетдим. Анча жойгача нидамай бордим. Муаззам йўл четида осилиб турган тол новдасидан кўм-кўк барглари кесимлаб сидириб олди-да, маънос гашира бошлади.

— Биламан, мени ёмон кўрасиз. Одиложонни бўлса кўрарга кўзингиз йўқ. Ҳеч бўлмаса бирга ўқиганимизнинг хурмати бордир. Биласизми, хафа бўлмангу сизни ҳали ҳам унча хуш кўрмайман. Лекин, кўнгил хушламаган ҳар бир одам душман эмас-ку!

Хайронман, нима демоқчи, нима қилмоқчи?

Шунақа тушуниб бўлмайдиган хаёллар билан шаҳар касалхонаси яқинига келиб қолибмиз.

— Шу ерда бириас кутиб тура туринг. Ҳозир чиқаман.

У шундай деди-ю, шошиб касалхона дарвозасига кириб кетди. Анча ҳаяллаб қолди. Пойлаб ўтириб, зерикиб кетдим. Бу ерда мен нима қилиб ўтирибман, деб ўзимдан сўрайман. Мени ёмон кўрадиган одамнинг кетидан нима қилиб эргашиб юрибман? Кета қолайми? Шу ўтиришда Муаззамнинг мени хўрлаганлари кўзимга кўринаверди. Ўрнидан турдим. Энди кетмоқчи бўлиб турган эдим, Муаззам чиқиб қолди. Унинг кўзлари қизарган, бошидаги косинкаси сирғалиб елкасига тушиб қолган эди. У олдимга келиб нимадир демоқчи бўлди-ю, гапиролмай бирдан хўнграб йиғлаб юборди. Нима дейишимни, нима қилишимни билмай, сerraйиб туриб қолдим. Боя Одилнинг олдига олиб бораман, деган эди. Демак, Одил касалхонада. Нима бўлди? Тинчликмики? Одилнинг тана-сида ёрилган бомбанинг парчаси бор, даволатмай юрибди, дейишарди. Дарди ўшадир?

— Кетмоқчимисиз? Кетманг! — деди Муаззам ялинган оҳангда. — Кетиб қолсангиз ким менга ҳамдам бўлади?

— Нима бўлди? Айт!

Муаззам энтикди, жикка ёш тўла кўзларини жавдиратиб қаради.

— Эртага Одилжоннинг оёғини кесишмоқчи.

Титраб кетдим. Бугун Муаззамни кўрганимдан бери қалламга келган қасос олиш нияти, мақтаниш, унга ўзимни кўрсатиб қўйиш ниятларим бирдан қаёққадир учиб кетди-ю, вужудимга ҳокимлик қилаётган ўша туйғулар ўрнини шафқат, одамийлик, ҳамдардлик эгаллаб олди.

— Олдига кириб, юпаниб, дармон бўлинг. Курсдошини кўриб, тана-сига қувват кирди. Йўқ деманг!

Нахотки йўқ десам. Нахотки, биргина боқишим, ёнида бир дам туришим ўлимни енгил учун куч бўлса-ю, йўқ десам. Мен ҳам одамман.

Врачлар мени Одилнинг олдига киритишмади. Чарчаган, операция олдида дам олсин, дейишди. Ўтириб хат ёздим. Қизиқ-қизиқ гаплардан ёздим. Университетда қилган қизиқ-қизиқ ишларимизни, ўша пайтда айтган латифаларимизни ёзиб киритдим. Хат тагига имзо қўйдим. Ўқиб юрган пайтимизда деворий газетага бурчимни катта қилиб уриб чиқишган эди. Эсимда турган экан, худди ўшундай қилиб сурат чиқиб қўйдим. Ўзимга жуда ўхшайди.

Хатни олиб, албатта хурсанд бўлади. Биламан, бунақа пайтларда беморнинг хаёлидаги дахшатли ўйларни қочириб учун шундай қилиш керак. Кулги дахшатни ютади. Ўлимни енгади!

Муаззам билан яна Бувайдага қайтдим. Уни ёлғиз қолдиргим келмади. Мен кетсам, у қандок қилиб тонг оттиради? Шундай пайтларда ёнида одам бўлса, тиргович бўлади.

У телефон станциясининг орқасидаги кичкинагина ҳовлида турар экан. Уйи эгаси — кексагина хотин бизни кўриши билан ташвишланиб айвонга тушди. Муаззамнинг кўзлари қизарганидан кўрқиб кетди шекилли, менга савол назари билан қаради.

— Тинчликми, Одилжоннинг аҳволи қалай?

Яхши гап билан камширни тинчлангирдим. Муаззам уйга кириб кетганча қайтиб чиқмади. Унинг уйида чирок ҳам ёнмади. Камшир менга сунага жойи қилиб берди. Ечинмай ёнбошладим. Челақда музлаган сувдек нурсизгина ой кўтарилди. Камшир ҳамон ёнмириланиб, нималардир қилиб юрибди. У меннинг ухламаганимни билиб, олдимга келди.

— Яширманг, меҳмон, Одилжоннинг аҳволи қалай? — деди у шивирлаб.

— Эртага оёғини кесшимокчи, — дедим хўрсиниб.

Камшир кимирламай туриб қолди. Ой орқа томондалигидан унинг юзи кўринмас, фақат сочлари кумундек йилтирарди. У шу кўйи анча туриб қолгандан кейин, бирдан тиззасига уриб ох урди.

— Вой оёдеккина бола-я, вой шундоқ гулдек йингит-а! Вой эсиз бола. Урушга кирон келсин, урушни ер ютсин! Бу кирғин келгурдан йингирма йилдаям қутулмасак...

— Секин, секин, ая! Нима қиласиз Муаззамнинг юрагига ваҳима солиб. Мана кўрарсиз, кўрмагандек бўлиб кетади.

Камшир бошини сарак-сарак қилиб, айвонга қараб кетди.

Ухлаёлмадим. Хаёл минг ёққа олиб кетади, у ёққа ағдариламан, бу ёққа ағдариламан, кўзим илинмайди. Билиб ётибман, Муаззам ҳам шу аҳволда. У дунёдаги энг яқин кишиси ҳалокат ёқасида турган шундай дақиқаларда унинг танасига жон бўлиб киришга тайёр. У эри билан баравар ўлим йўлини тўсаётибди. Тўшақда ётган бемор ҳаёт учун ёлғиз ўзи курашмаётганини билиб турибди. Дўст меҳри, ёр мухаббати ҳар қандай офатни даф қила олишини билиб турибди.

Муз парчасидек ойни ошноқ тонг нафаси эритиб юборди-ю, азим тераклар учндаги япроқлар алвондек ялттиради. Шу тароватли тонг пайти курсдонимга умр тиладим:

— Яшашнинг керак! Хали олдинда узок умр йўли бор,

хаётда хали ҳаққинг кўп, хаёт жомини умринг охиригача сипқор, азизим!

Яна касалхона остонасидамиз. Бу гал Муаззам билан икковимизга оқ халат кийдириб, ичкарига бошлашди.

Узун коридордан оёқ учида энтикиб, энтикиб боряпмиз. Одилни тезроқ кўра қолсам, операцияга ётиши олдиан бир-икки қизик-қизик гаплар айтиб, руҳини кўтарсам дейман.

Палатага кирдик. Бурчакдаги каравотда Одил кўкка боқиб ётибди. У ниманидир ўйлаб, ҳар замон илжайиб кўяди. Охири, одам шарпасини сезиб, бошини биз томонга бурди-да, бирдан кўзлари яшнаб кетди.

Муаззам илдам юриб, унинг тепасига келди. Ҳаяжонини яшириб, унинг ҳол-аҳволини сўради. Одил хорғин — аста товушда жавоб берди.

— Бурунбойнинг хати менга жон берди. Суратини кўриб бир куламан, хатни ўқиб бир куламан. Оёғимни киртиллатиб кесишяпти ҳамки, кулгим қистайди.

У менга қараб мамнунлик билан илжайди. Демак, шу кечаёқ оёғини кесишибди.

— Раҳмат, Бурунбой...

Муаззамнинг кўзларидан дув этиб ёш тўкилиб кетди.

— Хафа бўлма, Муаззам, омон қолдим-ку! Сизлар бўлмасанглар ўлиб кетадиган нарса эдим. Операцияни кўтарадиган ҳолим йўқ эди.

Врач, беморни чарчатиб кўясизлар, деб бизни чиқазиб юборди.

Ташқарида офтоб яшнагандан яшнаб кетган. Тиниқ беғубор осмонда бир гала қаптар нурга чўмилаётгандек гоҳ шўнғийди, гоҳ парларига қўнган нурни тўкиб юбормоқчидек қанотларини тинимсиз силкитади.

Яна автобус бекатида тўхтадик. Муаззам чиройли бир табассум билан қўл бериб хайрлашди.

— Раҳмат!

Бошимдан зар сочсалар, оёқларим остига поёндоз ёзсалар, нурдан кўйлак тикиб кийдирсалар, баридан кечардим, шу бир оғиз сўз билан қолардим.

Инсон кўксидан тошиб чиққан, унинг қалбида энг эзгу ҳислари-туйғулари тоблаган самимий ташаккурдан қимматлироқ мукофот борми одам боласига!

Бугун мен ўзимни танидим. Бунга сиз сабабчисиз, азизларим!

1958 йил.

Бугун уч кун бўлди кампирдан дарак йўқ. Унга жуда ўрганиб қолган эдик. Хар гал у сутми, шафтолими олиб келганида, барагимизга кириб, у ёқ-бу ёқни синчиклаб қарарди-да, қойишига тушиб кетарди. Идишларимиз ювуксиз, ўрниларимиз йиғиштирилмай қолганини у келгандагина сезардик... Тўғриси, унинг қойишлари бизга ёқарди. Унинг товушини эшитганда хар ким қишлоқда қолган ўз онасини эслаб кетарди.

У кетганда қуни билан жазирамада ишлаб қарчанимга қарамай уйимни, онамни, укаларимни ўйлаб, анча вақтгача ухлаёлмай ётардим. Саратон офтоби қовжиратган сахро гиёҳлари кеч шабадада аллақандай ҳид чиқариб, бутун чўл бўйлаб айлашиб юрарди. Осмон тўла юлдуз. Ой тепага келиб, қимирламай туриб олади. Дарё шовиллайди. Тўғон тепасида электрнайванд чакки чақарди. Унинг ўқдек югурик кўкимтир нури тепадан ўтиб, чўл қўйишига кириб кетади.

Бу манзара, бу ҳисларни кўпинча сезмай қолардим. Кампир келиб-кетган кунлардагина шунақа ҳислар вужудимни қамраб олади. Оламни кўраётгандек бўламан. Шўсокни окшомда қаердадир, жуда олисда жанг кетаётганини, ўт чақнилари орасида кампирнинг ўғли гоҳ эмаклаб, гоҳ югуриб олдинга интилаётганини кўриб тургандек бўламан.

Орамизда оналик меҳрига тўймаган етим болалар ҳам бор эди. Улар кампир келганда атрофида гирдиқаналак бўлишарди. Тонган-тутганларини олдига тўкиб солишарди. Шундай бўлса ҳам у қойишидан тинмасди. Ҳадеб бизни уришаверарди. Биладан, оналар шунақа бўлади. Болани, хатто у бола-чақалик бўлганда ҳам қойишверишади.

Ким билсин, у ҳам ёлғизликдан ўрганиб, дилини ёзини учун олдимизга келаётгандир. Ким билсин, у бизни кўрганда ўғлини кўргандек бўлар.

Уч кун бўлди уни кўрмаганимизга. Бугун иш зўр бўлди. Қуни билан заводдан қайноқ цемент танидим. Машинамнинг кабинаси жазирамада дазмолдек қизиб кетди. Хориб-қарчаб келарканман, кампир тўғон устида мени кутиб турарди.

— Неъматдан хат, ўқиб бер, болам.

Унинг қўлидан уч бурчак хатни олиб, табелчининг будкасига бошладим. Нарядчи қиз курсисини бўшатиб берди. Хатни ўқиётганимда кампир икки қўлини тиззасига тираб, жимгина қулоқ солиб ўтирди.

Ўғли соғ-саломатлигини айтиб, яраланиб госпиталга тушиб қолганини, яқинда уйига бутунлай жавоб тегишини айтган эди. Кампирнинг кўзлари бесаранжом бўлиб қолди. Қўлимдан хатни олиб орқа-ўнгини афдариб қаради.

— Ҳаммасини ўқидингми? Бирон жойини ташлаб кетмадингми? Қаеридан яраланганини ўқиб бермадинг-ку!

Хатда Неъмат қаеридан яраланганини айтмаган эди. Кампир ташвишда қолди. Хат билан бўлиб, будкага қизлар киришганини, улар жим туриб суҳбатимизга қулоқ солишаётганини билмай қолибмиз.

Қизлар кампирни алахситиш учун бирдан чувиллаб юборишди.

— Холажон, ўғлингиз келганда мени келин қиласизми?

Кампир унга қараб кулиб юборди.

— Сеними? Аҳволингизни қара, сочинг пахмоқ, бурнинг пучук.

— Хо, — деди гап қотган қиз, — яхшилаб қаранг, пардоз қилсам ойдек келин бўламан.

Ҳаммамиз қотиб-қотиб кулишдик. Кампир бирдан қизларни қойиб кетди.

— Ўзларингга қарасангиз бўлмайдими, қиз бола деган ўзига қараб туради. Уйимга келинг, қатиқ ивитиб қўйганман, бош-мошларингизни ювиб оласанлар. Ўсмам ҳам откулок бўлиб ётибди.

Кампир кетди. У кетди-ю, қизларнинг кулгиларини ҳам ўзи билан олиб кетгандек бўлди. Бирданига ҳаммасининг уйи, онаси, онасининг беозор қойишлари эсига тушиб кетди. Қозикда дазмолланганича қолиб кетган атлас қўйлақдан тортиб, кўнгилни ром қилган йиғитигача, ариқ бўйидаги ошрайхондан тортиб, боламнинг насибаси деб едирмай, арига талатмай оналари сақлаб қўйган сўридаги узумгача шу онда будка ичига келиб қолгандек бўлди.

Шу-шу бўлди-ю, кампир барагимизга келмай қўйди. Уни гоҳ катта йўлда, дастурхонга тугилган пахтани бошига қўйиб, гоҳ челақда оҳак олиб кетаётганини кўриб қолардик.

Билиб турибмиз. У ўғлининг келишига тайёрланаётди.

Унинг уйи бош тўғон тушаётган дўнгнинг нари ёғидаги ўрикзорда эди. Ҳовлисидаги бир туп азамат садақай-рағоч узокдан кўриниб туради. Эри дарёда қайиқчилик қилган. Ислоҳот йиллари эрини душманлар дарёга чўктириб юборишган. Битта-ю битта ўғли фронтга кет-

ган. Хувиллаб қолган катта ховлида бир ўзи яшайди. Кечқурунлари эшиги олдидаги сунада хассасини ерга тираб, ўғлининг йўлига кўз тутиб ўтиради. Қоронғи тушгандагина кириб, алла-наллагача ухламай, тик эгса эшикка қараб ётади. Диккати ошиб, дили қоронғи бўлиб кетган кезларда челақни шафтолига тўлдириб, ётовимизга келиб қолади. Бизни койиб-койиб тафтини босиб кетади.

Ўзингиз биласиз, нимаки янги гап чиқса, аввал шофёр халқи билади. Бошлиғимизнинг машинасини хайдайдиган ҳамкасбим бир гап айтиб қолди. Эртадан дарёнинг эски йўли тўсилармиш. Сув кўтарилганда ўрикзорни сув босармиш. Уч-тўрт кундан кейин ўша ерда яшайдиганлар кўчирилармиш.

Шу гапни эшитдим, юрагим жиз этиб кетди. Демак, кампир ҳам бошқа ёкка кўчирилади. Ахир, у ўғлининг келишига уй оқлаб, девор-тошларини тuzатаётган эди-ку!

Ошнамнинг айтгани келди. Гаражда мажлис бўлиб, бизни ўрикзорликларни кўчиришга ажратишди. Кампирни кўчиришни ўзим сўраб олдим.

Эрта билан минг хижолатда машинамни кампирнинг уйига олиб бордим.

Кампир сунада икки тиззасига қўлини тираб ўтирарди. Бош кўтариб менга қарамади. Атрофга разм солдим. Иморати анча нураб қолган бўлса ҳам, деворлари оқлашиб, дераза ойналари артилиб, топ-тоза қилиб қўйилган эди. Ховли супурилган. Ариқ бўйида агиргул, қашқаргул очилиб ётибди. Девор ёнидаги икки туп шафтолининг шохлари эгилган. Сунадан дарё, тўғондаги краплар кўриниб турибди. Ховли ичи жимжит. Моторларнинг шовқини эшитилмайди.

Илгариги вақтларда хотинлар базм қилишганда, эркаклар эшитмасини деб дераза олдиларига сув тўла челақларни териб қўйишарди, деб эшитардим. Демак, сув овозини тўсар экан-да. Бўлмаса кулоқни битирадиган мотор товушлари эшитилмасмиди. Кампир бошини кўтармай, «келдингми?» деди.

Нима дейишимни билмай серрайиб туриб қолдим.

— Йўқ, уйимга ачинмайман. Хукуматдан аяйдиган жойим йўқ. Одамлар жонини аямайпти-ку, шу кулбага хукуматдан пул оламанми?! Мен шунақа танги хотинман. Фақат Неъматгинам келганда мени тополмай сарсон бўлмасмикин, дейман.

Юрагим тўлқинланиб кетди. Кампир тиззасига тиралиб ўрнидан турди:

— Юкларни тугиб кўйганман. Машинанга олиб чиқавер. Менда нима ҳам бор, дейсан. Келинга атаган бисотимдан бошқа нарсам йўқ. Сигирни эртага ўзим етаклаб кетаман...

Юкларни ташиб бўлганимча кампир ҳассасига таяниб, садақайрағочга тикилиб тураверди. Машина жойидан кўзғалганда унинг ўпкаси тўлиб хўрсинди. Йиғлармикин деган эдим. Йиғламади. Қайрилиб орқасига қарамади ҳам. Аммо мен бир киприк қоқсам тамом. Кўзларимдан ёш оқаман деб турибди.

Ахир бу хотин шу кулда эллик йил умр кечириб, не кунларни кўрмаган. Очлигига ҳам, тўқлигига ҳам, бахтига ҳам, бахтсизлигига ҳам гувоҳ бўлган уй, унинг аламли кунларини сир қилиб сақлаган деворлар қолди.

То цемент заводи посёлкасига етганимизча ундан садо чиқмади. Янги қурилган, ёнида чорбоғчаси бор уйга кўчларни туширдик. Кампир уйларини айланиб, чорбоғни кезиб чиқди. Унинг юзидан, кўзидан янги жойининг ёққан-ёқмаганлигини билиб бўлмасди.

Кетаётганимизда кампир, мени ёлғизлатма, Неъматим келгунча шу ерда тура қол, ўғлимдек бўлиб қолдинг, Неъматимга қиёматлик ака бўл, деб ялинди. Икки кундан кейин кўчиб келаман, деб юпатдим. Йўлда ўзимдан-ўзим қойиндим. Ахир нега икки кундан кейин дедим, бугуноқ келаман десам бўлмасмиди!

Назаримда кампир ноганиш уйда ғариб бўлиб ўтиргандек, мен йўғимда юм-юм йиғлаётгандек туюларди. Тўғонга кўтарилганимда кўзларим беихтиёр ўрикзордаги садақайрағочга тушаверди. Ишимни тугатдим, кўрпатўшагимни кўтариб, кампирнинг уйига қараб кетдим. У эшик олдидаги харсанга ўтирганича завод қувуридан чиқаётган тутунга қараб хаёл сурарди. Уйга кирдик. Ҳали бўёқ хидлари келиб турган айвонда анча вақтгача гаплашиб ўтирдик. Кампир самовар қўйиб келди. Йиғитлар дарёдан балиқ тутишган экан, иккитасини беришган эди, ювиб, тозалаб келдим. Кампир балиқ емаслигини айтди. Балиқ тозаланганича қолди. Пон-чой қилиб қўя қолдик.

Кампир жой солиб берди: Чироқни ўчириб, ичкари уйга кириб кетаётганида тўхтаб, балиқ емаслигининг сабабини айтиб берди.

— Раҳматлик отанг шу дарёга чўкиб кетган. Ким билди, уни шу балиқлар еганми...

Унинг овози титради. Қоронғи бўлганидан башарасини кўролмасдим, йиғлаётгандек бўлди. Қаттиқ чарчаган

бўлишимга қарамай ухлаёлмадим. Кампир жуда барвақт уйғониб, ховли сунурди, самовар қўйди. Худди ўз уйи-  
да, ўз онам олдида юргандек роҳат қилардим. Ишга  
кетаётганда кампир эртароқ қайт, санчиб юрма, томонинг  
совуб қолади, деб таъкидлади.

Ўша кунини иш жуда кўн бўлди. Бутун самосваллар  
тош ташинишга қўйилган эди. Дарёнинг эски йўли тўселин-  
ти. Тинмай кўприкдан тош ташлаб турибмиэ. Дарё қуту-  
ради. Тошлар устидан санчиб, эски йўлига отилади.

Сув ахир бўйини эгди. У тош тўсенклардан ўтолмай  
майда тўлқинларни зарда билан орқага силкитди. Икки  
кун деганда дарё бутунлай тўселиб, сув кўтарила бош-  
лади. Тўғон дарвозаларидан фақат битгасиниша очик.  
Сув ўрикзор томонга ўрмалай бошлади. Тўғон тенасида  
одам кўн. То коти қорайгунча оломон таркамади. Бир  
махал қарасам, ёнимда кампир турибди. У қоронғида  
аранг кўришиб турган садақайрағочдан кўзини узмасди.  
Охири қоронғида ўрикзор кўринмай кетди. Эрталаб  
кампир мен билан яна тўғонга келди. Ўрикзор эди  
бутунлай сув остида қолиб кетган эди. Фақат садақай-  
рағочнинг учи кўришиб турарди. Кампир ўша ёкка ти-  
килиб туриб:

— Отанг раҳматлик эккан эди, — деб хўрсиниб  
қўйди.

Гараждан машина олиб чиқиб келаётганимда дўкон  
олдида бир тўда одам ўраланиб турганини кўриб қолдим.  
Яна келиб қарасам, кампир ерда ётибди. Бир хотин юзига  
сув сепянти. Кабинадан санчиб тушдим.

Неъматдан келган хатни қоровул олиб қўйган экан.  
Очиб кампирга ўқиб берибди. Хатда Неъмат госпиталда  
оёғини кесиб ташлашганини айтибди. Кампир хушидан  
кетиб қолибди.

Уни кабинага чиқариб, уйга олиб кетдим. Эртасига  
ҳам, индинига ҳам ишга чиқолмадим. Кампирнинг аҳво-  
ли оғир эди. У бир ойдан ортиқ ёстикдан бош кўтармади.  
Фақат бир гапини айттарди:

— Болам, болагинам. Ўз кўлинг билан тунроққа қўй.  
Тўйингни ҳам кўра олмадим, ҳеч бўлмаса дийдорингни  
бир кўрай...

Йўқ, ўғлининг дийдорини кўриш унга насиб бўлмади.  
Ўғлига илҳақ бўлиб кўз юмди. Уни дафни қилишга анча-  
гина одам йиғилган эди. Боласининг ўрнига бола бўлиб,  
тобутининг олдида тушдим. Йўл-йўлакай ёт, бегона ки-  
шилар маросимга кўшилаверди. Канал қазнётганлар  
ишни тўхтатиб, тобутни елкама-елка ўтказиб боришарди.

Катта йўлга чиққанимизда бир ҳарбий йиғит юк халтасини ерга қўйиб, оқсоқлана-оқсоқлана тобутнинг бир қанотини елкасига олди. Ун қадам ҳам юрмай оёғи қалтираб четга чиқди. Ниҳоят, маросим орқасидан анча вақтгача қараб турди-да, халтасини олиб, тўғон тарафга жадал юриб кетди.

Қайғиб келганимизда ўша ҳарбий йиғитни уйда кўриб хайрон бўлдик. У ёғоч оёғини чиқазиб, айвон лабидаги устунга бошини тираб, қимирламай ўтирарди. Энди билдим: бу Неъмат эди. У онасининг бошқа уйга кўчганини билмай, ўрикзорга борган. Боя кимнинг тобутини кўтарганини ҳам билмай қолган...

Ҳар гал йўлим шу томонларга тушганда, поезд тўғонга яқинлашиши билан вагон ойнасини очиб, ўша ўрикзорга қарайман. Сув бетига чиқиб, барг ёзишдан тинмаган садақайрағочнинг кўм-кўк учларига тикиламан. Бу яшил новдалар менга жуда кўп воқеаларни эслатиб қўяди. Назаримда, дарёга чўккан қаҳрамон ота сувдан бош чиқазиб, атрофда чакнаган сонсиз чироқларга қараётгандек, азамат тўғондан қуйилаётган шар-шара товушига кулоқ солаётгандек бўлади. Сув жим-жималарига ок тўшини уриб учаётган қалдирғочлар, орқасида айри из қолдириб сузаётган виқорли оппоқ розлар менга ўша суронли йилларда ҳаммага меҳрини баробар сочган мунис она чехрасини, унинг оппоқ пахтадек сочларини эслатади. Фронт йўлига илҳак тикилган кўзларини эслатади. Қайноқ оналик туйғуларига тўймаган болани фикран қидираман. Қайси жабҳада экан у?

Шундай отанинг, шундай онанинг боласи ҳаётда ўз ўрнини топиб олганига ишонаман. Назаримда, у олдинда, ҳамманинг олдида шитоб билан олға кетаётгандек.

Хабар бер, хабар бер, қайдасан, ука!

1961 йил.

## ПОЙҚАДАМ

— Вой қудамдан айланай, ана келишадн, мана келишадн, деб икки кўзим кўчада бўлди-я, тўй қандоқ ўтганиниям билмадим. Вой, бўйларингизга тасаддук. Хуш келибсизлар. Хой, Нигорахонни уйғотинглар. Дадалари билан ойилари келишди. — Ваҳобжон билан Манзурани қуда ана шундай сўзлар билан кутиб олди.

Қуда ёши эликдан ошган бўлса ҳам, юзидан пардоз

армаган жиккаккина хотин эди. Унинг юзлари худди шарбати сиқиб олинган анор пўстига ўхшаб кетарди. Қўлидаги қўша-қўша узуклар, бўйнидаги ҳар бири нўхатдек келадиган дур маржонлари, эғнидаги ёшига ярашмаган гулли кренденин кўйлаги уни аллақандай бачкана қилиб кўрсатарди.

Ваҳобжон атрофга назар ташлади. Катта ховлининг бошидан оёғигача қўйилган столлардан ҳали дастурхон йиғилмаган, гуллар орасида бўнаган ишшалар, сўрилар да тўйда хизмат қилиб чарчаган кишилар ечинмай ётиб қолишган, ер ўчоқ олдида даста-даста ювукенз лаганлар ётарди. Ҳатто дарахт шохларига илтиган лампочкалар ҳали ёкиғлик турарди.

Қуда ая сўрида ечинмай ухлаб ётган кишининг оёғидан силкиб уйғотди.

— Туринг, хой туринг, қудаларингиз келинди.

Қора соқол бир киши ёстидан бон кўтариб, атрофга аламлилади. У Ваҳобжонларни кўриб, ня, ня, деб ўрнидан тураркан, кўрпача катларини титқилаб, ниманидир кидирарди.

— Ҳожар, тишимни кўрмадингми?

— Йўғ-а, қаёққа қўйгандингиз? Аввал қудаларингиз билан кўришиб олинг, кейин кидирарсиз.

Чол илдам юриб Ваҳобжонлар билан қуюқ кўринди. Йўл бошлаб уйга олиб кирди.

— Қани, қани ўтиришенилар, ўтиришенилар, оббо куда-ей, кўн кутдик. Жуда кўн кутдик. Тўйга етиб келолмадинглар-да. Ҳай, майли, сизларга бошқа тўй қилиб берамиз энди. Хой, Ҳожар, дастурхон келтир, келинингини уйғот, ўғлингини уйғот, қайнота, қайноналари билан танишиб қўйсин.

Чол узр айтиб, тавозе билан ювингани чиқиб кетди. Эр-хотин уй жиҳозларига маҳлиё бўлиб индамай ўтиришарди.

Улар кирган уй меҳмонхона бўлса керак, ниҳоятда серхашам эди. Тўрда панаино, бурчакда курант соат, деворда ҳам, ерда ҳам, диван устида ҳам гилам. Шифтда биллур қандил. Жавонларда хитой чиннилари, телевизор устида ҳар хил чинни ўйинчоқлар. Деразаларга ҳам тўр, ҳам бахмал парда тутилган.

Ваҳобжоннинг эси оғиб қолди. Бутун умрини меҳнат билан ўтказган, рўзғорини бир меъёрда олиб борган Ваҳобжонга бу хашамлар алланечук кўришиб кетди. Эр-хотиндан садо чиқмасди. Манзура кафтини нягига тираганича хаёл сурарди.

Нигора буларнинг биттагина боласи, Ваҳобжон туғлиб ўсган қишлоғи Ганжиравонда ўттиз йилдан бери ўқитувчилик қилади. Бутун Ганжиравондаги кишиларнинг ярмидан кўпини шу Ваҳобжон ўқитган. У қизини Тошкентга ўқишга юбораётганда не-не умидлар қилган эди. Ўқиса, институтни битириб, ўзига ўхшаб ўқитувчи бўлса, шу Ганжиравонга келиб, отасининг ишینی давом этгирса, куёви ҳам ўқитувчи бўлса. Муаллимлик қандай яхши хунар. Қизи тушмагур нима қилиб қўйди. Бир оғиз на отанинг, на онанинг розилигини олмай, ўзбошимчалик қилиб қўйибди. Қуёв нима иш қилсайкин? Ўқиганмикин? Илми бормикин? Бирон хунарининг бошини тутганмикин? Ўзи ахлоқликкина боламикин?

Ичкарига ўқдек отилиб Нигора кирди. У онасининг бўйинига осилиб, у юзидан, бу юзидан чўпиллатиб ўпа бошлади. Дадасининг елкасига осилиб эркаланди. Кўпдан соғинтирган бола ота-онанинг юрагидаги гина-кудуратини бир дам бўлса ҳам нари қувиб юборди. Нигора бахтиёр эди. Унинг эғнида яшнаб турган ниқоҳ либослари ўзига бирам ярашибдики.

Нигора чиройли қиз эди. Ота-она топганларини шу қизга сарфлашарди. Айниқса, у бўйга етиб, қомати тўлиша бошлаган пайтларда кийиниб кўчага чиққанда, ганжиравонлик йигитлар эсдан оғиб қолишарди. Унинг қўшиқлари, унинг жарагдор кулгилари, бўйи-баста, кекса толлар соя ташлаган анҳор бўйларида хаёлчан кезишлари Ганжиравонга бирам ярашарди, бирам ярашарди. Қишлоқ йигитлари атайин тегажоқлик қилиб унинг олдидан «Мен сени кўрдим яна Ганжиравон кўчасида» деб қўшиқ айтиб ўтишарди. Нигора ҳам уларнинг ҳазилларига ҳазил билан жавоб қайтарарди. Нигора туғлиб ўсган қишлоғининг шайдо йигитларини ҳасратда қолдириб, кимни топдикин? Она ана шу тўғрида ўйларди.

Қуёв кирди. У ниҳоятда чиройли, қора қош, гавдаси қуйилгандек, қирра бурун, жингалак соч йигит эди. Эғнидаги тугмаси чала қадалган йўл-йўл яшил пижамаси ўзига жуда ярашиб тушганди. У одоб билан қайнотасига, қайнонасига салом берди. Кейин уларни нариги уйга таклиф қилди.

Ваҳобжон билан Манзура беихтиёр ўринларидан туришди. Улар бу зинадан тушиб, у зинага кўтарилишар экан, Ваҳобжонда куёвга аллақандай меҳр уйғонгандек бўлди. Аммо бу туйғу ясатилган уйга киришганда ўзи ҳам маъносига тушуниб етмагани аллақандай ҳислар билан аралашиб кетгандек бўлди. Нигоранинг уйи бояги уй

хашамидан ўн чандон афзал эди. Ваҳобжон олтимини ёшга кирган бўлса, шу олис умри давомида кўриш у ёқда турсин, хаёлига ҳам келтирмаган буюмлар бор эди бу уйда. Хатто деразаларнинг юкоридаги кўзларига рангли шишалар солинган эди.

Нигоранинг юзида, кўзида: эрим ёқдим, деган маъно норлаб турарди. Ташқаридан қайиотанинг зардали товуши эшитиларди. Куёв келиб деразадан ҳовлига қаради.

— Кечирасизлар, бобойнинг ясама тишлари йўқолиб қолибди, тополмай хуноб бўлянтилар, — у Нигорага юзланди, — иш бўлмаса, чой олиб келмайсизми?

Нигора чиқиб кетди. Куёв кеча тўйнинг жуда яхши ўтганлиги, арақнинг ўзидан етмиш шиша кетганини, мехмонлар кабобга тўйиб қолиб, мантига қарамаганлари, маст бўлмаган одам қолмаганини гапирарди.

— Бизнинг бобой ҳам маст бўлиб қолганларидан билаверинг, тўйнинг қанақа бўлганини. Ахир, у кишини унча-мунчага маст қилиб бўлмайди-да...

Ваҳобжонга бу уйдаги буюмлардан тортиб одамларигача бегона, куёв бўлса кўзига аллақандай бачкана, ёқимсиз бўлиб кўринди. Қани энди вақт ўтмаган, тўй бўлмаган бўлганда, у албатта кизининг қўлидан етаклаб чиқиб кетарди. Начора, бўлар иш бўлган. Ундан ташқари, ўз йўлини ўзи топадиган ёшга етган кизининг тақдирига у қандай қилиб ҳокимлик қила олади.

Икки шиша коньяк кўтариб қуда кирди. Унинг эгида янги тўн, бошида тўрт каржли сурма ранг дўши.

— Энди, қуда, айбга буюрмайсиз-да, болаларимизнинг бахтли бўлишига андек танаввул қиламиз-да! Икромжон, рюмкаларни ол. Энди сен ичма. Кечагига ўхшаб довдираб юрма.

Деразадан иситилган манти узатишди. Ваҳобжон ичмади. Ота-бола бир шишани бўшатганидан кейин Ваҳобжон узр сўраб, ўридан турди.

— Мени айбга буюрмаглар, қиладиган ишларим бор эди. Онаси майли, қолсин. Эртага бир хабар оларман.

Қайф қилиб олган қуда унча қаршилик кўрсатмади, куёвнинг кўзлари сузилиб, ҳадеганда тилла тишларини кўрсатиб илжаярди. Аммо қуда ая ялиниб эси кетди.

Ваҳобжон ташқарига чиқиб, тўйиб нафас олгандек бўлди. Сал нарироқ бориб бирдан кўнгли бузилиб кетди. Унинг бу қайфияти уйига ўт кетганда боласи қолиб, ўзини қутқарган кишининг аҳволини эслатар эди.

Ваҳобжон шу кунни кечгача шаҳар кўчаларида тентиб юрди. Меҳмонхонага кириб, ётиб ётолмади, ўтириб ўтиролмади. Яна кўчага чиқди. Кеч кирди. Фонтан атрофи одамлар билан гавжум бўлди. Бола етаклаган жувонлар, ҳассасига таянган кексалар шаффоф томчиларнинг салқинида беозор сайр қилишарди. Ҳамма шод. Ҳамманинг юзида аллақандай бахтнинг, қувончнинг табассуми порлайди. Фақат Ваҳобжон тажанг. Шаҳар чироклари сийраклашди, фонтан атрофи бўшаб қолди. Охири, кўкка интилган тошқин фонтан ҳам аста-секин ерга синггандек тинди. Ваҳобжон машаққат билан ўрнидан туриб, меҳмонхонага йўл олди.

Қаттиқ ухлаб қолган экан, телефон товуши уйғотиб юборди. Бошқа номер адашиб тушиб қолибди. У қайта ётолмади. Соатига қараса, аллапалла бўлиб қолибди. Кўчага чиқди. Қизиникига боришга юраги бетламай, меҳмонхона остонасида кунни кеч қилди.

Қош қорайган маҳалда Манзура келди. У ҳам маъюс эди. Эр-хотин бир-бирига бирон гап билан озор етказиб қўймаслик учун сунъий илжайиш билан ичкарига киришди.

— Нигора қалай, хафа эмасми? — деди Ваҳобжон.

— Бинойидек ўйнаб-кулиб юрибди. Нега бормадингиз, хайрлашиб ҳам келмадингиз.

Ваҳобжон гап тополмай, гарданини қашиб қўйди.

— Билетни эртанги поездга олаверайми, ё бир-икки кун турасанми? — деди Ваҳобжон. — Агар хўп десанг, шаҳарнинг у ёқ-бу ёғини кўрсатай.

Манзура қизини ташлаб кетишга кўнгли бўлмай, юрагининг бир чети узилиб қолаётгандек бўлиб турган эди.

— Майли, ўзингиз биласиз, — дея унинг ўзига ташлади.

Бугун Ваҳобжон ўзи ўқитган ганжиравонлик врач болани учратган эди. У уйига таклиф қилган. Ваҳобжон вақт бўлса, албатта боришлигини айтган эди. Шу топда ваъдаси эсига тушди.

Шу кеча на эр, на хотин қудаларидан гап очмади. Аммо тоғ отгунча тўлғаниб чиқди. Эрталаб улар энди ноҳушгага тайёрланиб туришганда кимдир эшикни безовта тақиллатди. Ваҳобжон шошиб очса, нотаниш бир киши кўзлари бесаранжом бўлиб турибди.

— Тез борармишсизлар. Дарров, дарров... — шундай деди-ю, шошилганча кетиб қолди.

Эр-хотин нима гаплигига тушунолмади апил-тапил йўлга тушинди.

Нигоранинг ховлиси сув қўйгандек жимжит. Ховлидаги сўрида чол пешонасини ушлаганча кимирламай ўтирибди. Ваҳобжоннинг юрагини бирдан ваҳм босди. Нигорага бир ган бўлдимикин! У отилганча уйга шигилди. Ичкаридан чиқиб келаётган қудаси Хожар унга совуқ назар ташлаб ўтиб кетди. Нигора уйнинг ўртасида кимирламай турарди. У оёқ товунини эшитиб ўтирилди, дадасини кўриб хўнграб йиғлаб юборди. Манзура кирди.

— Пешонам қурсин, толенм қурсин!

— Нима бўлди? — деди Манзура хаяжон билан.

— Икромжон акамни қамокқа олиб кетинди. Хамма нарсани хатлаб кетинди.

Хожар деразадан бош суқди:

— Келиннинг оёғи «қўтлуғ» келди-да! Ха, қаламини «ёқди».

Ваҳобжон беихтиёр ўтириб қолди. Атрофга гамгин назар ташлади. Уй жиҳозлари кўзга совуқ кўришиб кетди. Бу буюмларнинг хаммаси хатланган, хаммасининг эгаси бошқа, булар юртнинг ризкидан юлиб олинган нарсалар. Бу уйда шу битта Нигорагина ҳалол эди. Йўқ, у ҳам ўғирланган, ўзи ҳам, бахти ҳам ўғирланган.

— Хафа бўлма, қизим, — деди Ваҳобжон, — иложи-миз қанча, бегуноҳ бўлса чиқиб қолар. Сабр қил.

Чол кирди.

— Қуда, бу ишнинг шундоқ бўлишини ким билувди, дейсиз. Чақувдан бўлди. Ёмон одам кўн. Бор бўлсанг кўролмайди, йўқ бўлсанг беролмайди. Энди бундоқ қил-сак. — У ёнидан буклоғлиқ қоғоз чиқариб, Нигорага узатди. — Шу рўйхатдаги нарсаларни отамниқидан олиб келганман, ўзимники деб судга ариза ёзсангиз.

Ваҳобжон қизининг қўлидан қоғозини олди. Рўйхатда тахминан янги пулда ўн беш минг сўмлик буюм ёзилган эди.

— Йўқ, — деди қатъий оҳангда Ваҳобжон. — Бунақа ишга қўл урмайди Нигора.

Чол бошини сарак-сарак қилди:

— Ўзларингизга қийин бўлади, майли, майли.

Хожар деразадан бош суқди:

— Кўнишмаяптими? Бу таги паст қишлоқилардан яхшилик чиқадими? Айланай қудалар, хўн деб қўя қолсанглар, олам гулистон бўлади-я!

— Қўйинг, жинойтларингизга бизни шерик қилманглар.

— Умид билан қуда бўлгандик, майли, ўзларинг биласизлар.

Нигора ҳатто рози бўлишга ҳам тайёр турганда, кампир яна гапга суқилди.

— Айланай Нигорахон, бу ер ҳам ўз уйингиз, бизни унутвормай тез-тез келиб турасиз-а!

Нигоранинг кўзлари ялт этиб очилиб кетди. Келишлик либослари музга айланиб, баданини соғутиб юборгандек бўлди. Кўзларига ғазаб тўлиб, атрофга жавдираб боқди-ю, шахт юриб нариги уйга кириб кетди. Бир оздан кейин у ўз онаси тиккан ўша оқ кренденини кўйлагини кийиб, студентлик чамадончасини кўтариб чиқди. Дадасига маънос боқиб деди:

— Мени кечиринг, дадажон. Ўзини ўзи ўғрига тутқазиб берган, бахтини ҳам, ўзини ҳам ўғирлатган кизингизни кечиринг.

Нигоранинг кўзидан ёш чиқмади. У дадил гапирар эди.

Ваҳобжон билан Манзура кизини бундан уч кун аввал чиқиб кетган ётоғида қолдириб, яна Ганжиравонга қайтиб келишди. Нигора уйига энди илгаригидек тез-тез хат ёзмас, тўғриси, шима деб ёзишни билмасди. Ёзганда ҳам соғ-саломатман дейишдан нарига ўтмасди. Орадан уч ой ўтганда Нигорадан тўрт варақ хат келди. Хатда у Икромнинг катта жиноятчи эканлиги судда очилгани, ўзи ўн йилга кесилиб, уй-жойлари мусодара қилинганини ёзган эди. Хатнинг охирида у: эртага давлат имтиҳонлари тугаб, диплом кўлимга тегади Ганжиравонга қайтиб боришга энди юзим чидамайди, Хоразмга йўлланма беришларини сўрадим. Илтимосини қаётармасалар керак, депти.

Манзура: «Жон болам, даданг қариб қолди, бир ҳафта бўлди, пенсияга чиқди. Ганжиравонга кел, даданг ўрнига ўзинг ўқитувчи бўл. Жон болам, йўқ дема» деб хат ёзди.

Нигора келармикин? Келса, Ганжиравон кўчаларида тўда-тўда мактаб болаларини эргаштириб юрса, қандок ярашарди унга. Келармикин?

Аммо, онанинг хати Нигорага етмади. У ўғирланган бахтини излаб, вагон ойнасидан қум барханларига тикилиб кетмоқда эди.

1957 йил.

Хайри боқчадан ўелини олгани кирганда тарбиячининг фиғони фалакка чиқиб турган эди.

— Кеч қолдингиз-ку. Бугун дам олин арафаси, иш вахлик тамом бўлди. Хамма болаларни ота-оналари олиб кетишди. Фақат сизни қутиб турган эдим.

Хайри аёлга узр айтиб, ўелини етаклаб кетаётган эди, тарбиячи уни тўхтатди.

— Бирпас сабр қилинг. Бир одам сизга совға қолдирган эди.

Тарбиячи югуриб ичкарига кириб кетди-да, ҳаялламай дарров орқага қайтди.

— Тўрт минг сўм пул, бир кийимлик крендениш ва Ғайратга матросча кўйлак. Ғалати одам экан. Сизга топишириш учун мендан тилхат олди.

Хайри шошиб тугунни ечди. Унинг ичида аллақанча пул ва кийимликлар бор эди. Тарбиячи унга конверт узатди.

— Бу хатни ҳам ўша киши қолдирди.

Хайри конвертни йиртиб, хатни олди.

«Хайри, мени кечир, кўр эдим. Энди кўзим очилди. Диссертация ёқлабсан, газетада эълонни ўқиганимда ҳаяжонимни босолмай, туни билан ухламай чиқдим. Институтга борай десам юзим чидамади... Тўрт минг сўм пул ва майда-чуйда қолдирдим, кам-кўстингга ярагасан. Кечир мени, оёғингга бош қўйиб, ёлвориб қолувчи, Ҳасан».

Хайрининг ранги оқариб кетди. Хат тутиб турган қўллари билинар-билинимас титрарди.

— Нима бўлди, хатда кўнглингиз бирои гап ёзилганми?

Тарбиячи унинг биллагидан ушлаб, скамейкага ўтказди. Хайри хатни ёжимлаб, оёқлари остига ташлади.

Онасининг маънос кўзларига тикилиб турган Ғайрат киссасидан бир сиқим конфет олиб, Хайрига узатди.

— Ая-чи, ая, битта киши менга анча конфет берди.

Хайри ялт этиб тарбиячи аёлга қаради. У эса шошиб изох бера бошлади:

— Мумкин эмас, десам ҳам қулоқ солмади. Умуман, болалар олдида шунақа қилиш тўғри келмайди.

Хайри Ғайратнинг пешонасидан силади. Тарбиячи аёл хайрон, гоҳ Хайрига, гоҳ Ғайратга қараб, кўзларини пириратарди.

Хайри ўрнидан туриб, бояги нарсаларни тарбиячига узатди:

— Мана шу парсаларни эгасига қайтариб беринг.

— Жуда илтимос қилган эди-да, олмаса менинг номимдан ёлвориб сўранг, деб айтган эди.

— Хотинингиз сизни аллақачон унутибди, садақаларингизга муҳтож эмас экан, деб айттинг. Энди келса, Файратни унга кўрсатманг. Ўзингиз кечқурун бизникига марҳамат қилинг. Диссертация ёклаганимга институтдан меҳмонлар келишмоқчи. Албатта келинг. Сизни куттириб қўйганим учун кечиринг.

Хайри тарбиячи билан хайрлашиб, дарвозадан чиқди.

У серкатнов кўчадан ўғлини кўтариб келар экан, кўз олдига Хасанининг киёфаси келди. Бир вақтлар кўзга уйқу бермаган ширин хаёллар, қалб ўртанишлари энди кўндан унутилган. У кунлар Хайри учун энди юзини кул босган чўғдек ўз нуруни, хароратини йўқотган эди.

Бугун Хасан унинг йўлида яна пайдо бўлди. Хотин юрагида сўнган хисларни яна кўзватмоқчи. У энди ўзини Хайрининг оёқларига ташламоқчи, узилган иппни яна уламоқчи.

Хайри қанча урнимасин, Хасан унинг тасаввуридан сурбетлик қилиб нари кетмас эди. Хайри унинг хотиридан қувламоқчи, баҳор манзараларига боқиб, ўзини алаҳситмоқчи бўларди. Бироқ кўзи олдига тутундек ёпирилиб келган хаёллар уни енгди.

«Хасан!

Сени эсимдан севганимни билардинг. Бу севги бўйинимга боғланган оғир тош бўлди. Шу тош мени ўзи билан сув тубига тортар, фарқ бўлишимга қарамай, мана шу тошга ёпишиб олган эдим. Чунки шу тошни севардим.

Эслайсанми, сен билан фақат бир йилгача тотув яшадик, холос. Кўп ичадиган, саёқ юрадиган қилиқ чиқардинг. Умр бўйи меҳнат билан кун кечирган, фронтда ҳалок бўлган бир ишчининг ягона қизи учун қолдирган уй жиҳозларини сотиб битирдинг. Бир сўз демадим. Чунки сени севардим. Қора кўзларингга термилганимда ҳамма нарсани унутиб, фақат сени ўйлардим. Сен ресторанларда масту аласт бўлиб юрганингда уйда ёлғиз ўтириб қон-қон йиғлаганман, кўз ёшларимни сендан яширганман. Ун йилликни тугатганимда отам мукофот пулига сотиб олиб, менга тақдим қилган олтин соатни секретарингнинг қўлида кўрганимда юрак-бағрим эзилиб кетган эди. Ахир, ўша соатнинг орқасига менинг исмим ўйиб ёзилган эди. Шунда ҳам сенга бир сўз демадим.

Сен билан бирга кечирган бир йиллик хаётимда юрагимда ўчмас қора излар қолди.

Биринчи бор хомилаликни туйган, ой-куним яқин қолган кунлар сира-сира эсимдан чиқмайди. Қувончимга шерик бўлини ўринга масхаралаган эдинг. Юзимга хомилалик доғлари тушганда «ажина» деб айтганинг эсинида-ми? Шунда сендан бутун вужудим билан нафратланганман.

Туғилган кунимдан бошлаб онам кўлига игна олиб мен учун тиккан палакни бозорга олиб кетаётганинда: «Кўй, тегма, онамдан ёдгор» дедим. Шунда сен «уч талок!» деб чиқиб кетдинг ва ниҳоят туғруқхонада тўлғоқ азобини кечирган ва ўғлимнинг юзига боққанимда, отасиз ўғлим учун аччиқ-аччиқ йиғлаганман. Тўлғоқ азобидаги хотин учун дунёда энг яқин одам эр эканлигини билмадинг. Шунда мен продамни кўлга олиб, қалбимдан сени сидириб ташладим. Бир йилги ҳаётимда эркин нафас олишим ҳам шу эди, чунки бўйнимдаги оғир тондан — сендан халос бўлдим.

Ўз йўлимни тошиб кетдим. Ярим йўлда қолиб кетган ўқишимни давом эттирдим, ўғлимни отанг йўқ деб ишонтиролдим. Ўғлим билан барабар мен ҳам қайта ҳаёт бошладим. Сенсиз яшаш менга ўзлимни қайтарди.

Бугун, баҳор нафаси гуркираб турган кун, яна йўлимда пайдо бўлдинг. Пул билан, бир нарча латга билан кўнглимни олмоқчи, кўрган кунларимни унуттирмоқчи бўлдинг...»

Машина сигнали Хайрининг хаёлини бўлди. Кимдир унинг кўлидан ушлаб четга тортди. Ёнгинасида таққа тўхтаган машина кабинасида шофёр бош чайқайди. Унинг кўзлари ташвишли эди. Хайри хижолатда ерга қаради...

...Хасан деразаси кўчага қаратилган уй олдига келганда қадамни секинлатди. Кўлидаги гулдастани салмоқлаб кўрди-да, ботинмасдан эшик ёнбошидаги тугмага кўл узатди. Унинг кўли титрар, юраги тез-тез урар эди. Титроқ нанжалар кўнгироқ тугмасини ожизгина босди.

— Хайрининг ўзи чиқса-я, — у миёсига келган бу хаёлдан чўчиб, бир неча қадам орқага чекниди. Эшик очилиб, ўрта ёшлардаги бир хотиннинг боши кўрindi. У Хасаннинг кўлидаги гулдастани кўриб, уни ичкарига таклиф қилди.

Хасан уйга кирди. Дид билан безатилган ёруғ уйда меҳмонлар кўн эди. Хотин кўшини уйга қараб қичқирди.

— Хайрихон, меҳмонни кутиб ол!

Хайри Хасанни кўришни билан жойида қотиб қолди.

Хасаннинг гул тутган кўли хавода муаллақ қолди.

Бир оздан сўнг, Хайри аранг:

— Нега келдингиз? — деб пичирлади.

Хайри ундан жавоб кутмай, ой нури шиб турган ровон томон юра бошлади. Мехмонлар Хиннинг аста-секин юриб Хайрининг кетидан ровонгаиқаётганини сўзсиз кузатиб қолишди.

— Хайри, — Хасаннинг овози титри, — кечир мени, адашган, хаётда ўз йўлини йўкотган дбахт эрингни кечир!

Хайри индамади. Гуллаб турган ўрик илари оралаб тушиб турган ой нури унинг елкасида, оқ слаган сочларида лип-лип ўйнарди.

— Сенга озрок пул юборган эдим, олгирсан... Директор билан чиқишолмай совхоздан кетди Хозир ишим яхши, катта ховлини сотиб, пулини сингл билан баравар бўлиб олдим. Омонат кассада ҳам унч. мунча...

Хайри ўпирилиб унга каради. Ой ну энди Хасаннинг юзини ёритиб турарди.

«Ўзгармабди, юзига сал-пал ажинлагўшибди, холос, хали ҳам чиройли, ёқимли...» дея лдан ўтказди Хайри. Унинг кўнглида йилт этиб чаган мухаббат хислари бир нафас уни ўз оғушига олгак бўлди. Бирок Хайри ўзини жуда тез ўнглаб олд. Сўнган чўғни пуфлаб алангалатиш кийин эди.

— Ўқимиз учун, Хайри...

— *Хасаннинг овози йўқ* — Хайри эндай деди-ю, томонини бўриб келатган ички дарди широлмади, кўзларидан юмюм ёш тукилди. — У сани танимайди. Ўйна ўз афаме пиянга ўтказиб олганман. Етингиз, хотинингиз бордиги энди ёдингизга келганим. Кўлимдан иш келганига бўлганига эсингизга келганим. Сизни унутиб юборганимга кўп бўлган. Энди биз бирарамизга мутасоа бегона нотаниш нашинлармиз.

— Энди пул кўпайиб қолганда, а? Ўш бешимизни ўтказиб келган эдик...

Хайри кеткин бурилиб уйга кирди.

— *Ким экан у?* — деди эвник ечган тиз.

— Бегона қилин. бизнигизга янглиши сароб юлти.

1956 йил.

Озода ишдан чиқиб, трамвайга ўтирмай, янги барг ёзган сердарахт, гавжум кўчадан уйига қайтди.

Хамма ёқда баҳор нафаси гуркирайди. Девор оша кўчага энгашган ўрик шохларидан йўлларга танга-танга гуллар тўкилган. Жилдираб оқаётган ариқлар бетида ҳам ўрик гуллари оқади.

Озоданинг бу кўчадан юрмаганига беш йил бўлди: бу кўча дарахт ва жилдираган ариқлар унинг энг хушнуд кунлари — кўнглига муҳаббат олови тушган, ҳаётга биринчи бор қадам ташлаган, биринчи бор ҳомилаликни туйган онларининг гувоҳи.

Уни бу кўчадан қайта юришига мажбур қилган нарса на муҳаббат хотиралари ва на баҳор манзаралари бўлди. Озода бу кўчага бурилганида бутунлай бошқа, ўзи ҳам маъносига тушуниб етмаган қандайдир ғайри табиий бир куч унинг вужудида ҳоким эди. У қайси кўчада кетаётганди, бу кўча унга танишми, йўқми, бу ҳақда ўйламасди.

Ҳозир у уйига қайтади. Эри Хомиджон ишдан қайтгандир. У хотинини ҳар кунгидек очик чеҳра билан кўтиб олади. О, унинг кўзлари нақадар чиройли. Мана шу уч йиллик бирга кечирган ҳаётда Озода унинг кўзларига неча бор термилган, узун кийриқлар орасида чакнаб турган қора кўзлар Озодага олам-жаҳон бахт, роҳат бағишлади. Мана ҳозир ҳам у Озоданинг йўлига кўз тикиб ўтирибди.

Мана шу меҳру муҳаббат тўла кўзларга боқини Озода учун қанчалар оғир. Кейинги кунларда эрининг меҳру муҳаббат тўла кўзларида сўлғинлик, шиҳоний изтиробнинг таъсири сезилиб қолди. Озода бу дардини билди. Бироқ у эрини юпатишга, мана шу маънос кўзларга тик боқинга қодир эмас. Ўз ҳаётида биринчи бор ўйинқароқлик, енгилтаклик билан қўл урган жинояти уни беш йилдан бери алам гирдобига судрайди. Қани энди у шу ишни қилмаган бўлса эди. Атрофда мавж урган кўклам ниҳоллари, қувноқ кулгилар унинг кўнглига бошқачароқ таъсир кўрсатган бўлармиди.

Столбаларда чироқлар ёнди. Деразаси кўчага қараган уйлардан тротуарнинг ҳар ер-ҳар ерига оқ чойшаб ёзгандек, оппоқ нур тушиб турибди. Орқа кўчадан гувиллаб ўтаётган трамвай дугасида чакнаган нур баланд иморатларнинг пештоқларида бир ялт этиб, яна сўнади.

Озода ўрик гулларини босиб аста-аста қадам ташлаб кетар экан, фикран эрининг маънос кўзларига дуч келди.

Бир оздан сўнг, Хайри аранг:

— Нега келдингиз? — деб пичирлади.

Хайри ундан жавоб кутмай, ой нури тушиб турган ровон томон юра бошлади. Мехмонлар Хасаннинг аста-секин юриб Хайрининг кетидан ровонга чиқаётганини сўзсиз кузатиб қолишди.

— Хайри, — Хасаннинг овози титради, — кечир мени, адашган, ҳаётда ўз йўлини йўқотган бадбахт эрингни кечир!

Хайри индамади. Гуллаб турган ўрик шохлари оралаб тушиб турган ой нури унинг елкасида, оқ оралаган сочларида лип-лип ўйнади.

— Сенга озроқ пул юборган эдим, олгандирсан... Директор билан чиқишолмай совхоздан кетдим. Ҳозир ишим яхши, катта ҳовлини сотиб, пулини синглим билан баравар бўлиб олдим. Омонат кассада ҳам унча... мунча...

Хайри ўгирилиб унга қаради. Ой нури энди Хасаннинг юзини ёритиб турарди.

«Ўзгармабди, юзига сал-пал ажинлар тушибди, холос, ҳали ҳам чиройли, ёқимли...» дея дилдан ўтказди Хайри. Унинг кўнглида йилт этиб чакнаган муҳаббат ҳислари бир нафас уни ўз оғушига олгандек бўлди. Бирок Хайри ўзини жуда тез ўнглаб олди. Сўнган чўғни пуфлаб алангалатиш қийин эди.

— Ўғлимиз учун, Хайри...

— Ўғлимнинг отаси йўқ. — Хайри шундай деди-ю, томоғини бўғиб келаётган ички дардни яширолмади, кўзларидан юм-юм ёш тўкилди. — У сизни танимайди. Уни ўз фамилиямга ўтказиб олганман. Ўғлингиз, хотинингиз борлиги энди ёдингизга келдими? Қўлимдан иш келадиган бўлганда эсингизга келдими? Сизни унутиб юборганимга кўп бўлган. Энди биз бир-биримизга мутлақо бегона, нотаниш кишилармиз.

— Энди пул кўпайиб қопти-да, а? Йингит бошимизни эгиб келган эдик...

Хайри кескин бурилиб уйга кирди.

— Ким экан у? — деди эшик очган хотин.

— Бегона киши, бизникига янглишиб кириб қопти.

1956 йил.

Озода ишдан чиқиб, трамвайга ўтирмай, янги барг ёзган сердарахт, гавжум кўчадан уйига қайтди.

Ҳамма ёқда баҳор нафаси гуркирайди. Девор она кўчага энгашган ўрик шохларидан йўлларга тапга-тапга гуллар тўкилган. Жилдираб оқаётган ариқлар бетида ҳам ўрик гуллари оқади.

Озоданинг бу кўчадан юрмаганига беш йил бўлди: бу кўча дарахт ва жилдираган ариқлар унинг энг хушнуд кунлари — кўнглига муҳаббат олови тушган, ҳаётга биринчи бор қадам ташлаган, биринчи бор ҳомилаликни туйган онларининг гувоҳи.

Уни бу кўчадан қайта юришга мажбур қилган нарса на муҳаббат хотиралари ва на баҳор манзаралари бўлди. Озода бу кўчага бурилганида бутунлай бошқа, ўзи ҳам маъносига тушуниб етмаган қандайдир ғайри табиий бир куч унинг вужудида ҳоким эди. У қайси кўчада кетаётибди, бу кўча унга танишми, йўқми, бу ҳақда ўйламасди.

Ҳозир у уйга қайтади. Эри Ҳомиджон ишдан қайтгандир. У хотинини ҳар кунгидек очик чеҳра билан кутиб олади. О, унинг кўзлари нақадар чиройли. Мана шу уч йиллик бирга кечирган ҳаётда Озода унинг кўзларига неча бор термилган, узун кичриклар орасида чакнаб турган қора кўзлар Озодага олам-жаҳон бахт, роҳат бағишлади. Мана ҳозир ҳам у Озоданинг йўлига кўз тикиб ўтирибди.

Мана шу меҳру муҳаббат тўла кўзларга боқини Озода учун қанчалар оғир. Кейинги кунларда эрининг меҳру муҳаббат тўла кўзларида сўлғинлик, пинҳоний изтиробнинг таъсири сезилиб қолди. Озода бу дардин билади. Бироқ у эрини юпатишга, мана шу маънос кўзларга тик боқинига қодир эмас. Ўз ҳаётида биринчи бор ўйинкароқлик, енгилтаклик билан қўл урган жинояти уни беш йилдан бери алам гирдобига судрайди. Қани энди у шу ишни қилмаган бўлса эди. Атрофда мавж урган кўклам ниҳоллари, қувноқ кулгилар унинг кўнглига бошқачароқ таъсир кўрсатган бўлармиди.

Столбаларда чироқлар ёнди. Деразаси кўчага қараган уйлардан тротуарининг ҳар ер-ҳар ерига оқ чойшаб ёзгандек, ошпоқ нур тушиб турибди. Орқа кўчадан гувиллаб ўтаётган трамвай дугасида чакнаган нур баланд иморатларнинг пенгтоқларида бир ялт этиб, яна сўнади.

Озода ўрик гулларини босиб аста-аста қадам ташлаб кетар экан, фикран эрининг маънос кўзларига дуч келди.

У бейхтиёр сесканиб ерга каради. Бу сесканиш унга ўз қилмишини — бугунги изтиробининг боисини эсга солди. Ортада қолган кўнгилсиз хотираларга назар солмоқ қанчалар кийин ва кўнгилсиз...

Кўнглига биринчи бор муҳаббат олови тушган кунлар қандай яхши эди-я. Кечалари кўкка термилиб Муроджон ҳақида хаёл сурарди. Эртаги кунни, Мурод билан учрашув онларини орзиқиб-орзиқиб кутарди. ЗАГС остонасидаги энтикишлар, тўйи, қадахларнинг жаранглаши, машшоқларнинг хониши ва ниҳоят, бирга кечирган ширин ва осуда кунлар...

Мурод тоғ экспедициясидан соқоллари ўсиб, қорайиб, озиб қайтарди. Озода эрининг қайтишига ҳовлининг бурчидаги хаммомни қиздириб, соқол оладиган буюмларни кагга тошойна олдига териб, кийимларини дазмоллаб қўяр, то у хаммомдан чиққунча стол устини ясашиб, ҳатто у яхши кўрадиган «Марсала» виносини ҳаво ранг биллур графинга қуйиб қўйишни ҳам унутмасди.

Мана шундай қайтишларнинг бирида Мурод хотинини маъюс кўрди. Ҳаммом ҳам қизитилмаган, стол ҳам ясатилмаган эди.

— Нима бўлди? — Мурод унинг жияклари қизарган кўзларига термилди.

Озода жавоб бермай, ичкари уйга кириб кетди. Мурод ҳам унинг кетидан кирди.

— Гапирсангиз-чи, нима бўлди?!

Озода ёшли кўзларини юмиб жавоб берди:

— Ҳомиладорман.

Мурод маст кишидек довдираб қолди.

— Ростми?! — Мурод уни бағрига босиб, даст кўтариб олди-да, уйни икки марта айлантириб чиқди. Унинг кўзлари порлар, юраги севишчдан гупиллаб урарди. — Нега хафа бўласан?

Бу унинг биринчи бор хотинини сен деб аташи эди. Бўлажак фарзанд Озодани унга шунчалик яқинлаштириб қўйган эдики, гўё у Озода, Озода эса Мурод бўлиб бир-бирига аралашиб кетгандек эди.

— Нега йиғлайсан? Ахир...

Мурод севишчи ичига сиғмай, телбалардек гапи гапига ковушмай қолди.

— Йўқ! — деди Озода, — истамайман. Ҳали ёшман, ҳалитдан болани бошимга ураманми? — У йини аралаш секин гапирди: — Кунингиз тоғу тошида ўтса, уйда бола боқиб ўтираманми?

— Истасанг, кишлоқдан аямни олдириб келай, иста-

санг, синглим келиб турсин, диссертациямни битказиб олай...

Озода эрига шундай ўкрайиб карадики, унинг бу карашида Муродга нисбатан нафрат ва ғазаб ифодаси бор эди.

Зебу зийнат, ўйин-кулгига ўрганган хотин учун бола оёқнинг кишани бўлиб туюларди.

Озода чинакам гўзал эди. У модани, танцани, театр ва сайилларни севарди. Бўлажак бола ҳали дунёга келмай туриб уни ана шу роҳатлардан бегона қилиб қўяётгандек эди.

Мурод бўшашиб стулга ўтириб қолди. У бошини панжалари орасига олиб узок ўйлади. Охири ўридан туриб паширос чекди-да, қўлини орқасига қилиб, уйнинг у бошидан-бу бошига юра бошлади. Дивanning бир чеккасида ўтириб пиқ-пиқ йиғлаётган хотинининг тенасига келиб узок ўйлаб турди Кейин унинг ёнига чўққайди-да, бошини силаб, ички дард билан гашира бошлади:

— Озода, дурустроқ ўйлаб кўр.

— Ўйлаб қарадим, олдириб ташлайман.

— Нима?!

— Ха.

— Биринчи бола. Мумкин эмас, умрбод майиб бўлиб қоласан-а!

— Майли... Нима бўлса бўлсин.

— Шундайми?!

Мурод ғазабдан санчиб ўридан турди. Мунг билан стол кирғовига урган эди, стаканлар жиринглаб сакраб кетди. Билагидаги секундомерли олтин соатнинг ойнаси чил-чил бўлди.

Уй ичи сув қуйгандек жимжит бўлиб қолди. Очик форточкадан кирган шамол тўр нардани силкитди, ҳалқа-ҳалқа бўлиб муаллақ сузиб юрган паширос тутуиларини тўзғитиб юборди.

Мурод хотинининг қаршисига келиб тиз чўқди:

— Озода, ундай қилма. Нима қилсанг қил, фақат бу ишни қилма. Умрбод оёғинг остида судралиб юришга розиман, бундай қила кўрма.

— Гап битта. Ёш умримни бола боқини билан ўтказмайман.

— Ҳали шундайми?! — Муроднинг кўзларида ўт чақнаб кетди. — Ҳали шундайми?! Ундай бўлса... — У гапини тугатолмади.

Озода унинг кўзларига дадил қаради:

— Гап шу. Хоҳласангиз шу. Бўлмаса кетаман.

— Кейини пушаймон бўласан, Озода.

Озода бош чайкади.

— Ундай бўлса сен билан...

— Яшай олмайман, демокчисиз, шундайми?

— Ахир, ўзинг ўйла.

Эр-хотин узок вақт бир-бирига сўзсиз қараб қолишди. Озода ўрнидан туриб, нариги уйга кириб кетди. У кийиниб, чамадон кўтариб чиққанда ҳам Мурод ҳамон тиз чўкканча турарди. У кўчага чиқиб, тўй-тамшалар билан кириб келган, ёшликнинг энг беозор, бахтли кунларини ўтказган уй дарвозасига ўгирилиб бир қаради-ю, дадил юриб кетди...

Мурод у кетгач, уч марта унинг уйига борди, ёлворди, бўлмади. Охири болани олдириб ташлагандан кейин юрагининг бир нарчасини узиб ташлагандек ундан умидини узди. Синглисини уйда қолдириб, узок муддатли экспедицияга жўнаб кетди.

Врачлар Озодага энди туғмайсан, дейишди. У бунга ҳам парво қилмади. Орадан икки йил ўтди... У Хомиджон деган ўқитувчига турмушга чиқди.

Озода мана шу баҳор окшомида электр нурларида товланиб турган ўрик гулларига термилиб келар экан, ўз ҳаёти ва ўтмишини хотирлади. Бу унинг умрида биринчи бор ўз ўтмишига чуқурроқ назар ташлаши ва бу ҳақда биринчи бор ўзига ҳисоб бериши эди. Хўрсинди. Оқар сувлар оқиб кетди. Энди уни ўз йўлидан қайта оқизиб бўлмаслигини англади. Жиноят, жиноят, дея лаблари беихтиёр пичирлади. У шундай ҳаёллар билан келар экан, қулоғига ғалати овоз эшитилди. Тўхтаб атрофга аланглади. Кўчанинг нариги бетидаги уйнинг очик деразасидан хотин кишининг алласи эшитиларди. Озода атрофга аланглади.

Бу уй унинг биринчи уйи эди. У беихтиёр кўчанинг у бетида ўтиб, яхшироқ қаради: ҳа, бу унинг биринчи уйи — Муроджоннинг уйи эди. Қандайдир сеҳрли бир куч уни бу остонага етаклаган эди. «Балки уй дафтарида устига чизик тортилган исми хали ҳам турган бўлса керак» деб дилдан ўтказди у. Деразадан уй жиҳозларини кузатди. Ҳамма нарса ўз жойида. Фақат шифтга беланчак осилган, холос. Ёшгина бир жувон беланчакни тебратиб, алла айтяпти. Унинг юзида оналик бахти акс этиб турибди. У майин товуш билан алла айтар, бу аллада унинг орзу-умидлари, боласига бахт, улуг истикбол тилаклари ифодаланар эди... Мурод ўша, Озода ўз қўли билан қўйган ойна олдида турибди.

Мурод дераза олдига келиб, чамандек очилиб кетган акация гулини қўли билан селиб, панжаларини хидлатди. Акация хиди Озоданинг ҳам димоғига урилди. Муроднинг кўзига электр нури тушиб тургани учун уни кўрмасди.

Бу ёруғ уйнинг деразаси худди кино экранига ўхшарди. Мурод шу экранда бутун борлиги билан кўришиб турарди.

«Сочига оқ оралаб кошти-я», — деб дилидан ўтказди Озода.

Муроднинг қоши устига тушиб турган, ҳозир оқ оралаб қолган қора сочларини Озода жуда қўн сизлаган.

Озоданинг кўзларида ёш йилтиради. Ўз бахтини ўзи қалтак олиб қувлаган хотини ўзини ўзи таҳқирлаб аччиқ-аччиқ йилларди. Унинг ёш тўла кўзларига бундан беш йил олдинги Мурод кўришди.

Тиз чўкиб ёлворган эди-я. Умрбод майиб бўлиб қолсан, деган эди-я. Мана энди.. Ўзимни бахтдан олиб қолдим... Мени ҳеч ким кечирмайди. Ўзимни ўзим ҳам кечирмайман.

Мурод дераза пардасини туширди.

Озоданинг кўзи олдида норлаб турган ёруғ уй хира парда орқасига яширишди.

У ёқдан-бу ёққа енгил учиб турган беланчакнинг сояси тўр пардага тушиб жимирлар, хотинининг майини овоз билан айтаётган алласи эшитиларди.

Озода зўр қийинчилик билан деразадан узоқлашди. Ой ҳаволашиб азим тераклар устига кўтарилди.

1956 йил.

## КЕЧИККАН СЕВГИ...

Секретарь хотин баракнинг брезент пардасини кўтариб ичкарига кирди. Исмоилжон тикка турганича алюмин кружкадан лабини чўччайтириб қайноқ чой хўпларди. Секретарь столга қоғоз қўйиб, индамай чиқиб кетаётган эди, Исмоилжон уни тўхтатди:

— Бу нима?

— Башоратнинг аризаси. Индан бўшатишингизни сўраб ёзибди.

— Нега ўзи кирмади?

— Билмасам.

У елкасини қисиб қўйди.

— Ўзи кирсин!

Секретарь чиқиб кетди.

Башорат қурилишда десятник. Ўзи унча чиройли бўлмаса ҳам аллақаси одамга жуда ёқади. Истараси иссиқ, деганлари шумикми? Исмоилжон шу тўғон қурилишига бош инженер бўлиб келганда ҳам Башорат шу ерда эди. Улар бир-бирлари билан жуда кўп гаплашишган. Негадир Башорат Исмоилжон билан очилиб гаплашмасди. Бироқ нима айтидиган бўлса бетига қарамай, ергани, ботинкасининг учигани тикилиб туриб айтарди. Унинг бу қилигидан кўпинча Исмоилжоннинг энциоти катарди. Аммо Башорат ишига пишиқ қиз. Буни қурилишдагиларнинг ҳаммаси ҳам тан олишади.

Брезент эшик кўтарилиб, секретарь хотинининг юзи кўринди.

— Кирмасмиш, қўл қўйиб бераверсин, деб айтди.

Исмоилжон аризани олиб яна ўқиб чиқди. Айтирли тузук-куруқ гап йўқ. Ўз ихтиёрим билан, дегни. У қўлига қалам олиб, аризанинг четига ёзмоқчи бўлди-ю, яна тўхтади. Бу нима қилгани, мени писанд қилмаяптими? Гаплашишни ҳам истамайди.

— Ўзи қаерда? — деди Исмоилжон ҳамон брезент нардани паранжигга ўхшаб бошига ташлаб турган секретарь хотинига.

— Ташқарида ўтирибди.

Исмоилжон хотинининг кетилан, чиқди. Ёёқ товушини эшитиб, Башорат ўрнидан турди. Унинг ковоғидан қор ёғарди.

— Нима бўлди, нега бўшайсан?

— Кетяпман, — деди у Исмоилжоннинг бетига қараб эмас, ерга ўтириб, этигини бошқатдан княётган экскаваторчигга қараб.

— Кетишингга бирон сабаб борми?

— Сабаб йўқ. Шундоқ. Бошқа қурилишга кетаман.

— Биронтаси хафа қилдимми?

Башорат бош чайқади.

— Аризамга қўл қўйиб беринг, гапини айланторманг. Вассалом!

Исмоилжоннинг зардаси қайнаб кетди. Қурилиш бош инженерини билан шунақа гаплашадими? Хаддан ошиб кетибди-ку, бу қиз!

— Хўп, ҳозир қўл қўйиб бераман.

У шундай деди-да, ичкарига кириб кетди. Бирпасдан кейин Башоратни секретарь чақириб, буёруқни берди. Башорат буёруққа қараб туриб сесканди. Кўзи тинди.

Нахотки икки йил ишлаб, меҳнати сиғган жойни ташлаб кетади?

— Хисоб-китобни бошқармага бориб қиласан, — деди секретарь ва бошини сарак-сарак қилиб баракка кириб кетди.

Башорат ёлғиз қолди. У бош инженернинг барагига маънос қараб турди-да, битта-битта қадам босиб йўлга кетди.

Экскаваторларнинг шовқини оламни тўлдирган. Скреперлар қийқиллайди. Электр пайванди офтобда шиша синиғидек ялтирайди. Самосваллар ҳар гал шағал ағдарганда момақалдиروقқа ўхшаган овоз чиқади. Бетон қорувчи машина қалдир-қулдир қилиб қулоқни битиради. Машиналар ҳамма ёқни чангга тўлдириб, у ёқдан-бу ёққа ўтиб турибди.

Бу шовқинларга Башорат кўндан кўникиб кетган. Энди қаёққа боради? Нима қилмоқчи ўзи? Бунинг ўзидан бошқа ҳеч ким билмайди. Фақат шу ердан кетса бўлгани. Қанча тез кетса, шунча яхши.

Башорат бахтини бошқа ердан изламоқчи. У бу ердан бахтини тополмади. Иззат-нафси қойинган қиз шу шовқин-суронга тўлган жойдан кетяпти.

У маънос қадам ташлаб дўнг ошганида қаршисида тўзон кўтариб газик келарди. Башорат дарров таниди. Бу Исмонилжоннинг машинаси, Башорат қўлини кўтарди. Газик тўхтади. Ҳали эгинидаги ҳарбий гимнастёркаси эскирмаган шофёр бола кабинадан бошини чиқарди.

— Ҳа, опа, тинчликми? Қаёққа кетяпсиз?

— Битта хат ёзиб бераман, хўжайинингга бериб қўясан.

— Хўп, хўп, опа.

Башорат чамадончасидан дафтарчани олиб, машина капотига қўйиб, шимадир ёзди, ўчирди, яна ёзди. Ёзганини йиртиб ташлади. Ўйлаб туриб, бошқатдан тез-тез ёзди-да, буклаб шофёр болага берди.

— Ўзига бер!

Бола хатни ён чўнтагига солиб қўйди. Машина у ёққа, Башорат бу ёққа кетди.

Июль кўёши адирга тегай-тегай деб турибди. Яна бир интилса адир орқасига думалаб тушиб кетади. Атроф қоронғилашади. Қурилмиш майдонида сонсиз чироқлар ёнади. Прожекторларнинг нурли баркаши дўнгдан дўнгга сакраб ўйнайди. Электр пайвандининг чақини бир дақиқа-даёқ олис-олисларга етади-да, ҳамма ёққа яшил нур нур-каб сўнади.

Башорат мана шу нурли, мана шу шовқинли ҳаёт орасидан бахтини кидирган эди. Уни топган ҳам эди. У бахт деб дилига қувонч, кўнглига нишонч-илдинж туғдирган нарса бахти эмас экан. Ана шунинг учун ҳам у кетяпти.

Балоғат ёшига етиб, дилида муҳаббат ҳислари уйғонган қиз боланинг ноумид бўлишидан оғирроқ нарса йўқ. Бўлмаса, каттадан-кичиги кадрдон бўлиб қолган жойдан кетиш осонми? Ким билади, ҳали ҳам бўлса изига қайтгани дурустмиди? Янги жой, янги одамлар, янги муҳаббат... осонми? Умр — оқар сув. Ҳув этади, оқади кетади.

Шу ҳаёл уни бир дақиқа тўхтатди. Қиз атрофга қаради. Қуёш адирга ярим белидан ботиб турибди. Азамат теракларнинг учи шамдек ёниб, кўзни олмоқчи. Уфқда иккита узун-узун кимхоб камардек булут қимирламай турибди. Осмонни заминда битта лайлак айланяпти. Унинг қаноти худди шамга ўхшаб ёнади. Гоҳи-гоҳида у худди шишадан ясалганга ўхшаб кетади.

Тераклар учндаги шамлар ўчди. Атрофни ним қоронғилик босди. Фақат лайлак чирокқа ўхшаб ҳамон порлайди.

Қурилиш шовқини ҳам эшитилмай қолди. Унга дамбадам, орқанга қайт, дегандек эшитилиб турган бу товушлар тингандан кейин Башоратнинг оёқ олиши тезлашди.

Қишлоқ яқин қолди. Узоқда хонадонларнинг чироклари милтираб кўринди.

Башорат энди орқага қайтиш илдинжидан қутулди.

Орқадан гуриллаб мотор товуши келди. Зум ўтмай ўткир нур унинг соясини ўзидан эллик метрча нарига улоқтириб ташлади. Башорат ўгирилиб қараган эди, ёруғдан кўзи қамашди. Машина унинг ёнидан ўтиб кетдида, сал нари бориб, ийўлининг ўртасида кўндаланг туриб олди. Мотор шовқини тинди. Чирок ҳам ўчди. Қоронғиликда эркак кишининг овози эшитилди:

— Башорат!

Бу Исмомлжоннинг овози эди.

Башорат титраб кетди. Ўша! Қиз қалбига тош отган, қиз кўнглида уйғонган биринчи муҳаббат ҳисларини пинд қилмаган кесак!

— Нега келдинг! — деди Башорат титроқ товушда. Бу биринчи бор уни сенлашди эди. — Тушунтиргани келдингми? Қурилишда обрўининг ошади, шу ердан кўтарилиб кетасан, деб айтгани келдингми?! Бу гапларни сендан кўп

эшитганман. Сен фақат шу ганди биласан, ёғочсан, тошсан, кесаксан. Дардинг йўқ сени!

Башорат хўнграб йиғлаб юборди. Исмоилжон нима қилишини билмай қотиб турарди.

Осмоида юлдуз учди. Унинг паширос тутунидек илгичка чизилган қоп-қора осмоида анча туриб қолди. Охири у ҳам сўниб кетди.

— Сизга нима бўлди, Башорат? Сен учун кетяпман, деб хат берворибсиз?

— Сизлама мени. Билмадинг-а, сезмадинг-а! Юрагингда заррача дардинг бўлганда билардинг, сезардинг!..

— Нимани биламан, нимани сезаман?

— Ахир, тентак, бир йилдан бери дардингда куйиб-ёнаман. Бир йилдан бери мени ухлатмайсан. Бир йилдан бери сени деб яшаяпман. Билмайсан, сезмайсан. Амниман, сезасан, назар-писанд қилмайсан. Мени эрмак қилиш учун атайин шундай қиласан.

— Вой, менга қара...

Исмоилжон шу гандан кейин анча жимиб кетди. Паширос чекди. Гугурт чақаётганда қўли титраётганини Башорат кўрмади.

Юлдузлар бирин-кетин кўз очаверди. Ушатишга нондек бўлиб ой ҳам чиқди. Аммо Исмоилжондан ҳали ҳам садо чиқмасди. Юк машинаси келди. Йўлда кўндаланг турган машинадан ўтолмай сигнал берди. Исмоилжоннинг хуши ўзига келиб, машинасига югурди. У то машинани четга олгунча шофёрдан роса сўкиш эшитди. У газигини четга оламан деб орқа филдирагини ариққа тушириб юборди. У машинани ўнглагунча, Башорат чамадончасини бағрига босиб, қимирламай тураверди. Охири Исмоилжон яна олдига келди.

— Кечир мени, Башорат. Билмабман. Билсам, наҳотки сенга шунақа муомала қилардим. Мен, ўлай агар, билмабман. Ахир, ўзинг ўйла, мен ўзимни сенга муносибмасман, деб юрардим. Умримда бир қизни севмаганман, бунақа ишларни билмаганман. Севишни билмаганман. Тўғри айтдинг, ёғочман, кесакман. Севишга, ишқ қўйишга вақтим бўлмаган. Ўқишни битирдим шунақа қурилишлардаман.

Башорат ҳам титраб-қақшаб гапирарди.

— Нима кийсам, сен кўргин деб киярдим. Аммо сен табель тахтасидаги Башоратнинг норма бажаришига қарардинг. Ишдан ҳориб, чарчаб келаману ухламай останада юлдузларга тикилиб ўтираман. Сени ўйлайман. Сўра, шу юлдузлардан сўра. Уларни ҳар куни кўраман.

Хар кунн гаплашаман. Шу юлдузларнинг қайси бири меникилигини билолмайман, холос. Бирон марта мени ўйлаганмисан?

Исмоилжон гап тополмай ғудранди.

— Менга қара, Башорат, мени кўп қийнама. Бирпас ўзимга келиб олай. Оёғимнинг тагида ер йўққа ўхшайди. Ке, ўтирайлик. Манави ерга ўтирайлик.

Исмоилжон Башоратнинг кўлидан ушлаб, тол тагига олиб ўтди. Шундагина унинг кўли титраётганини билди. Қиз кўксига нимадир ғалаён қиларди. Бу у чеккан изтиробларнинг мукофоти, унга кечалари уйку бермаган йиғитнинг кўксига севги оташини ёқиб, интиқом олиш тантанасини, билмасди. Нима бўлса бўлсин. Башорат дилидагисини тўкиб солди. Агар шундай қилмаганда, бир кун ўкинарди. Қачонлардир бир кун илк муҳаббат эсга келади. Эсга келганда ҳам ғалати ҳислар билан, ажиб хотиралар энг маъсум, энг беғубор туйғулар билан аралашиб келади. Ўшанда илк муҳаббат ўз бағрига чақиради. Бутун гўзаллиги, бутун жозибаси билан, тиниқлиги, беғуборлиги билан чақиради. Ўшанда муҳаббат ўзининг ҳеч қачон қаримаслигига иқрор қилади.

Бир чиройли, бир ёқимли шамол турди. Тол шохлари бир-бирига айкаш-уйқаш бўлиб, ердаги ой тангаларини учиради, ёндиради, супуради.

— Энди мен гапирай. Кулмайсанми, масхара қилмайсанми. Жим ўтирсанг, айтаман.

— Гапир!

У изтироб билан ўтган болалигини эслаб кетди. Гўдак дилига озор берган, мурғак хотирада бир умр ўчмас из қолдирган ота қилмишини, ўз боласининг кўкрагидан итарган она қилмишини алам билан эсига олди. О, у қулар унутилиб кетса бўлмасмиди?

Исмоилжон папирос чекди. Толнинг шовиллашига бир муддат кулоқ солиб тургандан кейин титраб гап бошлади.

— Қимлигимни билиб ол. Қимман, қанақа одамман, билиб қўйганинг яхши. Саккиз яшаримда дадам билан аям ажралиб кетишди. Ўшанда аям билан қолганман. Ярим йил ўтмай аямнинг кўзига шумшук бўлиб қолдим. Икки гапнинг бирида, бахтимни қора қиялпсан, орқамда эргашган болам билан мени қим оларди, дейдиган бўлиб қолди. Бу гапларга, бола эканман-да, тушунмаганман. Кейин аям эрга тегди, ўгай дадам у ёқда қолиб, аямнинг ўзи чиқиштирмади. Дадамнинг олдига бордим. Уйланган экан. У ерга ҳам сиғмадим. Кўчада қолдим.

Ота-онам тирик бўла туриб, детдомга киришга журъат қилолмадим. Мактабда ётиб қолиб ўқидим. Бировларнинг нонини еб, бировларнинг кийимини кийиб катта бўлдим. Институтда ўқиб одам бўлишни астойдил ниёт қилган эдим. Пиятимга етдим. Ётоқда ётиб ўқидим. Ўқиган мактабимнинг директори жуда яхши одам эди. Мактабдан дарс олиб берди. Ҳам ўқидим, ҳам ўқитдим. Ёзги каникул пайтларида ҳам конструкторлар бюросидан чертёж кўчириш ишини олдим. Диплом қўлга тегишю, ишга тушиб кетдим. Севги ишларига, ўйин-кулгига вақтим бўлмаган, ўз тенгларимдек яйраб-яшнамаганман...

Башорат беихтиёр унинг қўлларидан ушлади. Исмоилжон гапиролмай энтикди. Салдан кейин ўзини ўнглаб, яна гапира бошлади.

— Ўтган йилнинг ўзида икки марта судга тушдим. Дадам судга берибди. Хотини ўлиб, икки ёш бола билан қолибди. Ёрдам сўраб келишга юзи чидамай, нафақа ундириш учун судга берган экан. Суд ҳукм қилиб берди. Сал ўтмай аям судга берди. Эри қамалиб кетган экан, ўгай болалари чиқиштирмай уйдан ҳайдашибди. Энди керак бўлибман. Нафақа ундирди. Негадир ўз онамга ўхшамайди. Кўриб юрагим жиз этмади ҳам. Шаҳардан жой топиб, кўчириб олиб бориб қўйдим. Бориб тураман. Бораману бегона одамнинг олдига боргандек бўламан. Уйланиб рўзғор қиладиган пайтимда яна ташвиш. Ўгай укалар, дадам, онам... Ўзим қолиб уларнинг ташвишини билан бандман. Болалигимни жувонмарг қилишган эди. Энди катта бўлганимда ҳам шулар гов. Қани айт-чи, қачон севаман, кимни севаман? Қайси бир бечорани ташвишларимга шерик қиламан?..

Уларнинг иккови ҳам жим қолишди. Исмоилжон уст-устига чекар, ҳар чекканида папироснинг қиш-қизил чўғи юзини ожизгина ёритарди.

Башорат ўйларди. У ҳалигача Исмоилжоннинг тўнглигидан, ўзига бепарволигидан қўйинарди. У бечорани нималар демади. Кесак деди, тош деди. Башорат яримта ой атрофини аранг ёритиб турган ним қоронғи сокин дала четида ўтириб, шу пайтгача дилига ҳам озор, ҳам қувонч берган йиғитнинг кўрган кунларига ич-ичидан ачиниб кетди. Энг яқин кишилари ўғирлаб кетган шодлигини, болалик қувончларини қайтариб келгиси, муҳаббатга жой бермаган кўксини пармалаб, оташ солгиси, қўлидан етаклаб кўшиққа ўхшаган, нурга ўхшаган, аллақандай ажойиб оҳангларга ўхшаган муҳаббат кўчаларига

бошлаб кетгиси келди. Қизлик ғуруриши четга суриб кўйиб, энтикиб-энтикиб гапирди:

— Мени ким севарди, дединг. Мен севаман. Қайси бир бечорани ташвишимга шерик киламан, дединг. Мен шерик бўламан. Одам боласининг қалбида севгигаям, ғазабгаям, ғам-ташвишгаям жой топилади. Қалбга кириб олган чинакам севги ташвишним, ғамним, ғазабним хайдаб чиқаради. Шунақа...

Юлдузлар ҳамон ўчиб-ёнади, кийшиқ ой терак учига жиға бўлиб, кўниб турибди.

Терак учидан ой думалаб тушиб кетди. Тонг отиб келарди.

Исмоилжон Башоратнинг қўлидан чамадончани олиб машина томонга юрди. Сал ўтмай мотор гуриллади. Башорат машинага интилди.

Еру кўкка нур пуркаб отаётган шу тонг Башоратга излаган бахтини топиб бергандек эди.

Еру кўкка нур пуркаб отаётган тонг Исмоилжонга йўқотган шодликларини қайтариб бергандек эди.

«Шу менинг чинакам бахтиммикин?» деб ўйларди Башорат.

«Шу менинг чинакам шодлигиммикан?» деб ўйларди Исмоилжон.

Кошки эди...

1967 йил.

## БАҲОР ҚИЗЛАРИ

Шахло қаерга борса, албатта, кулги бўлади. У «Янги-обод» колхозига механизация бўйича ранс муовини бўлиб тайинланганда йиғин ахли баб-баравар кулиб юборди. Аммо бу кулгилар Шахлога асло таъсир қилмади, хатто қошнининг бир учи ҳам қимирламади.

Негаки, у бундан аввал областда энг қолоқ «Каттачек» колхозига тайинланганда бундан ҳам баттар бўлган эди.

Мажлисда номзоди кўрсатилганда одамлар «Ўзларини бир кўрайлик» дейишди. Шунда кўпчилик орасидан сочлари баландроқ турмакланган, лабларига кизил суртилган, кулоғида узун, маржон нусха зираклар йилтирган, қоши булбул оёғидек ингичка бир киз ўрнидан турди. Бу ҳозиргина механизация бўйича ранс муовини лавозимига номзоди кўрсатилган Шахло Қодирова эди. Зал

кулгидан ларзага келди. У' ер-бу ердан иччинглар эшитти-  
либ қолди.

— Ишларимиз «Баҳор» ансамбли-ку!

— Колхозимизга ҳам халқ артисти ярашади.

— Кундузи колхозда ишлаб, кечқурун телевизорда  
дикторлик қилса-я!

— Балет тўғарагининг раҳбарими?

Раис ғовурни зўрға босди. Аммо Шахло ўтирмади.  
Хамманинг кўзида қимирламай тураверди.

Колхозда демократияга амал қилмай асло иложи йўқ.  
Шахлонинг номзоди овозга қўйилди. Агар битта овоз бу  
томондан у томонга ўтганда Шахло чамадончасини кўта-  
риб кетаверишга мажбур бўлар эди. Аммо эллик бир  
процент овоз билан Шахло раис ўринбосарлигига сайлан-  
ди.

Эрини қизғанадиган аёллар албатта қўл кўтаришма-  
ди. Кексалар ҳам. Фақат йиғит-қизларгина қўл кўтариб,  
унинг номзодини қўллаб юборишди. «Каттачек»да ҳам  
худди шундай бўлганди. Унда эллик икки овоз билан  
ўтган. Ўша кулги қилганлар, Шахло бу ёкқа кетаётганда  
қолинг, деб қанча ялинишган.

Эртасига раис Раҳмон ака Шахлони кабинетига чақи-  
риб, насиҳат қилган бўлди:

— Қизимдек нарсасиз, сенлайивераман-да. Энди мун-  
док қилсак. Манаву хурпайган сочларни одамга ўхшаб  
ўриб ол. Бу бир. Бетдаги бўёқлар ҳам сал эви билан  
бўлсин. Кечаги тўпалонни кўрдинг-ку. Қишлоқ жойда  
бунақа нарсаларни бозор кўтармайди.

Шахло кулди.

— Бозор кўтарадиган қиламиз. Биринчидан, бунақаси  
ҳозир бир ўзим бўлгани учун ғалати кўринаяпти. Кўпайи-  
шиб қолганимиздан кейин кўзинглар ўрганиб кетади.

Раис «дод» деб юборай деди. Бу қиз нима демоқчи,  
ўзимга ўхшаганларни шу қишлоқдан етиштираман, деган-  
ними бу? Бошимга бу балони қаёқдан топиб келдим?

Шахлонинг Қишлоқ Хўжалиги институти механизаци-  
ция факультетини тугатганига ҳам тўрт йил бўлди. У то  
ўқишга боргунча Янгийўлдаги колхозда трактор минган.  
Бинойидек ер хайдаб, бинойидек культивация қилган.  
Ишда қорамойга белангани билан кечқурун артистлардек  
таранг бўлиб олиб, хамманинг кўзида ял-ял ёниб юрарди.

Шахло раис буванинг насиҳатига индамай кулоқ со-  
либ турди-да, охири илжайиб, бу ёғи бир гап бўлар,  
дегандек қилиб чиқиб кетди.

Эртасига у ишни колхознинг ремонт устахонасидан

бошлади. Уч-тўрт тракторчи қорамойга беланиб металл уюмлари орасидан ниманидир кидиришарди. Шахло «Запорожец»ни ўзи хайдаб келди. У ҳамон ўша фасонини бузмаган, атайини қилганми, упани бетига сал калинрок сурган эди.

Трактор тагида чалқанча ётиб ишлаётган механизатор каттакон калитни оёғи билан суриб, кейин ўзи чикди.

— Ия, опа, келинг, бизни телевизорга олиб чиқасизми?

Шахло унинг гапига яраша жавоб қилди:

— «Баҳор» ансамблига ёзилдим деяверинглар, кани келинглар-чи, репетицияни бошлаймиз.

Йигитлар ўзларини унга маъқул кўрсатиш учун, бири соқол ўсган иягини хижолатлик билан шиккади, бири бошидан кир дўпписини олиб бошқатдан кийди, бири шапкаси билан табуреткани артиб, уни ўтиришга таклиф қилди.

— Йўлда ариққа тикилиб ётган трактор кимники?

Табуретка қўйиб берган йигит шошиб жавоб қилди.

— Содиқники. Кеча эрталаб тикилиб қолган эди.

Соқоли ўсиб кетган йигит хижолат тортиб деди:

— Мановиларга, тортишворларинг, десам, сира кўнишмаяпти. Бизга қарашиб юборсанг тортишамиз, дегинишди, қарашяпман.

— Қани борини. Ҳозирок ўзинииз чиқазиб олиб келинг.

— Свечаси ярамайди. Зўрға шатгача юргизиб келганман.

Шахло машинасига бориб жемперини ташлади-да, газетага ўроғлиқ қора халатни кийиб, чиқиб кетди.

Йигитлар ҳанг-манг бўлиб қараб қолишди.

— Бормайсанми орқасидан? — деди Содиққа шериклари.

— Ойимтилланинг ишларини бир кўриб қўяйлик. Бари бир юргизолмайди. Шарманда бўлиб қайтиб келади.

Орадан ярим соатча вақт ўтди. Трактор гуриллаши эшитилмасди. Салдан кейин мотор бир пат-пат килиб ўчди.

— Бари бир юрмайди, — деди Содиқ.

Унинг гапи тугамай, мотор кучли гуриллади. Шу гуриллаганича ўн-ўн беш минут патиллаб турди. Бир-икки дақиқадан кейин устахона девори орқасидан қора тутун ёпирилди. Содиқнинг ранги қув ўчиб кетди. Трактор темир дарвозадан кириб келганди, ҳаммалари ҳовлида чурк этмай қараб туришарди.

Шахло тракторни сада тагига ошкелиб, ундан сакраб тушди. Мотор ҳамон ишлаб турарди.

— Қалай, бўларканми?

Содик хижолатликдан ерга қараб, нягини кашиди.

— Одам қанака бўлса, иш асбоби ҳам шунақа бўлади. Мотор қурум орасида қолиб кетибди-ку. Соқолингиз ўсиб ётганидан билгандим, бу трактор сизиники эканини. Мотор қизигандан кейин икки челақ солярка билан ювасиз. Янги «Волга»дек ялтирамаса, балет тушинини ўргатиб қўяман, шунини билиб қўйинг.

Шундан кейин Шахло бир филдираги чиқазилиб, ўқи туникага тираб қўйилган трактор ёнига келди.

— Нима бўпти?

— Подишининги ейилиб кетган.

— Эссиз, шунча пуллик машина. Узеллари мой деган нарсани қўрмаган. Ана шунинг учун ҳам ейилиб кетганда. Менга қаранг.

Боя шапкаси билан табуреткани артган йиғит чошиб олдига келди.

— Шимингизнинг почасини қўтаринг. Мен сизга айт-япман.

Шахло йиғит тиззасининг кўзини чертди.

— Мана шу ерда илик бор. Агар илик бўлмаса, икки кунда тиззангиз едирилиб кетади, билдингизми. Машина ҳам шундай. Мой машинанинг илиги. Ўзингиз мой етсиз, машинага бермайсиз. Сизларга беш кун муддат. Шу беш кунда жамини тракторларни ювиб, артиб, манови ерга тизиб қўясизлар. Агар муддатидан бир кун ўтса борми, правленега қўйиб балет туширтираман.

У шундай деди-ю қора халатини ечиб, машина ичига ташлади-да, «Запорожец»ини хайдаб чиқиб кетди.

Кунини бўйин бир-бири билан гаплашмай, қорамойга беланиб, темир-терсақларга кўмилиб ўтирган йиғитлар кўксига бир ғалати шабада тегди-ю, яна бир этиб нариги чорбоққа ўтиб кетгандек бўлди.

Кеча бу қизини одамлар нималар дейишмади. Пардозини бир гап бўлди. Сочини бир гап бўлди. Бугун ўша гапларнинг биронтасини эсларига келмади, Содик эзилиб кетган пачкадан «Беломор» оларкан, жиддий деди.

— Балонинг ўқи-ку, бу қиз. Мен бўлсам унақа...

Икки кун деганда уч киши рансга Шахлонинг устидан дод деб келди.

Шоп мўйлов бульдозерчи шапкасини столга урди.

— Хотини кишига мен бош эгмайман!

— Нера? — деди ранс қизиқиб.

— Нега-пегаси йўқ! Умуман айтяпман.

Раиснинг бу гапдан хабари бор эди. Бульдозерчи машинани йўл ўртасида қолдириб, тол тагида уч-тўрт йўловчи билан карта ўйнаётган экан. Шахло келиб, қўйинг, ишни қилинг, деса, бу, бор буйруғингни ўзингга ўхшаган олифтага қил, депти. Шунда Шахло ўртадаги карталарни юлиб олиб, бурда-бурда қилиб ташлабди. Мўйлов урай деса хотин киши, урмаса ғазабини қандок қилиб босишини билмайди. Жаҳл устида:

— Ол-е, ол, бульдозерингни онангга бер, — деганича комбинезонини елкасига ташлаб, уйига жўнаб қолипти.

Шахлонинг ўзи бульдозер кабинасига ўтириб, кечгача йўл текислаб, кечкурун машинани ўзи гаражга келтириб қўйипти.

Раис бўлаётган бу ишлардан астойдил завқланарди. Ёш боши билан, аёл боши билан ҳаммани оёққа турғизишига қойил қоларди. Раис бу ўжар механизаторларга қаттиқ гапиролмасди. Тўғриси, машина ичида нималар борлигини билмаганидан сал ялинганнамо гаплашарди. Бу Шахло дегани балонинг ўзи. Билмаган нарсаси йўқ. Мотор товушидан қаерида нимаси ёмон ишлаётганини дарров билади. Эркакларга қаттиқ-қаттиқ гапираверади. Қиз бола бўлганидан ҳеч ким унга бир нарса деёлмайди ҳам.

Раис Шахло устидан дод деб келганларга бир хил жавоб қиларди.

— Ўзи билан гаплашларинг, темир-терсақли нарсага мен аралашмайман. Яхшиси, узр сўраб, олдига боринглар.

Ўн-ўн беш кундан кейин одамлар, раисга арз қилишнинг фойдаси йўқ экан, яхшиси, бу ўжарнинг кўнглини олиш керак, деган хулосага келишди.

Хаммага, Шахло қизим барака топсин, механизациядан мени тинчитяпти, деб юрган раис буванинг ўзи сал кунда бай-байлаб қолди.

Шахло бир куни раиснинг олдига келиб, устахонага боришини илтимос қилди.

— Анча камчиликлар бор. Ўша ернинг ўзида ўтириб нима қилиш кераклигини бир маслаҳатлашсак, — деди.

Раис қўнди. Икковлашиб раиснинг «Волга»сида устахонага жўнашди. Шофёрдан илтимос қилиб, рулга Шахлонинг ўзи ўтирди.

— Сиз бугун дамингизни олинг. Ўзим шофёрлик қиламан.

Улар устахонага келишгач, Шахло Содиқни чакириб имлаб қўйди:

— Бунинг мотори пақиллаяпти. Чиқазиб бир тоза-ланглар.

Раис билан Шахло икки соатча ичкарида талашиб, қизишиб нималарнидир гаплашишди, нималарнидир рўйхат қилишди. Раис кўнмай-кўнмай охири рўйхат тепасига «Бошбух берилсин» деб қўл қўйди. Кейин ташқарига чиқишди. То улар ичкарида иш битказишгунча Содик «Волга»нинг моторини чиқариб, ерга тушириб қўйипти.

— Ия, бу қанақаси? — деди раис ҳайрон бўлиб.

Шахло жиддий деди:

— Шофёрингизга айттинг, аравагини судратиб олиб кетсин.

— Нега? — деди ҳайрон бўлиб раис.

— Бу моторни «ХВС» терим машинасида олиб қўйилган экан. Жойига қўямиз. Сиз ўз моторингизни топиб оларсиз.

Раис қип-қизариб кетди. Мўйловининг бир учи силкинди. Уришай деса одамлар бор. Икки раис чиқишмаяпти, деган гап бўлади.

— Яхши қилмаяпсан, қизим, — деди секин.

— Терим машинасида товуклар жўжа очиб ётибди. Сиз моторни чиқариб олибсиз. Шунча пуллик нарса, увол эмасми!

Раис индамади. Жаҳл билан дўқ-дўқ юриб чиқиб кетди.

Тракторчилар раис билан бетма-бет олишган бу қизга ханг-манг бўлиб қараб туришарди.

Бу раис билан биринчи тўқнашув эди. Иккинчи тўқнашув раиснинг уйида бўлди. Облсполкомдан вакил келган эди, раис уйига ош буюрди. Шахлони ҳам таклиф қилди. Шахло меҳмон олдида раис бува билан хотинини роса тузлади.

— Бу қанақаси, холодильникни ётадиган уйга қўйинсиз?

— Шунча пуллик буюм, нархига қараб жой танлайдида.

— Манови, умивальник ўлгур ҳам уйнинг тўрида. Бу даҳлизда туриши керак.

Раис меҳмон олдида ёмон изза тортди. Иккинчи уш уйига таклиф қилмайдиган бўлди. Лекин меҳмон кетгач, холодильник ва умивальникни Шахло айтганидек қилиб қўйди.

Колхозда механизмлар ремонтни анча тартибга тушиб қолди. Устахонадагилар айтганини қилмасак, балога

қоламиз, деб мўлдатида бешта тракторни ювиб ялтирати-тиб, ховлига қатор қилиб қўйишди. Шахло келиб ўз кўзи билан кўрмагунча ҳар кун артаверишди.

Шахло ремонтдан қутулгандан кейин машинасини хайдаб қизлар ишлаётган далага чиқди. Ҳар хил рангдаги тугунчаклар илинган тол тагида машинасини қолдириб шудгорга кирди. Баланд ношна туфли билан қийналиб-қийналиб қизлар олдига борди.

Қизлар ишларини тўхтатиб, унга қараб туришарди. Шахлонинг сочи баланд турмакланган, устидаги капрон дурра танғиган. Қошлари индек ингичка. Бели кўл соат-нинг тасмаси билан боёлгаса бўладиган даражада хипча. Ҳаво ранг нейлон кўйлак остидан ичидаги пушти тасма-чалар бемалол кўришиб турипти. Қизларнинг бир хили ҳавас билан қараса, келинчаклар совуқ назар ташлашар-ди.

— Хорманглар! — деди Шахло.

Биров жавоб берди, биров индамай тураверди. Шахло кетмон дастасига тирсагини қўйиб тикилиб турган қиз-нинг бармоғига қаради.

— Бу нима, қўлларингга қарасанг бўлмайдими? Қиз бола ҳам шунақа бўладими? Бунақада оstonангга совчи қадам босмайди.

Қиз ҳам шаллодгина экан, бошлаб жавоб берди:

— Манови кетмонда икки кун ишланг, қанақа бўли-шини биласиз.

— Икки куннинг нимаси, ярим соатгина ишлаб кўрсин, билади.

Шахло қизга дадил қаради:

— Этикни еч!

Қиз этикни ечди. Шахло уни кийиб, қўлидаги кетмон-ни олди.

— Қанақа ишлашни кўрсатиб қўяйми? Мана кўрасан!

Шахлонинг болалиги далада ўтган. Кетмон ҳам чоп-ган, трактор ҳам минган, пилла ҳам тутган, канал ҳам қазиган эди. Бу ишлар унга болалигидан ошна.

У кафтларига туфлаб кетмонни кўтарди.

Ҳамма ундан кўз узмасди. Шахло бир маромда, бели-ни букмай, қаддини фоз тутиб кетмонни ерга урар, кўчган тупроқни аста ёнбошига ташларди. Ҳеч ким бас, бўлди, демади. Шу алфозда бир соатча кетмон чопди. Пайкал бошига етиб, ер чопиб орқасига қайтиб келганда қизлар тол тагида тик туриб кўзатишарди.

— Бўлдими, энди. Ё, яна чопайми?

— Бўлди! — деди қиз.

— Манови сизга мукофот, — деди боя унга илгичи килган жувон бир бойлам гунафшани унга узатиб.

Шахло хидлаб чаккасига тақиб олди. Тушлик бошланди. Шахло ариқда терлаган бетларини муздек сувда юваркан, белининг эгилишини кузатиб турганлар кўнглида бир гап бор эди. Кетмон чопганида бу иозик бели узилиб кетмаганини кара-я!

Шахло бетини юганда пардози сидиритиб кетган эди. Қизлар унинг асл башараси канака экан, шунинг биллишмоқчи эди. Йўқ, пардоз қилмаса ҳам бўларкан. Бепардоз ҳам бети тиниқ. Икки юзи қил-қизил. Унг юзида яра изи бор экан. У ҳам ўзига жуда ярашиб тушган.

Чойдан кейин Шахло сумкасидан ойинак, у-буларини олиб, пардоз қилди. Қизлар атрофини ўраб, тамоша қилишарди.

Шахло қизларнинг қизиқаётганини биллиб асл мақсади-га кўчмоқчи бўлди. У ўз одати бўйича ишни олдин ҳужумдан бошлаши керак. Боя кетмон чоптирган қизга қараб:

— Кўйлагинг ўлгур мунча узун. Енги кампирларнинг енгидан қолишмайди. Нечанчи асрда яшаяпсан? Бунака кўйлакни минг йил олдин қийишарди.

— Нима, тиззадан юқори кўйлак қияйми?

— Тиззадан юқори бўлиши шарт эмас. Фасонини келиштириб, енгларини калтарок қилиши керак. Бетларинг, қўлларинг ёрилиб кетибди. Ёғупа суртиш керак. Эртага келаман. Хаммаларингга ёғупа олиб келаман. Бўптимми? Эрталаб суртиб олсанглар, шамол таъсир қилмайди. Яна бир хили бор, кечкурун ишдан кутулгач, ювиниб, суртиб ётасизлар. Бетларинг юмшоқ бўлади. Ўлай агар, поччам раҳмат дейди.

Шахло айтганини қилди. Бир талай ёғупа опкелиб, қизларга улашиб чиқди. Бир-икки кундан кейин бир ёш чеварни бошлаб келиб, ҳамма қизларга, битта катта китобдан кўйлак фасонларини кўрсатди-да, хоҳласа-хоҳламаса ўлчатиб олиб кетди.

Эркаклар яна дўнғиллашди.

— Вой дод, уйга кириб бўлмайди, гун-гун атир ҳиди бўлиб кетган. Бу канақаси. Уйми, сартарошхонами?

Раис бир нима дейишга ҳайрон. Бу Шахлоси тушмагур хотинларни ҳам кўзгаб кўйибди. Майли. Бир иш қилса билиб қиладиган қиз экан. Эркаклар бир-икки кун бай-байлашиб, кейин тушиб қолишди.

Чигит қадаладиган куни раис бутун колхозчиларни йиғиб, қўш оши берди. Идора олдидаги сўриларга одам сизмайди. Раис бир бузоқ билан битта кўй сўйдирган.

Бир ёқда ош дамланяпти, бир ёқда кабоб кўрасидан ажиб ширин хидли тутун чиқяпти.

Йиғин бошланишдан олдин бир юк машинасида тўла қизлар келишди. Буларни олдин раис танимади. Яқин келишганда қараса, олтинчи бригаданинг қизлари. Хаммасининг сочи бошқача, капрон рўмол, кийимлари ҳам ўзгарган. Оёқларида баланд пошна туфли. Пардоз-андоз жойида.

— Тавба, қизларимиз шунақа чиройли эканми, шу пайтгача билмай юрган эканман-а! — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Раис ўтирган жойда микрофон бор эди. Унинг бу гапини йиғилганлардан ташқари бутун қишлоқ эшитди.

Хамма ёкни атир хиди тутиб кетди.

Кимдир:

— «Баҳор» ансамбли келди, ўзини қизийдиган бўлди, — деган эди, хамма гурр этиб кулди.

Шахло тез-тез юриб келиб, микрофонни кўлига олди.

— Бу «Баҳор» ансамбли эмас. Чинакам баҳор. Эшитмаганмисиз, онангни дадангга бепардоз кўрсатма, деган гапини.

— Бопладнинг, қизим, — деди раис ҳузур қилиб. — Нима, пардоз шаҳарлик қизларга ярашади-ю, қишлоқ қизларига ярашмайди. Қойил!

— Сигирни ким соғадди, бузоқни ким боқади?

Бу гап кимдан чиққанини Шахло билолмади. У ёқ-бу ёққа аланглаган эди, тунов кунги шоп мўйловли бульдозерчининг тиржайиб турганини кўрди.

— Сал текисроқ хотин ёнингиздан ўтса, кўзингизни узолмай коласиз. Нима, ўзингизники ёмонми? Хо, Нафиса, бери кел!

Ўттиз беш ёшлардаги чиройли бир жувон унинг олди-га келди.

— Мана, хотиниңиз. Қайси бир жонондан кам?

Шоп мўйлов ўрнидан туриб кетди:

— Нафисамисан? Вой-вой, — деб юборганини ўзи билмай қолди.

Қийқирик, кулги бўлиб кетди. Раис қўл кўтариб ғовурни босди. Далага қўш чиқишига бағишланган маросим бошланди. Шахло гул-гул очилиб, президиумда ўтирарди.

Раис кириш сўзида баҳор келганини айтаркан, Шахлога қараб қўйди.

— Қишлоғимизга бу йил бир эмас икки баҳор келди.

Хамманинг диғоғига атир хиди урилди.

1970 йил.

# ЧЎЛ ҲИКОЯЛАРИ

## ЧЎЛ БУРГУТИ

### I

Чўл бургутини излаб Олтиариқдан Ёзёвонга отда жўнадим. Хали қуёш ботмаган, унинг кечки қизғиш нурлари барглари саргайган ўрикларни, терак учларини ловиллаб ёндираётгандек. Осмон кўм-кўм, уфқда худди атайин бўяб қўйгандек, кип-кизил булут парчаси судралиб юрибди.

Канал кўпригидан ошиб, чўл томонга жиловни бурдим. От негадир тихирлик қилиб, юрмай туриб олди. Жонивор бир-икки қамчидан кейин ҳам олдинга жилиш ўрнига орқасига тисарилиб, тайсалларди. Жаҳл устида қамчи босмоқчи бўлиб қўл кўтарган ҳам эдимки, кимдир қичқирди:

— Ўғлим, жониворни суғоринг. Кўрмаяпсизми, сувга интиляпти.

Ўгирилиб қарадим. Сув лабида белбоғига юз-кўзини артаётган олтмиш ёшлардаги қарияга кўзим тушди. У шундоқ ювош отни бесабаб қамчилаганимга ачингандек, илдам юриб келиб жиловдан олди. Пастга тушдим. У от жиловидан ушлаб, кирғоққа етаклади. От олдинги оёқларини лойга ботириб, тумшуғини сувга тикди. У ҳар замон-ҳар замонда бош кўтариб, менга қараб қўяди-да, яна сувга интилади. Унинг бу ҳаракати чанқаганимни билмадинг-а, деб таъна қилаётгандек туюлди. Жаҳл устида қамчи босганимда эти дириллаб кетганини эслаб, кўнглим ранжиди.

— Йўл бўлсин, сафарингиз қай томонга? — деди чол отни қайтариб чиққач.

— «Пахтакор»нинг «Ғалаба» участкасига.

— Ундоқ бўлса, йўлни ўнг томонга солинг.

Чолга миннатдорчилик билдириб, йўлга тушдим. Атроф бий дала. Қуёш ботиб, поёнсиз чўл бирдан хувиллаб қолди. Уфқдаги бояги қизил булут аста кенгайиб, бирпасда бутун осмонни эгаллаб олди-да, тақир чўлни қизғимтир хира парда орасига ўраб қўйгандек бўлди. Кимсасиз чўлда Чўл бургути билан учрашув ҳақида ўйлаб кетмоқдаман. Назаримда, Чўл бургути деб аталган киши юзларини шамоллар қорайтирган, яқинида турган одамга ҳам худди олисдан қараётгандек кўзларини қисиб, бўйинини бир томонга эгиб боқадиган, биров билан кўришгани

кўл узатганда шамолга қарши учиншга хозирланиб, қанотини ёзиб, олдинга интилиб турган бургутга ўхшаш баҳайбат бир киши бўлиб кўринарди. Менинг бу фикримни тасдиқлаётгандек, от бошини силкитиб кўяди.

Киссамдан папирос олиб, ҳарчанд гугурт чақаман десам ҳам, эплай олмадим. От дупурини эшитиб, жиловни тортдим. Юз қадамлар чамаси орқада отлиқ келарди.

— Гугуртни ховучингизнинг орасига олиб чакинг, йиғит. Чўл шамоли ўжар бўлади.

Чолни танидим. У бояги йўл кўрсатган киши. Отларимиз бараварлашганда, жиловни бўш қўйиб юбордим.

— Хизмат, ўғлим? Сизни Ёзёвонга қайси шамол учирди?

— Чўл бургутини кўргани келяпман.

— Ҳа! Кўрса арзийдиган йиғит. Бургут деганича бор.

— Танийсизми уни?

— Бу атрофда уни танимайдиган одам йўк. Бу чўлларда у ёнбошламаган тепа, отининг туёғи тегмаган сой қолмаган. Олов бола. Чўлда от чоптириб келаётганини кўрсангиз тўнининг икки бари шамолда ҳилпираб, худди бургут қанот қоқиб учиб келаётгандек. Файратини айтмайсизми, қони томиридан тошиб чиқиб кетаётгандек. Нимага кўл урса, гуллатади. Қўли гул деб шуни айтса бўлади. Каналнинг бериги томонидаги ерларга кўзингиз тушдими? Ҳа, балли. Бургут обод қилган. Хозир ўша ерга клуб қуриляпти. Жуда гаштли ер бўлган-да. Бургутнинг йиғитлари шу атрофдан эллик гектар ер очиб, мевазор қилишди. Уч йил бўлди. Ҳа, уч йил бўлди, чўлнинг қоқ ўртасидан ер очгани бола-чақаси билан чиқиб кетганига.

— Бургут асли шу ерлик йиғитми, ё кўчирмами?

Чол анча вақтгача жим қолди. Туёқ товушига қулоқ солиб бир муддат йўл юрганимиздан кейин саволимга жавоб қайтарди.

— Бургут шу ернинг боласи. Ёшлигида ҳам ўт-олов эди. Фронтга кетмасидан олдин қишлоқдаги Ойниса деган бир қиз билан дон олишиб юрган эди. Иккови аҳду паймон қилишиб, гапни бир жойга қўйишган йили уруш бошланиб, Бургут фронтга кетди. Шу кетганча ундан хат-хабар бўлмади қўйди. Қиз кутиб-кутиб, охири ўзимизнинг қишлоқлик Нуъмонжон деган болага тегди. Орадан сал ўтмай уруш тугаб, Бургут қайтиб келди. Қараса, қиз эрга теккан. У чамадонини самоварда қолдириб, тўплатўғри Нуъмонжоннинг уйига бостириб борди. Эр-хотин ховлидаги сўрида чой ичиб ўтиришган экан. Бургут, ҳе

йўқ, бе йўқ, қизнинг қўлидан ушлаб кўчага етаклаб қолса бўладими, кўчага йиғилди одам, йиғилди одам! Қариялар насиҳат қилишди, қани энди унга гап уқтириб бўлса, йўқ. Ўжарлиги тутиб, тавба, икки ярим ойлик келинчакни ўз уйига етаклаб кетса бўладими! Шу, десангиз, қиз ҳам жон деб турган экан, олдига тушиб, пилдираб кетаверди. Бир ҳафтагача Нуъмонжон Бургутнинг уйи атрофида ўралашиб юрди. Эпложмади. Районга бориб, у ёқ-бу ёққа арз қилмоқчи бўлди, бўлмади. Зўрликни қараиҗ-а! Қиш-локчилик эмасми, Нуъмонжон соддалик қилиб, келин билан ҳали ЗАГСдан ўтмаган экан. Унинг гапига ҳеч ким кулок солмади. Тавба!

Ўша кезлари Бургут босар-тусарини билмай, медалларини жаранглатиб, ўтганининг ўроғини, кетганининг кетмонини олиб юрди. Йўқ, сал фурсатда инсофга келиб, ишга шўниғиб кетди. Аммо лекин, димоғ баланд. Биров буюрган ишини қилмайдилар. Бригадирни инсанд қилмай, бир чеккада ўзига ер ажратиб олиб, кетмон чопиб юрди. Кетмонни қанақа денг, темирчининг миясини ачитиб, тепасида туриб барқандек қилиб ясатиб олган. Раисимиз эсли бола. Алдаб-сулдаб Бургутни йўлга солди. Ўзи ҳам яхши гап билан илонини инидан чиқарадиган хилидан. Колхоз кизлари бир куни қизикчиликка кетмонининг сонига инсриқ боғлаб кетишибди, деган бир гап ҳам бўлган эди чоғимда. Ўша йилиёқ Бургут колхозда ном чиқариб, Икромжоннинг ўрнига бригада бошлиғи бўлди. Келаси йил, орден олиб, курултойга ҳам бориб келди. Ёшпай, курултойдан келди-ю, бошқа одам бўлди-қўйди. Чўлга от солгани солган. Ўзига ўхшаган йигитларни ҳам чўлга бошлади. Раббимсан, деб чунонам кетмон чопишдики, ҳашпаш дегунча аллақанча ерни чўлдан юлиб олишди. Шу, назаримда, Бургутнинг юраги танасига сифмаётганга ўхшайди. Чўлни сиқсам, танобини тортсам, дейди. Файратнингга балли-е, азамат!

Ўтган йили гектаридан қирқ икки ярим центнердан пахта берган бригадалар Бургут ер очган ўша чўлдан обрў топишди-да.

— Нуъмонжон нима бўлди, кейин уйландими?

— Ҳа, Бургут ўғил болалик қилди. Тўйига икки бўрдоқи етаклаб борди. Куёвнавкарда ҳам Нуъмонжоннинг ёнида ўтириб, роса қизикчилик қилиб, одамларни кулдирди. Ҳозир Нуъмонжон Бургутнинг бригадасида.

— Хотинини ундан қизғанмайдими?

— Авваллари қизғанарди. Ҳозир бир ўғли, бир кизи

бор. Шуъмонжонга куда бўламинз, деб тегишгани-тегишган.

Чўл ўртасидаги йўл иккига бўлиниб, чол отининг жиловини тортди.

Чолнинг жилов тутган ўнг кўлининг иккита бармоғи кўшалок битиб қолганини кўриб қолдим.

— Ўғлим, мен бу ёққа кетаман. Энди йўлни отининг ўзи топиб кетаверади. Хайр, ўғлим. Бургутга мендан дуо деб кўйинг.

Чол билан хайрлашдик. Тўппа-тўғримдан ой кўтарилди. Бояги қизил булутлар энди сарғимтил тусга кириб, кўз олдимда рангини ўзгартираверди-да, бирдан сизкага солгандек зангори рангга бўялди. Ой жуда тез баландлаб, ҳамма ёқни ҳавойи бир тусга фарқ қилди. Ерга урса кўкка сачрайдиган ажойиб табиатли Чол бургути билан учрашишга ошиқдим. Бечора от яна бир марта қамчи еди-ю, ҳалосқори чолдан ажраганига афсуслангандек бошини сарак-сарак қилиб, илдам юриб кетди. Шу ой нурига фарқ бўлган чўлларда Бургут парвоз қилиб юргандек, ой ҳам унинг қадами теккан ерларни кўз-кўз қилмоқчи бўлгандек, янада равшанлашаётганга ўхшарди.

Бургут ҳақида китоб ёзиб, унинг бутун қилиқлари, нуқсон ва фазилатларини тасвирлаб, маъна шу бепоён чўлнинг пешонасидаги асрий шўрни ювиб, зўр ҳосил олишига ўқувчини ишонтириб бўлармикин?

Шундай хаёллар билан «Ғалаба»га етганимни билмай қолдим. Ҳали атрофга девор олинмаган янги уйда ёши ўттиз бешларга борган, ниҳоятда кўхлик бир жувон мени кутиб олди. Бу Бургутнинг хотини эди.

— Пунктдалар, пахта жўнатяптилар, хализамон келиб қоладилар.

— Яхши уй бўпти, атрофга девор олсанглар жуда шишам ҳовли бўлади, — дедим.

Жувон кулди.

— Раҳимжон акангиз шундоқ катта чўлга сизмайдилару, ҳовлига девор олармидилар.

Даҳлиздан оёқ товуши келди. Бирпасдан кейин паст бўйли, озғин, кўримсизгина бир йиғит кирди. Бу йиғит Бургутни йўқлаб келган гумон қилиб, йўл юриб чарчаганимдан, у билан бош ирғаб енгилгина саломлашиб қўя қолдим.

Жувон гап қотди:

— Раҳимжон ака, меҳмон сизни йўқлаб кептилар.

Гапнинг очигини айтсам, жуда ҳам хафсалам пир бўлди. Йўл бўйи минг хил хаёлларга бориб, афсонавий пахлавонларга ўхшатиб завқланиб, ҳавас қилиб келган Бургутим ҳар кунни кўриб юрган оддий кишилардай, жусаси ҳам, юзи ҳам, кўзи ҳам, қарашлари ҳам оддий, пачаккина бир йиғит бўлиб чиқди.

Бургут менинг кайфиятимни сезиб турган экан шекилли, қўл бериб кўришаётганда панжаларимни шундай сикдикли, бургут чангалига тушган жўжадек чийиллаб юборишимга оз колди.

— Жуда соз бўпди-да келганингиз, гаплашиб ётамиз. Бугунча иш битди. Энди отамлашсак бўлади.

Ош устида гапга солсам, ўзи ҳақида унча-мунча гапириб берар деб ўйлаган эдим. Йўқ, у жуда камган одам экан. Узи ҳақида бир оғиз ҳам гапирмади. Фақат «Дайди» кинофильмининг иккинчи сериясини кўрмагани, у ёғида нима бўлишини билмай қолганини афсусланиб айтди.

— Чўлга қачон келганингизни, қандай қилиб чўлши обод қилганингизни айтиб берсангиз?

У кулди. Ориқ панжалари билан пешонасини уқалаб, кўз қири билан менга қараб қўйди.

— Қандоқ десам бўларкин? Шундоқ чўлга чиқдигу, бир томондан трактор солиб, кўпчилик бўлиб кетмонни чопиб кетавердик. Шу!

Унинг бу гапидан камтарлик қиляпти, деб ўйладим-да, яна сўрадим:

— Ахир, шу ишлар осонгина бўлмагандир?

— Меҳмон деган унақа сергап бўлмайдди, — деди у айёрча кулиб. — Эртага ўзингиз кўрасиз. Болалар айтиб беришади. Чарчагандирсиз, ётинг.

Ундан ўзи ҳақида тайинли бир гап олиш қийин эканлигига ишонганимдан кейин, ёстикқа ёнбошладим. Чўл-бургутни чирокни пасайтириб, нариги уйга чиқиб кетди.

Назаримда, у уйдан чиқди-ю, қанот қоқиб, ой нурида яшнаб ётган чўл осмонига учиб кетгандек бўлди.

Уйқум кочди, фикр-хаёлим Чўл бургутида. Наҳотки, оддий кичкинагина жуссада бургут қалби, бургут парвози бўлса? Наҳот, у бургут етолмаган фазоларда уча олса?

Шу кеча чўл тонги ёришиб келаётган субҳисодниқда, улўф ниятлар ишонини улўф истиқбол сари қанотлантиришига, Чўл бургутига ҳам қанот берган мана шу ниятлар эканига иқрор бўлдим.

Эрталаб нонушта вақтида Нуъмонжон келиб қолди.

— Ҳа, Тўпшонча, нима қилиб ивирсиб юрибсан?

— Машина қайси участкага борсин? Шунини сўрагани келгандим.

Бургут унинг қўлига бир пиёла чой тутқазди.

— Ҳали тайинлаган эдим-ку!

— Хожимуқон ҳали йўл очмаган экан, механик бор-майман деяпти.

Уларнинг суҳбатидан ҳеч нарса тушунолмадим. Фақат Бургут то нонуштагача чўлни шамолдек гир айланиб келганини сездим, холос. Нуъмонжон кетди. Биз Бургут билан ташқари чиқдик. Кеча қоронғида келиб чўлнинг нималигини билмаган эканман. Ун учта янги оқ иморат. Нарироқда тепаси шийпонли идора, уйлар олдидаги қатор экилган ёш теракларнинг барги қаҳрабодек сапсарик. Артезиан қудуғидан чиқарилган сув бўйи баравар баландликдаги қувурдан шалдираб оқиб ётибди. Ундан нарида тепаси тол билан омонатгина ёпилган сарой ичига селитра тўкиб қўйилган, икки-уч бочка керосин, қопланган цемент, ғишт, тахта, ходалар уйиб ташланган. Шийпон олдида Марказий Фарғона степторгининг автолавкаси турибди. Унинг бир ғилдираги ўрнига ғишт тахланиб, ўқига тиргович қилиб қўйилган. Оқ халат кийган сотувчи вағиллаб турган примус устида буғ пуркаётган мис чойнакка чой дамлаяпти.

Бургут лавкага бош сукиб қаради. Полкаларда сонсаноксиз арок, винолар, пачка-пачка майда туз териб қўйилган. Қизларнинг сочига тақилладиган ҳар хил лента, устига зар қопланган сигара, елпиғич, упа, фотоувеличитель каби моллар тўлиб-тошиб ётарди.

Сотувчи нимадир демоқчи эди, Бургут қўл силтади.

— Дўконни бекитинг. Туз чўлда ҳам кўп. Упа қўйишга хотинларнинг ҳозир қўли тегмайди. Елпиғичсиз ҳам шабада бўлиб турибди. Ароқни бўлса кечкурун майдалашармиз.

Бургут идора томондан келаётган Нуъмонжонни имлаб чақирди:

— Бу кишини ола кет. Дўконни кечкурун очади. Бир грамм терса ҳам ҳарна-да!

Бургут хижолат бўлгандек қошини кериб менга қаради.

— Меҳмон, ишимиз қизиқ бўлди-ку. Сал бемавридрок келиб қолдингиз-да. Уйимиз бетта бўлгани билан, пахта-

миз олти километр нарида. Шу турган еримиз келаси йилга бориб чўлининг центри бўлади. Мен билан юрсангиз, чарчаб қоласиз. Яхшиси, Тўппонча полвон билан кетавering. Хожимўқоннинг ерида учрашамиз.

Бургут отга мишиб қайгадир кетди. Биз Нуъмонжон билан йўлга чиқдик.

От-арава, машина шиббалаб юборган текис йўлдан сал юрганимиздан кейин орқамиздан сотувчи йиғит ҳаллослаб етиб келди. То у келгунча ганимиз қовушмай турган эди. Ганини нима ва кимдан бонлашимни билмай жимгина борардим. Таниш-билниш йўқ. Бургутдан гап айлантирай десам, Нуъмонжоннинг кўнглига қаттиқ ботмасмикан, деб хижолатда эдим. Толенмга сотувчи серганина йиғит экан. Йўл бўйи оғзи тинмай степторнинг инспекторидан шикоят қилиб борди.

— Нафси бузук одам. Жиндек чўзиб қўймасанг, молнинг яхшисини ололмайсан. Ака, ўзингиз ўйланг, кичкина дўкон бўлса, харидорнинг сони йиғирмадан ошмаса, бозор яқин бўлмаса, ахир, бола-чақали одаммиз.

Нуъмонжон юмшоқ кўнгли, қиздеккина йиғит экан. Унинг қадди-баста, хатти-харакатлари деҳқондан кўра сартарошга кўпроқ ўхшаб кетарди.

Оёқ товушлари енгил, гапи ҳам мулоғим, қалин қора қошлари остидаги сарғимтил кўйкўзи хамиша кишига кулиб тургандек. Унинг шу тонда ёнимда шилдираб бориши чўлда кетаётган ожиз чумолига ўхшаб, сира манзилга етолмайдигандек кўринади. Бунинг нимаси тўппончага ўхшайди, тавба.

Узоқдан тутун бурқсиди. Бу тутун бир зумда тарқаб, унинг ўрнида ёнбошлаб қолган терим машинаси кўринди.

— Бир бало бўпти, — деди Нуъмонжон бесаразонком бўлиб. — Бургутдан балога қоламиз, қани, югуринглар!

Унинг мулоғим кўйкўзлари думалоқлашиб, бўрининг кўзига ўхшаб, кўкимтир тусга киргандек бўлди. У чўл ўртасида шамолдек олдинга югуриб кетди, боя чумолидек увок кўринган қиздек йиғит, энди кийикдек ел қувиб олдинда учиб борарди.

Биз ҳаллослаб ярим йўлда қолиб кетдик. Кечаси кўнчекканимдан бўлса керак, юрагим гушллаб уриб, тилим оғзимга сизмай қолди.

— Тўппончанинг ўқиға ўхшайди-я! — дея олдим энтикиб. — Тўппонча полвон деганича бор экан.

— Бу Бургутнинг қўлига тушган куён — шер, чумоли — фил бўлиб кетади.

Машина тўхтаган ерга етиб келдик. Ёмғир суви ҳал-

қоб бўлиб қолган чуқурликда машинанинг бир филдираги ботиб қолибди. Механик-хайдовчи ярим соатдан бери чиқазолмай, моторни гувиллатавериб, ёнилғини тугатаёзган экан. Нуъмонжон соғувчини орқага қайтарди.

— Аравада ёнилғи олиб кел!

Йиғит энсаси қотганидан гарданини қашиб, камхаф-салалик билан орқага қайтди. Нуъмонжон эса этигини шалоплатиб ботқоққа тушди-да, хижолат бўлгандек менга қаради.

— Меҳмон, кемага тушганинг жони бир. Қани, потишкани ечинг. Бир ха-ҳалашиб юборайлиқ.

Тиззадан лой кечиб унинг ёнига бордим. Нуъмонжон ингичка оёқларини ерга қадаб, елкасини машина қаноти-га тиради.

— Қани, ҳайда!

Мотор гуриллаб, машина олдинга интилди. Интилди-ю, кейинги чап филдираги турган жойида пилдираб айланиб, афт-башарамга лой пуркаб юборди. Нуъмонжон бўғиқ овоз билан яна бир марта «хайда» деб машинанинг чап қанотини озод кўтарди. Машина орқасига тутун қайтариб, олдинга лапанглаб силжиди.

Бу йиғитда шунча куч борлигига ҳайрон қолдим. Ахир, у шунча оғир машинани елкаси билан итариб, йўлга чиқариб қўйганини ўз кўзим билан кўриб турсам ҳам бунга сира-сира ишонгим келмасди. Наҳот, шунинг увочкина жуссада шунчалар катта, ишониб бўлмас паҳлавон куч яшириниб ётган бўлса. Бунинг «Тўппонча полвон» деб бекорга айтмаган эканлар.

Нуъмонжон тўппончанинг бари билан юз-кўзига сачраган лойларни артиб бўлиб, менга илжайиб қаради.

Унинг кўзлари бирам мулойим, бирам ёқимли. Ҳар қандай тош юракни ҳам эритадиган ажойиб кўзлар эди!

Бу йиғит мен тасаввур қилган чўл йиғитларига сира ўхшамасди. Нозик бармоқлари фақат дотор чертишга, сабза урган мўйловлари остида кулишга ҳозирланиб турган лаблари фақат жонон қизларининг юзидан бўса олишга яратилгандек кўринарди. Кишининг ташқи қиёфаси баъзан интилишларига, фикр-ўйларига қанчалик қарама-қарши бўлишига энди ишондим.

Машина ортидан эргашиб, тайини қилинган ерга келдик. Ошпоқ очилиб ётган гўзалар орасидан «Алиф-Лайло»даги кўзачадан чиққан Аҳраман девдек баланд, ҳар яғринига биттадан одам минса бўладиган ўттиз беш ёшлардаги норғул йиғит машинага қараб келарди. Унинг узун чакмони дарахтга шолча ёпиб қўйганга ўхшарди.

Қош ва киприкларни сарик, аммо ўзига жуда ҳам ярашиб тушган мўйлови, негадир, локдек қоп-қора эди. Мўйлови бўяса керак, деб дилимдан ўтказдим.

— Хожимукон шу бўлади.

Хожимукон илдам юриб келиб, худди ёш болани кўтаришга чоғлангандек, энгашиб, икки букилиб Нуъмонжон билан кўришди. Унинг олдида Нуъмонжон худди дадасига талнинган ёш болага ўхшаб кўринарди.

— Ха, Тўппонча, мунча ҳаяллаб қолдинг?

Унинг овози қулоғимга момақалди роққа ўхшаб эшитилди.

— Машина лоёга тикилиб қолган экан, чиқазгунча сал тўхталиб қолдик.

Машина янги очилган ердан эгатга кириб кетди. Хожимукон девқадам билан унинг орқасидан эргашиди. Атрофга қарадим. Бу ерлар қаердан сув ичаркин, деб хайрон бўлиб Нуъмонжондан сўрадим.

— Фарғона каналидан оламиниз. Сув масаласидан полимасак ҳам бўлади. Ариқ қазийдиган янги машина чиққан. Овозини эшитяпсизми?

Нуъмонжон кунботар томонга қараб қулоқ солди.

— Келаси йили ҳув ўша томондан қирқ гектар ер очамиз. Шунда еримиз Кўшоқ отанинг ери билан туташади.

Кеча отимни суғориб берган чолнинг икки бармоғи кўшалоклиги, айрилишга келганда чол ўша томонга бурилганини эслаб, Кўшоқ ота дегани шу киши бўлса керак, деб гумон қилдим.

Терим машинаси эгатнинг бошига етиб, янги ариқдан қайтди. Брезент палаткадан чиққан ўрта яшар бир хотин сочини бошига турмаб, машина кетида келаётган Хожимуконга қўл силтади. Кейин ўша томонга рўза оралаб, югуриб кетди.

— Хожимуконнинг хотини. Жуда ҳам гапга бичганда. Қофияли қилиб гапиради. Аммо Хожимукон шу гавдасига хотинидан ўлгудек кўрқади.

Ўша палаткадан ёши йигирма бешлардаги сулувгина бир аёл чиқди-да, Нуъмонжонга қаради.

— Чой ичиб олинглар!

Кейин у фартугини бўйинига илиб, бояги хотиннинг орқасидан югурди.

— Бу киши бизнинг «маликан дилозор» бўладилар, — деди Нуъмонжон кулиб.

— Сиз ҳам хотинингиздан кўрқасизми?

Нуъмонжон гарданини қашиди:

— Дунёда хотинидан кўркмайдиган одам ҳам бор эканми?

Палаткага кириб, энди бир пиёладан чой хўнлаган ҳам эдикки, от чоптириб Бургут келиб қолди. Важоҳатидан хозиргина биров билан уришиб келганга ўхшарди.

— Ха, Бургут, турк-тароватинг бошқача, бир гап бўлдимми? — деб сўради унга пиёла узатаркан, Нуъмонжон.

— Картинкадан ўргилдим! Кечадан бери сарсон қилади-я. — Унинг гапига тушунолмай бир-биримизга қаршиб олдик.

— Сочига тароқ тегмаган, иккита калта шимлик олифта бир машина ашқол-дашқол билан кепти. Картинкага оламан деб, у ёққа қарасам ҳам дурбинини тўғрилайди, бу ёққа қарасам ҳам дурбинини тўғрилайди.

Кеча райком биноси олдида кинохрониканинг машинасини кўрганганимни эсладим.

— Тавба, офтоб чиқаётган томонга қараб, чаккамга пахта қистириб, ўнг кўлимни кўтариб турганимни картина қилармиш. Картина қилсанг, артиснингни ола келмайсанми! Меҳмон, сиз билан Ёғоч полвоннинг ерида учрашамиз.

У чойдан бўшаган пиёлани пилдиратиб бир иргитиб олиб олди-да, хайр, деб чиқиб кетди. Бир оздан кейин чўлининг уфқ билан туташган ерида от ўйнатиб кетаётганини аранг кўзим илғаб қолди. Нуъмонжон ҳам бўйинга фартук олиб, машина ололмай қолган пахталарни тера бошлади.

Пайкал бошида ёлғиз қолиб, кўз илғамас пахтазорда жавлон уриб юрган терим машинасини тамоша қилиб турдим. Шамол қулоғимга аллақерда шудгор ағдараётган тракторнинг овозини ўхтин-ўхтин учуриб келади. Ариқ қазинётган машинанинг бўри улиганидек ўкиришини бир дам олиб келади-да, яна қаёқларгадир суриб кетади.

От солиб ўтган фотиҳларнинг, кўнғирок чалиб ўтган карвонларнинг суроини уйғотолмаган асрий мудроқ чўлини янги одам жиловлаган пўлат моторларнинг забардаст турткиси уйғотган эди.

Сотувчи йнгит аравада бир бочка керосин олиб келди. Икковлашиб бочкага резинка ичак солиб, бакларни тўлдириб олдик.

— Меҳмон, Бургут сизни Ёғоч полвоннинг ерига олиб бор, деб тайинлади.

Аравага чиқаётганимда механик йнгит бункерини бўшатиб, ёнидаги олгани пайкал четига чиқаётган эди.

Эгарга кийшик ўтириб олган йиғит, йўл-йўлакай Бургутнинг йиғитларини таърифлаб кетди.

— Бургутнинг йиғитлари хали курашда елкаси ер кўрмаган полвонлар. Ҳозир бу полвонларга Фарғона томонида тарафкаш йўқ. Ёғоч полвон деб ном чиқарган Миразиз ўтган йили наркентлик полвондан йиқилиб қолди. Бургут шундан кейин Ёғоч полвонни бригададан хайдаб юборди. Ўша полвонни йиқитиб келмагунингча, кўзимга кўришма, дейди. Йўқ, бултўр қўздаги нахта байрамида Фарғонада кураш бўлиб, Ёғоч полвон ўша полвонни чархналак қилиб ерга урди-ю, юзи ёруғ бўлди.

— Бургут уни бригадага қайтариб олдингиз?

— Олди. Лекин бигга шарт билан олди. Кетмон ишлатмай, нахтани машинада экиб, машинада териш шarti билан. Хали борганда кўрасиз. Ҳар гўзаларки, бир тушидан бир кўрпалик териб олаверасиз. Ўзи ҳам антиқа одам. Ҳозир айтсам қизини қолмайди.

Сўнги марта хириллаб нафас олаётган бемордек шикоятмуз вийкиллаб бораётган арава устида теварани уфққа туташган чўлни тамоша қилиб бораман. Бу уйқуси кочган кўҳна наҳлавон чўл билан беллашаётган, худди шу чўлдек бағри кенг, аммо навқирон, хар қайсиен алоҳида китобга қаҳрамон бўлса арзийдиган, бири бирига ўхшамаган табиатли йиғитларни кўраётганимга, улар билан ҳамсухбат бўлаётганимга ич-ичимдан севинаман.

Бу учрашувларда уларнинг қилиқларини, бўй-бастларидан тортиб, кўз қарашларигача ёдда сақлаб қолмоқ учун тикилиб-тикилиб қарайман.

Чўл ўртасини девордек тўсиб ўтган дўнгни ошиб ўтганимиздан кейин йўл гавжум бўлиб қолди. Ҳар қадамда қурилиш материаллари ортган юк машиналари, устига бочка юкланган бричкалар узун йўлдан кетма-кет ўтиб турарди. Ора-сира мотоцикл патиллаб ўтиб қолади-да, чўл бағрига ўқдек санчилиб, бир зумда йўқ бўлиб кетади. Боя Хожимуқоннинг ерида эшитилган гуриллаган товуш шу томондан келаётган экан. Эскеватор ҳалқумини чўзиб, қуйқа босиб қолган зовурдан лоий чиқазаётибди. Чўлнинг коқ ўртасида ёнбошига тупроқ пуркаб канавокопатель ариқ қазимоқда. Унинг товуши гўё баҳайбат бир мушук муттасил ойна тиндалаётгандек кийкиллайди. Онда-сонда қуриб қолган ўтларни чимдиб юрган пода учраб қолади. Йўл ёқасидан артезиан суви шилдираб оқиб ётибди. Ундан тушган шаффоф сув цемент ҳовузчадан тошиб, йўл четида қўлмак ҳосил қилган. Сув атрофи-

да ўсган гиёҳлар ҳали кўм-кўк. Кўлча юзида кўй ва эчкиларнинг кумалоқлари сузиб юрибди.

Колхоз подаси шу ердан сув ичса керак деб ўйладим.

— Чўл қишлоққа шу томондан туташади, — деди ҳамроҳим, қамчи дастаси билан узокда сарғимтил тусга кирган дарахтларни кўрсатиб.

Район марказидан йўлга чиққанимда, чўлга колхоз ердан ўтиб борсак керак, деб ўйлаган эдим. Бу ўйим янглиш чиқди. Ҳамроҳим эгарга яна қийшик ўтириб олди.

— Чўл асли шу томондан сиқиб келиняпти. Боя сиз кўрган Ҳожимуқоннинг ери колхоз очадиган қўриқнинг охири нуктаси. Ундан у ёғи бошқа колхознинг зиммасига тушган.

Бирданига чўлнинг ҳавоси ўзгарди, эрта куз бўлишига қарамай, эсиб турган илимилиқ шабада ўрнига қандайдир димоққа хуш ёқадиган, боғлардан эсадиган ёқимли шамол кела бошлади. Ҳозир биз бир томони ҳали безрайиб ётган чўл, бир томони эса обод бўлган ернинг худудида турардик.

Этаги олисларга чўзилиб кетган чўл тўқувчи дастгоҳидаги тандага, янги обод бўлган жойлар эса шу танданинг аста-секин тўкилиб келаётган сергул матосига ўхшарди.

Шағал ётқизилган йўлнинг икки четида ҳали усти ёпилмаган бир қаватли бинолар, хом гишт деворига толь ташлаб, устидан тош бостириб қўйилган чала уйлар, баъзан шахмат катагига ўхшаган цемент пойдеворлар учраб турарди. Бу ерларда ҳали одам яшамай туриб, ёш терак ва қайрағочлар аллақачон ерга парча-парча соя ташлаб улгурган эди.

— Ёғоч полвоннинг ерига етиб қолдик, — деди ҳамроҳим, от жиловини ўнг томонга буриб.

Биз йўл олган сўқмоқнинг боши усти шох-шабба билан ёпилган чайлага бориб қадалар эди. Чайла олдидаги хирмонда Бургут офтобга пахта ёймоқда. Тахминан ўн беш гектар келадиган пахтазорнинг икки томонида икки терим машинаси гуриллаб юриб турибди. То биз чайлага етиб борганимизча ёнимиздан ўтиб кетган кул ранг «Волга» машинаси устимизга чанг ёпириб, чайлага етмай тўхтади. Шамол чангни бир зумда ерга ёнбошлатиб кетди.

Машинадан ўрта ёшлардаги сал қорин қўйган, қалин қошлари кўзларини тутиб кетган бир киши тушди. Орқа эшик очилиб, мўйловли, аёлга ўхшаш бир йигит кўрин-

ди. Унинг сочи орқасидан таралиб пешонасига келганда яна тепага қайтариб юборилган эди. Унинг бу қиёфаси менга попишакни эслатди. Оғзида муштук; эғнида почаси тор, калта чийдухоба шим. У фотоаппарат тасмасини узук тақилган бармоғига ўраб олган эди.

— Мана, ўзингиз айтинг, ўртоқ партком, сира у кишини кўндиролмаяпмиз, — дер эди у қора кош партком йиғитга.

— Хўш, нима гап? — деди партком канорга пахта жойлаётган Бургутнинг яқинига бориб.

— Парво қилманг, Миржалил ака, мендан артист чиқмайди.

— Яхши эмас, атайин Тошкентдан келишинпти. Тез бўл, у ёк-бу ёғингни паратка қил. Қани, янга, бояғи нарсани беринг!

Чайла орқасидаги бак остига ўт қалаётган Ойниса унинг гапини яхши эшитмади шекилли, ўрнидан туриб савол назари билан қаради.

— Бояғи тугун қани?

Ойниса чайла тирговичига илиб қўйилган камзулнинг чўнтагидан шоҳи дастрўмолга тугилган нарсани олиб, парткомнинг қўлига берди.

Бургут тўнига илашган пахта толаларини қафти билан сидириб бўлгач, дўпписини тиззасига уриб қокди. Унинг бу ҳаракатларини кузатиб гурган баланд бўйли, озғин, қоп-қора йиғит гап қотди:

— Қошингга ўсма қўйиб қўяйми? Янга, унанигиздан беринг!

Бу гапдан Бургутнинг энсаси қотиб, ер остидан хўмрайиб қаради.

Партком тугунчадан орден ва медалларни олиб Бургутнинг кўкрагига тақа бошлади. То Бургутнинг «пардози» биттунча, калта шимли йиғит «Волга»дан кино аппаратини олиб чиқиб, уларнинг ёнига келди.

— Шу киши нима деса ғиринг демай бажарасан. Хариш отга ўхшаб тайсалламай, хап турсанг-чи!

Бургут билан оператор пахтазорга кириб кетинди. Оператор йўлда қўшалок очилган пахтадан узиб олиб унинг чаккасига тақиб қўйди. Бутун колхоз йиғитларига сўз бермай чўлда жавлон уриб юрган бургутсимон бу одам айни замонда оператор қўлида минг оҳангга тушар эди. Гоҳ ўнг қўлини кўтариб терим машинасини бошқарётган механикка нималардир деб қичқирар, гоҳ кунчиқар томонга бургутга ўхшаб толпиниб қўярди.

Охири у «артист»ликдан зерикди шекилли, қўл сил-

таб, жаҳл билан пайкалга қайтиб келди. Унинг кетидан эргашиб келаётган оператор норози оҳангда нимадир деди. Бургут яна қўл силтади.

— Икки кундан бери шу кишининг кетида овораман. Яна жиндай қолган эди-я!

— Бургутни бир кунда овлаб бўлмайди. Кетидан икки-уч кун чўл кезиш керак, яхши йиғит, — деди бояги тарашадек котма новча йиғит.

— Шунни айтмайсанми, Ёғоч полвон.

Ёғоч полвонни дарров танидим. Унинг суратини ўтган йилли физкультурачилар газетасида кўрган эдим. Республика мусобақасида паркеңтлик полвонни йиқитиб, Ўзбекистон чемпиони бўлган Асад полвон Иброҳимов шу киши эди.

Партком терим машинасининг механигига «бирпас тўхта» дегандек ишора қилиб, пайкалга чақирди. Бошқаларни ҳам чайла олдида тўплади.

— Қўшоқ отанинг қирқмаси роса бўлиб берибди. Машинага иккига ташлаб қўйган эди, бирга баҳам кўрамиз.

Шофёр ҳар бири қўйдек келадиган иккита чўл ковунини иқиллаб кўтариб келди-да, тиззалаб шолчага думалатиб юборди.

Дастурхон устида Ёғоч полвоннинг таърифи бошланди.

— Ёғоч — одам! — деди жиддий туриб Бургут. — Лавзли одам у. Ўн саккиз гектар ерни кетмон тегизмай машинада қойил қилиб юборди. Кўряписиз-ку, икки машиналаб ҳам териб тамом қилиб бўлмаяпти.

Мен ҳам гапга аралашдим:

— Бу киши ҳам хотинларидан кўрқадиларми?

— Бе, — деди Ёғоч полвон қўл силтаб, — гуноҳ қилган йиғит хотинидан кўрқадиди-да! Биз ҳали гуноҳ қилганимизча йўқ. Нима дейсан, Бургут?

Бургут бошини сарак-сарак қилиб кулди.

— Уч-тўрт улфат бир бўлиб, гапдан гап чиқиб, «ким хотинидан кўрқса, ўрнидан түрсин» деган таклиф тушибди. Шунда ҳамма ўрнидан турибди-ю, бир полвон йиғит жойидан қўзғалмапти. Ундан, нега турмадинг, ё хотинингдан кўрқмайсанми, деб сўрашибди. Полвон йиғит нима депти, денг, хотинининг номини эшитишим биланок икки оёғим шол бўлиб, ўрнимдан туrolмай қолдим, депти.

Қотиб-қотиб кулди.

— Бизнинг Ёғоч полвон ҳам шунақа полвонлардан, — деди Бургут унинг бикинига түртиб. — Ха, дўст! Қоматингга қойилман!

Ёғоч полвонқизариб кетди.

— Ҳеч-да, ичадиган вақтимда, рост гапи жиндақкина кўрқардим. Ўшанда ҳам ҳадеб машина килавергандан кейин ёлғондақаси кўрққанга ўхшаб турардим.

Ковундан кейин бир шёладан чой ичиб, ҳамма ўз ишига тарқади.

— Бургут, эртага машинанинг бирини Қўшоқбой отага юбор. Ёғоч полвоннинг пахтаси энди сийрақлашиб қолибди. Машина бекор турмасин. Ун учинчидан кўрак узадиганини юбораман.

Ёғоч полвон ерга бир кўз югуртириб чиқди-да, шундоқ қилсак ҳам бўлар экан деб парткомнинг сўзига рози бўлди.

Партком ҳам, кинооператор ҳам кетди. Бургут машина орқасидан қараб турди-да, илжайиб қўйди.

— Меҳмон, биз чиққан картинкани Тошкентда кўрадиган бўлдингиз. Биз томонларда ҳам кўрсатар, дейман. Қўшоқбой отани олганда жуда интресний чиқарди.

Хирмонда шамоллатилган пахталар канорлангунча шу ерда бўлдим. Қишлоқдан пахта ортиб кетгани машина келди. Ёғоч полвон канорларни худди ястукдек енгил кўтариб машинага иреитар. Бургут эса уларни элчиллик билан тортиб олиб, фишт тахлагандек кўзовга жойлар эди. Канорлар бир-бирига миниб лапанглаб қолгунча тахланди. Бургут ерга сакраб тушиб, шофёрга дарров қайтишини буюрди-да, кўкрагида жаранглаб турган орденларни чиқазиб, бояги шохни рўмолчага тугиб, хотинига узатди.

— Олиб қўй, план тўлган кун тақамиз энди.

— Энди менга жавоб берсангиз, Бургут, шу машинада қишлоққа етиб олай, — дедим унга.

— Ие, бирон кун қолмайсизми? Эртага Ёғоч полвоннинг тўйини қиламиз. Ошини еб кетасиз-да!

— Шу бачканалигинг қолмади-қолмади-да.

Ёғоч полвон зарда билан нари кетди.

— Ёғоч пахта пунктидаги лаборант қиз билан нари-бери бўлиб юрар экан. Хотини билиб қолиб, уйига киритмай қўйган эди. Роса йиғирма кундан бери чўлнинг қоқ ўртасида мажнун бўлиб, қўйлак-пўйлагини ҳам ўзи ювиб юрган эди. Ўтган кун қазили ош қилиб беришни бўйнига қўйиб, яраштириб қўйган эдик! Насибангиз қўшилмаган экан.

— Бўлмаган гап, ишонманг бу гапга, меҳмон. Сиртқи техникумда ўқийман-да! Имтиҳонга яқин қолганда лаборант қиз, агротехникадан ўзим ўргатиб қўяман, деган эди. Манови бемаъни қаёқдаги гапларни хотинимга ай-

тиб, уриштириб кўйса бўладими. Аҳмоқ бўлиб, яна ўзи яраштириб кўйди.

— Кўй-е, — деди Бургут менга кўз қисиб кўйиб, — бир балоси бўлмаса, шудгорда куйруқ на қилур. Ҳа, дўст! Писмиқсан, Ёғоч! Писмиқсан! — Бургут шу гапни айтиб, тиззасига уриб, қотиб-қотиб кулди.

— Меҳмон, тагин шу гапларни ҳам китобга тиркаб кўйманг.

Улар билан самимий хайрлашиб машинага чиқаётганимда Бургут, папирос чекманг, меҳмон, йўлда пожарний штраф қилади, деб тайинлади.

Машина ҳавони кесиб, бир текис елиб чўл ўртасида борар, мен эса учрашувлардан олган таассуротларимни қай тартибда қоғозга туширишни ўйлаб кетардим.

Машина кеча Қўшоқ ота билан ажрашган жойга келганда қуёш этагига ботиб, осмоннинг ярми анор суви сачрагандек қип-қизил тусга кирганди. Атрофда тракторлар, экскаваторлар шовқин солади. Уларнинг гулдираганини шамол чўл бўйлаб айлантириб кетади.

Худди тепамда бир чўл бургути баҳайбат қанотини ёзиб, гир айланиб учиб юрибди. Шовқинга тўлган чўлда маконини йўқотган бу сахро султони, қўналға тополмай, осмонда чарх уриб кезарди. Чўлнинг асрий уйқусини бузган ер бургутлари энди унинг кўҳна масканини эгаллаган эдилар.

Бургут қизғимтир кўкда узоқ айланиб юрди-да, охири бир-икки марта умидсиз қанот силкиб, қуёш ботаётган уфққа қараб сузиб кетди.

*1958 йил.*

## ЎРИК ДОМЛА

Мен бу одам ҳақида биринчи марта Ёзёвон чўлининг коқ ўртасида, Чўл бургутининг чайласида эшитган эдим.

Чўл бургути янги очилган кўриқдан йиғирма беш гектар ерни боғ учун ажратиб кўйганини ва бу ерни обод қилиш учун райисполкомнинг алоҳида қарори билан Ўрик домланинг ўзи келаётганини айтган эди.

Ажаб! Бу Ўрик домласи ким бўлди? Бургутдан бу одам ҳақида сўрамоқчи бўлиб турган эдим. Ёғоч полвон гап бошлаб қолди:

— Келмайди. Шундоқ боғини ташлаб келармиди. Бо-

нига кирганмисан? Ё тавба, бир одамнинг кўлидан шунча иш келишига ақлинг бовар қилмайди.

— Келади! — деди ишонч билан Бургут. — Боғи торлик қилиб қолган, янги кўчатга жой қолмапти. Чўлга кўз тикиб юрган эмиш.

Ёғоч полвон ёйилиб кулди:

— Чол тушмагур ҳам бизга ўхшаб қариганда чўл «жииниси» бўпти-да.

Ўрик домлага кизиқиб қолдим. Бу одам ҳақида унча-мунчани билиб олмоқчи бўлиб, чайлада икковимиз қолганимизда Бургутдан суриштирдим.

— Ажойиб одам. Ўзи ўлгудек эзма. Тажангликда тенги йўк, ўрикдан бошқа гапни билмайди. Тўй-пўйга бориб қолса, ашула эшитаётганларнинг энсасини қотириб, ўрикдан гап бошлайди. Асли отини ҳалигача ҳеч ким аниқ билмайди. Аммо Ўрик домла десанг, бўлди, каттадан-кичик танийди! Жони дили ўрик. Райондаги колхозларнинг боғида ҳозир шифил мева бериб турган ўриклар шу домланинг кўчатидан бўлади. Одамлар Кавказга дам олгани боришса, Ўрик домла данак йиққани боради. Боғида дунёдаги ўрик навининг ҳаммасидан кўчат бор, дейишади. Облаstdан кимки чет элга борадиган бўлса, ҳамма ишини йиғиштириб қўйиб, уни вокзалгача чамадонини кўтариб кузатиб кўяди. Данак олиб келишни тайинлайди.

Бургут ҳикояси шу ерга келганда тиззасига уриб, қотиб-қотиб кула бошлади.

— Нега куляпсиз, бир гап бўлдимми? — дедим унинг бемаврид кулгисидан ажабланиб.

— Бир воқеа эсимга тушиб кетди. Келини билан уришиб қолгани ҳам шу ўрик хусусидан-да! Ўтган йили катта тўй қилиб, ўғлини уйлантирган эди. Тўй ҳам жуда антиқа бўлган. Авжи ўрик пишиғи эди. Тўйга келган хотинлар нима бўлса ҳам домланинг кўзини шамғалат қилиб, ўригидан бир-иккита узиб ейишни ният қилиб қўйишган экан. Домла пешонасига замбаракнинг оғзини тўғрилаб бурсанг ҳам, ўриikka қўл тегиздирмайдиган хилдан. Тажриба ўрик-да, ахир! Домла нима қилибди денг: кўрғончадан боққа кирадиган эшик олдига икки обдаста сув, эшик ҳалқасига учта тўн билан салла илиб қўйибди. Бечора хотин-халаж, қариялар таҳорат олгани кириб кетишган экан, деб боққа яқин келиша олмабди. Қалласи ишлаганини қаранг бу домласи тушмагурнинг! Қойилман. Маладэс!

Бургут яна кула бошлади. Домланинг келини билан

ораси бузилганининг сабабини билолмаганим учун яна сўрадим:

— Келини билан нега уришиб қолган эди?

— Ҳа, айтганча, хали айтдим-ку, домла чет элга ким борса, данак олиб кел, деб тайинлашини. Саёҳатчилар унинг юзидан ўтолмай, ўшокларда ўрик есалар, данагини ташламай олиб келаверишибди. Домла шундай қилиб бир халта данак йиққан эди. Келин бечора унинг «данак жинниси»лигини билмай, домла йўғида шу бир халта данакни чакиб еб қўйибди. Бошқоронғи экан-да, бечора. Домла кўчадан келса бир ҳовли данак пўчоғи ётган эмиш. Кўрибди-ю, тутканоғи тутиб қопти. Хушига келиб, бутун ҳовлини бошига кўтариб дод солибди. Кўни-қўшилилар йиғилибди. Унинг феълини билганлар лом-мим деб оғиз очишолмабди. Желиннинг ранги қув оқариб кетган, даф-даф титрар эмиш. Кейин домла ўғлига ўдағайлабди:

— Бу уйда ё мен тураман, ё хотиннинг туралди!

Албатта янги куёв бир нима деёлмай тил чайнаб, анқайиб тураверибди.

Бу гап келиннинг ҳамиятига тегиб, кийим-бошини тугиб отасиникига кетиб қопти.

Бургут яна бошини сарак-сарак қилиб кулди.

— Шунақа. Домла ўрик деганда ҳатто отасини ҳам аямайди...

Кейинги Ёзёвон сафаримда Чўл бургутидан Ўрик домлани суриштирдим.

— Қалай, домла чўлга келдиларми?

— Келди, — деди Бургут кулиб, — юринг, сизни домла билан таништириб қўяй.

Икковлашиб боғ учун ажратилган қўриққа қараб кетдик. Ҳаво булутли бўлса ҳам, чўл устидан илиқ шамол эсарди. Кафтдек текис ерларда қор кўринмас, фақат ҳар ер-ҳар ерда йиғилиб қолган кўлмак сувлар худди осмондек қул ранг тусга кирган, эсаётган шамолда уларнинг бети жимирлаб, кўрғошиндек ожиз йилтираб қўярди.

Шохлари яланғочланиб қолган бута остидан иккита қирғовул патиллаб кўтарилди-ю, сал нарироққа бориб тушди.

— Эҳ, кўнштиғ бўлмади-да... Роса семиз экан, узоққа учолмади-ку.

Бир оз жим бордик.

— Домла ёнига Тўппонча полвон билан Ёғоч полвонни олиб, бир кечадаёқ боғидаги янги ёш кўчатларни қовлаб, икки грузовойда чўлга олиб келди. Ҳозир бола-

лар ҳавонинг ганиматида олатасир кўчат ўтказишяпти. Ҳозир чўлга домланинг ишки тушиб қолган. Келганидан бери районга икки марта тушди, холос. Ўзи ҳам боғми-сан-боғ бўладиганга ўхшайди, — деди Бургут яна.

Дўнг ошганимиздан кейин бундан уч ой аввал кўрган-нимда канавокопателъ ариқ қазнётган жойда қатор ўтқа-зилган ниҳолларга кўзим тушди. Уч-тўрт одам бир жойга гуж бўлиб, нимадир қилаётган эди. Қадамни тезлатиб, уларнинг олдига бордик. Ёғоч полвон билан Тўппонча полвон ёш ниҳоллар танасига оҳак суртишаётган экан.

— Домла қанилар? — деди Бургут.

— Ҳозир келиб қоладилар, — деб жавоб берди Ёғоч полвон, афтини буруштириб, қалдини ростлар экан.

Ёғоч полвонга энди сал-пал жир битиб қолди. Тўппонча полвон эса хали ҳам ўшандек чаққон, сермулозимат. Чиройли кўзлари порлаб турибди.

— Бу жиқарча кўчатларни оҳаклайман деб белним қотиб кетди. Манови пакар энгашмай тик туриб оқласа, мен икки букилиб оқлаяпман!

Дарҳақиқат, бу узун бўйли йиғитга ҳадеб энгашаве-риш осон тушмас эди. Тўппонча полвон ичинг қилди:

— Ҳозир менга маза-ю, сенга азоб, ўрик пишганда сенга маза-ю, менга қийин бўлади. Негаки, сен тикка туриб узаверасан, мен бўлсам тагимга тўнка қўйиб чўзи-ламан.

— Сенга бу домла хали-бери ўрик уздириб қўя қол-мас-ов, нима дейсан, Бургут?

Бургут унинг гапига кулиб қўя қолди. Чўкки соқол, бошига пати тўзиб кетган сурма ранг дўппи кийган кўзойнакли, олтмиш ёшлардаги чол велосипед миниб келиб қолди. У, у ёк-бу ёққа қарамай, салом-аликни ҳам унутиб, Бургутга бир қоғоз узатди.

— Телеграммага жавоб. Шредер станциясидан уч юз туп кўчат оладиган бўлдик. Раисга айтсангиз: иккита грузовой берса, эртага Тошкентга кетаман. Мирзачўлдаги тажриба станциясидаги агроном Эшонхонов билан бирга ўстирган кўчатларимиз бор. Қайтишда ола келаман. Қалай, маъқулми?

Чол гапини тугатиб бўлгандан кейингина биз билан кўришди. Кўришди-ю, яна ўз гапи билан овора бўлиб кетди:

— Ҳаво роса бўлиб берди. Кўчат ҳозир маст уйқуда. Кўчатни уйқусида босган ютади. Эрталаб Риштондан эл-ликта кўчат келади. Агар Тошкентга кетиб қолсам, Бургут болам, ўзингиз бош бўлиб, анови радга эктирасиз-да!

Ўрик домла ёнгинасида турган кўчатнинг узун бир новдасини эгиб, гулкайчи билан кесаётганда, Бургут кулоғимга шивирлади:

— Бўлди энди, ўрикдан бошқа гап йўк. Сув ичмай икки соат гапиради.

Дарҳақиқат, Ўрик домла ўрикдан гапириб кунни кеч қилса-я! Қантак ўрикнинг ватани асли Риштон бўлиб, Конибодомга кейинчалик бориб қолгани, оқ ўрикнинг Риштондан кўра, Андижонда яхши ҳосил бериши, «пош-шойи»нинг туршагидан қилинган шарбатни баҳорда ичилса, медани тозалаши, хашаки ўрикнинг қокисини молга қайнатиб ичирилса — кўтир бўлмаслиги, «кал йўлдош»дан солинган баргакни олтингугуртнинг тутунига димланса — худди тиллага ўхшаб сап-сарик бўлишини роса тушунтириб кетди.

Унинг гаплари мени асло зериктирмас эди. Ўз хунарига бутун умрини бағишлаган бу қария етук бир олим бўлиб туюларди. Ахир, у олтмиш йиллик умрида ҳасиллик билан кўкартирган қанчадан-қанча кўчатлари бутун-бир водийнинг саноксиз боғларида яшнаб турганини ўйлаганим сари унга ҳавасим келар, юрагимда чуқур ҳурмат туйғулари кўзгаларди.

Кеч кириб атрофни қоронғи босди. Узоқда, янги по-сёлкада чироклар милтиради. Тўртовлон орқага қайтди.

— Домла, — деди Бургут йўлнинг ярмига етганимизда, — Тошкентга кетмасингиздан аввал қудангизникига бориб, келини кўриб кетсангиз бўларди.

Чол нимадир деб тўнғиллади. Чўл шамоли унинг овозини орқа томонга олиб кетди. Яна озроқ йўл юрдик.

— Бир халта данак-а, Ҳиндистондан, Афғону Арабистондан, Қашқару Кашмирдан келган данаклар эди-я. Э, аттанг!

— Бўлар иш бўлди, домла, энди ярашиб қўя қолинг. Кечиринг уни, билмасдан қилган-да.

— Сира кечирмайман. Бир халта данак энг камида икки юз туп кўчат бўлар эди. Қанақалигини ҳам билолмай қолдим.

Чол энди бошқа гапирмади. То кишлоққа етиб келганимизча ундан садо чиқмади. Келини еб қўйган данаги юрагини яна эзиб юборди шекилли, «степторг»нинг автолавкаси олдида биз билан хаёрлашар экан, бўшашиб қўл узатди. Дўкондан тушиб турган чирок шуъласида унинг юзлари худди ёнжимланиб, ўзи бирдан қариб қолгандек кўринди.

— Кўрдингизми ўжарлигини, — деди Бургут, ўйга кирганимизда. — Данақ воқеаси жуда ёмон таъсир қилган, қачон эзмалиқ қилиб гапни гапга қовуштирмаса, атайини данакдан гап очиб қўяман. Дамни ичига тушиб кетади. Хозир дунёда битта душмани шу келини, кўрарга кўзи йўқ.

Биз Бургут икковимиз алла-палагача ухламай, чўл ҳақида, чўлни ўзлаштираётганлар ҳақида гаплашиб ётдик. Боя домла ўрик ҳақида қандай тўлиб тошиб гапирган бўлса, Бургут ҳам қулфи дили очилиб, чўл ҳақида худди шундай мириқиб гапира кетди. У шундай яйраб гапирар эдики, етук бир шоир ҳам чўлни унчалик таърифлай олмас эди.

— Биласизми, меҳмон, ёз кечалари уйдан дайдиб чиқиб кетаман. Осмон тўла юлдуз, ой чўл устига келганда пастлаб ўтади, ё менга шунақа туюладими, ё ростдан ҳам ўзи шунақами, билмадим. Тунда турна учганини кўрганмисиз? Мен жуда кўп кўрганман. Жуда гаштли бўлади. Худди қўй ҳайдаган подачига ўхшаб «қуре-қуре» деб осмони заминдан ўтаверади. Айниқса, ойдин кечасидагининг гашти жуда бошқача бўлади. Синкага солинган оқ доқа орқасидан учиб ўтаётганга ўхшарди. Шамол кишлок томондан ғалати ислар олиб келади. Қўйнинг-чи, чўлда ёз кечаси чалқанча ётиб ухламаган одам, бу гапларнинг маъносига етмайди.

Бургут яхши бир қўшиқ эшитаётгандек тез-тез кўзини юмиб, паст овоз билан гапирарди.

— Хай майли, ухлайлик энди, меҳмон.

Бургут эндигина кўрпага бурканган ҳам эдики, кўча томондаги деразани биров чертди.

— Бургут болам, мен! Тўппончага айт, отни берсин, Қишлоққа тушиб чиқаман.

Бургут шошиб кийиниб чиқиб кетди. Ўн-ўн беш минутлардан кейин қайтиб келди. У уйқули кўзларини ишқалаб ҳадеб кулар эди.

— Ўрик домланинг келини ўрил кўрипти. Оғзининг таноби қочган. Бир жойда туролмайди. Ҳиринг-ҳиринг кулади. От олиб бердим, кишлокқа кетди. Боя келинини кўргани кўзи йўқ эди, ҳа, фарзанд экан-да! Туғруқхонадан чиқиши билан чўлга кўчириб келаман, дейди. Ҳали кўрарсиз, неvara тўйи қилиб беради. Пул кўп бу чолда. Тошкентда ўрик хусусида мана бундоқ катта китоби чиққан. Ҳа, айтганча, кинони кўрдингизми? Қизталоқ киночилар худди ўзимни опти-қўйинпти-я. Қурултойда қўйиб беришди. Мирзачўлдаги Ғанишерни ҳам олишган экан.

Делегатлар икковимизга ҳам «эрийсанлар» деб туриб олишди. Меҳмонхонада зиёфат қилиб бердик. Фанишер билан уриштириб ичдим. Икковимиз ўша ерда қўл олишдик. Нима дейсиз меҳмон, Фанишер зўр-а?!

— Сиз ҳам чакки эмассиз, — дедим. — Ахир, сизни кимсан Чўл бургути дейишади-я!

— Мен Чўл бургути бўлсам, Фанишер Мирзачўлнинг шерри. — Шер билан бургутнинг ташлашгани қизиқ бўлади.

Бургут кула-кула чирокни ўчириб, кўрпага кирди. Уйқум қочди. Кўзимга чўл ўртасида отини елдириб кетаётган Ўрик домла кўришиб кетди. Назаримда, у булутлар орасида гоҳ ёниб, гоҳ ўчиб турган юлдузларга, отининг ёлини сийпаб ўйнаётган чўл шамолларига ҳам ўрик хақида гапириб бораётгандек, атрофида ястаниб ётган текис чўлга ўрик кўчатларини бир текис тикиб кетаётгандек, янги туғилган неварасига саватда ўрик олиб бораётгандек эди.

Чўлларда бошланган янги ҳаёт ва янги одамларнинг қиссасини ёзиб тугатиб бўлармиди!

Бу қиссанинг ҳам ҳали давоми бор.

1959 йил.

## ЛОЧИН

Эрталаб Ўрик домла райондан қайтиб келди. Унинг оғзи қулоғида, қиқир-қиқир кулади.

— Неваралар муборак бўлсин, домла, — деди Бургут унга чой узатар экан.

— Куллуқ, куллуқ, болам, омон-эсон кутулибди ишқилиб.

Домла чой устида қизиқ бир ҳангомани айтиб берди.

— Туғруқхонага кетаётсам райторг Умаралининг уйида қарс-бадабанг ўйин-кулги. Қизини чиқазаетган экан. Эшигининг тагига машина тикилиб кетган. Ичкарига қисташди, узримни айтдим. Қайтишда киришга ваъда бериб ўтиб кетдим. Кўнглим хотиржам бўлиб қайтиб келсам, тўйхонада олатасир тўнолон. Умарали ғирт маст, оғзидан боди кириб, шоди чиқиб хотинини сўкади, ёр-ёр айтаётган яллачининг қўлидан чирмандасини олиб, кўзимнинг олдида жаҳл билан кетмон дастасига уриб қолса бўлади-ми, чирмандани дастага тешикулча қилиб кийгизиб қўйди. Нима гаплигини ҳеч ким билмайди, ҳамма ҳайрон.

Күёв Умаралининг этагидан ушлаб олган. Худди янги туғилган бузоққа ўхшаб оёғида араш туради. Юрса гандираклаб, кўрга ўхшаб одамларни пайнаслайди, оза бўлмаса ер ўчоққа тушиб кетайи деди. Хайрият, ошпаз этагидан тортиб қолди.

Шивир-шивир гап бўлиб қолди. Нима дейсан, келин хуштори билан қочиб кетибди.

Ичкари ховлидан хотин кишининг чанак чалиб йиеллагани, эркак кишининг сўккани эшитилди. Тўй тарқади. Күёвнинг отаси берган қалиннини кистаб қолди. Умарали сатга ўзини мастликка солиб гапни чалғитади:

— Топаман, ерининг қаърига кириб кетган бўлса ҳам тортиб чиқаман. Осмонга учиб кетган бўлса — бор мулкимни, «Победам»ни ҳам, хотинимнинг бўйидаги ўн тўрт қават дурини ҳам, ховли-жойини ҳам сотаман. Спунтик сотиб олиб, орқасидан қувиб чиқаман.

Умарали шу гапларни айтди-ю, сабзи тўғраб қўйилган бўйранинг устига йиқилиб, учиб қолди. Күёв боя қайи нотаси чирмандасини тешиб қўйган яллагининг пешонасини силаб, толен йўқлигидан, аввалги хотини ҳам бевафоллик қилиб бошқа бировга тегиб кетганидан нолиб, йиғи бошлади. Яллагини шилқимлик қилаётган «бетоле» куёвни силтаб ташлаб чиқиб кетди.

Хижолатликда томоғимдан бир қултум ҳам чой ўтмади. Чиқиб кетдим.

Ўрик домла хикоясини тугатиб, совуб қолган чойини шимирди.

Мен унинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, «ҳаҳ, ўрик аралашмаган гапинг ҳам бор экан-ку!» деб дилимдан ўтказдим.

— Хай, майли болам, энди менга жавоб. Ҳаво яшнаб келди, кўчатлардан хабар олиб кўяй.

Чол хайрлашиб чиқиб кетди. Бургут кўчагача уни кузатиб қайтишда олтмиш ёшлардаги кампирни бошлаб кирди.

— Хизмат, ая, бобой яхши юрибдиларми?

— Шукур, шукур, болам.

— Фанивой қалай, кўринмай қолди-ку?

Кампир Бургутнинг сўроғига жавоб бермай, кўзини ерга қаратди.

— Нима бўлди?

Кампир бесаранжом бўлиб қолди:

— Йўқ, ҳеч гап бўлгани йўқ.

— Айтаверинг.

— Ўзингизга айтадиган гапим бор.

Буларнинг гапига халақит бераётганимни сезиб қолдим. Кампир хушёрлик қилиб Бургутни ҳовлига имлади. Унинг кетидан чиқиб кетган Бургут анча ҳаяллаб қолди, сал фурсатдан кейин ҳовлидан унинг ўтин ёргандек қарсиллаб кулгани эшитилди.

Бургут уйга қайтиб кирар экан, ўзидан-ўзи кулар, ҳадеб «маладэс, маладэс» деяр эди.

— Қани юринг, мехмон, бир жойга бориб келамиз.

— Бир гап бўлдим, тинчликми? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Бир гап эмас, минг гап деявернинг, юринг, йўлда айтиб бераман.

Ташқарига чиқдик, ёлғизоёқ йўлдан чўлни кесиб, Қўшоқ ота звеносига қараб пиёда жўнадик. Олисда, шу йўлнинг уфққа сингиб кетган жойидан бояги кампир ҳассасига таяниб жадал борар эди.

— Хўш, десангиз, мен сизга айтсам, боя Ўрик домла айтган тўйдан келини ҳалиги кампирнинг ўғли олиб қочган экан. Ярим кечаси «Победа»да олиб келибди. Кампирнинг ўтақаси ёрилиб, тонг отгунча мижжа қоқмай, ана шарманда бўламан, мана шарманда бўламан, деб юрагини ҳовучлаб чиқибди. Қизнинг отаси Умарали закончи, кўп одамга зулминини ўтказган ярамас нарса. Бечора кампир, Фанивойга насиҳат қил, қизни элтиб қўйсин, деб келибди.

— Қиз билан Фанивой аввалдан дон олишиб юришармиди? — дедим қизиқиб.

— Дон олишганда қандокки, иккови ўзинчини бирга битирган, битиргандан кейин Фарғонага бориб тракторчилар курсида ҳам бирга ўқиб келишган. Ўзи жуда сулув қиз. Шаддодликда тенги йўқ. Эсимда бор, ёш вақтида ўғил болалар билан кураш тушаверарди. Кап-катта болаларни уриб йиғлатарди. Зўр нарса ўзи. Бир йилча бўлди отаси ишга чиқазмай қўйган. Бўлмаса МТСда бинойидек ЧТЗ ҳайдаб юрган эди, медаль ҳам олган. Ишга чиқмаганига ишхонаси ҳам аралашди, нима бўлди-ю, иш босди-босди бўлиб қолаверди. Умарали закончи, йўлнинг қилган-да. Худо урган ярамас одам дедим-ку, сизга боя. Яқинда шивир-шивир гап бўлиб қолди. Умарали қизини истансадаги дорресторанининг буфетчисига бераётганимиз, деб эшитдик. Аламига чидолмаган Фанивой маст бўлиб, буфетчининг бошига бутилка билан уриб, ўн икки кун мелисада ҳам ётиб чиқди. Қизини астойдил яхши кўрар эди-да. Бу ҳам ўзи боевой бола. Орияти кучли. Игнани тушга ботириб, биллагига санчиб, юракнинг суратини уч

бурчак қилиб ишлатибди, бир ёнига Ойша, бир ёнига Фани деб ёзиб қўйибди, вой тен-таг-эй. Шу қилинганга мажлисда роса ўсал қилинган.

Гап билан бўлиб, Қўшоқ отанинг қўрғонига етганимизни билмай қолибмиз. Қўшоқ ота тутининг тагида чўққайиб, бўкиб қолган сизирга туз ялатаётган экан, бизни кўриб ўрнидан турди.

— Келдингми, болам, э, меҳмон, зеркиб қолмадингизми?

Чолнинг бу гапидан, сен нима қилиб юрибсан, сени чақиртирганим йўқ эди-ку, деган маънони англаб, жуда мулзам бўлдим.

— Фанивойнинг ўзи қани? — деди Бургут чолга.

— Уйда, иккови ҳам уйда. Бўйининг узилмагурларининг қилган ишини қара. Энди нима қиламиз?

— Хайронман, — деди Бургут елкасини қисиб.

— Ичкарига киринглар, яхшилаб насихат қилинглар, маломатга қолмайлик.

Ховлига кирдик. Жуда ҳам чиройли, йиғирма тўрт ёшлардаги, қомати худди куйиб қўйгандек бир қиз ариқ бўйида жомашовда гупиллатиб кир ювяпти. Хавонинг салқин бўлишига қарамай, майка кийган шоп мўйлов йиғит беҳи шохига кир ёйини учун арқон боғляпти. Қиз бизни кўриб, тиззасига йиғилиб қолган эганини тушириб, ўрнидан турди.

— Ие, келинглар, — деди шоп мўйлов йиғит арқонини ташлаб, кўришгани қўл узатар экан.

— Ха, Фанивой, — деди Бургут қизга имлаб, — елмай-югурмай куёв бўлиб олибсанми?

— Нега елмай-югурмай бўлар экан, кеча тўйимиз бўлган, фақат тўй харажатини буфетчидан насия қилдик-да, — деди Фанивой кулиб, — қани, ичкарига киринглар. Ойшахон, чой қўйиб юборинг дарров!

Ойшахон айвон лабида турган оқ самоварни кўтариб, ошхона томонга ўтиб кетди. Кампир кирди.

— Ўзинглар тушунтиринглар, ганиравериб жағимда жағ қолмади.

Қўшоқ ота гапга аралашмади, хонтахтанинг четида болишни бағрига тортиб, нималарнидир ўйлаб тек ўтирарди. Кампир ўзларининг бир нима денглар, дегандек бизга қарайди. Ҳамма жим. Бу жимликни Қўшоқ ота бузди.

— Жуда хунук иш бўлди-да. Онаси зор қакшаб қидириб юргандир. Отаси бўлса...

Чолнинг гапи оғзида қолди, Бургут «Отаси чорт с ним» деб русчалаб юборди.

— Фарзанд-да, ахир. Бўладиган бўлса — очик-ойдин қилиш керак эди... Эртага элнинг оғзига тушади, унда нима деган одам бўламиз, халқ нима дейди?

— Халқми, — деди Бургут, — халқ, маладэс, дейди.

Бояттан бери судга тушган гуноҳкордек ҳамманинг кўзига қараб ўтирган Фанивойга бирдан жон киргандек бўлди.

— Э, дийдорингдан айланай. Бургутим, гапир, гапир шунақа.

Кампир топиб келган насихатгўйидан куйганини биллиб қолди.

— Энди гап шу, — деди Бургут, чўрт кесиб, — Фанивой жуда бопта иш қипти, бунақа ишни йигитнинг хўрози қилади. Қиз рози, йигит рози, вассалом. Ким нима деса деяверсин. Маладэс! Қизни зўрлаб сотадиган замон ўтиб кетган. — Бургут ҳовли томонга қараб қичқирди. — Хў, Ойшахон синглим, бир баққа қараб кетинг! Ойшахон деразадан қаради.

— Шу иш сизнинг розилигингиз билан бўлганими, тўғрисишни айтаверинг.

— Агар ўзим рози бўлмасам, тракторга сургатиб ҳам опкелолмасдилар.

— Шу гапдан, қайтмайсиз, а? Бўпти, битта универсал сизники, потиллатаверасиз. Қайси звенога қўяйлик.

— Эрим қайсинда бўлса мени ҳам шунга...

— Вой шўрим, — деди кампир юзини тирнаб, — на ниқоҳ, на закска қоғозсиз, эрим дейди-я... Вой, мусулмонлар, ҳеч бўлмаса Ўрик домлани чақириб, никоҳлаб қўйинглар.

— Кўп вайсама, — деди чол зарда билан, — Ўрик домла сен айтган диний домлалардан эмас, илм домласи, янгича китоб ўқийдиган домла! Розиман, раҳмат сизга, қизим, бир боламни шунча иззат қилиб, осмон никоҳини бузиб кепсиз, юрагингизга балли. Энди мундоқ қилсанглар, эртага раён тушиб, дадангиз билан энангизга юз кўрсатиб келсангиз. Харна қилса ҳам фарзандлик қарзи, Майли, Фани ҳам борсин.

— Бормайман! — деди Ойша қатъий қилиб.

— Жон болам, айланай болам, энангизга раҳмингиз келсин.

Маслаҳат билан Ойша уйга бориб келадиган бўлди, фақат уч кундан кейин, эри билан бирга бормокчи бўлди.

Бургут қизиқчиликка уларни «никоҳлаб» қўйди.

— Биби Ойша ибни Умарали кизи, Ёзёвой РТС механиги, орденли Фани Қўшоқ ўғлини шикоятингизга қабул қилдингизми?

— Пажалста, қабул қилдим, — деди Ойша учун атайини хотинча ингичка овоз билан Фанивой.

Ойшанинг ўзи ҳам пиқиллаб қулиб юборди.

Эртасига чиллали келин Бургутининг участкасига шудгор кўтаргани универсал миниб келди. У қулоғига бир даста гунафша кистириб, атайини келинлигини билдириши учун юзига билинар-билинимас қилиб уна қўйиб, кўкрагига пастга қаратиб, чучмўма тақиб олган эди. Ундан гунгуп атир ҳиди анқир эди.

Бургут унга ҳайдаладиган ерни кўрсатиб берди. Ойша моторни ўт олдириб, рулга ўтирмоқчи бўлиб турган эди, узокдан мош ранг «Победа» кўринди. Ойша бир нимани сезгандек қўл силтаб, тракторни ҳайдаб кетди. Қинни билан қор сувини шимиб кўнчиган ер палахса-палахса бўлиб кўча бошлади. «Победа» келди. Ундан ширакайф «куёв» тушди. У ёк-бу ёкка қарамай трактор кетидан югурди. Ойша атайини уни кўрмаганга солиб руль бошқариб кетаверди.

— Тўхта, ўттиз икки минг сарф қилганман, судга бераман.

Ойша қўл силтади. Куёв елдек югуриб трактордан ўтиб кетди-да, йиғирма метрча нарига бориб йўлга узала тушиб ётиб олди.

— Ўлигимнинг устидан ўтасан.

Трактор унга тўрт метрча қолганда тўхтади.

— Тур-э, бетинг қурсин. Хозир босиб қурвақадек эзиб кетаман...

— Ўзимни осаман, жавобгар бўласан.

Ойша трактор орқасидаги бир ўрам арқонини олиб унга улоқтирди.

— Ўзингни оссанг, хув ана, сим тортилмаган столба бор.

Ойша зарда билан яна рулга ўтирди. Унинг ҳаракатларини кузатиб турган Бургут:

— Маладэс! — деди.

Ойша юриб кетаётиб трактор устида тик туриб орқага қаради. Унинг бу қарашини, негандир, менга лочинини эслатди. Бунини Ўрик домла ҳам пайқаб турган экан.

— Ҳа, умрингдан барака топ, лочинининг ўзисан-а! — деб юборди.

Мен чўлда рўй бераётган бу ходисаларни, чўл бағрига қўл солиб, унинг яширган бойликларини тортиб олаётган

бу танти-мард одамларни кўриб, юрагимдан уларга тах-син ўкидим.

Чўл бургути ёнига йигитларни олиб, Ўрик домла обод қилган янги боғни айланиб, каналдан лой чиқараётган экскаваторчилар олдига от чоптириб кетди. Чўлнинг уфқ билан туташган ерида уларнинг сояси кўринди. Олдинда Бургут елиб борарди, ортидаги йигитлар гоҳ олдинга ўтиб, гоҳ кейинда қоларди. Уларнинг бу кўриниши худди бургут болаларини парвозга ўргатаётганга ўхшарди.

Ўрик домла билан икковимиз қолдик. У яна ўрикдан гап бошлармикин деб кўрқиб турган эдим, йўқ, иши қистов экан, боғига кетди.

Ёлғиз қолдим. Ойшанинг трактор ҳайдашини кузатиб туриб хаёлга толдим. Бургутнинг йигитлари парвоз қилган чўлга яна бир лочин учиб келгандек бўлди. Бу шундай лочинки, на унинг қанотини қирқиб бўлади, на ўзини қафасга солиб бўлади. У қафасни парчалаб кенгликларга парвоз қилган шаддод чўл лочини эди.

1959 йил.

## ЧЎЛ ШАМОЛЛАРИ

### ОДАМ ВА БЎРОН

Кундузи хаво жуда яхши эди. Кечаси бунақа бўрон бўлишини ким билибди? Мўйлов, Бесардан юкимни олиб келаман, деб машина сўраганда офтоб чарақлаб турган эди-я! Ўшанда машина бериб чакки қилган экан. Ҳалигача кўчада мотор гурилламайди. Қайтмабди-да!

Кўзибой у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилади.

Ташқарида бўрон қутурган. Дарвоза тўғрисидаги симёғочда ёниб турган электр чироғи лапанглаб, ҳали барг ёзмаган ниҳолларнинг соясини ердан олиб деворга уради, девордан олиб ерга уради. Симёғочнинг соясини бўлса ўз атрофида чир айлантиради. Бўрон ҳар хуруж қилганда деразага шитирлатиб кум сочади. Чўян қопқоғи очик қолган печка гоҳ бўрига ўхшаб увиллайди, гоҳ мушукка ўхшаб миёвлайди. Кўзибой уйғоқ. Ташқарига кулоқ солиб, кўрпани елкасига тортганича қимирламай ўтирибди. Қаердадир жаранглаб дераза ойнаси синди. Кимнингдир эшиги қарсиллаб очилиб ёпилди. Аллақайси томдан шифер кўчиб, тарақлаб ерга тушди. Кўзибой ўтирган ерида тимирскиланиб, шимининг чўнтагидан папирос олди. Хо-

тинини уйғотиб юбормаслик учун гугуртни ховучининг орасига олиб чакди. Заиф шуъла панжаларини худди кизил бўёкка ботириб олгандек ёритди. Хотини Кокила уйғоқ, коронвида нурли чирикдек нари бориб, бери келиб турган папирос чўғига қараб жимгина ётар эди.

— Э, ухламадингми? Қўрқяпсанми? Қўрқма! Бўронни энди кўряпсанми!

Хотини индамади.

— Бўрон қутуришга қутурди. Шунақа пайтда тўртта улфат бўлиб норин тўғраб ўтирсанг, роса гаштли бўлади-да, хотин.

Кокила эри бу гапни уни алахситиш учун айтаётганини билиб турарди. Бўлмаса, кум қутурган пайтда ким улфатчилик қилибди-ю, ким норин тўғрабди? Эрининг одатини билганидан индамай қўя қолди. Эр-хотин анча вақтгача жим қолишди. Охири хотини чидамади:

— Мени овузмай қўя қолинг, сираям қўрқаётганим йўқ. Қўрқсам, янги келган пайтларимда, ёлғиз ўзимни бий далага ташлаб, районга семинарга кетган пайтларингизда қўрқардим.

— Бўлмаса нимага ухламайсан?

— Ўзингиз-чи?

— Менинг йўриғим бошқа, — деди Қўзибой яна папирос тутатиб, — бошимда шунча иш... Саксондан ошиқ уйни қаққайтириб қўйдик. Энди йигирма бештасига одам келди. Пахтани икковимиз экиб, икковимиз терамизми? Шуларни ўйлаб уйқум келмаяпти, хотин.

Хотин эрини юпатмоқчи бўлиб, елкасини унинг елкасига ишқади.

— Жудаям ташвиш қилаверманг. Одам келади. Шу бугуннинг ўзида олти хонадон кўчиб келди. Эртагаям, индингаям келади. Ҳали қараб турунг, қурган уйлари-нгизга одам сифмай кетади.

— Буни сендан яхши биламан. Келадиган бўлса авжи экиш пайтида келсин-да! Бўлди, энди ухла! Нима бало бўлди, Мўйлов ҳали ҳам қайтмади-ку!

— Қайси Мўйлов? — деди хотини яна ёстикдан бош кўтариб.

— Бугун кўчиб келган бақалок йигит-да. Матрос бола.

— Вой шўрим, шаҳарга кетганмиди? Хомиладор хотинини ёлғиз ташлаб-а? Ўрганмаган жой, юраги ёрилади-я! Қўрқаётгандир...

Хотинининг гапи оғзида қолиб, Қўзибой ўрнидан сакраб турди. Чироқни ёқиб соатига каради: ўн иккидан ошибди.

— Нима қилмоқчисиз, бормоқчимисиз?

— Хабар олиш керак. — Қўзибой шундай деди-ю, шошиб кийина бошладди.

Хотин ҳам ўрнидан турди.

— Мен ҳам борай, хотин кишининг ёнига кечаси борсангиз, билган ундоқ дейди, билмаган мундоқ дейди. Эрининг ҳам кўнглига келиши мумкин. Мени ўша ерга ташлаб, ўзингиз қайтиб келарсиз. Уйда Бобир ёлғиз қолмасин, — деди Кокила. — Бечоранинг хотини жуда пишиб турган эди. Дард тутиб қолмасин тагин.

Эр-хотин ҳовлига чиқишди. Бўрон ҳамон авжида. Қўзибой кўзини қумдан сақлаш учун чопонини бошига ёпиниб, ҳовлининг нариги томонига ўтиб кетди-да, зум ўтмай, эгарланган от етаклаб чиқди. Эр-хотин отга минди. Хотин эрининг орқасидан маҳкам қучоқлаб, кўзини қумдан яширганча жимгина борарди.

Шамол гувиллайди. Яқинда шағал тўкилган катта йўл четларидаги ниҳоллар тагини қум ўраб олибди. Лапанглаб турган электр чироқларининг нурида қум қуюни худди ёнбошдан ёғаётган қорга ўхшайди. Ниҳоллар тагида тўдаланаётган қум уюмлари эса, аста-секин ўрмалаб, уни ҳалқумидан бўғмоқчидек.

Катта йўл орқада қолди. Лампочкалар олисда сузаётган кема чироқларидек тебраниб милтирайди. Эр-хотиндан садо чиқмасди. Уларнинг ҳар бири ўз ўйи билан банд. Фақат отгина ҳушёр. У бошини сарак-сарак қилиб, индамай олдинга интилади. Ёллариини буйдалаётган бўронни сузиб ташлайдигандек бўйинини ғоз тутиб қоронғилик қаърига кириб кетмоқда. Эр мудрайди, хотин хаёл суради...

...Бир вақтлар Кокила ўнинчини битириб, артистка бўлишга аҳд қилган эди. Қайси бир журналки бор, янги моданинг расми чиқса, суриштириб ўтирмай, шартта йитиб оларди. Тўққизинчида ўқиб юрган пайтларидаёқ онасидан бекитиб сурма қўярди. Сочини, нақ тақимига тушадиган қоп-қора узун сочларини елкасидан кестирмоқчи бўлганда, акасидан роса калтак еган эди... Ҳаммаси ўтди-кетди. Болалик орзулари, шўхликлари битди, энди у балоғат остонасидан аллақачон ҳатлаб ўтган. Мана шу Қўзибой йўлида пайдо бўлди-ю, болалигини шамолдек аллақайларга тўзатиб юборди-қўйди.

Қўзибой армиядан ўзининг туғилиб ўсган қишлоғи Симсойга қайтиб келганда, Кокила ҳаваскорлар группаси билан Тошкентга фестивалга кетган эди. Кокила фестивалдан исми ёзилган тилла соат мукофот олиб қайтиб келса, бир вақтлар ўзи «хумкалла» деб лақаб қўйган

Қўзибой армиядан қайтиб келиб, қизларнинг бошини айлантириб юрибди. Ўзи ҳам тўлишиб, савлатли бўлиб кетибди. Эғнидаги ироқи куйлагининг кўкраги тирсиллаб турибди. Кокила уни кўрди-ю, эс-хушини йўқотди-қўйди. Ўша куни кўзларига сурмани қалин чаплаб, Қўзибойнинг олдидан икки-уч марта атайлаб каклик юрини қилиб ўтди. Бутун вужудидан мухаббат ва ёнликнинг фақат балоғатга етиб, овози дўриллаб қолган ўсирилларгина биладиган ғалати ғамзаси ёғилиб турган қиз Қўзибойнинг ҳам кўзини тиндирди. Бола оромини йўқотди. Атир ҳиди димоғига кирса, безовта бўладиган, ингичка овоз эшитса, кўзи сузиладиган бўлиб қолди.

Кокила бир кун магазинга кирганда ҳар балога аралашаверадиган, оти Усмон бўлса ҳам негадир, Осмон деб лақаб олган (балки лақабни ҳам Кокила қўйгандир), бурни япаски йигит сичқоннинг думидек ингичка мўйловини бураб, унга маъноли илжайиб қўйди:

— Қўзибойни единг-а? Балосан, бало!

Кокила энсаси қотганидан лабини чўччайтириб, индамай чиқиб кетаверди. Сал нарироқа борганда, гап кор қилиб, орқасига қайтди.

— Нима дединг? Яна битта гапир-чи!

Бунақа пайтларда Кокиладан яхши гап чиқмаслигини билган Осмон гапни айлантормоқчи бўлди:

— Менга қара, панбархит келди, бир отрез олиб қўйганман, ҳали айтиш эсимдан чиққан экан.

— Бояги гапни айт деяпман! Сен пучуқ обдаста ўлгурга ким қўйибди бировларнинг ишига аралашини? Тегмаганимга алам қиляптими? Қўзибойга тегмоқчиман, билдингми?

— Э, — деди Осмон, — Қўзибой олиб бўпти сени, бошига урадими?

— Нима, нима? Олмай бўпти?

Кокила шундай деди-ю, тарс-тарс юриб чиқиб кетди.

Қиз айтганини қилди. Қўзибой беданадай патирлаб Кокиланинг тузовига тушди. Бир ойдан кейин тўйлари бўлди, икки ярим ойдан кейин турмушлари бузилди. Қўзибой шинелини елкасига ташлаб, уйдан чиқди-кетди. Соч-соқоли ўсиб, ранги рўйи бир ҳолатда бўлиб, самоварларда ётиб юрди. Кокила ҳар куни гузарга чиқиб, кўпчиликнинг ўртасида «Ёш умримни хазон қилдинг!» деб уни юмма талар, гапга нўноқ Қўзибойнинг дилини сиёх қилишини қўймас эди. Катта-кичик ораларига ҳам тушиб кўрди. Кокила лўлилик қилиб, бировга гап бермай

бидирлар, Қўзибой эса тўнғиллар эди. Хуллас, уларнинг мураси тўғри келмай қолди.

Ораларига совуқчилик тушишининг сабаби шундай эди:

Кокила Тошкентга артистликка ўқишга кетадиган, лекин Қўзибойни ташлаб кетгиси келмай (қизлардан қизғандарди) уни ҳам шаҳарга бирга олиб кетмоқчи бўлди. Қўзибой унамади, жон деб ўқирдим, яқинда армиядан келдим, тўй қиламан деб унча-мунча чиқимдор бўлдим, унинг устига, сендек кийимга ўч хотиним бўлса, ишламан, деб туриб олди. Хуллас, у гапга, бу гапга кўнмади. Қўзибой Кокиланинг жанжалидан қочиб, чўлга қараб кетди. Колхознинг чўл участкаси ўша пайтларда Қўзибойни чақириб турган эди. Армия кўрган, интизомли, бакуват ёш йигит ишга ёпишди-қўйди. Раис ҳам, парторг ҳам севиниб кетишди.

Орадан бир йил ўтди. Қўзибой аввал бригадир, участка алоҳида колхоз бўлиб ажралиб чиққандан кейин эса, ўзи раис бўлиб қолди. Эри чўлга кетгандан кейин, ундан кўнгли тинчимай, Тошкентдан қайтиб келган Кокила таниш-билишларига: рўзгорли одамга ўқиш бўлмас экан, деб баҳона қилди.

Кимдир, Қўзибой уйланыпти, деб унинг юрагига ваҳима солди. Кокила ўша кунгек чўлни бошига кўтариб шаңғиллаганча Қўзибойнинг олдида борди. Шу борганча кимирламай қўя қолди. Театр ҳақидаги орзулари ҳам, пардоз-андоз ҳам, Симсой кўчаларини бурқситадиган атирлар ҳам эсидан чиқди. Сочини бошига турмаб, енгини шимариб, чўлга ишга киришди. Битта ўғил туғиб берди-ю, эр-хотин орасига меҳригиде тушди-қўйди...

Кокила ҳозир довулнинг гувиллашига кулоқ солиб, шулар тўғрисида ўйлаб кетмоқда эди. Қаердандир, жуда яқинда бўри улиди. Қўзибой хотинини алахситмоқчи бўлди.

— Костюмининг этагига қора мой тегибди. Эртага бензин олиб келиб бераман, тозалаб бер. Индинга райком бюроси бор, шу аҳволда бормаи, хотин.

Кокила индамади. Худди отнинг тумшугига тегайтегай деб бир бўри олдиндан югуриб ўтиб кетди.

— Ит, ит-ку! — деди Қўзибой унинг бўрилигини била туриб. — Отабойнинг овчаркаси, танийман!

Хотини эрига билдирмай пиқ этиб кулиб қўйди.

Чўл чўллигини қиларкан. Боятдан бери ўнг томондан эсиб, қумни шопираётган бўрон энди чап томондан эсар, аллақасқлардаги қумларни кўчириб келарди. От тизза-

дан кум кечиб, дунг ошпадини келди, уни аламанлик бошланди. Ошпади килтирди чирок кўриди. Кўзибой жилтовини тортмага дам от қилди чирок кўриб, бошланди.

— Кўриштинми? — деди Кўзибой келтирди торушда, — баяги ит дарага кўриб келди.

— Сиздин ошпади келтирди, кўриштинми Кўзибойманми?

Янги киши келди кўриб, бун бун, хувиллаб ётган янги, ошпади, кўриштинми, кўриб, келтирди чирок ёнарди.

— Хали ётмади, кўриштинми Кўзибой. Агар Мўйлов келмаган бўлса, сиз келмаган бўлсан. Хали келтирди кетавераман.

— Кўриштинми?

— Бўри ермиди.

Кўзибой эшик олдига келди, ошпади тушиди. Кўлини пешонасига кўйиб, кўриштинми кўриб, келди ташлади. Кейин, ошпади туши, кўриштинми келди. Кокиланинг узанига оёқ кўриштинми кўриб, тушириб кўйди-да, кўлини кўриштинми ошпади олдига олиб келди. Ичкарига келди.

Хали жой ошпади кўриштинми кўриб, келди самовар, сандик устида ошпади кўриштинми кўриб, тушди. Юзига доғ тушган коркалга кўриштинми кўриб, келди балиш кўйиб, тиззасида чакалокка кўйлакча тикипти. Рангини ошпади окартирган одеялга чалкамча ётиб олган мўйловдор йигит яланғоч қорнига боласини миндириб, нималардир деб жаврайди. Уни от кўлиб миниб олган боланинг бир кўлида тешиккулча, бир кўлида кизил қоғозли конфет. Ерда ҳам конфет қоғозлари. Йигитнинг кўкрагига боши бургут, танаси одам, оёқ томони баликка ўхшаган сурат солинган.

— Қойилман, матрос! — деб жоборди Кўзибой, унга хаваси келиб.

Электр чироғи кўзни оладиган даражада ёритиб турган чўл ўртасидаги уйда кишининг хавасини келтирадиган қандайдир бир халоват, беозор, осуда хаёт гуркираб турарди. Ташқарида чўл бўрони кутуриб, кумларни чор атрофга пуркади.

Кўзибой билан Кокила бўронда тебраниб, нурда порлаётган осуда онла манзарасидан кўз узолмай туришарди.

— Сен шу ерда қол, энди мен кетаман.

— Кирайлик, хавотир олганимизни айтайлик-да! Библиб кўйсин ташвиш килганимизни.

— Асло! — деб унинг гапини бўлди Кўзибой — Келганингни писанда килмокчимисан? Йўқ, хотин. Би-

ровга яхшилик қилсанг, ўзига билдирмай қил, кимга мишнатдорчилик билдиришини ўзи ҳам билмасин. Ана унинг гашти бошқача бўлади.

Кокила яна деразадан қаради. Энди бола «от мишиш»дан зеркиб, дадасининг корнида ўтириб мудрарди. Бирдан Кокиланинг эсига уйда ёлғиз қолган ўғилчаси тушди. Юрагини ваҳима босди. «Бола бечора уйғониб, ёлғиз уйда бўрондан кўрқиб ўтирган бўлса-я!»

Кокиланинг кўзига боя йўлни кесиб ўтган бўри кўри-ниб кетди. Шошиб бориб отнинг эгарига ёпишди.

— Юринг, кетамиз. Бобир уйғониб қолган бўлса...

Кўзибой илдам эгарга мишиб, хотинининг қўлидан тортди. Отнинг сағрисиغا беозор бир-икки қамчи тегизди. Жонивор бошини силкиб, йўлга тушди.

Боя қум босган йўллارни энди терс эсаётган бўрон супуриб қўйган эди. Бўрон қутургандан қутуриб ётибди. Бўкиради, увиллайди. Шу довулга кўкрак тутиб кетаётган эр-хотин бахтиёр. Уларнинг хар иккови ҳам ваҳимали товушларга қулоқ солиб, ўз ўйи билан овора.

Одамзод қизиқ бўлар экан. Бўлмаса, Кокила шу ваҳимали, даҳшатли бўронда кета туриб ҳам пошнасї бигиздек туфли хақида ўйлармиди.

1961 йил.

## БЎСТОН

Кўзибой бундан уч кун аввал отда кета туриб шу ўрикнинг новдасига бўй чўзиб караганда куртаклар бўртиб қолган эди. Энди бўлса анор донасидек кип-қизил гунчалар пайдо бўлибди. Отабойнинг ҳовлисидаги бодом худди крепденини кўйлакни дорга ёйиб қўйгандек чамаи бўлиб ётибди. Бирдан Кўзибойнинг чехраси ёришиб кетди. От жилловини бўш қўйиб, қамчи дастасини дутордек чертиб, қўшиқ бошлади...

Кўзибой бировнинг олдида сира ашула айтган эмас. Аммо айтса бировга маъкул қиладиган ширали овози бор. Уйда Кокила дуторни қарсиллатиб қўшиқ айтганда, Кўзибой унча-мунча жўр бўлиб турарди. Лекин ўзининг дуторга сира қўли келишмасди. Парда босишга нўнок. Шундай пайтларда қизиқчиликка олиб: кетмон дастасига ўрганган қўл пардага ковушмаяпти, деб кўяди. Тор чертганда бўлса, нақ дуторнинг корнини ёриб юборгундек қилиб қопқоғига тақиллатиб уради. Дуторга жони ачиб турган Кокила дарров эрининг қўлидан олиб кўярди.

— Хотин, бизга жуда бўлмаганда қорни замбардек дутор бўлса-ю, ашулани ҳаммомда айтсак.

— Сизга шундай бўлса бордир, нега мени аралаштирасиз! — деди унга Кокила...

Дала йўлида хиргойи қилиб кетаётган Қўзибойи шу гапларни эслаб кулиб кўйди. Чўл шамоли аста елииб турарди. Офтобнинг иссиғи ботган шудгорда худди жазирама қиздирган тунука томда яланг оёқ юрган одамдек ола ҳаққа сакраб-сакраб юрарди. Ҳар замон энсани қотириб, шикоят билан қор чақиради. Чўлнинг узок-яқинидан мотор гуруллагани эшитилади, Қўзибойининг кайфи чоғ. Ҳамон хиргойи қилиб, атрофга разм солиб боради. Йўл-йўлакай у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган юк машиналарининг шофёрлари кабинадан бош чиқариб, унга салом бериб ўтишади. Устига кўрпа-ёстиқ ортилган машинанинг босқичида тик туриб келаётган Мўйлов машина Қўзибойга яқинлашганда сакраб тушди.

— Ха, нима қилиб юрибсиз, ошна? — деди Қўзибойи отдан тушмай, кўришгани қўл узатар экан.

Мўйлов бесаранжом кўзларини жавдиратиб, дарров гапиролмади.

— Шу, келинингизнинг дарди тутиб қолса бўладими, доя хотин топилмаса, машинада Заркентга обориб ташласам, деган эдим. Каттаси ўша ерда туғилган эди.

— Заркентда нима бор! Докторларга бекорга ҳақ тўлаб юрибмизми. Оборинг ўзимизнинг туғруқхонага. — Қўзибойи узангига оёғини тираб қаддини ростлади-да, камчи дастаси билан йўлнинг чап томонини кўрсатди: — Ҳу, анови ерда, кўряпсиизми, радиоузелнинг орқасида. Отабойга бориб айтинг, «Волга»ми берсин. Жойлаштириб бўлганингиздан кейин, олдимга келинг. Идорада бўламан.

Мўйлов ўткинчи машина кузовига осилиб, идора томонга қараб жўнади. Қўзибойи илжайиб, устахонага кетаётган одам, отининг жиловини шудгорга буриб, туғруқхонага қараб кетди. Яхши ҳам ўзи келгани. Туғруқхонада ҳеч ким йўқ. Бир оёғи кесилиб ёғочоёқ уланган қоровул йиғит ногиронлар машинасини тўнкариб кўйиб, нима балодир қилмоқда эди.

— Доктор қаёқда? — деб сўради ундан Қўзибойи.

— Опа шу ерда эдилар. Эснаб-эснаб ўтириб, мен кетдим, деб кетдилар. Аммо лекин қаёққа кетаётганларини айтмадилар. Ишингиз бормиди ё шунчалик проверкам?

— Дарров топиб келинг. Беш минутда шу ерда бўлсин!

Кўзибой отдан тушиб, машинани ўнглашга қаршиб юборди. Қоровул қўлтиқтаёғини худди қайиқчиларнинг эшкагидек тиззасига қўйиб, машинасини ҳайдаб кетди. Машина жонивор ҳам унча тузалмаган экани шекилли, чунонам патиллаб бердики, нақ чўлни остин-устин қилиб юборай деди.

Кўзибой туғруқхона атрофида анча айланиб юрди.

Деразаларга акрохинга бўялган дока пардалар тутилган. Туваклардаги гулларнинг барглари офтобга интилиб, ойнага қапишиб олган. Катта дераза раффидаги тувакда ўсган бодринг палак отиб, шифтга етай деб қолибди. Сап-сарик гуллари офтобда яшнаб турибди. Кўзибой разм солиб қараса, битта-иккитаси найчалабди ҳам. Кўзибой туғруқхона битгандан бери бу ерга энди келиши. Унинг бу ёқларга келишига ҳеч қандай зафурат ҳам бўлмаган эди. Бу чўлда ҳали биронта одам болмаси дунёга келмаган, туғруқхона комиссия келганда кўрсатиш учунгина хизмат қиларди, холос. Мухбирлар ёнидан қоғоз олиб, чўлда барпо бўлган биноларни ёзиб олаётганларида, Кўзибой албатта, «Намунали туғруқхонамиз ҳам бор!» деб кўшиб кўярди. Энди бўлса ўша «намунали» туғруқхона намуналикдан чиқиб, росмана ишини бошлайдиган бўлди. Кўзибой ҳам ёнидан блокнотини олди. Нималарнидир ёза бошлади:

«Даралар чирка, чинни умивальник, артезиандан кувур тортиш, телефон ўрнатиш, фермадан сут, Отабойни Марғилонга юбориб, нимаки керак бўлса олиб келтириш...»

У айтганини қиладиган киши бўлгани учун ҳам ёзиб олганини аъзолар ишнинг битгани деб билишар эди. Гоҳ гуруллаб, гоҳ ўқ отгандек пакиллаб қоровулнинг машинаси етиб келди. Ундан ёшгина, икки юзи қип-қизил, тўмтоқ қош, бақалоқ бир қиз тушди. Бу — бундан икки йил олдин акушерлик мактабини битирган Гупра деган андижонлик қиз эди. У раиснинг чақиртирганидан кўрқиб кетган экан шекилли, қўй кўзлари ташвишли жавдирарди.

— Синглим, ҳозир бир хотинни олиб келишадди. Тайёرمىсиз? Нимангиз бору, нимангиз йўқ, айтинг. Ўзингиз эплаштирасизми, ё одам чақиртирайми? Уялмай айтаверинг, бу янги еримизда биринчи марта одам туғилиши. Тушуняписизми? Бу сиёсий иш!

Гупра қиз боши билан неча марталаб хотинларни туғдирган, Тошкентдаги катта туғруқхонада зўр акушеркаларнинг қўлида таълим кўрган бўлса ҳам раиснинг,

снѣсий иш, деб кўйганидан кейин юраги дов бермай қолди. Бир оз саросимадан кейин, ўзимиз эплаштирамиз, деган маънода зўр билан илжади.

— Хотиржам кетаверай-а? Ниманки керак бўлса, қоғозга ёзиб беринг, эртага завхозни шаҳарга юбораман, олиб келади. Шунини яхши билингки, ишингиз энди кўн бўлади. Пишиб турган хотинлар кўп. Уйма-уй юриб консультация берасиз. Машина керак бўлса, меникини олаверинг. Менга фақат шаҳарга тушганда керак бўлади, бошка вақт сизники.

Кўзибой отга миниб, қаёққадир кетди. Фупра калит солиб, уйини очди-да, қоровулга сув қайнатишни буюриб, ўзи асбобларни саранжомлашга киришди.

Машина келди. Ҳаво ранг «Волга» дан Мўйлов хотинини суяб олиб тушди. Ичкарига киришди. Хотин дояни, кексароқ одам, деб ўйлаган экан, ёшгина қиз эканини кўриб, кўнгли озиб қолай деди. Эрига, шу ердан қимирламайсиз, деб туриб олди. Мўйлов Фупранинг ишораси билан ташқарига чиқиб, скамейкага ўтирди. Ичкаридан хотинининг безовта овози эшитилиб турарди. Мўйлов этаги осмон билан туташиб кетган чўлга қараб, жимгина ўтирарди.

Ёнидан медпунктнинг ҳамшираси ўтиб кетганини ҳам сезмади. Ияғини икки кафтига тираб, ҳамон қимирламай ўтирганча хаёл сурарди. Хотинини, ўғлини, энди туғилдиган боласини ўйларди. Онаси бўлганда қандоқ ташвиш қиларди, янги неварасини кўрганда қандоқ севинарди! Шундай пайтда жим турулармиди, елиб-югурмасмиди?..

Мўйловнинг кўзи олдида юзларини ажини босган, қадди букилган онасининг меҳрибон сиймоси гавдаланди. «Кўрқма, болам, хотининг омон-эсон қутулиб олади, мана кўрарсан» деяётганга ўхшарди. Онаси ҳар гапнинг охирига «мана кўрарсан» деб кўшиб айтарди. У ўғлига тасалли беравериб, шу гапга ўрганиб қолган эди. «Даданг урушдан омон-эсон қайтиб келади, болам, мана кўрарсан...» «Даданг қайтиб келганда сенга ҳам этик олиб беради, мана кўрарсан...» «Даданг келганда кўлингдан етаклаб бозорга олиб бориб, ҳар нарсалар олиб беради. Омонтой, мана кўрарсан...» Бирок унинг дадаси урушдан қайтиб келмади, ўғлига янги этик ҳам, бозорга олиб бориб, ҳар хил нарсалар ҳам олиб беролмади...

Омонтой дадасиз ўсди. Дадасининг башарасини ҳам эслаёлмайди, фақат суратидан танийди, холос. Она етим болани ортмоқлаб катта қилди. Ўқитди, сафга кўшди. У ерга урса осмонга сапчийдиган олов бола бўлди. Шундай

шўҳ, шундай жанжалкаш бола баъзи пайтларда бирдан хаёлчан бўлиб қолар, айниқса, кечқурун кўрпага киргандан кейин ухлаёлмай, ярим кечагача тўлганиб чиқар эди. Она шуидай кезларда унинг бошини силаб, юпатарди.

— Болам, ҳеч ким отасиз ўсмабдими, бўйинг чўзилиб қолди, энди ўзинг ота бўласан, мана кўрарсан.

Омонтой балофатга етди, ўнинчини битирди-ю, кўнглига денгизчи бўлиш нияти тушиб, денгиз томонларга толпиниб қолди. Армияга кетди. Она ёлғиз қувончини қишлоқнинг то одамнинг қораси йўқолгунча кўриниб турадиган узун кўчасидан йиғлаб кузатиб қолди. Она-бола орасида хат узилмади. Ўғил хизматларидан, денгиз тўлкинларидан ошиб, олис ўлкаларга боргани, у ерларда нималар кўрганини ёзарди. «Ойижон, чет эл, чет одамлар орасида юриб, ўз қишлоғимизни, ўз одамларимизни жуда соғиндим» дерди Омонтой ҳар хатида. Она эса: «Болам, қишлоғимиз, одамларимиз яна ҳам яхши бўлиб кетди, мана, келсанг кўрарсан...» дерди.

Она қариди, ёлғизликда сўлий бошлади. Кейинги хатида: «Жон болам, қариганда тўйингни кўрай, болангни кўтарай, ҳеч бўлмаса уйланиб, хотинингни олдимга кўйиб кет, сени икки кишилашиб кутайлик. Қишлоғимизнинг қизлари бўйга етиб, оқи оқ, қизили қизил бўлиб етилиб турибди. Мана, келсанг кўрарсан...» деб ёзди. Омонтой хизматнинг бир ярим йили қолганда отпусмага келиб уйланди. Она бутун бисотини сарфлаб, тўй қилиб берди. Омонтой оқи оқ, қизили қизил бўлиб турган қизларга эмас, ўзи билан бирга ўқиган камгап, аммо ашула айтса ҳаммани сел қиладиган, эртаққа уста Илтифотхон деган қора қизга уйланди. Кампир неваралик ҳам бўлди. Лекин неварасини кўрди-ю, ўғлини қайта кўролмади. Омон қайтиб келганда она ёруғ дунёдан ўтган эди.

Омонтой она қабрида бутун вужудидан сиқилиб чиққан кўз ёшларини тўкиб йиғлади. Онасининг кимлигини, қандай она эканлигини гўё энди билаётгандек, қайтмас бўлиб кетгандан сўнггина билаётгандек аччиқ алам ёшларини тўкиб йиғлади.

Шунақа бўлади, ҳамиша оддий, бекадр бўлиб кўринган нарсалар йўқолганда, қайтиб топиб бўлмайдиган бўлиб йўқолганда қадри билинади.

Омонтой юртга ош бериб, армонини босгандек бўлди-ю, қишлоқдан Бесарга кўчиб кетди. Уни Бесар мактабига ўқитувчи қилиб тайинлашган эди. Орадан сал ўтмай, чўл одам чақира бошлади. Мана бугун икки кундирки, Омонтой кўрпа-тўшагини ортиб чўлга келган.

Хали бу ерда унинг кимлигини ҳеч ким билмайди. Та-  
ниш-билишлари ҳам йўқ. Илтифотхон тувруқхонада...

...Бирдан ичкарида шов-шув кўтарилиб қолди. Шу  
шовқин ичида чакалоқнинг ингаси қулоққа чалинарди.  
Омонтой санчиб ўридан туриб кетди. Агар қоровул уш-  
лаб қолмаганда ичкарига кириб кетарди ҳам. Боя шошга-  
нидан ёнига папирос солиб олмаган экан, жуда хумори  
бўлиб кетди. Қоровулдан сўради, аксига у ҳам чекмас  
экан. У ёқдан-бу ёққа безовта бориб-келиб тураркан,  
хамшира хотини чиқди. «Бу қачон келган экан?» деб  
дилдан ўтказди Омонтой.

— Суюнчи...

Омонтой нима дейишини билмай ганграб турарди.  
Охири беихтиёр: «Ўфилми, кизми?» деб сўраш ўрнига:

— Оти нима? — деб юборганини ўзи ҳам билмай қолди.

Унинг ҳолатини сезиб турган хамшира қулиб жавоб  
берди:

— Отини ўзингиз кўясиз. Қизча муборак бўлсин,  
иним!

— Қуллук, қуллук!... Онаси қалай? Онаси бардамми?

Хамшира, хотиржам бўлинг, дегандек кўзини қисиб  
кўйдди. Омонтой узатган суюнчинини олмай қайтарди. У  
кириб кетгандан кейин қоровул йиғит илжайиб унга яқин  
келди.

— Ука, суюнчинини бизга беринг-да, бу чўл тувруқхона-  
сида биринчи одам туврилиши, биринчи суюнчинини ўзим  
оламан. Мабодо яримтага етмаса, киссангизда тураверган-  
ни маъқул.

Қоровул қизикчилик қилаётган экан, у ҳам пулни  
олмади. Омонтой хотинининг олдига киритишмагандан  
кейин пиёда идорага қараб кетди. Ранс йўқ экан. Бурчак-  
да чўт қоқиб ўтирган Отабой:

— Кассадан пулнигизни олинг, — деди.

Омонтойнинг колхозда хали оладиган ҳақи йўқ эди.  
Хайрон бўлди.

— Олаверинг, ука, олаверинг, Кейинчалик узилшиб  
кетасиз. Ранс тайинлаб кетган, келмасангиз уйингизга  
элтиб бермоқчи эдик. Ранс айтган ганини қилдирмай  
кўймайди. Олинг, бўлмаса биз балога қоламиз.

Омонтой иккиланиб кассага борди. Шу пайт Кўзибой  
келиб қолди.

— Ўфилми, ҳолва? — деди илжайиб.

— Ҳолва, ҳолва! — деди Омонтой ҳам илжайиб.

— Дуруст, дуруст! Қани бакқа киришгчи, ўтиришг!  
Гап бундоқ, Ўфилчани бизниқига обориб кўйинг. Кокила-

нинг ўзи келиннинг иссиқ-совуғидан хабар олиб туради. Туғруқхонада бир одам учун складдан нарса олиб, қозон қайнатиб ўтирмай қўя қолишсин. Пулни олдингизми? Кам-кўстингизга яратинг. Энди ишдан гаплашайлик. Қандок иш берсак маъкул?

Омонтой ўзингиз биласиз, дегандек ишдамай турарди.

— Йўқ, йў-ўқ, матрос йингит. Айтинг. Қанақа хунарингиз бор?

— Хунар бўлгани билан бу ерга тўғри келмайди. Одамлар қилаётган росмана ишни бераверинг. Чўлга нима иш лозим бўлса, шуни қилавераман.

— Бўйгги, иш топиш биздан. Илгари денгиз бўрони билан олишган бўлсангиз, энди чўл бўрони билан олишасиз. Кечқурун янги келганлар билан қўшма мажлис бўлади, албатта келинг: правление сайлаймиз. Колхозга ҳам ном қўямиз. Кейин, сизга топшириқ, мотоцикл миннишни биласизми, ҳа, балли, бутун участкаларни айланиб, янги келгану, эскилару ҳаммасини мажлисга хабарлайсиз. Эшикда турган мотоциклни миниб жўнайверинг.

Омонтой матросчасига гурс-гурс юриб чикиб кетди. Бир оздан кейин патиллаган овоз эшитилиб, секин-аста тинди.

Кечқурун мажлис кўп ҳам узокқа чўзилмади. Янги келганларни бригадаларга тақсимлашди. Омонтой ремонт устахонасига механик қилиб қолдирилди. Кўпчилик бир оғиздан колхозга «Бўстон» деган ном берди.

Бу номни ким таклиф қилганини раис ҳам аъзолар ҳам эслашолмайди. Гўё ўзидан-ўзи ном қўйилиб қолгандек бўлди. Ё минбарга чиққанларнинг сўзларига аралашиб турган «Чўлда бўстон яратамиз, чўл энди гулистон, боғу бўстон бўлади!» деган гаплар ўзидан-ўзи сикиб, номга айланиб кетдимикан?

Эрталаб Қўзибой билан Кокила туғруқхонага келишганда мўйловдор Омонтой эшик олдида ўғлини кўтариб турган экан. У раисга доктордан шикоят қила кетди.

— Қиритишмаяпти-ку, раис ака, айтинг, кўрсатишсин!

Кокила ичкарига кириб кетди-да, бир оздан кейин дераза нардасини кўтариб, ойнани чертди.

Қўзибой билан Омонтой ўша ёққа қарашди. Кокила йўргакли болани баланд кўтариб, уларга кўрсатди. Бола ёруғдан кўзларини қисиб, лабларини бурарди. Қўзибой завқланиб кетди.

— Ҳа, жонингдан айланай, Бўстонхон! Қара, қара, чўлга қара! Кўр, шу жойлар сеники! Ўзингники! Бирга, туғилдинглар, бирга ўсасизлар!

Раиснинг шу гаши билан боланинг исми ҳам Бўстон бўлиб кетди. Ўйлаб, кидириб ўтирмай, унга, ўзидан-ўзи исм топилди-қўйди.

Албатта, шундай бўлгандан кейин, бу хикоянинг номи ҳам «Бўстон» бўлади-да! Чунки хикоя ҳам ўша чўлда туғилган.

1961 йил.

## ЕР УЙҒОНДИ

Омонтойнинг бу ерда ҳали таниш-билишлари йўқ. Қўзибойга суяниб қолган. Айниқса янги келган қунлари қилган яхшиликларини ўла-ўлгунча эсдан чиқармайди. Хотини Илтифотхоннинг ўғилчаси Таваккалжондан кўнгли нотинч эди. Омонтой болага раиснинг хотини Кокила қараб турганини айтиб тинчлантирди, чақалоққа яхши қарашини тайинлаб, туғруқхонадан хотиржам чиқиб кетаётганда Қўзибой идора олдида Усмонали ака билан гаплашиб турган эди.

Омонтой Усмонали акани танимайди. Чийбахмал гимнастёркасининг кўкрагида орден ялтираб турган, қоши, сочи оппоқ, лекин мўйлови тўсдек қоп-қора бу одамнинг олдига боришга хижолат бўлиб, четроқда Қўзибойнинг бўшашини кутиб турди. Қўзибой нималариндир гоҳ қулиб, гоҳ қизишиб гапирар, Усмонали ака бўлса қўлидаги тол новдасини карки пичоқ билан йўниб, унинг гапларига диққат билан кулоқ солар эди. Кўчанинг нариги бетида чанг босган, қанотлари бўялавериш тошбақанинг косасидек олачипор бўлиб кетган эски «Победа» турарди. Усмонали ака шофёрга нимадир деди. Пешонасининг чап томони чандиқ шофёр бола минерал сувидан бўшаган шишасини кўрсатди.

— Қолмабди, пўкаги отилиб, тўкилиб кетибди.

Қўзибой Усмонали аканинг чўллаганини билиб, уйига чой ичгани таклиф қилган эди, кўнмади. Машинани самоварга буришни буюриб, иккови шёда йўлга тушинди. Қўзибой йўлда тўхтаб, Омонтойга ўғирилди:

— Ишинг бормиди менда, матрос? Қани, юравер, самоварда гаплашамиз.

Қўзибой йўлда уни Усмонали ака билан таништирди.

— Матрос бола. Болтиқнинг хўрозларидан. Яқинда келган.

Усмонали ака унинг қуйиб қўйгандек тикмачоқ гавда-

сига, кўндаланг бекасамга ўхшаш телляшкасини ёрвора-ман деб турган кўкракларига, икки қулоғига етай деб турган мўйловига қаради.

— Устахонага, механикка помошник қилиб қўйсам тайсаллаб кўнмаётибди, трактор берасан, ўзим экиб, ўзим тераман, дейди.

— Гапи тўғри-да, шундоқ болани устахонада олиб ўтирасанми? Қўй, далага чиқсин. Пахта эксин.

Колхоз қишлоғи орқада қолди. Эрта баҳор шамоли фириллаб эсиб турган ясси чўлнинг олис-олисларидан трактор гуриллагани эшитилади. Шудгор қилинган ерларда ҳали ҳам совуқнафас қарғалар аламзадалик билан қағиллаб қор чақириб, учиб-қўниб юришибди. Усмонали ака қўлини орқасига қилиб, кексаларга хос оғир қадам ташлаб боради. Унинг қапаки солинавериш таг чарми қалинлашиб кетган этигининг қўнжлари букланиб чаг йиғилиб қолган. Атрофи ажин босган кўзларини қисиб, олисларга тикилиб, жимгина ўй сурмоқда. Қўзибой ҳар замон гап қотиб, унинг хаёлини бўлади. Омонтой эса орқароқда аллақандай бир куйини хуштакка солиб пилдираб боради.

Баҳор офтоби яшнаб кўзни олади. Илиқ шамол юзга урилади. Усмонали ака тўхтаб, энгашиб, шудгордан бир кесак олиб, юзига босиб кўрди. Кейин панжаларининг орасига олиб, укалаб, яна марзага отди. У чаг бўлган қўлини худди чапак чалаётгандек бир-бирига қоқиб, Қўзибойга қаради.

— Ер уйғонибди, ука.

Унинг ҳаракатларини кузатиб турган Омонтойнинг хаёлига бир нарса келди. У Болтиқда хизмат қилиб юрганда қирғоққа келган болалар чиганокни қулоқларига тутиб кўришарди. Чиганокдан денгиз шовқини, довуллар, тўлқинларнинг гувуллаши эшитилармиш. Усмонали аканинг кесакни юзига қўйиб кўришидан, у худди ер қаъридаги садоларни эшитаётгандек эди.

Омонтойнинг кўзларини катта-катта очиб қараб турганини кўриб, Усмонали ака илжайди.

— Бу чол нима қиляпти, деб ўйлаётгандирсан-а, матрос ўғлим? Ажабланма. Баҳор кезлари, офтоб ерни киздирганда ётиб қулоқ сол. Зийрак бўлсанг билиб оласан. Ҳозир ернинг таги тўполон. Шовқин-сурон.

Омонтойнинг қулоғига ерни туртиб чиқаётган гиёҳларнинг шитирлаши, танасига илиқ ўтган дарахт томирларининг илондек вишиллаб чуқурликка кириб кетаётгани, қурт-қумурсқаларнинг ҳаракати, нам тупроқ тагида

кўпчиб, пўстини ташлаётган уруғларининг қуёш бетини кўришга шошиб, ерни чатнаётгани эшитилиб кетди. Хозир ёнма-ён кетаётган киши ҳар куни кўриб юрадиган одамларидан шу гапи биланок ажралди-қўйди. Усмонали ака ер илмини ҳаммадан кўра яхши билдиган ақли расо одамга ўхшайди...

Баҳор баҳорлигини қилиб, ерни қиздириб, тимдалаб, гиёҳларининг бош кўтаришига ёрдамлашмоқда. Иллик шамол ернинг ошпоқ кўрпасини қимирлатиб кетганига ҳали унчалик ҳам вақт ўтгани йўқ. Бўғоз ер лорсиллаб, тўлғоқ тутиб уйғонди. Гуруллаган мотор шовқинлари уни бу йил барвактроқ уйғотиб юборди. Қадимдан хотиржам, шошилмай бош кўтарадиган гиёҳларни одамнинг қисталанги, турткиси, шоширини бедор қилди. Асрлар ўз эрки, ўз ихтиёри билан яшаган бўз дала одамга тобе бўлиб қолди.

Худди мана шу ерларнинг уйқусини қочирган Усмонали ака бўлади. У шу ерларни гоҳ қадамлаб, гоҳ отда, гоҳ машинада шамолдек кезиб қариди. Унинг болалиги ҳам, йигитлиги ҳам шу ерларда қолди.

Норин сувлари каналдан оқиб, Ёзёвон чўллари ора-лаб, ҳали ерни қондирмай туриб, канал бўйларига экилган толлар ҳали тузуккина поя бермай туриб, уруш бошланиб кетди. Чўлга отланиб турган йигитлар шинель кийиб, далани аёлларга ташлаб кетишди. Чўл чўлличича қолаверди. Канал ёқаларида очилган янги ерларгагина кетмонлаб чигит экилди, холос.

Усмонали ака ўша пайтларда қирқ беш ёшларда, айни кучга тўлган, ҳар елкасида биттадан одам кўтара оладиган бақувват йигит эди. Ўзи ишлаб юрган «Заркент» колхозида йигитлар бирини-кетини фронтга жўнаб кетиб, милтик кўтаришга ярайдиган бир ўзи қолганида, хижолатдан ҳарбий комиссариатга кетаётганида, ранс Раҳимберди ака йўлдан қайтариб келди. Усмонали унинг бир гапини икки қилолмасди. У иттифок бўйича бообрў ранслардан саналарди. Шундай бўлса ҳам, икковларининг орасида биров сезмайдиган жиндек совуқчилик ҳам бўлиб ўтди. Усмоналига бари бир Раҳимберди ака билан бирга ишлаш насиб қилмади. Райком уни кўз остига олиб юрган экан, чўлда янги ташкил қилиниб, ҳали қаддини кўтармай туриб, азаматларини жангга қузатган, ўзи ниҳоятда қувватсизланиб қолган колхозга рансликка тавсия этди. Усмонали хотинларга онабони бўлиб, уруш даврини ҳам ўтказди. Ҳатто районида уни «хотинлар колхозининг ранси» деб ҳам аташарди. Уруш тугаб, ўша «хотин-

лар колхози» ҳамманинг оғзида дoston бўлиб қолди. Усмонали чўлдан янги жой очди. Кўзибой армиядан қайтиб келган йили колхознинг кичик бир участкаси алоҳида колхоз бўлиб ажралиб чиқди. Ёш колхозга Усмонали оталиқ қилди. Чўлда нимаки барпо қилган бўлса правление шу колхозга ҳадя қилди. Бу орада Усмонали аканинг белидан қувват кетиб, қарилиги билинадиган бўлиб қолди. Айниқса, Раҳимберди аканинг вафоти унинг қаддини анча букиб қўйди. Правлениега ариза берди. Ҳали йиғилиш бўлмади турибоқ, чет эл саёхати деган гап чиқиб, бир ойдан ошиқ айланиб келди. Келди-ю, аризасини стол ғаладонидан олиб йиртиб ташлади. У ҳар йиғинда, тўю ҳашамларда фақат битта гапни қайтараверадиган бўлиб қолди:

— Кўрган кунингга, еган нонингга, кийган кийимингга минг марта шукур қил! Одамзоднинг хорлигини ўз кўзим билан кўриб келдим. Белингда жиндаккина қувват бўлса, меҳнат қил, кўзингга зиғирча нур бўлса, меҳнат қил. Ота-буваларимизда бир гап бор: ҳақдингдан ошсанг, мазор кез. Не-не зукколарнинг қабрини, одам боласининг ерда ётганини кўриб, шукур қиласан. Мен тириклар мазорини, оч-яланғочлар ўлкасини кезиб келдим. Одам деганининг хор бўлишини ўша ерларда кўрдим. Кўрдиму, ўз уйимни, жаннатга ўхшаган юртимни соғиниб кетдим.

Шундай қилиб, Усмонали ака раисликдан тушмади. Фақат икки қўлни орқасига қилиб, сал букилиб юришини, мўйловини бўяшини айтмасангиз, қарилиги ҳам унча билинмай қолди.

Чўл ўртасидан кесиб ўтган катта йўл ёқасидаги самоварга етиб келишганда офтоб анча тик келиб қолган эди.

«Бўстон»нинг чойхонаси Фарғона, Андижонга олиб борадиган, чўлни кесиб ўтган катта йўлнинг ёқасида эди. Олис йўл босиб, чўл қувиб келаётган «улуғ»лар ҳам шу чойхонага қўниб, битта яхна кўк чой ичмасдан ўтолмасди.

Бу ерда қадимдан бир туп садақайрағоч бор. Унинг неча ёшга кирганини, ким қачон эканини ҳам биров билмайди. Шу қайрағоч баҳона бўлиб, уни нишон қилиб чўл кезганлар салқинда дам олиш учун йўлни шу томонга солганлар. Вақт-соати келиб, Ёзёвонга ҳужум бошлаганда, яна шу қайрағоч нишон бўлиб, ҳайбатли машиналарнинг филдираги унинг рўнарасидан из солиб ўтди. Моторлар гуруллади, артезиан қудуқлардан шаффоф сувлар чашмаси отилиб чиқди. Катта Фарғона каналининг бўта-на сувлари чўл қўйнига кирди. Энди ўша бир туп сада-

қайрағоч атрофида кум бўронларини елкасида силкитиб ташлайдиган азамат тераклар, ғуж-ғуж толлар қад кўтарди. Кустанай, Кўкчатоғ бўз ерларининг балдаларини элеваторга ташиб бўлган, то янги ҳосилгача бўш турган саноксиз самосваллар шу томонларга қурилиш ускуналари ташишга хашарга етиб келди. Қоғоздек ошноқ уйлар, кафтдек текис йўллар, кечалари йўловчиларни имлаб чақирадиган минглаб чироқлар чўл жамолни очди. Чўлда биринчи марта ҳосил олинганда Отабой қизикчиликка: «Чўл келини сувдан тишик чиқди!» деб ҳаммаи кулдирган эди.

Учовлашиб самоварга киришди. Бошмалдоғида ортиғи бор самоварчи сергангина йиғит экан, Усмонали акани кўриб, босар-тусарини билмай қолди. Бирнасада: академиядан келган профессорларга девзира гуручдан ўзи ош қилиб бергани, Тамарахоним «Бўстон»нинг боғида концерт кўрсатганда нарда орқасида туриб яхна кўк чой қуйиб тургани, ўзининг талабига биноан Ҳалимахоним радиода икки марта кўшиқ айтиб бергани, Ўрик домла келини билан аразлашиб қолиб, унинг самоварида яна икки кеча ётиб қолгани, Тошкентдан келган бир ёш шоирга чўлни «полний» тушунтирганини гапириб берди. Усмонали ака унинг гапларига кулиб, илжайиб кулок соларди.

Чой устида Усмонали ака яна чўл кезиб юрганининг сабабини айтиб қолди.

— Ука, анчадан бери бир нарса миямдан ҳеч нари кетмайди. Қизилсувга бордим, кечадан бери кирғоқларда санқиб юрибман.

Кўзибой хайрон бўлиб, унинг оғзинга тикилди. Усмонали ака чорвадан гап бошлади. Колхозларнинг моли то Олой водийсига боргунча пиёда неча юзлаб километр йўл босиши, семириб, кўкатга тўйиб кузда қишлоғга қайтишида яна шунча йўл босиб, бояги-боягидек озиб қолиши анчадан бери бошини котираётганини айтди.

— Агар шу томонлардан Қизилсувга кўприк қурилса, йўл қисқариши мумкин-ку, аммо инженерлар бунга кўнишмаяпти. Қизилсув бу томонларда жуда ёйилиб оқади. Кўприк қимматга тушади. Улар миллионнинг нари-берисига хомчўт қилишяпти. Беш-олти колхоз бирлашиб, шу ишга қўл урсак қандоқ бўларкин, деб атайлаб олдинга кўндим. Нима дейсан? — деб Кўзибойнинг оғзинга тикилди.

Боятдан бери гапга аралашмай бир чеккада мўйловини ўйнаганча жимгина кулок солиб ўтирган Омонтой

Кўзибойга қаради. Кўзибой чаккасини қашиб, нима дейишини билмай, хаёл суриб қолди.

— Ўйланиб қолдинг? — деди Усмонали ака унга қараб. — Нима, юрагинг дов бермаяптими?

— Колхоз янги бўлса, аъзо ҳали юзга ҳам етмаган бўлса. Чорва ҳам, ўзингиз биласиз, ҳамини қадар. Кассада бўлса хемири йўқ. Қурилиш бошқармаси уйларни насяга қуриб ташлаяпти. Сельхозбанк бир кун келиб гирибонимдан хиппа бўғиб, пулини қистайди. Ҳозирча кўприкка унчалик муҳтожлигим йўққа ўхшайди.

Усмонали аканинг қошлари керилиб, башараси тиришди.

— Ҳалиям хом экансан-ку! Колхоз шу етмиш уч бошдан бўлак қўй боқмайди, шу билан тамом деб юрибсанми? Бекор айтибсан. Ё пулдан чўчияпсанми? Агар чўчиётган бўлсанг, пулни мендан ол. Уч йил муддатга қарз бераман. Кўнасанми? Майли, ўйлаб кўр. «Гулистон» рози.

— «Гулистон»нинг пули кўп-да!

— Қараб тур, сеники ҳам кўпаяди. Харажатнинг ярмини давлат кўтаради. Йўқ дема, бари бир, сен йўқ десанг, ўзимиз ҳам қураверамиз. Кейин бу йўлдан мол хайдагани хижолат бўлиб юрасан.

Кўприк тўғрисида бошқа гап бўлмади. Усмонали ака у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргандан кейин қўшини колхозга ўтиб кетди.

Орадан беш кун ўтиб, Омонтойнинг қистови билан Кўзибой бу масалани правление мажлисига қўйди: бу фикрни жуда озчилик маъқуллади. Кўпчилик қарзга ботишни истамай, ҳозирча кўприк зарур эмаслигини айтишди. Правление кўприк хусусида аниқ бир фикрга келмай тарқалди.

Омонтой икки марта мотоциклда Қизилсув бўйларини айланиб чиқди. У хар гал ўша томондан қайтиб келганда инженерларнинг хомчўт ҳисобига ҳайрон бўларди.

Кечаси ўғлини ухлатиб қўйиб, мук тушганича қоғозга нималарнидир чизди, нималарнидир ҳисоблади.

Омонтой бола вақтларида ҳам темир-терсакка ўч эди. Ота фронтдан қайтмаган, ёлғиз қўл она ногиронликда далада ишлаб дурустгина рўзғор тебратолмас эди. Уйда шилла тутиб, кўрна кавиб, тирикчиликни амал-тақал қилиб турарди. Шўх-олов Омонтойга кийим чидамасди. Бугун кийганини эртасигаёқ йиртар, аллақаяклардан темир-терсак суриб келиб, кийимларини расво қилар эди. Онаси, Биринчи май арафасида ўртоқлари олдида ўкси-

масин, деб кўлига пул бериб, ўзини бозор кўни Марғи-лонга автобусда жўнатди. Орқасидан: «Этик ол, шим ол, бўйинига ўлчаб тўн ол. Белингадаги пулни Қосим акага бер, эҳтиёт бўл, йўқотиб қўйма!» деб тайинлаб қолди.

Омонтой шаҳарни тоза айланди. Магазин витриналари олдида велосипед тузатадиган устанинг дўкони олдида эринмай узок-узок туриб қолди. Айниқса, культмагдаги яп-янги ялтираб турган мотоцикл кўзини ўйнатди. Сира кетолмади. Хуллас, шундай бўлдики, Омонтой кечқурун уйга шалағи чиқиб кетган бир эски мотоцикл етаклаб кириб келди. Онасининг кўнгли озиб қолай деди. Йиғлади, сиктади. Умрида биринчи марта битта-ю битта ўғлининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Ёш болага пул бериб шаҳарга туширган ўзини куйиб-куйиб қарғади.

— Қошки ўзимнинг пулим бўлса, бировинки-я! Энди нима қиламан, эгасига нима дейман?

Бу гапларга Омонтой кўзини лўқ қилиб, буринини тортиб кулоқ солар экан, кўзидан мўлтираб ёш оқаётганини сезмасди. Она ўғлининг ахволига қараб ичи ачичди. Отаси бўлса унга нималар қилиб берарди! Унда нима айб? Бола бола-да, ҳавас қилади! Дадасиз ўсиб нима орзу-ҳавас кўрди бола? Она бечора ҳам нима қилсин, қўлида бўлса қараб турармиди. Ўрикка суяниб қийшайиб турган мотоциклга қараб она йиғлади, бола йиғлади. Охири Қосим акага эрининг тилла соатини юрагидан суғургандек қарз ўрнига олиб борганда жуда хафа бўлиб кетди.

— Синглим, хафа бўлманг, бола-да, соатни эҳтиёт қилиб қўйинг. Омонтой катта бўлганда такади. Марҳум ўртоғим шу умид билан сизларни менга ташлаб кетганимди? Пулга муҳтож эмасман. Ўша пул сизларга менинг ёрдамим бўлсин. Мана бу пулга, — у ёнидан пул олиб, санаб, уч юз сўм узатди. — Омонтойга байрамга унча-мунча олиб беринг, ўксимасин.

Она бировининг қўлига қараб қолганиданми, ё Қосим аканинг одамгарчилигиданми, киприк қоқиб бирдан йиғлаб юборди. Қосим ака уни юпатиб, остонагача кузатиб қўйди. Нимаики керак бўлиб қолса, тортинмай келаверишини тайинлади.

Она қачонлардир, насиб қилса бу сахий, одамгарчиликни биладиган мурувватли кишига бир яхшилик қилишни дилига тугиб қўйди.

Омонтой ўша эски мотоциклнинг у ёқ-бу ёғини титкилаб, охири юргизди. Колхоз устахонасидагиларнинг миясини ачитиб, ҳали ундан у асбобини, ҳали бундан бу

асбобни сўраб, эшитадиган гапини роса эшитди. Бу хира, ўз сўзли бола охири устахонадагиларнинг меҳрини ўзига тортди. Омонтой деярли ҳар кунни устахонага келар, нима балоларни ясаб, уйига олиб кетар эди. Ёз ойларининг бирида Омонтой бирваракайига ўн кунча устахонага келмай, йўқ бўлиб кетди. Бола ўша кезларда томорқадаги ҳужрага кириб олиб, одамнинг гашига тегадиган товуш чиқазиб темир арралар, дарахтларга сим тортиб, лампочкалар илар эди. Онаси бир кун даладан қайтса, айвоннинг шифтида электр ёниб турибди! Томорқада мотоцикл тинмай потиллайди. Ҳовли тўла бола.

Айвоннинг деворига чойшаб осилган. Унда нима балолар лип-лип қилиб кўриняпти. Бу Омонтойнинг «кино»си эди. У онасининг кўзойнагидан, нон қутисидан, қўл машинасининг гилдирагидан кино аппарати ясаган эди. Қишлоққа келадиган кўчма кинонинг уқувсиз механиклари узиб ташлаган ямоқ ленталардан йиғиб, олақурок «кинофильм» қилган эди. Унда Тарзан, Радж Капур, Чарли Чаплин, Бағдод ўғриси ҳамда ҳар хил жосуслар бор эди.

Ҳамма ёқни ивирситиб юборган болаларни ҳайдашга онанинг кўнгли бўлмади. Бир чеккада ўтириб у ҳам «кино» кўрди.

Ана шу воқеадан кейин Қосим ака, болани инженерликка ўқитиш керак, деган ўй билан онасига маслаҳат солди. Аммо Омонтой бирдан матросликка ҳавас қилиб қолди-ю, ўнинчини битириб, денгизга қараб кетди.

Бугун Омонтой Қизилсув бўйларини айланиб келгандан кейин кўприк қуриш ҳақида уни, инженерлар айтганча бир миллионга эмас, олти юз минг сўмча харажат қилиб, яхшилаб қуриш мумкинлигини исбот қилмоқчи бўлди. Ҳозир у мук тушганча қоғозда ана шуларни ҳисоблаб кўрмоқда. Вақт алламаҳал бўлиб қолган.

Таваккалжон у ёнбошидан-бу ёнбошига ағдарилиб: «Ая!» деб ижирғанди. Омонтой бориб унинг юзидан ўнди-да, кўрпасини устига тортиб, ёстиғини тузатди.

Ҳамма вақт шовкин-сурон, тўполон билан яшаган, бола табиати ҳатто ота бўлгунча сақланган Омонтой ўғлига қараб туриб бирдан катта бўлиб қолганини сизди. Боласининг пиш-пиш нафас олиб ётганини кўриб, ўз дадасини, онасини эслади. Чўлга туз-насиба тортиб келганидан тортиб хотини, шу чўлда туғилган, ҳозир туғруқхонада тамшаниб ётган чақалоғи Бўстонгача бир-бир кўз олдидан ўтаверди. Онаси тирик бўлганда қандай бўларди-я! Неварасининг пешонасидан ўпарди, стол устидаги

қоғозларига қараб: «Кўпригинг ҳам битиди, мана кўрарсан!.. деб унинг юрагига далда берарди.

Омонтой ўғлининг юзига юзини қўйиб, бирпас ором олмоқчи бўлди-ю, кўзини уйқу босиб, мудраб кетди. Отабойнинг хўрози кичқирганини ҳам сезмай, донг қотиб ухлаб қолди.

Ташқарида биров гугурт чакқандек, тонг ёришиб келарди.

\* \* \*

Омонтой Усмонали акани идорадан тополмади. У Раҳимберди аканинг қабрига мрамар лавҳа ўрнатилиши маросимига кетган экан. Қачон қайтиши маълум эмас. Омонтой йўловчи машинадан ялиниб бакани бензинга тўлатиб олди-да, нефть тозалани заводи қурилиши монтажчиларига йўлиқмоқчи бўлиб, мотоциклини потиллатиб кетди. Монтажчилар тушликка чиқиб, Ғози ака конторада бош инженер билан фикрлашиб турган экан. У Омонтойга қарамай жаҳл билан ҳовлига чиқиб кетди. Омонтой унга дарвоза олдида етиб олиб, зарур иш билан келганини айтган эди, у сал юмшаб нима иши борлигини сўради. Омонтой гапини айтди. Ғози ака уни кўлидан етаклаб яна конторага олиб кирди. Чертёжларини кўриб, ташлаб кетишини сўради.

— Шу бугуноқ кўриб чиқаман. Расчётни тўғри олган-мисан ишқилиб?

Омонтой бош ирғаб кўзларини ширширатди. Ғози ака унинг кифтига қокди.

Омонтой ўша куни қишлоққа қайтмади. Армиядан келганидан бери қўли тегиб Қосим акадан хабар олмаган эди. Онасининг маъракасида бир кўргангича қайта кўрмаган. Боролмаганига хижолат бўлиб юрарди. «Шу бугун хонаси келиб қолди, бобой билан бир гаплашиб ётай» деб бозордан унча-мунча совға олиб, Қосим аканикига қараб жўнади.

Эшик олдида олтмишларга бориб қолган ошпоқ соқолли бир чол ўтирарди. Чол уни кўриб бир-икки қадам олдинга юрди. Юрди-ю, оёғидан қувват кетиб, чўккалаб йиқилай деди. Омонтой илдам бориб унинг қўлтиғидан кўтарди.

Бу чол, тўқиган атласлари водийга овоза бўладиган Уста Қосим эди. У Омонтойнинг дадаси билан қадрдон, ёшликдан ўртоқ эди. Энди қариб, зах дўконда орттирган боди кучини кўрсатган эди. У Омонтойнинг қадди-кома-

тига, шоп мўйловига қараб, кўзлари яшнаб кетди. Омонтой унга дўстини эслатгандек бўлди.

Омонтой кўп вақтлардан бери сувга тушса бузилмайдиган қўл соат олиб қўйган эди. Ўша соатни олиб, чолга тутди.

— Хожати йўқ, болам, менга соатнинг зарурлиги йўқ. Ўзинг так, ёш нарсасан!..

— Олинг, олинг, ота, атайлаб сизга олганман. Онам шундай деб васият қилганлар.

Ота бир вақтлар кампирнинг қарз ўрнига тилла соат олиб келганини эслади. Кулиб турган кўзларини маъюслик босди.

— Марҳума топилмайдиган хотин эди.

Чол то ярим кечагача унинг дадасидан, онасидан гапириб берди. Эрталаб кетаётганида кўзига ёш олиб, уни дуо қилди. Тез-тез келиб туришини сўради:

— Фанимат бўлиб қолдим, болам, — деди.

...Фози ака Омонтойнинг лойиҳасига анчагина ўзгартишлар киритибди.

— Аниқ ҳисобда ўша инженерларнинг хомчўтига қараганда уч барабар арзон баҳода кўприк куриш мумкин! — деди.

Омонтой лойиҳани унга ташлаб, ўзи Усмонали акани хурсанд қилиш учун Заркентга қараб жўнади.

\* \* \*

Бу баҳор ҳам чўл шамоллари майса-гиёҳларни силкиб ўйнаётган тонгда яна Марказий Фарғонага бордим. Омонтойнинг қизи Бўстонхон той-той турадиган бўлиб қолибди. Тили ҳам чиқай-чиқай деб турибди. Алланималарни чуғурлаб гапирарди. Омонтойнинг иши бўлса жуда жадал, каллаини саҳарда чиқиб кетганича ярим кечада қайтади. Болалари кутиб ўтириб ухлаб қолишар экан. Кокила ҳали ҳам ўша-ўша. Ҳаваскор қизларга ўйин ўргатиб, дала шийпонларида концерт қўйиб юрибди. Радиоузелга эга чиқиб, одамларга гап эшиттирмай, нукул магнитофондан хиндча кўшиқ эшиттиргани эшиттирган. Қўзибой раис ҳали ҳам ундан зириллайди.

Усмонали ака машинасида янги кўприкка олиб борди. Омонтой ҳам, Қўзибой ҳам ўша ерда эди. Чўл колхозлари Чўнг Олой яйловларига пода ҳайдашаётган экан. Омонтойнинг соч-соқоли ўсиб кетибди. Осма кўприкдан ўтаётган қўйларга қараб икки қўлнинг белига қўйиб, чираниб қараб турарди. Пастда ҳайқириб оқаётган Қизилсув

шаршараларига парво ҳам қилмайди. Денгиз довуллари билан олишган матрос бунақа майда тўлқинларни тўлқин дермиди! Унинг кеккайишига анчадан бери разм солиб тикилиб турган Усмонали ака завқланиб кетди:

— Яшавор-э, Мўйлов, чўл Зиганшини экансан-ку!..

1961 йил.

## ТҶЙБОШИ

Кўзибой раиснинг бугун шундай иши кўпайиб кетдики, «дод» деб юборишига сал қолди. Ҳали у киради, ҳали бу киради, ҳаммаси ҳам атайлаб қилгандек, жанжалли иш билан келган. У идора олдида тўпланиб турган кишиларнинг бараварига гап бошлаганидан икки қулогини беркитиб: «Вой, барака топкурлар, қорним очиб, кўзим тишиб кетяпти, уйга бориб, жиндайи бир бало еб келай» — деди-да, қочгандек югуриб чиқиб кетди.

Ўчакишгандай, уйда ҳам Кокила тушлик қилмабди. Оёқ машинада гумбурлатиб атлас кўйлак тикипти.

— Хой, инсофинг борми, ўлдим-ку, нахотки тўртта картошка билан бир чайнам гўштини қозонга ташлаб кўйиш қийин бўлса!

Кокила лаби-лабига тегмай, бобиллаб берди:

— Ишим бошимдан ошиб ётибди-ю, шу маҳалда сизга овқат пишириб ўтираманми! Сизни ким айтади, раис деб? Ҳар раислар борки, қорни мана бундоқ. Раиссиз, ҳалдингиз сизмайдами. Отабойга айтинг, тушликка ош буюриб кўйсин.

— Отабой туянинг думи ерга текканда ош қилиб беради, — деб пўнғиллади Кўзибой энсаси қотиб.

Отабой колхознинг ҳам хўжалик мудирини, ҳам бухгалтерини. Колхоз ҳали ёш, кичик бўлгани учун ҳар икки вазифани унинг ўзи бажаради. Отабой хасис бўлганда ҳам унча-мунча хасислардан эмас, битта гугурт чўшини икки бўлиб ёқадиганлардан. Одамларнинг айтишларига қараганда, у омбордан дон бераётганда тарозига ишонмайи доналаб санаб берармиш. Бир кунни ревизия комиссиясининг раиси: битта ош қилиб берсанг-чи, кечаси ҳисобот тайёрлаймиз, уйга бориб ўтираммизми, деганда: паловни ўлсам — йил ошимда ейсан, деган ҳам мана шу Отабой бўлади.

Отабой аслида Заркентдаги колхознинг завхозини эди. «Бўстон» ёш колхоз деб Усмонали ака уни бу ёққа атай-

лаб «қарз»га берган эди. Халл биронта колхознинг завхоз мукофот олмаган, аммо Отабой шу вазифада туриб бир марта «Хурмат белгиси», икки марта «Шавкатли меҳнат учун» медали билан мукофотланган.

«Бўстон» оёққа туриб, белини кўтариб олгандан кейин Усмонали ака: энди бўлди, Отабойни ўзимга бер, деб қистаб келганида Қўзибой ярим ҳазил, ярим чин қилиб: чўлга келган одам қайтиб кетмасди-ку, деди.

— Қандоқ бўлди, Отахон, ҳамма ўз одамини олиб кетаверса, чўлда ким қолади?.. Яна ўзингиз биласиз!..

Усмонали аканинг бир нима дейишга тили бормай, гапи оғзида қолди. Худди Отабойни жонидан суғуриб бераётгандек, аранг рози бўлди.

Шу-шу бўлди-ю, Отабой чўлда қолиб кетди. Бу ерда уни ёмон кўрадиганлар ҳам оз эмас. Ёмон кўришнинг сабаби, ҳар нарсага тихирлик қилаверишидан. Кечаси келиб идорани бир айланади, қопқоғи очиқ қолган сиёҳдонларни кўрса жони ҳикилдоғига келади: «Бу нима? Сиёҳ қуриб қолади-ку, ҳа, колхозники-да, аяма-я, аяма!» Чироқ ёниқ қолса: «Станцияни текинга қурганмиз, ёқавер, бели оғримаган» деб шовқин солади. Шофёрларни айтмайсизми, ундан зириллашади. Бензин олгани келишганда албатта километражни текшириб кўради, агар мўлжалдан ортиқ сарфланган бўлса, бобиллаб беради: «Ҳа, Отабойнинг бензин анҳори бор, шундоқ челакни ботиради-ю, олиб беради. Киракашлик қилишни биласанлар, бир литр бензин сотиб олсаларинг асакаларинг кетади. Бор, тошингни тер, ким катайса қилган бўлса, бензинни ўша берсин!» Тракторчилар билан бўлса доим ёжиллашгани-ёжиллашган. Агар биронта тракторчи мўлжалдан олдин комбinezон оламан деб келса борми, олдига солиб қувлайди: «Ҳа, хотинчангизнинг қўлларига хасмол чиққанми, бундоқ ювиб, йиртиғини ямаб берсалар».

Отабой кўчада юрганда икки кўзи томда, Мабодо биронта бола томдаги каптарга тош отса, шиферни тешасан, тирмазак, деб уйигача қувиб боради.

Райком секретари бюро мажлисига келганда машинасининг ёғи тугаб қолган экан. Қўзибой жиндек беринг, деб Отабойга худонинг зорини қилдиямки, бари бир кўнмади.

— Хой, биродар, менинг машинам ҳисобидан беринг. Эртага пиёда юрсам юрарман, келинг, уятга ўлдирманг!

Отабой бари бир унамади. Унинг феълини секретарь ҳам билар экан, кулиб қўя қолди. Бир амаллаб етиб

оларман, деб жўнаб кетди. Шу воқеадан кейин одамлар секретарь Отабойни соғ кўймайди, бир кун қасдини олади деб юришган эди. Аммо секретарь район пахтакорларининг слётида Отабойни роса мақтабди. Қани эди, бошқалар ҳам колхоз мулкисини Отабойдек тежаса, дебди. Ана шундан кейин Отабой баттар бўлди. Симёғочга чиқиб электр тузатаётган монтерларга ҳам бакирадиган бўлди.

— Хай, эсинг жойидами, арра кавушингни секироқ ботир, ходани тимдалаворасан!

...Кўзибой ана шундок одамга ош буюрадими? Кокила бу гапни ўйлаб гапирдими, йўқми! Кўзибой ялинишга ўтди.

— Жон хотин, ҳеч бўлмаса битта чой дамлаб бер, идорада одамлар кутиб қолишди.

Кокила тикаётган ишини четга олиб кўйиб, чойнак кўтариб ховлига чиқиб кетди. Кўзибой кўрпачага ёнбошлади. У неча йиллардан бери Кокила билан яшаб, ҳалигача унинг феълига тушунолмасди. Бир қараса, ундан меҳрибон одам йўқ, бир қараса тепа тўнини тескари кийиб олади. Шу топда қилиб ўтирган ишини қаранг! Механик Раҳматулла уйланаётибди, келинга кўйлак тикиб ўтирибди. Чеварлигимни кўрсатиб қўяман, деб эрта-лабдан бери атласни олдига ёзиб, у ёғидан ўлчайди, бу ёғидан ўлчайди. Яқинда ҳамма ёқин ивирситиб, ўн олтига атлас кўйлак тиккан эди: хаваскор қизлар концерт кўйишар эмиш. Бу атласларни Отабойдан ундиргунча нақ Кўзибойнинг она сути оғзига келди. Кўзибой ҳозир ёнбошлаб ётиб кўзи илинган экан, Кокиланинг кулгисидан уйғониб кетди.

— Туринг, тура қолинг, ранс бува, Отабой атайлаб бир тоғора сомса ёптириб бериб юборибди.

Кўзибой қараса, столда буғи чиқиб турган бир лаган сомса.

— Тушимми, а! Шу ўзимизнинг Отабой юборибдимиз-а, йўқ-э!

Кокила кулиб юборди:

— Олинг, совумасин. Отабойдан қишда қор, ёзда офтоб сўрасангиз ҳам бермайди. Ўзим ёпдим. Кеча, сомса егим келяпти, дегандай эдингиз.

Кўзибой тўйиб сомса еб бўлгандан кейин хотинини «дуо» қилди.

— Кружогингнинг ривожини берсин. Ўйинчи қизларнинг Мукаррамхон бўлиб кетсин! Яша, хотини, жуда боғта бўлди.

У шошилганича идорага югурди. Кўп одамларнинг ишини секретарнинг ўзи битказиб юборибди. Бир тўда комсомол қизлар уни кутиб туришган экан, барабар чувиллашиб идорага киришди. Яқинда комитет секретарлигига сайланган Анзират деган қақажон қиз бидирлаб гапира кетди:

— Биласизми, биласизми, раис ака, янгича тўй қилмоқчимиз. Биласизми, Раҳматулла Наимани оляпти. Таннийсиз-ку!

— Ха, танийман. Хўш, нима қил дейсизлар!

— Биласизми, шу ҳалиги тўй харажатларини қолхоз бўйнига олса, келин билан куёвнинг сарполарини ҳам...

Қўзибой бошини қашиди. Илжайиб, энтикиб турган Анзиратга қаради.

— Хўп. Отабойга айтинглар, ҳамма нарсани тўғрилаб берсин.

Анзират тиззасига шапатилаб уриб, столга ўтириб қолди. Бошқа қизлар ҳам ҳафсалалари пир бўлиб, бир-бирларига ер остидан қараб олишди. Анзират кўзларини пирпиратиб ўрнидан турди.

— Майли, қўя қолинг бўлмаса. Ўзимиз бир амаллаб эплаштирамиз. Кунимиз Отабой акага қолган бўлса, тоза бўлган экан.

Қиз ҳали гапини тугатмаган ҳам эдики, эшик очилиб Омонтойнинг мўйлови кўринди. Раис шошиб қичқирди:

— Хой, Мўйлов, бу ёққа кир! Совуқ сувдан ҳам зарур бўлиб турган эдинг.

Омонтой нима гап дегандек бир қизларга, бир раисга қараб анграйиб турарди.

— Оғайни, манови қизалоқларнинг додларини эшит.

Қўзибой унга ҳозирги бўлган гапини айтиб берди. Отабой Омонтойни жуда яхши кўрарди. Унинг қизик-қизик гапларини эшитиб қотиб-қотиб кулар, ғайратига, қилган ишларига қойил қоларди. Омонтой ҳам уни эритиш йўлларини биларди. Хеч ким, ҳатто раис ҳам ундирилмаган нарсаларини Омонтой икки оғиз гап билан ундириб кетарди.

Маслаҳат билан Отабойни шу ерга чақирадиган, гапини аввал Омонтой бошлайдиган бўлди.

Зум ўтмай, кўлида калит, кўзойнаги пешонасида Отабой кириб келди. У ҳамма билан бир-бир кўришиб чик-қач, раиснинг столига бир қоғоз қўйиб, хитоб аломатидек, қаққайиб туриб олди.

— Бу нима? — деди Қўзибой қоғозга қараб.

— Чоїхонадаги телевизорни тузаттиришган экан, пуллини бузган одам тўласин, мен тўламайман.

Қўзибой, бу иш бир гап бўлар, деб қоғозни стол тортмасига солиб қўйди.

— Омонтойнинг сизга гапи бор экан, эшиттинг.

Омонтой бир йўталиб гап бошлади:

— Отабой ака, қизлар сизни тўйга айтиб келишибди. Куёв етим бола. Қуда томон билан олиқ-солиққа ўзингиз туриб берасиз. Тўйбоши қилиб правление сизни тасдиқлади. Билиб қўйинг, агар тўй яхши ўтмаса, ўзингизни яхшлаб муҳокама қиламиз. Тўйда мундоқ соқол-поқолни тарашлаб, орденларингизни тақиб олинг.

Отабой ёйилиб илжайди.

— Боплаймиз, матрос бола, бу ёғдан хотиржам бўлаверинг. Куёвни менга рўпара қилиб қўйинг, дастмоезини эконом қилиб, яхши тўй қилиб бераман.

Омонтой дўпписини пешонасига суриб, қоқ мяясини қашиб рансга маъноли қараб қўйди. Ранс, бўш келма, дегандек унга имлади.

— Гапимга тушунмабсиз, — деди Омонтой унга жиддий тикилиб. — Тўй колхоз ҳисобидан бўлади.

— А? Харажатни қайси моддадан оламан?

— Қайси моддага тўғри келса ўшандан-да!

— Ревизия комиссияси нақ мени ражиб ташлайди-ку!

Қўзибой «хотиржам бўлавер» деб уни совута бошлади.

— Бу ёғини келишиб олганмиз. Маданий-оқартув фондимиз ҳисобидан смета қилинлар. Билиб қўйинг, чўлда биринчи тўй бўляпти-я! Бу халқаро иш. Ёшлар билан ҳазиллашманг, агар шу ишни бузсангиз, кейин чаток бўлади, бир айтиб қўйдим-да, ҳа.

Ранснинг пўписа қилиб «халқаро иш» деганидан кейин Отабой сал бўшашди. Лекин, жавобгарлигини олмайман, олдин қарор чиқариб, ҳужжатларни миҳдай қилиб берасизлар, деб туриб олди. Ранс рози бўлди. Қизлар кечкурун Омонтой билан унинг олдига келадиган бўлишди. Бир соат олдин ҳамма гапга қўниб чиқиб кетган Отабой кечга бориб айниди-қўйди. Китоб-дафтарларини роса варақлаб: «Ҳеч қайси моддага тўғри келмайди» дебди-ю, омборни кулфлаб кетибди. Кокила кидириб, уни уйдан топди. Бир челак илиқ сувга марганцовка солиб, оёғини ботириб ўтирган экан. У Кокилани кўрди-да, шимнинг почасини тушириб, тиззасини ёпди. Хотинни Шодмон хола ўчоқдан бир хокандоз чўғ олиб чиқаёт-

ган эди, шошиб қолганидан Кокила билан хокандозини унинг елкасидан ошириб кўришди.

Шодмон хола Отабойдан етти ёш катта, баъзи ҳазил-кашларнинг гапига қараганда, у харажатдан қочиб, сурнайчига ҳам пулми деб, атайин ўзидан катта хотинга уйланган эмиш. Уларнинг тўйлари ҳам унчалик дабдабали тўй бўлмаган. Колхознинг содовой тўйи кунига тўғри келтирилган. Уларнинг ЗАГСдан ўтишларини биров эшитса, кулавериб ичаги узилади.

Муҳаббатдан маст, қарахт бўлган Отабой ЗАГС мудирининг саволларига пойинтар-сойинтар жавоблар бериб эсанкирайверган. У шунчалик эсанкираганки, янглишиб, хотинининг фамилиясига ўтиб кетганини ўзи ҳам билмай қолган. У хозир тўрт болали бўлди, хали ҳам хотинининг фамилиясида!

Шодмон хола елиб-югуриб Кокилани тўрга ўтказди. Отабой оёғини челақдан чиқазиб, нима гап дегандек, Кокилага қаради. Кокила ҳе йўқ, бе йўқ бирдан бидирлаб кетди.

— Қани, шу тўй бузилсин-чи, қани бузилсин-чи, радиоузелдан гапириб шарманда қиларман, ёшларнинг бахтли турмуш йўлига гов солянти, деб овоза қиламан. Газетага ҳам ёзвораман.

Отабой мунақа пўписаларни эшитавериб эти ўлиб қолганидан писанд қилмади. Қайтага, жаҳли чиқиб кетди.

Омонтой аралашмаса иш бузиладиган. У Отабойни енгидан кириб ёқасидан, ёқасидан кириб енгидан чиқди. Тўй янаги ҳафтага тайин қилинди. Отабой тўйбоши бўлди. У ўша кунин ордениларини тақиб, меҳмонларни кутиб, дастурхоннинг кам-кўстидан хабардор бўлиб турди.

Тўй қизигандан қизиб кетди. То ярим кечагача умрида ўйин-кулги кўрмаган чўлда хофизларнинг хониши эшитилди. Чирманда қарсиллар, ногора тараклар, йиғит-қизларнинг кийкириғи, гуриллаб ёнаётган гулхан учқунлари чўл шамоллари қанотида олис-олисларга учиб кетарди.

Отабой кайф қилиб қолди. Гандираклаб ўртага тушиб, Кокилани ўйиндан тўхтатди. У қўл кўтариб шовқинини босаман деди-ю, йиқилай деди. Одамлар бирдан жим бўлишди.

— Ўртооқларрр! Қанча тўйнинг бўлса кўрсат! Опке, чўлингниям уйлантирвораман! Қанча керак? Пулнинг ҳаммаси Отабой акангда-да!

Омонтой уни даст кўтариб, даврадан олиб чиқди-да,

сўрига ётқизиб қўйди. Кокила гўлхан атрофида йўрғалар, Омонтой матросчасига оёғини ерга уриб, қулоч ёзиб, унга нияк кокиб борарди. Кийкириқ, қулги, чанак...

Шу кеча чўл ҳам ухламади, одамлар ҳам...

1961 йил.

## СЕНИ ИЗЛАБ...

Шарофатга ота уйдан чиқиб кетиш осон бўлмади. Бу ишнинг бутун оғирлигини йўлнинг ярмига етганда сизди. Кўча муюлишигача эргашиб келган онасининг маънос кўзларини, остонада бошини эгиб қолган дадасини эслади-ю, қадами секинлашгандек бўлди. Бир нафасда уйи, ҳовлиси, чиқиб келаётганда миёвлаб оёғига суйкалган мушуги кўз олдига келди, таранг чўзилган резинка ип кўлдан чиқиб ўз нуқтасига қайтгандек, фикран уйда пайдо бўлиб қолди.

Бир қаноти очик қолган деразадан ариқдаги сувнинг ҳар хил оҳанг чиқариб шилдираши, жуда олисда оғир юк тортаётган паровознинг босик гупиллаши эшитилади. Уй ичида ғоят секин судралган ойнинг тўрт бурчак шуъласи каравот куббасини, чинни идишларни, рояль устидаги ўйинчоқларни бирма-бир ёритиб, яна деразадан ташқарига чиқиб кетди. Қора бахмалга қадалган зар тугмачалардек ялтираб турган юлдузлар бирин-кетин ўчиб, осмон бети оҳак суртилгандек оқара бошлади. Шарофат ҳамон уйғоқ. Қаердадир ит улиди, қаердадир хўроз чақирди. Бўғот лабида тинимсиз миёвлаётган мушукка кимдир кесак отди. Яна ҳамма ёқ жимжит бўлиб қолди. Шарофат ҳамон уйғоқ, ҳамон ўйларди.

Кетиш керак. Омоннинг олдига кетиш керак. Мана шу қимматбаҳо буюмларга тўлган, куядори исн ўрнашиб қолган уйдан кетиш керак.

Шарофат шуни ўйларди. У ҳар гал садаф клавишларини босганда, титроқ садолари кўнгил дардларини орзу қанотида учирадиган рояль рўёбга чиқмаган ўша орзулар гувоҳи бўлиб жим турарди... Оҳ, тезроқ тонг ота қолсайди, дея орзиқиб деразага кўзларини жавдиратиб қаради у. Тонг аллақачон отган, дарахт учларига олтин хал суртилгандек эди. У сапчиб ўрнидан турди. Кўча эниги-га толпинганда аяси йўлини тўсди. Отаси эшикни ланг очиб берди. Бу кеча ота ҳам, она ҳам ухлашмаган эди. Қизнинг қарорини, кўнглини асир қилган, қиз қалбига уя

қурган ўша йиғит ота муҳаббатидан ҳам, она меҳридан ҳам зўр келганига уларнинг икковлари ҳам энди иқроп бўлишган эди. Қиз остонадан икки қадам ҳам нари кетмай, ота тилга кирди:

— Бери кел, болам.

Ота товушидаги титроқ қизни тўхтатди.

— Қайда бўлсанг ҳам бошинг омон бўлсин, — деди у. — Сени қайтаришга энди ҳеч қурбим етмайди. Шу пайтгача қўлингдан етаклаб сенга бахт излаган эдик. Кўнгил қўли етмаган даргоҳ бахт бермас экан. Энди ўз бахтингни ўзинг изла. Энди сенга икки нарсани мерос қиламан: бири — муҳаббатим, бири — қаҳрим. Муҳаббатсиз одам одамга ёв бўлади. Қаҳрсиз одам ёвга ем бўлади. Энди бор, йўлниг ойдин бўлсин, болам!

Ота қизининг пешонасидан ўпди. Шундан кейин Шарофат нима бўлганини билмайди. Қандай қилиб автобусга ўтирди, қандай қилиб чўл ўртасидаги ёлғизоёққа бурилди — эсида йўқ. Қўксидаги бир вақтлар Омон ташлаган чўғни ўчиролмаган, ўчириш қаёқда, баттар бағрида туташиб, ота уйдан олиб чиқа олган ҳислар чўл ўртасида кездириб, уни ўша Омони олдига судради. Энди Омони унга аввалгидек қарармикин? Уни кечирармикин? Қалбида яна унга жой берармикин? Уни илгаригидек эъзозлармикин? Шарофат бу тўғрида ўйламасди. Нима бўлса ҳам Омони кўрса, аччиқ-аччиқ аламли сўзлар айтса ҳам, майли. Шу чўлларда унинг кетида соясидек эргашиб юрса, олисдан қорасини кўрса, узоқдан товушини эшитса бўлгани. Шарофат шу Омони деб чўл кезиб келяпти, ахир! Омони уни кечирармикин?

Шарофат шундай изтиробли ўйлар билан куя еган пўстиндек у ер-бу ерда гиёҳ кўқарган чўл ўртасида осмонда вижирлаб учаётган қалдирғочларнинг қўшиғига маҳлиё бўлиб, янтоқлар тагидан сап-сарик кўзларини совуқ мўлтиратган калтакесаклардан ҳуркиб «Бўстон»га етиб келди. Қатор оқ иморатлар оралаб, ёш ниҳоллар кўланка ташлаган хиёбонлардан ўтиб, колхоз идорасига кирди. Кўзибой обедга чиқиб кетган. Отабой телефон трубкасига: «Бермайман, уставни бузишга ҳақким йўқ!» деб бақирарди. Шарофат бурчакдаги курсига омонатгина ўтирди. Отабой трубкани жойига илиб, унга қаради.

— Сизглим, менда ишингиз бормиди?

— Омон акани излаб келган эдим.

— Қайси Омон? Колхозда тўртта Омон бор, қайси бири?

— Омон Шарипов.

— Э, ҳа, — деди Отабой. — У Омомми? У Омон Чўнг Олойда. Чорвада.

Шу пайт телефон жиринглаб қолди. Отабой трубкани олиб, ким биландир шошиб-пишиб гаплашди-да, ўқдек отилиб чиқиб кетди. Шарофат ёлғиз қолди. У Чўнг Олойнинг қаердалигини эшитган: Қизилсувнинг нарёғи-да. У томонларга етиш осон эмас. Бўшашиб ташқарига чиқди.

Офтоб кўзни олади. Шифер том тепасидаги телевизион антеннага қўнган мусичага икки бола тош отади. Йўл четидаги кирғокқа сапчиб оқаётган лойқа сувда бир бола қоғоз кема оқизади, унинг кетидан эрганган бола, дўпписидан кўм-кўк довучча олиб, қарсиллатиб чайнайди. Муюлишга етмасдан икки ховли берида янгигина, ҳали номери ҳам йўқ яшил «Москвич» турибди. Довучча чайнаётган бола машина деразасига тирмашиб, сигнал бериб қочди, нарироққа бориб эшик орқасига беркинди. Машина сигналига уйдан бир йиғит чиқди. У ёқ-бу ёққа аланглаб болани кўрди-ю, ёлғондан пўписа қилиб, уни қувламоқчи бўлди. Бола қочди, йиқилиб дўпписидаги довуччалар тўкилди, йиғлади, бериги уйдан югуриб чиққан Кокила болани даст кўтариб, тупроққа беланган юзидан, кўзидан ўна бошлади. Кейин бояги машинанинг эшигини очиб, болани кабинага ўтказиб қўйди. Энди бола кучининг борича сигнал берар, қийқириб қуларди.

Буларни кузатиб турган Шарофат беихтиёр кулиб юборди. Кокила нотаниш жувонининг олдига келди.

— Ҳа, ўрток, сиз ҳам чўл қувлашга келдингизми? Жуда соз бўпти-да!

— Омон акани излаб келдим, — деди Шарофат Кокилага бошдан-оёқ қараб.

— Омонжон чорвадалар. Ҳали соат тўртда Олойга вертолёт кетади. Йўл юриб чарчагандирсиз. Юринг, тамадди қилиб олинг.

Шарофат унга итоаткорлик билан эргашди. Эндигина палаги ниш уриб чиқаётган қовун полизни ёқалаб колхоз мехмонхонасига келишди. Кокила эшик олдида ёстиқ жилди, сочиқ, кўрпа филофларини юваётган семиз бир жувонининг биқинини чимдиб ўзига қаратди.

— Хой, бўктик, битта чой дамлаб бер!

Жувон билагидан совун кўпикларини сиздирар экан, қошларини чимирди:

— Ана, самовар қайнаб турибди, нима, ўзинг дамлаб олсанг эт-бетинг камайиб қоладими!

— Раиснинг хотини бир нима дегандан кейин дарров хўп дегин.

Бақалок жувон кўлидаги сочиқ билан Кокиланинг икки ўрим сочи савалаб турган жойига бир урди. Ёлғондан қочмоқчидек лапанглаб чойнак кўтариб уйининг орқасига ўтиб кетди. Улар ичкарига киришди. Меҳмонхона ичида сурат солинмаган биронта девор қолмаган, шифтда ҳам, шкаф ойналарида ҳам сурат. Иккита каравот тепасида клеёнка орқасига ишланган манзара. Кўл, оқ ўрдак, қизил осмон, ярми кўк, ярми қизил сув.

Бу суратларни мутлақо санъатга алоқаси бўлмаган бўёқчи ишлагани шундоққина билиниб турарди. Бу суратларнинг бирида дарё, кўприк, йўл тасвирланган. Осмонда самолёт, кўприкда поезд, дарёда кема, йўлда пахта ортган юк машинаси.

Кокила меҳмоннинг суратларга қараб ажабланаётганини кўриб, изоҳ бера бошлади:

— Отабой ўлгурнинг қилган иши-да. Арзон тушади деб шаҳардаги артелдан патнис бўяйдиганини эргаштириб келибди. Шифтдаги гуллар ҳосилотининг уйидаги патнисларга қараб солинган.

Шарофат учун бу суратлар дадасининг қанча минг сўмлаб сарф қилиб чиздирган суратларидан, бу уй унинг қимматбаҳо жиҳозлар билан тўлиб кетган ётоғидан соддалиги билан минг марта аъло эди. Шарофат икки пиёла чойни қайноқ-қайноқ ичиб, кўзи илина бошлади. Кокила оёқ учида ташқарига чиқиб кетди.

Шарофат қизларнинг қўшиғидан уйғонди. Қанча ухлади, қаерда ётибди, бу меҳрибон одамлар ким, билолмади. Деразадан ташқарига қаради. Радиода Кокила эълон эшиттирмоқда:

— Чорвада эри бор хотинлар, кийимларини ювиб, дамоллаб бўлган бўлсалар, меҳмонхонага олиб келишсин! Отабой ака! Отабой ака! Тўртта батарея олиб келинг! Ойша, Ойша! Ғанижон соқол қирадиган писка сўраган, дарров олиб кел! Салима! Раҳимнингга «Синчалак» билан «Қутлуғ қон»ни қайдан бўлса ҳам топиб кел! Отабой ака, газета билан «Муштум» эсингиздан чиқмасин! Қайтараман, соат тўртда Олойга вертолёт учади. Кечикманглар!

Семиз жувон косада шавла олиб кирди.

— Йўлга кетадиган одамсиз, еб олинг.

Гуруллаган товуш уларнинг суҳбатини бўлди. Иккови ҳам шошиб ташқарига чиқишди. Осмонда баҳайбат чигирткадек пириллаб вертолёт учиб келарди. Даланинг у ер-бу ерида юрган кишилар кўлларини пешоналарига

соябон қилиб, осмонга қарашарди. Мотоциклининг люль-касида бир бойлам газета билан Кокिला келди.

— Қани, меҳмон, кетдик!

Шарофат мотоциклининг орқасига минганиб олди. Семиз жувон орқадан қўл силтаб қолди.

Вертолёт қўнган жойда ўн чоғли хотин тўпланган эди. Ҳаммасининг қўлида тугун. Учувчи йиғит иккита ёноқни шапкасига бекитиб, найрангбозлик қилар, хотинлар кикир-кикир кулишарди. Отабой арқон шотига тирмашиб, кабинага тугунчаларни ташир, ора-сира учувчига нималардир деб тўнғилларди. Шарофат вертолётга чиққанида боя дўпписига довучча солиб еб ўтирган болани кўтариб олган, ўнг қовоғида қоп-қора холи бор бир жувон ҳаллослаб етиб келди. У югуриб келганидан ёноқлари терлаган, ўзи ҳансирарди. Жувон қўлидаги тугунни Шарофатга бўй чўзиб узатаркан: Омон акамга салом денг, уйдагилар, болалар тинч экан, деб айтнинг, деб тайинлади. Қўлидаги бола ҳам унга дўпписини чўзиб:

— Дадага, дадага, — дерди.

Мотор гуруллаб ҳамма ўзини четга олди. Бахайбат паррак чир айланиб, вертолёт ҳавога бигиздек тик санчилди-ю, ер пастда қолди. Қўл силтаётган аёлларнинг қизил, кўк дурралари секун-секун кичрайиб, охири кўздан ғойиб бўлди.

Агар шу пўлат куш ҳозир ерга кўнсайди, Шарофат ўша жувонни, Омоннинг муҳаббатига сазовор бўлган, унинг энг эзгу ҳисларига қалбидан жой берган кўксига ихлос билан бош қўярди, қовоғидаги ўша кўхлик холидан тўйиб-тўйиб ўпарди... Энди у Омоннинг олдига нима деб боради? Унга нималар деб айтади. Ҳозиргина уни кузатиб қолган жувонларнинг юзини, кўзини эслади. Қандай бахтли хотинлар-а! Уларнинг кўзларида соғинч, олисда, тоғ этакларида лолаларга бурканган ён бағирларда энтикиб йўлларига кўз тиккан энг азиз кишилари олдига учаётган пўлат кушнинг қанотини ҳам ўпишга, меҳр билан силаб-сийпалашга тайёр.

Пастда яшариб, яшилланиб келаётган чўл ястаниб ётибди. Шу чўл кўкатларига жон бераётган хотинлар ўз ёнларидан унга жой беришармикин? Кошки эди, унинг биринчи пешона тери шу ерларга тўкилса, чўл шамоллари унинг ҳам оппоқ билакларини қорайтирса...

Жувон кўксининг аллақаеридан садо чиққандек бўлди.

— Қол, шу ерларда қол, Шарофат! Бахтинг шу ерда! Шу бағри кенг, ҳар бир гиёҳидан тортиб янтоғигача табиий, инсон қўлига, пешона терига зор чўлларнинг

аллакаерида сенинг ҳам бахтинг яшириниб ётибди. Қидир, изла! Тунлари чўл осмонида порлаган юлдузларнинг чўғини кўрмагансан ҳали! Чўлда уфқни кизартириб чиқадиган офтобга юзингни тутмагансан ҳали! Кўкатга қалқанча ётиб, ярми қизил, ярми оқ булутларга қараб ширин ўй сурмагансан ҳали. Қол! Қол шу ерда.

Пастда чўл чир айланар, кўм-кўк майсазорлар орасидаги йўл парқи очилган сочдек бўлиб кўринарди, қорли чўққилар тизмаси эса оёқ кўйса етгудек яқинда ялтирарди.

1961 йил.

## ХАЗИНА

*«Хунарни асрабон нетгумдир охири,  
Олиб тунроққами кетгумдир охири».*

*Навоий*

Хамроҳим «Темир кўприк»да кўниб ўтишимизга унча рўйхуш бермаган бўлса ҳам, автобусдан кўярда-кўймай олиб тушдим.

— Нима қиласиз вақтни бекорга ўтказиб, чой бўлса Чимкўрғонда ичардик-да.

— Битта дутор эшитиб кетайлик. Ажойиб бир машшоқ бор. «Танавор»ни ундан зўр чаладигани йўқ. Эшитиб ўзингиз ҳам қойил қоласиз.

Хамроҳимнинг пешанаси тириниб ғалати қағаш килди.

— Э, суф сизга-е, ҳали шунга йўлдан қолиб ўтириб-мизми?! Зап ғалати одатларингиз бор-да! Радиодан дутор эшитмаганмисиз?

Унинг мендан жуда ҳафсаласи пир бўлгани кўзидан биллиниб турарди. Мен ҳам шундай завқсиз одамга йўлдош бўлганимдан койиниб, индамай кетавердим. Икковимиз шу кўйи бир-биримизга қарамай кўприкдан ўтиб, канал бўйидаги чойхона томонга бурилдик. Эндигина барг ёзган кекса толлар тагидаги сўриларда чойхўрлар унча кўп эмас эди. Олди чий билан тўсилган қатор ўчоқлар олдида шаҳардан чиққан ошхўрлар ивирсиб юришибди.

Канал бўйидаги сўрига ўтириб, дастёр болага кўк чой буюрдик. Хамроҳим ҳали ҳам чехраси очилмай сувнинг қирғоққа сапчиб урилишига бепарво қараб ўтирарди. Охири у ёнидан букланган газета олиб «Тамакнинг зарари» деган каттагина бир мақолани ўқишга уннаб кетди.

Бу камгап, ғалати одамнинг кўнглини нима билан олишини билмай хижолат бўлиб қолдим. Бу ерга кўниб ўтишдан мақсад унга Уста Мақсуднинг дуторини эшиттириш, хордиқ чиқариш эди. Ўзим ҳам бу созанданинг

машқларини бундан йиғирма йил аввал эшитганман. Орадан шунча вақт ўтган бўлса ҳам, у чалган куйининг оҳанглари хали-хали қулоғимдан нари кетмас эди. У вақтда Уста Мақсуд йиғирма беш ёшлардаги, вужудидан куч ёғилиб турган бақувват йиғит эди. Катта Фарғона канали қурилишида мухбирлик қилиб юриб, шу «Темир кўприк»ка ҳар келганимда алла-паллагача чой ичиб ўтириб, унинг машқларини эшитардим. Кунни билан тупроқ қазиган қурувчилар то ярим кечагача чойхонада қолиб кетишар, оғир меҳнат чарчоғини ижро этилаётган куйининг сеҳри билан унутишарди. Уста Мақсуд, айниқса, «танавор» йўлларини билар, уларни ажиб бир маҳорат билан ижро этарди. Бир кунни кечаси редакцияга телефонда материал бериб, кечроқ чойхонага келсам, сўриларда жой қолмабди. Ҳамма жим. Ўртадаги сўрида Уста кўзларини чирт юмиб «Фарғона танавори»ни чаларди. Четрокдаги сўрида Йўлдош ота куй мақомига тебраниб ўтирибди. У ҳар замон тиззасига ориқ бармоқларини беозоргина уриб кўяр, кўзларини Устанинг тор чертаётган бармоқларига тикиб хаёл суларди.

Мен азим туп толнинг бужур танасига суяниб, кексалар қалбида аллақачон ухлаган ёшликнинг қайинок ҳисларини уйғотиб юборган, йиғитлар кўксига йилт этган муҳаббат учқунини аланга олдираётган сеҳрли куй садоларига берилиб жимгина ўтирардим. Уста тор чертишдан тўхтаб, атрофга кулимсираб бир назар ташлади-да, дундорни эҳтиёт қилиб ёнига қўйди.

Одамлар уйқудан уйғониб кетгандек атрофга қараб олишди. Уста Мақсуд уларни худди қўлларидан ушлаб ёшлик кўчаларига етаклагандек: қара, ёшлигингга боқ, биринчи муҳаббатингни эсла, лола терган адирларингни, чўмилган сойларингни кўр, деяётгандек, ҳаёт машаққатларидан сен билан ёнма-ён туриб ўтган умр йўлдошининг кўксингга биринчи бор бош қўйиб ишқингга иқроп бўлган пайтидаги ҳаяжонини эсла, бу кунларга етолмай орзу-армонларини сенга ташлаб кетганларни унутма, дегандек бўларди.

Ҳамроҳим «Тамакининг зарари»ни ўқиб бўлгунича ўша унутилмас сирли тунни эсладим. Шу топда Уста Мақсуддан яна бир марта ўша куйни эшитгим келди. Атрофга аланглаб уни қидира бошладим. Қайрағоч тагидаги сўрида олдига чойнак қўйиб ёлғиз ўзи хаёл суриб ўтирган устани кўриб, ҳамроҳимни туртиб қўйдим.

— Ана шу киши Уста Мақсуд бўлади. Ҳозир илтимос қиламан, йўқ демайди. Одатини биламан.

Шу гапни айтдим-у, чойхоначи болага дутор келтиришни буюриб, ўзим устанинг олдига қараб кетдим. У бир қарандаёқ мени таниди.

— Э, мухбир ука, бормисиз? Биз томонларга сира келмай кетдингиз.

Хол-аҳвол сўрашдик. Канал қурилишидаги кадрдонларни эсга олдик. Мен унга Ёзёвонга кета туриб, атайин у билан учрашгани «Темир кўприк»да тушиб қолганимни айтдим.

— Йўлдош отага чалиб берган машқингиз хали ҳам қулоғимдан нари кетмайди. Малол келмаса бир эшитиб кетсам. Жуда кўпдан бери орзу қиламан.

Уста бесаранжом бўлиб қолди. Сал фурсат ўтмай кўзларини бир нуқтага тикиб, оғир тин олди. Хиҷолат чекаётгандек ийманиб деди:

— Дутор ушламаганимга ўн беш йилча бўлиб қолди. Шунақа...

У гапини тугатмай тўнининг енгини биллагича шимарди. Кўзларимга ишонмай қолдим. Чап қўлининг тирсагидан насти йўқ. Бир вақтлар торларни бекиёс чертган, санъатига кўпларни қойил қолдирган бармоқлар энди йўқ эди. Наҳотки...

— Дутор чаладиган қўлни уруш кесиб ташлаган.

Нима дейишимни, нима қилишимни билмай эсанкираб қолдим. Торларни чертишга, пардалар устига йўрғалашга моҳир бўлган қўллар кези келганда милтиқ тепкисини босишга ҳам қодир эканлиги ҳақида сира ўйлаб кўрмаган эдим. Шу топда олдимда ўтирган кишининг севган санъатидан, касбидан ажралганини, унинг ажойиб маҳоратидан кишилар бенасиб бўлганини кўриб, бу уруш ёлғиз шаҳарларнигина вайрон қилмади, ёлғиз отани боладан, болани онадан жудо қилмади, балки омон қолганларнинг ҳам танасида жароҳат излари қолдириб кетганини кўриб турардим. Орага жуда ноқулай жимлик тушди. Уста оқ оралаб қолган мўйловининг учини бураганча ниманидир ўйлаб, ерда лип-лип ўчиб-ёниб ўйнаётган офтоб тангаларига тикилиб ўтирарди. Бу совук сукунатни чойхоначи бола бузди. У йўл-йўлакай чангини артиб келган дуторни тинғиллатиб бир чертиб, кўрпача устига қўйиб кетди.

Уста хайрон бўлиб бир менга, бир дуторга қараб кишигини пирпиратди. Менинг жуда ҳам мулзам бўлганимни сезган Уста Мақсуд ўрнидан туриб дуторни қўлига олди.

— Дутор эшитгингиз келаётган бўлса, баққа юринг!

Итоаткорлик билан унга эргашдим. Чойхонадан чиқай туриб ҳамроҳим борлигини, агар малол келмаса унсам борадиган жойимизга ола кетишимизни сўрадим. Уста рози бўлди. Аммо, ҳамроҳим эҳсаси қотгандек пепанасини тириштириб зўрға кўнди.

— Аслида ўзим кетаверсам бўларкан. Нега ҳам гапинизга кириб автобусдан тушиб қолдим-а!

Кўприқдан ўтганимиздан кейин Уста дуторни менга бериб, кўча бетидаги эшикка кириб кетди-да, хаял ўтмай ана қайтиб чиқди.

— Инобат олтинчининг ерида экан, ўшаққа борамиз.

Инобат ким? Олтинчи бригаданинг даласида нима қиламиз? Бу тўғрида ундан сўрашга журъат қилмай орқасидан эргашиб кетавердик. Ҳамроҳим ҳар замон менга қараб бир хўмрайиб қўярди. «Нима, умрида дутор эшитмаган эканманми, намунча зарур бўлмаса» деб устага билдирмай мингиллар эди. Шудгор қилинган катга ердан айланиб ўтишимиз билан бирдан трактор шовқини эшитилди. Тутзордан бир гала зағча қағ-қағ қилиб осмонга кўтарилди. Уста ҳамон чурк этмасди. Дала шийпонига етиб келганимиздан кейингина унинг чехраси очилгандек бўлди. Бу ерда ўн чоғлик киши даланинг ҳар ер-ҳар ерида нима биландир машғул бўлиб юрарди. Шудгор қилинган даланинг у бошидан бу бошига сим тортилиб, трактор шу сим ёқалаб чигит қадаб келарди. Хали гулламаган ёввойи жийда тагидаги ерўчоққа ўт қалаб ўтирган хотин бир даста коса кўтариб ариқ томонга ўтди. Уста тепага келган қуёшга кўзини қисиб қараб: «Айни тушлик пайтида келибмиз», деди. Трактор ерининг нариги бошида тўхтаб, ундан комбинезон кийган ўрта яшар бир жувон тушди. У шийпон томонга қараб олди-да ўлчов симига козиқ қоқётган кишиганимадир деб қичқирди.

Бирин-кетин шийпонга одам йиғила бошлади. Тракторчи жувон Устани кўриб: «Ҳа, домлака, нима қилиб юрибсиз!» — деди унинг қўлидаги дуторга ҳайрон бўлиб қараркан.

— Меҳмон бошлаб келдим, қизим. Дуторингни эшитгани атайлаб узоқдан келишибди. Йўқ демай чалиб бер, Инобат қизим.

Инобат қорамой бўлиб кетган қўлларини латта билан артиб, дуторни олди. Тик турганича бир тиззасини сал букиб кўтарди-да, дутор пардаларини қулоғи яқинига олиб бориб созлай бошлади.

— Нимани чалиб берай? — деди у шийпон зинасига оёқ қўяр экан.

— Нимани чалиб берсин? — дея бизга юзланди Уста.

Мен ундан Уста аканинг Йўлдош отага чалиб берган «Фарғона танавори»ни чалишини илтимос қилдим.

Инобат кўрпача устига ўрнашиб ўтириб олгандан кейин дастрўмолини хўллаб, торларни артиб, устасининг салобати босаётгандек журъатсизлик билан куйни бошлади. Ер остидан ҳамроҳимга қарадим. У гўё ҳеч нарса бўлмагандек ўчоқдан чиқаётган тутунга лоқайд қараб ўтирарди. Аввалига ҳиссиз, шунчаки бошланган куй бирданига ўтирганларнинг хаёлини олиб кўйди. Инобат кўзларини юмиб, ўзи чалаётган куйдан ўзи таъсирланиб тебранар, гоҳ кўзини очиб офтобда гулхандек ёнаётган адирдаги лолаларга қарар, гоҳ бошини сал орқага ташлаб шифтдаги калдирғоч уясига тикилганича киприк қокмай туриб коларди. Қўллари пардалар устида эркин йўрғалар, гўё дутор дастасини эзиб ундан анвойи оҳангларни сиқиб олаётгандек, бармоқлари эса торларни худди қалбни тирнаётгандек тимдаларди. Одам қалбига тоғ хавосидек ёқадиган куй яратаётган мана шу қўллар бундан бир неча минут илгари оғир трактор мурватларини бошқарганига сира ишонгим келмасди. Бу куй менга ёшлигим, болалигимни яна қайтариб келди. Торларнинг гоҳ денгиз довулларидек шиддаткор, гоҳ саҳар елларидек юмшок садолари йиллар ўтиб қалб қаърида унутилиб кетган ажиб болалик ҳисларини туғёнга келтирди. Вужудимда ҳалигача ҳеч ким билмаган ва ҳеч ким қилолмайдиган аллақандай зўр, жуда ҳам зўр ишлар қила олишга қодир бир куч пайдо бўлаётгандек эди. Дуторига жўр бўлгим, атрофда мавж уриб турган баҳор манзараларини кўшиққа солиб куйлагим келарди. Ҳамроҳимга қарадим: унинг кўзида ёш йилтирарди. У иягини кафтлари орасига олиб жимгина ўтирар, елкаси тез-тез силкинаётганини сезмасди.

Негадир Уста Мақсуднинг юз-кўзида ҳаяжон сезмадим. У куйнинг одамларга таъсиридан кўра, ижрочининг торини қандай чертишига, пардаларни қандай босишига кўпроқ диққат қиларди. Устанинг кўз қарашларида, юз ифодаларида адашмасмикан, усулдан чиқиб кетмасмикан, деган ташвиш сезилиб турарди.

Назаримда, бу уста санъаткор узок йиллар меҳнат машаққат билан топган хазинасини эритиб, шогирдининг қалбига қуяётганга ўхшарди. Инобат эса бу санъат гавҳарининг устидаги чанг-ғуборни артиб, унга янги жилло, янги сайқал бериб кишилар юрагига олиб кирарди.

1960 йил.

Халк севган адиб. <i>О. Шарафиддинов</i> . . . . .	5
Сароб . . . . .	12
Азронл ўтган йўлларда . . . . .	26
Қишдан қолган қарғалар . . . . .	56
Букаламун билан учрашув . . . . .	67
Азоб . . . . .	72
Корақўз мажнун . . . . .	81
Меҳрибон . . . . .	93
Муҳаббатнинг туғилиши . . . . .	100
Кўзларингда ўт бор эди . . . . .	105
Тўлкинлар . . . . .	111
Ялпиз хиди . . . . .	115
Ўн саккиз ёшнинг . . . . .	121
Зумрад . . . . .	126
Мўтти . . . . .	134
Сумбул . . . . .	140
Дайлак келди . . . . .	147
Тоғ афсонаси . . . . .	152
Сувлар оқиб кетди . . . . .	158
Учинчи минора . . . . .	164
Хотин . . . . .	172
Баҳор сувлари . . . . .	178
Турналар . . . . .	182
Иқбол чиқоклари . . . . .	189
Раҳмат, азизларим . . . . .	195
Онажонлар . . . . .	201
Пойқадам . . . . .	206
Бегона . . . . .	213
Алла . . . . .	217
Кечиккан севги . . . . .	221
Баҳор кизлари . . . . .	240
Чўл хикоялари . . . . .	
Чўл бургути . . . . .	248
Ўрик домла . . . . .	252
Лочин . . . . .	258
Чўл шамоллари . . . . .	
Одам ва бўрон . . . . .	264
Бўстон . . . . .	270
Ер уйғонди . . . . .	277
Тўйбоши . . . . .	287
Сени излаб . . . . .	293
Хазина . . . . .	298

САИД АХМАД

*Танланган асарлар*

III жилдлик

*I жилд*

ҲИКОЯЛАР

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни  
'Дош тахририяти  
Тошкент — 2000

Мухаррир *З. Мирзоҳакимова*  
Рассом *В. Куликов*  
Бадии мухаррир *М. Сачойлов*  
Техник мухаррир *Д. Габдрахмонова*  
Мусаххих *Ю. Бизаатова*

Теринга берилди 31.01.2000 й. Босишга рухсат этилди 20.03.2000 й.  
Бичими 84x108 <sup>1/32</sup>. Кудряшев гарнитураси. Офсет босма. Шартли  
босма табағи 15,96. Нашриёт ҳисоб табағи 17,0. Адади 10000 нусха.  
Буюртма № 67. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси, 700083,  
Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.